

**ЎЗБЕКИСТОН**  
**ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ**  
**АХБОРОТИ**

\* \* \*

**ИЗВЕСТИЯ**  
**ГЕОГРАФИЧЕСКОГО**  
**ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА**

---

**45 – жилд**

---

**Тошкент-2015**

**Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 45-жилд.**

Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент, 2015 йил. – 226 бет.

Жамият ахборотининг навбатдаги жилдида география фанининг назарий ва амалий масалалари, жумладан табиий ва ижтимоий география, куруклик гидрологияси ва метеорология, картографияга ҳамда география таълими ва методикасига бағишланган мақолалар киритилган.

Журнал мақолаларидан бакалавр ва магистрантлар, катта илмий ходим ва тадқиқотчилар, ҳозирги замон география фани ва таълими муаммолари билан кизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

**Таҳрир ҳайъати:***г.ф.д., профессор***А.С.Солиев***(бош муҳаррир)**г.ф.д., профессор***Ф.Ҳ.Ҳикматов***(бош муҳаррир ўринбосари)**г.ф.д., профессор***А.Қ.Абдуллаев***г.ф.д., профессор***М.М.Маматкулов***г.ф.д., профессор***Т.М.Мирзалиев***г.ф.д., профессор***А.Н.Нигматов***тех. фанлари доктори***Э.Ю.Сафаров***г.ф.д., профессор***А.А.Қаюмов***г.ф.н., доцент***А.Э.Эгамбердиев***(масъул котиб)*

Солиев А.С.

## ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ОМИЛЛАР ЁХУД ГЕОГРАФИК СИНТЕЗ ҲАҚИДА

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистонда табиий ва иқтисодий (ижтимоий) география фанларининг ўзаро алоқада ривожланиш масалалари кўриб чиқилган. Асосий эътибор хусусий ва умумий география фанининг интеграцион салоҳиятига қаратилган.

**Калит сўзлар:** фан, табиий география, ижтимоий (иқтисодий) география, интеграция, синтез, фанлараро алоқалар, илмий йўналишлар.

Салиев А.С.

## ФИЗИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ В ЭКОНОМИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ ИЛИ О ГЕОГРАФИЧЕСКОМ СИНТЕЗЕ

**Аннотация:** статья посвящена анализу сопряженного развития физической и экономической (общественной) географии в Узбекистане. Особое внимание уделяется интеграционному потенциалу частных географических наук и общей географии в целом.

**Ключевые слова:** наука, физическая география, общественная (экономическая) география, интеграция, синтез, межпредметные связи, научные направления.

Soliev A.S.

## PHYSICAL GEOGRAPHIC FACTORS OR ABOUT GEOGRAPHIC SYNTHESIS IN INVESTIGATING ECONOMICAL GEOGRAPHY

**Resume:** the article dedicated to comparative analysis of development of physical and economical (social) geography of Uzbekistan. Importance is given to the integration of potentials specified geographical sciences and general geography in whole.

**Key words:** science, physical geography, social (economical) geography, integration, synthesis, collaboration, scientific trends.

География фанининг бир бутунлиги ва, айни вақтда, унинг икки қаноти – табиий ҳамда иқтисодий (аниқроғи – ижтимоий) географиянинг мавжудлиги ушбу фаннинг фронтал ривожланишини таъминлаб беради. Модомики, географиянинг бош фалсафий масаласи табиат ва жамият ўртасидаги ҳудудий муносабатлар экан, табиатни табиий география, жамиятни эса иқтисодий эмас, кенг кўламли ижтимоий география ўргангани.

Таъкидлаш жоизки, дастлабки табиий географик билимлар ижтимоий географиядан кўра олдинроқ вужудга келган, чунки табиат жамият шаклланишидан аввалроқ ҳам бор эди. Ижтимоий (иқтисодий) география фанининг вужудга келиши эса ижтимоий, сўнгра ҳудудий меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва шу асосда савдо-сотик, хунармандчилик билан боғлиқ бўлган. Эҳтимол, табиий географиянинг юқоридаги генетик хусусияти унда дифференциация жараёнининг олдинроқ юзага келишига олиб келган. Чунончи, геология ва табиий география қиррасида геоморфология, физика билан табиий география ўртасида иқлимшунослик, метеорология каби фанлар ривожланиб борган. Кейинчалик табиий географиянинг эволюцион таракқиетида ландшафт-

шунослик катта аҳамият касб этган ва у ушбу фаннинг марказидан жой олган. Зеро ландшафт барча табиий географик жараёнларни, уларнинг натижаларини ўзида мужассамлаштиради<sup>1</sup>.

Иқтисодий география фанининг, бизнингча, *уч тарихий манбаси* бор. Уларнинг энг биринчиси, албатта, табиий география ҳисобланади. Сабаби, иқтисодий географиянинг (у кейинчалик ижтимоийга айланган) дастлабки йўналиши – қишлоқ хўжалиги ёки, ҳозирги замон тили билан айтганда, агрогеография, хусусан деҳқончиликнинг чорвачиликдан ажралиб чиқиши ва, айниқса, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши бевосита табиий географик омиллар, яъни жойнинг тупроғи, ҳарорати, намлик кўрсаткичлари таъсирида вужудга келган. Худди шундай, табиий географик омиллар асосида ўрмон хўжалиги, балиқчилик, тоғ-кон саноати сингари иқтисодиёт йўналишлари ривожланган.

Ҳозирги иқтисодий (ижтимоий) география фанининг қолган икки генетик манбаи сифатида немис статистикаси ва немис штандорт назариялари хизмат қилган. Статистика, яъни дастлабки ҳолат-

<sup>1</sup> Муаллиф табиий география фанини тўлиқ билишга асло даъво қилмайди. Бинобарин, унинг бу мулоҳазаси аниқ бўлмаслиги мумкин.

даги унинг мазмуни – давлатшунослик негизида сиёсий ва унинг бир йўналиши – харбий география ҳам шаклланган. Штандорт назарияси (И.Тюнен, А.Вебер, В.Кристаллер, А.Лёш ва бошқа олимлар ғоялари) эса бевосита ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви, унинг омиллари ва қонуниятларини ўрганувчи турдош фанлар: иқтисодий география ҳамда анча кейин “майдонга чиққан” минтақавий иқтисодиётнинг вужудга келишида назарий асос ҳисобланган.

Шу ўринда эслатиш лозимки, иқтисодий географиянинг фанлар тизимидаги ўрни, унинг айна пайтда ҳам табиий, ҳам ижтимоий фанлар тизимида мансублиги бу фаннинг тарихий ривожланиб боришида ўзига хос хусусиятларни касб этган. Масалан, иқтисодий география дастлаб статистика, иқтисодиёт таркибига кирган ва фақат XX асрнинг 30 – йилларида у *статистика – тармоқ* йўналишидан *районлар* йўналишига ўтган (унинг асосчилари Н.Н.Баранский, С.В.Бернштейн-Когон бўлган). Ушбу йўналишнинг ҳаддан ташқари тез ривож топиши, кичик-кичик ҳудудлар, турли миқёсдаги иқтисодий районлар тавсифланишига ҳам устувор аҳамият берилиши, айна вақтда, иқтисодиёт тармоқларига эътиборни анча сусайтирди. Ваҳоланки, ҳар қандай иқтисодий географик тадқиқот тармоқ ва ҳудудий (район) ёндашувларнинг ўзаро уйғунлашуви, “тармоқ – ҳудуд – тармоқ – ҳудуд” тизимида олиб борилишини тақозоэтади ва бу ҳақиқат мазкур фаннинг методологик талабларидан биридир. Тармоқ йўналишининг географлар томонидан бутунлай унутилиши ёки унга эътиборнинг кучсизланиши “ҳудуд – тармоққа” урғу берилишининг ортида методологик бўшлиқ, вакуум ҳосил бўлишига олиб келган ва бу “эгасиз” қолган жойда қисман ҳудудий фикрловчи иқтисодчилар ёки иқтисодий фикрлаши устунроқ бўлган географлар томонидан гибрид фан – минтақавий иқтисодиёт “яратилган”. Бу фанларнинг вужудга келиши катта баҳс – мунозараларга сабаб бўлган ва оқибатда ўзаро келишувга келинган: минтақавий иқтисодиёт – географийлашган иқтисодиёт, иқтисодий география – иқтисодийлашган география

сифатида эътироф этилган.

Сирасини айтганда, минтақавий иқтисодиётнинг назарий асоси иқтисодий география ҳисобланади. Қолаверса, XX–асрнинг 60–йилларида “Минтақавий фанлар уюшмасининг” асосчиси Пенсильвания университети география факультетининг декани У.Айзард (Изард) бўлган. 1970 – йилларда собиқ Иттифоқ Давлат режалолаштириш қўмитасининг раиси, дастлабки “Минтақавий иқтисодиёт” монографиясининг муаллифи Н.Н.Некрасов эса таниқли иқтисодий географ Н.Н.Колосовскийнинг аспиранти бўлган<sup>1</sup>.

Иқтисодий географиянинг минтақавий иқтисодиёт билан ўзаро “талашуви” унинг тарихий илдизи ва доимий яқин сафдоши бўлган табиий географиядан бироз узоқлаштирди. Баъзи етакчи иқтисодий географлар иқтисодчилар орасида “географ”, ўзларининг география жамоасида эса “иқтисодчи” бўлиб қолишди. Аслида бундай эмас, иқтисодий география илм – фан маконида ўзига муносиб, мустикал ижтимоий мавқеи, нуфузига эга.

Иқтисодий географик тадқиқотларнинг деярли барчаси у ёки бу даражада, албатта, табиий география маълумотларига таянади, уларга иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан баҳоберилади. Ҳар қандай географ ўз тадқиқотида бевосита ёки билвосита табиий географик омилларга мурожаат қилади. Бу унинг энг муҳим касбий сифати бўлиб, айна вақтда илмий детерминистик дунёқарашга ҳам мос келади. Профессор З.М.Акрамов ва у яратган агрогеографик тадқиқотлар йўналишининг вакиллари Р.Ҳодиев, Т.Эгамбердиев, С.Саидкаримов, М.Юсупов, А.Рўзиев, Е.Умаров, Қ.Алланов, М.Маҳмудова ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида табиий географик омиллар, хусусан агроиклимий ресурслар бевосита иштирок этган.

Ўзбекистон бажарилаётган иқтисодий географик тадқиқотларнинг аксариятида жойларнинг табиий географик хусусият-

<sup>1</sup>Дарвоқе, Марказий Осиё давлатларида биринчи “Минтақавий иқтисодиёт” бакалавр йўналиши ҳам 1998/1999 ўқув йилида ТошДУ “Иқтисодий география” кафедраси негизида муаллиф сазй-ҳаракати, ташаббуси билан йўлга қўйилган эди.

лари ҳисобга олинади. Бинобарин, иқтисодий географияга бу борада эътироз билдириш ноўриндир. Жумладан, Т.Жумаевнинг тоғ ҳудудлари географияси, Ю.Аҳмадалиевнинг ер ресурсларидан фойдаланиш бўйича олиб бораётган тадқиқотлари, Ш.Жумахоновнинг дарё-сой ҳавзаларида аҳоли жойлашув тизимининг шаклланиши, З.Тожиевнинг ҳудудларнинг демографик сифими ҳақидаги изланишлари, Н.Комилова ва М.Ҳамроевларнинг тиббий география, З.Райимжоновнинг “ресурс шаҳарлар”, Т.Шотўраев ва Ш.Азимовларнинг сув омборлари, Х.Турсуновнинг урбоэкология, Б.Зиёмухамедовнинг рекреация, М.Усмоновнинг туризм географияси, А.Сатторовнинг Сурхондарё вилояти қишлоқ аҳоли пунктларининг жойлашуви, А.Мавлоновнинг чўл ҳудудлари шаҳарлари, П.Қурбоннинг Жанубий Ўзбекистон минтақасида урбанизация жараёни, А.Баратовнинг ирригация тизимларидан фойдаланишга оид илмий ишлари табиий географик омиллар билан сингдирилган. Бундай мисоллар қаторини яна кенгайтириш мумкин. Умумий ҳулоса шундан иборатки, иқтисодий географик тадқиқотлар табиий географияга “содик” ҳолда иш тутадилар. Аммо, акс вазият ҳам шундай-ми? Табиий географик тадқиқотлар ҳам иқтисодий географик ҳулоса ва тавсияларга олиб келадими, уларга “чиқадими”? Фикримизча, ҳар доим ҳам бундай мувозанат, муносабат (паритет), афсуски, унча кузатилмайди.

Тўғри, тан олиш керак, Л.Бабушкин, Ф.Мўминов, Т.Мухторов, А.Абдуллаев, А.Абулқосимов, П.Баратов, Ш.Зокиров, А.Маматов, А.Раҳматуллаев, А.Соатов, Б.Камолов, Ф.Ҳикматов, И.Назаров, А.Низомов, Р.Усмонова каби табиий географлар ва гидрологларнинг илмий ишлари иқтисодий географик мазмунга ҳам эга. Айниқса, А.Рафиқовнинг мелиоратив географияси, Ҳ.Ваҳобовнинг муҳандислик географияси, А.Абулқосимов ва унинг издошларини антропоген ландшафтлар ҳақидаги тадқиқотлари иқтисодий географияга анча яқин туради. Инсон ва ишлаб чиқариш таъсирида табиий муҳитнинг ўзгариши, салбийлашуви ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари геоэкологик йўналишнинг вужудга

келишига сабаб бўлди.

Бундай аввал таъкидлаганимиздек, амалий аҳамияти ҳам энг аввало шунда. Бироқ, назаримда, ижтимоий-иқтисодий мақсадларни, натижаларни кўзда тутиш барча табиий географик изланишларда ҳам мавжуд эмас. Ҳар ҳолда жойнинг ер усти тузилиши ёки иклими, тупроғи, гидрогеографияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўз-ўзича эмас, пировард натижада аҳоли ва унинг яшаш шароити, хўжалик тармоқларининг жойланиш ёки жойлаштириш имкониятлари нуқтаи назаридан тавсиф, тадқиқ ва таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ. Географ учун мамлакатимиз иқлимининг континенталлиги ёки унинг геосиёсий ўрни, денгиз ва океанлардан узоқда жойлашуви, ер усти тузилишини шунчаки билиш муҳим эмас, қолаверса, бунинг учунгина географ бўлиш ҳам шарт эмас. Энг муҳими бундай иқлимий ва бошқа географик шароитнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий оқибатлари, уларнинг мамлакатимиз ривожига таъсирини чуқур англашдир.

Хуллас, парокандаликка тушмаслик учун табиий ва иқтисодий (ижтимоий) географлар ҳамжиҳат, ҳамнафас ва ўзаро мустақкам иттифоқда бўлмоқлари даркор. Бу икки фаннинг бир кишида мужассамлашувини ўтмишда В.М.Четиркин, ҳозирда эса В.Федорко илмий ишларида кўришимиз мумкин. Хусусан, унинг табиий-хўжалик районлаштириш тўғрисидаги илмий ишлари табиий ҳамда иқтисодий-ижтимоий географик ёндашувнинг ўзаро уйғунлашуви асосида олиб борилмоқда. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, бугунги фанларнинг дифференциялашуви ва интеграциялашуви шароитида тадқиқотчининг қайси бир йўналишни кўпроқ билиши, унга ихтисослашуви талаб этилади. Зеро, сирасини айтганда, “умуман географ”, унинг барча соҳаларини бирдай даражада биладиган шахснинг ўзи ҳам ҳозирги кунда бўлмаса керак. Умуман географ ёки кимёгар йўқ, балки бу фанларнинг аниқ соҳаларига ихтисослашган географ ёки кимёгар бор, холос.

Сўнгги йилларда географик синтез, бу фаннинг синтез қудрати ҳақида кўп гапирилади. Аммо ҳар қандай синез тизим-

таркиб ва гносологик нуқтаи назардан анализсиз бўлмайди; бир бутунликни билиш учун аввал уни алоҳида қисмларга ажратиб ўрганиш ва шу асосда умумий хулоса чиқариш, қонуниятларни аниқлаш зарур. А.Гумбольдтнинг тўлиқ географик фикрлаши ҳам айнан шундай методологик ёндашувдан келиб чиқади. Бинобарин, география фанини унинг табиий ва ижтимоий қисмларисиз талқин ва ташфиқ қилиш ҳақиқатга зиддир. У ҳолда география фан эмас, оддий ўқув предмети бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам баъзи Европа мамлакатларида уни умумтаълим мактаблар ўқув режасидан бутунлай чиқариб ташлаш фикрлари пайдо бўлган. Географияни ҳам барча фанлар каторида кўриш, ижтимоий нуфузини кўтариш учун уни чексиз рақам ва фактлардан кутқариш, номенклатур йўналишдан воз кечиш керак. Афсуски, географияда фактлар кўп, ғоялар эса оз; нимагадир ўқувчилар мактабда И.Ньютон, Пифагор ёки Ч.Дарвин, К.Линней, Фарадей каби олимлар яратган қонуниятлар, ихтироларни билишади-ю, географияда фақат “энг-энг” кўрсаткичларни (энг узун дарё, энг катта орол, энг чуқур жой, энг баланд чўққи, энг кўп автомашиналар ёки ишлаб чиқарадиган давлат ва ҳ.к. ва б.) куруқ ёдлаб олишга мажбур қилинади. Наҳотки, бизнинг фанимизда ҳам умумтаълим мактаблари даражасида бирор-бир қонуниятлар бўлмаса? Шубҳасиз, улар бу фанда ҳам бор, аммо унинг ўқитилиши, дарсликларимизда камчиликлар бор.

Географик синтез ички ва ташқи, кўп қатламли бўлади. Биринчиси ушбу фаннинг ички тузилмаси, уларнинг ўзаро интеграциясида, иккинчиси, бошқа фанлар билан алоқасида намоён бўлади. Бу иккиликда, назаримда, энг аввало, фанимизнинг мустаҳкам ва мустақил бўлиши учун унинг ички, горизантал ва вертикал алоқалари ривожланган бўлмоғи зарур. Бу хусусда ҳам икки босқич бор: биринчиси – табиий ва ижтимоий географик фанлар таркибидаги алоҳида фан ёки йўналишларнинг ўзаро интеграцияси бўлса, иккинчиси – табиий ва ижтимоий географиянинг ўзаро муносабати назарда тутилади. Табиий географияда ички дифференциация жараёнлари, фанларнинг

турланиши аввалроқ бошланган ва ҳозирги кунда биров сусайган. Иқтисодий географияда эса бундай жараён кечроқ бошланиб, бугунги кунда жадал давом этмоқда. Анънавий иқтисодий география аҳоли ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси орқали иқтисодий ва социал географияга, сўнгра унинг ижтимоий географияга айланишига тиббиёт, жиноятчилик, таълим, маданият географияси каби йўналишларнинг вужудга келиши мисол бўла олади. Бунга иқтисодий географиянинг ижтимоийлашуви, ижтимоий соҳаларнинг мураккаблиги ва кўп қирралиги сабаб бўлмоқда.

Географик синтезнинг юқори ёки иккинчи даражаси унинг ташқи, фанлараро алоқаларига асосланади. Бу борада айтиш жоизки, фанимизнинг “географик ўрни” ҳам ўзига хос, қулай. Модомики, қачон ва қаерда **худуд** тўғрисида сўз борар экан, унинг эгаси албатта география бўлганидек, бу фан жуда кўп бошқа фанлар билан алоқа қилади, фақат уларнинг худудий жиҳатлари бўлса, бас. Бинобарин, *қатор фанларнинг ўзларини эгаси бор ва, шу билан бирга, уларнинг умумий бир эгаси бор, у ҳам бўлса география*. Бу фан, фалсафий дунёқараш нуқтаи назаридан, кўпчилик фанларнинг (биология, тупроқшунослик, тиббиёт, иқтисодиёт, сиёсат, демография, психология, социология ва б.) “умумий махражи” ҳисобланади. Сабаби, ҳар қандай ҳодиса ёки воқелик маълум бир вақтда (даврд, замонда) ва муайян бир жойда – маконда содир бўлади. Шунинг учун ҳам биологияга турдош ўсимликлар ва ҳайвонлар географияси ёки геоботаника ва зоогеография каби шунга ўхшаш бошқа фанлардан “қўшалок” йўналишлар вужудга келган. Геоморфология, метеорология ва иқлимшунослик, геэкология, геосиёсат, минтақавий иқтисодиёт, нозогеография, геопсихология, геокримнология, урф-одат географияси (“поведенческая география”), топонимика сингари фан ёки илмий йўналишлар ҳам мавжуд ва уларнинг сони тоборо кўпайиб бормоқда.

Ҳатто фанимизга номланиши жуда яқин бўлган геологияда ҳам бундай хусусият йўқ. Масалан, ўсимликлар геологияси, тупроқлар геологияси мавжуд

эмас. У асосан физика, кимё сингари айрим фанлар билан “қўшма” йўналишлар ҳосил қилади (геокимё, геофизика, гидрогеология ва б.). Гарчи ҳар икки фаннинг ҳам ўзаги “гео” бўлса-да, геологияда у асосан *ер*, географияда эса *худуд*, *жойни* англатади.

Шундай қилиб, табиий ва ижтимоий географиянинг тенг ҳуқуқлик ҳамкорлиги, уларнинг ички тузилмасини жипслиги ва мустақамлиги, бир бутунлиги, умумий география фанининг “ташқи” алоқалари унинг ситез салоҳиятини кучайтиради, илмий ва амалий аҳамиятини, ижтимоий нуфузини кўтиради. Аммо негадир, халқ, омма тасаввурида география бу асосан

табиий география, харита ёки тоғу-тошлар, чўлу-биёбонлар билан шуғулланадиган оддий ўқув предмети сифатида сингилиб кетган. Бундай номувофиқликни, жўшқин табиий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаракатларга бой олам сирларини билувчи география фанимизни ноҳақ камситишни бартараф этиш география таълимида жиддий ўзгаришларни талаб қилади. Бу борада ўқувчиларда ҳам табиий, ҳам ижтимоий-иқтисодий географик замонавий билимларни уйғунлаштирган ҳолда шакллантирувчи дарсликларни яратиш ҳам шу куннинг долзарб масаласидир.

Дружинин А.Г.<sup>1</sup>

### ОБЩЕСТВЕННАЯ ГЕОГРАФИЯ В СОВРЕМЕННОЙ РОССИИ: ТРЕНДЫ, ПРОБЛЕМЫ, ПРИОРИТЕТЫ

**Аннотация:** показано воздействие постсоветской трансформации на структуру российской общественной географии, её теорию и методологию, охарактеризованы основные центры современной российской общественной географии; проанализированы финансовые, кадровые и институциональные предпосылки развития науки.

**Ключевые слова:** общественная география, Россия, постсоветский период, наука, направления научных исследований.

Дружинин А.Г.

### ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯ БУГУНГИ РОССИЯДА: НАТИЖАЛАР, МУАММОЛАР, УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

**Аннотация:** мақолада Россияда ижтимоий географиянинг сўнгги йиллардаги ўзгариш жараёнлари, унинг назарий-услубий марказлари, ушбу фан ривожланишининг молиявий, институционал ва бошқа имкониятлари кўриб чиқилган. Мақола кенг мазмунда ёритилган бўлиб, у ўзбекистонлик мутахассисларга ҳам қизиқарли маълумотлар беради.

**Калит сўзлар:** ижтимоий география, Россия, собиқ Совет тузумидан кейинги давр, фан, илмий тадқиқот йўналишлари.

Drujinin A.G.

### THE SOCIAL-ECONOMIC GEOGRAPHY IN MODERN RUSSIA: TRENDS, PROBLEMS AND PRIORITIES

**Abstract.** Represents the effect of post-Soviet transformation of the structure of the Russian social- economic geography, its theory and methodology, describes the main centers of modern Russian social- economic geography; analyzed the financial, human and institutional preconditions for the development of science.

**Key words:** Human Geography, Russia, post-Soviet period.

Россия (с её обширнейшим и в высшей степени фрагментированным в природном, социально-экономическом и этнокультурном отношении пространством) для профессионального географа – сложнейший, увлекательнейший объект исследования, предполагающий оперирование широкой «палитрой» инструментальных средств и подходов. Отвечая на «вызовы» пространства и потребности учёта

географического фактора в социально-экономическом развитии, с конца XVIII века в России формируется сильная и оригинальная экономико-географическая школа; её «пик» (практически совпав с периодом обретения страной наивысшей за всю свою историю экономической и политической мощи [11]) пришёлся на середину - вторую половину XX столетия. Современная российская **общественная**

<sup>1</sup>Дружинин Александр Георгиевич, доктор географических наук, профессор, Председатель Координационного совета Ассоциации российских географов-обществоведов, директор Северо-Кавказского НИИ экономических и социальных проблем Южного федерального университета.

**география** (в настоящее время в профессиональном сообществе это словосочетание – наиболее популярно), функционируя в сложном контексте кардинальных хозяйственных, политических и социокультурных изменений на постсоветском пространстве, во многом наследует её достижения и наработки.

Распад СССР, появление новых границ, геополитических субъектов и очагов конфликтов, глубокий экономический кризис и социальное расслоение, деградация базовой инфраструктуры, приватизация и переориентация хозяйственных связей, глобализация и существенная коррекция позиций страны в мировом разделении труда, терциаризация, де- и реиндустриализация, депопуляция и локальный демографический рост, этнокультурные изменения и миграционные потоки – эти и многие иные корреспондирующие с ними процессы имеют свои географические формы и проявления, способствуют трансформации территориальной организации российского общества, модифицируют экономико-географическую проблематику, инициируют эволюцию российской общественной географии.

На фоне почти вековой дискуссии (начатой ещё в 1920-е годы, а ныне практически утратившей свой накал) происходило последовательное самопозиционирование российской экономической (общественной) географии как **самостоятельной научной дисциплины** и, одновременно, части единой системы географических наук. Характерно также, что со второй половины 1970-х и вплоть до конца 1980-х гг. в советской географии была достигнута (усилиями Ю.Г. Саушкина, С.Б. Лаврова, А.Г. Исаченко и ряда других научных лидеров того периода) определённая степень паритета и продуктивного взаимодействия общественной (социально-экономической) и природо-ведческой составляющих. Показателен в этом отношении изданный к XXV Международному географическому конгрессу сборник «Советская география», в котором из 26 материалов – 13 иллюстрируют вектор общегеографического

синтеза [10].

В постсоветский период (в условиях «социологизации» и «гуманизации» науки, когда наиболее активно развивалось взаимодействие общественной географии с социологией, политологией, экономикой, культурологией) предметно-содержательные основания для обеспечения продуктивного единства в системе географических наук, тем не менее, устойчиво воспроизводились. В частности, подготовка специалистов в вузах неизменно ведётся в рамках единого направления «география», а основу современной российской географической культуры, по-прежнему, составляют обладающие мощным интеграционным потенциалом учения о ноосфере и геосистемах, концепции «геотехнических систем», природно-ресурсного потенциала, ресурсного цикла, страноведческий и геоэкологический подходы [7]. Характерно также, что уже именно в российской общественной географии (в конце XX – начале XXI вв.) обрели популярность «стыковые», ориентированные на исследование триады «природа-население-хозяйство» в её целостности теории этногенеза (*Л.Гумилёв*) и «устойчивого развития» (*В.Котляков, Н.Касимов и др.*), были продолжены работы в области природно-хозяйственного районирования (*В.Разумовский, Г.Сдасюк и др.*), проявился интерес к изучению культурно-ландшафтного наследия, сакральных ландшафтов, региональных типов экологической культуры, роли природных факторов в формировании регионального имиджа и брендов территории (*Ю.Веденин, В.Калуцков, В.Рагулина и др.*) [15]. Значимым фактором активизации интеграционных процессов стало и опережающее развитие таких «смежных» (природно-общественных) направлений географического анализа как рекреационная география.

В последнее время исследовательская активность на «стыке» общественной и физической географии ещё более актуализировалась благодаря приоритетам научного обеспечения «арктического вектора» геоэкономики и геополитики России, индустриального освоения



территорий Сибири и Дальнего Востока, реализации крупных инфраструктурных проектов (наподобие газотранспортной системы «Сила Сибири» и др.). Интеграционные процессы в географии инициируются, также, необходимостью повсеместного учёта качества локальной и региональной среды (включая её природно-экологическую составляющую) и вероятностного воздействия на неё глобальных ресурсно-экологических трендов (нарастающего дефицита плодородных земель и водных ресурсов, угрозы резких климатических изменений с их неизбежной проекцией на системы расселения и хозяйства и др.). При этом дезинтеграционные векторы в системе географических наук по-прежнему превалируют, в том числе и для самой общественной географии, всю последнюю четверть века продолжавшую (в русле тренда **дифференциации**) активно видоизменять внутреннюю структуру, выдвигая на авансцену новые свои субдисциплины и сферы научной активности.

Именно в постсоветский период оказались сформулированы теоретические основы российской **политической географии и геополитики** (С.Лавров, Н.Мироненко, Н.Каледин В. Колосов, Л.Смирнягин, Н. Багров и др.); важной их составляющей (ныне – в особой мере актуализированной и активно разрабатываемой) является **географическая идентификация и концептуализация Евразии и евразийской интеграции** (Л. Гумилёв, С. Лавров, В. Каганский, Д.Замятин, А. Дружинин, В. Шупер).

Одной из острых проблем, вставших перед Россией после распада СССР, явилось возникновение десятков тысяч километров новых государственных границ, потребовавшее адаптации к ним хозяйства и всего общества, особенно в приграничных районах [5]. На волне изменений 1990-х гг. стала активно развиваться **геополитическая лимнология** (В.Колосов, Л. Попкова, Р. Туоровский и др.). Обозначился интерес к исследованию **трансграничных географических структур** (П. Бакланов, С. Ганзей, Т. Герасименко, Л. Корытный, В. Колосов, Г. Фёдоров и др.), в первую очередь в

метарегионе Балтики, Причерноморья, Азиатско-Тихоокеанского региона, российско-украинском и российско-казахстанском приграничье и т.д.

Наряду с геополитическими сюжетами, приоритетные усилия российских географов-обществоведов в последнюю четверть века были также направлены на осмысление трансформаций собственно постсоветского социально-экономического пространства (А. Алексеев, С. Артоболевский, Ю. Гладкий, Н. Зубаревич и др.), включая обоснование новой регионализации России (Л. Смирнягин, А. Трейвиш), её эколого-географического положения (Н. Клюев, В.Разумовский и др.).

Новый импульс (в ситуации стремительной постсоветской трансформации городского пространства) получила **геоурбанистика** (К. Аксёнов, В. Битюкова, О. Вендина, Н. Власова, В. Глушкова, А. Дружинин, В. Колосов, Г. Лаппо, А. Махрова, А. Обедков, Е. Перцик, Н. Слука и др.).

Характерная для крупнейших городов (и ареалов их непосредственного влияния) терциаризация (отчасти – структурное следствие деиндустриализации, отчасти – результат экономического роста 2000-х, породившего спрос на финансовые, образовательные, туристско-рекреационные и иные услуги) стимулировала географические исследования **туристско-рекреационной сферы** (А. Зырянов, Л. Мажар, Н. Мироненко и др.), **инфраструктуры** (В. Дронов), **банковской сферы** (А. Лузанов), **проблематики высшей школы** (А. Катровский). Были продолжены (активно развиваемые ранее И. Никольским) изыскания в области **географии транспорта** и транспортных сетей (В. Бугроменко, Б. Раднаев и др.), предприняты (весьма успешные) попытки её теоретизации (С.Тархов). Развивался (применительно к новой экономической ситуации) инструментарий **пространственного планирования** (В. Лажнецов, А. Чистобаев). Одновременно обозначились совершенно новые для российской географии направления исследований – географические аспекты **институциональной модернизации** российской

экономики (Н. Зубаревич, А. Пилясов, В. Шувалов и др.), **география инноваций** и инновационных циклов (В. Бабурин), география российского **крупного бизнеса** (Н. Зубаревич).

Существенные позиции в структуре российской социально-экономической географии заняла и **культурно-географическая проблематика** (А. Дружинин, Д. Замятин, В. Каганский, В. Калуцков, М. Крылов, А. Манаков, У. Набиева, Д. Николаенко, В. Стрелецкий и др.); в лексикон российских географов-обществоведов, при этом, вошли такие понятия как «восприятие территории», «географический образ», «историко-культурное наследие», «культурный ландшафт», «идентичность».

Размер и структура географического пространства России, его административная, хозяйственная, этнокультурная и природно-экологическая фрагментированность инициируют полимасштабные **исследования регионального уровня**, заметно преобладающие в общей «палитре» общественно-географической тематики: до 85-90 % всех публикуемых в стране статей в области общественной географии выполнены именно на конкретном региональном и локальном материале. В последние годы приоритетность «региональной» тематики для географов-обществоведов предопределяется также федеративным устройством постсоветской России и ощутимыми «подвижками» в её социально-экономической регионализации, то есть ситуацией, когда хозяйственная структура, системы расселения и инфраструктуры, совокупность внешних связей, идентичность и, даже, имидж регионов России и её отдельных поселений – нестатичны, требуют постоянного профессионального внимания. Общественную географию России, её региональную организацию – фактически приходится вновь и вновь «открывать» заново. Подобная задача в целом успешно решается, что подтверждают масштабные монографические работы, выполненные по социально-экономической географии центральной России (А. Махрова, Т. Нефёдова, Б. Родоман, М. Сигалов, А.

Трейвиш и др.), её Юга (В. Белозёров, А. Дружинин, Н. Щитова и др.), Балтийского региона (Г. Фёдоров), Севера или, как всё чаще говорят в последнее время, – Российской Арктики (В. Лаженцев, А. Обедков, А. Пилясов и др.), Урала (Е. Анимца, Н. Власова, М. Шарыгин и др.), Сибири (Л. Безруков, Б. Ишмуратов, Ю. Михайлов, Н. Сысоева и др.), Тихоокеанской России (П. Бакланов, А. Мошков, М. Романов и др.). Естественно, что тематика региональных исследований ориентирована, прежде всего, на специфику той или иной территории. Так, в публикациях по общественной географии Сибири (территориальной сердцевины РФ [8], занимающей 18,8 % всей площади Евразии [1]) доминируют такие направления, как трансформация территориально-производственных комплексов (ТПК) в новых экономических условиях и устойчивое ресурсопользование. Для Тихоокеанской России приоритетное место занимают исследования геоэкономического и геополитического положения макрорегиона, трансграничные инфраструктурные проекты и новая индустриализация. В публикациях по Югу России преобладает анализ этнодемографических процессов и различных аспектов формирования туристско-рекреационных кластеров.

Пройдя сложный трансформационный период, российская общественная география, в итоге, не только добилась определённых позитивных результатов, но и существенно расширила сферу своей активности; подобные (приближающие её к модели мировой Human Geography [12]) структурные изменения (при всём многообразии их причинности) в целом соответствовали проявившемуся ещё в 60-70-х гг. XX столетия и акцентированному в работах Ю.Г. Саушкина тренду развития советской экономико-географической науки «вширь», т.е. преимущественной её ориентации на поиск и обретение всё новых и новых сторон изучаемого объекта.

На фоне диверсификации научного поиска в последние два с половиной десятилетия, к сожалению, обозначились существенные дефициты в базовой общественно-географической тематике, то

есть в исследовании собственно экономических процессов. Лишь отдельные авторы продолжают поддерживать продуктивную активность в области **теории и методов экономического районирования** (Л. Смирнягин, А. Пилясов, В. Шувалов). Неоправданно мало в последние годы выполнено серьёзных работ в области **территориально-производственного системобразования** (П. Бакланов, Т. Потоцкая, Р. Сафиуллин и др.); немногочисленны публикации, продолжающие развивать актуальнейшую для России проблематику **географии сельской местности и агросферы** (Ф. Мичурина, Т. Нефёдова, А. Носонов, В. Тюрин и др.), включая исследование уникальной по масштабам российской сезонно-дачной контрурбанизации (Т. Нефёдова А. Трейвиш).

Несмотря на наличие целого ряда работ в области **социальной географии** (А. Анохин, В. Бугаев, Н. Зубаревич, Н. Щитова, А. Якобсон и др.), не получили пока должной экономико-географической интерпретации и рельефно проявившиеся на постсоветском пространстве территориально-социальное неравенство, бедность, дефициты в развитии социальной инфраструктуры, различного рода социальные патологии (алкоголизм, наркомания). Практически отсутствуют серьёзные наработки по военной географии, гендерной проблематике и географии рисков. Крайне мало графических исследований на микроуровне (в разрезе отдельных сельских поселений и городских кварталов). На фоне стабильно неудовлетворительного качества официальной социально-экономической статистики, наблюдается и практическое свёртывание серьёзных экспедиционных исследований и натурных обследований объектов

и работы Немногочисленны и работы общетеоретического плана, выполненные узким (практически не расширяющимся) кругом авторов (П. Бакланов, В. Каганский, В. Лаженцев, Б. Родоман, А. Ткаченко, А. Трофимов, М. Шарыгин, В. Шупер, Э. Файбусович и некоторые другие). В массиве публикаций российских географов-обществоведов наблюдается и общее

снижение интереса к вопросам **теории**, что в последние годы констатируют ведущие специалисты по методологии науки [2, 4, 6, 13, 14, 16].

Характерно, что в постсоветский период следование сложившейся ранее традиции сочеталось с существенным «переформатированием» всей системы исследовательских приоритетов российской общественной географии, направленности и интенсивности её научных связей. Отчасти сохранились (однако утратив былую интенсивность) взаимодействия с исследователями (и научными коллективами) из бывших союзных республик (ныне – Новых независимых государств). Параллельно расширялись (обретая многовекторный характер) контакты российских географов-обществоведов с коллегами из так называемого «дальнего зарубежья». В результате, от преимущественной опоры на собственные теоретические построения и концепты (а XX век подарил современной российской общественной географии обширное интеллектуальное наследие), наша наука перешла к более широкому использованию теоретических заимствований извне, следованию (зачастую – с некоторым запаздыванием<sup>1</sup>) модным трендам столь динамичной и вариативной по своим методологическим установкам и направлениям исследований современной западной географии. Заимствования позволили, в частности, в сжатые сроки нарастить необходимый для познания пространственных реалий (в контексте укореняющихся в России рыночной экономики и глобального капитализма) исследовательский инструментарий, инкорпорировав в него теории полюсов роста, центрo-периферийной структуры, кластеров, глобальных городов, региональных метрополий, модели

<sup>1</sup> К примеру, бум» исследований культурного регионализма и региональной идентичности в Human Geography пришелся на 1980-1990-е (у нас – середину 2000-х); состоявшаяся в конце 1980-х годов (в результате прорывных работ П.Ромера и Р.Лукаса) значимая для общественной географии смена парадигмы в теориях экономического роста (с экзогенной на эндогенную) – проявилась в России лишь 15-20 лет спустя [2].

конкурентоспособности и позиционирования, подходы в сфере геоконфликтологии, геомаркетинга и др. Более полное знание зарубежных научных подходов и школ, видение (преимущественно, сквозь их «призму») полномасштабно уже проявивших себя в других странах общественно-географических явлений и процессов – стимулировали становление в российской общественной географии её новых субдисциплин, позволили глубже осмыслить диалектику универсального и локального в территориальной организации общества, чётче идентифицировать современную российскую специфику. Одновременно, множились риски подмены национальной (геополитически, геоэкономически и геокультурно центрированной на России) географической картины мира – экзогенными её инвариантами (взглядом на себя и глобальную реальность «глазами Запада»); возникли предпосылки «вечного ученичества» и, практически неизбежной в этой ситуации, интеллектуальной (в первую очередь теоретико-методологической) «вялости», а, следовательно, и немощи.

Под воздействием глобализационного тренда теоретико-методологические основания российской общественной географии становятся, при этом, всё более *эkleктичными и плюралистичными*. Наряду с доминированием **сциентистской парадигмы** (основанной на объективистской и рациональной, ценностно-нейтральной методологии изучения причинно-следственных и функциональных связей между свойствами географического пространства и социально-экономическими и культурными явлениями), обретают своих сторонников и **феноменологические** подходы [3]. Тем не менее, и в постсоветский период превалировавшие ранее методологические установки

(базирувавшиеся на фундаменте марксизма [9]) в целом сохранили своё значение. В их числе: акцент на исследовании двуединства «природа - общество» при одновременном признании социально-экономической географии как обществоведческой науки; понимание территориальности как важнейшего признака географических исследований; сфокусированность на «способе производства» как основе социальных, политических и духовных процессов; видение территориальных систем как объективной реальности; признание необходимости активнейшего участия географии в социально-экономических преобразованиях (в процессе районирования, пространственного планирования и др.).

Опираясь более чем на двухвековую национальную исследовательскую традицию, позиционируя себя в качестве самостоятельной общественной науки и, одновременно, являясь неотъемлемой составляющей «системы географических наук», продуктивно взаимодействуя с зарубежными научными сообществами и школами, российская общественная география в сложной политико-экономической трансформации конца XX - начала XXI вв. не только выстояла, сохранилась, но и добилась определённых позитивных содержательных результатов, существенно расширив, при этом, сферу своей активности. Несмотря на многочисленные проблемные ситуации и дефициты, сдерживающие развитие современной российской общественной географии, она уверенно сохраняет потенциал лидерства в разработке проблематики территориальной организации общества – одной из наиболее фундаментальных и сложных как для Российской Федерации, так и в целом для современного Человечества.

#### Список литературы:

1. Безруков Л.А., Корытный Л.М. Роль территории Сибири в экономическом развитии России // География и природные ресурсы. 2009. № 3.
2. Дружинин А.Г. Российская общественная география начала XXI века: старые проблемы, новые вызовы // Экономико-географический вестник Южного федерального университета. 2008. № 5.
3. Дружинин А.Г., Стрелецкий В.Н. «Культурная составляющая» общественной географии в современной России: генезис, особенности и приоритетные направления развития // Известия Российской академии наук. Сер. Географическая. 2015. № 1.
4. Колосов В.А., Мироненко Н.С., Петров Н.В., Трейвиш А.И. Российская общественная география первой половины 90-х годов // Известия РАН. Серия географическая. 1996. № 3.
5. Колосов В.А., Туровский Р.Ф. Типология новых российских границ // Известия РАН, серия

географическая, 1999, N 5.

6. Котляков В.М. Мировой кризис конца XX века и географическая наука. Санкт-Петербург. 1995. 49 с.
7. Максаковский В.П. Географическая культура. М.: Владос. 1998. 416 с.
8. Михайлов Ю.П. Куда идти Сибири: взгляд географа // География и природные ресурсы. 2007. № 3.
9. Саушкин Ю.Г.. Экономическая география: история, теория, методы, практика. М.: Мысль. 1973. 559 с.
10. Советская география. Л.: Наука. 1984. 344с.
11. Суций С.Я., Дружинин А.Г. Очерки географии русской культуры. Ростов - н/Д: СКНЦ ВШ, 1994. 576 с.
12. Теория социально-экономической географии: спектр взглядов российских учёных / Ред. и сост. А.Г. Дружинин и В.Е. Шувалов. – Ростов-на-Дону: Изд-во ЮФУ. 2010. - 166 с.
13. Трофимов А.М. Особенности формирования современных научных школ в российской географии (критическое осмысление кризиса в географии) // Научный потенциал отечественной географии. Труды Международной научной конференции. Майкоп. 1999.
14. Трофимов А.М., Шарыгин М.Д., Мальганова И.Г. Ренессанс географической мысли или кризис в географии? (изменение общественной ситуации и задачи географов // Географический вестник. 2005. № 1-2.
15. Феномен культуры в российской общественной географии: экспертные мнения, аналитика, концепты / под ред. А. Г. Дружинина и В. Н. Стрелецкого. Ростов-на-Дону: Издательство Южного федерального университета, 2014. 536 с.
16. Шупер В.А. Географическая теория и социальная практика: размышления над статьёй Г.А. Агранта // Изв. РАН. Сер. Геогр. 2001. № 2.

## **ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ ВА ГЕОЭКОЛОГИЯ**

**Рахматуллаев А., Адилова О.**

### **ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШДА ДАЛА -ТАЖРИБА УЧАСТКАЛАРНИНГ РОЛИ**

**Аннотация:** мақолада республикамизда табиий география йўналишида илмий даражали кадрлар тайёрланиш аҳоли муҳокама қилинган, ушбу соҳа бўйича илмий кадрлар тайёрлашни жадаллаштиришда дала тажриба участкаларни ташкил қилишнинг аҳамияти катталиги кўрсатиб берилган.

**Таянч сўзлар:** табиий географик тадқиқотлар, табиатда инкироз, таянч-тажриба участкаси, геосистема, ландшафт, ландшафтнинг морфологик бирликлари, ландшафт-геоимёвий методи.

**Рахматуллаев А., Адилова О.**

### **РОЛЬ ПОЛЕВЫХ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫХ УЧАСТКОВ В УСКОРЕНИИ НАУЧНО- ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАБОТ ПО ФИЗИЧЕСКОЙ ГЕОГРАФИИ**

**Аннотация:** в статье рассматриваются вопросы подготовки научных кадров с ученой степени по физической географии в республике и указывается значение полевых экспериментальных участков в ускорении подготовки научных кадров в этой отрасли географии.

**Ключевые слова:** физико-географические исследования, кризис в природе, опорно-опытная участка, геосистема, ландшафт, морфологические единицы ландшафта, метод геохимии ландшафтов.

**Rakhmatullaev A., Adilova O.**

### **THE ROLE OF FIELD RESEARCH PLOTS IN ACCELERATION OF SCIENTIFIK RESEARCH ON PHYSICAL GEOGRAPHY**

**Abstract:** in the article discussed weak points of preparation of researchers with scientific degree on physical geography in Uzbekistan and pointed out the significance of field experimental plots in acceleration of preparation of researchers in this branch of geography.

**Key words:** physic-geographical investigations, crisis in the nature, base-experiment plot, geosystem, landscape, morphological units of landscape, method of geochemistry of landscapes.

**Кириш.** Яқинда, яъни 2014 йилнинг истиқболдаги вазифалар кўрсатилди. декабрь ойида бўлиб ўтган География Жамият раиси маърузасида илмий тадқиқот жамиятининг IX съезиди жамият раиси ишларининг сустиги, айниқса, профессор А.С.Солиев жамиятнинг беш фундаментал ва амалий тадқиқот ишлар йиллик фаолияти (2009-2014) тўғрисида давр талабидан орқада қолаётганини, шу ҳисобот берди [3]. Ҳисоботда беш йилда сабабли ҳам олий ўқув юртларда ишлаётган бажарилган ишларга батафсил тўхталиб, кадрларнинг илмий салоҳияти пасайиб ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар, бораётганлиги кўрсатди.

География фанларининг ҳозирги давр Маъруза маълумотлари бўйича илмий талабига мос ривожланиши бўйича даражали кадрлар тайёрлашда табиий

география йўналишида кейинги беш йил давомида икки киши фан номзоди даражасидаги (11.00.01) диссертацияни химоя қилишган, холос. Бу жуда ачинарли ҳол. Агарда табиий география йўналишида илмий кадрларни тайёрлаш шу тарзда давом этса, бир неча йилдан кейин кўпгина олий ўқув юртларида илмий даражали табиий географлар қолмайди, бу эса нафақат олий таълимда, балки ўрта ва ўрта махсус таълим тизимида ҳам география фани нуфузининг пасайиб кетишига таъсир кўрсатади, кўпгина олий ўқув юртларидаги ҳозир фаолият кўрсатаётган кафедралар ёпилади ёки бошқа кафедраларга кўшиб юборилади.

Ҳозирги пайтда докторлик диссертациясига қўйилган талабларнинг кучайганлиги сабабли география фанлари йўналишида фан докторларини тайёрлаш ишлари янада оғирлашади. Бунда, айниқса, табиий география (ландшафтшунослик) соҳасида докторлик диссертация ишини бажариш қийинлашади. Бунинг бир нечта объектив сабаблари бор. Биринчидан, табиий географик илмий изланишлар дала тадқиқот ишлари бўйича тўпланган маълумотларга асосланади. Бунинг учун эса, экспедицияда ва таянч-участкаларда маълумотлар йиғилиши зарур. Иккинчидан, статистик ва фонд маълумотлари барча компонентлар (сув, ҳаво, тупроқ, ўсимликлар ва бошқ.) дан йиғилиб уларнинг таҳлили асосида турли мавзули ва комплекс карталар тузилади. Бу катта меҳнат ва вақтни талаб қилади. Учинчидан, бакалаврият босқичини “аъло” баҳолар билан битираётган билимли, қобилятли ёшларнинг аксарияти рус тили ва хорижий тилларни билмаслиги ҳам фан соҳалари ичига чуқур кириб боришида маълум тўсқинлик қилмоқда.

Юқоридаги сабаблар, албатта, фанлар ривожланишига тўсқинлик қила олмаслиги керак, чунки ҳозирги вақт талаби шу даврга мос чуқур фундаментал ва амалий аҳамиятга бўлган илмий тадқиқотларни тақозо қилмоқда.

**Асосий натижаларнинг муҳокамаси.** Табиий география соҳасида фан докторларини тайёрлашни жадаллаштириш йўлларида бири – дала тажриба участкаларни ташкил қилиш ҳисобланади. Тажриба

участкаси ёрдамида инсон-табиат тизимида рўй бераётган турли жараёнлар ўрганилади, (геосистемаларда чўлланиш, тупроқ шўрланиши, тупроқлар ифлосланиши, қашшоқланиши, ер ости ва ер усти сувларининг миқдор ва сифат ўзгаришлари, ўсимликлар қашшоқланиши, сув объектларининг атрофмуҳитга таъсири ва бошқ.). Албатта, стационар тажриба участкасини ташкил қилиш, узлуксиз кузатиш ва ўлчаш ишларини олиб бориш осон эмас. Лекин, тажриба участкасиз у ёки бу салбий табиий жараёнлар тўғрисида мулоҳазалар, фикрлар, хулосалар аниқ маълумотларга асосланиб борилмаса, унинг ҳаққонийлиги ҳам асоссиз бўлиб қолади. Масалан, чўлланиш ҳодисаси тўғрисида географлар, экологлар, ботаниклар юзлаб илмий мақолалар, ўнлаб қўлланма, монографиялар чоп эттиришди, бироқ, ҳозиргача чўлланган ва чўлланмаган жойлар орасида аниқ, чегара белгиланмаган, чўлланиш табиат инқирозининг қайси ҳолатидан бошланиши тўғрисида аниқ мезон ишлаб чиқилмаган. Чўлланиш жараёнини белгиловчи асосий омил сифатида ўсимликларнинг камайиши, йўқотилиши олинади. Сўзсиз, ўсимликлар чўлланишни билдирийдиган энг асосий кўрсаткич ҳисобланади. Чўлланиш жараёни ўрганилганда ўсимликлар камайиши асосий кўрсаткич сифатида олинсада, табиатнинг бошқа компонентларидаги ўзгаришлар, яъни табиатдаги умумий инқироз инobatга олинishi зарур. Табиатга ана шундай комплекс ёндашиш, илмий тадқиқотнинг мазмун-моҳиятини оширади.

Аммо, чўлланиш жараёнини аниқ ўлчаш, кузатиш маълумотларисиз бошқа мутахассислар маълумотлари билан кўрсатиб берсак, биз “ўзганинг ишига” асосланган бўламиз, шахсий маълумотлар бўлмагани сабабли ишнинг илмий қиймати пасаяди. Шу сабабли ҳам ҳар бир тадқиқотнинг мазмун-моҳиятига ва объектнинг шароитига боғлиқ ҳолда тажриба участкасини ташкил қилиш, уларда табиатда инсон таъсири туфайли рўй бераётган жараёнларни узлуксиз кузатишни, ўлчаш ишларини олиб боришни вақт тақозо этмоқда.

Тоғ ва тоғ олди текислик ландшафтларида чўлланиш жараёнини

таянч-тажриба участкалар ёрдамида ўрганиш методикаси Ўзбекистон География жамияти ахбороти журналининг 43-жилдида А. Рахматуллаев ва О. Адилвалар мақолаларида баён қилинган [2]. Ушбу мақолада таянч-тажриба участкаси сифатида Ғўбдин тоғидаги Эшмонтўп кишлоғида учта нукта танлангани, уларнинг атрофлари сим тўсиқлар билан ўралгани ва улардан биринчи участкага (катталиги 60 м<sup>2</sup>) маҳаллий дарахт ва буталардан экилганлиги ва қолган иккита участкалар (4 м<sup>2</sup> дан) табиий ўтларнинг тикланиши учун кўриқхона сифатида сақланаётганлиги ёзилган. Таянч-тажриба участкада олиб борилаётган тадқиқот ишлар янада ишончли бўлиш учун ушбу кишлокда иккита метеорологик асбобларни ўрнатдик: биринчиси, шамол тезлиги ва йўналишини ўлчайдиган анеморумбометр ва ёғин миқдорини аниқловчи третяков ёғин ўлчагичи.

Ғўбдин тоғининг шарқий қисмида Сангзор водийси жойлашган ва ушбу водийдан Зарафшон водийси томон кучли шамол эсиб туради. Бу шамолнинг маҳаллий номини “Илон ўти”, баъзилар “Илон ўтди” деб аташади. Жуда кўп такрорланадиган ушбу шамолнинг Ғўбдин тоғининг шарқий тоғ олди текислиги табиатнинг шаклланишида таъсири катта. У ҳайдалган ерларда ҳамда чорва моллари кўп боқилишидан яланғочланиб қолган ёнбағирларда тупроқлар эрозиясини кучайтиради, қорларни учириб кетади, қор ва ёмғирдан кейин тупроқ ва грунтдаги намлик буғланишини тезлаштиради. Бинобарин, шу ҳудуддаги шамол ушбу жойда чўлланиш жараёнига таъсир кўрсатувчи кучли табиий омиллардан ҳисобланади. Бундан ташқари, анеморумбометр асбоби кўрсаткичлари ёрдамида шамолнинг электр энергия бериш қувватини аниқлаш ҳам тадқиқот вазифасига киритилган.

Ёғин ўлчагич асбоб ёрдамида Ғўбдин тоғининг шарқий қисмида йиллик ёғин миқдорини ва унинг фасллар бўйича қандай тақсимланишини аниқлашдан иборат. Қор қалинлигини аниқлашда кўчириб юриладиган қор ўлчагич рейкадан фойдаланилади. Тоғли ва тоғ олди

худудларда қорнинг узок ётиши рельеф элементларига боғлиқ. Қир тепалари, ёнбағирларнинг шимолий экспозициясида қор жанубий экспозициясига нисбатан узокроқ ётади ва тупроққа сингиб намлигини оширади. Бу ҳолатни аниқ кўрсатиш учун қор қалинлигидан ташқари қор қопламанинг ётиш давомлиги ҳам кузатилади.

Ёнбағирлар экспозицияларида табиий фарқларнинг катталигини инobatга олиб, Эшмонтўп кишлоғининг шимолида сой ёнбағрининг шимолий экспозициясида узунлиги 10 метр ва эни 6 метрлик тўртинчи янги тажриба участкасини ташкил қилдик ва унинг ярмига маҳаллий дарахт уруғларидан ва ниҳолларидан экдик (арча, қайрағоч, бодом, ёввойи бодом, ирғай, наъматак). Қолган ярмининг бир қисимга шувок уруғи сепилди. Қолган қисми табиий ўсимликлар тикланиши учун бўш қолдирилди. Тупроқларнинг ювилиш миқдорини аниқлаш учун панжара ичидан ва ташқарисидан 1 м<sup>2</sup> ли иккита нов ариқча қазилди. Шувок уруғини сепишдан мақсад тажриба участка жойлашган Эшмонтўп кишлоғи атрофларида бирон туп шувокни учратмадик. Қишлоқдан ғарб томонда чорва моллари кам боқиладиган жойларда шувок кенг тарқалган. Демак, панжара ичида шувок ўсиб чиқиб ривожланса, уни ўсмаслигининг сабаби чорва молларининг таъсири эканлиги исботланади. Тажриба участкаларни ташкил қилишдан мақсад, кишлок аҳолиси чорва молларининг боқилиши туфайли яйловда чўлланиш даражасини миқдорий аниқлашдан иборат. Шу билан бирга, темир панжарали участкаларда ўсимликларнинг вақт давомида тур жиҳатидан кўпайиши ва миқдор жиҳатидан тикланишини кузатиб борилади ва яйловларнинг асл табиий ҳолатга қайтиш қай даражада боришлиги кузатилади.

Ўртача баландликдаги тоғлар ва тоғ олди текисликларда инсон таъсирида табиатдаги қашшоқланиш Ўзбекистоннинг барча тоғли худудларига хос кенг тарқалган жараён. Шу жараённи битта-тажриба участкасида ўрганишдан бошладик. Ўлчаш ишлари туфайли олинадиган натижалар асосида чорва моллари сони ва яйлов

деградацияси ўртасидаги, ҳамда кишлоқлар катталиги ва аҳолининг табиатга таъсири ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар ҳисоблаб чиқарилади. Шунингдек, эксперимент маълумотлари асосида тоғ ва тоғ олди табиатидаги келажакдаги ўзгаришлар башорат қилинади, табиатни тиклаш, яхшилаш бўйича амалий таклифлар берилади.

Албатта, тоғлар, тоғ олди ландшафтларида табиатга инсон таъсири туфайли рўй бераётган жараёнларни битта тажриба участкаси ёрдамида кўрсатиб бериш камлик қилади. Тоғлар табиати, ландшафт тузилиши турли хил бўлганлиги учун тажриба участкаларни кўпайтириш зарур. Тажриба участкаси тадқиқот ишларни бошлашдан олдин участка атрофларини тасвирловчи йирик масштабли ландшафт картасини тузиш лозим. Тажриба нуқталари ландшафтнинг морфологик бирликларида (жой, урочишче, фация) ўрнатилади ва олинган натижалар ландшафтнинг морфологик бирликларига боғлаб тушунтирилади.

Ғўбдин тоғининг шарқий қисмида Эшмонтўп қишлоғи яқинида тажриба нуқталарини жойлаштиришдан олдин, ушбу ҳудуд табиати билан танишдик ва 1:5000 масштабда жой планини чиздик. Рельеф горизонтал чизиқлар билан тасвирланган планда ландшафтнинг морфологик бирликлари (урочишче, подурочишче, фациялар) ранглар ёрдамида кўрсатилди ва уларга қисқача тавсиф берилди. Сим тўсиқлар айлантирилган тажриба нуқталарининг жойлари подурочишче ва фацияларда жойлаштирилиб, планда улар ҳам шартли белги билан кўрсатилди [1].

Ландшафтлар ва ландшафтларнинг морфологик бирликларига (геосистемаларга) боғлаб тушунтирилмайдиган табиий географик тадқиқотлар географиядан четлашиб атроф-муҳит муҳофазаси ёки экология фанлари томонга оғади.

Тажриба участкалари географларнинг табиатдаги лабораторияси бўлиб, улардан олинган маълумотлар табиатда рўй бераётган турли табиий жараёнларни миқдорий баҳолашда ишончли кўрсаткич ҳисобланади. Битта кичик таянч участкада эксперимент орқали олинган маълумот

орқали катта ҳудудда кенг тарқалган ва тарқалаётган табиий жараённи тушунтириш мумкин.

Тоғларда тажриба участкаларини турли баландликларда, тоғларнинг турли ёнбағирларида ўрнатиш мумкин. Улар орқали тупроқларнинг ювилиш, тезлиги, ўсимликлар деградацияси, сурилмалар, ўприлишлар, сел ҳодисалари, сой сувларининг режими, лойқалиги, гидрокимёси ва бошқалар ҳақида маълумотлар тўпланилади. Чўл ҳудудларида ҳам чорва молларнинг кўп боқилиши натижасида кумларнинг учирлиши, тупроқлардаги шамол ва сув эрозияси, суғориладиган ерларда грунт сувлар сатҳидаги, сув сифатидаги ўзгаришлар кузатилади. Воҳалардаги экспериментал тажриба участкаларда ландшафт-геокимёвий методларга асосланилиб ҳудудда тупроқлар, грунт сувлар, ер усти сувларининг ифлосланиши ўрганилади. Бунинг учун воҳа геосистемаларининг ички морфологик тузилишига боғлиқ ҳолда бўйлама ва кўндаланг йўналишларда белгиланган жойлардан кимёвий таҳлил учун сув, тупроқлар намуналари олинади.

Ҳозирги пайтда суғориладиган йирик воҳаларнинг кўпчилигида грунт сувларда минераллашиш даражаси, сув қаттиқлиги, кўпчилик анионлар ва катионлар миқдори рухсат этилган меъёр (РЭМ) даражасидан анча ортган. Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақолпоғистон Республикаси воҳаларида сувнинг минераллашиш даражаси катталигидан грунт сувларни истемол учун ишлатиб бўлмайди. Ичимлик сувлари минераллашишининг юқорилиги аҳоли саломатлигига катта таъсир кўрсатади. Сув сифатидаги кучли ўзгаришлар, сўзсиз деҳқончилик маҳсулотларига, айниқса, сабзавот ва полиз маҳсулотлари сифатига таъсир кўрсатади. Бу масала ҳам тупроқ ва сув ифлосланишига боғлаб ўрганилса, лаборатория таҳлилидан ўтказилса ва аҳоли саломатлигига боғлиқлиги таҳлил қилинса, воҳаларда олиб борилаётган ландшафт-географик тадқиқотларнинг амалий аҳамияти янада ошади.

**Хулоса.** Республикада география фанларининг негизи ҳисобланган табиий география йўналишида илмий тадқиқот



ишлар суи бораётганлиги туфайли, олий ўқув юртлари учун илмий даражали кадрлар тайёрлаш масаласи ҳозирги талаб даражасидан анча орқада қолмоқда.

Табиий география йўналиши бўйича илмий даражали кадрларни тайёрлашни кучайтириш учун дала тадқиқот ишларини, лаборатория таҳлил ишларни, янги компьютер технологияларидан фойдаланиш, аэрокосмик маълумотларни тадқиқотларда ишлатиш ва бошқа замонавий технологиялардан фойдаланиш ишларни жадаллаштириш зарурлигини вақт тақозо этмоқда.

Инсон-табиат тизимида рўй бераётган, жадаллашаётган турли табиий жараёнларни ўрганишда, ишончли маълумотлар тўплаб уларни тушунтириб беришда таянч-тажриба

участкаларни ташкил қилишнинг аҳамияти жуда катта. Турли ландшафтларда ташкил қилинган стационар тажриба участкалар ландшафт-географик тадқиқот ишларнинг ривожланишига ва шу йўналишлар бўйича илмий кадрлар тайёрлашда катта асос вазифасини бажаради.

География фанларининг, шу жумладан табиий география йўналишида айрим фанлар соҳалари бўйича республикамизда илмий тадқиқот ишларда илмий раҳбарларнинг етишмаслигини инobatга олиб олий ўқув юртларини битираётган ёшларни Россиянинг ва бошқа хорижий давлатларнинг йирик география илмий марказларига магистратурага, докторантурага, илмий стажировкага ўқишга жўнатиш зарурати юзага келмоқда.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Rakhmatullaev A., Adilova A., Desertification in mountain geosystems: a case study of the Ishmantupsay basin in the Gobduntau mountain range, Uzbekistan // Oecologia. Mantana. International surnal of moutain ecology. Totranga Sovorina, Slovakia, 2013, vol 22, -26-30 p.
2. Раҳматуллаев А., Адилова О. Тоғларда чўлланиш жараёнини таянч-тажриба участкалар ёрдамида ўрганиш методикаси // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 43-жилд. – Тошкент, 2014. – 3-5 б.
3. Солиев А.С. Ўзбекистон География жамияти съезддан-съездгача (2009-2014 йй.) // Ўзбекистон География жамияти IX съезди материаллари. – Тошкент, 2014. – 4-8 б.

**Абдулқосимов А.А., Давронов К.Қ.**

### ЛАНДШАФТ КОМПЛЕКСЛАР АСИММЕТРИЯСИ ВА УЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

**Аннотация:** мақолада ландшафт комплекслари асимметриясининг шаклланиши ва барқарор ривожланиши таҳлил қилинган. Ландшафтлар асимметрияси шаклланишида тектоген, барьер, ёнбағир, геологик тузилиш, иқлим омилларининг роли ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** асимметрия, ландшафт сфераси, инсоляция, барьер эффекти, симметрия, экспозиция, орография, ботик.

**Абдулқосимов А.А., Давронов К.Қ.**

### АСИММЕТРИЯ ЛАНДШАФТНЫХ КОМПЛЕКСОВ И ИХ ФОРМИРОВАНИЕ

**Аннотация:** в статье анализируются формирование и устойчивое развитие ландшафтных комплексов. Изучается роль тектогенных, барьерных, склоновых, структурно-геологических, климатогенных факторов в формировании асимметрии ландшафтов.

**Ключевые слова:** асимметрия, ландшафтная сфера, инсоляция, эффект барьера, симметрия, экспозиция, орография, котловина.

**Abdulkasimov A.A., Davronov K.K.**

### ASYMMETRY OF LANDSCAPE COMPLEXES AND THEIR FORMATION

**Abstract:** the article analyzes the formation and sustainable development of asymmetrie of landscapes. Examines the role of tectogen, barrier, slope, structural-geological, climatogenic factors in the formation of asymmetry landscapes.

**Key words:** asymetry, sphare of landscape, insolation, barrier effect, symmetrie, exposition, orography, hollow.

**Кириш.** Географик қобик ва ландшафт сфераси доирасида мавжуд бўлган ҳар қандай географик объект ва унда содир бўладиган ҳодиса ва жараёнлар доимий равишда атроф-муҳит билан ўзаро алоқада, бир-бирига таъсир кўрсатишда давом этади.

Агар табиатда географик объект бир хил симметрик муҳитда вужудга келиб барқарор ривожланганда, у яхши тартибга солинган ва бенуқсон бўлиши, унинг барча структурали қисмлари ўртасида динамик мувозанат оптимал равишда сақланиши

мумкин эди. Одатда бизни ўраб турган табиий географик муҳит макон ва замонда ҳеч қачон бир хил бўлмайди. Табиатда содир бўлиб турадиган турли хил ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) жараёнлар, сабаб ва оқибат ҳодисалари туфайли табиатдаги тўлиқ симметриялик бузилади, унинг айрим элементлари ўзгаради ва қисман йўқолади. Бунинг натижасида предмет ва ҳодисалар носимметрик, аниқроғи асимметрик ҳолатга ўтади.

Табиий географик муҳит билан географик объектнинг ўзаро таъсири қанчалик даражада шиддатли ва узоқ давом этса, симметрия элементларининг сони шунчалик даражада кўпроқ йўқолиб боради. Бунинг оқибатида симметрик объект асимметрик объектга айланади. Аниқроқ қилиб айтганда симметрияда содир бўлаётган ҳар қандай миқдорий ўзгаришлар аста-секин сифатий ўзгаришларга олиб келиб ландшафт комплексларининг асимметриясини вужудга келтиради ва шакллантиради. Ландшафтлар асимметриясини шаклланишида ва барқарор ривожланишида орографик, барьер эффекти, геологик, тектоген, рельеф, инсоляция, экспозиция, барьер сояси, барьер этаги каби омиллар етакчи роль ўйнайди. Мазкур мақолада ана шу ҳолатлар кенг баён этилади.

**Асосий қисм.** Географик қобик ва ландшафт сферасида мавжуд бўлган симметрик ҳодиса табиатнинг умумий фундаментал қонуниятларидан бири ҳисобланади. И.И.Шафрановский (1968) ва Ю.А.Урманцевнинг (1974) таъкидлашича симметрия ҳодисаси ернинг тортиш кучи шароитида ривожланаётган барча географик объектларга, жонли ва жонсиз табиатга хос бўлган ҳодисадир. Симметрия тўғрисидаги илмий назария XIX асрнинг ўрталарида франциялик олим, кристаллограф ва ботаник А.Бравэ томонидан яратилган ва асослаб берилган. Унинг табиатга бўлган симметрик қарашлари асосан тирик организмларга ва кристалл жинсларни тадқиқ этишда қўлланилган. XIX асрнинг охирига келиб Луи Пастер органик бирикмаларни диссимметриялигини асослаб берди. У ўзининг илмий қарашларида коинотни “диссимметрик ансамблдир”, деб

этироф этди. А.В.Шубанов 1957 йилда географик манбаларга антисимметрия тушунчасини киритади. Автор антисимметрия деб шаклларнинг ижобий ва салбий тенглигини, яъни уларнинг мутаносиблигини тушунади. Бунга мисол қилиб океан билан қопланган Арктикани ва материкдан таркиб топган Антарктикани ёки ярим шарлардан материклар шимолий ярим шари ва океанлар жанубий ярим шарини кўрсатган.

Шуни этироф этиш мақсадга мувофиқки, географик қобик ва ландшафт сфераси доирасида мавжуд бўлган турли масштабдаги географик объектлар симметрик, асимметрик, диссимметрик ва антисимметрик ҳолатларда бўлиши мумкин. Симметрия тўғрисидаги таълимотнинг физик ҳодисаларда, маконда, геология ва кристаллографияда кенг тарқалиши табиий география ва ландшафтшунослик соҳасида ҳам катта илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга. Маълумки, турли хил сабабларга кўра энг йирик умумий глобал масштабдан зонал, регионал ва энг кичик локал (махаллий) масштабгача бўлган симметриялик ҳолат тез-тез бузилиш хусусиятига эга. Натижада симметриялик ҳодисаси идеал модулдан четга бурилиши оқибатида асимметрия модулига ўтади. Демак, симметриядаги элементларнинг ўзгариши ва бузилиши географик объектларда асимметриялик ҳодисасини келиб чиқишига, шаклланишига ва барқарор ривожланишига олиб келади. Оқибатда табиатда ландшафт комплексларининг асимметриялиги вужудга келиб, уларнинг ландшафт сферасида кенг тарқалишида ва ареалларининг майдонини кенгайтишига қулай имкониятлар яратиб берилди.

Географик қобик ва ландшафт сфераси структурасида ландшафт комплекслари асимметрияси ўзининг яққол ифодасини топиши ва ареалларининг макон ва замонда кенг тарқалиши, мазкур қонуният тўғрисида шаклланаётган таълимотни ривожлантириш ва такомиллаштириш, илмий тадқиқот ишларни кенг кўламда амалга ошириш учун шу йўналишга оид методларни яратиш, ландшафт асимметриясини вужудга келтирувчи ва шакллантирувчи барча

омилларни илмий таҳлил қилиш ва шунга асосланган экомелиоратив чоратадбирларни ишлаб чиқишни ва уларни ҳаётга тадбиқ қилишни тақозо этади. Бу муаммо ландшафтшуносликнинг янги ландшафт асимметрияси йўналишида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар олдида турган мақсад ва вазифалардан ҳамда ўз ечимини кутаётган ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади (Абдулқосимов, 2012).

Симметрия тўғрисидаги таълимот табиий фанлар орасида геологияда ва кристаллографияда фаол ривожланиб бормоқда. Аммо табиий география ва ландшафтшуносликда бундай долзарб муаммоларга оид фундаментал илмий тадқиқот ишлари кенг масштабда амалга оширилмаган. Ландшафтлар асимметриясига бағишланган назарий ва таснифий маълумотлар Ф.Н.Мильков (1963, 1981), Э.М.Мурзаев (1964), С.В.Калесник (1970), А.А.Абдулқосимов (1982, 1990, 2012), Ф.А.Максютов (1977, 1981), Э.М.Галеева (1986, 1998) ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган.

Ф.Н.Мильков (1981) асимметриянинг табиатда намоён бўлиши ва ифодаланиши даражасига мувофиқ равишда барча ландшафт комплексларини икки синфга бўлади: 1) тўлиқ морфологик асимметрия синфи, 2) тўлиқ бўлмаган структурали асимметрия синфи. Тўлиқ морфологик асимметрия синфи ташқи қиёфаси асимметрик рельеф шаклидаги географик объектларда шаклланган ва барқарор ривожланган ландшафт комплекслардан ташкил топган. Бунга Зарафшон, Олой, Туркистон ва Тяньшан тоғ тизмалари ва дарё водий ландшафтларини қумли барханларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Тўлиқ бўлмаган структурали асимметрия синфи доирасида рельефнинг симметрик ҳолатида ландшафт структурасини ифодаланиши ва шаклланишида рельефнинг роли деярли бетараф бўлиб, асосий вазифани ёнбағир экспозиция омили бажаради. Симметрик шаклдаги юмалоқ тепаликнинг шимолий ёнбағри билан жанубий ёнбағридаги фация ва урочишалар бир хил эмас ва улар айнан такрорланмайди. Агар ўхшаш фация ва урочишалар такрорланса ҳам уларнинг куйи

ва юқори чегаралари бир хил баландликдан ўтмайди.

Тоғли ўлкаларда ландшафтлар асимметриясини вужудга келишида орографик омил катта роль ўйнайди. Ўрта Осиёнинг энг баланд тоғ массиви бўлган Помирни орографик барьер вазифасини бажарувчи Фанлар Академияси тизмаси икки қисмга - Ғарбий ва Шарқий Помирга ажратиб туради. Орографик омил туфайли ғарбда ёз салқин, қиш илик, ёғин миқдори 183-227 мм атрофида бўлади, шарқда эса ёз илик, қиш совуқ ва узоқ давом этади, ёғин миқдори 27-60 мм ни ташкил этади, ҳаво ҳарорати – 46°C гача пасаяди. Ғарбда музлик, баланд тоғ чўл ва дашт ландшафтлари, шарқда эса тошлоқ ва шўрхок чўл ландшафтлари ривожланган.

Тоғоралиғи ботиклари симметрик шаклга эга бўлсада, улар доимо барьер эффекти таъсирида бўлади. Симметрик типдаги ботикларга Фарғона, Исикқўл ва Олой ботиклари мисол бўлади. Ботикларнинг ғарбий қисми барьер соясида, шарқий қисми эса барьер этагида жойлашган. Ботикларда атмосфера ёғинлари ғарбдан шарққа қараб 100-200 мм дан 500-600 мм гача кўпайиб бориб, шу йўналишда биокомпонентларнинг хилма-хиллигини ортиб боришига, зонал ландшафт комплексларини шаклланишига ва ландшафтлар асимметриясини вужудга келишига сабаб бўлади. Натижада Фарғона ва Исикқўл ботикларида ғарбдан шарққа қараб чўл, чала чўл ва дашт ландшафт зоналари, Олой ботиғида эса чала чўл ва ўтлоқ дашт зоналари бирин-кетин алмашилиб бориб, ландшафтлар асимметриясини ҳосил қилади (Абдулқосимов, 1990, 2012).

Юқорида баён этилган ландшафтлар асимметриясидан ташқари табиатда асимметриянинг тектоген, структурали геологик, топоген, инсоляция, циркуляция, гидроген, гляциоген, эологен каби генетик типлари ҳам кенг тарқалган. Демак, табиатда мавжуд бўлган асимметрик ҳодиса ландшафт сферасининг дифференциацияланишида асосий географик қонуниятлардан бири ҳисобланади.

**Хулоса.** Табиатда симметрик қонуният билан параллел равишда асимметрик

қонуният ҳам мавжуд. Бу қонуният асосида ландшафт сфераси доирасида ландшафтлар асимметрияси вужудга келади. Ландшафтлар асимметриясини шаклланишида ва барқарор ривожланишида бир қатор табиий географик омиллар катта роль ўйнайди.

Ландшафтлар асимметриясини глобал ва регионал масштабда комплекс тадқиқ қилиш унинг тўғрисидаги илмий назарияни бойитишга ва такомиллаштиришга катта ҳисса қўшади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Абдулкасимов А.А. Барьерный эффект и формирование ландшафтов межгорных котловин Средней Азии // География и природные ресурсы. - Новосибирск, 1990, № 3. - с.103-110.
2. Абдулкасимов А.А. Ландшафт асимметрияси ва унинг моҳияти // Водий ва воҳалар: табиати, аҳолиси, хўжалиги. - Андижон, 2012. - Б.6-8.
3. Мильков Ф.Н. Физическая география: современное состояние, закономерности, проблемы. –Воронеж: ВГУ,1981. - 400с.
4. Урмонцев Ю.А. Симметрия природы и природа симметрии. – М.,1974.
5. Шафрановский И.И. Симметрия в природе. – Л.,1968.

#### Ибрагимова Р.А.

### ЖАНУБИЙ АМУДАРЁ ДЕЛЬТАЁНИ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК РАЙОНИНИНГ ЛАНДШАФТ СТРУКТУРАСИ

**Аннотация:** мақолада Орол табиий географик округи Жанубий Амударё табиий географик районининг ландшафт тузилишига тавсиф берилган.

**Калит сўзлар:** ландшафт, ландшафт структураси, табиий географик районлаштириш, табиий географик район, табиий географик округ.

#### Ибрагимова Р.А.

### ЛАНДШАФТНАЯ СТРУКТУРА ПРИДЕЛЬТОВОГО ЮЖНОАМУДАРЫНСКОГО ФИЗИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКОГО РАЙОНА

**Аннотация:** в статье дана характеристика ландшафтной структуры Придельтового Южноамударынского физико-географического района Аральского физико-географического округа.

**Ключевые слова:** ландшафт, ландшафтная структура, физико-географическое районирование, физико-географический район, физико-географический округ.

#### Ibragimova R.A.

### THE LANDSCAPE STRUCTURE OF NORTHERN AMUDARYA DELTA SIDE NATURAL GEOGRAPHIC DISTRICT

**Abstract:** this article describes the landscape structure of Northern Amudarya delta side natural geographic region of Aral natural geographic region.

**Key words:** landscape, landscape structure, physical-geographic regionalization, physical-geographic region, physical-geographic district.

**Кириш.** Табиий географик округларнинг структураси, ички тафовутлари бу ердаги табиий географик районларни ўрганиш орқали аниқланади, уларнинг тузилиши эса ландшафтларни тавсифлаш орқали амалга оширилади. *Ландшафт* маълум бир таксономик қийматга эга бўлган, яъни табиий географик райондан кичик, шу билан бирга урочишче каби морфологик бирликдан катта бўлган табиий географик комплекслар, қолаверса, Ер ландшафт қобиғининг ажралмас қисмидир. Орол табиий географик округи ана шундай геотизимлар учун шаклланиш ва ривожланиш муҳити ҳисобланади. Қуйида Орол табиий географик округи таркибида ажратилган 7 та (Қизилқумёни, Шимолий Сирдарё дельтаёни, Шарқий Оролқум,


Жанубий Амударё дельтаёни, Марказий Оролқум, Ғарбий Оролқум ва Устюртёни) райондан Ўзбекистон ҳудудида жойлашган *Жанубий Амударё дельтаёни* табиий географик райони ландшафт структураси ҳақида сўз боради.

**Асосий қисм.** Жанубий Амударё дельтаёни табиий географик райони Амударё дельтаси шимолидаги Орол денгизининг қуриган жанубий қисмларини ўз ичига олади. У шарқда Қизилқумёни ва Шарқий Оролқум районлари, шимолда Марказий ва Ғарбий Оролқум ҳамда Устюртёни районлари, ғарбда Устюрт платоси, жанубда эса Амударёнинг ҳозирги дельтаси билан чегарадош. Ушбу район округ майдонининг 12 фоизини ташкил қилади. Район ер юзаси асосан Амударё

олиб келган кум, кумоқ ва гил, алевроит жинсларидан тузилган ва нишаблиги шимол томонга пасайиб боради. Табиий географик районнинг жанубида, Амударё дельтасига яқин ҳудудларида 1991 йилда грунт сувлари сатҳи 5 м, 2002 йилда 10-15 м чуқурликда ётган. Сўнгги йилларга келиб Сарибас қўлига дарё сувларининг тушиши сабабли грунт сувлари сатҳи яна 5-6 м гача кўтарилган.

Жанубий Амударё дельтаёни райони олимлар томонидан анча яхши ўрганилган. Ушбу ҳудудда 2001 йилда А.Қурбаниязов томонидан 40 та табиий географик комплекс ажратилган. 2007 йилга келиб ботаник олимлар (Х.Шомуродов ва б.) 9 та табиий

географик комплексларни аниқлашган. Шу ҳудуднинг 1990 (1991 йилда САНИИРИ да тузилган) ҳамда 2000 (муаллифлари А.Птичников ва б.) йилги ҳолати бўйича тузилган ландшафт хариталарида 11 ва 45 та ландшафт хили ажратилган. Биз эса табиий географик район доирасида 9 та ландшафт хилини ажратдик (1-расм). Бу ландшафтларнинг кўпчилиги ҳозирги денгиз текисликлар ландшафт тоифасига тааллуқли бўлиб, уларнинг шаклланиши денгиз чекиниши билан боғлиқ ҳолда кечмоқда. Район структурасининг ҳосил бўлишида қуйидаги ландшафтлар иштирок этади.



Масштаб 1: 1 900 000

### 1-расм. Жанубий Амударё дельтаёни районининг ландшафт харитаси

1. Қандим (*Calligonum aralense*) ва қора саксовул (*Haloxylon aphyllum*) ўсган кумли чўл тупроқли структурали-денудацион қияроқ текисликлар ландшафти. Асосан олдинги Мўйноқ ярим ороли ҳудудида шаклланган. Ландшафт жойлашган ҳудуднинг мутлақ баландлиги 60-80 м га етади. Ландшафт юзаси эол рельеф шакллари – кум грядалари ва кўзанакли кумлардан иборат. Уларнинг ўртача баландлиги 4-5 м. Ушбу ландшафт район ҳудудининг 3 фоизини эгаллайди (2-расм).


2. Шувоқ (*Artemisia diffusa*), буюрғун (*Anabasis salsa*) ўсган шағалли сур-қўнғир тупроқли ва майда тошли ёнбағирлар ландшафти (чинк ландшафтлари) районнинг энг ғарбида шаклланган. Районнинг энг

кичик (1,7%) қисмидан иборат.

3. Ўсимлик қопламисиз оддий шўрхокли нам пасткам текисликлар ландшафти район ҳудудининг 5 фоизини ташкил қилади. Ландшафт ҳудуди 1996 йилдан кейин қуруқликка айланган. Юзаси шўрхоқлардан иборатлиги сабабли ўсимлик қопламисиз.

4. Сийрак қора саксовул (*Haloxylon aphyllum*) ва юлғун (*Tamarix hispida*) ўсган кумли қия текисликлар ландшафти 1977-1996 йилларда қуруқликка айланган. Мўйноқ ярим оролининг шимолида шаклланган. Қумларда шўрлик юқори бўлганлиги сабабли ўсимликлар сийрак ўсади. Айрим жойлардаги дўнг-грядали кумлар ўсимлик қопламисиздир. Ушбу

ландшафт район майдонининг энг катта қисмини, яъни, 33 фоизини эгаллайди.



**2-расм. Жанубий Амударё дельтаёни районининг ландшафт структураси (район майдонига нисбатан, %)**

5. Сийрак қора саксовул (*Haloxylon aphyllum*), қандим (*Calligonum aralense*), юлғун (*Tamarix hispida*) ўсган қумли ҳамда шўра (*Atriplex fominii*, *Climacoptera aralensis*) ўсган шўрхокли тўлқинсимон юза текисликлар ландшафти олдинги Ажибай қўлтигининг шимолида жойлашган. У ғарбда чинк ландшафти (6) билан чегараланади. Юзаси қум барханларидан иборат ва районнинг 16 фоизини эгаллайди.

6. Сийрак бутали, шувоқ (*Artemisia diffusa*) ва селин (*Stipagrostis pennata*) ўсган майда дўнг қумли тўлқинсимон текисликлар ландшафти олдинги Оқпетки архипелаги ва Жилтирбас қўллар тизими оралиғида шаклланган. Рельефи асосан қум, қумоқ ва гипседан, айрим жойларда эса денгиз чиғаноқларидан иборат. Ушбу ландшафт район майдонининг 10 фоизига тенг.

7. Қорабароқ (*Halostachys belangeriana*), юлғун (*Tamarix hispida*) ўсган ўтлоқ тупроқли ва бир йиллик галофитлар ўсган шўрхокли аккумулятив текисликлар ландшафти қуриган денгиз тубининг жануби-ғарбий қисми бўлган олдинги Ажибай қўлтиғи ўрнида шаклланган. Бу ерга Судочье кўли орқали коллектор сувлари келиб туради. Район умумий майдонининг 5,3 фоизини қамраб олади.

8. Қамиш (*Phragmites australis*), юлғун (*Tamarix hispida*), сарсазан (*Halocnemum strobilaceum*), ўсган шўрланган тақирсимон ўтлоқ тупроқли ва қумли чўл тупроқли аккумулятив текисликлар ландшафти район худудининг 19 фоизига тўғри келади. Бу

9. Сарсазан (*Halocnemum strobilaceum*), юлғун (*Tamarix hispida*), қора саксовул (*Haloxylon aphyllum*) ўсган кучли шўрланган қумли чўл тупроқли қия текисликлар ландшафти район худудининг 5 фоизини ташкил этган ҳолда Мўйноқ ярим оролининг шарқида шаклланган. Рельефида баландлиги 1-2 м га етадиган дўнг қум, барханларни ва улар орасидаги пастқамликларда денгиз чиғаноқлари қолдиқларини кўриш мумкин.

**Хулоса.** Жанубий Амударё дельтаёни районининг ландшафтлари бошқа район ландшафтларидан шаклланиб улгурганлиги билан ажралиб туради. Район ландшафтларнинг 68,7 % автоморф, 19 % яримгидроморф ва 10,3 % гидроморф шароитда ривожланаётганлигини харитадан (автоморф ландшафтлар гуруҳи вертикал чизиқлар билан, гидроморф ландшафтлар эса горизонтал чизиқлар билан ҳамда ярим гидроморф ландшафтлар қия чизиқлар билан акс эттирилган) кўриш мумкин. Биринчи ва иккинчи рақамдаги ландшафт хили қадимги денгиз текисликлар, қолганлари эса ҳозирги денгиз текисликлар

тоифасига мансублиги аниқланди.

Ҳозирги кунда районда кўплаб фитомелиорация ишлари амалга оширилмоқда. Бунда регионал ва типологик кўламдаги ландшафт хариталари табиий географик компонентларни ўрганишда илмий асос вазифасини бажаради.

Районнинг ландшафт структурасини таҳлил қилиш орқали эса ҳудуд табиий ресурсларидан тўла ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишнинг илмий асослари ишлаб чиқилади ва келажакда ривожланиш йўналишлари прогнози берилди.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Комплексные дистанционные и наземные исследования осушенного дна Аральского моря // Германское общество технического сотрудничества Межгосударственная Координационная Водохозяйственная Комиссия Центральной Азии, Научно-Информационный Центр /Под ред. проф.В.А.Духовного. – Ташкент, 2007. – 190 с.
2. Курбаниязов А.К. Становление и развитие ландшафтов южной части обсохшего дна Аральского моря и меры борьбы с процессами опустынивания: Дис. ... канд. геогр. наук. – Ташкент: НУУз, 2001. – 151 с.
3. Шомуродов Х., Алланазарова У., Рахимова Т. Картографирование растительного покрова южной осушенной части дна Аральского моря // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2007. – № 4. – С. 49-52.

### Тошбоев З. М.

#### МИРЗАЧЎЛДА ТАРКИБ ТОПГАН АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР

**Аннотация:** мақолада Мирзачўл табиий географик округи ҳудудида жойлашган антропоген ландшафтлар тавсифланган.

**Таянч иборалар:** воҳа, селитеб, рекреация, антропоген ландшафтлар, ландшафтларни таснифлаш.

### Тошбоев З. М.

#### АНТРОПОГЕННЫЙ ЛАНДШАФТ ГОЛОДНОЙ СТЕПИ

**Аннотация:** в статье описываются антропогенные ландшафты, находившиеся на территории физико-географического округа Мирзачул.

**Ключевые слова:** оазис, селитеб, рекреация, антропогенные ландшафты, классификация ландшафтов.

### Toshboyev Z.M.

#### ANTHROPOGEN LANDSCAPE OF OPEN STEPPE

**Abstract:** this thesis deals with the anthropogenic landscape in territory of Mirzachul district.

**Key words:** oasis, residential, recreation, anthropogen landscape, classification of landscapes.

**Кириш.** Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг географик жиҳатлари географияда антропоген ландшафтшунослик йўналиши вужудга келишига сабаб бўлди. Инсоннинг табиатга таъсири, табиий географик шароитнинг ўзгаришида инсоннинг таъсири ҳақидаги масалалар Ж.П.Марш (1966), В.В.Докучаев (1892), А.И.Воейков (1894), П.П.Тяншанский (1924) асарларида ёритилган. Антропоген ландшафтшунослик ҳақидаги ҳозирги тасавурлар XX асрнинг 30-40-йилларида вужудга кела бошлаган. Антропоген омилларнинг ландшафтларнинг шаклланишидаги ролини ҳисобга олиб, рус олими А.Г.Раменский (1938) ландшафтшуносликнинг ўрганиш объекти фақат табиий ландшафтлар эмас, балки инсон томонидан яратилган маданий ландшафтлар ҳам бўлиши лозим, деб таъкидлайди.

Таниқли ландшафтшунос олим Ф.Н.Мильков (1964, 1970, 1973) антропоген ландшафт тўғрисидаги таълимотга асос

солиш билан бирга, уни такомлаштирди ва тадқиқ этиш методологиясини ишлаб чиқди. Антропоген ландшафтшуносликнинг назарий масалалари ечимини топишда катта хизмат қилиб, унинг географик фанлар тизимида тутган ўрнини, тадқиқот объектини, предметини ва вазифаларини илмий нуқтаи назардан асослаб берди.

**Асосий қисм.** Антропоген ландшафтларни ўрганишнинг долзарб назарий масалалари хилма-хил ва кенг миқёсли бўлиб, улар тадқиқот масштаби ва олдига қўйилган мақсадига кўра глобал ва регионал масалаларга бўлинади. Антропоген ландшафтларнинг ҳудудий зонал табақаланишига боғлиқ ҳолда уларнинг шаклланиши ва ривожланиши турли регионларда турли вақтларда бошланган. Бунга мисол қилиб, Россиянинг Европа қисми ўрта ва шимолий минтақаларида антропоген ландшафтлар неолит даврида, Ўрта денгизи ва Ўрта Осиё ҳудудида эса мезолит, ҳатто қуйи палеолит даврида

бошланганлигини айтиш мумкин. Антропоген ландшафтлар деярли барча кенглик зоналари ва тоғли ҳудудларда учрайди ва табиий ҳамда антропоген элементлар йиғиндисидан иборат бўлиб, ҳар бир табиий географик зона ўзининг антропоген ландшафтлар спектрига эга. Катта қисми мўътадил кенгликларга тўғри келувчи Ўрта Осиёнинг чўл зонасида воҳа-шаҳар, воҳали қишлоқ, воҳали қишлоқ хўжалиги, воҳали қумли, намланган адир, яйлов ва сув антропоген ландшафтлар учрайди.

Антропоген ландшафтларни таснифлаш ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланган бўлиб, инсон хўжалик фаолияти таъсирида бузилган ландшафтларни таснифлашнинг биринчи тажрибаси Б.А.Котельниковга тегишли. Шунингдек, Д.Б.Богданов (1951), С.В.Калесник (1955), К.Г.Раман (1958), В.С.Жекулин (1961), А.Г.Исаченко (1965), А.Абдулқосимов (1972) антропоген ландшафтларни таснифлашган. Ф.Н.Мильков (1973) антропоген ландшафтларни таснифлашда уларни қайсидир белгиларига кўра ёки қандай амалий мақсадлар учун ўрганилишини ҳисобга олиб, антропоген ландшафтларни:

- уларнинг таркибига кўра,
- инсоннинг табиатга таъсирининг чуқурлашувига кўра,
- антропоген ландшафтларнинг генезисига кўра,
- вужудга келишида мақсадга йўналтирилганлигига кўра,
- уларнинг вужудга келиши узоклиги ва ўзини-ўзи бошқаришига кўра,
- хўжалик аҳамиятига кўра таснифлаган.

Ўрта Осиё ҳудуди ҳам антропоген ландшафтлари энг қадимги шаклланиш марказларидан ҳисобланади, айниқса суғориладиган антропоген ландшафтларни Ўрта Осиё халқларининг оддий хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиши ҳудуддаги антропоген ландшафтларни уларнинг таркибига кўра қишлоқ хўжалик, ўрмон, селитеб, ирригацион, оддий саноат турларини шаклланишига олиб келди.

Ўзбекистон ҳудудида антропоген ландшафтлар кенг тарқалган бўлиб, уларни турли мақсадларда ландшафтшунос олимлар томонидан ўрганилган. А.Рафиқов Мирзачўлнинг шарқий қисми суғорила-

диган районлари ландшафтларининг ривожланиши (1972) бўйича тадқиқот олиб бориб, ҳудуд ерларини табиий мелиоратив жиҳатдан баҳолаган (1976). Мирзачўл табиий географик округи антропоген ландшафтларнинг вужудга келиши, уларни ландшафт бирликларига ажратиш, таснифлаш, картага тушириш ишлари эса ҳали етарлича тадқиқ этилмаган. Ўрта Осиё антропоген ландшафтларини ўрганиш ва картага тушириш асосида А.А.Абдулқосимов уларни мазмунига кўра қуйидагича таснифлайди: 1) суғориладиган қишлоқ хўжалик ландшафтлари; 2) суғориладиган кучли намланган ландшафтлар; 3) лалмикор қишлоқ хўжалик ландшафтлари; 4) воҳа-селитеб ландшафтлари; 5) сувли антропоген ландшафтлар; 6) рекреацион ландшафтлар; 7) чўл ва чалачўл антропоген яйлов ландшафтлари; 8) йўл ландшафтлари; 9) саноат ландшафтлари; 10) кўмилиб кетган қадимги селитеб ландшафтлар синфларини ажратади.

Мирзачўл табиий географик округи ҳудудида ҳам А.А.Абдулқосимов томонидан Ўрта Осиё бўйича ажратган антропоген ландшафтлар синфларининг деярли барчасини ажратиш мумкин. 1. Суғориладиган қишлоқ хўжалик ландшафтлари - Мирзачўлнинг Сирдарёни чап соҳилида қадимги ўзлаштирилган қисмидан бошлаб, шимоли-шарққа томон йўналишда янгидан ўзлаштирилган қисмларини ўз ичига олади ҳамда Сирдарёнинг кўҳна қайирларига тўғри келади. Сирдарёнинг кўҳна қайирларида, шунингдек, 2. Кучли намланган суғориладиган ландшафтлар ҳам таркиб топган бўлиб, шолзорлар барпо этилган. 3. Лалмикор (бахорикор) антропоген ландшафтлар - Мирзачўлнинг жанубий қисмида Туркистон ва Нурота тоғ тизмалари шимолий тоғ олди қисмига тўғри келиб, ер ости сувлари жуда чуқурда ётади, тупроқ таркибида намлик ва чиринди миқдори камлиги туфайли лалмикор деҳқончиликда фойдаланилади. 4. Воҳа-селитеб ландшафтлари - Мирзачўлнинг аҳоли яшаши ва хўжалик фаолияти учун қулай бўлган тоғолди пролювиал текисликлари, дарё ва сойларнинг тоғолди ёйилма конуслари, янги ўзлаштирилган ҳудудларда жойлашган қишлоқ, шаҳарча ва



шаҳарлардан таркиб топган. Кейинги вақтларда воҳа селитеб ландшафтларининг кўлами кенгайиб бормоқда. 5. Сувли антропоген ландшафтлар - Мирзачўлдаги сув омборлари, каналлар, ариқлар, зовурлар ва коллекторлардан иборат. Бундай ирригацион ландшафтларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг таъсири худуддаги барча антропоген ландшафтларда акс этади ва уларнинг таркиб топишининг асосий негизи ҳисобланади. 6. Рекреацион ландшафтларга соғломлаштириш, истироҳат мақсадларида ташкил этилган боғлар, шаҳар ва шаҳар атрофидаги хиёбонлар, шифобахш минерал булоқлар атрофидаги зиёратгоҳлар, дам олиш ва соғломлаштириш масканлари киради. 7. Йўл ландшафтларига автомобил йўллари, темир йўллар кириб, тош-шағал ва асфальт билан қопланган. Бунда кўпроқ рельефга таъсир кўрсатилади. 8. Саноат ландшафтлари тоғ-кон саноати қайта ишлаш техникаси билан табиий муҳит ўзаро алоқадорлиги туфайли таркиб топади. Мирзачўл худуди минерал хом ашё ресурслари кам топилганлиги учун саноат ландшафтлари Нурота тоғ тизмаси шимолий этаклари оҳактош хом ашёси карьерлари, Учкулоч полиметалл рудаси конлари, шунингдек, янгидан ташкил этилаётган

Жиззах махсус индустриал зонаси худудида таркиб топган. 9. Қадимий селитеб мадфун ландшафтларга кўрғонлар, қадимий манзилгоҳлар қолдиқлари кириб, улар узок ўтмишдан ҳозиги кунгача айримлари сақланиб қолган. Бундай ландшафтлар Жиззах шаҳри атрофида, Зомин шаҳарчаси теварагида қадимги қалъалар қолдиқлари сифатида учрайди.

**Хулоса.** Антропоген ландшафтлар ҳам табиий ландшафтлар сингари зонал ва азонал комплексларга ажратилади. Қишлоқ хўжалиги, ўрмон, сув ва қишлоқ селитеб ландшафтлари зонал, саноат ва шаҳар селитеб ландшафтлари эса азонал тавсифга эга. Мирзачўл антропоген ландшафтларини ўрганиш борасида олиб бораётган илмий тадқиқот ишларимизда худуднинг ландшафт компонентларида кузатилаётган ўзгаришларни баҳолаш ва уларни карталаштириш масалаларига эътибор қаратилади. Антропоген ландшафтларни ва уларнинг таркибий қисми бўлган воҳа ландшафтларини тадқиқ этиш, шаклланиш тарихини ўрганиш, уларни ўрта ва йирик масштабда карталаштириш, таснифлаш, динамик ривожланишини кузатиш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият эга.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Абдулқосимов А.А. Антропоген ландшафтшунослик ва унинг тадқиқот предмети // Антропоген ландшафтшунослик. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд, 2014. – 5-25 б.
2. Мильков Ф.Н. Человек и ландшафты. - М.: Мысль, 1973.
3. Тошбоев З.М. Мирзачўл воҳа ландшафтларининг таркиб топиши // Замоновий география ва унинг ривожланиш истиқболлари. – Тошкент, 2011. – 49-52 б.

**Назаров Х.Т., Хурсанов Д.Б., Облоқулов А.**

### ЧЎЛ ЛАНШАФТЛАРИДА СУНЬИЙ АГРОФИТОЦЕНОЗЛАР ЯРАТИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

**Аннотация:** мақолада республикамиз худудидаги яйловларни географик тарқалиши ва уларни экологик ҳолатини яхшилашга қаратилган мелиоратив чора тадбирларга тўхталиб ўтилган. Яйловларни тиклаш ва қайта ишлаш учун фитомелиорациядан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**Калит сўзлар:** фитомелиорация, агромуелиорация, дегредация, суньий яйлов, генератив ва вегетатив новдалар, агротехника, уруғ йиғиш.

**Назаров Х.Т., Хурсанов Д.Б., Облоқулов А.**

### НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ СОЗДАНИЯ ИСКУССТВЕННЫХ АГРОФИТОЦЕНОЗОВ В ПУСТЫННЫХ ЛАНДШАФТАХ

**Аннотация:** в статье рассмотрено географическое распределение пастбищ на территории республики и проводимые мелиоративные мероприятия по улучшению их экологического состояния.

**Ключевые слова:** фитомелиорация, агромуелиорация, дегредация, искусственная пастбища, агротехника.

**Nazarov H.T., Husanov D.B., Obloqulov A.**

### SCIENTIFIC-PRACTICAL IMPORTANCE OF DEVELOPING ARTIFICIAL AGROPHITOSYNOSIS IN DESERT LANDSCAPE

**Summary:** in article it is considered geographical distribution of pastures in the territory of the republic and the held meliorative events for improvement of their ecological state

**Key words:** phytomelioration, agromelioration, degredation, artificial pastures, agrotechnology.

Ўзбекистонда чўл ва чала чўл яйловлари 32 млн. га ни ташкил қилиб, шундан қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерлар 20,5 млн. га ва чўл яйловлари 16,2 млн. га, яъни 79,4 % ни ташкил қилади. Яйловлар табиий географик хусусиятларига кўра бир қанча типларга бўлинади. Жумладан, адир яйловлари – 1,5 млн. га, гипсли чўл яйловлари – 6,5 млн. га, кумли чўл яйловлари – 9,0 млн. га, шўрхок яйловлар – 1,5 млн. га.

Адир яйловлари асосан барра ўт, эфемерлар ва эфемероидлардан ташкил топган бўлиб, ҳосилдорлиги 0,5-5 ц/га етиши мумкин. Адир яйловларида ёғингарчилик миқдори 80-200 мм гача бўлиб, бу яйловлардан йилнинг баҳор ва ёз мавсумларида фойдаланиш мумкин. Гипсли чўл яйловлари чўл минтақасида тарқалган бўлиб, ўсимлик қоплами шувоқ ва эфемерлардан иборат. Худудда асосан ёғин миқдори 80-240 мм гача бўлиши кузатилади.

Кумли чўл яйловлари яйловларнинг асосий қисмини ташкил қилган ҳолда ўсимлик қоплами бута, ярим бута ва ўтлардан ташкил топган, ёғингарчилик миқдори бир мунча кам – 70-170 мм гача, яйлов ҳосилдорлиги 1,5-2,5 ц/га гача бўлиши кузатилади. Яйловлар ҳосилдорлиги йиллар давомида бир хил меъёрда бўлмасдан атмосфера ёғинлари миқдорига боғлиқ равишда доимий ўзгариб туради. Айрим қурғоқчил йилларнинг 2-3 йиллаб давом этиши яйловлардан фойдаланишда муаммоларни келтириб чиқармоқда ва яйловлар ҳосилдорлиги кескин пасайиб 0,5-1 ц/га гача бўлиши кузатилади. Яйлов ҳосилдорлигини пасайишига таъсир этувчи яна бир омил бу яйловларда меъёрдан ортик мол боқиш бўлиб, бунда яйловларга ортикча тазъийқ ўтказилиб, ўсимликлар турлари камайишига ва яйловда озуқа ўсимликлари йўқолишига олиб келади. Бу ҳолат яйловларда ўсимликлар дегредацияга учрашига, яйловнинг тупроқ, сув режимлари бузилишига, камбағаллашиб ўз-ўзини тиклаш қобилиятини йўқотишини келтириб чиқаради. Яйловларнинг дегредацияга учраш сабабларидан яна бири бу аҳолини хўжалик эҳтиёжлари учун бута ва ярим буталарни чопиб йўқ қилишидир. Бунда

ўсимликлар илдиз системаси билан чопиб олиниб, унинг ўсиш, кўпайиш хусусиятлари бутунлай йўқолади. Яйловлар ўсимлик қоплами регрессияси натижасида ҳосилдорликнинг кескин камайиши кузатилади.

Ҳозирги кунгача 260 дан ортик бута ва ярим бута ўсимлик турлари ўрганилиб, шулардан 30 % дан ортик тур ўзининг ҳосилдорлиги, қурғоқчил иқлимга чидамлилиги ва шўр тупроқда ўса олиши каби хусусиятларга қараб ажратиб олинди (Шамсиддинов, 1964, 1978, 1983; Махмудов, 1968; Саидов ва бошқ., 1979; Мамасолиев, 1964; Ибрагимов, 1980). Яйловлар ҳосилдорлигини қайта тиклаш ва юқори ҳосилли сунъий агрофитоценозлар яратишда муайян худудни тупроқ, иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қатор агротехник тадбирлар ўз вақтида ва маромига етказиб амалга оширилиши зарур. Бундай фитомелиорантлар сифатида экиладиган озуқабоп ўсимликларнинг экологик-биологик, хўжалиқбоп хусусиятларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Агротехник тадбирлар мажмуасига қуйидагиларни киритиш мумкин: майдон танлаш, тупроққа ишлов бериш, экинзорларни жойлаштириш, экиш муддатлари, уруғ сарфи меъёрларини белгилаш, экиш усуллари ва техникаси, уруғларни тупроққа қадаш, чуқурлигини ҳисобга олиш ва экинзорларни парваришлаш кабилардир. Фитомелиоратив тадбирларни амалга оширишда, биринчи навбатда, антропоген ёки техноген таъсирлар натижасида ўсимлик қоплами камбағаллашган, ҳосилдорлиги жуда паст яйлов худудлари танланади ва амалий ишлар бажарилади. Яйловларни тиклаш ва ҳосилдорлигини ошириш мақсадида истиқболли ўсимлик турлари ва уларнинг навларини тавсия этиш мумкин.

**Оқ саксовул-*Haloxylon persicum* Vge.** Шўрадошлар оиласига мунсуб, бўйи 3-4 м га етадиган дарахтсимон бута барглари редуцияланиб, кичик тангачаларга айланган. Фотосинтез жараёни ёш ассимляцион новдалари орқали амалга ошади. Умумий белгилари жиҳатдан қора саксовулга ўхшаш. Псаммофит ўсимликлардан бўлиб, фақат кумли чўлда ўсади. Яйловда 30 йилгача умр кўради (Нечаева ва бошқ., 1973).

Оқ саксовулнинг қора саксовулдан фарқи яна шундаки, гулларининг қисқа новдачаларида ўрнашганлиги, вегетатив новдаларида гулларнинг бўлмаслиги ва танасининг оқ пўст билан ўралганлигидир.

**Қора саксавул – *Haloxylon aphyllum* (Minkw) Пjin.** Шўрадошлар оиласига мансуб, бўйи 3-4 м, баъзан 6-8 м га етадиган сершоҳ дарахтсимон бута. Узоқ вегетация даврига эга бўлган ва яйловда 60-90 йилгача умр кўрадиган ўсимлик. Қора саксовул одатда кум тепаликлар қаторлари орасидаги водийсимон паст текисликларда, эски дарё ва сойлар ўзанларида, нисбатан ер ости сувлари яқин жойлашган ҳудудларда ўсади. Қора саксовул апрель ойида кўкаради, вояга етган ўсимликлар апрелда гуллайди, уруғлари ноябрь ойида пишиб етилади. Гуллари кўримсиз, жуда майда. Гул берувчи новдачалари вегетатив новдаларида ҳам бўлади.

**Палецкий черкези – *Salsola paletzkiana* Lity.** Шўрадошлар оиласига мансуб, бўйи 3-5 м келадиган ҳақиқий псаммофит (кум севар) дарахтсимон бута ўсимлик. Пояси тик, шохланган. Эски тупларининг пўстлоғи кулранг, ёшлариники оқиш бўлиб, танаси туксиз. Черкез март-апрель ойларида кўкаради, июнь-июль ойларида гуллайди, мевалари август-сентябрь ойларида пишади. Палецкий черкези кўйлар учун кузда ва қишда тўйимли озуқа ҳисобланади. Экин шароитида черкезнинг озуқа ҳосилдорлиги унинг гектаридаги туб сонига қараб 2,5-6 ц ни ташкил қилиши мумкин.

**Чўғон – *Halothamnus subaphylla* Botsch.** Шўрадошлар оиласига мансуб, бўйи 40-180 см га етадиган ярим бута. Барглари бўғин-бўғин, тез синувчан, мўрт, оқиш рангда. Чўғон май-июнь ойларида гуллайди. Гул олди барглари майда, қисқа, серширала, гуллари бошоқсимон, гул тожи оқ рангли. Меваси сентябрь-октябрь ойларида пишади. Озуқаси тўйимлилиги билан ажралиб туради.

**Терескен – *Ceratoides eversmanniana* Botsch, et Ikonn.** Шўрадошлар оиласига мансуб, бўйи 40-110 см га етадиган бир уйли ярим бутадир. Барглари оддий, мустаҳкам, қисқа баргли, тухумсимон, чўзик, четлари текис, асоси юмалоқ, эни

узунасидан уч баробар қисқа бўлиб пастки ва устки томони қалин туклар билан қопланган. У март ойида кўкаради, пояси сершоҳ, ён шохчалар ҳосил қилиб ўсади, июль-август ойларида гуллайди, уруғи сентябрь-октябрь ойларида пишиб етилади, уруғлари тукчалар билан қопланган.

**Изен – *Kochia prostrata* (L) Schrad.** Шўрадошлар оиласига мансуб, бўйи 50-120 см га етадиган бутачадир. Барглари майда, поя ва ён шохларида навбатлашиб жойлашган, пояси асосида жуда кўп ён шохчалар ҳосил қилади. Изен типи генератив ва вегетатив новдалардан ташкил топади. У уруғдан март ойида кўкариб чиқади. Вегетация даври апрель ойининг бошида бошланиб, май-июнь ойларида гуллайди. Уруғи октябрь ойининг ўрталарида пишиб, ноябрь ойининг бошларида тўкилиб кетади. Вегетация даври 250-270 кунни ташкил қилади.

**Қуйровук – *Salsola orientalis* S.G.Gmel.** Қуйровук шўрадошлар оиласига мансуб, бўйи 20-100 см бўладиган ярим бута ўсимлик. Уруғидан экилган қуйровуклар март ойида кўкариб чиқади. У жуда сершоҳ, ёғочланган, туплари ва пояларидан ёш шохчалар ҳосил қилиб, тарвақайлаб ўсади. Йиллик новдалари тукчалар билан қопланган. Барглари новдаларида кетма-кет жойлашган, қаламли, ярим цилиндрсимон, қалин тукчалар билан қопланган. Илдизи ўқ илдиз бўлиб, тупроққа 6-7 м чуқурликка кириб боради.

Яйловлар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида уларни фитомелиорациялаш юқори иқтисодий самарадорликка эришиш ва қишлоқ хўжалигини, хусусан яйлов чорвачилигини барқарор ривожлантириш чорва молларини йил давомида тўйимли озуқа билан таъминлаш имконини яратади. З.Ш.Шамситдинов., И.О.Ибрагимов (1983) таъкидлашича, агарда табиий яйловлар ҳосилдорлиги ўртача 3,6 ц ни ташкил қилса, яратилган сунъий агрофитоценозлар ҳосилдорлиги 12-24 ц гача ошиши мумкин. Ҳар бир гектар яйловда олинадиган даромад табиий яйловникидан 3-6 марта юқори бўлади. Яратилган сунъий агрофитоценозлар ҳосилдорлиги юқорилиги, тўйимли ем-хашак захираси эканлиги ҳамда яшовчанлиги 15-20 йил ва ундан

юқорилиги билан ажралиб туради. Сунъий биосистемада ўсимликлар хилма-хиллигини агрофитоценозлар иқтисодий самарадор-бойишига ва экологик ҳолатни барқарорлиги юқорилиги ва экологик вазиятни ривожланишини таъминлашга хизмат оптималлаштириш билан бир қаторда, қилади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Мавлянов С.М. Эколого-фитоценологическая характеристика эфемероидного-полынного Карнабчуля, в связи с производительностью пастбищ. Автореф. дисс. канд. с-х наук. - Самарканд, 1973.
2. Махмудов М.М. Қорақўлчилик яйловларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболли фитомелиорантларнинг танлашининг асосий критерийлари. Чўл яйлов чорвачилигини ривожлантириш муаммолари. - Самарканд, 2005.
3. Мухаммедов Г.М. Улучшение пастбищ Центральных Каракумов. - Ашхабад, 1979.
4. Рафиқов А.А. Геоэкологический мониторинг пустынь Узбекистана и разработка стратегии борьбы с опустыниванием. Бюллетень ГКНТ РУз., 1997.
5. Раббимов А. Биологические особенности и селекция изеня *Kochia prostrata* (L) Sehrad в аридной зоне Узбекистана. Автореф. канд. дисс. - Ленинград, 1989.
6. Шамсутдинов З.Ш., Ибрагимов И.О. Долголетние пастбищные агрофитоценозы в аридной зоне Узбекистана. - Ташкент: Изд-во «Фан», 1983.
7. Шамсутдинов З.Ш., Чалбаш Р.М. Изучения экологических особенностей ранговой растительности и влажности почвы в связи с задачами улучшения полынно-эфемеровых пастбищ // Труды ВНИИК. Т.10. - Самарканд, 1960.

### Холдорова Г., Қаюмова М., Анорбоев С.

#### МИРЗАЧЎЛ ХУДУДИ ТУПРОҚЛАРИ МОНИТОРИНГ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

**Аннотация:** мақолада Мирзачўл табиий географик райони кишлок хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг минтақавий хусусиятлари кўриб чиқилган, ўзлаштирилган ҳудудларда тупроқ мониторингини амалга ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** мониторинг, аҳоли пунктлари, ўзлаштирилган ҳудуд, сунъий суғориш тизими, тупроқ таркиби.

#### Холдорова Г., Каюмова М., Анорбоев С.

#### РАЗМЫШЛЕНИЯ О СОЗДАНИИ СИСТЕМЫ МОНИТОРИНГА ПОЧВЫ НА ТЕРРИТОРИИ МИРЗАЧУЛ

**Аннотация:** в статье рассмотрены региональные особенности распределения земель сельскохозяйственного назначения Мирзачулского природно-хозяйственного района и приведены размышления о создании системы мониторинга почвы на освоенных территориях.

**Ключевые слова:** мониторинг, населенные пункты, освоенные территории, система искусственного орошения, структура почвы.

#### Xoldorova G., Kayumova M., Anorboyev S.

#### REFLECTIONS ON THE ESTABLISHMENT OF MONITORING SYSTEM OF SOIL IN THE TERRITORY MYRZACHUL

**Abstract:** the article considers the territorial features and distribution of agricultural land values of Myrzachul natural and economic area and provides reflections on the creation of a system for monitoring soil in developed areas.

**Key words:** monitoring, settlements, exploitation lands, artificial irrigation system, structure of soil.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида Мустақиллик йилларида ушбу оқибатларни кишлок хўжалигининг ривожланиши алоҳида бартараф қилиш учун кўплаб чоралар омилларга боғлиқ бўлиб келган. Бу омиллар табиий ҳудудларда мавжуд агроиклимий ресурсларга мос тармоқлар билан биргаликда сунъий суғориладиган майдонларнинг ташкил этилиши билан изоҳланади.

XX аср мобайнида мамлакат ҳудудида қўлланилиши, суғориладиган майдонлар улкан майдонлар ўзлаштирилиб, асосий стратегик аҳамиятга эга экин тури – пахта Бундай тадбирлар айниқса, Мирзачўл етиштирилди. Бу ҳатто собиқ Иттифок ҳудуди учун жуда аҳамиятлидир, зеро давридаги пахта монокультураси ва унинг чўлнинг ўзлаштирилиши ва табиий аянчли оқибатларига сабаб бўлди. ландшафтларнинг ўзгартирилиши, Мирза-

чўлни табиий комплекс сифатида янги қиёфага киритган. Айти вақтда Мирзачўл республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб берувчи асосий минтақалардан биридир. Бинобарин, ушбу ҳудудда ташкил этилган табиий-хўжалик тизими ҳақида қисқача маълумот бериш мақсадга мувофиқдир.

**Асосий қисм.** Мирзачўл ҳудудида Мирзачўл иқтисодий райони ташкил этилган бўлиб, иқтисодий район ҳудудий жиҳатдан Мирзачўл, Жиззах чўли ва Қизилқумнинг шарқий қисми, Туркистон тизмасининг ғарбий қисми ва Нурота тизмасининг шимоли-шарқий қисмларини ўз ичига олади.

Мирзачўл ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуи ёки иқтисодий райони маъмурий жиҳатдан иккита вилоят – Жиззах ва Сирдарё вилоятларидан иборат бўлиб, майдони 25,5 минг км<sup>2</sup>, аҳолиси 1 млн. 840 минг киши (2010 йил). Мирзачўл иқтисодий райони янги ерларни ўзлаштириш асосида таркиб топган бўлиб. Республика майдонининг 5,7 % ини ва аҳолисининг 6,7

% ни ташкил қилади. У асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ихтисослигига эга, саноат жиҳатидан ҳам тез ривожланаётган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуидир.

Иккала вилоят табиий шароит ва ресурслар салоҳияти, шунингдек ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади, лекин бу иккала вилоятнинг иқтисодий жиҳатдан бирлаштирувчи табиий ҳудуд ва транспорт омиллари, шунингдек, чўл ҳудудларининг ўзлаштириш даврида шаклланган хўжалик комплекслари мавжуд. Эндиликда вилоятлар республиканинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида ўзига хос ўринга эгадир. Табиий шароит ва ресурслар бўйича тафовутлар Жиззах вилоятини табиий районлаштириш тамойили бўйича иккига бўлиниш имконини беради. Туркистон тизмасига кирувчи тоғлар ва Нурота тизмасининг жанубий ёнбағирлари Зарафшон табиий географик районига киради. Бинобарин, Жиззах вилояти таркибидаги Бахмал, Ғаллаорол туманлари табиий жиҳатдан бошқа ўлка ҳудудидадир.

1-жадвал

#### Мирзачўл иқтисодий райони таркибидаги вилоятлар ҳақида умумий маълумотлар

Маълумотлар	Жиззах вилояти	Сирдарё вилояти
Ташкил топган санаси	1973 йил 29 декабрь	1963 йил 16 февраль
Майдони	21,2 минг км <sup>2</sup>	4,28 минг км <sup>2</sup>
Тоғли ҳудудлар	Чумқортоғ, Зоминтоғ, Моргузар, Нурота тоғлари	Тоғли ҳудудлар йўқ
Текисликлар	Жиззах чўли, Қизилқумолди текислиги, Ғаллаорол ботиғи, Сангзор тоғ оралиғи ботиғи, тоғ олди текисликлари	Мирзачўл чўли
Табиий сув ҳавзалари	Сангзор, Зоминсув дарёлари ва қўплаб тоғ сойлари, Айдарқўл, Арнасой, Тузкон қўллари	Сирдарё дарёси
Сунъий сув ҳавзалари	Жиззах, Зоминсув, Арнасой ва бошқа кичик сув омборлари, Туятортар, Жиззах машина канали, Жанубий Мирзачўл канали	Жанубий Мирзачўл, Дўстлик канали

Жадвалдан кўришиб турибдики, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг иқтисодий район таркибидаги ўрни анча фарқ қилади. Жиззах вилояти иқтисодий район ҳудудининг 83,2% ини, Сирдарё вилояти 16,8% ини ташкил қилади. Шунингдек, ҳудудлар табиий шароити ва табиий географик хусусиятлари жиҳатидан кўришиб турибдики, Сирдарё вилояти бир хил текислик ҳудудда, Жиззах вилояти эса турли табиий шароит ва географик хусусиятларга эга бўлган ҳудудларда жойлашган. Бу иккала вилоятнинг табиий шароити ва хўжаликни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар табиий географик ўрни билан боғлиқ равишда

шаклланади. Бундай омиллар Жиззах вилоятида кенроқ микёсдадир. Шу билан бирга ҳар икки вилоят чўл ҳудудларида ташкил этилган хўжалик тизими билан ўзаро ўхшаш ва чамбарчас боғланган. Бу боғланиш умумий суғориш тизимининг бунёд қилиниши, хўжалик ихтисослашуви билан юзага келади.

Сирдарё ва Жиззах вилоятларида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ўзлаштирилган ерларнинг салмоқли улуши экин экиладиган майдонларига тўғри келади.

Мирзачўл ҳудудининг ўзлаштирилган ва сунъий суғориш тизимида суғориладиган

майdonларининг тупроқлари асосан суғориладиган ўтлоқ-воҳа ва бўз-воҳа тупроқ типларига киритилади. Сирдарё дарёси бўйидаги худудлар ўзлаштирилиши жиҳатидан қадимийроқ бўлиб, энг сўнгги ўзлаштирилган майdonлар Жиззах чўлига мансуб.

2-жадвал

**Мирзачўл иқтисодий районида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг худудий таркиби**

Туманлар	Жами майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар		Шу жумладан суғориладиган ерлар		
		минг га	жами майдонга нисбатан, %	минг га	қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисб., %	
Сирдарё вилояти	Боёвут	52,3	37,2	71,1	33,1	88,9
	Гулистон	34,9	24,5	70,2	22,9	93,4
	Мирзаобод	63,6	43,0	67,6	35,5	82,5
	Оқолтин	55,1	42,9	77,8	42,7	99,5
	Сардоба	51,8	39,1	75,4	37,1	94,8
	Сайхунобод	45,1	30,6	67,8	29,1	95,0
	Сирдарё.	53,6	31,3	58,3	29,3	93,6
	Ховос.	61,9	42,8	69,1	41,1	96,0
<b>Жами</b>	<b>418,4</b>	<b>291,4</b>	<b>69,6</b>	<b>270,8</b>	<b>92,9</b>	
Жиззах вилояти	Арнасой	49,3	35,6	72,2	31,8	89,3
	Дўстлик	45,8	34,3	74,8	34,3	100
	Мирзачўл	48,0	35,1	73,1	31,1	88,6
	Зафаробод	52,2	32,9	63,0	27,3	82,9
	Пахтакор	37,7	27,2	72,1	27,2	100
	Зарбдор	50,7	35,4	69,8	34,1	96,3
	<b>Жами</b>	<b>283,7</b>	<b>200,5</b>	<b>70,6</b>	<b>185,5</b>	<b>92,5</b>
<b>Минтақа бўйича</b>	<b>2111,4</b>	<b>1168,4</b>	<b>55,3</b>	<b>275,4</b>	<b>23,5</b>	

Жадвал ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга янгича муносабат шаклланди. Ўзлаштирилган майdonларнинг тупроқ бонитети қайта кўриб чиқилиб, баҳоланди. Экинлар агротехник талабларга тўла риоя қилинган ҳолда етиштирилиши қатъий қоида бўлиши учун курашилмоқда. Ҳар қандай йўналишларни шакллантириш ва ривожлантириш биринчи ўринда майdonларнинг тупроқ ҳолати билан боғлиқдир. Шунга кўра, Мирзачўл худудида тупроқлар ҳолатини сақлаб қолиш ва яхшилашнинг янги назарий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш долзарб масаладир.

Мирзачўл худуди тупроқ ҳолатига тўла баҳо бериш ва яхшилаш чора тадбирлари, худуд тупроқларининг комплекс ва хусусий мониторинг тизимини яратишдан бошланади. Бундай тизимни яратиш олдинги тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги ишларни амалга

оширишни тақозо этади:

- Мирзачўл худуди тупроқлари бўйича ўтказилган барча тадқиқотлар натижалари ва ҳулосаларини умумлаштириш;
- Умумлаштирилган ҳулосалар асосида комплекс ва алоҳида худудий миқёсдаги амалий тадқиқотларни ташкил этиш;
- Худуд тупроқларининг хусусиятларини алоҳида ҳамда комплекс тарзда, даврий равишда баҳолаб бориш;
- Алоҳида хусусиятларни намоён этувчи тупроқлар мавжуд бўлган майdonларни кузатиш тизимини ташкил этиш;
- Тупроқлар ҳолатини табиий ва қишлоқ хўжалик тизимига хос ишлар таъсири бўйича кузатиш тизимини яратиш;
- Тадқиқотларга энг янги технологик усулларни жорий этиш ва узлуксиз олиб борилишини таъминлаш.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси тўғрисида” Қонуни (30.04.1998).
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида” Қонуни (30.04.1998).
3. Солиев А., Назаров М., Қурбоннов Ш. Ўзбекистон худудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Монография. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2010.
4. Ҳакимов Қ., Ғўдалов М. Жиззах вилояти географияси. – Жиззах, 2004.

**Крахмаль К.А., Абдуназаров У.К.**  
**К ИСТОКАМ СИСТЕМАТИЗАЦИИ НАУЧНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ В**  
**ГЕОГРАФИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ**

**Аннотация:** в работе приведены некоторые результаты по систематизации многочисленных представлений, по истории формирования исходных основ географии как определенной системы знаний, с последующим включением в информационные технологии.

**Ключевые слова:** география, история географии, научные исследования, страноведение.

**Крахмаль К.А., Абдуназаров У.К.**

**ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ИЛМИЙ ЙЎНАЛИШЛАРНИ ТАБАҚАЛАШНИНГ ДАСТЛАБКИ**  
**МАНБАЛАРИ**

**Аннотация:** мақолада география фанининг муайян соҳадаги билимлар тизими сифатида шаклланиш тарихи ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** география, география тарихи, илмий тадқиқотлар, мамлакатшунослик.

**Kraxmal K.A., Abdounazarov U.K.**

**TO THE ORIGINS OF SYSTEMATIZATION SCIENTIFIC TRENDS IN GEOGRAPHICAL RESEARCH**

**Abstract:** the paper presents some results on the systematization of numerous representations on the history of the formation of the original foundations of geography as a certain system of knowledge, and then included in information technology.

**Key words:** geography, history of geography, scientific research.

Географические воззрения, начиная со своего возникновения, самым тесным образом были связаны с исследованиями интересов, торговли и мореплавания, что было невозможно без специальных знаний окружающих земель и населяющих их народов, что нашло яркое отражение в античном страноведении. Наиболее близкой к пониманию географии была работа Гекатея Милетского, написанная после продолжительных путешествий. О значении этой работы в развитии географических знаний свидетельствует тот факт, введенный Гекатеем термин «*период*» на долгое время закрепился за всеми географическими описаниями. В географии Гекатея описан окружающий мир, климат, речные системы, растительность и животный мир, обычаи народов, которые отражали элементы физико-географической концепции.

У Аристотеля общее землеведение включает в себя данные по геодезии, астрономии, геологии и других наук, направленных на познание Земли, которое целесообразно названо общенаучным. Роль Аристотеля в становлении географической науки огромна, так как без общеземледельческого направления не могло начаться географическое познание Земли [Мукистанов, 1985]. Принято считать, что уже в периоды Аристотеля, была подготовлена почва для выделения из нерасчлененной натурфилософии самостоятельной отрасли научного знания – географии.

Для ее обоснования необходимо было систематизировать довольно многочисленные представления, разработать исходные основы географии как определенной системы знаний. И это было осуществлено Эратосфеном, в работе «Географические записки», состоящей из трех книг, он вводит в научный оборот термин «*география*» вместо ранее употреблявшихся «*перипл*», «*периогез*», «*период*». На основании сведений, представленных Страбонам, можно отметить, что Эратосфен рассматривал историю географических воззрений своих предшественников. При этом он не произвольно перечислял известные данные, а критически анализировал их, пытаясь определить географические понятия как итог истории развития. В результате такого анализа лежало понимание географии как научного познания земли, включающего общее землеведение и страноведческие описания. Эратосфен переходит к рассмотрению шарообразности Земли, правильно понимая, что только научное доказательство истинной формы Земли может стать необходимым фундаментом географии.

Для определения наиболее существенных пространственных характеристик формы Земли, вытекающих из ее шарообразности, Эратосфен вводит методы математики и астрономии, считая, что именно они позволят обосновать исходные положения. В результате у Эратосфена отмечено начало той отрасли науки,

которая в Новое время получила наименование математической географии. В ее сферу входило определение размеров земного шара, географических координат и разработка методов земной поверхности на плоскости – *теория картографической проекции*.

Эратосфен дает страноведческие описание известной в то время ойкумены, характеризует страны, их природные условия, быт, государственный строй, культуру народов и прилагает карту, исправленную им по данным математики и астрономии.

Развивая основные положения Эратосфена, Страбон разрабатывал методы на основе которых география должна стать самостоятельной наукой и, для обоснования, должна принять только те положения астрономии, математики, физики и других научных направлений, без которых ей нельзя обойтись и отмежеваться от всего негеографического знания [Боднарский, 1953].

Географ, по мнению Страбона, в основном должен изучать известную часть Земли – ойкумену, которую он может охватить взором, а также на основании собственных наблюдений и новейших научных открытий описывать страны, их климат. Географическое положение, величину, границы, народонаселение, государственный и общественный строй, основные виды продукции. Таким образом, по его мнению, география должна быть сугубо практической наукой и служить руководством избранному кругу образованных читателей, в особенности полководцам и государственным деятелям. Практическая направленность географии Страбона объясняется насущными запросами его времени – периода, когда римская империя в результате многочисленных завоевательных походов разрослась до невероятных размеров и стояла задача всестороннего исследования захваченных территорий. Деятельность не только Страбона, но и всех других географов того времени была ответом на эту настоятельную потребность эпохи. Этим, в значительной степени и объясняется преимущественное развитие в тот период страноведения.

В эти периоды происходит развитие

познания направленное на феноменологическое выявление качества, на основе которого и возможно первичное выделение, разграничение объектов исследования на основе эмпирического описания их отличительных особенностей [Асмус, 1976].

В последующие периоды становится ясно, что для получения более достоверного знания необходимо перейти от эмпирического описания, к исследованию их количественной определенности, выражаемой точным математическим языком, которое проявилось в деятельности Птолемея. В его работах географическое знание разделено на хорографию и географию получило дальнейшее своеобразное развитие. Если сравнить определения географического значения Птолемея со взглядами его предшественников, то его хорография представляет собой описательное страноведение и не нуждается в математическом методе. В его интерпретации география представляет собой линейное изображение земли со всем тем, что на ней находится. В результате своих исследований он приходит к выводу, что предметом географии служат пространственные характеристики Земли, ее отдельных частей. Именно в пространственности, по его мнению, и заключается ее специфика, понимание пространства как совокупности окружающих нас тел. Следовательно, познав их пространственную определенность, мы тем самым познаем и сами эти тела. Учитывая историческую обусловленность данного факта, мы далеки от мысли рассматривать это как недостаток, свойственный географии Птолемея, так как он открывает еще одно географическое направление – *«хорологическое»*, предметом исследования которого является пространственная определенность природных явлений [Исаченко, 1971].

Историографический анализ зарождения географических исследований показывает, что география возникла в форме страноведения, объединявшего совокупность естественного и общественного знания. В периоды начальной дифференциации, из единого страноведения выделяются естественная география и



хорография, вокруг которых формируется географические знания. Землеведение, хотя и выходило за рамки собственно географии и относилось к общенаучному направлению изучения Земли, сыграло определенную роль в становлении естественной географии.

Античные мыслители пытались при изучении общественных явлений исходить из «универсальных», географических воззрений в исследовании многочисленных фактов из жизни различных народов свидетельствовало о значительной зависимости общественных явлений от природных условий. Это предопределило возникновение своеобразного направления в изучении общественных явлений, впоследствии названного «географическим детерминизмом». Согласно воззрениям представителей этого направления, основой, детерминирующей общественное развитие, является климат. Он определяет не только особенности развития растительного и животного мира, но и образ жизни обитателей данной местности. Толкования географического детерминизма, представлено в философских системах Геродота, Эпикура и Демокрита.

Цицерон назвал Геродота отцом истории, но он, в своей «Истории», описал множество сведений географического характера. Наиболее существенными, в плане данной работы, в его научном наследии является стремление сопряжено рассматривать историю народов и окружающую природную среду. Географические и этнографические сведения Геродота для того времени были чрезвычайно обширны. В его трудах впервые указано настоящее положение Каспийского моря и отношение его к другим водам. Никто раньше не собрал столько сведений о многих народах, и не проникал так далеко на север, в глубь материка Скифии. Сведения Геродота об этой местности составляют почти еди-

ственный письменный источник по истории народов и окружающей их природной среды V в. до н.э. [Боднарский, 1953].

Демокрит обратил внимание на влияние окружающей среды на человека и зависимость органической жизни от климатических условий. Согласно разработанной им концепции, положение страны и ее природные условия оказывают заметное влияние на флору, фауну и образ жизни ее обитателей. Даже причину происхождения жизни, в том числе и человека, Демокрит видит в климатических условиях местности, представляющих одно из многочисленных явлений природы. В конечном счете, полагает он, причина развития природы заключена в ней самой.

Отдавая дань географическому детерминизму, Геродот отмечал, что человек – продукт не только климата, но и совокупности многочисленных факторов, в числе которых он называет культуру и традиции данного народа.

В разработке этой концепции Гиппократ в работе «О воздухах, водах и местностях» пытался определить зависимости человека от природы и «научно» обосновать «исключительность» древних греков, которая позволяет им жестоко эксплуатировать другие народы. Общее для представителей направлений географического детерминизма – это абсолютизация зависимости многих общественных явлений от природной среды и попытка объяснить этой зависимостью все социальные явления [материалисты Древней Греции, 1955].

В этих воззрениях отмечаются истоки почти всех позднейших географических концепций общего землеведения, страноведения, хорологии, географического детерминизма. Кроме того, наряду с собственно географическим направлением, содержатся вопросы геологического, биологического и социального характера.

#### Список литературы:

1. Асмус В.Ф. Античная философия. – М., 1976. – С. 30.
2. Боднарский М.С. Античная география. – М., 1953. – С. 136.
3. Исаченко А.Г. Развитие географических идей. – М., 1971. – С. 26-27.
4. Материалисты Древней Греции. – М., 1955. – С. 194.
5. Мукитанов Н.К. От Страбона до наших дней. – М.: Мысль, 1985. – 235 с.

**Назаров И.Қ. Ҳалимова Г.С.**  
**ТАБИЙ ҲУДУДИЙ ХИЛМА-ХИЛЛИК – БИОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙИ-**  
**МАДАНИЙ ХИЛМА-ХИЛЛИКНИНГ АСОСИДИР**

**Аннотация:** мақолада табиий ҳудудий хилма-хиллик ҳудудий биологик ва ижтимоий-маданий хилма-хиллик асоси эканлиги баён этилган. Моддий ва номоддий бойликларни муҳофаза қилиш ҳамда табиий, ижтимоий-маданий ва бошқа объектларни асрашни ташкил этишда хилма-хиллик тамойилини ҳисобга олиш тавсия қилинган.

**Калит сўзлар:** абиоген, биоген, антропоген, табиий-ҳудудий хилма-хиллик, географик муҳит, атроф-муҳит, геозкология.

**Назаров И.К., Ҳалимова Г.С.**  
**ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЕ ЕСТЕСТВЕННЫЕ РАЗНООБРАЗИЯ – ОСНОВА БИОЛОГИЧЕСКИХ И**  
**СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫХ РАЗНООБРАЗИЙ**

**Аннотация:** в статье обоснуется положение о том, что природно-территориальное разнообразие является основой для биологических и социально-культурных территориальных разнообразий. Рекомендуются учет принципа разнообразий в охране материальных и нематериальных богатств и при создании природоохранительных, социально- культурных и других объектов.

**Ключевые слова:** абиоген, биоген, антропоген, естественно-территориальные разнообразие, географическая среда, окружающая среда, геозкология.

**Nazarov I.K., Halimova G.S.**  
**TERRITOTIAL NATURAL DIVERSITY – BASIS OF BIOLOGICAL AND SOCIAL-CULTURAL**  
**DEVERSITY**

**Abstract:** in the article validating that environment – territorial diversity is base of biological and social cultural territorial diversity. Is recommended take in attention diversity of protection material and immaterial resources for creation nature conservation, social cultural and other objects.

**Key words:** abiogen, biogen, anthropogen, natural-territorial diversity, geographical environment, environment, geozecology.

Кейинги йилларда биологик хилма-хилликни асраб авайлаш борасида ташвиқот ва тарғибот тадбирлари тобора ортиб бормоқда. Бунинг ҳуқуқий-ташқилий асоси бор. 1992 йилда Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан Биологик хилма-хиллик тўғрисида Конвенция қабул қилинган эди. Ушбу халқаро дастурий ҳужжат бошқа давлатлар қатори, 1995 йилда Ўзбекистон ҳукумати томонидан ҳам қабул қилинган ва миллий стратегия ҳаракат режаси ишлаб чиқилган (1998) эди. Қайд қилиш жоизки, нафақат ҳудудий биохилма-хиллик, балки ижтимоий, ҳатто иқтисодий хилма-хилликнинг асосини табиий хилма-хиллик ташкил қилади.

Табиий ҳудудий (минтақавий) хилма-хиллик эса география, биология, геология фанлари билан бевосита боғлиқдир. Булар орасида география фани алоҳида мавқега эга. Чунки география турли катталиқдаги табиий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳудудий хилма-хилликни ва улар билан боғлиқ муаммоларни бевосита мажмуали ўрганадиган фандир. Бошқача қилиб айтганда, география фани “табиат-аҳоли-хўжалик” учбирлигини ҳудудларда самарали ташкил қилишнинг илмий асосларини яратиш билан шуғулланади (Назаров, 2013)

Биз яшаб турган Ер юзидаги ҳудудий фарқланишлар бирданга пайдо бўлган эмас. У узок геологик ва биологик эволюцион тарихга ва мазмунга эга. Хилма-хилликнинг асоси бўлган Ер сайёраси бундан 4,5 млрд. йил муқаддам пайдо бўлган ва унинг табиати узлуксиз ривожланиб келган. Оддийдан мураккабликка, бир хилликдан хилма-хилликка томон илгарилама эволюцион ривожланган, баъзида эса, ҳалокатли ўзгаришлар юз берган. Ер ҳақидаги фан вакиллари Ер табиатидаги ривожланишлар тарихини учта: абиоген, биоген, антропоген даврларга ажратадилар.

1. **Абиоген давр** Ернинг пайдо бўлишидан бошлаб бир миллиард йилни ўз ичига олади. Бу даврда Ер юзида кенг миқёсда вулканизм содир бўлган. Ер юзининг асосий қисми лавалар билан қопланган. Тупроқ қатлами шаклланмаган, куруқликлар оддий ҳаётсиз тошлоқлардан иборат бўлган. Ҳудудий фарқланишлар кескин бўлмаган, атмосфера, сувда темир ва марганец элементларининг фаолияти етакчилик қилган. Атмосфера аксарият карбонат ангидрид газидан иборат бўлиб, эркин кислороднинг улуши деярли бўлмаган.

2. **Биоген давр** Ер табиати ривожланишининг узоқ муддатини (3,5 млрд. йил муқаддам бошланган) ўз ичига олади. Яъни архей эрасидан бошлаб Ернинг инсон пайдо бўлгунча даврни қамраб олади. Бу органик дунёнинг узвий ривожланиши давридир. Геохимёшунос А. И. Перельман (1982) органик дунёнинг ривожланишини сув ўтлари – ёпиқ уруғлилар – очик уруғлилар – бир ҳужайрали ҳайвонлар – сут эмизувчилар занжири тарзида ифодалайди.

А.Н.Криштафовичнинг маълумотларига кўра, Ер юзидаги курукликларда девон даврида 12 минг ўсимлик турлари ўсган бўлса, карбон даврида 27, юрада 60, неогенда 160 минг турга етган, ҳозир 300 мингдан ортиқдир (Перельман, 1975, 317 бет).

3) **Антропоген давр** Ер табиатининг сўнги 1.5-2,0 (3,0-5,0) млн.йил ривожланиш босқичини ўз ичига олади. Ушбу давр биохилма-хилликга тегишли учта хусусиятга эга. *Биринчидан*, Ер табиати ҳозирги кўриниш босқичига ўтади. Унинг зонал, азонал, секторлик хусусиятлари тўлиқ шаклланади. Таниқли ландшафтшунос А.Г.Исаченко (1991) Ер шари курукликлари доирасида 29 та зонал ландшафт типлари мавжудлигини қайд қилади. Улар доирасида эса ландшафтлар камида бешта сонли рақамдан кам эмаслигини асослайди. Табиий-худудий хилма-хиллик ортиб боради. *Иккинчидан*, янги табиий шароитда янги ўсимлик, ҳайвонот турлари пайдо бўлади. Ҳозирги даврда ҳам янги турларни аниқлаш ва рўйхатга олиш давом этмоқда. *Учинчидан*, бу даврга хос бетакрор хусусиятлардан бири Ерда инсоннинг биологик тур сифатида пайдо бўлишидир. Ақлли инсон (*Homo Sapiens*) бундан 40 минг йил муқаддам пайдо бўлиб, унинг тўнғич ватани Шарқий Африканинг тропик саванналари ҳисобланади. Унинг Ер юзида тарқалиши эса, сўнги неолит, темир даврларида тугаган. Ақлли одамнинг пайдо бўлиши ижтимоий-худудий хилма-хилликнинг бошланишига олиб келди. Шу даврда дунё аҳолисининг сони 3 млн. киши атрофида бўлган (Шубаев, 1977). Милоднинг бошларида бу кўрсаткич 250 млн.га етган бўлса, 1820 йилга келиб 1 млрд.ни ташкил

қилган. 2011 йилнинг октябрь ойида сайёрамиз аҳолиси етти млрд.га етди. Кейинги ҳар 12-13 йилда бу кўрсаткич 1 млрд.га ортиб бормоқда.

Қайд қилиш жоизки, инсоннинг Ер юзида пайдо бўлиши биохилма-хилликнинг юксак намунаси бўлди. Дастлабки даврларда одамлар айна жойнинг табиий шароити, табиий жараён, ҳодисаларга мослашиб, кўп ҳолларда эса, улардан кўркиб яшаганлар. Инсон тобора ижтимоийлашиб борган, кундалик турмуши-юмуши, урф-одатлари, ижтимоий маросимлар айна жой табиатига уйғун бўлган. Уларнинг тили, ёзувлари, этник хусусиятлари ҳам бундан истисно эмас. Таниқли тарихчи олим Л.Н. Гумилов (1988) этносларнинг келиб чиқиши табиий асосга эга, айна жой табиати билан боғлиқ деб ҳисоблайди ва уруғшунослик (этнология) фанини география таркибидаги табиий фанлар қаторига киритади. Буюк мутафаккир Беруний “Ҳиндистон” асарида Ҳинд заминида яшовчи қабила ва элатларнинг тили, урф-одатлари, турмуш тарзи ҳамда удумларининг хилма-хиллигига географик муҳитнинг таъсири катта бўлганлигини қайд қилади (Ғойибов, 2008).

Ҳозирги даврга келиб инсон шундай қудратли кучга айландики, унинг ақл-заковати билан сон-саноксиз маданий ўсимлик навлари, хонаки ҳайвонот зотлари яратилиши билан бир қаторда хилма-хил моддий ва номоддий бойликлар бунёд этилди. Шунинг билан бир қаторда Ер табиатига инсоннинг салбий таъсири туфайли биологик турларнинг камайиши, мутлақо қирилиб кетиши рўй бермоқда. Ҳозирги даврда эса сайёрамиздаги 6000 ўсимлик ва 7000 ҳайвонот турлари йўқолиб кетиш хавфи остида турибди.

Ўзбекистон худуди географик қобик, биосфера доирасидаги хилма-хилликнинг ажралмас қисмидир. Биологик хилма-хиллик борасида республикамиз дунёдаги бой мамлакатлардан бири ҳисобланади. Юртимизда биохилма-хиллик 27000 га яқин турларни ташкил қилади, шундан 15000дан ортиқроғи ҳайвонот вакиллари дир (Биологик..., 1998). Агар 45 мамлакат худудлари жойлашган Европа қитъасида жами юксак ўсимликлар атиги 2500 турни

ташкил этса, бу кўрсаткич мамлакатимиз ҳудудида 4500 дан ортиқдир. Ўзбекистонда ҳам биохилма-хилликни сақлаш борасида узлуксиз тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз “Қизил китоби”га 301 ўсимлик (1998), 184 ҳайвонот (2003) турлари киритилган. Бу борада махсус кўриқ масканлари ташкил қилинган. Шунга қарамадан мазкур муаммо долзарблигича қолмоқда.

Қайд қилиш жоизки, биологик хилма-хилликни асраш ижтимоий ва табиий ҳудудий хилма-хиллик билан бевосита боғлиқдир. Буни Ўзбекистондаги 10 та табиий-тарихий округлар мисолида кўриш қийин эмас. Булар: Чирчиқ-Оҳангарон, Мирзачўл, Фарғона, Ўрта Зарафшон, Қуйи Зарафшон, Қизилқум, Қашқадарё, Сурхондарё, Қуйи Амударё, Устюрт платосидир (Бабушкин, Когай, 1971). Ҳозирги маъмурий ҳудудий (вилоятлар) чегаралар уларга тўлиқ мос келмасада, биологик ва ижтимоий-маданий хилма-хиллик асосини (пойдеворини) ушбу табиий-тарихий минтақалар ташкил қилади. Агар Ўзбекистон ҳудудига инсон зотининг кириб келганига 1,0-1,5 млн. йил (Селунгур ғори) бўлган бўлса, одамлар юқорида қайд қилинган минтақаларнинг табиий шароити ва бойликларига хос ва мос ҳолда яшаб, меҳнат қилиб келганлар. Ўзбекистондаги аҳолининг негизи 12 қавм (қабилла), 95 уруғдан иборат бўлса, уларнинг жойлашуви тили, урф-одатлари, маросимларига табиий-худудий хилма-хиллик асос бўлган. Ҳудуднинг “эгаси”, “табиби” (Солиев), “менежери”, “экологи”. “файласуфи” (Назаров) география фани экан, ҳар бир табиий-тарихий минтақанинг табиати, маҳаллий хусусиятлари, аҳолиси, урф-одатлари, “нафаси”, “дарди”ни, яъни табиий-худудий хилма-хиллигини географ-тадқиқотчи олимлар мукамал билиши, ҳудуднинг умумий ва ички манзарасини очиқ бериши лозим. Бу билимлар ўз навбатида бошқа фан вакиллари (тупроқшунос, ботаник, зоолог, тарихчи, элатшунос, иқтисодчи, тилшунос, санъатшунос, адабиётчи, социолог) методологик асос бўлиб хизмат қилади. Файласуфлар буни “геометод”, яъни бир бутунликдан иборат бўлган борлиқни

билишнинг худудий усули, деб ҳисоблайдилар (Кедров, 1987).

Табиий ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ҳаёт учун экозамин вазифасини ўтайди. Эковазият эса, инсоннинг яшаш ва меҳнат фаолияти туфайли юзага келади. Экозамин ва эковазиятнинг кўшбирлиги туфайли географик муҳит, ҳозирги ибора билан айтганда атроф-муҳит юзага келади. Шу боис ҳудуд доирасидаги экологик муаммоларни умумгеографик мазмунга эга бўлган геоэкология фани ўрганади. Географ-худудлар экологик деган хулосанинг моҳияти ҳам шунда (Назаров, 2013).

Хулоса ўрнида қайд қилиш жоизки, табиий ҳудудий хилма-хилликни асрамай туриб, биологик ва ижтимоий-маданий хилма-хилликни асраб бўлмайди. Ҳудуд соғ бўлгандагина ундаги борлиқ соғ-саломат бўлади. Кўлни асрамай туриб ундаги балиқларни асраб бўладими? Албатта йўқ! Бу борада энг аввало фан вакилларининг ҳамда республика, вилоят, туман, хўжалик, ташкилот, раҳбарларининг геоэкологик ҳудудий саводхонлиги жуда зарур.

Табиий ҳудудлар ва ундаги биологик, ижтимоий-маданий хилма-хилликни асраб-авайлаш пировард натижада инсонларнинг маънавий (маънавий-маданий) дунёсига бориб тақалади. Агар ҳудуднинг норасмий “эгаси”, “менежери” географ бўлса, расмий эгаси, яъни ваколатли раҳбарлар ва улар раҳнамолигида хизмат қилаётган кишиларнинг маънавияти моддий ва номоддий бойликларни асраб-авайлашнинг калитидир.

Ахир, Ургут чинорлари, Китоб кўриқхонасидаги геологик очилмалар. Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳидаги чинни гужумлар, Қулжуктовдаги (Қизилқум) жовқосин ва Бузе лолалари, Қорақалпоғистондаги дарё бўйи тўқайлари, Хоразмдаги Ичан қалъа меъморий обидалари моҳиятини тушунган кишигина уларнинг кадр-қимматини билади. Юксак маънавият моддий-номоддий кадриятларни асрайдиган кучдир. Демак, биологик, ижтимоий хилма-хилликни асраб-авайлаш фақатгина биолог, филолог, маданият ходимларининг иши эмас, балки барча фан вакилларининг, энг аввало эса, ҳудудлар “эгаси”, “файласуфи” бўлган географларнинг касбий бурчидир.

Бунинг учун географ-олимлар ҳозирги илмий-назарий қарахлик ва қолоқликдан уйғониб, ҳудудлардаги биологик, ижтимоий-маданий хилма-хилликни асраб-авайлашнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқишда ва тарғиб қилишда қарвонбошлик қилмоқлари зарур.

Табиий ҳудудий, биологик, ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий-ҳудудий хилма-хиллик, борликнинг бир бутунлиги, умумийлик-хусусийлик-яккалик, бутун ва қисм ҳамда географиядаги географик қобикнинг бир бутунлиги ва ҳудудий табақаланиши қонунларининг амалдаги кўринишидир. Ҳудудий хилма-хиллик қонуни қундалиқ амалиёт учун дастури амалдир.

Бозор муносабатлари қарор топаётган

ҳозирги даврда минтақавий сиёсат моҳияти ва йўналишини белгилашда, инновацион инвестицияларни киритишда, экотуризмнинг минтақавий моҳиятини аниқлашда, биологик, ижтимоий хилма-хилликни асраб авайлашда ҳамда истироҳат ва экологик боғларни, маҳсул қўриқ масканларини ташкил қилишда, намунавий уй-жойлар қуришда, ҳунармандчилик, моддий-номоддий бойлик, қадриятларни асраб-авайлашда хилма-хиллик тамойилига амал қилиш лозим. Чунки борлик, аниқроғи она табиат турли хилма-хилликлардан иборат бўлган бир-бутунликдир. Бир бутунлик эса ўзининг хилма-хиллиги билан гўзал, мафтункор ва севимлидир. Бу ўз навбатида инсонларни ҳаётни севишга, қувонишга ва уни ўрганишга ундайди.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Бабушкин Л.Н., Когай Н.А. Естественное историческое районирование. Растительный покров Узбекистана. Том.1. – Ташкент: “Фан”. - стр. 98-117.
2. Биологик хилма-хилликни сақлаш миллий стратегия ва ҳаракат режаси. - Тошкент, 1998. - 133 бет.
3. Гумилов Л.Н. Этносы в ландшафтах. Человек и природа. – Москва: “Знание”, 1988. - 98 стр.
4. Исаченко А.Г. Ландшафтоведение и физико-географическое районирование. Учебник. - Москва, 1991. - 366 стр.
5. Назаров И.К. География фанининг асосий муаммолари. – Тошкент: “Мухаррир”, 2013. - 212 б.
6. Перельман А.И. Геохимия ландшафта. Учебное пособие. – Москва: “Высшая школа”, 1975. - 342 стр.
7. Перельман А.И. Палеогеохимия ландшафтов. – Москва: ” Природа”, 1982. - №4. - стр.28-36.
8. Солиев А.С. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт. - Тошкент, 2013. - 228 б.
9. Шубаев Л.П. Общее землеведение. – Москва: «Высшая школа», 1977. - 455 стр.
10. Ғойибов Н. Донишманд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2008. - 64 бет.

**Абдуллаев С.И., Жанкабиллов И.Х., Муқумова Ҳ.И.**

### ГЕОЭКОЛОГИЯНИНГ АЙРИМ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мақола геоэкологиянинг методологик масалаларига бағишланган. Унда замонавий географик экологиянинг объекти, предмети ва вазифалари, шунингдек унинг Ер ҳақидаги фанлар тизимидаги ўрни ва мақомига нисбатан турли ёндашувлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** экология, геоэкология, географик ёндашув, геологик ёндашув, ландшафт экологияси.

**Абдуллаев С.И., Жанкабиллов И.Х., Муқумова Ҳ.И.**

### НЕКОТОРЫЕ МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ГЕОЭКОЛОГИИ

**Аннотация:** статья посвящена методологическим вопросам геоэкологии. В ней изложены различные точки зрения относительно объекта, предмета и задач современной географической экологии, а также её статуса и места в системе наук о Земле.

**Ключевые слова:** экология, геоэкология, географический подход, геологический подход, ландшафтная экология.

**Abdullaev S.I., Jonkabilov I.H., Muqumova H.I.**

### SOME METHODOLOGICAL MATTERS OF GEOECOLOGY

**Abstract:** this article is devoted to the methodological matters of geoecology. In it is given point of view concerning to object, subject and task of modern geographical ecology. Also it is status and place in the scientific systems about.

**Key words:** ecology, geoecology, geographical approach, geological approach, ecology of landscape.

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI билан бир пайтда кечди, янги фанлар асрнинг боши – геоэкологик парадигманинг шаклланди. Аммо, деярли ўнга яқин вужудга келиш ва қарор топиш даври анъанавий фан геоэкологияни ўзига экологик ва геоэкологик йўналишдаги қарашли фан деб даъвогарлик қилишади. Кўплаб тадқиқотларнинг юзага келиши Шу сабабли геоэкологиянинг назарий

асослари ҳам ҳанузгача тўлиқ яратилганича йўқ ва шу сабабли унинг назарий жиҳатлари етарлича ўрганилмаган масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Геоэкология жамият ва табиат ўзаро таъсирининг хилма-хил жиҳатларини қамраб олганлиги сабабли ҳозирги пайтга қадар аниқ ва умумқабул қилинган таърифга эга эмас, унинг предмет ва вазифалари ҳам аниқ ифодаланилганича йўқ. Шунингдек, геоэкологик тадқиқотларга тааллуқли масалаларнинг доираси аниқланмаган, унинг умумэътироф этилган методологияси ва барқарор терминологик тушунчалар базаси мавжуд эмас. Пировардида геоэкологик муаммоларни ўрганиш соҳасидаги термин ва тушунчалар жиддий баҳс-мунозаралар объектига айланди. Шунингдек, ҳозирги пайтда геоэкологиянинг айрим йўналишлари белгиланган бўлсада, унинг методологик асоси (объекти, предмети, мақсади, вазифалари, мақоми ва фанлар тизимида тутган ўрни) тўғрисидаги масалалар ҳанузгача батамом ўз ечимини топганича йўқ [1]. Шу сабабли геоэкологиянинг тадқиқот объекти ва предметини белгилаш, шунингдек унинг Ер тўғрисидаги анъанавий фанлар тизимидаги ўрнини аниқлаштириш унинг энг долзарб методологик муаммоларидан бирини ташкил этади. Бугунги кунда геоэкологиянинг илмий йўналиш (фан) сифатидаги мақоми ва ўрнини белгилашда турли ёндашувларга асосланилади.

Биологик ёндашувда геоэкология - экологиянинг уюшувнинг юқори даражасидаги экосистемалар ўрганиладиган мустақил бўлими бўлиб, унда асосий эътибор “жонсиз”нинг “жонли”га кўрсатилган таъсирига қаратилади. Биоцентрик ёндашув нуқтаи назаридан қаралганда, геоэкология табиий ва антропоген ўзгартирилган экосистемаларнинг таркиби, тузилмаси, мавжудлик (фаолият) ва тадрижий ривожланиш қонуниятларини ўрганадиган фанлараро илмий йўналиш.

Геологик ёндашувда геоэкология геологиядаги геологик муҳитнинг (литосферанинг) экологик муаммолари, шунингдек литосфера ва биосферанинг ўзаро таъсири қонуниятлари тадқиқ қилинадиган илмий йўналиш сифатида қаралади ва ҳозирги пайтда бу илмий йўналиш кўпинча экологик

геология деб аталади. Географик-геологик ёндашув нуқтаи назаридан геоэкология геосфераларни техноген жараёнлар таъсири остида экологик ўзгартириш тўғрисидаги фан, зеро ер ости сувларини (экологик геологиянинг объекти) ва ер усти (юза) сувларини (географик экологиянинг объекти), шунингдек тупроқларни, ландшафтларни алоҳида ўрганиб бўлмайди.

Фанлараро ёндашувда геоэкология – экология, география, геология, геокимё ва биология туташувидаги комплекс фан. Кўпгина олимлар геоэкологияни географик, геоэкологик, тупроқшунослик ва бошқа бир қатор фанларнинг ҳозирги ривожланиши ва синтезининг маҳсули, деб ҳисоблайдилар. Бу олимлар геоэкологияни уюшувнинг юқори даражасидаги антропоген ўзгартирилган экосистемаларнинг мавжудлик қонуниятларини ўрганадиган экологик йўналишдаги интеграл фан сифатида кенг маънода талқин қиладилар.

Географик ёндашувда геоэкология фақат организмларнигина ўрганиш эмас, балки уларнинг муҳит шароитларининг ўзгаришига таъсирланишини ва жамият фаолиятининг яшаш муҳитига акс таъсирини кузатиш зарурияти юзага келиши натижасида вужудга келди. Бундай ҳолда геоэкология табиатдан фойдаланишнинг экологик жиҳатларини, инсон ва атроф муҳитнинг ўзаро муносабати масалаларини ўрганади ва унинг учун системали ва синергетик парадигмалардан, эволюцион ёндашувдан фаол фойдаланиш хос. Геоэкология илмий йўналиш сифатида ҳам географияда, ҳам биологияда шаклланган қонунларга таянади, айни пайтда табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича ўзининг принцип ва қонунларини ишлаб чиқади.

Табиий муҳитга антропоген таъсирни илмий билишга интилиш асосий табиатшунослик фанлари – география ва биологиянинг яқинлашувига олиб келди, зеро бу фанлар фақат биргаликда салбий оқибатларни бартараф этиш йўллари ва усулларини таклиф эта олади. География ва экологияда табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини биргаликда ечишнинг айниқса катта имкониятлари мавжуд. Шу сабабли

география фани ва экология туташувида янги илмий йўналиш – геоэкология (географик экология) вужудга келди. Геоэкология классик табиатшуносликнинг (биология ва географиянинг) илмий ютуқларини, биринчи навбатда системали ёндашувни мерос қилиб олди. Шу сабабли табиий системаларни унинг асосий тадқиқот объекти сифатида қарашга имкон берди. Геоэкологияни географиянинг инсониятнинг экологик муаммоларини ечиш мақсадида табиий муҳитни экологик нуқтаи назардан ўрганадиган бўлими сифатида таърифлаш мумкин. Моҳиятига кўра географик, мақсадига кўра экологик бўлган геоэкологик тадқиқотларда географик, биологик (экологик) ва социал-ишлаб чиқариш системаларининг ўзари таъсири ўрганилади [2].

Геоэкология география фанлари системасидаги атроф табиий муҳитни, уни ташкил этувчи геосистемаларни (ландшафтларни) экологик нуқтаи назардан ва жонли табиатнинг таркибий қисми сифатидаги инсоннинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ бўлган муаммоларини ечиш ва инсониятнинг ривожланиши учун зарур бўлган ресурсларни олиш мақсадида ўрганадиган алоҳида йўналиш (фан) сифатида қаралади. Географик ёндашувда геоэкология учун фанлараро вертикал ва горизонтал, даставвал биология, социология, иқтисодиёт ва Ер тўғрисидаги фанларнинг барча комплекси билан алоқалар хос.

Ҳозирги геоэкология немис географи К.Тролл ландшафтшуносликка экологик йўналиш мақсадида асос солган “Ландшафт экологияси (Landshaf tsxkologie)”нинг тадрижий ривожланиши асосида таркиб топди. Кейинроқ К.Тролл “ландшафт экологияси” тушунчаси учун инглиз тилидаги синоними сифатида “Геоэкология (Geoe kology)” терминини қўллади [3,4]. Бу термин географияга махсус термин сифатида киритилганлиги боис бир қатор географлар уни фақат экологик-географик тадқиқотларда фойдаланиш лозимлигини таъкидлайдилар [5]. Ҳозирги пайтда ҳам Европанинг бир қатор мамлакатлари ва АҚШ географ олимлари (Bauer, Vaynichke, 1971; Drdosh, 1973; Neef, 1974; Barsh, Rixter, 1976; Vink, 1983; Risser, 1987; Boer, 1988;

Noymeyster, 1988; ва б.) томонидан “геоэкология” ва “ландшафт экологияси” адекват тушунчалар сифатида қўлланилади.

К.Троллнинг “ландшафт экологияси”га нисбатан геоэкологиянинг ўрганиш предмети янги объект – жамиятнинг киритилиши билан кенгайди. Ҳозирги пайтда кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, геоэкология жамият ва табиат ўзаро таъсири натижасида вужудга келадиган ҳудудий ва системали уюшган жараёнлар ва ҳодисаларни турли катталиқдаги геосистемалар доирасида ўрганиш ташкил этади, деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги пайтда географлар геоэкологиянинг мазмунини К.Троллга нисбатан кенгроқ талқин қиладилар. Ҳозирги талқинда геоэкологиянинг тадқиқот объектига нафақат табиий, балки антропоген ландшафтлар ҳам киритилади. Шунингдек, фаннинг мақсадли йўналганлиги – табиатдан фойдаланишни оптималлаштириш белгиланади. Барча ҳолларда геоэкология гарчи доимо унинг тадқиқотининг предмети, мақсади ва вазифалари аниқ белгиланмасада, инсоннинг атроф муҳит билан, жамиятнинг табиат билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги фан, деб ҳисобланади.

Геоэкологиянинг географик талқини тадқиқ қилинадиган геосистемаларнинг чегараларини ечиладиган масалага боғлиқ ҳолда белгилашга, географиянинг икки йирик (табиий ва социал-иқтисодий) тармоғини табиатдан оқилона фойдаланишнинг муҳим амалий вазифаларини ечиш учун бирлаштиришга имкон беради.

Геоэкологик тадқиқотлар ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб табиий география (ландшафтшунослик) ва иқтисодий географияда экологик ҳамда системали ёндашувларнинг кенг жалб этилиши билан ривожлана бошлади. Бизда географик адабиётларга “геоэкология” термини В.Б. Сочава [6] томонидан киритилган. У геоэкологияни географик муҳит ва унинг барча компонентларининг ҳолати, унда кечадиган жараёнлар тўғрисидаги фан сифатида таклиф қилган. Бундай тасаввурда геоэкологиянинг мазмуни К.Тролл киритган терминнинг мазмунидан тубдан фарқ қилади ва моҳиятига кўра янги геоэкология

фанидан иборат.

Геоэкологиянинг фан сифатида шаклланиши ва қарор топишида табиий географлар (ландшафтшунослар) билан биргаликда социал - иқтисодий география вакилларининг (Б. Алаев, С.Б. Лавров, Ю.Д. Дмитревский ва б.). ҳиссаси ҳам бекиёсдир. Шу сабабли геоэкология ўз фаолияти жаҳасида социал-иқтисодий масалаларни ҳам қамраб олади.

Инсон ва атроф муҳит орасидаги ўзаро алоқаларни ўрганиш геоэкологиянинг асосий предмети бўлиши мумкин. Бундай ҳолда организмлар, шу жумладан инсоннинг ҳаёт муҳити бўлган географик қобик геоэкологиянинг объекти бўлади, унинг мақсади эса ҳаёт муҳити мавжудлигининг, хусусан техноген муҳит (антропосфера, социосфера)ни социал-табиий экологик система сифатида асосий қонуниятларини белгилашдан иборат. Социал уюшув – бу айрим кишилар ва социал гуруҳларнинг ҳаракатларини социаллашуви, меъёр ва қадриятларни ўзлаштириш, социал назорат ва санкциялар тизимлари воситасида тартибга солиш ва бошқариш усулидир. Техносферанинг социал-табиий система сифатида ривожланиш қонуниятларини билиб олиш табиатдан оқилона фойдаланишга йўл очади. Шу сабабли геоэкология табиатдан оқилона фойдаланишнинг назарий ва методологик асоси сифатида қаралади ҳамда инсон яшайдиган муҳитни системали лойиҳалаш унинг бош вазифаси бўлиши лозим. Табиат ва инсон орасидаги алоқалар ўзгаришларнинг йўналиши табиатда ва инсоннинг социал фаолиятида бир пайтдаги ўзгаришларга олиб келади.

Геоэкологиянинг тадқиқот предметини инсоннинг атроф табиий муҳит билан ўзаро таъсири шароитлари, асосий вазифаси эса инсоннинг географик қобик доирасидаги техноген фаолиятини оптималлаштиришдан иборат.

Геоэкология жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири жараёнида табиий муҳитнинг табақалашувини тадқиқ қилади. Шу сабабли географияда таркиб топган ва ривожланаётган геоэкологиянинг ўрганиш объектини географик қобик, предметини эса географик қобикнинг инсон ҳаёти ва

ишлаб чиқариш фаолияти кечадиган атроф табиий муҳитни ташкил этувчи турли катталиқдаги табиий-антропоген геосистемалар (ландшафтлар) ва уларнинг экологик функциялари ташкил этади. Бинобарин, геосистемалар атроф муҳитни ва географик қобикни яхлит моддий система сифатида шакллантиради. Шу сабабли геоэкология табиат ва жамият ўзаро таъсирининг географик қобик бир бутунлигининг асоси сифатида ҳудудий ташкил этиш тўғрисидаги таълимот бўлиб хизмат қилиши лозим [1,5,7, 8,9].

Геоэкология – инсон ва бошқа организмларнинг яшаш муҳити сифатидаги географик қобикнинг таркиби, тузилиши, жараёнлари бўйича тадқиқотларни бирлаштирувчи (умумлаштирувчи) фанларо илмий йўналишдир. Геология, география, экология ва техника фанларининг бир қатор фанлари геоэкология билан ўзаро боғлиқ (яқин) фанлардир.

А.Г.Исаченко экологик география (экогеография) деб аташни маъқул топган ҳолда геоэкологияни география фани доирасидаги фанлараро йўналиш сифатида қарайди. Унинг фикрича, экологик географияни «география фанининг предмети географик муҳитни гуманитар-экологик нуқтаи назардан ўрганиш ва уни асраш ва яхшилаш (оптималлаштириш) бўлган бир бўлими ёки алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида таърифлаш мумкин. Турли катталиқдаги ... мураккаб уюшган геосистемаларнинг мажмуаси сифатидаги географик муҳит тўғрисидаги тасаввур экологик географиянинг концептуал асосидир...» [5].

Б.В.Поздеев эса геоэкология “табиат-шунослик, жамиятшунослик ва техникашуносликнинг кесишувида жойлашган ҳамда табиат ва жамият ўзаро таъсири натижасида вужудга келадиган ҳудудий ва системали уюшган жараён ва ҳодисаларни ўрганадиган интеграл илмий йўналиш”, деб ҳисоблайди [10].

Географик нуқтаи назардан геоэкология атроф табиий муҳитда унга антропоген аралашув натижасида вужудга келадиган жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганади. Антропоген омиллар – атроф-муҳитнинг инсоннинг тасодифий ёки



мақсадли фаолияти омиллари мажмуасидир.

Геоэкология табиат ва жамиятнинг экологиянинг биологик ва антропоцентриклик ҳамда географиянинг полицентриклик ва ҳудудийлик хусусиятларини биргаликдаги ўзаро таъсирини, геосистемаларни инсоннинг ҳаёти ва фаолиятининг муҳити сифатида тадқиқ қилади, экологик муаммолар ва вазиятларни очиб бериш, баҳолаш, картага тушириш ва башоратлаштириш билан шуғулланади. Геоэкология география фанлари системаси таркибида илмий билишнинг бир нечта жабҳасига – ҳам табиий, ҳам ижтимоий ва, ҳатто техника фанларига мансуб бўлган янги, интегратив фанлар авлодига мансуб. Ер тўғрисидаги фанлар геоэкология учун асос бўлсада, геоэкология интегратив сажияга эга ва у нафақат табиий цикл фанлари, балки гуманитар ва социал-иқтисодий цикллар фанларининг билимларига асосланади

Геоэкология соф тасвирий фан эмас, экологик вазият манбалари ва шаклланиш йўллари белгилаш, экологик вазиятнинг яқин ва узоқ келажакда ривожланишининг йўналишларини аниқлаш унинг соҳасига киради. Амалий жиҳатдан геоэкология

география фанларининг назарияси ва методларини қўллаш йўли билан экологик вазифаларни ечишда иштирок этади. Геоэкология жамият ва табиат ўзаро муносабатларини оптималлаштиришга, уйғунлаштиришга, аниқ турли микёслардаги ҳудудларни ва умуман Ернинг мувозанатли ривожланишининг йўллари топишга йўналтирилган мураккаб масалаларни ечишнинг йўллари ва методларини кидиради.

Геоэкологик тадқиқотлар микёсларига кўра уч даражада бўлади. Геоэкологик тадқиқотларнинг глобал даражаси экологик вазиятни ёки умуман географик шароитнинг экологик салоҳиятини ўрганишни назарда тутди. Бундай тадқиқотлар экологик мувозанат бузилишининг йирик ўчоқларини (Чернобил, Оролбўйи, Амазонка ўрмонлари, Сахел ва б.) очиб бериш ва тадқиқ қилишга йўналтирилади. Регионал даражадаги тадқиқотларда айрим табиат зоналари, ўлкалар ва шунга ўхшаш ҳудудларнинг экологик вазияти таҳлил қилинади. Тадқиқотларнинг локал (маҳаллий) даражаси ландшафт районлари доирасидаги ҳудудларнинг экологик тавсифини чуқур ўрганади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Абдулқосимов А.А., Абдуллаев С.И. Геоэкологиянинг айрим назарий ва методологик муаммолари хусусида // Фан чорраҳалари. Илмий тўплам. - Самарқанд, 2013.
2. Петров К.М. Геоэкология. Учебное пособие. – СПб.: Изд-во С.-Петербур. ун-та, 2004.
3. Тролл К. Ландшафтная экология (геоэкология) и биогеоценология. Терминологическое исследование // Изв. АН СССР. Сер. геогр. 1972. № 3.
4. Troll C. Landschaftsökologie. In.: Pflanzensoziologie und Landschaftsökologie. – Symposium Stolzenau. The Hague, 1968.
5. Исаченко А.Г. Введение в экологическую географию. - С-Пб., 2003.
6. Сочава В.Б. Введение в учение о геосистемах. - Новосибирск, 1978.
7. Абдуллаев С.И., Жанкобилов И.Х., Муқимова Ҳ.И. Геоэкологиянинг объекти, мақоми ва фанлар тизимидаги ўрни // Ўзбекистон География жамияти IX съезди материаллари. – Тошкент, 2014.
8. Нигматов А.Н. Геоэкологиянинг уч муаммоси // Куйи Амударё региони ижтимоий-иқтисодий муаммоларининг ечимлари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Урганч, 2010.
9. Rafiqov A.A. Sharipov Sh.M. Geoekologiya. O`quv qo`llanma. – Toshkent, 2014.
10. Поздеев В.Б. Становление и современное состояние геоэкологии. Смоленск. Маджента, 2004. – 342 с.
11. <http://geoecologia.ru/2010/06/задачи-геоэкологии/>.

**Абдуганиев О.И., Махкамов Э.Г., Махсудова Р.С.**

### ГЕОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ КЛАССИФИКАЦИИ ОХРАНЯЕМЫХ ПРИРОДНЫХ ТЕРРИТОРИЙ

**Аннотация:** в данной статье рассматриваются геоэкологические аспекты классификации охраняемые природные территории. Анализируются информации, имеющиеся в арсенале географических и других смежных наук.

**Ключевые слова:** природопользование, экокаркас, этноэкология, землепользование, исторический подход, устойчивое развитие.

**Абдуганиев О.И., Махкамов Э.Г., Махсудова Р.С.**

**МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАБИЙ ҲУДУДЛАРНИ ТАСНИФЛАШНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК**

## ЖИХАТЛАРИ

**Аннотация:** мақолада муҳофаза қилинадиган ҳудудлар таснифланишининг геоэкологик жиҳатлари кўриб чиқилган. География ва унга турдош бўлган фанларнинг мавжуд маълумотлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** табиатдан фойдаланиш, экокаркас, этноэкология, ердан фойдаланиш, тарихий ёндашув, барқарор ривожланиш.

**Abduganiyev O.I., Mahkamov E.G., Maxsudova P.S.**

## GEOECOLOGICAL ASPECTS OF CLASSIFICATION PROTECTED-NATURAL AREAS

**Abstract:** in this article discusses aspects of geo-ecological classification of protected-natural territory. Analyzed informations arsenal of mixed geographical and other mixed sciences.

**Key words:** usage of nature, eco-structure, ethno-ecology, land usage, historical approach, sustainable development.

Сбалансированное экономическое, социальное и экологическое развитие любого региона зависит от сохранения в его пределах пространственно связанной системы территориальных образований, имеющих регламентированный режим природопользования, обеспечивающих определенное качество окружающей среды. Эту систему территориальных образований определяют в качестве экологического каркаса, являющегося основой для закрепления особого статуса земель региона.

Представления об экологическом каркасе основаны на системе охраняемых природных территорий, как пространственно и функционально взаимосвязанной совокупности участков различного назначения и использования. Начиная с 90-х годов XX века во многих странах начала осуществляться охрана природы путем создания национальной и региональной системы экосетей. Кроме того, в принятой в 1993 году Стратегии по охране биологического разнообразия «ПанЕвропа» впервые было объявлено о создании всемирной экологической сети (ЭКОНЕТ).

В обеспечении биологического и ландшафтного разнообразия, а также в сохранении экологического равновесия большое значение имеет создание единой системы охраняемых природных территорий. Поэтому большое значение имеет геоэкологическая классификация данных территорий. Опубликованная в разные годы литература, принятые государственные законы и различные классификации охраняемых территорий, хотя имеют общие сходства, у них наблюдаются и некоторые особенности. Эти различия связаны с принципами, использованными при разделении охраняемых территорий.

Вопросами классификации охраняемых природных территорий занимались В.А.Борисов (1973), С.М.Стойко (1973), Н.Ф.Реймерс и Ф.Р.Штильмарк (1978), П.Гуломов (1985), К.Ф.Елкин (1986), О.Т.Айдаров (2006) и другие. По этим классификациям охраняемые природные территории разделяются на различные категории на основе генезиса, содержания, цели и режима, законного статуса, функции, а также их значения (А.В.Любимов и др., 1999).

В.А.Борисов (1973) предложил разделять охраняемые природные территории по параметрам охраняемых природных территорий на 6 групп критериев. К ним относятся: цель и задачи заповедников; тип ландшафта; сохранение природных условий; размеры охраняемой природной территории; организационные и правовые особенности; рекреационные особенности.

По мнению Н.Ф.Реймерса и Ф.Р.Штильмарка (1978) классифицировать охраняемые природные территории необходимо по их экологическим функциям. По предложенной ими классификации охраняемые природные территории разделяются на 3 группы. В них включены все охраняемые природные и природно-антропогенные территории, от других систематик она отличается относительной сложностью. А.Нигматов (2004) разделял охраняемые природные территории в зависимости от эколого-правовых аспектов на социально-экологические, заповедно-экологические и экономико-экологические виды. По классификации О.Т.Айдарова (2006) во внимание принимается площадь охраняемой природной территории.

В принятых государственных законах об охраняемых природных территориях

даются общие, правовые, экологические, экономические и организационные основы их охраны. Например, в принятом в 2004 году Законе Республики Узбекистан «Об охраняемых природных территориях» за основу взяты их цель и режим.

В классификации охраняемых природных территорий также приняты во внимание работы, проводимые по проекту «ЭКОНЕТ-Центральная Азия» для стран Центрально-Азиатского региона, рассчитанному на 3 года. По проекту «ЭКОНЕТ-Центральная Азия» в Республике Узбекистан проводится работа по объединению охраняемых природных территорий в единую национальную систему. Большое значение имеют научные исследования по вопросам классификации охраняемых природных территорий, которые проводились А.А.Тишковым (1995), А.Н.Ивановым (2001) и другими. В данных исследованиях система охраняемых природных территорий изучалась в качестве экологического каркаса. В исследованиях А.Н.Иванова (60) система охраняемых природных территорий разделена на участки центрального «ядра», экологического коридора, защитной зоны и экологического восстановления. В приведенных выше исследованиях осуществлена работа по группированию охраняемых природных территорий и их некоторых видов на основе намеченных цели и задач, статуса, режима охраны и др.

По нашему мнению, при систематизации охраняемых природных территорий большое значение имеет их геоэкологическая функция. На основе приведенного выше анализа исследований по классификации и систематизации, а также приняв во внимание установленные цель и режим охраняемых природных территорий, нами осуществлена их классификация по геоэкологическим функциям. По геоэкологической классификации выделены следующие группы охраняемых природных территорий: природные эталоны, образующие природную среду и ресурсосберегающие, музеи и сберегающие от отрицательных внешних воздействий. В каждой группе выделяются виды охраняемых природных

территорий в зависимости от намеченных целей и режима.

1. Природные эталоны – охраняемые природные территории, сохраняющие биологическое и ландшафтное разнообразие и экологическое равновесие: эталоны, охраняемые в строгом режиме (биосферные резерваты, межгосударственные заповедники-эталонны); управляемые заповедники (ландшафтные заказники и микрозаповедники).

Охраняемые природные территории, входящие в первую группу занимают центральное место в охране природной окружающей среды. Они являются эталонными территориями, предназначенными для сохранения строгого режима и изучения геосистем и природных компонентов в естественном состоянии. Охраняемые природные территории, входящие в эту группу, создаются на территориях, где природа не сильно изменена и являются научно-исследовательскими учреждениями, проводящими охрану и изучение геосистем, сохранение генетического фонда биологических видов, мониторинг изменений природной среды.

2. Средообразующие и ресурсосберегающие охраняемые природные территории: восстанавливающие (заказники, биологические (растительные и зоологические) питомники и охотничьи хозяйства), усиливающие и сохраняющие (водоохранные зоны охраняемые леса, курорты, санатории, дома отдыха, а также охраняемые зоны рекреационных объектов).

В охраняемых природных территориях, входящих в эту группу, исходя из природных, экономических и экологических возможностей геокомплексов, осуществляется ограниченная хозяйственная деятельность. Вместе с тем на их территории выделяются природные объекты и геокомплексы, имеющие определенную экологическую стоимость в их естественном состоянии, а также зоны, которые можно использовать в целях рекреации, туризма, оздоровления, охоты.

3) Уникальные, незаменимые, имеющие и охраняющие ценные природные и природно-антропогенные объекты, охраняемые природные территории-музеи:

комплексные музеи (национальные парки, природные парки, музеи-заповедники); отраслевые музеи (памятники природы: геологические, палеонтологические, геоморфологические, гидрологические, ботанические, ландшафтные и др.).

В третью группу включаются охраняемые природные территории, имеющие и охраняющие уникальные, привлекательные и ценные природные и природно-антропогенные объекты. Их территории имеют особое экологическое, привлекательное, историческое и эстетическое значение, они используются в природо-охранных, рекреационных, просветительских, научных и культурных целях.

4) Территории, защищающие от внешних отрицательных воздействий, включают в себя заповедные защитные зоны охраняемых природных территорий; санитарно-защитные зоны техногенных объектов; защитные зоны геокомплексов; защитные зоны неэстетичных мест; ландшафтные экотоны; придорожные

защитные зоны. Их основная функция заключается в защите охраняемых природных объектов от внешних отрицательных воздействий, уменьшении степени отрицательного воздействия на природную среду различных техногенных объектов, защита агроландшафтов от неблагоприятных природных явлений и др.

Основная цель классификации заключается в соответствующем выборе охраняемых природных территорий для обеспечения их экологической безопасности и устойчивости. Для устойчивого развития государств система охраняемых природных территорий также должна покрывать расходы, выделенные на них для обеспечения их четко видимой выгоды. Эта система должна обеспечивать социально-экономическую выгоду и охрану биологического разнообразия. Без этого невозможно удовлетворить экономические, социальные и культурные потребности будущих поколений.

#### Список литературы:

1. Айдаров О.Т. Геоэкологические основы организации системы особо охраняемых природных территорий в Восточном Приарале (на примере Кызылординской области): Авторефер. дис. ... канд. геогр. наук. – Алматы, 2006. – 20 с.
2. Реймерс Н.Ф., Штальмарк Ф.Р. Особо охраняемые природные территории. – М.: Мысль, 1978. – 295 с.
3. Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 320 б.
4. Иванов А.Н. Принципы организации региональных систем охраняемых природных территорий // Вестн. Моск. Ун-та. Сер.5, География. – М., 2001. № 1, С. 34-39.
5. Любимов А.В., Кудряшов М.М. Вавилов С.В. Особенности организации международной системы особо охраняемых природных территорий. Учебное пособие. – СПб.: ЛТА, 1999. – 240 с.

**Боймирзаев К.М., Умаралиева Б.Р.**

### ҚЎҚОН ВОҲАСИ ЭКОЛОГИК ШАРОИТИГА ШАМОЛ ЭРОЗИЯСИНИНГ ТАЪСИРИ

**Аннотация:** мақолада Қўқон воҳасининг намгарчилик, иқлим ва тупроқ шароитлари таҳлил қилинган. Шамол ва бошқа табиий омиллар таъсирида воҳанинг экологик вазияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** воҳа, ландшафт, экология, эрозия, тупроқ, кишлок хўжалиги.

**Боймирзаев К.М., Умаралиева Б.Р.**

### ВЛИЯНИЕ ВЕТРОВОЙ ЭРОЗИИ НА ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ КОКАНДСКОГО ОАЗИСА

**Аннотация:** в статье анализируются влажность, климат и почвенные условия Кокандского оазиса. Освещается влияние ветров и других природных факторов на экологическую ситуацию оазиса.

**Ключевые слова:** оазис, ландшафт, экология, эрозия, почва, сельское хозяйство.

**Boymirzayev K.M., Umaraliyeva B.R.**

### EFFECT OF WIND EROSION ON ENVIRONMENTAL CONDITIONS KOKAND OASIS

**Abstract:** The article analyzes the humidity, the climate and soil conditions of Kokand oasis. Highlights the effect of wind and other natural factors on the ecological situation of the oasis.

**Key words:** oasis, landscape, ecology, erosion, soil and agriculture.

Қўқон воҳаси Фарғона водийсининг водийнинг бошқа худудларидан сезиларли жануби-ғарбий қисмида жойлашган Сўх даражада фарқ қилади. Чунки Фарғона конуссимон ёйилмасида шакланган. Воҳа водийсига кириб келадиган ҳар қандай ҳаво оқимлари дастлаб Қўқон воҳаси жойлашган

худудларга ўз таъсирини ўтказди. Воҳада ҳаво ҳарорати жанубдан шимолга томон “рельеф экспозицияси”га боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Денгиз сатҳидан 405 метр баландда жойлашган Қўқон шаҳри яқинида июл ойининг ўртача ҳарорати  $26,8^{\circ}\text{C}$  ни, энг юқори ҳарорат  $42^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этса, январнинг ўртача ҳарорати Қўқонда  $-2,2^{\circ}\text{C}$  ни, энг совуқ ҳарорат эса  $-31,1^{\circ}\text{C}$  гача пасайиши мумкин.

Воҳанинг катта қисмида йиллик ёғин миқдори Фарғона водийсининг бошқа худудларига нисбатан анча кам 80-100 мм, Қўқон шаҳри атрофида 98 мм атрофида. Нисбий намлик миқдори анча паст, ҳарорат нисбатан иссиқ ва қуруқ бўлиб, баҳор ва кузда ҳароратнинг исиб кетиши натижасида ҳаво босими пасаяди. Йилнинг айна шу даврида Хўжанд дарвозаси орқали Мирза-чўлдан водийга томон Қўқон шамоли эсади, шамолнинг тезлиги 20-25 м/сек га етади.

Шамол эрозияси намгарчилик етарли бўлмаган, ёғин миқдори кам, нисбий намлик эса паст, шунингдек баҳор ва ёз фаслларида ҳарорат юқори бўладиган худудларда кенг тарқалган. Иқлимий омиллардан ҳарорат, ёғин миқдори, намлик, шамол ва шамолнинг тезлиги кабилар шамол эрозияси хавфини келтириб чиқарувчи манбалар ҳисобланади. Тупроқларнинг механик таркиби, ёпишқоқлиги, тупроқдаги нам миқдори, тупроқ зарраларининг катталиги каби бир қатор хоссалари эса шамол эрозиясининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Инсон хўжалик фаолиятининг таъсири ҳам шамол эрозиясининг олдини олишга қаратилган бўлиши ёхуд ўйланмасдан амалга оширилган тадбирлар эса эрозияни келтириб чиқариши мумкин.

Қўқон воҳасида жойлашган Бешариқ, Фурқат, Ўзбекистон, Данғара, Учкўприк, Бувайда, Бағдод туманлари худудидаги агроландшафтларда тарқалган тупроқлар шамол эрозияси таъсирига кучли учрамоқда. Енгил механик таркибли тупроқлар учун 3-4 м/сек тезликдаги шамол ҳам эрозиянинг келиб чиқиши учун етарли бўлади. “Қўқон” шамолининг тезлиги эса 20-25 м/сек га етади. Шамолнинг эрозия иши унчалик кўзга ташланмаслиги мумкин. 100 гектарлик майдондаги узунлиги 100 метр, кенглиги 5 метр, чуқурлиги 2 метр

бўлган жар дархол кўзга ташланади. Мана шундай жарни ҳосил бўлиши учун 600-800 м<sup>3</sup> тупроқ қоплами йўқолган бўлса, 100 гектарлик ер майдонининг атиги 1см калинликдаги қатлами учириб кетилиши натижасида 1300 м<sup>3</sup> тупроқ қоплами йўқолади. Бу тупроқнинг ҳайдаладиган қисмида 4% гача чиринди бўлса, юқоридаги жараён натижасида тупроқнинг таркибидаги 4 тонна чиринди, 200 кг азот, 150-200 кг фосфор йўқолади ва унумдор зарралари учириб кетилади [1].

Сўх дарёси ёйилмасининг чекка қисмларида жойлашган кумликларни “Қўқон шамоли” учириб кетиши ва тўзғитиши натижасида янги-янги кичик – кичик кум массивлари ҳосил бўлаётганини ҳам кузатиш мумкин. Чунки бу худудда жойлашган кумликлар шамол йўналишида жойлашганлиги учун ҳар гектар майдондан йил давомида 100 тоннага яқин кумлар учириб кетилади. Натижада ҳосил бўлган барханлар йилига 14 – 20 метргача силжиши мумкин.

Воҳанинг катта майдонида оч тусли ва сур-қўнғир тупроқларда суғориб деҳқончилик қилинадиган агроландшафтлар таркиб топган. Бундай ландшафтлар Бешариқ, Фурқат, Ўзбекистон, Учкўприк, Бувайда ҳамда Бағдод туманларида катта майдонларни эгаллайди. Буталар билан мустаҳкамланган кумли чўл ландшафтлари ҳам юқорида номлари келтирилган туманлар худудида кенг тарқалган. Бу икки ландшафт типидagi тупроқларнинг ҳам механик таркиби сув ўтказувчан бўлиб, ерларнинг юза қисмида сув тўпланмайди ва ювилиб кетиши анча қийин. Ювилиб кетмаслигининг асосий сабаби рельефи текисликдан иборат. Аммо, шамол бу тупроқларни осон тўзғитиб, учириб кета олади. Айна шу ландшафтлар тарқалган худудларда Қўқон шамолининг дефляция иши яққол кўзга ташланади.

Шамол эрозияси ишини камайтириш мақсадида ташкил этилган ихотазорлар майдонининг кескин қисқариб бориши эрозия ривожланишига кенг йўл очиб бермоқда. Кўчма кумларни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ихотазорлардаги буталар тартибсиз кесилиши натижасида уларнинг майдони йилдан-йилга камайиб

бораётгани эрозия хавфини янада деярли йўқолиб бормоқда. Қўқон воҳасида оширмоқда. Воҳанинг Марказий Фарғона чўлларида туташ жойларида шамолнинг фойдаланиладиган ерларнинг таркиби тезлигини камайтириш мақсадида экилган (2010-йил) [2] 1-жадвалда ўз аксини топган. тол, тут каби дарахтларнинг майдони ҳам

1-жадвал

Туманлар номи	Майдони минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан суғориладиган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан фоизда		
				Экин ерлар	Кўп йиллик дарахтзорлар	Пичанзор ва яйловлар
Бешариқ	77.4	27.5	25.2	75.9	13	11.1
Бағдод	33.3	22.7	20.7	76.9	13.9	9.2
Бувайда	27.9	18.1	16.9	88.0	5.2	6.8
Данғара	43.5	20.8	19.1	87.6	4.2	8.2
Учкўприк	27.5	18.9	17.0	80.9	8.8	10.3
Фурқат	30.5	16.5	15.2	90.3	1.6	8.1
Ўзбекистон	68.8	23.4	21.6	60.6	26.6	12.8

Жадвалдан кўриниб турибдики кўп йиллик дарахтзорлар Ўзбекистон, Бағдод, Бешариқ, Учкўприк туманларида нисбатан кўпроқ майдонни эгаллаган. Аммо, юқоридаги туманларда кўп йиллик дарахтзорлар асосий қисми Олой тоғ тизмасининг шимолий этакларидаги боғлар хиссасига тўғри келади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг Бувайда туманида 5,2 %, Данғара туманида 4,2%, Фурқат туманида 1,6 % қисмини кўп йиллик дарахтзорлар эгаллайди. Бу туманлар худуди асосан текисликда

жойлашган бўлиб катта қисми қишлоқ хўжалик экинлари майдонлари хиссасига тўғри келади. Асосан экин экиладиган далалар атрофида шамоллар тезлигини камайтириш, тупроқларни эрозиядан ҳимоялаш мақсадида тут ва тол дарахтлари экилган бўлиб, йилдан-йилга бу дарахтзорлар майдони деярли йўқолиб бормоқда. Бу ҳолатни келиб чиқиш сабабларини бевосита воҳада аҳоли сони ва зичлигининг ортиб бориши билан боғлаш мумкин [2] (2-жадвал).

2-жадвал

Туманлар номи	Аҳоли сони, минг киши		Ўсиши, %	Аҳоли зичлиги, киши/км <sup>2</sup>
	1989 йил	2010 йил		
Бешариқ	140.9	181.2	128.6	235.3
Бағдод	108.0	174.8	161.8	529.7
Бувайда	111.2	178.9	160.9	639.0
Данғара	87.3	144.1	165.1	335.1
Учкўприк	113.9	183.3	160.9	654.6
Фурқат	-	97.1	-	313.2
Ўзбекистон	142.6	194.5	136.4	281.9

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Қўқон воҳасида жойлашган туманларнинг қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган майдонларида вужудга келаётган шамол эрозияси ноҳуш экологик муаммолардан саналади. Бундай ҳолатни олдини олишга қаратилган тадбирлар эса жуда суст олиб борилмоқда ёки олдиндан мавжуд бўлган дарахтзорлар, ихотазорлар майдони йилдан – йилга камайиб бормоқда, айрим жойларда эса бутунлай йўқолиб кетмоқда. Воҳада бундай ноҳуш ҳолатларни олдини олиш мақсадида бир қатор қуйидаги чора – тадбирларни амалга ошириш лозим:

- Шамол эрозиясининг олдини олишга қаратилган дарахтзор ва ихотазорларни мавжудларини сақлаб қолиш ва янгиларини барпо этиш;

- Чўлларнинг янги ўзлаштирилган қисми ва шамол эрозияси кузатилаётган воҳа худудларида суъний ўрмонлар ташкил этиш;

- Қишлоқ хўжалик экинларини жойлашиш хусусиятларини қайта кўриб

чикиш, ландшафт типларига мослаштириш ўсадиган оқ саксовул, қора саксовул, ва унда боғдорчилик тармоқларига кенг черкез, қандим, янтоқ кабиларни ўрин бериш. кўпайтириш ишларини амалга ошириш

Шунингдек, Марказий Фарғонанинг лозим. Бу тадбирлар кумларнинг ўзлаштирилмаган қисмларида чўл мустахкамланишига, воҳаларга томон минтақасига хос ўсимликлар дунёсини кўчишини ва шамол эрозиясининг олдини бойитиб бориш, яъни табиий ҳолда олишга хизмат қилади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзажонов К., Назаров М., Зокирова С., Юлдашев Ф. Тупроқлар муҳофазаси. – Тошкент: “Фан ва технология”, 2004.

2. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2010.

### Аҳмадалиев Ю.И., Комилова Н.Ў., Отақулов П.С.

#### ЭТНОЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ ҲАҚИДА

**Аннотация:** мазкур мақолада Фарғона водийсининг XIX аср охирида шаклланган этноэкологик маданиятининг тарихий асослари очиб берилган. Ушбу маданиятнинг замонавий жиҳатларига эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** этноэкологик маданият, сув ресурслар, сувдан фойдаланиш, маданий ландшафт.

Аҳмадалиев Ю.И., Комилова Н.У., Отақулов П.С.

#### ОБ ЭТНОЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЕ

**Аннотация:** в данной статье раскрыты исторические корни этноэкологической культуры, сформировавшиеся в конце XIX века Ферганской долины. Уделено внимание возрождению данной культуры на современном этапе.

**Ключевые слова:** этноэкологическая культура, водные ресурсы, использование водных ресурсов, культурный ландшафт.

Ahmadaliyev Yu.I., Komilova N.U., Otakulov P.S.

#### ON CULTURE ETHNOECOLOGIC CULTURE

**Abstract:** in this article, Ferghana valley at the end of the nineteenth century, its ethnologic culture, landscape and geographic roots are revealed. The current importance of reconstructing is established.

**Key words:** ethnological culture, water resources, water resources, cultural landscape.

**Кириш.** Бугунги кунда экологик муам- моларнинг кўлами кенгайиб уларни ҳал этиш учун турли усул ва воситаларни қўл- лаш кучайиб бормоқда. Шундай усуллар- дан бири сифатида минтақада асрлар даво- мида қўлланиб келинган табиатдан фойда- ланиш маданияти эканлиги айтилмоқда. Бундай этноэкологик маданиятнинг ўзига хос кўринишларидан бири сув ресурс- ларидан оқилона фойдаланишдир. Қуйида Фарғона водийсида шаклланган сувдан оқи- лона фойдаланиш маданиятининг географик жиҳатлари ҳақида тўхталмоқчимиз.

**Асосий қисм.** Фарғона водийсининг тоғли ҳудудларида яшовчи аҳоли қадимдан ушбу ҳудуднинг дарёлар суви ва миқдори режимини сақлаш функциясини бажари- шини билганлар. Шунинг учун тоғли ҳудудларни 0,8 фоизи суғориб деҳқончилик қилишга ажратилган [1]. Олой, Туркистон тизмаларининг Фарғона водийсини сув билан таъминлашдаги экологик функцияси ўша даврлардан бошлаб тушуниб келинган.

Бу ҳудудларда ўзига хос “қўриқхона”лар давлат ва маҳаллий аҳоли томонидан таш- кил этилган. Ёзма манбаларда “Ворух ки- тоблари”да дастлабки “қўриқхона” очиш ҳақидаги фармон сақланиб қолган. Қояга ўйиб ёзилган ушбу битиклар Исфара ҳукм- дори Абул Фозил Аббос Арслон Тагиннинг фармонидир. Унда айтилишича, ҳукмдор 1041 йилдан бошлаб Ворух ва унинг атрофидаги мевазор ўрмонлар, ўтлоқлар жойлашган ҳудудларни ўз тасарруфига олади ва қўриқ жойга айлантиради.

Кўккон хонлиги даврида ҳам кўплаб, авваллари жамоа мулки бўлган тоғли хуш- манзара жойлар хон мулкига айлантирилиб, у ерда “қўриқхона” ташкил этилганлиги маълум. Шўро давридаги адабиётларда ҳукмдорларнинг бу ҳаракатига салбий баҳо берилиб, “Ҳукмдорлар сўлим гўшаларни халқдан ўзлари учун асраганлар” деб ёзилган. Бироқ, бундай қўриқхоналарнинг ташкил этилишини бошқача изоҳлаш ҳам мумкин. Шу даврга келиб араб географлари

ва В.Наливкин [2] асарларида айтилган, адирлар зонасигача тушиб келган “Ўрмон-боғлар”нинг майдони кескин қисқара борган. Аҳоли сонининг ортиб, суғорма деҳқончилик майдонларининг кенгайиши кузатилган, жамоа мулки бўлган ҳудудларда дарахтлар кўплаб кесилган. Оқибатда, VIII-IX асрларда дарё режимининг ўзгариши, сув тошқинлари кўплаб кузатилган. Ўз-ўзидан кишилар бу салбий жараёнларнинг сабабини ўрганганлар ва унга қарши қаратилган чора-тадбирларни қидира бошлаганлар. Биринчи навбатда табиатнинг бузилган комплексларини, яъни ўрмонларни тиклашга ҳаракат қилинган. Ўз ўлкасининг гуллаб яшнашини ўйлаган ҳукмдорлар эса аввало, тоғли ҳудудлар табиатини асраб “қўриқхоналар” ташкил этган, дея хулоса қилиш мумкин.

Тоғли ҳудудлар табиатини сақлашда аҳоли диний-ҳукукий усуллардан ҳам фойдаланган. Сомонийлар даврида (IX-X аср) Фарғона водийси дарёларининг бошланиш жойларида муқаддас зиёратгоҳлар пайдо бўлган. Р.Я.Рассудова водийда 7 та кадамжойни алоҳида ажратиб кўрсатади [3]. Ўрганилаётган ҳудудда бундай ўзига хос “қўриқхона” ларда дарахт кесиш, ҳайвонот дунёсига зарар етказиш, айрим жойларда ерларни ҳайдаш таъқиқланган. Аҳолининг анчагина қисми дарёнинг қуйи қисмидаги деҳқончилик билан шуғулланувчилар томонидан олиб келинган ҳайр-эхсон, назр-ниёз ҳисобига яшаган ва табиатга ортиқча аралашшига эҳтиёж сезмаган. Водийнинг атрофидаги дарё хавзаларида 40 дан ортиқ “муқаддас зиёратгоҳ”лар ташкил этилиб, уларни асрашда топонимларнинг экологик функцияси билан фойдаланилган. Бу ердаги жой номларига азиз, ота, бобо, авлиё, пир, гўр, мазор каби сўзларни қўшиб ишлатганлар. Натижада бу ҳудудларда давлатнинг аралашувисиз ўзига хос “қўриқхоналар” юзага келган. Масалан, Азизтепа, Бобокалон, Қораёзбобо, Бўстонбува, Ёрдон азиз, Авлиёота, Шохимардон пирим, Пошшопирим, Обширота, Камбарота, Кўчкарота, Гўриаввал, Арабмазор, Хизирмазор, Пирисиддик кабилар [4, 25 б.].

Ушбу ҳудудда ўзбек, тожик, қирғиз миллатига мансуб аҳоли чорвачилик, лал-

микор деҳқончилик, тоғ ўрмонларида боғ-бонлик, муқаддас зиёратгоҳларда посбонлик қилишдан ташқари яна бир вазифани бажарганлар. Дарёларнинг тоғ ва адирликлардан текисликка чиқиш жойидаги қишлоқлар аҳолиси дарё сувини тартибга солиш ва дарёнинг қуйи қисмидаги аҳолини сел хавфидан хабардор қилиб туриш вазифасини ҳам бажарган [6]. Бундай қишлоқлар топонимикаси ўрганилганда, уларга кўпроқ Қалъа, Қалъача, Хушёр каби номлар берилганлигини таъкидлаш мумкин [5].

Ердан фойдаланишда ушбу ҳудудда кам сув талаб қиладиган данакли боғлар кўплиги билан ажралиб турган. Исфара, Конибодом, Шўрсув, Риштон ҳудудлари ўрик, бодом, ёнғоқ дарахтлари кўп экилади. Бу эса, юқорида айтилганидек, табиий имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш ва қуйи ҳудудларда ер ости сувларининг сатҳи ўзгаришига йўл қўймаслик учун замин яратган. Ушбу ҳудуддан кўплаб суғориш каналлари чиқарилган. А.Абдулхамидов Сўх дарёсидан 98 та йирик, 363 та майда ариқлар чиқарилганлигини ёзади [7]. Фарғона водийси бўйича қилинган ҳисоботда эса Сўх дарёсидан чиқарилган йирик (магистрал) ариқлар сони 118 та деб берилган [8].

Рус ҳукуматининг ўлкадаги маъмурий бўлинишни қайта ташкил этиши ҳам тез орада суғориш тизимига ва деҳқончиликка салбий таъсир кўрсатган. А.Ф.Миддендорфнинг ёзишича, “1877 йил Марғилон уездининг Шаҳрихон аҳолиси Губернаторга мурожаат қилиб аввал Шаҳрихон шаҳрига, ҳозирда Андижон ва Ўш уездларига қарайдиган Қорасув, Маъмуробод, Жалолқудук, Сўфи-Қишлоқ аҳолиси сувни ушлаб қолаётганликлари туфайли экинлари суғорилмай қолаётганлигини айтадилар” [9, 173 б]. Демак, водийдаги сув тақсимлаш ва навбат билан сув олишнинг кўп асрлик тажрибасини янада чуқурроқ ўрганиш зарур. Ушбу ҳудудда аҳоли деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари мироблик касби билан ҳам шуғулланган.

Кўқон воҳасининг энг асосий деҳқончилик қилинадиган ҳудуди бўлган бу жойда сувдан навбати билан фойдаланиш ва уни тежаш усуллари ўрганишга арзиғуликдир. Сўх дарёсидан фойдаланувчи



аҳо-ли дарё режимини йил давомида кузатиши ва тошқинлар бўлишини олдиндан билиши адабиётларда қайд этилган. Бундай ўзига хос гидрологик тақвим дарё сувидан унумли фойдаланишга имкон яратган.

Дарё сувининг суғориш учун дала-ларга узатишда ер тури, қандай экин экил-ганлиги, тупроқ типи эътиборга олинган. Қўқон хонлиги 15 та бекликка бўлиниб, ҳар бир бекликнинг сув хўжалиги маҳаллий маъмурият томонидан бошқарилган [7, 94 б.]. Асрлар давомида шаклланган, жойнинг табиий-иқлим, рельеф, тупроқ экологик ва демографик шароитларни ҳисобга олиб ташкил этилган ушбу суғориш тизимига рус ҳукумати ҳам деярли аралашмаган. Бу ҳақда В.И.Масальский шундай ёзади: “Бу янги, яхши таниш бўлмаган соҳага аралашиб лозим топилмади ва барча сувдан фойдаланиш иши маҳаллий аҳолига қўйиб берилди” [10, 425 б.].

Шу ўринда ариқларга сув тақсимлаш ҳам суғориш тизимига кирувчи аҳоли манзилгоҳлари қайси тупроқ зонасига кирганлиги ва тупроқнинг ишлов беришга тайёр бўлишини ҳисобга олиб амалга оширилганлиги таъкидланади. Сувга навбат март ойидан бошланиб, 1 июлда тугаган. Эски сана бўйича ҳамал ойи 7 мартдан бошланишини ҳисобга олсак, навбатлашиб сув олиш тупроқнинг ишлов беришга тайёр бўлиши билан бир вақтда бошланган. Риштон ариқидан сув ичадиган “оқ тупроқли” (ўтлоқи) худудда жойлашган Оқтомир, Қўшқайроқ, Тўда, Қалайнов ва Катпут кишлоқлари ўн кун сув олганларидан сўнг “қора тупроқли” (ўтлоқи ботқоқ) худудда жойлашган Зодиён, Жалаер, Бўжай, Бешкапа, Фармачит кишлоқлари сув олган [7].

Бугунги кундаги асосий муаммолардан бири ҳисобланган трансчегаравий дарёлардан биргаликда фойдаланиш масаласи ҳам тарихда юксак кадриятлар даражасига кўтарилган этноэкологик маданият кўринишида адолатли хал этилганлигини кўришимиз мумкин. Тарихда икки ва ундан ортиқ халқлар, аҳоли манзилгоҳларида сувдан ҳамжихатлик асосида фойдаланишда ислом

ҳукуки нормаларига асосланганлиги кўриш мумкин.

Бурхониддин Марғилонийнинг “Ҳидоя” номли асарида икки ёки ундан кўп қавмлар худудидан оқиб ўтган дарё ёки ариқ сувини тақсимлашнинг ҳукукий жиҳатлари кенг ёритилиб берилган. Ҳидоянинг “Сувдан фойдаланиш бўлими” 8-бандидаги қуйидаги фикрлар мазкур мавзуга бевосита алақадорлиги билан диққатга сазовордир: “Агар сувни боғлаб тўхтатмаса ери сув ичмайдиган бўлса ҳам – сувнинг юқорисидаги киши сувни бўғиб тўхтатишдан манъ қилинди, илло шерикларининг розилиги билан тўхтатса дуруст бўлур”, ёки 9-бандда “Ариқдан бирга фойдаланувчи шерикларнинг биттаси бошқасини сувни олиш учун қуриладиган чиғир ва бошқа ускуналарни қуришдан манъ қилиши мумкин. Агар мана шу ускуналар уни қурувчига қарашли ерда бўлса ва бошқаларга зарар бермайдиган даражада бўлса манъ қила олмаслар”. Ҳидоянинг қавмлар ўртасида сувдан фойдаланиш бўйича юзага келиши мумкин бўлган низони ҳал қилишга қаратилган бандлари ҳам эътиборга моликдир. Бунда “Агар бир қавм ўзлари орасида муштарак ариқнинг сувидаги улушлари устида низога борсалар, сувдаги улушлари ўзларининг ерлари микдорича бўлиниб берилур” дейилади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, сувдан фойдаланишда жойнинг ландшафт географик хусусиятлари тўла эътиборга олинган. Маҳаллий аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини имкон даража таъминловчи, сувни тежашга асосланган этноэкологик маданият шаклланганлигини ва унинг авлоддан-авлодга ўтказиб келинганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат узок вақт давомида ўлкада обикор деҳқончиликни барқарор ривожланишига, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга замин яратган. Эндиги вазифа мазкур этноэкологик маданиятимизни қайта тиклаш ва бугунги давр нуқтаи назаридан баҳолаб, уни инновацион ғоялар билан бойитиб, ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун тавсиялар беришдан иборатдир.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Обзор Ферганской области за 1887 г., -Новый Маргилан: Типография Ферг. Обл.правления, 1889. -С.3-48.
2. Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. -216 с.

3. Рассудова Р.Я., Культовые объекты Ферганы как источник по истории орошаемого земледелия // Сов.Этнография. - Москва, 1985. - №4. - С. 96-104.
4. Охунов Н., Ахмадалиев Ю. Фарғона вилояти ойконимларининг номланиш хусусиятлари // “Фарғона” нашриёти, 2010. - 128 б.
5. Ахмадалиев Ю. Фарғона вилояти топонимлари // “Фарғона” нашриёти, 2009. - 140 б.
6. Ершов Н.Н. Система водопользования дореволюционном кишлаке // Сов.этнографии. - Москва, 1955. - №4. - С. 70-78.
7. Абдулхамидов А. Орошения в предгорьях Узбекистана. - Т.: Фан, 1990. - 176 с.
8. Статистический обзор Ферганской области за 1907 год. – Новый Маргилан: Типография Ферганского Обл.правления, 1909. - 148 с.
9. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины (перевод с нем.). - СПб.: Изд. Императорский Академии наук, 1882. – 498 с.
10. Масальский В. Россия. Полное географическое описание нашего отечества. Том. XIX. Туркестанский край. - СПб.: - книгоиздательства А.Ф. Девринень, 1913. - 864 с.

**Холбеков А.М.**

### НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ

**Аннотация:** в данной статье даны сведения об отдельных аспектах и актуальности экологической ситуации, а также проблемы сохранения естественной среды на современном этапе.

**Ключевые слова:** экология, сохранение природы, почва, экологическая ситуация, природопользование, деятельность человека.

**Холбеков А.М.**

### ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада ҳозирги экологик ҳолатининг алоҳида жиҳатлари ва долзарблиги ҳамда табиий муҳитни сақлаб қолиш муаммолари ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** экология, табиатни сақлаш, тупроқ, экологик вазият, табиатдан фойдаланиш, инсон фаолияти.

**Xolbekov A.M.**

### SOME ASPECTS OF ENVIRONMENTAL SITUATION AT THE MODERN STAGE

**Abstract:** in article is discussed separate aspects and urgency to ecological situation and problems of the conservation of the natural ambience inhabited alive on seducer stage.

**Key words:** ecology, nature conservation, soil and environmental conditions, natural resources, human activities.

Экология приобрела практический интерес еще на заре развития человечества. В примитивном обществе каждый индивидум для того, чтобы выжить, должен иметь определенные знания об окружающей его среде, о силах природы, растениях и животных. Можно утверждать, что цивилизация возникла тогда, когда человек научился использовать огонь и другие средства и орудия, позволяющие ему изменять свою среду обитания. Как и другие области знания, экология развивалась непрерывно, но равномерно на протяжении всей истории человечества. По дошедшим до нас орудиям охоты, наскальным рисункам о способах культивирования растений, лова животных, обрядам, люди еще на заре становления человечества имели отдельные представления о повадках животных, образе их жизни, о сроках сбора растений, употребляемых для их нужд, о местах произрастания растений, о способах выращивания и ухода за ними. Все это является свидетельством того, что проблемы первобытных людей в своей сущности были экологическими. Следует подчеркнуть, что экологические представления возникли непосредственно в связи с практическими запросами человечества. Множество интересных сведений об экологическом мышлении того времени оставили нам древние египетские, индийские, тибетские и античные источники. В трудах ученых античного мира – Гераклита (530 – 470 до н.э.), Гиппократ (ок. 460 – ок. 370 до н.э.), Аристотеля (384 –322 до н.э.) и другие – были сделаны обобщения экологических факторов.

В последние десятилетия XX века завершается становление экологии как самостоятельной науки, имеющей собственную теорию и методологию, свой круг

проблем, и свои подходы к их решению. Математические модели постепенно становятся более реалистичными: их предсказания могут быть проверены экспериментами или наблюдениями на природе. Сами же эксперименты и наблюдения все чаще планируются и проводятся так, чтобы полученные результаты позволяли принять или опровергнуть заранее выдвинутую гипотезу. Заметный вклад в становление методологии современной экологии внесли работы американского исследователя Роберта Макартура (1930-1972), удачно сочетавшего в себе таланты математика и биолога-натуралиста.

В современной экологии по-прежнему сохраняют свою актуальность некоторые проблемы, имеющие уже давнюю историю исследований: например, установление общих закономерностей динамики обилия организмов, оценка роли разных факторов, ограничивающих рост популяций, выяснение причин циклических (регулярных) колебаний численности. В этой области достигнут значительный прогресс — для многих конкретных популяций выявлены механизмы регуляции их численности, в том числе и тех, которые порождают циклические изменения численности.

Современная экология — это быстро развивающаяся наука, характеризующаяся своим кругом проблем, своей теорией и своей методологией. Сложная структура экологии определяется тем, что объекты ее относятся к очень разным уровням организации: от целой биосферы и крупных экосистем до популяций, причем популяция нередко рассматривается как совокупность отдельных особей. Масштабы пространства и времени, в которых происходят изменения этих объектов, и которые должны быть охвачены исследованиями, также варьируют чрезвычайно широко: от тысяч километров до метров и сантиметров, от тысячелетий до недель и суток. В 1970-е гг. формируется экология человека. По мере давления на окружающую среду возрастает практическое значение экологии, ее проблемами широко интересуются философы и социологи.

Поскольку процесс преобразования геобиосферы с неизбежностью продол-

жается, а вместе с ним происходят изменения, затрагивающие не только один или несколько видов живого, отдельные пейзажи, но и глобальные, меняющие аксиологический статус природных регионов в целом, постольку существенно меняется эстетический облик планеты. Разрушения, наносимые человеком эстетически ценной природной среде, обусловлены развитием новых видов производственных процессов и активным экологически не спрогнозированным применением техники. Вместе с тем, с изменившимся типом культуры и расширением ценностного кругозора стремление к удовлетворению эстетических потребностей стало, как уже отмечалось, занимать все большее место в жизнедеятельности человечества. В этой связи актуален интерес к возможностям сохранения утрачиваемых ценностей в период научно-технической революции и связанным с ними процессом компенсации.

Общество, являясь частью глобальной системы, оказывает существенное воздействие на качественную сторону системы в целом. Академик В.Г. Нестеров считает, что вся история человечества представляет собой поучительную характеристику его деятельности по преобразованию живой природы в условиях ее развития. «Такой подход человека к окружающей среде вызывался, вызывается и будет вызываться тем, — пишет он, — что природа, вопреки некоторым воззрениям, не вполне совершенна и может быть преобразована в новые, более эффективные формы. Весь период своего существования человек стремился изменить природу в своих интересах и достигал в этом отношении успехов тогда, когда условия среды соответствовали условиям существования новых видов и форм организмов».

Сегодня важно сознавать неразрывную связь природы и общества, которое носит взаимный характер. Здесь уместно вспомнить слова А.И. Герцена о том, что «природа не может перечить человеку, если человек не перечит её законам». С одной стороны, природная среда, географические и климатические особенности оказывают значительное воздействие на общественное развитие. Эти факторы могут ускорять или

замедлять темп развития стран и народов, влиять на общественное развитие труда.

С другой стороны, общество влияет на естественную среду обитания человека, а история человечества свидетельствует как о благотворном влиянии деятельности людей на естественную среду обитания, так и о негативных её последствиях.

Нет необходимости доказывать, что общественная жизнь находится в постоянном изменении. Немецкий философ начала 19 века Гегель утверждал, что общественное развитие есть движение вперёд от несовершенного к более совершенному. Критерии прогресса – в развитии разума, общественной нравственности, что лежит в основе совершенствования всех сторон жизни общества.

Возросло потребление в сфере материального производства природных ресурсов. За годы после второй мировой войны было использовано столько минерального сырья, сколько за всю предыдущую историю человечества. Поскольку запасы угля, нефти, газа, железа и других полезных ископаемых не возобновляемы, они будут исчерпаны, по расчётам учёных, через несколько десятилетий. Но даже если и ресурсы, которые постоянно возобновляются, на деле быстро убывают, вырубка леса в мировом масштабе значительно превышает прирост древесины, площадь лесов, дающих земле кислород, уменьшается с каждым годом.

Главный фундамент жизни-почвы повсюду на Земле деградируют. В то время как Земля накапливает один сантиметр чернозёма за 300 лет, ныне один сантиметр почвы погибает за три года. Не меньшую опасность представляет собой загрязнение планеты. Мировой океан постоянно загрязняется из-за расширения добычи нефти на морских промыслах. Огромные нефтяные пятна губительны для жизни океана. В океан сбрасываются миллионы тонн фосфора, свинца, радиоактивных отходов. На каждый квадратный километр океанской воды сейчас приходится 17 тонн различных отходов суши.

Самой уязвимой частью природы стала пресная вода. Сточные воды, пестициды, удобрения, ртуть, мышьяк, свинец и многое

другое в огромных количествах попадают в реки и озёра. Сильно загрязнены Дунай, Волга, Рейн, Миссисипи, Великие Американские озёра. По заключению специалистов, в некоторых районах земли 80% всех болезней вызваны недоброкачественной водой.

Загрязнение атмосферного воздуха превзошло все допустимые пределы. Концентрация вредных для здоровья веществ в воздухе превышает медицинские нормы во многих городах в десятки раз. Кислотные дожди, содержащие двуокись серы и окись азота, являющиеся следствием функционирования тепловых электро-станций и заводов, несут гибель озёрам и лесам.

Природа первоисточник удовлетворения материальных и духовных потребностей людей. У природы и общества наряду с общими есть и свои специфические черты. Вся общественная жизнь, производство, человек и его сознание существуют на базе природных материалов, действуют в соответствии с природными закономерностями. В этой связи общество является частью природы. Однако, строясь на материале природы, используя её закономерности, общество обладает своей социальной сущностью.

Разумное использование природы, забота об охране и умножении её богатств является одной из главных задач в жизни общества. Существующие законы запрещают хищническую эксплуатацию природных ресурсов, однако, в процессе хозяйственной деятельности допускаются отклонения от этих законов и часто непоправимые отрицательные изменения природных условий, и даже угрозе здоровью человека. Примером этому можно отнести деятельность Таджикского алюминиевого завода, которая не только создает экологическую угрозу южным районам Центральной Азии, но и наносит ущерб здоровью населения. Данный факт была критически оценена международными институтами. Так, Член парламентского комитета по окружающей среде и изменениям климата парламента Бельгии Филипп Бланшар выступил с критикой деятельности Таджикской алюминиевой компании (ТадАЗ), во время поездки в

Сурхандарьинскую область представители (ЮНЕП) распространила свое новое указанное парламента посетили исследование, в которой говорится, что территории, подвергающиеся воздействию выбросы Таджикской алюминиевой вредных выбросов в атмосферу компании Таджикистана («Талко») государственного унитарного предприятия представляют угрозу для окружающей «Таджикская алюминиевая компания», и среды Узбекистана. Авторы исследования в воочию убедились в серьезном ухудшении частности считают, что «алюминиевый экологии региона, вызываемом данным завод в Таджикистане, который предприятием. Их мнение разделяется в способствует занятости и экономическому развитию в одной из беднейших стран том, что в поисках экономической выгоды региона, в то же время создаёт серьезные нельзя подвергать опасности здоровье проблемы для территорий, находящихся человека и наносить вред окружающей среде. Кроме того, ИА REGNUM ниже по течению, особенно для Программа ООН по окружающей среде Узбекистана».

**Мирзамахмудов О.Т., Акбаров Ф.И., Камолов Б.Х.**  
**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЕР ОСТИ СУВЛАРИ САТҲИ ВА МИНЕРАЛЛАШУВИ**  
**БИЛАН БОҒЛИҚ ГЕОЭКОЛОГИК МУАММОЛАР**

**Аннотация:** мақолада Фарғона водийсидаги ер ости сувлари ва уларнинг минераллашуви билан боғлиқ геоэкологик муаммолар ёритилган.

**Калит сўзлар:** инсон фаолияти, ер ости сувлари сатҳи, зовур-дренаж, сувларнинг минераллашуви, тупрокнинг шўрланиши, геоэкологик вазият.

**Мирзамахмудов О.Т., Акбаров Ф.И., Камолов Б.Х.**  
**ГЕОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ, СВЯЗАННЫЕ С УРОВНЕМ ПОДЗЕМНЫХ ВОД И ЕЕ**  
**МИНЕРАЛИЗАЦИИ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ**

**Аннотация:** в статье освещены геоэкологические проблемы, связанные с уровням подземных вод и их минерализации на Ферганской долине.

**Ключевые слова:** деятельность человека, уровень подземных вод, коллекторы, дренаж, минерализация воды, засоление почв, геоэкологическая ситуация.

**Mirzamaxmudov O.T., Akbarov F.I., Kamolov B.X.**  
**GYNECOLOGICAL PROBLEMS RELATED TO THE LEVEL SURFACE GROUNDWATER AND**  
**SALINITY IN THE FERGANA VALLEY**

**Abstract:** the article highlights gynecological problems of surface groundwater and salinity in the Fergana valley.

**Key words:** human activity, the level of groundwater, sewers, drainage, water salinity, soil salinization, geo-ecological situation.

**Кириш.** Маълумки, Фарғона водийси хоссаларини ҳисобга олиш муҳим йирик тоғ оралиғидаги тектоник ботиғи ҳисобланади. бўлиб, у ўзининг хилма-хил табиий ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари билан ажралиб туради ҳамда қадимдан суғорилиб келинаётган воҳа, аҳолиси тез ўсиб бораётган ва зич жойлашган, саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти ва бошқа хўжалик тармоқларлари ривожланиб бораётган худуд ҳисобланади. Шунинг учун ҳам водий табиати инсон хўжалик фаолияти таъсири натижасида ўзгаришларга учраб, борган сари ноқулай геоэкологик муаммолар келиб чиқмоқда. Шунинг учун Фарғона водийсидаги геоэкологик вазиятни атрофлича ўрганиш, тадқиқ қилишда ва баргараф этишда, албатта уларни худудий геоэкологик ҳолатлари ва тарқалиш

Асосий қисм. Маълумки, Фарғона водийсининг гидрогеологик ёпиқ ҳолатидан келиб чиқиб, ерларнинг тупроқ-экологик ҳолати бузилишига кўпроқ гидрогеологик кўрсаткичларнинг ўзгариши, аниқроғи ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши ва минераллашуви сабаб бўлмоқда. Антропоген омилларнинг таъсири остида ер ости сувлари сатҳи ва минераллашувининг ўзгариши билан ерларнинг мелиоратив ҳолати ўртасидаги боғлиқлик аниқланган (Мақсудов, 1990). Жумладан, ер ости сувлари сатҳи ва минераллашуви 1930-2010 йиллар давомида узлуксиз равишда ортиб борганлиги қайд этилган. Кўтарилаётган сув сатҳини пасай-

тириш учун мавжуд кудукларнинг миқдори етарли эмас ҳамда уларнинг кўпчилиги носоз бўлганидан кўпинча ишламай қолади. Айниқса, айна сув кўтарилиши кучли бўлаётган даврда улар ишламай қолса, гидрогеологик шароит мураккаблашмоқда. Бу жараёнда ер ости сувлари сатҳининг кўтарилишида Катта Фарғона каналининг таъсири сезиларли. Унинг ўнг соҳили яқинидаги ерларни зах босиши канал сувининг шимилиши орқали содир бўлади. Канал суви лойқалигининг аввалгига нисбатан камайиши шимилишни кучайти-ради. Канал ёйилманинг юқори зонасидан келувчи грунт оқимиға тўсиқ бўлиб, унинг тезлигини секинлаштиради. Бу эса, ўз навбатида, грунт сувлари сатҳининг кўтарилишиға ва минераллашувиға олиб келади.

Ҳозирги кунда Фарғона водийси бўйича сизот сувлари сатҳининг чуқурлиги 1 метргача бўлган майдон 65,4 минг га (1,5 %), 1-1,5 метргача 255,3 минг га (6 %), 1,5-2 метргача 763,1 минг га (17,8 %), 2-3 метргача 1704,9 минг га (39,8 %), 3-5 метргача 733,1 минг га (17,1 %), 5 метрдан пастда 758,1 минг га (17,7 %) ҳамда уларнинг минерализацияси эса 0-1 г/л гача 1611,9 минг га (37,7 %), 1-3 г/л 1857,8 минг га (43,4 %), 3-5 г/л 719,3 минг га (16,8 %), 5-10 г/л 88,3 минг га (2,1 %), 10 г/л дан юқори 2,8 минг га (0,1 %) ни ташкил этмоқда.

Фарғона водийсида ҳам тупроқ ресурсларини деградациясида антропоген омилларнинг роли катта. Бу борада Учкўпирик, Бувайда, Боғдод ва Данғара туманлари худудида жойлашган чўл зоналарида гурунт сувларининг ер юзасига яқинлиги тупроқ таркибидаги минераллашув даражасини ортиб кетишиға олиб келмоқда. Кўкон зонасининг шимолий худудларидаги гурунт сувлари сатҳининг жойлашуви бир метрни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич жанубий, ғарбий ва шарқий худудларда 1-3 метрга тенг. Бу худудларда ер ресурсларининг экологик ҳолатининг бузилишиға қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган кимёвий моддаларнинг қисқаришиға қарамай, сўнги 10-12 йил мобайнида кимёвий бирикмалар билан ифлосланиш даражаси камаймаётганлиги кузатилмоқда. Бунга кўп ҳолларда саноат, маиший чиқиндиларнинг ташланиши ҳам сабаб

бўлмоқда.

Фарғона водийсида тупроқнинг ифлосланиш даражаси рухсат этилган меъёрдан 4,6-6,1 миқдор ортиқлигини кўрсатмоқда. Тупроқнинг минераллашув даражаси Кўкон зонасининг шимолий қисмларида 10-30 г/л, жанубий худудларида эса 5-10 г/л, ғарбий худудларда 10-30 г/л, шарқий худудларда эса 5-10 г/л ни ташкил этмоқда. Бундан ташқари тупроққа тушаётган пестицидлар, оғир металллар ва бошқа хўжалик чиқиндилари ер, сув ресурсларини ифлосланишиға олиб келмоқда.

Тупроқларнинг шўрлашуви, ботқоқлашуви каби салбий жараёнлар бевосита ер ости сувларининг сатҳи, минераллашуви ва жойларнинг табиий ҳолатиға боғлиқ. Шунинг учун ҳам адир массивларини ўзлаштирилиши ерларни мелиоратив ҳолатини салбий томонға ўзгаришиға олиб келмоқда. Бундай худудларға Исфара-Бешариқ, Бурганди-Риштон, Туямўйин-Марҳамат каби худудларни мисол қилиш мумкин. Кўрилаётган чора-тадбирларға қарамай тупроқ деградацияси ортиб бормоқда. Маълумки, суғориладиган майдонлар ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисмини беради. Бу эса ўз навбатида ишлов бериладиган ерларға нисбатан фойдаланиш даражасини ортиб боришиға олиб келади.


Фарғона водийсида суғориладиган ерлардан жойларнинг литологик, геоморфологик хусусиятларига қараб фойдаланиш самарадорлиги турлича. Масалан, Сўх, Исфара ва бошқа дарё ёйилмларининг юқори қисмларида рельеф қиялиги каттароқ (0,02—0,008) бўлганлиги туфайли бу ерлар суғорма эрозиясига мойил бўлса, этак қисмларининг аллювиал ётқизиклари таркибида сувда эрийдиган тузлар кўпроқ. Худди шундай аҳволни Фарғона водийсининг ўрта ва қуйи қисмларида ҳам кузатиш мумкин. Сирдарёнинг 2 ва 3 террасалари турли тузларға тўйинган аллювиал ётқизиклардан ташкил топганлиги туфайли тупроқ шўрланган.

Тупроқнинг сув-туз режимини бошқариш гидроморф ва ярим гидроморф мелиоратив шароитда ўта мураккаб масала бўлиб қолмоқда. Водийда экинларни суғоришда гидроморф мелиоратив усулнинг

кўлланилиш грунт сувлари сатҳининг ер бетиغا яқин жойлашиши (1—3 м) га олиб келган. Ётқизиклар таркибидаги тузларнинг грунт сувлари таъсирида эриши сабабли грунт сувининг минераллашув даражаси куйидан юқори томон ортиб боради ва

буғланиш жараёнида тупроқда тузларнинг тўпланиши кучаймоқда.

Шунинг учун ҳам водийдаги жами суғориладиган ерларнинг қарийб ярми турли даражада шўрланган (расм). Айниқса, Марказий Фарғона ерларини шўр босган.



Расм. Фарғона водийсида ерларнинг шўрланиш даражаси

Шўрланган ерларнинг мелиоратив учун суғориладиган ер майдонларида ҳолатини яхшилаш мақсадида ўтган асрда турли зичликда зовур тармоқлари қурилган ва кўпгина дренаж-суғориш шохобчалари янги инженерлик лойиҳалари асосида қайтадан реконструкция қилинди. Натижада, кейинги йилларда Фарғона водийсида суғориладиган 69,7 минг га дан ортиқ майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бунинг натижасида гектар бошига суғоришга сарфланадиган сув меъёрини 8-9 минг м<sup>3</sup> гача қисқартиришга эришилди.

**Хулоса.** Фарғона водийсида ер ости сувлари сатҳи ва минераллашуви билан боғлиқ геоэкологик вазиятни юмшатиш боради.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмадалиев Ю.И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси. - Тошкент: Фан ва технология, 2014. - 340 б.
2. Комилова Т. Фарғона водийси геоэкологик муаммоларининг худудий жиҳатлари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Фарғона, 2010.
3. “Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида”ги Миллий ҳисобот. - Тошкент, 2012.
4. Ўзбекистоннинг экологик шарҳи. – Тошкент, 2008.

Солиев И.Р.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЕР ОСТИ СУВ ЗАҲИРАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мақолада Наманган вилояти ер ости сувларининг шаклланиши, захираси ва улардан фойдаланишнинг баъзи масалалари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ер ости сувлари, таъминланиш соҳаси, тўпланиш ҳавзаси, ер ости сув захиралари.

Солиев И.Р.

## ВОПРОСЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ И ОХРАНЫ ПОДЗЕМНЫХ ВОД НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

**Аннотация:** в статье, на примере Наманганской области, анализируются вопросы использования и охраны подземных вод.

**Ключевые слова:** подземные воды, сфера обеспечения, бассейн скопления, запасы подземных вод.

Soliev I.R.

## THE APPLICATION AND PROTECTION OF GROUNDWATER NAMANGAN REGION

**Abstract:** problems of preservation and use of underground wafer fields are analyze in the article by the example of Namangan province.

**Key words:** groundwater, the scope of collateral pool clusters groundwater reserves.

Наманган вилоятида ўзига хос рельеф шароити, геологик тузилиши ва бошқа бир қатор табиий географик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда табиий бойликларнинг захиралари ҳамда ер ости сув конлари шаклланган. Вилоят ҳудудида муҳим стратегик бойлик ҳисобланган 9 та ер ости сув конлари, адирларда шаклланган 3 та ер ости сув захиралари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий захираси 7656,3 минг м<sup>3</sup> суткани ташкил этади. Ер ости сув конларининг бошқа конларидан фарқи, мунтазам ўзгариб туради ва бундай конлар уч қисмдан ташкил топган бўлади. Конларга сув шимилиб қўшиладиган ҳудудлар **таъминланиш соҳаси**, сув ўтказмайдиган қатламларнинг чўккан сув тўпланадиган (товоқча шаклидаги) ҳудудларини **тўпланиш ҳавзаси** ва сув ер юзасига чиқадиغان ва уни сунъий равишда чиқариб олинадиган ҳудудларни **сарфланиш соҳаси** деб юритилади. Вилоят ҳудудида Олмос-Варзик, Косонсой, Қўқумбой, Исковот-Пишқўрғон, Нанай, Чуст-Поп, Наманган ер ости сув конлари бўлиб, улар ҳудуд номи билан, Норин ва Сирдарё ҳавзалари эса дарё номлари билан аталган. Наманган вилоятидаги шаклланган ер ости сув конлари жойлашган ўрни, гидрогеологик хусусиятлари, захираси, захира эгаллаган майдони, сарфланиши ва сувининг хусусиятларига (минераллашув даражаси, шўрлиги ва бошқа жиҳатлари) кўра биридан фарқ қилади.

Сирдарё ер ости сув кони асосан Сирдарё дарёсининг ҳавзасида жойлашган бўлиб, коннинг жами майдони 984 км<sup>2</sup> ни

ташкил этиб, унинг 608.8 км<sup>2</sup> Наманган вилояти ҳудудида жойлашган. Қолган қисми Фарғона вилояти ҳудудидадир. Норин ер ости сув кони Норин дарёсининг ҳавзасида жойлашган. Унинг умумий майдони эса 1320 км<sup>2</sup> га тенг бўлиб, шундан 379,2 км<sup>2</sup> қисми вилоят ҳудудида, қолган қисми Андижон вилоятига қарашли. Наманган ер ости сув кони ҳавзаси ҳам анча катта майдонни эгаллаган бўлиб, 405 км<sup>2</sup> майдонни ташкил қилади. Чуст-Поп ҳавзаси 284 км<sup>2</sup>, Исковот-Пишқўрғон ҳавзаси 276 км<sup>2</sup>, Олмос-Варзик ҳавзаси 245 км<sup>2</sup>, Косонсой ҳавзаси 112 км<sup>2</sup>, Нанай ҳавзаси 64 км<sup>2</sup>, Қўқумбой ҳавзаси 48 км<sup>2</sup> майдонда эгаллаб турди (1-жадвал). Булардан ташқари ер ости сувларининг адир ҳудудлардаги захиралари ҳам аниқланган. Лекин бу захираларни кон деб номлаб бўлмайди. Чунки уларнинг сув билан таъминлайдиган мунтазам соҳаси мавжуд эмас ва шўрлиги юқори бўлганлиги сабабли унча кўп ўзлаштирилмаган. Бу ҳудудлардаги сувлар минераллашув даражаси юқори бўлганлиги сабабли истеъмол учун яроқсиз деб баҳоланади.

Сирдарё ер ости сув конининг сув захираси 1773000 м<sup>3</sup>/суткага тенг. Бугунги кунда улардан фойдаланиш 136900 м<sup>3</sup> суткани ташкил этади. Кон захирасининг шаклланишида Сирдарёнинг роли катта. Бундан ташқари, ҳавзанинг минераллашув даражаси захира эгаллаган майдоннинг 521 км<sup>2</sup> қисмида 0,4 г/л га тенг. Бир литр сувида 1,16 граммдан ортиқ минераллар бўлган ер ости сувлари 87 км<sup>2</sup> майдонни эгаллайди.



**Наманган вилояти ер ости сув конларнинг ҳудудий таркиби ва хусусиятлари**

№	Ер ости сув ҳавзасининг номи	Ер ости сув ҳавзаси тарқалган майдони, км <sup>2</sup>	Заҳираси, минг м <sup>3</sup> /сутка	Сарфланиши, минг м <sup>3</sup> /сутка	Минераллашув даражаси		Минераллашув даражаси	
					< 1г/л	Тарқалган майдони, км <sup>2</sup>	>1г/л	Тарқалган майдони, км <sup>2</sup>
1	Олмос-Варзик	245	567,6	231	0,68	232,6	1,10	12,4
2	Косонсой	112	248,8	63,6	0,78	112	-	-
3	Қўқумбой	48	7,8	4,2	0,33	43,4	1,15	4,6
4	Нанай	64	90,7	17,3	0,4	64	-	-
5	Исковот-Пишқўрғон	276	375	225	0,47	222	2,3	54
6	Чуст-Поп	284	821,7	42,8	0,8	284	-	-
7	Наманган	405	578,9	85,4	0,6	18	1,5	387
8	Норин	379,2	3189	24	0,6	379,2	-	-
9	Сирдарё	608,8	1773	136,9	0,4	521	2	87

Жадвал Наманган гидрогеология станцияси маълумотлари асосида тузилди.

Норин ер ости сув ҳавзаси вилоят 4,6 км<sup>2</sup> қисмида ер ости сувлари 1,15 г/л-гача минераллашган. Қўқумбой ер ости сув қони заҳираси 7800 м<sup>3</sup>/сутка бўлиб, заҳиранинг сарфланиш миқдори 4200 м<sup>3</sup>/суткага тенг.

Исковот-Пишқўрғон ер ости суви ҳавзаси эгаллаган майдон 276 км<sup>2</sup> га тенг. 222 км<sup>2</sup> қисмидаги ер ости сувлари 0,47 г/л гача, 54 км<sup>2</sup> майдондаги ер ости сувлари эса 2,3 г/л гача шўрланган.

Вилоят ҳудудидаги энг муҳим ер ости сув ҳавзаларидан бири Наманган ер ости сув ҳавзаси бўлиб, эгаллаган майдони 405 км<sup>2</sup> ни ташкил қилади. Наманган ҳавзасининг 18 км<sup>2</sup> майдонни эгаллаган ҳудудларида ер ости сувлари 0,6 г/л гача минераллашган. Коннинг вилоят ҳудудидаги бошқа конлардан фарқи шундаки, унинг катта қисми 387 км<sup>2</sup> майдонидаги ер ости сувлари 1,5 г/л гача шўрланган. Такиби 1 г/л дан ортик минераллашган сувлар истеъмол учун яроксиз ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Наманган шаҳри аҳолисини ичимлик сувга бўлган эҳтиёжининг катта қисмини Наманган ер ости сув ҳавзасидан эмас, балки Норин ер ости сув ҳавзаси чучук сувларидан фойдаланиб кондирилади. Наманган вилоятида шаклланган ер ости сув ҳавзаларининг ичида минераллашув даражаси энг кам бўлгани Нанай ҳавзасидир. Подшоотасой ҳавзасида

Олмос-Варзик ер ости сув ҳавзаси Чуст тумани аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳавзанинг заҳираси шаклланишида Олмоссой, Ғовасой ва бошқа сойлар ҳамда катта-кичик сув омборларининг аҳамияти каттадир. Коннинг бугунги кундаги заҳираси суткасига 567600 м<sup>3</sup> тенг бўлиб, унинг 231000 м<sup>3</sup> қисми бир кеча-кундузда сарфланмоқда. Ҳавза сувлари булок кўринишида ер бетига оқиб чиқади, баъзи жойларда эса артезиан қудуқлари ёрдамида олинади. Ер ости сув ҳавзасининг минераллашув даражаси нисбатан юқори. Таркибида 0,68 г/л гача минераллашган сувлар 232,6 км<sup>2</sup> майдонни эгалласа, 12,4 км<sup>2</sup> ҳудудлар суви 1,10 гр литргача минераллашган.

Қўқумбой ҳавзасининг умумий эгаллаган майдони 48 км<sup>2</sup> бўлиб, унинг майдонининг 43,4 км<sup>2</sup> қисми 0,33 гр литр минераллашган сувлар ташкил этса, қолган

жойлашган бу коннинг таъминланиш соҳаси худудидаги дарё ва сойлар сувларининг ер тоғлардаги қор ва муз сувлари ҳамда шу остига шимилишидан сув олади.

2-жадвал

**Наманган вилояти ер ости сувларидан фойдаланиш динамикаси**

Йиллар	Ичимлик учун, 1000 м <sup>3</sup> /сутка	Саноатда, 1000 м <sup>3</sup> /сутка	Суғоришда, 1000 м <sup>3</sup> /сутка	Зах қочиришда, 1000 м <sup>3</sup> /сутка	Жами, 1000м <sup>3</sup> /сутка
2000	512	49	529	367	1457
2001	512	49	529	367	1457
2002	509	48	522	360	1439
2003	545	48	519	300	1412
2004	517	47	493	327	1384
2005	500	45	522	268	1335
2006	484	45	406	268	1203
2007	466	52	422	257	1197
2008	360	49	431	199	1039
2009	333	49	529	148	1059

Жадвал Наманган гидрогеология станцияси маълумотлари асосида тузилди.

Вилоят худудидаги ер ости сувларидан турли мақсадларда фойдаланиш 2-жадвалда келтирилган. Наманган вилоятида 2000 йилда бир суткада ичимлик учун 512 минг м<sup>3</sup> сув олинган бўлса, 2009 йилга келиб 333 м<sup>3</sup> гача камайган. Ер ости сувларидан саноат ва суғоришда фойдаланиш кўрсаткичи 2000 - 2009 йилларда деярли ўзгармаган. Зах қочириш учун олинган сув ҳажми суткасига 367 м<sup>3</sup> ни ташкил этган бўлса, 2009 йилда 148 м<sup>3</sup> га тушиб қолган. Вилоят бўйича жами ер ости сувларидан фойдаланиш ҳажми камайиб бормоқда.

Вилоятда ер ости сувларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга. Вилоят худудидаги ер ости сув конлари захирасининг ҳосил бўлишида дарёларнинг гидрологик режими катта аҳамият касб этади. Ўзгидрометнинг башоратларига қараганда, 2030-2080 йилларда Наманган вилоятига сув берувчи дарёлар - Подшоотасой суви 20-30 фоизгача, Чодак-сой ва Ғовасойларнинг суви эса 40-50 фоизгача камайиши мумкин. Олиб борилган тадқиқот натижаларига қараганда, иқлим исиши даври (1975-2005 йиллар)да олдинги 30 йилликка нисбатан Наманган вилоятига сув берувчи дарёларнинг суви 13-18 фоизга камайганлиги маълум бўлган. Демак, ер ости сувлари захиралари ҳам камайиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки дарёлар сувининг камайиб бориши ер ости сув захираларининг ҳам камайишига сабаб бўлади.

Вилоятдаги ер ости сувларининг

сифатига таъсир этадиган 80 дан ортиқ манбалар аниқланган. Ер ости сувлари автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари, автомобилларни ювиш шахобчалари, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган минерал ўғитлар ва пестицидлар ҳамда бошқа омиллар таъсирида ифлосланади. Вилоятнинг Чуст, Поп, Косонсой ҳамда Янгиқўрғон туманларига ер ости сув конлари таъминланиш соҳаларининг катта қисми тўғри келади. Бу жойлардаги қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган минерал ўғитлар ва пестицидлар рухсат этилган меъёр (РЭМ)дан ортиқ бўлса ер ости сувларини жиддий ифлослантириши мумкин.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Фарғона вилоятида жойлашган нефтни қайта ишлаш корхонасида нефть сақлаш цистерналарининг эскириши ва эҳтиётсизлик туфайли ер остига шимилган нефть маҳсулотлари ер ости сувларини жиддий ифлослагани маълум. Вилоятнинг Поп туманида ташкил этилган нефть сақлаш ва ташиш базаси орқали йилига минглаб тонна нефть маҳсулотлари ташилмоқда. Бу худудда гидрогеологик мониторингни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, Наманган вилоятидаги мавжуд 9 та ер ости сув конлари ва адирларда жойлашган 3 та ер ости сув захираларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва мониторингини узлуксиз давом эттириш зарурлигини таъкидлаш лозим.

Крахмаль К.А.

## К ИЗУЧЕНИЮ ПАЛЕОГЕОГРАФИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ РАЗВИТИЯ ПРИРОДЫ И ОБЩЕСТВА В ПЕРИОДЫ РАННЕГО ГОЛОЦЕНА НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

**Аннотация:** в статье представлены некоторые результаты определения хроностратиграфического рубежа в истории палеогеографического и физико-географического развития ландшафтов.

**Ключевые слова:** ландшафтная зональность, физико-географические компоненты, плейстоцен, голоцен, палеолит, мезолит, ороген.

Крахмаль К.А.

## ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИ ТАБИАТИНИНГ ГОЛОЦЕН БОШЛАРИДАГИ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон худуди ландшафтларининг табиий-географик шаклланиш тарихи плейстоцен ва голоцен хроностратиграфик чегарисига оид маълумотлар асосида ўрганилган.

**Калит сўзлар:** ландшафтларнинг зоналиги, табиий географик компонентлар, плейстоцен, голоцен, палеолит, мезолит, ороген.

Krakhmal K.A.

## TO THE STUDY OF FEATURES PALEOGEOGRAPHIC DEVELOPMENT OF NATURE AND SOCIETY DURING THE EARLY HOLOCENE IN UZBEKISTAN

**Abstract:** the paper presents some results chronostratigraphic milestone in the history of paleogeographic and physiographic development of landscapes, ecological and biological processes in the territory of Uzbekistan, exploring the relationship of nature and society at the turn of the Pleistocene and Holocene.

**Key words:** landscape zoning, physical and geographical components, Pleistocene, Holocene, Paleolithic, Mesolithic, orogen.

**Введение.** Объектом данного исследования являются физико-географические особенности развития природной среды в периоды позднего кайнозоя. Основное внимание концентрируется на хронологическом определении и детализации временных параметров характерных особенностей формирования физико-географических условий, растительного и животного мира в эпохи позднего плейстоцена – раннего голоцена в зоне орогена Тянь-Шаня, Памиро-Алая и Туранской платформы, а также на территории прилегающих регионов.

**Цели и задачи** работы заключаются в детальной разработке хроностратиграфической основы для данного этапа развития природной среды, проводится изучение особенностей формирования физико-географических компонентов, высотной зональности ландшафтов, гидрографических и геоморфологических структур, климатических вариаций, динамики эволюционного развития палеоботанических и фаунистических комплексов, археологических материалов. Здесь также необходимо отметить, что современные тенденции и перспективы развития исследований определяются основными целями и задачами комплекса наук о Земле, изучающих историческую

геологию, географию, биологические ресурсы и многие другие физико-географические процессы. Это в значительной степени обусловлено тем, что с самого начала выделение человека, как антропологического типа из животного мира он развивался, сопряжено с географической средой. На современном уровне развития общества, человечество вступило в такую фазу своего развития, когда вопрос об отношении общества и природы становится одной из главных и актуальных проблем науки и практики. Географическая среда, воздействующая на жизнь современного общества, в значительной степени является овестьствленным результатом трудовой деятельности огромного количества живших на Земле человеческих поколений. Поэтому оценивать современные территориальные комплексы среды, невозможно без изучения истории воздействия географических факторов на общество на всех ступенях его развития [Анучин, 1982].

**Методы изучения** хроностратиграфических параметров основаны на современной концептуальной методологической основе и включают комплексный анализ эндогенных и экзогенных процессов эволюционного развития Земли и их

влияние на формирование ландшафтной зональности, физико-географических и климатических особенностей, седиментации, палеобиологии, археологии и палеоантропологии. В процессе выделения хроностратиграфических комплексов проводится историографический анализ известных к настоящему времени многочисленных письменных источников фондовых материалов.

**Историографическое изучение** представлений и природе, как развивающейся во времени эволюционной системы призвано показать, что новые теории, которые разрабатываются в данном направлении, имеют свои истоки. Они созданы многими поколениями мыслителей, порой оставшихся безвестных, но создавших основу знаний, традиций, мировоззрений. Учитывая мировоззренческое значение исследования эволюционных процессов в периоды позднего плейстоцена – раннего голоцена, как качественной новой эпохи в истории развития Вселенной – эпохи раннего антропосоциогенеза, необходимо отметить, что исторические истоки восходят к мыслителям ранней античности. Все древние культуры имели свою космогонию, мифы о возникновении окружающей человека природной среды. В рассуждениях ранних философов, это был поиск истины, который продолжался на протяжении всей письменной истории и сформировался как научное мировоззрение к XIX века. Однако, в данной статье необходимо ограничить себя, по возможности, только главными моментами, имеющими непосредственное отношение к географии, высказанными многочисленными авторами. Областью данных исследований, следует понимать всю совокупность знаний о распределении по земному шару различных сочетаний организмов растительных и животных от простейших до высших и связи этого распределения с географическими условиями [Американская география, 1957]. Одним из ключевых научных направлений, которые непосредственно касаются данной тематики, относится разработка учения о географических ландшафтах, которое в историографическом плане отмечено

начиная с публикаций А. Гумбольда. В первой половине XX века разрабатывалось Л.С. Бергом. [Берг, 1947; Ландшафтоведение, 1963]. В дальнейшем эти научные направления разрабатываются географами Узбекистана.

В процессе изучения вопросов взаимодействия природы и общества рассматриваются региональные и локальные особенности развития преемственности природопользования. В периоды плейстоцена хозяйственная жизнедеятельность палеолитических племен, в основном, заключалась в развитии специализированной охоты на крупных стадных млекопитающих, обитателей перигляциальных ландшафтов [Верещагин, 1979]. В голоцене, основной хозяйственной деятельностью становится охота на млекопитающих обитателей степных, лесостепных и предгорно-горных ландшафтных зон, рыбная ловля, собирательство [Матюшин, 1976].

На фоне важнейших палеоклиматических вариаций и палеогеографических преобразований природной среды в периоды позднего плейстоцена – раннего голоцена происходят также значительные изменения в развитии материальной культуры и хозяйственной структуре первобытных обитателей в регионе исследований [Коробкова, 1975; Ранов, 1975]. Это убедительным образом показывает, что в регионе исследований, как и на других территориях мира, в периоды голоцена, впервые в истории человечества появляется неравномерность исторического развития, обусловленного различными физико-географическими условиями. В отдельных географически ограниченных районах проявляются элементы доместики некоторых видов животных, и культивируется земледелие, в других – развивается высокогорная охота, в третьих складывается рыболовство, охота и собирательство.

По проблеме определения палеогеографического рубежа между плейстоценом и голоценом для территории Северной Евразии существует несколько точек зрения, которые отмечались в резолюциях ряда конгрессов ИНКВА. Так

Н.А. Хотинский, А.Л. Девирц, Н.Г. Маркова пришли к выводу, что этот рубеж соответствует началу фазы отступления ледника и датируется радиоуглеродным методом 10 300 лет назад [Хотинский, Девирц, Маркова. - М., 1966].

М.И. Нейштадт на основании палеогеографических данных, с учетом определения абсолютного возраста начала формирования древнейших торфяно-сапропелевых отложений, отнес рубеж между плейстоценом и голоценом к началу 12 000 лет назад [Нейштадт, 1965; Гуделис, 1960]. Важную роль сыграла схема Блитта-Сернандера, которая удачно отразила основные тенденции истории растительности и климата обширных территорий и связала палеогеографические события в истории развития природной среды в голоцене. Основной рубеж плейстоцена и голоцена выделен также на основании определения поздней послеледниковой границы и атлантико-суббореальных особенностей развития природной среды [Зубаков, Борзенкова, 1983; Палеогеография Европы за последние сто тысяч лет, 1985]. Наличие этих дат говорит о необходимости критического анализа в определении природного рубежа в 10 000 лет назад, как границы между верхним палеолитом и мезолитом.

**Выводы.** В настоящее время под

руководством проф. Х.А. Тойчиева в Национальном университете Узбекистана разрабатываются методы изучения магнитных свойств горных пород и проведения палеогеографических реконструкций. Изучая магнитную восприимчивость и особенности циклического намагничивания, было отмечено, что геомагнитное поле предохраняет Землю от свободного проникновения космических излучений, и выполняет функцию защитного магнитного экрана. Увеличение или уменьшение, которого может вызвать усиление мутаций, оказать влияния на формирования элементов ландшафта и привести к перестройке экосистем [Виноградов, Мамедов, Степанов, 1970; Виноградов, Итина, Кесь, Мамедов, 1974]. Согласно определениям Х.А. Тойчиева голоценовый этап развития географической среды характеризуется новой очередной региональной активизацией тектонических движений. Главным событием этой эпохи, является образование системы равнинных и горных озер и Аральского моря. Выделенные региональные события в развитии физико-географических преобразований, оставили достаточно выраженный след в формировании палеоландшафтов, и могут служить хроностратиграфическими рубежами в истории развития природы [Тойчиев, 1996].

#### Список литературы:

1. Американская география. Современное состояние и перспективы. Перевод с английского. - М., 1957. - С. 422.
2. Анучин В.А. Географический фактор в развитии общества. - М.: «Мысль», 1982. - С. 4-5.
3. Берг Л.С. Географические зоны Советского Союза. - М.: Географгиз, 1947. - С. 5; Верещагин Н.К. Почему вымерли мамонты. - Л., 1979. - 196 с.
4. Виноградов А.В., Мамедов Э.Д., Степанов И.Н. Древние почвы Кызылкумов. Проблемы освоения пустынь. № 6, 1970.
5. Виноградов А.В., Итина М.А., Кесь А.С., Мамедов Э.Д. Палеогеографическая обусловленность расселения древнего человека в пустынях Средней Азии. Первобытный человек и природная среда. - М., 1974. - С. 290-295.
6. Гуделис В.К. К вопросу о проведении стратиграфической границы между плейстоценом и голоценом на территории последнего оледенения. Хронология и климаты четвертичного периода. - М., 1960. - С. 74-78.
7. Зубаков В.А., Борзенкова И.И. Палеоклиматы позднего кайнозоя. - Л., 1983. - 169 с.
8. Коробкова Г.Ф. Культура и локальные варианты мезолита и неолита Средней Азии. Советская археология. 1975, № 4. С. 20-2.
9. Ландшафтоведение. - М., 1963. - С. 3-10.
10. Матюшин Г.Н. Мезолит Южного Урала. - М.: «Наука», 1976. - 368 с.
11. Нейштадт М.И. Некоторые итоги изучения отложений голоцена. Палеогеография и хронология верхнего плейстоцена и голоцена по данным радиоуглеродного метода. - М., 1965. - С. 88-95.
12. Палеогеография Европы за последние сто тысяч лет. - М.: «Наука», 1985. - 150 с.
13. Ранов В.А. Памир и проблема заселения высокогорной Азии человеком каменного века. Страны и народы Востока. 1975. №16. - С.146.
14. Тойчиев Х.А. Палеомагнитная стратиграфия континентальных четвертичных отложений Узбекистана.

Автореф. Докт. дисс. Доктора геолого-минералогических наук. – Ташкент, 1996. - 51 с.

15. Хотинский Н.А., Девирц А.Л., Маркова Н.Г. Некоторые черты палеогеографии и абсолютной хронологии позднеледникового времени центральных районов Русской равнины. Верхний плейстоцен, стратиграфия и абсолютная геохронология. - М., 1966. - С. 197-203.

**Абдуназаров Ў.К., Миракмалов М.Т., Шарипов Ш.М.  
АМАЛИЁТЧИ ОЛИМ**

**Аннотация:** мақолада марҳум устоз – география фанлари номзоди, доцент Асамутдин Зайнутдиновнинг илмий-педагогик фаолияти ҳақида сўз юритилади.

**Абдуназаров У.К., Миракмалов М.Т., Шарипов Ш.М.**

**УЧЕНЬИЙ – ПРАКТИК**

**Аннотация:** в статье дан краткий обзор научно-педагогической деятельности кандидата географических наук, доцента кафедры физической географии Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека Асамутдина Зайнутдинова и его вклад в изучении географии, геоморфологии и неотектоники Узбекистана.

**Abdunazarov U.K., Mirakmalov M.T., Sharipov Sh.M.**

**THE SCIENTIST – EXPERT**

**Abstract:** this article provides a brief overview of the research and educational activities of the candidate of geographical sciences, associate professor of physical geography of the National University of Uzbekistan. Ulugbek Asamutdina Zaynutdinova and its contribution to the study of geography, geomorphology and neotectonic Uzbekistan.

Мамлакатимиз илм-фан ва олий бағишланган. Унинг тадқиқотлар давомида таълимнинг энг асосий марказларидан тўплаган маълумотлари асосида Ўзбекистон бўлган Ўзбекистон Миллий университетида ландшафтларнинг шаклланишига оид умрининг асосий қисмини илм-фанга, ёшларга билим беришдек машаққатли, аммо кўплаб илмий мақолалар чоп этилди, шарафли ишга бахшида қилган инсонлар яратилди. Бу эса, ўз кўпчиликини ташкил этади. Ана шундай ўрнида устознинг педагогик фаолиятига инсонлардан бири география фанлари жуда катта ижобий таъсир кўрсатди. Зайнутдиновнинг дарсларига доимо зўр сабабдан учун талабалар Асамутдин кизиқиш билан қатнашадилар. Айниқса, Зайнутдиновнинг дарсларига доимо зўр талабалар хотирасида устоз раҳбарлигида ўтказиладиган ўқув-дала амалиёти машғулотлари унутилмас из қолдиради, зеро юқорида айтганимиздек, Асамутдин Зайнутдиновнинг йиллар давомида геологик, геоморфологик, географик тадқиқот ишларида орттирган тажрибасини фақат китоб орқалигина шакллантириш мумкин эмас. Хусусан, ўқув-дала амалиёти даврида бу маълумотлар асқотади. Ўқув-дала амалиётида бирор объектни тавсифлашда талабалар “нима”, “қачон”, “қаерда” ва “нима учун”, “нега шундай” саволларига жавоб олишарди. Бу эса ўқитувчидан чуқур билим талаб қилади. Чунки, география дарсларини замонавий усуллардан фойдаланиб ўқитиш учун фаннинг назариясини ҳам, амалиёт қисмини ҳам жуда яхши билиш керак.

Ўз фаолиятини 1963 йили Сурхондарё вилоятидаги мактабда география ўқитувчиси сифатида бошлаган Асамутдин Зайнутдинов табиатни ўрганишга бўлган кизиқиши туфайли 1968 йили Тошкент вилоятидаги Умумий геологик қидирув экспедициясига геолог сифатида ишга кирди ва Ўзбекистоннинг қарийб барча худудларига бориб, геологик қидирув ишларида қатнашди. Ўша йиллари орттирган билим захираси 1981 йилдан бошлаб умрининг охиригача ТошДУ, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг география факультетидаги педагогик фаолиятида жуда қўл келди. Чунки, география дарсларини замонавий усуллардан фойдаланиб ўқитиш учун фаннинг назариясини ҳам, амалиёт қисмини ҳам жуда яхши билиш керак.

Устознинг илмий ишларининг асосий қисми Ўзбекистон худуди рельефининг шаклланиши ва шунга боғлиқ ҳолда ландшафтларнинг ривожланиши тарихига

Мамлакатимиз илм-фан ва олий бағишланган. Унинг тадқиқотлар давомида таълимнинг энг асосий марказларидан тўплаган маълумотлари асосида Ўзбекистон бўлган Ўзбекистон Миллий университетида ландшафтларнинг шаклланишига оид умрининг асосий қисмини илм-фанга, ёшларга билим беришдек машаққатли, аммо кўплаб илмий мақолалар чоп этилди, шарафли ишга бахшида қилган инсонлар яратилди. Бу эса, ўз кўпчиликини ташкил этади. Ана шундай ўрнида устознинг педагогик фаолиятига инсонлардан бири география фанлари жуда катта ижобий таъсир кўрсатди. Зайнутдиновнинг дарсларига доимо зўр сабабдан учун талабалар Асамутдин кизиқиш билан қатнашадилар. Айниқса, Зайнутдиновнинг дарсларига доимо зўр талабалар хотирасида устоз раҳбарлигида ўтказиладиган ўқув-дала амалиёти машғулотлари унутилмас из қолдиради, зеро юқорида айтганимиздек, Асамутдин Зайнутдиновнинг йиллар давомида геологик, геоморфологик, географик тадқиқот ишларида орттирган тажрибасини фақат китоб орқалигина шакллантириш мумкин эмас. Хусусан, ўқув-дала амалиёти даврида бу маълумотлар асқотади. Ўқув-дала амалиётида бирор объектни тавсифлашда талабалар “нима”, “қачон”, “қаерда” ва “нима учун”, “нега шундай” саволларига жавоб олишарди. Бу эса ўқитувчидан чуқур билим талаб қилади. Чунки, география дарсларини замонавий усуллардан фойдаланиб ўқитиш учун фаннинг назариясини ҳам, амалиёт қисмини ҳам жуда яхши билиш керак.

Мен (М.М.) устозни 1987 йилдан бери биламан. Ўша пайтда мактабни имтиёзли

тугатиб, ТошДУ география факультетига хужжат топширган эдим. Биринчи кириш имтиҳони Географиядан бўлиб, имтиҳон комиссияси аъзоларидан бири - “ўта қаттиқўл” (менга шундай туюлган эди), жиддий, аммо самимий инсон Асамутдин Зайнутдинов эди (буни кейинчалик билдим). Ҳамон эсимда, ўшанда менга домла “аъло” баҳо қўйган (имтиҳон комиссияси раиси проф.А.Қаюмов) ва мен география факультетига талабалikka қабул қилиндим. Сўнгра устознинг қўлида таълим олдим, кейинчалик эса бирга ишлаш насиб этди ва у кишидан кўп нарса ўргандим, бундан фахрланаман.

Асамутдин Зайнутдинов мамлакатимизнинг геология, геоморфология, ландшафтшунослик ва география таълими методикаси соҳалари бўйича етук мутахассиси, кўп йиллардан буён фан ва ишлаб чиқариш алоқадорлигини ошириб келаётган олим, талабаларнинг суюкли устози эди. У бир неча йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида дала-тадқиқот ишларида қатнашган. Жумладан, домла 1971-1979 йиллари Марказий Қизилқумда геоморфологик тадқиқотлар ўтказишда, 1973-1975-йиллари Ўрта Осиё ландшафт харитасини тузишда, 1975-1978 йилларда Қорақум сув омбори ўрнини геологик-геоморфологик тадқиқ этишда, 1978-1979 йилларда Жиззах миллий боғининг ландшафтларини тадқиқ этишда, 1979-1980 йилларда Паркент туманидаги “Қуёш” объекти ўрнининг геологик-геоморфологик тадқиқ қилиш ва неотектоникасини ўрганишда, 1981-1983 йилларда Ғарбий Тяншанда геологик-геоморфологик тадқиқотлар ўтказишда, 1983-1985 йилларда Чорбоғ сув омбори ва унинг атрофидаги дам олиш манзилгоҳлари ўрнига қурилишлар учун геологик-геоморфологик тадқиқотлар олиб боришда, 1985-1986 йилларда Ҳожимушкент сув омбори ўрнини, 1987-1988 йилларда Чимён ва Семизсой дам олиш манзилгоҳларини, 1989-1991 йилларда Белдорсой дам олиш

маскани, Толимаржон ИЭС ўрнини геологик-геоморфологик жиҳатдан ўрганишда қатнашган. Ана шунинг учун бўлса керак, устоз талабаларга билим беришда ўзлари кўриб, ўрганиб текширишлар ўтказиш натижасида тўплаган материалларидан кенг фойдаланиб, турли мисоллар билан тушунтирардики, тавсифланаётган ҳудуд талаба кўз ўнгида ёрқин гавдаланади.

Асамутдин Зайнутдинов ўзининг амалий-назарий ишларини педагогик фаолият билан ҳамоҳанг тарзда олиб борган ва 1990 йили “Роль новейших тектонических движений в формировании природных условий Приташкентского района” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Номзодлик диссертациясида келтирилган бирқатор илмий янгиликлар, айниқса, неоген-тўртиламчи давр ётқизикларини тўпланишида нафақат неотектоник ҳаракатлар, балки глобал иқлим ўзгаришларининг таъсири яққол мисоллар асосида кўрсатилгани ва асослаб берилгани ҳалигача ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Устоз 1981-1990 йилларда география факультети табиий география кафедрасининг ўқитувчиси, 1990-1992 йилларда география ўқитиш методикаси кафедрасининг катта ўқитувчиси, 1992-1994 йилларда ушбу кафедра доценти, 2005 йилдан эса табиий география ва география таълими методикаси кафедрасининг доценти вазифаларида фаолият кўрсатган.

А.Зайнутдинов факультет ва университет жамоат ишларида ҳам фаол эди: 1990-1996 йилларда маънавий-маърифий ишлар бўйича декан муовини, 1996 йилдан география факультети касаба уюшмасининг раиси, 2000 йилларда ЎЗМУ касаба уюшмасида ташкилий кўмита раиси лавозимларида қизгин иштирок этган.

Олим ва устоз сифатида А.Зайнутдинов талабаларга нисбатан талабчан, айна пайтда саҳий ва меҳрибон мураббий эди.

## **ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯ**

**Федорко В.Н.**

### **ПРИРОДНО-ХОЗЯЙСТВЕННЫЕ ОКРУГА УЗБЕКИСТАНА**

**Аннотация:** в данной статье освещены географическое положение, территориальный охват и границы 12 природно-хозяйственных округов, выделенные автором на территории Узбекистана. Приведена карта, соответствующая с текстом.

**Ключевые слова:** природно-хозяйственный округ, географическое положение, границы, природные, хозяйственные и административные рубежи, территория, площадь.

**Федорко В.Н.**

### **ЎЗБЕКИСТОН ТАБИЙ-ХЎЖАЛИК ОКРУГЛАРИ**

**Аннотация:** ушбу мақолада Ўзбекистон ҳудудига муаллиф томонидан ажратилган 12 табиий-хўжалик округларнинг географик ўрни, ҳудудий камрови ва чегаралари ёритилган. Маъмурий мазмунига мос харида келтирилган.

**Калит сўзлар:** табиий-хўжалик округ, географик ўрин, чегаралар, табиий, хўжалик ва маъмурий чегаралар, ҳудуд, майдон.

**Fedorco V.N.**

### **NATURAL-ECONOMIC DISTRICTS OF UZBEKISTAN**

**Abstract:** this article provides information about the geographical location and boundaries of the 12 natural-economic districts of Uzbekistan allocated by the author. Shows a map of the relevant content.

**Key words:** natural and economic area, geographic location, boundaries, natural, economic and administrative boundaries, area, area.

**Введение.** *Природно-хозяйственный округ* – крупная часть природно-хозяйственной провинции, целостная и сравнительно обособленная в гидрографическом и ландшафтно-генетическом отношениях, которой присущи характерное сочетание функциональных типов и территориальных структур природопользования и расселения, относительная замкнутость геоэкологических потоков. Границы между ними определяются устойчивыми и чёткими природными (главным образом, гидрографическими и геоморфологическими) рубежами.

На уровне природно-хозяйственных округов республики возможно и целесообразно решать некоторые важные задачи управления региональным природопользованием: комплексный мониторинг качества эколого-географической среды, оптимизация водохозяйственного баланса, разработка и реализация комплексных водохозяйственных программ, территориальных схем охраны природы, региональных схем развития и размещения производительных сил, комплексных программ освоения природно-ресурсного потенциала территорий и т.д. Это определяет практическую актуальность научно обоснованного выделения природно-хозяйственных округов Узбекистана.

**Цель и задачи работы.** Цель работы

заключается в научно обоснованном выделении и делимитации природно-хозяйственных округов Узбекистана. Основные задачи, вытекающие из сформулированной цели:

- установить пространственную размерность природно-хозяйственных округов Узбекистана;

- охарактеризовать географическое положение, территориальный охват и границы природно-хозяйственных округов Узбекистана;

- составить карту природно-хозяйственного районирования Узбекистана на уровне округов.

**Основная часть.** Равнинно-пустынная провинция Узбекистана подразделяется на Устюртский, Аралкумский, Нижнеамударьинский, Кызылкумский, Нижнезарафшанский и Каршинский природно-хозяйственные округа. Округа равнинно-пустынной провинции представляют собой крупные морфогидрографически обособленные пустынные равнины (Кызылкум, плато Устюрт, Аральская впадина), естественно-ресурсный потенциал которых преимущественно способствует развитию отгонно-пастбищного животноводства и добывающей промышленности. Дельтовые оазисы в низовьях крупных рек (Амударья, Зарафшана и Кашкадарья), где хозяйственно-организующее значение



имеет многоотраслевой агропромышленный комплекс, базирующийся на орошаемом земледелии. Предгорно-горная природно-хозяйственная провинция страны, в свою очередь, подразделяется на Сурхандарьинский, Кашкадарьинский, Среднезарафшанский, Голодностепский, Приташкентский и Ферганский округа. Предгорно-горные природно-хозяйственные округа морфологически представляют сочетания межгорных котловин или предгорных равнин и обращённых к ним склонов горных хребтов.

Рассмотрим географическое положение, территориальный охват и границы равнинно-пустынных природно-хозяйственных округов республики. *Устюртский* природно-хозяйственный округ, располагаясь на крайнем северо-западе Узбекистана, занимает Каракалпакский Устюрт. Административно приходится на территорию Кунградского района Каракалпакстана. По крутым обрывистым уступам – чинкам - округ граничит на востоке с дельтой Амударьи и Аральской котловиной, а на юго-востоке – с Сарыкамышской впадиной. На севере, западе и юге граница округа проходит по линии государственной границы Узбекистана с Казахстаном и Туркменистаном. При этом плато Устюрт в своих естественных рубежах, как известно, продолжается на территории этих стран.

*Нижнеамударьинский* природно-хозяйственный округ соответствует дельтовой равнине Амударьи, начинающейся от Туямуюнского водохранилища и полого понижающейся на запад и северо-запад к Аральской котловине. Основная территория округа занята оазисными ландшафтами, за исключением северных районов современной дельты Амударьи и останцовых возвышенностей, осложняющих фоновую равнину. В административном отношении округ приходится на Хорезмскую область (кроме Тупракалинского массива Хазараспского района) и дельтовые части всех районов Каракалпакстана. Границы округа проводятся на западе по восточному чинку Устюрта, на севере - по южному уступу Аральской впадины, совпадающему с

северным рубежом распространения дельтовых отложений Амударьи. На востоке округ оконтуривается периферическими элементами оазисных земель и гидрографической сети дельты на стыке с пустыней Кызылкум, на юге рубежом округа служит государственная граница Узбекистана с Туркменистаном.

*Аралкумский* природно-хозяйственный округ охватывает новоявленную солончаковую пустыню Аралкум и остаточные водоёмы Аральского моря, ограничиваясь на севере государственной границей с Казахстаном. В административном отношении это - территория Муйнакского района Каракалпакстана. Границы округа достаточно чёткими уступами выражены в рельефе Аральской котловины, отделяя её в пределах республики от Устюртского, Нижнеамударьинского и Кызылкумского (в районе реликтового Акпеткинского архипелага) округов.

*Кызылкумский* природно-хозяйственный округ занимает территорию песчаной пустыни Кызылкум, расположенной в центральной части Узбекистана, в междуречье Амударьи и Сырдарьи. Округ на севере ограничивается линией государственной границы с Казахстаном, на западе граничит с дельтой Амударьи по гидрографическим и культурно-ландшафтным рубежам, а на северо-западе – с Аралкумским округом. На востоке по периферии золотых равнин Айдар-Арнасайской впадины округ граничит с Голодной и Фаришской степями, относящимися к Мирзачульскому округу. На юго-востоке округ сопряжён со Среднезарафшанским округом по нижней кромке светлых серозёмов на северо-западе Нуратинской долины. На юге Кызылкумский округ граничит с Нижнезарафшанским округом по следующей линии географических объектов: северо-восточный край Автобачинского плато – южная кромка Аякагитминской впадины – сухое русло Дарьясая – западная кромка отложений древней дельты Зарафшана.

*Нижнезарафшанский* природно-хозяйственный округ охватывает нижнюю (равнинную) часть бассейна р.Зарафшан, которая занята, по большей части, современной и древней дельтой этой реки.

Административно охватывает основную часть Бухарской, и отдельные, сравнительно небольшие части Навоийской и Кашкадарьинской областей (Рис.). На севере и западе округ граничит с Кызылкумским природно-хозяйственным округом (граница описана выше). На северо-востоке округ соседствует со Среднезарафшанским округом по подножью гор Каратау, Правобережному каналу (Калканата), Карманинскому гидроузлу, северо-восточным уступам Маликчуля к западу от посёлка Зиадин, стыку равнины Маликчуля и Зиадинских гор, восточному краю плато Азкамар. На востоке Низовья Зарафшана граничат с Кашкадарьинским природно-хозяйственным округом (со степью Карнабчуль) по Уртачульскому и Карнабскому каналам и восточному подножью возвышенности Майдкара. На юго-востоке округ граничит с Каршинским природно-хозяйственным округом по следующему ряду географических объектов: юго-восточное подножье возвышенности Сеталантепа – коллектор, ограничивающий на юго-востоке Караулбазарский массив орошения в Бухарской области и впадающий в озеро Хадича – северо-восточные уступы третичного плато Денгизкуль.

*Каршинский* природно-хозяйственный округ объединяет оазисные и пустынно-пастбищные земли Каршинской степи, в водохозяйственном отношении образующие Аму-Каршинский ирригационный район, который обеспечивается водными ресурсами в основном за счёт переброски амударьинской воды по Каршинскому и Миришкорскому каналам, а также канала Эски-Анхор, транспортирующего воду р.Зарафшан из Самаркандского оазиса. В административном разрезе территория округа приходится в основном на 6 районов Кашкадарьинской области: Каршинский, Касанский, Касбинский, Нишанский, Миришкорский и Мубарекский.

На юге округ ограничен государственной границей с Туркменистаном. Западная и северо-западная граница с Нижнезарафшанским округом описана выше. На севере и востоке округ соседствует с Кашкадарьинским округом предгорно-горной провинции.

Северный участок границы проходит по кромке руслообразного солончакового понижения Шорсай, ограничивающей подгорную равнину Карнабчульской степи. На северо-востоке Каршинский округ сопряжён с Кашкадарьинским по восточному рубежу новоорошаемых земель в правобережной части степи, очерчиваемому меридиональной линией «селение Майдаёп – селение Андабазар – устье долины Алачабобсая». Этот рубеж практически совпадает с уступом предгорных лёссовых равнин ташкентского цикла, отделяющим последние от плоских равнин голодностепского возраста. От устья долины Алачабобсая до возвышенности Кунгуртау к северо-востоку от Карши сопряжение округов проходит по каналу Эски-Анхор, к востоку от Карши - по каналу «Амударья», а далее к югу до границы с Туркменистаном - по изогипсе 400 м, ограничивающей зону орошения Каршинского канала у подножья подгорных равнин юго-западных отрогов Гиссара. Ниже даются сведения о географическом положении и границах округов предгорно-горной природно-хозяйственной провинции Узбекистана.

*Приташкентский* природно-хозяйственный округ расположен в правобережной части среднего течения р.Сырдарья, включая бассейны Чирчика и Ахангарана, а также Дальверзинскую степь. Административно эта территория приходится на Ташкентскую область и включает крайнюю северо-западную часть Наманганской области (верховья р.Ахангаран). Западной и юго-западной границей является р.Сырдарья, отделяющая его от равнины Мирзачуля, северо-восточные, восточные и юго-восточные границы округа проводятся по водоразделам хребтов Западного Тянь-Шаня, оконтуривающим водосборы Чирчика и Ахангарана. Водораздел Кураминских гор на востоке отделяет Приташкентский регион от Ферганской долины. Округ соседствует с территориями Казахстана на севере и северо-западе, Киргизстана на северо-востоке и Таджикистана на юго-востоке.




Рис. Карта природно-хозяйственных округов Узбекистана

Карта составлена автором

*Ферганский* природно-хозяйственный округ расположен в крайней восточной части предгорно-горной провинции республики, занимая одноимённую межгорную котловину (долину). Административно соответствует территории Андижанской, Ферганской (включая эксклавы) и Наманганской областей (кроме северо-западной части Папского района). Граница округа совпадает с бассейновыми и ландшафтными рубежами Ферганской долины только на северо-западе, в области водораздела Кураминского хребта, отделяющего Фергану от Чирчик-Ахангаранского бассейна. На основном же протяжении окружные границы проводятся по государственной границе Узбекистана с Киргизстаном и Таджикистаном.

*Мирзачульский* природно-хозяйственный округ охватывает Голодную, Джизакскую и Фаришскую степи с обращёнными к ним склонами Туркестанского, Мальгузарского и Нуратинского хребтов. В административно-территориальном разрезе включает Сырдарьинскую и большую часть Джизакской области (кроме Бахмальского, Галляаральского, Янгибадского и части Зааминского и Фаришского районов). На востоке рубеж округа проводится по р.Сырдарье, отделяющей его от Приташкентского округа, на юго-востоке и юге - по государственной границе с Таджикистаном, на крайнем южном участке совпадающей с водоразделом Туркестанского хребта. На юго-западе и западе Мирзачуль по водораздельной линии Мальгузарских и Нуратинских гор граничит со Среднезарафшанским природно-хозяйственным округом. Граница с Кызылкумским округом проходит по периферии эоловых песчаных равнин к югу и юго-востоку от Айдар-Арнасайских озёр, а на крайнем северо-западе - по нижней кромке светлых серозёмов подножья северо-западного склона Нуратау. На севере, к востоку от озера Арнасай территория округа ограничена государственной границей с Казахстаном.

Территория *Среднезарафшанского* природно-хозяйственного округа включает

Самаркандскую и Санзаро-Нуратинскую межгорные впадины с обращёнными к ним склонами горных хребтов. Административно включает Самаркандскую область, кроме большей части Нурабадского и южной (Карнабчульской) части Пахтачийского районов, Бахмальский, Галляаральский и небольшой участок Фаришского района Джизакской области, основную часть Нуратинского и Хатырчинского, горные местности Навбахорского и Карманинского районов Навоийской области. Северо-восточная и северная граница округа с Мирзачулем, северо-западная с Кызылкумом и западная с Нижнезарафшанским округом описаны по характеристике соответствующих округов. На юге округ соседствует с Кашкадарьинским природно-хозяйственным округом по водораздельному гребню Чакылкалян-Каратепинских гор, Улусскому водоразделу в Джамской степи, Зирабулакским горам, Карнабской седловине и Зиадинским горам. На востоке сравнительно короткий участок границы округа совпадает с государственной границей нашей страны с Республикой Таджикистан.

*Кашкадарьинский* природно-хозяйственный округ охватывает южные склоны отрогов Зарафшанского хребта (включая низкогорья Зирабулак и Зиявуддин), западные склоны отрогов Гиссара, подгорные равнины этих горных систем и долину р.Кашкадарьи до вершины Каршинского оазиса. В административном отношении соответствует Кашкадарьинской области (не считая шести западных, или «степных», районов, относящихся к Каршинскому округу), а также значительной части территории Нурабадского и Пахтачийского районов Самаркандской области. На крайнем северо-востоке, в верховьях Кашкадарьи округ граничит с Республикой Таджикистан, на юге - с Республикой Туркменистан. На западе округ примыкает к Каршинскому, на северо-западе - к Нижнезарафшанскому, на севере - к Среднезарафшанскому природно-хозяйственным округам по рассмотренным ранее при описании этих округов

географическим рубежам. На востоке округ соседствует с Сурхандарьинским округом по водоразделу Кашкадарьинского и Сурхан-Шерабадского бассейнов, проходящему по гребню юго-западных отрогов Гиссарского хребта, которые одновременно маркируют административную границу Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей.

Территория *Сурхандарьинского* природно-хозяйственного округа соответствует Сурхан-Шерабадской межгорной впадине на крайнем юге Узбекистана, в административном отношении целиком

совпадая с Сурхандарьинской областью. На значительном протяжении своего периметра округ ограничен линией государственной границы с Таджикистаном (на севере и востоке), Туркменистаном (на юго-западе) и Афганистаном (на юге, по р.Амударье). Лишь на северо-западе округ имеет внутреннее соседство с Кашкадарьинским природно-хозяйственным округом по орогидрографической границе двух крупных межгорных впадин Южного Узбекистана, являющейся также административным рубежом Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областей.

**Ҳакимов Қ.М., Шогдорев Т.А., Зайнутдинова Д.Қ.**  
**“ЖИЗЗАХ” МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ**  
**ЗАРУРИЯТИ ВА ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ**

**Аннотация:** мақолада “Жиззах” махсус индустриал зонасини ташкил этишнинг зарурияти ва баъзи масалалари кўриб чиқилган. Янги корхоналар ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** махсус индустриал зона, саноат парки, иқтисодий ва ижтимоий омиллар, инфратузилма, ишлаб чиқариш, ресурс салоҳияти.

**Ҳакимов Қ.М., Шогдорев Т.А., Зайнутдинова Д.Қ.**  
**ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И НЕОБХОДИМОСТИ СОЗДАНИЯ СПЕЦИАЛЬНОЙ**  
**ИНДУСТРИАЛЬНОЙ ЗОНЫ “ДЖИЗАК”**

**Аннотация:** в данной статье рассматриваются некоторые вопросы и необходимости создания специальной индустриальной зоны “Джизак”. Приводятся сведения о новых предприятиях.

**Ключевые слова:** специальная индустриальная зона, промышленный парк, социальные и экономические факторы, инфраструктура, производство, ресурсный потенциал.

**Xakimov K.M., Shogdorov T.A., Zaynutdinova D.K.**  
**“JIZZAKH” SPECIAL INDUSTRIAL ZONE, ORGANIZING IN NEED AND GEOGRAPHIC BASICS**

**Abstract:** this article describes some of the issues and the need for special industrial zone "Jizzakh". Provides information about new enterprises.

**Key words:** Special Industrial Zone, Industrial Park, social and economic factors, infrastructure, manufacturing, resource potential.

**Тадқиқотнинг мақсади:** “Жиззах” махсус индустриал зонани ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармони (18.03.2013 й.)ни моҳияти ва зарурияти ҳамда ўзбек-хитой саноат паркни барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган минтақадаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий географик омиллар, ишлаб чиқариш ва минерал-хом ашё ресурслари каби масалалар ҳақида илмий тушунчалар ҳосил қилишдан иборат.

**Асосий қисм:** Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон хўжалик ва молиявий-иқтисодий тизимига интеграцияси тобора чуқурлашиб бораёпти ва бу жараён тўхтамайди. Шу сабабдан, бугунги кунда янги турдаги корхоналарни барпо этиш, мавжудларини модернизациялаш, ишлаб

чиқарилаётган маҳсулотларни диверсификация қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини экспорт салоҳиятини ошириш долзарб масала ҳисобланади. Бунинг учун фанталаб ва юқори технологик тармоқларни алоҳида устувор ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий кудрати йил сайин юксалиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми юқори суръатларда барқарор ўсиши кузатилмоқда. Натижада, йиллик иқтисодий ўсиш суръати саккиз фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Бунга республикадаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, кенг кўламли иқтисодий ислохотлар асосий омил бўлиб хизмат қилаёпти. Айниқса, республика иқтисодиётига хорижий сармояларни изчил жалб

қилиш, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарни барпо этиш борасида катта қулайликлар ва имтиёзлар яратилган. Хусусан, белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни кўроқ жалб қилишда экин иқтисодий ҳудуд ёки махсус индустриал зоналар алоҳида аҳамиятга эга, улар минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун янги имкониятлар эшигини очиб беради.

Махсус индустриал зонани ташкил этиш орқали хорижий капитални фаол жалб қилиш, миллий ва хорижий фан-техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, валюта тушумларини кўпайтириш, ички бозорни юқори сифатли рақобатбардош, айниқса импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш ва энг муҳими минтақани мамлакат ҳамда халқаро меҳнат тақсимотида салмоқли ўринни эгаллаши, ишлаб чиқариш самарадорлигини муттасил ошириб бориши каби имкониятлар пайдо бўлади. Қолаверса, махсус индустриал зонани ташкил этиш йўли билан қулай минтақавий сиёсатни амалга ошириш мумкин.

Маълумки, мамлакат миллий иқтисодиётининг барқарор ривожланишида, барча минтақалар каби, Жиззах вилоятининг ҳам ўз улуши бор. Вилоят ҳиссасига республика ялпи ички маҳсулоти қийматининг 2,7 фоизи, саноат ишлаб чиқаришнинг 1,2 фоизи, халқ истеъмол молларининг 1,5 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 5,6 фоизи, инвестиция ҳажмининг 2,1 фоизи, қурилиш ишларининг 2,6 фоизи, савдо айланмаси ва пуллик хизматларнинг 2,7 фоизи, экспортнинг салкам 1,0 фоизи, импортнинг 0,5 фоизи тўғри келади.

Айтиш жоизки, минтақанинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида унинг географик ўрни муҳим рол ўйнайди. Жиззах вилояти республиканинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан яхши ривожланган Тошкент ва Самарқанд иқтисодий районларининг оралиғида жойлашганлиги унинг иқтисодий географик ўрнини муҳим омили саналади. Бу ҳолат нафақат минтақа иқтисодиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, балки унинг

геоиктисодий ва геосиёсий мавқеини ҳам белгилайди. Шу билан бирга, вилоят ҳудудининг яхлитлиги ҳам, ундан иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланиш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, вилоятнинг транспорт географик ўрни ҳам қулай мавқега эга. Унинг қулайлиги шундаки, республиканинг асосий коммуникация тармоқлари бўлган темир ва автомобил йўллари бевосита шу ҳудуд орқали ўтади. Минтақада барча транспорт тури мавжуд бўлиб, йилдан-йилга уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб ҳамда такомиллашиб бормоқда.

Вилоят мамлакатнинг ҳудудий меҳнат тақсимотида ўзининг кўп тармоқли саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариши ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларда фаол иштирок этиши билан ажралиб туради. Шунинг учун минтақадаги мавжуд бой хом ашё ва малакали меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, вилоятдаги инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш, юксак технологияли ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий юксалишини таъминлайди. Натижада, мавжуд инфратузилмалар тубдан яхшиланиб, аҳолининг иш билан бандлиги ва моддий манфаатдорлиги сезиларли даражада ортади.

Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 январдаги қарори билан Жиззах вилояти ва унга чегарадош ҳудудларнинг ресурс базасидан самарали фойдаланиш, саноат ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун инвестицияларни ҳамда илғор инновация технологияларини жалб этиш мақсадида вилоятда махсус индустриал зона ташкил этилди. Кўп ўтмасдан, 2013 йил 18 мартада “Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Президентининг махсус фармони қабул қилинди. Фармонда кўрсатилишича, Ўзбекистонда ўзбек-хитой саноат паркани барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумга мувофиқ, қуйидагилар “Жиззах” махсус индустриал зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланди:

- ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори кўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ва инновацион ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш;

- маҳсус индустриал зонага кирувчи минтақаларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

- маҳсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустақкам алоқаларни ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

- “Жиззах” маҳсус индустриал зонаси худудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилманинг жадал ривожлантиришни ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш.

Маҳсус индустриал худудни ташкил этишдан асосий мақсад, саноат кооперациясини мустақкамлаш, худудий корхоналарни маҳаллалаштириш дастурини амалга оширишга жалб этиш, бўш ётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш кўзда тутилган. “Жиззах” маҳсус индустриал зонасининг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин.

Ҳозиргача, маҳсус индустриал зона худудида куёш энергиясидан фойдаланган ҳолда сув иситадиган иссиқлик батареялари ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилди. Жорий йилда халқ истеъмол моллари, автотранспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар, полипропилен труба ва монтаж жиҳозлари, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи жами 14 та йирик саноат корхоналари ташкил этилиши мўлжалланган. Жумладан, 2015 йили қиймати 27 млн доллар бўлган, йилига жами 650 минг дона 10 турдан зиёд маиший рўзғор

буюмлари, яъни телевизор, музлатгич, чангютгич, кир ювиш машинаси, кондиционер, электр ва газли печлар ишлаб чиқарувчи “Roisen Electronics” МЧЖ, ҳамда қиймати 19 млн доллар бўлган сирланган ва керамик плиткалар ишлаб чиқарувчи “Италкерамика” корхоналари маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлайди.

Бугунги кунда “Жиззах” МИЗ худудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш ва уларни зарур инфратузилма хизматлари билан барқарор таъминлаш борасида асосий ишлар ниҳоясига етмоқда. Ушбу мақсадларга барча манбалар ҳисобидан 53 млрд сўмлик капитал маблағлар йўналтириб, “Жиззах” МИЗ худудида келувчи асосий йўллар, ичимлик суви ва электр энергияси таъминоти тубдан яхшиланди.

Вилоят худудида саноат аҳамиятига эга бўлган кўпгина фойдали қазилмаларнинг конлари аниқланган. Улар маҳсус индустриал зонада барпо этиладиган замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини минерал хом ашё ресурслари билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Қўйтошдаги молибден, вольфрам, Учкулочдаги полиметаллар рудалари, Маржонбулокдаги олтин, Фориш туманидаги базальт конлари шулар жумласидандир. Аниқланган фойдали қазилмалар негизида келажакда вилоят худудида тоғ-кон саноатини барпо этиш имконияти мавжуд.

Мутахассисларнинг аниқлашича, минтақада республика рангли металлар захирасининг 7,9 фоизи, мрамор, цемент хом ашёси, гипс, оҳақтош каби қурилиш материалларининг тахминан 10,0 фоизи жойлашган. Хусусан, қурилиш саноати учун зарур бўлган цемент ва оҳақ хом ашёсининг захиралари анча катта, улар орасида энг йириги Писталитоғдаги Чимкўрғон конидир. Унинг аниқланган захираси республикамизнинг бу қурилиш хом ашёларига бўлган эҳтиёжини кўп йиллар давомида тўла қондириш имкониятини беради.

Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилги «Жиззах вилоятида портланд ва оқ цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш



инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Зафаробод туманида Туркия ва Ўзбекистон ҳамкорлигида йилига 1,1 млн тоннадан кўпроқ цемент ишлаб чиқарадиган кўшма корхона фаолияти йўлга қўйилди. 116 млн АҚШ доллари сарфланиб, замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозланган мазкур заводда 430 нафар ишчи-ходим ва мутахассислар доимий иш билан таъминланди. Корхона бир йилда 350 минг тонна оқ, 760 минг тонна портланд цемент ишлаб чиқариш қувватига эга. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 30 фоизи хорижий мамлакатларга экспорт қилинади. Корхона яқин беш йил ичида сарфланган барча харажатларни тўлиқ қоплайди. Энг муҳими – цемент тайёрлашда ишлатиладиган асосий хом ашё - оҳақтошнинг захираси корхона учун 150 йилга етади.

Минтақа саноат тармоқлари орасида энгил ва озик-овқат саноати етакчилик қилади. Мазкур икки тармоқ вилоят ялпи саноат маҳсулотининг 71,0 фоизини беради. 2014 йилда 70,2 минг тонна пахта толаси, 115,0 минг тонна чигит, 12,7 минг тонна ўсимлик ёғи, 54,1 минг тонна ун ишлаб чиқарилган. Ўз вақтида энгил саноатнинг пешқадами ҳисобланган Жиззах пайпоқ тўкув ва ип-йигирув фабрикалари маълум сабабларга кўра ўз фаолиятларини тўхтатган эди, эндиликда улар “иккинчи умр”ни бошлади. Ушбу корхоналар негизида хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда икки мингга яқин иш ўринга эга кўшма корхоналар барпо этилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, бугунги кунда минтақада 50 дан ортиқ кўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улар замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида юздан ортиқ турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқараяпти. Масалан, “Жиззах” маҳсус индустриал зонаси таркибидаги Жиззах шаҳрининг “А” саноат худудида, 2014 йили лойиҳа қуввати йилига

1 миллион 200 минг дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Jizzax-Toshtepa tekstil” МЧЖ корхонаси ишга туширилди. Замонавий тўкув, бўяш ва тикув ускуналари ўрнатилган ушбу корхонада жами 200 та янги иш ўринлари яратилди.

Умуман олганда, вилоятда саноат тармоқлари ва унинг ҳудудий таркиби бошқа минтақалардан бирмунча фарқ қилади. Бинобарин, минтақадаги мавжуд хом ашё ва минерал ресурслардан, бой меҳнат захираларидан оқилона ва самарали фойдаланиш асосида саноат ишлаб чиқариш салоҳиятига катта эътибор қаратилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, вилоят саноатини ривожлантиришда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификациялаш ҳамда маҳаллийлаштириш муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, вилоят саноат салоҳиятини ошириш учун мўлжаллаб қабул қилинган манзилли дастурга асосан, 2016 йилга қадар умумий қиймати 1,4 триллион сўмлик 802 та, шу жумладан, энгил саноат соҳасида қиймати 503 млрд сўмлик 231 та лойиҳани амалга ошириш тадбирлари белгиланган. Кўзланган барча тадбирлар ўз вақтида амалга оширилса, вилоятда етиштирилаётган пахта толасининг 68 фоизи шу жойнинг ўзида қайта ишланади.

Вилоятдаги мавжуд имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланиш, ислохотларни чуқурлаштириш, мулкчиликнинг турли шакллари, жумладан нодавлат секторини мустаҳкамлаш, қишлоқ жойларда янги саноат корхоналарини барпо этиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифалари бўлиб қолмоқда. Хорижий сармоядорлар ёрдамида вилоят халқ хўжалиги тармоқларига илғор технологиялар, замонавий дастгоҳ ва асбоб-ускуналар келтирилиб, ўзаро манфаатли шартномалар асосида кўшма корхоналар барпо этилмоқда.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.03.2013 й. Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.01.2013 й. Қарори.
3. Солиев А.С. Ўзбекистон географияси. – Тошкент, 2014.



Умарова А.

## К ВОПРОСУ ОПТИМИЗАЦИИ СТРУКТУРЫ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА СЕВЕРО-ЗАПАДНОГО УЗБЕКИСТАНА

**Аннотация:** в статье рассматриваются вопросы оптимизации структуры агропромышленного комплекса в контексте совершенствования территориальной организации хозяйств Северо-Западного Узбекистана.

**Ключевые слова:** отраслевая и территориальная структура производства, оптимизация, интенсификация, эффективность, ресурс, экономический район, регион, экология.

Умарова А.

## ШИМОЛИ-ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ТАРКИБИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ ҲАҚИДА

**Аннотация:** мақолада Шимоли-Ғарбий Ўзбекистон агросаноат мажмуасини минтақа хўжалигининг худудий ташкил этилишини такомиллаштириш нуктаи назаридан оптималлаштириш масалалари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ишлаб чиқаришнинг тармоқлар ва худудий таркиби, оптималлаштириш, интенсификация, самарадорлик, ресурс, иқтисодий район, минтақа, экология.

Umarova A.

## THE ISSUE OF AGRICULTURE STRUCTURE OPTIMIZATION OF THE NORTHWEST OF UZBEKISTAN

**Abstract:** in the scientific article discusses how to optimize the structure of agriculture in the context of improving the territorial organization of farm economic regions Northwestern Uzbekistan.

**Key words:** sectoral and territorial structure of production, optimization, intensification, efficiency, resource, economic region, the region, and ecology.

Одним из важнейших условий повышения экономической эффективности производства является оптимизация его отраслевой структуры в контексте совершенствования территориальной организации агропромышленного комплекса регионов, путем повышения роли территории как пространственной формы разделения труда. Известно, что территориальное разделение труда носит динамичный характер. По мере повышения хозяйственной освоенности территорий, ускорения научно-технического прогресса и гармоничного развития производства, территориальное разделение труда усиливает процесс района образования. Так, с победой демократического строя и формирования национальной экономики Республики Узбекистан осуществлено коренное изменение территориальной организации производства и учета местных особенностей территории, а также его природно-ресурсного потенциала для проведения структурной перестройки экономики регионов. К таким районам относятся Северо-Западный Узбекистан (низовья р. Амударья) в составе Республики Каракалпакстан и Хорезмского вилоята.

Исходя из важности региональных проблем социально-экономических преоб-

отмечает, что ... “в осуществлении структурной политики важен и её территориальный аспект, ибо только путем развития в экономически слаборазвитых регионах производственной и социальной инфраструктуры, оптимального размещения производства можно привлечь в эти регионы дополнительные вложения, преодолеть сложившиеся диспропорции в уровне жизни людей, обеспечить комплексное и эффективное использование ресурсного и производственного потенциала”<sup>1</sup>. Это определяет теоретическую актуальность и практическое значение, изучения региональных проблем, оптимизации структуры производства аграрного сектора в контексте совершенствования территориальной организации хозяйственных систем Низовьев Амударьи, с учетом стратегических задач переходной экономики.

Как известно, административные районы Низовьев Амударьи, находящиеся в непосредственной близости к эпицентру Аральской экологической напряженности, относятся к одному из крупнейших перспективных регионов орошаемого земледелия. Здесь сосредоточено около 3 млн.га пригодных к орошению земель

<sup>1</sup>Каримов И.А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. - Т., 1995. - стр. 222-223.

Ўзбекистана. Из этих земель в настоящее время используется для орошаемого земледелия лишь – 490 тыс.га

Интенсивное освоение в Низовьях Амударьи началось лишь после ввода в эксплуатации Туямуюнского и Тахиаташского гидроузлов. Опираясь на помощь правительства Узбекистана, земледельцы административных районов Низовьев Амударьи за короткий срок добились значительных успехов в подъеме аграрного сектора. Все эти меры способствовали увеличить объем сельскохозяйственной продукции более 1 трлн. 758,2 млрд. сумов в год, что почти 120 раза больше, чем по сравнению 1995г. В натуральном выражении регион ежегодно производить 490 - 500 тыс. тонн зерна, 447-450 тыс. тонн хлопка-сырца, 438-440 тыс. тонн овощи, 109-110 тыс. тонн бахчевые продукции, 175-180 тыс.тонн мясо (живом весе), 986-990 тыс.тонн молоко, 2140-2145 тонн шерсти, 7890-7900 тонн шелковичных коконов, 375-380 млн. штук яйцо и др. сельскохозяйственной продукции.

Низовья Амударьи, т.е. Северо-Западный Узбекистан крупнейший район орошаемого земледелия. Здесь расположено более 38 % земфонда, 48,5 % пастбища, а также уникальные запасы природного газа, нефти, бурого угля, железной руды, поваренного соля, сульфата натрия и др. Производственное использование этих ресурсов дало-бы огромный импульс для обеспечения роста и повышения эффективности экономики региона и в целом республики. Но, несмотря на это, регион все еще отстает от средне республиканского уровня развития республики. Это обстоятельство усугубляется и в настоящее время, в связи со строительством крупных водохозяйственных объектов в верхнем и среднем течении р. Амударьи. В результате отвода воды из р. Амударьи для орошения площадей и водохозяйственные объекты, *пахотно-пригодная пашина* в отдельных районах превращается к засолению и заболачиванию в крупных масштабах. А в другом конце – Арал скудеет и высыхает. Сухое морское дно Арала несет пыл и соль зоны орошаемого земледелия. Сегодня экологический кризис

в зоне влияния Аральского моря не только разрушает природную среду, но и значительно воздействует на здоровье людей, на экономическую и социально-культурную сферу. Таким образом, здесь наблюдается сочетание влияния антропогенных и естественных факторов на мелиоративное состояние земель. Ущерб от этого влияния из года в год возрастает, поэтому необходимо применение соответствующих мер по оптимизации состояния орошаемых площадей с/х культур в зоне влияния крупных ирригационных систем, как база для дальнейшего наращивания темпы роста всех отраслей агропромышленного комплекса региона

В условиях современного научно-технического прогресса развитие агропромышленного комплекса выдвигает также проблему сочетания роста производства с гармоничным развитием природы и усложняет задачи оптимизации в экологических системах. Поэтому, концепция ограниченного развития производства является совершенно неприемлемой и противоречит прогрессу человеческого общества. В то же время, бесспорно, что при инерционном развитии экологических систем дальнейшее наращивание производства неминуемо приведет к невосполнимому дефициту основных видов природных ресурсов и, наряду с этим, к недопустимо высокому уровню загрязнения окружающей среды. Как отмечал академик С.С. Шварц, любые меры предосторожности и любой уровень совершенствования производства лишь ослабляют степень воздействия человека на природу, но не ликвидируют опасность ухудшения природной среды”.<sup>1</sup> Поэтому задачей общества является не «победить» природу, а добиваться оптимизации эколого-экономических систем путем организации эффективного научно изыскательских исследований.

Решение данной проблемы в зоне влияния Аральского кризиса, в частности в административных районах Низовьев

<sup>1</sup> Шварц С.С. Экология человека. Новое подходы к проблеме " человек и природа". - М., 1986.

Амударьи наряду с другими проблемами (рациональным использованием вод и охраны водных ресурсов путем применения более рентабельных методов водоснабжения и орошения) связано также совершенствование территориальной организации производства и разработка оптимальной структуры аграрного сектора экономических районов. Поэтому в пределах Южной зоны, где имеются благоприятные условия для интенсивного развития хлопководства необходимо перемещение значительной части (кроме семеноводческих хозяйств) посевных площадей хлопчатника с Севера на Юг, что было бы целесообразно и с точки зрения хозяйственных интересов региона. Известно, что в настоящее время структура аграрного сектора ориентировано на агропромышленной интеграции. Однако, несмотря на это, на территории республики четко вырисовываются отдельные районы производственной специализации: Северная, Центральная, Южная, Аральская и прилегающие пустыни (Кызылкум, Устюрт и Каратау), т.е. вновь формирующиеся районы производственного комплекса.

В рамках указанных районов, такие районы как Нукус, Тахиаташ, Ходжейли (Центральный район) могут быть отнесены к типу индустриально-аграрных, в общей структуре валовой продукции которых

удельный вес промышленности составляет 41,3 %. В остальных районах этот показатель составляет 18,5-27,7 %, следовательно они относятся к сугубо сельскохозяйственным. Таким образом, одной из причин низкой эффективности производства, в частности промышленности в административных районах Низовьев Амударьи, является её структурная несбалансированность внутри отраслей: преобладание отраслей аграрного сектора и промышленности по переработке сельскохозяйственного сырья в условиях отсутствия её мощной сырьевой базы. Кроме того, все еще низок удельный вес тяжёлой индустрии, в результате чего технический прогресс слабо внедряется в промышленном производстве и снижается эффективность агропромышленного комплекса (табл.1).

Как видно из данных таблицы, в структуре производства экономических районов региона ведущее место принадлежат отраслям аграрного сектора. Промышленность развита очень слабо, действующие отрасли, которых, в основном относятся по переработке продукции земледельческой культуры и результатом их функционирования является создание предприятий, производящие товары и услуги, необходимые для воспроизводства населения в региональном аспекте.

Таблица 1

**Территориальная структура производственного комплекса Северо-Западного Узбекистана (в процентах к итогу)**

Основные показатели природно-экономических районов	Наименование экономических районов									
	2000					2010				
	Южный район	Централь. район	Северный район	Аральск. район	Всего	Южный район	Централь. район	Северный район	Аральск. район	Всего
Площадь, тыс.км <sup>2</sup>	22,9	6,4	100,9	37,2	172,7	22,9	6,4	100,9	37,2	172,7
Население	64,8	23,8	11,4	0,1	100,0	68,2	21,5	9,5	0,8	100,0
ВВП	36,3	41,4	22,1	0,2	100,0	63,1	27,3	9,40	0,2	100,0
в т.ч. промышленность	73,3	26,2	0,2	0,3	100,0	58,6	31,4	4,1	5,9	100,0
земельный фонд	26,0	17,2	54,1	2,7	100,0	26,0	17,2	54,1	2,7	100,0
в.т.ч. посевная площадь	28,2	16,6	32,6	2,6	100,0	38,6	35,6	24,6	1,2	100,0
Производства хлопка	54,4	30,1	15,5	...	100,0	67,3	19,3	13,4	...	100,0
Производства зерна	7,3	31,5	60,8	0,4	100,0	47,3	21,5	30,8	0,4	100,0
Поголовье КРС	45,1	22,7	20,3	2,9	100,0	57,3	21,2	19,4	2,1	100,0
Поголовья овец и коз	37,3	20,1	41,4	1,2	100,0	37,7	22,0	38,6	1,7	100,0

Таблица составлена по данным Госкомстата РУз.

Сложившаяся структура производства региона все ещё полностью не

соответствует требованиям технического прогресса. Исходя из этого, прогнозированы «узкие места», сдерживающие темпы роста производства и внесены корректировки современной структуры производственного комплекса региона, которые должны способствовать гармоническому развитию отраслей аграрного сектора, а также повышению его экономической эффективности. Из сказанного следует вывод, что в территориальной структуре сельского хозяйства административных районов Низовьев Амударьи ведущее место принадлежит земледелию, в частности, хлопководству. В связи с этим, пополнение регионального бюджета будет связано с этой отраслью, что позволит считать её «базовым ресурсом» сельскохозяйственного производства. Так как на территории Низовьев Амударьи, находящегося в аридной зоне, дальнейшее нормальное функционирование АПК немислимо без учета ресурсного потенциала аграрного сектора региона.

Как известно, в сельскохозяйственном производстве земельные ресурсы, согласно с методикой разработанной акад. Медетуллаевым Ж., сводятся к оценке земли, как материальная основа аграрного сектора. Это связано с тем, что в продуктивности земли синтезируется благоприятность климатических, почвенных, водных, гидрологических, мелиоративных и других условий, составляющих единую по своей структуре, сложную среду выращивания сельскохозяйственных культур. На практике оценка продуктивности земли стала объектом исследования множеств наук. Каждая из этих отраслевых наук исследует зависимость продуктивности земли по определенным, присущим им факторам. Так, например, одна из них в основу оценки земли ставит природные признаки, другая группа объем инвестиционной среды. В результате наблюдается тенденция постепенного приближения оценки к практическим запросам производства, использование её для целей размещения отраслей аграрного сектора. Это также указывает на целесообразность разработки методики приоритетного устойчивого развития

аграрного сектора с учетом проведения количественной и качественной оценки ресурсного потенциала земледелия региона. В этом смысле особо важное значение имеет интенсивное использование ресурсного потенциала Южных районов для возделывания теплолюбивых культур, которые располагают большой потенциальной возможностью увеличения сельскохозяйственной продукции на единицу земельной площади.

Для Низовьев Амударьи, в частности для его аграрного сектора, сдерживающим фактором развития производства, выступают ограниченная водообеспеченность, неравномерная обеспеченность топливом для хозяйственных нужд. В числе лимитирующих факторов находятся также неравномерная трудозанятность населения в пространственно-временном аспекте, а также различия в уровне подготовки кадров. Поэтому, углубленное экономическое и эколого-географическое изучение Северо-Западного региона стало крайне необходимым.

Одним из важнейших факторов, влияющих на развитие отраслей аграрного сектора, является производственная специфика региона, ориентированная, в основном, на сельскохозяйственную направленность. Исходя из этого, здесь на первый план выступает, прежде всего, потребность региона в минеральных удобрениях, а также в химических средствах защиты растений. В этом плане найденные месторождения мирабилита (сульфата-натрия) в Кусханатау, фосфорита в окрестностях Нукуса и Ходжакуля дают возможность развития химической промышленности по производству минеральных удобрений, которые будут удовлетворят как местные потребности, так и нужды всего Северо-западного Узбекистана в целом.

Таким образом, с учетом оптимизации структуры в контексте совершенствования территориальной организации производства, а также стимулирования приемов применения агротехники возделывания сельскохозяйственных культур, будет достигнуто развитие отраслей аграрного сектора по

зонам и районам региона. В предстоящие годы в южных районах за счёт расширения орошаемой площади и повышения урожайности сельскохозяйственных культур будет произведено столько хлопка, сколько сейчас заготовили все административные районы Низовьев Амударьи. Быстро будет возрасти производство коконов, овощей и фруктов и др.

Хозяйство центральных районов региона отличается многоотраслевым характером и имеет хлопководческую, зерноводческую, овощеводческую, садоводческую, пригородную скотоводческую специализацию. С учетом этого орошаемая площадь рассматриваемых районов будет распределена по следующим перспективным комплексам: хлопководческому, плодово-овощному, кормовому. В перспективе посевная площадь хлопчатника не будет расширяться, и весь прирост орошаемых земель будет использован под зерноводческие, плодово-овощные и кормовые культуры. В северных районах структура орошаемых земель будет претерпевать существенные

изменения. Здесь из-за недостаточности термических и водных ресурсов следует заменить хлопководство зерноводством. Посевы хлопчатника могут быть оставлены только в сортоиспытательных хозяйствах.

Аральский район охватывает нижнюю часть дельты Амударьи, где общая площадь района, без учета Аральского моря, составляет около 1 млн. га. Это площадь недавно была занята под озерами и притоками Амударьи. Сейчас она полностью высохла и образовался крупный массив пахотно-пригодных земель. Аральский район, в отличие от других регионов республики, менее обжит. Более того, из-за экологического бедствия наблюдается тенденция ухода из района коренного населения. В связи с этим возникает острая проблема закрепления населения путем организации инфраструктурных отраслей и создания хозяйств, занимающихся посевами семенной люцерны в сочетании с посевами площадей овощебахчевых культур, картофеля, винограда и кормопроизводства.

#### Список литературы:

1. Беркинов Б. Макроиктисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш омиллари // Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истикболлари. – Тошкент, 2008. – стр. 8-12.
2. Салиев А., Махамдалиев Р. Иқтисодий ва сиёсий география асослари. – Тошкент: Университет, 2003.
3. Эгамбердиев Ф.Т. Региональные особенности развития агропромышленного комплекса в условиях либерализации экономики. Автореф. Дисс. на соискание степени доктора экономических наук. - Ташкент, 2003.
4. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. - Ташкент – 2011, 2014.

#### Файзуллаев М.А.

### ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИКДА АҲАМИЯТИ

**Аннотация:** мақолада Жанубий Ўзбекистон сув ресурслари шаклланишининг асосий манбалари ҳамда ирригация инфратузилмасининг объектлари тўғрисида сўз юритилади. Ушбу масалалар Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари кесимида кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** дарё, канал, сув омборлари, ирригация инфратузилмаси, суғориладиган ерлар, вилоят, гидрография.

#### Файзуллаев М.А.

### ИСТОЧНИКИ ФОРМИРОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА И ИХ ЗНАЧЕНИЕ В ОРОШАЕМОМ ЗЕМЛЕДЕЛИИ

**Аннотация:** в статье речь идет об основных гидрологических источниках Южного Узбекистана и о создании объектов ирригационной инфраструктуры. Это вопросы рассмотрены отдельно в разрезе Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областей.

**Ключевые слова:** реки, канал, водохранилища, ирригационная инфраструктура, орошаемые земли, область, гидрография.

#### Fayzullayev M.A.

### SOURCES OF WATER RESOURCES SOUTHERN UZBEKISTAN AND THEIR IMPORTANCE IN IRRIGATED AGRICULTURE

**Abstract:** the article focuses on the basic hydrological sources southern Uzbekistan and the creation of

facilities of irrigation infrastructure. These are the questions addressed separately in the context of Surkhondarya and Kashkadarya regions.

**Key words:** river, canal, reservoir, irrigation infrastructure, irrigated land area, hydrography.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мамлакат иқтисодий тараққиётини барқарорлаштириш юқори даражада шаклланган суғорма деҳқончилик ва сув ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Республикамиз кишлоқ хўжалигини тараққий эттириш ҳамда сувдан фойдаланиш масалаларида бой тажрибага, катта имкониятларга эга эканини ким инкор эта олади?”<sup>1</sup>.

Республикада XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб ирригация ва мелиорация тадбирлари кенг миқёсда амалга оширила бошланди ва эски суғориш тармоқларини тиклаш, янгиларини қуришга алоҳида эътибор берилди. Айниқса, Ўзбекистонда Мирзачўл, Сурхон-Шеробод ва Қарши чўлини ўзлаштириш мисолида мелиоратив қурилишнинг янги технологияси барпо қилинди, сув ресурсларидан фойдаланишнинг машиналашган суғориш тизими (насослар ёрдамида) жуда тез ривожланди. Кейинги 70-80 йил мобайнида Ўзбекистонда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва сув иншоотлари барпо қилиш натижасида ўзига хос *ирригация-мелиорация* инфратузилмаси шаклланди.

Мамлакат минтақаларида шаклланган сув балансининг таҳлили шуни кўрсатадики, фойдаланиладиган дарё сувларининг фақат 10 фоизи (10 км<sup>3</sup> атрофида) мамлакат ҳудудида вужудга келади, қолган 90 фоизи, яъни 89 км<sup>3</sup> сув манбаи республикадан ташқарида жойлашган. Бевосита Ўзбекистон ҳудудида вужудга келадиган дарё оқими Амударё ҳавзаси умумий оқимининг 6 фоизини, Сирдарё ҳавзаси оқимининг 15 фоизини ташкил қилади. Демак, мамлакат сув ресурслари эҳтиёжи учун асосий манба сифатида Сирдарё ва Амударё дарёлари хизмат қилади. Хусусан, Амударё дарёсининг умумий сув балансидаги ҳиссаси Қорақалпоғистон Республикасида

100 фоиз, Бухоро вилоятида 90,7, Қашқадарёда 75,0, Навоийда 59,1 фоизни, Сирдарёнинг улуши Сирдарё вилоятида 100 фоизни, Жиззахда эса 93,6 фоизни ташкил қилади.

Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги ривожланишида ўзига хос ўринга эга бўлган Жанубий Ўзбекистонда мураккаб ирригация инфратузилмаси мавжуд бўлиб, Сурхондарё вилояти мамлакатнинг Тошкент ва Самарқанд вилоятлари каби ички ер усти сув ресурслари билан етарлича таъминланган. Қашқадарё вилоятининг эса сув ресурсларига бўлган эҳтиёжи атиги 15-17 фоизигина ички сувлари ҳисобидан, 8-10 фоизи Зарафшон дарёси, 2/3 қисми трансчегаравий аҳамиятга молик бўлган Амударё сувлари орқали қондирилади. Вилоятнинг янги ўзлаштирилган чўл ҳудудлари деярли Амударё суви ёрдамида суғорилади.

Минтақада Сурхондарё вилояти сув ресурслари билан нисбатан яхши таъминланган бўлиб, энг йирик дарёлари Сурхондарё ва Шерободдарёдир. Бу икки дарё ҳавзасининг майдони 8406 км<sup>2</sup> бўлиб, умумий сув ресурслари 153 м<sup>3</sup>/сек, оқим модули бир квадрат километрда ўртача 18,2 л/сек ни ташкил этади. Вилоятнинг йирик дарёларидан яна бири Шерободдарёдир. У Амударёнинг сўнги йирик irmoғи бўлиб, узунлиги 186 км, сув йиғадиган майдони 2950 кв.км.

Минтақа дарёларининг баҳорги тошқин сувларини тўплаб қолиш учун Сурхондарёда Жанубий Сурхон (1965 йил, сув сифими 800 млн м<sup>3</sup>), Учқизил (1954 йил, сув сифими 165 млн м<sup>3</sup>) ва бошқа сув омборлари қурилган. Сув танқислигига барҳам бериш мақсадида Аму-Занг машина канали бунёд этилган бўлиб, у Учқизил сув омборига сув беради. Жанубий Сурхон сув омборидан Шерободдарёга 100 км ли Шеробод машина канали чиқарилган. Сув омборлари сувини вилоят туманларига тақсимлаб бериш учун бир қанча каналлар бунёд қилинди.

Сурхондарё вилояти кишлоқ хўжалиги

<sup>1</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – б. 308.

ерларини кенгайтириш мақсадида янги ерларни ўзлаштириш асосан ички сув ресурслари ҳисобига олиб борилди. Собиқ Совет ҳукумати Сурхон-Шеробод воҳасини ўзлаштиришга, ирригация ва мелиорация тизимларини янада ривожлантиришга, шунингдек, сув омборлари қурилишига алоҳида эътибор берди. Бунинг учун янги лойиҳа ва режалар асосида Сурхон-Шеробод воҳасининг табиий шароитини ўрганишга жиддий киришилди.

1950 йилга келганда Сурхон-Шеробод воҳасида пахта экиш учун қулай бўлган даштларни ўзлаштиришга эътибор қаратилди ва шу мақсадда дастлаб Учқизил сув омборини қуришга киришилди. Сув омбори қурилиши 1953-1954 йилда бошланиб, 1960 йилда ишга туширилди. Сурхондарёдан сув оладиган Занг канали Учқизил сув омборини сув билан таъминлаб, сув омбор Термиз тумани ҳудуди ва Амударё бўйидаги ўзлаштирилмаган ерларни (13 минг гектар) сув билан таъминлайди ҳамда сув таъминотини яхшилаш имкониятини беради.

Жанубий Сурхон сув омбори ҳам Сурхон-Шеробод воҳасини ўзлаштиришга ўзининг катта таъсирини кўрсатди ва минтақада суғориладиган ерларнинг майдонини оширишга кенг имкониятлар очди. Шунинг учун вилоятда суғориладиган ерларни сув билан таъминлашни тубдан яхшилаш ва янги ер массивларини ўзлаштириш масалалари Жанубий Сурхон сув омборининг қурилиши билан бевосита боғлиқдир.

Сурхондарёнинг тўсилишиданок, нафақат воҳада суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланиши яхшиланди, балки уларнинг майдони аста-секин кенгая бошлади. Масалан, 1958 йилда воҳада экин майдонлари 166,7 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 1965 йилда Жанубий Сурхон сув омбори биринчи навбатининг қурилиши тугаган йилда бу кўрсаткич 185 минг гектарни ташкил этди. 1966 йилда Жанубий Сурхон сув омбори қурилишини тугатиш учун ва лойиҳадаги қувватга (ҳажмини 800 млн. м<sup>3</sup>) етказиш учун иккинчи навбат қурилиш ишлари бошланди. 1967 йилда Жанубий Сурхон сув омборидан олинган сув туфайли 24 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилиб, 13 минг гектар ернинг

мелиоратив ҳолати яхшиланди.

1967 йилда Жанубий Сурхон сув омбори қурилишининг иккинчи навбати тугатилди ва сув омборида 500 млн. м<sup>3</sup> сув тўпланди. 1968 йил 16 июнда “Южсурханводстрой” шаҳарчасида сув омбори қурилиши тугалланиб, ишга туширилди. Сув омбори 85,4 минг гектар ерни суғориш ва 126 минг гектар ерга сув чиқариш имкониятини берди. Сув омборининг суви орқали Сурхондарёнинг ўнг қирғоғидаги ерларни суғориш учун 2 та магистрал канал – Шеробод ва Занг хизмат қилади. Дарёнинг чап қирғоғидаги ерларнинг асосий қисми қадимдан деҳқончилик қилинадиган ҳудудга киради ва Кокайди ва Янги каналлар орқали суғорилади. Сув омборнинг ишга тушиши билан вилоят хўжаликлари доимий сув билан таъминланиб, кенг миқёсда Сурхон-Шеробод воҳасининг янги ерларини ўзлаштиришга имконият яратилди. Шундай қилиб, Жанубий Сурхон сув омборининг қурилиши ва қадимий Занг магистрал каналининг қайта таъмирланиши, янги Шеробод машина магистрал каналининг қурилишига имконият яратиб берди ва Шеробод даштининг минглаб гектар қўриқ ерлари ўзлаштирилишига шароит яратилди.

Шеробод машина магистрал канали (ШММК) қурилиш ишлари Ўзбекистон ҳукуматининг “Жанубий Сурхон сув омбори қармоғидаги Сурхондарё хавзасида янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 1962 йилнинг апрелида бошланган эди. ШММК уч қисмдан иборат бўлиб, *бош қисми* узунлиги 27 кмни ташкил этган ҳолда, у сув омбори тўғонидан бошланади. Шеробод магистрал каналдан 30 км лик масофада насос станцияси ўрнатилган бўлиб, унинг 6 та агрегати сувни 28,5 метр баландликка – Хаудаг тепалигига чиқариб беради. Ушбу тепаликдан сув кўп тармоқли ирригация иншоотлари орқали Шеробод чўлига оқизилади. Шеробод канали ўз оқим билан Сурхон канали орқали 7,5 гектар ва ШММК орқали Шеробод чўлидаги 82 минг гектар ерни суғоради.

Жанубий Сурхон сув омбори ва у билан боғлиқ каналларнинг ишга туширилиши Сурхондарё вилояти

марказий, жанубий, жануби-ғарбий қисмидаги қишлоқ хўжалик ерларининг сувга бўлган эҳтиёжи қондирилган бўлсада, вилоят шимолий туманларида тоғ ёнбағирларининг ўзлаштирилиши, суғориладиган ерларнинг кенгайтирилиши табиий равишда мавжуд бўлган сув ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этди ва натижада, вилоятда катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда бўлган Тўполанг сув омборини қурилишига сабаб бўлди.

Мазкур ирригация инфратузилма Ўзбекистоннинг тоғ зонасида қад кўтарган йирик сув омборларидан бири, у Сурхондарё вилоятини шимол ва шимоли-ғарб томондан кесиб ўтган Ҳисор тоғларининг шарқий ёнбағрида Тўполангдарё ўзанида бунёд қилинди. Унинг денгиз сатҳидан баландлиги 880 метр бўлиб, 1982 йилдан қурилиши бошланди. Сув омборнинг ишга тушиши билан Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманлари қишлоқ хўжалиги ерларининг сув таъминоти яхшиланди.

Жанубий Ўзбекистонда Қашқадарё вилояти сув билан таъминланиши жиҳатидан кўшни Сурхондарё вилоятдан кескин фарқ қилади, жумладан, Қашқадарё ҳавзасининг умумий сув ресурслари 51,5 м<sup>3</sup>/сек бўлиб, тоғли қисмида оқим модули ўрта ҳисобда 1 км<sup>2</sup> да 6,2 л/сек. га тенг. Бу кўрсаткич Зарафшон ҳавзасида 10,7 л/сек., Сурхондарёнинг тоғли қисмида 18,2 л/сек. ни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, вилоят кўшни Сурхондарё, Зарафшон ҳудудларидан қурғоқчилроқлиги билан фарқ қилади.

Вилоятнинг асосий дарёси – Қашқадарёузунлиги 373 км. У Ҳисор тоғларининг ғарбида 3200 м баландликдаги Мухбел довони яқинидан бошланади ва Қарши чўлида қуруқ дельта ҳосил қилиб тугайди. Қашқадарё ва унинг ирмоқлари Оксув, Яккабоғ ва Танхоздарё қор, муз ва ёмғир сувларидан, булоқлардан тўйинади. Дарёлар сув режимининг деҳқончилик эҳтиёжига мос тушмаслиги уларнинг сувини тартибга солиш ва тежаб сарф қилиш мақсадида Қашқадарёда Чимқўрғон (сув сиғими 449 млн м<sup>3</sup>), Қамаши (18 млн м<sup>3</sup>), Ғуздордарёда Пачкамар (283 млн м<sup>3</sup>) ҳамда Қарши магистрал канали орқали

келтирилган Амударё суви ҳисобидан Таллимаржон (2530 млн м<sup>3</sup>) ва бошқа сув омборлари қурилган.

Қашқадарё вилояти суғориладиган ерларининг 2/3 қисмига яқини Қуйи Қашқадарё минтақасига тааллуқли бўлиб, бу ерда ўзига хос суғорма деҳқончилик мактаби яратилган. Янги ўзлаштирилган ҳудудларда маҳаллий аҳоли азалдан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб келишган. Амударёдан сунъий йўл билан (насослар ёрдамида) сув чиқарилиши натижасида Қарши чўлида кенг кўламли ўзлаштирилиш ишлари олиб борилди. Ҳудудда ўзига хос бўлган сунъий ирригация инфратузилмаси шаклланди ва сув билан таъминланишнинг деярли 100 фоизи ушбу манбалар орқали амалга оширилади. Минтақанинг асосий сув манбаи Қарши магистрал канали ҳисобланади. У асосан Амударёдан олинаётган сувни дастлаб Таллимаржон сув омборига ва сўнгра истеъмолчиларга етказиш учун хизмат қилади. Канал насос станциялар каскади 7 кўтармали бўлиб, 6 таси Туркменистон давлати ҳудудида жойлашган. Ушбу 6 та насос станциянинг ҳар бирида 35,0 м<sup>3</sup>/сек сув чиқарувчи 6 тадан насос агрегатлар мавжуд. Насос станцияларда жами 36 дона насос агрегатлар ўрнатилган. Амударёдан Таллимаржон сув омборигача бўлган масофа 78,4 км ни ташкил қилади. Насос агрегатлар орқали олинаётган сув 132 метр баландликка кўтариб берилади.

Таллимаржон сув омбори нафақат Қашқадарёда, балки республикадаги энг йирик сув омборлардан саналади. Вилоят сув омборларида йиғиладиган ўртача йиллик сув ҳажмининг 65-70 фоизи ушбу сув омборига тўғри келади. Сўнги йилларда иқлимнинг кескин ўзгариши, сув омборини сув билан таъминлаб турадиган насос станцияларининг фойдали иш коэффициентини пасайиб кетиши, сув омборда лойқа миқдорининг нормадан юқори бўлиши каби омиллар натижасида етарли даражада сув йиғилмаяпти. Оқибатда, қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлашда узилишлар рўй бериб, қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳосил миқдори камаймоқда. Агар 1990 йил сув



омборда 1525,0 млн м<sup>3</sup> сув йиғилган бўлса, 1995 йилда 1471,2, 2000 йилда 1091,3, 2005 йилда 1057,6, 2010 йилда 616,48, 2014 йилда 594,83 млн м<sup>3</sup> сув йиғилди. Охирги йилларда сув омборни сув йиғиш қобилиятининг 50-55 фоиздан фойдаланилмоқда.

Қуйи Қашқадарё минтақасини сув билан таъминловчи яна бир муҳим манба Миришкор (собик Ульянов) каналидир. Канал 1973 йилда қурилган бўлиб, узунлиги 118,9 км га тенг. У ҚМК нинг 4-5 насос станцияси оралиғидан сув олади ва Қарши магистрал канали билан тўйинтирувчи манба орқали боғланади. Канал Миришкор тумани ва қисман Нишон, Қарши, Касби, Муборак туманлари ерларини суғоришга хизмат қилади.

Қуйи Қашқадарё минтақа суғориладиган ерлари сув манбаларидан фойдаланиш ҳолати мазкур минтақанинг тўлиқ Амударёга боғлиқ эканлигини кўрсатади. Минтақа жами суғориладиган ерларини 2/3 қисмига яқини Қарши магистрал канали, 33,1 фоизи Миришкор канали, атиги 1,7 фоизи Қашқадарёда қурилган Чимкўрғон сув омбори сувлари билан суғорилади. Демак, минтақа қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларининг 98,3 фоизи сунъий суғориш тизими (насослар ёрдамида) орқали ҳосил қилинадиган сув

билан таъминланади.

Шундай қилиб, Жанубий Ўзбекистонда сув ресурсларининг шаклланиш манбалари ўзига хос бўлиб, Сурхондарё вилояти деярли ички сув оқимидан, Қашқадарё вилояти эса, аксинча трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган Амударё суви орқали таъминланиши билан тавсифланади. Сув ресурсларидан самарали фойдаланишда ирригация инфратузилмасининг фойдали иш коэффициенти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Туманлар чегарасида мавжуд сувнинг хўжаликларга етиб боргунча маълум миқдорда буғланиши, ерга сингиши каби ҳолатларнинг мавжудлиги истеъмолчига етиб борадиган сув миқдорининг камайишига сабаб бўлади. Бу жараён ирригация иншоотларининг эскирганлиги, таъмирталаб бўлиб қолганлиги натижасида кучайиб бормоқда. Минтақада фойдаланиладиган сув ресурсларининг трансчегаравий хусусиятга эга эканлиги сувдан самарали фойдаланишни долзарб қилиб қўяди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш шароитида ер-сув, меҳнат ресурслари ва электр энергиянинг негизида шаклланаётган аграр-индустриал циклининг ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш талаб этилади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Водохранилища, чрезвычайные ситуации и проблемы устойчивости. – Ташкент, 2004. – 228 с.
2. Джалалов С.Ч. Орошаемое земледелие в условиях дефицита водных ресурсов. – Ташкент, 2000. – 200 с.
3. Духовный В.А. Ирригационные комплексы на новых землях Средней Азии. – Ташкент, 1983.
4. Ирригация Узбекистана. Том III. – Ташкент: Фан, 1979. – 356 с.
5. Мамарасулов С. Ирригация Узбекистана. – Тошкент: Фан, 1975. – 215 с.
6. Маматкулов А.В. Ўзбекистон чўл зонаси табиий-иктисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари. Иқтис. фан. док. илмий даражасини олиш учун ёзилган афтореф. – Тошкент, 2012. - 39 б.
7. Рўзиев А., Мирзаев Ш., Бароталиев У. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари. – Тошкент: Жайхун, 1997. – 113 б.
8. Ҳасанов И.А., Ғуломов П.Н., Қаюмов А.А. Ўзбекистон табиий географияси. 2-қисм. – Тошкент: Университет, 2010. – 100 б.

#### Баратов А.С., Ахроров Э.Т.

### ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ДАРЁ СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА УЛАРДАН ҲАМКОРЛИҚДА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мақолада Марказий Осиёда сув тақчиллиги ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари тадқиқ этилган.

**Таянч сўзлар:** сув тақчиллиги, трансчегаравий дарёлар, конвенциялар, декларация, гидроэнергетика, ҳукуматлараро ҳужжатлар, минтақавий ташаббуслар, лимит, сув хўжалиги.

#### Баратов А.С., Ахроров Э.Т.

### УПРАВЛЕНИЕ И СОВМЕСТНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ ТРАНСГРАНИЧНЫХ РЕК

**Аннотация:** в статье исследуются вопросы дефицита оросительной воды и рационального

использования водных ресурсов Центральной Азии.

**Ключевые слова:** водный дефицит, трансграничные реки, конвенции, декларация, гидроэнергетика, межгосударственные соглашения, региональные инициативы, лимит, водное хозяйство.

**Baratov A.S., Axrorov E.T.**

### MANAGING AND SHARING TRANSBOUNDARY WATER RESOURCES

**Abstract:** in this article there outlined topic is about effectively using water resources and deficiency of water resources in the regions in Central Asia.

**Key words:** water scarcity, transboundary rivers, conventions, declarations, hydropower, intergovernmental agreements, regional initiatives, limit water management.

Маълумки, чегаралар билан туташиб кетадиган ва бир мамлакатдан иккинчисига ўтадиган трансчегаравий дарё сувларидан биргаликда фойдаланиш Марказий Осиё давлатларининг регионал (худудий) ҳамкорлигидаги ҳал қилувчи йўналишларидан бири ҳисобланади. Халқаро ва миллий миқёсда трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланиш тегишли меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланишни ҳуқуқий асослашда БМТ ва унинг Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) нинг «Трансчегаравий сув ҳавзалари ва халқаро кўллардан фойдаланиш тўғрисида» Конвенция (Хельсинки, 1992 йил), БМТнинг «Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция»си (1997 йил), «Сув манбалари бўйича» Берлин қоидалари (Берлин, 2004 йил), «Гидроэнергетика ва изчил тарақиёт бўйича» Пекин декларацияси (Пекин, 2004 йил), «Ер ости сувлари бўйича» ЕИК Декларацияси (2006 йил) да белгилаб берилган. Конвенция асосида иш юритиш трансчегаравий дарёлардан фойдаланишда барча давлатларнинг манфаатларини бирдек инобатга олиши ва сув ресурсларини адолатли бошқариш имкониятларини яратиш кераклиги дунё экспертлари томонидан эътироф этилган. Аммо, охириги 50 йил ичида сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича дунёда 37 марта кескин низолар юзага келган бўлса, 150 ҳолатда ҳамкорликда фойдаланиш бўйича битимлар имзоланган.

Амалда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, муайян давлат худудида шаклландуви дарё оқими шу давлат томонидан бошқарилиши тан олинган. Лекин бу давлат трансчегаравий саналган дарё сувлари

оқимини ростлашда дарё оқимининг қуйи қисмида жойлашган сув истеъмолчилари манфаатлари ва уларнинг хўжалик фаолиятига зарар етказмаган ҳолда қуйида жойлашган худудлар экологик шароитларига салбий таъсир қилмай иш юритиши лозим<sup>1</sup>, деб белгилаб қўйилган. Трансчегаравий дарё сувларни бошқариш борасида ҳуқуқий ҳужжатлар умумий тартибни белгиловчи конвенциялар, ҳавза тизимидаги шартномалар, сув манбаларидан оқилана фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича битимлар ва икки томонлама келишувлар кўринишида бўлади.

Трансчегаравий сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришда ҳавза худудига кирувчи ҳар бир манфаатдор давлатлар қуйидагиларни амалга оширишлари талаб қилинади.

- халқаро конвенциялар доирасида қабул қилинган мажбуриятларга қатъий риоя қилиш, давлатлараро сув оқимлари бўйича халқаро конвенциялар ва ҳужжатларига қўшилиш:

- ичимлик суви таъминотининг устувор вазифаларидан келиб чиқиб, экологик ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда давлатлараро сув оқимлар бўйича сувни тақсимлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш:

- сув сифати ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва йўриқномаларга мувофиқ бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш:

- амалга оширилаётган ислохотлар бўйича қонунчилик базасини таъминлаш, қонунга риоя қилмаган ҳолларда санкцияларга оид қоидаларни ишлаб чиқиш (уни бажариш) шунингдек, сув тақчиллиги, тошқинлар ва сувни ифлослантириш билан боғлиқ фавқулотда вазиятларни тартибга солишдан иборат.

<sup>1</sup> Международное право. - Т. 7. - М., 1992. - С. 81-83.

Маълумки, республикамизда 11,47 км<sup>3</sup> микдорда ички сув ресурслари ҳосил бўлади. Бундан Амударё хавзасига 4,82 км<sup>3</sup>, Сирдарё хавзасига 6,65 км<sup>3</sup> сув тўғри келади, холос. Айти пайтда сув 90 фоизни ташкил этган йилда кўшни мамлакатлар томонидан мамлакатимизга сувни бир йиллик ажратмаси 59,2 км<sup>3</sup> дан ошмайди. Ўзбекистон Республикаси фойдаланиш учун келишиб тасдиқланган сув ресурсларининг умумий микдори 63,02 км<sup>3</sup>ни ташкил қилсада, серсув йиллар 63 км<sup>3</sup> гача, жумладан суғориш учун 59 км<sup>3</sup> сув истеъмол қилади. Сув кам бўлган йиллари эса, бу кўрсаткич 54,2 км<sup>3</sup>, шундан суғориш учун 49,0 км<sup>3</sup>дан ҳам камайиб кетади. Бу белгиланган лимит ва юзага келадиган реал вазиятга қараб тузилган сувдан фойдаланиш даражасидан ҳам анча кам демакдир.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республикамиз сувдан фойдаланиш фаолияти кўшни давлатлар Қирғизистон ва Тожикистон сув сиёсати билан боғлиқ. Яқин ўтмишда биргаликда сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари марказлашган тартибда амалга оширилган. Собиқ Иттифоқ даврида ирригация-энергетика режимида ишлаш учун мўлжалланган сув омборларини кўшни давлатлар томонидан энергетика-ирригация режимида ишлатиши оқибатида Ўзбекистоннинг суғориладиган майдонларини сув билан таъминлаш муаммоси кескинлашиб бормоқда. Биргина Қирғизистоннинг Норин дарёсида ирригация-энергетика мақсадларида кўп йиллик сув тўплашга мўлжалланган Тўқтоғул сув омбори сув режимини бир томонлама энергетика-ирригация мақсадига ўзгартирилиши оқибатида Сирдарё дарёсининг йиллик табиий сув режими ўзгариб, қуйида жойлашган мамлакатлар Ўзбекистон ва Қозоғистон республикаларида бир қатор муаммоларни вужудга келтирди.

Сув ресурслари Ўзбекистонда, жумладан Марказий Осиёда жойлашган мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик вазиятини белгилаб берувчи асосий омиллардан биридир. Норин-Сирдарё сув омборлари каскади ишлаш тартибининг ўзгариши боис, Сирдарё хавзасида жиддий муаммолар юзага келди.

Бу эса унинг ягона сув режимини бир маромда ишлашини ҳамда дарёларнинг шаклланган сув хўжалиги мувозанатини издан чиқарди. Масалан, Норин дарёсидаги Тўқтоғул сув омборидан 1990 йилгача вегетация даврида 8,5 млрд. м<sup>3</sup>, сув берган бўлса, новегиетация даврида бу микдор 3,2 млрд. м<sup>3</sup> ни ташкил қилган, 2000 йилга келиб эса қишда сув режимини кескин ўзгариши ҳисобига новегиетация даврида 8,8 млрд. м<sup>3</sup> кўтарилди, вегетация даврида 5,2 млрд. м<sup>3</sup> га тушиб қолган. Тўқтоғул сув омборидан қишда сув ташланишини ортиши бир томондан сув ресурсларини вегетация давридаги етишмаслигини келтириб чиқарган бўлса, иккинчи томондан, қиш даврида Ўзбекистон Республикасининг Фарғона водийси, Арнасой пастқамлиги ва Қозоғистоннинг Қизилўрда вилояти ҳудудларида сув босиши ва ер ости сувларининг кўтарилиши кузатилмоқда.

Республикамизда кўшни мамлакатларнинг сув сиёсатига боғлиқликни камайтириш мақсадида Фарғона водийсида суғориладиган майдонларда сув таъминотини барқарорлигини таъминлаш ва тошқин сувларини олдини олиш мақсадида Резаксой қайта сув ростловчи сув омбори қурилди. Сув омборининг асосий вазифаларидан бири Норин дарёсида барпо этилган Тўқтоғул сув омборининг қишда сув ўтказиши билан боғлиқ муаммонинг қисман бўлсада олдини олишни таъминлайди.

Республикамизда бу муаммога доир бир қатор қарорлар, фармонлар ва фармойишлар ишлаб чиқилган. Шу боисдан ҳам трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишга оид халқаро аҳамиятга эга бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари асосида соҳада юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш йўлида амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бироқ, айрим кўшни давлатларнинг трансчегаравий сув ресурсларини мукамал бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишга оид халқаро аҳамиятга эга меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мутлақо зид бўлган ҳаракатлар туфайли муаммо ҳозиргача ўз долзарблигича қолмоқда.

Республикамизда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш ва

суғоришнинг сув тежовчи технологияларни жорий қилиш юзасидан охириги йилларда ҳукумат даражасида бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинган бўлиб, уларни амалга ошириш йўналишида олиб борилаётган ишлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил қилишда яхши самара бермоқда. Ҳозирда сувни тежаш ва суғориш тизимларини жорий қилиш бўйича давлат миқёсида 2013-2017 йилларга мўлжалланган дастур қабул қилинган. Бунга мувофиқ сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мамлакат миқёсида аниқ белгиланган дастурлар асосида олиб бориш вазифалари белгилаб берилган. Марказий Осиёнинг кўп

миллионли аҳолиси табиий офатлар, қургўқчиликлар, қум бўронлари, зилзилалар, сув тошқинлари каби ўта хавфли табиат ҳодисалари таъсир доирасида жойлашган. Шу нуқтаи назардан минтақадаги мамлакатлар бир-бирлари билан тақдирларининг тарихан умумийлиги, минтақада аҳолининг дини, миллий маданияти, тили, уруф-одатлари ва анъаналарининг умумийлиги билан бир-бирига боғланиб кетган. Мамлакатлар ўртасида интеграцион жараёнларни тараққий эттириш, минтақаларо иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга оид амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар шу макондаги мавжуд мамлакатлар истиқболини белгилаб беради.

**Халимова Г.С.**

### **ҚУЛЖУҚТОВ ТИЗМАСИ (ҚИЗИЛҚУМ) ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ МАҲАЛЛИЙ СУВ ИМКОНИАТЛАРИДАН ЧОРВАЧИЛИҚДА ВА РЕКРЕАЦИЯДА ФОЙДАЛАНИШ**

**Аннотация:** мақолада Қулжуктов тизмаси ландшафтлари маҳаллий сув ресурсларидан чорвачилик ва рекреация мақсадларида фойдаланиш имкониятлари кўрсатилган, улардан оқилона фойдаланиш бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** кудуклар, сув, чорвачилик, йўл, рекреация, тоғ тизмаси.

**Халимова Г.С.**

### **ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕСТНЫХ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ КУЛЬДЖУКТАУССКОГО ХРЕБТА ДЛЯ ЦЕЛЕЙ ЖИВОТНОВОДСТВА И РЕКРЕАЦИИ**

**Аннотация:** в статье раскрываются возможности использования местных водных ресурсов ландшафтов хребта Кульджуктау в животноводстве и рекреации, вносятся ряд предложений для их рационального использования.

**Ключевые слова:** колодцы, вода, животноводство, дороги, рекреация, горные хребты.

**Xalimova G.S.**

### **USE OF LOCAL WATER KULDZHUKTAUSSKOGO RIDGE FOR LIVESTOCK AND RECREATION**

**Abstract:** in the article opens possibility using local water resources of landscape mountain ridge Kuldjuktai in livestock sector and recreation and making some suggestions for their rational using.

**Key words:** wells, water, livestock, roads, recreation, mountain ranges.

Қулжуктов тизмаси табиий ресурсларидан фойдаланиш узоқ тарихий даврлардан буён давом этиб келмоқда. Ҳозирги кунда улардан фойдаланиш иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг 16 соҳасида намоён бўлиб турибди. Бу жараён бундан кейин ҳам такомиллашиб бораверади. Лекин тизма ландшафтларининг табиий ресурсларидан фойдаланишда яйлов чорвачилиги бундан кейин ҳам етакчи бўлиб қолади. Чунки, бу соҳа чўл шароитида иқтисодий жиҳатдан энг самарали ҳисобланади (Бабаев ва бошқ..., 1986).

Қулжуктов тизмаси яйловларининг ҳозирги кунда сув билан таъминланганлик

даражаси самарали эмас. Биринчидан, сув манбалари (кудуклар, икки жойда эса пармаланган - скважина) жуда нотекис жойлаштирилган. Майда туёқли чорва моллари сув манбаларидан ўртача 5 км масофада узоқда бўлиши тавсия этилади (қиш фаслида бу масофа бирмунча узокрок бўлиши мумкин). Амалда эса бу тамойилга амал қилинмаётир. Айниқса, Қинғиртов тизмаси ва Бошгужумди кудуклари орасидаги яйловзорлар (15 км масофада) сув билан таъминланмаган.

Худди шунга ўхшаш иккинчи район тизманинг шимолий этагида жойлашган қумли ландшафтлардир. Мазкур ландшафт-

ларнинг яйлов имкониятларидан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Кўп жойларда яйловлар қора мох (*Tortula dosertorum*) билан қопланган ва майда уруғли кандим, шувоқ, оқ саксовул каби ўсимликларнинг айрим буталари қуриб қолган. Қора мохли юзаларнинг кўп бўлиши, яйловлар имкониятларидан етарлича фойдаланмаслик индикаторидир. Иккинчидан, фойдаланиб келинаётган қудуқларнинг техника билан таъмин-ланганлик даражаси ва бу борадаги сервис тизимини йўлга қўйилганлиги меъерий талабларга жавоб бермайди. Масалан, сув бериш қуввати энг юқори бўлган Бошгужумди қудуғи (5000 литр соат) тизманинг шарқидаги энг баланд Бош-гужумди тоғи (773 м) этагида жойлашган. Бу ердаги дастлабки қудуқнинг таъмир-ланмаганлиги ва ишдан чиққанлиги (ботил бўлганлиги) туфайли бирин-кетин, ёнма-ён алоҳида тўртта қудуқ қазилган. Ҳозирги кунда уларнинг фақат биттасидан фойдаланиб келинмоқда. Шофиркон тумани “Ғалаба” қорақўлчилик ширкат хўжалигига қарашли ушбу қудуқдан фойдаланиш тизимини тубдан яхшилаш лозим. Шунинг билан бир қаторда чорва туёғини (ҳозир қудуқ атрофида атиги 400 бош қўй ва қўзилар боқилади, холос) қудуқ атрофидаги яйловзорлар қувватига мутаносиб даражага етказиш керак.

Қулжуктов тизмасининг шимоли-шарқий этагида (Қорақота ботиғи ёнбағрида) жойлашган Ойдинбулоқ қудуғи сувидан фойдаланишда ҳам қатор камчиликлар бор. Қудуқ – булоқнинг оғиз қисми харсанг тошлар билан ўралган. Ортиқча сув Қорақота ботиғининг туби томонга торгина эрозион йўлак тарзида оқади. Йўлак бўйлаб юлғун буталари чўзилиб кетган бўлиб, шўрланган кўлмаклар ҳосил бўлган. Қудуқ атрофлари ярим-ялонғоч нишаб рельефли гилли майдонлардан иборат. Қудуқ – булоқ сувидан чорвачиликда фойдаланишда санитария-гигиена талаблари асосида иш тутмоқ лозим. Худди шу каби камчиликларни чўл шароитида “ҳаёт ўчоқлари” бўлган бошқа қудуқлар ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Чўл ландшафтлари бошқа зонал ландшафт типларига қараганда ўзига хос **рекреацион имкониятларга** эга. Чўл зонасида жойлашган Қулжуктов тизмасига

ўхшаш паст тоғларчи? Текисликларда яшайдиган аҳоли учун бу паст тоғлар бетакрор, мафтункор маскандир.

“Рекреация” атамаси лотинча recreation – тиклаш, яъни меҳнат қилиш давомида сарфланган жисмоний, руҳий кучларни тиклаш, мустаҳкамлаш маъносига эга. Рекреация тарихий категория, инсоннинг турмуш шароити, дунёқараши рекреацияга нисбатан ўзгариб, такомиллашиб боради. Иқтисодий фаровонлик ва у билан боғлиқ бўлган маънавий дунёқараш рекреацияга бўлган эҳтиёжни белгилаб туради. Ижтимоий ҳаёт даражаси юксалиб борган сари дам олишга, бўш вақтни мазмунли ўтказишга бўлган иштиёқ ортиб боради.

Чўл зонасида узоқ даврлардан буён воҳаларда, шаҳарларда (маданий зонада) яшовчи аҳоли орасида “Чўлга чиқиб келайлик”, “Бир баррачахўрлик (қўзи) қилиб келайлик”, “Ҳазор Нурга зиёратга борайлик”, деган иборалар мавжуд. Ҳақиқатдан ҳам баҳор ойларида қишлоқ аҳолисидан ёру-дўстлар, авлод-аждодлар биргалашиб, бир автобус ёки катта юк машинада 20-30 кишини чўлга сайрга, дам олишга ёки зиёратга бир-икки кунлик муддатга чиқишларини кузатиш мумкин.

Бухоро, Навоий-Конимех воҳалари аҳолиси учун Қулжуктов тизмасининг жануби-шарқий этагида жойлашган Ҳазор Нур қабристонини энг улуғ зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади. Ушбу қабристон бир вақтлар Зарафшон дарёсининг ўнг тармоғи бўлган Эчкиликсой – Дарёсойнинг эрозион фаолияти туфайли Қулжуктов тизмасидан ажралиб қолган Ҳазор Нур тоғ-тепалиги устида жойлашган. Тектоник-эрозион негизга эга бўлган ушбу тоғ-тепаликнинг мутлақ баландлиги 254 метрга тенг бўлиб, у шарқ, жануб ва ғарб томондан ўраб турган шўрхоқ, қумли пасткамликлардан 90-100 метрга кўтарилиб туради. Тепаликнинг шимолий “пешона” қисми энг баланд, эрозион очилма қатламлар бу ерда баланд қоя ҳосил қилган. Тепаликнинг юзаси жануб томонга аста-секин пасаяди. Унинг 1,5-2,0 метрли юза қисми метаморфозлашган палахсаланган кумтош ва гилтош билан қопланган бўлиб, остида эса сарғиш охрасимон гилли қатлам ётади.

Ҳазор Нур ота хақида турли хил ривоятлар мавжуд. Тарихий манбаларда зиёратгоҳнинг VIII-IX асрларга мансуб эканлиги қайд қилинган (ЎЗМЭ, 12-жилд, 624 бет). Мазкур оролсимон тоғ-тепалик марказида Ҳазор Нур отанинг мақбараси жойлашган. Қайд қилиш жоизки қабрлар устида ўрнатилган соғона, белгилар ушбу қабрларнинг қозоқ миллатига тегишли эканлигидан дарак беради. Зиёратгоҳга шимол томондан айланма йўл орқали чиқилади. Ниҳоят, энг баланд юзага чиқадиган зинапоя олдида зиёратчилар учун қалин деворли бинолар – масжид, дам олиш уйлари, ошхона ва керакли инфратузилмалар барпо қилинган. Зиёратгоҳда ичимли сув манбалари йўқ.

Зиёратга келувчилар яхши эзгу-ниялар билан, яшаш ва овқатланиш учун зарур бўлган шарт-шароитларга тайёр-гарлик кўриб келадилар. Бу ерда албатта қурбонлик қилинади, масжид муфтиси томонидан тиловатлар қилинади, бир неча соат дам олиб ёки тунаб қолиб, сўнгра 100-130 км узокликдаги уйларига қайтадилар. Лекин зиёратга борадиган йўлнинг асосий қисми қаттиқ қопламли бўлсада, сифат даражасида эмас, таъмирга муҳтож. Иккинчидан, йўлнинг охириги - Тўртқудуқ-Ҳазор Нур қисми дала йўллари бўлиб, зиёратчилар учун қийинчилик туғдиради. “Йўл азоби, гўр азоби”, деган ибора худди шу йўлларга тегишлидир. Мазкур жойларда “кўп тармоқли” дала йўлларни кўриш мумкин.

Қулжуктов тизмасининг бевосита рекреацион ресурсларга тегишли имкониятлари кўп қиррали ва чўл зонасидаги паст тоғларга хосдир. Ҳозирги даврда воҳалардан (маданий зоналардан) аксарият баҳор ойларида кириб келадиган дам олувчилар учун тизма табиатининг қуйидаги хусусиятлари эътиборга лойиқ.

1. Тизманинг тоғли (паст тоғ бўлсада) рельефга эга бўлганлиги, яъни текислик зонасида яшовчи халқлар учун тоғ ва унинг ажойиботлари мўъжизакор аҳамият касб этади. “Кўксим тоғдай кўтарилди”, “Узокни кўрай десанг тоғга чиқ” деган ҳаётий иборалар бежиз тилга олинмайди. Баландга (тоғга) кўтарилиш ҳамиша инсонга завқ-шавқ бағишлайди.

2. Тизма худудининг кенг ва

сокинлиги, бошқача қилиб айтганда, акустик ҳузур-ҳаловатли эканлиги. Шовқин-сурондан холи бўлган худуд эканлиги.

3. Шифобахш минерал сув манбаларининг мавжудлиги. Юқорида қайд қилинганидек, “Қизилқум чўл станцияси” олдидаги артезиан кудуғининг суви шифобахш ва чучук таркибга эга. Таркибида кумуш ва кремний элементлари етакчилик қиладиган ушбу сув асосида 2006 йилда “Аквариус” кичик корхонаси ишга туширилган эди. Кейинги икки йил давомида ушбу корхона иши тўхтатилган. Шунга қарамадан қудуқ сувидан йўловчи, дам олувчиларнинг қисман баҳраманд бўлиш имкониятлари мавжуд. Бундан ташқари, мазкур станция худудидаги артезиан қудуқ сувидан фойдаланиш имконияти ҳам бор.

4. Қулжуктов тизмасининг жануби ёнбағрида 1959 йилда Қизилқум чўл станциясини ташкил қилинганлиги ҳам тизманинг рекреацион имкониятни юксалтириб турувчи омиллардан бири бўлди. Станция доирасида ва атрофида қисқа муддатга келган эркин дам олувчилар учун зарур бўлган инфратузилма шароитлари мавжуд (электр энергияси, ошхона, минерал сув кабилар). Қулжуктов тизмаси доирасида ҳозирги даврда эркин дам олувчилар асосан икки ерни хуш кўрадилар. Биринчиси ва энг асосийси юқорида таърифланган Қизилқум чўл станцияси бўлса, иккинчиси Бошгужумди қудуғи манзилгоҳидир. Ушбу ерга Болтабой қудуғи олдидаги асфальт йўлдан борилади (25 км). Дам олувчиларни ушбу жойнинг икки жиҳати қизиқтиради. Биринчиси, чучук, салқин сувли қудуқнинг бўлиши, иккинчиси Қулжуктов тизмасининг иккинчи ўринда турадиган баланд тоғ тугуни Бошгужумди тоғининг (773 м) мавжудлиги.

5. Тоғнинг паст-баланд рельефи, қатламларни ташкил қилган жинсларнинг турли-туман жимжимадор ранглари, тоғ қатламларининг бурмалари, ўсимликлар турларининг ўзига хослиги, қуён, тошбақа, эчкемар, тўгаракбош каби ҳайвонларни ҳар онда кўзга ташланиши ўзига хос жозиба бағишлайди. Дам олувчилар баҳор фаслида замбуруғ кабобидан баҳраманд бўлиш имкониятига ҳам эга. Қайд қилиш жоизки,

дам олувчилар учун энг қийинчилик туғдирадиган нарса, бу дала йўлларининг талаб даражасида эмаслиги, иккинчидан дам олиш шарт-шароитнинг тўла-тўқис мавжуд эмаслигидир. Бу ўринда дам олувчиларнинг экологик маданиятининг пастлигини ҳам қайд қилиш жоиз. Уларнинг ўсимлик, ҳайвонларга муносабати, дам олиш билан боғлиқ чиқиндиларни бартараф қилиш борасидаги ҳатти-ҳаракатлари санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди. Мамлакатимизда, жумладан Бухоро-Навоий вилоятларида рўй бераётган иқтисодий-ижтимоий юксалиш, келгусида Қулжуктов тизмасига ташриф буюрадиган эркин дам олувчилар сонини кўпайишига олиб келади. Шу боисдан тизманинг рекреацион имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида қуйидаги илмий-амалий тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

1. Биринчи навбатда маданий зонадан (воҳалардан) Қулжуктов тизмасига борадиган транспорт шароитини, яъни қаттиқ қопламли йўлларни талаб даражасида ташкил қилиш лозим. Ҳозирги кунда эса бундан 23 йил аввал ўтказилган қаттиқ қопламли йўллар бутунлай издан чиқиб кетган. Айниқса Шофиркон – Нурлибой кудуғи (44 км), Болтабой кудуғи – Чуруқ қишлоғи (28 км), Чуруқ – Тошбулоқ гранит кони (22 км), Болтабой – Ҳазор Нур зиёратгоҳи (42 км) йўналишидаги асфальт ва дала йўлларини замонавий талаблар асосида таъмирлаш зарур.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Бабаев А.Г., Зонн И.С., Дроздов Н.Н., Фрейкин З.Г. Пустыни. Природа Мира. – Москва: “Мысл”, 1986. - 318 стр.
2. Назаров И.Қ., Ҳалимова Г.С., Қаландарова Д.Д. Қулжуктов тизмаси (Қизилқум) ландшафтлари ресурсларидан фойдаланиш тарихи ва ҳозирги ҳолати // География: инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар. - Тошкент, 2012. - 3-6 бетлар.
3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – 12 жилд. - Тошкент, 2006. - 624 бет.

### Қаландаров У., Рўзметов Д., Эркинов К. ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИНГ БАЪЗИ БИР КўРСАТКИЧЛАРИ

**Аннотация:** мақолада Хоразм вилояти суғориладиган ерлари мелиоратив ҳолати ва деградациясининг баъзи географик жиҳатлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** экин майдонлари, деҳқончилик, сизот сувлари, деградация, шўрланиш, қишлоқ хўжалиги.

### Каландаров У., Рузметов Д., Эркинов К. НЕКОТОРЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ МЕЛИОРАТИВНОГО СОСТОЯНИЯ ПОСЕВНЫХ ПЛОЩАДЕЙ ХОРЕЗМСКОГО ВИЛОЯТА

**Аннотация:** в статье анализируются некоторые географические аспекты мелиоративного состояния и

деградации орошаемых земель Хорезмского вилоята.

**Ключевые слова:** посевная площадь, земледелие, грунтовые воды, деградация, засоление, сельское хозяйство.

**Kalandarov U., Ruzmetov D., Erkinov K.**

#### **SOME INDICATORS OF RECLAMATION CULTIVATED AREAS KHOREZM REGION**

**Abstract:** in this article are analyzed some geographical aspects of meliorative condition irrigated land degradation and Khorezm region.

**Key words:** sown area, agriculture, groundwater, degradation, salinization, agriculture.

Хоразм вилояти Ўзбекистон Республикасининг йирик кишлок хўжалик районларидан саналади. 2013 йилда вилоят мамлакат ҳудудининг 1,3, аҳолисининг 5,5, ЯИМнинг 3,1, саноатининг 1,7 фоизини ташкил этгани ҳолда кишлок хўжалиги маҳсулотининг 6,2 фоизини берди. Вилоят кишлок хўжалигида деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳиссаси деярли тенг; 2013 йилда вилоят кишлок хўжалик маҳсулотларининг 52,3 фоизи деҳқончиликда, 47,7 фоизи чорвачиликда ҳосил қилинган.

Хоразм вилояти деҳқончилигида ўсиш кузатилаётган бўлсада, у айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Бу камчиликлар тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш суръати билан эмас, балки экин майдонларининг турли сабаблар билан чиқариши, жумладан деградацияга учраб боришида кузатилади. Ўтган аср 80-йиллар охирида вилоятда жами экин майдони 280 минг га дан ортган. Аммо, ҳозирги кунда бу майдонларнинг бир қисми турли сабаблар билан кишлок хўжалик айланмасидан чиқиб қолган.

2013 йилда кўп йиллардан бери экилмай келаётган далалар (партов) умумий майдони 13 минг га дан ортади. Ушбу майдонларнинг аксарияти суғориш учун ноқулай ҳамда гидротезник иншоотлар маълум даражада ишдан чиққан ҳудудларда юзага келган. Маргинал ерлар, айниқса, вилоятнинг Хазорасп туманида катта майдонни эгаллайди. Бугунги кунда бундай ҳудудлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва экин майдонлари айланмасига кўшиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Вилоят тупроқлари турли даражада шўрланган бўлиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ушлаб туриш бевосита шўр ювиш сифати билан боғлиқ. Ерларнинг иккиламчи шўрланиши эса бевосита грунт сувлар сатҳига ва суғориш суви минерализациясига боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, грунт сувлари сатҳи баҳорги шўр ювиш ва вегетация

даврининг ўрталарида анча юқори бўлади. Бу даврдаги грунт сувлари сатҳи 50-70 фоиз ҳудудда ер сатҳидан 0-130 см чуқурликда жойлашган. Одатда, грунт ёки сизот сувлар сатҳи ер бетидан 150 см чуқурликда бўлганда тупроқ бўшлиқ ва ғовақлари орқали ер бетига ва ўсимликлар илдизига нам бера бошлайди. Ундан юқорига кўтарилиши ушбу жараёни интенсификаштиради ва тупроқни зах босиб юқори қатламида иккиламчи шўрланиши рўй беради. Бу эса, ўз навбатида, далани кўшимча суғориш талаб этилади. Ортиқча суғориш вилоят тупроқларининг кўшимча шўрланишига олиб келади.

Маълумотларга кўра, кейинги йилларда Амударёнинг Туямўйин постида сувнинг ўртача йиллик минерализацияси 1,12 г/л ни ташкил этмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, ҳар 1 м<sup>3</sup> ортиқча қуйилган сув 1 га майдонга 1,12 кг туз олиб келади. Агарда ушбу кўрсаткич 500 м<sup>3</sup> бўлса, 560, 2000 м<sup>3</sup> ни ташкил этса 2,2 тоннадан ортиқроқка тенг бўлади. Натижада, ер ости сувларининг минерализацияси, тупроқ шўрланиши даражаси ортмоқда ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини сақлаб туриш учун ортиқча сарф-харажатлар талаб қилинади.

Вилоятда ер ости грунт сувларининг минерализацияси 1,16 г/л дан 5,42 г/л гача фарқ қилади. Грунт сувлари минерализацияси Амударёдан ғарбга томон ортиб боради ва уларнинг даражаси вилоят чап қирғоқ қисмининг чекка ва марказий қисмларида вилоят чегарасида тенг радиал шаклдаги ареалда анча юқори. Таҳлиллар кўрсатишича, бу ҳолат бевосита жой топографияси оқибатида юзага келиб, у сув сатҳи ва тупроқ механик таркиби билан ҳам боғлиқ. Нишаб, паст, ер ости сувлари ер бетига яқин жойлар ҳамда тупроқ механик таркиби оғирроқ ҳудудларда иккиламчи шўрланиш нисбатан тезроқ юз беради.



Юқоридаги салбий ҳолатларнинг такрорий давом этиши экин майдонлари деградациясига олиб келмоқда, вилоят экин майдонлари турли даражада деградацияга учрамоқда. Маргинал ерларнинг вужудга келиши, деградацияга учраш даражаси, мелиоратив-экологик шароитга қараб турли гуруҳларни ташкил қилади. Уларни табиий, техноген, иқтисодий сабабларга кўра гуруҳлаш мумкин.

Хусусан, экин майдонлари табиий шароитнинг ўзгариб бориши баробарида ҳам деградацияга учраб қишлоқ хўжалик айланмасидан чиқиш ҳолатлари кузатилади.

Масалан, Амударё хавзасида иқлимий шароит билан боғлиқ ҳолда сув тартибининг ўзгариб бориши, охириги ўн йилликда 2 марта такрорланган танқислиги чекка ҳудудларда суғориладиган ерларнинг маълум даражада деградациясига олиб келмоқда.

Вилоятда деградацияга учраган ҳудудларни даражасига қараб кучсиз, тез тикланадиган; ўртача деградацияга учраган, 2-3 йилдан бери экилмаётган; кучли, 4-5 йилдан ортиқ муддатда экилмаётган, қаттиқ шўрланган ёки табиий ҳолатига келган типларга ажратса бўлади.

1-жадвал

### Хоразм вилоятида фойдаланилмай келаётган заҳира маргинал ерлар

№	Туманлар	Ишлатилмаётган ер майдони, га
1.	Боғот	855
2.	Гурлан	160
3.	Қўшқўпир	3033
4.	Урганч	937
5.	Хазорасп	4931
6.	Хонқа	76
7.	Хива	684
8.	Шовот	1915
9.	Янгиариқ	1074
10.	Янгибозор	227
	<b>Вилоят бўйича</b>	<b>13892</b>

*Хоразм вилояти ер ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари.*

Умуман олганда, вилоятда турли саналади. омиллар натижасида кўп йиллардан бери фойдаланилмай келаётган, деградацияга учраган ерлар умумий майдони салкам 14 минг га ни ташкил этмоқда (1-жадвал). Уларни яқин келажакда қишлоқ хўжалиги оборотига қўшиш долзарб масалалардан

Тадқиқотлар давомида, аэрокосмик суръатлар вегетация индекси асосида замонавий ГИС дастурида таҳлил қилиниб, Хоразм вилоятида деградацияга учраган ерлар майдони аниқланди ва карталаштирилди (1-2 жадваллар).

2-жадвал

### Вегетатив индикатор бўйича вилоятда фойдаланилмай ёки самарасиз фойдаланиб келаётган экин майдонлари

Туманлар	Кам	Ўртача	Кучли	Жуда кучлик	Жами
Боғот	169	116	2491	121	2897
Гурлан	209	48	755	6	1018
Хонқа	51	498	398	3	950
Қўшқўпир	754	338	6082	1916	9090
Шовот	682	260	3977	262	5180
Урганч	147	390	2134	415	3086
Хазорасп	207	194	3631	222	4255
Хива	156	252	2843	418	3669
Янгиариқ	167	750	4037	216	5170
Янгибозор	257	166	2160	106	2689
<b>Жами, га</b>	<b>2798</b>	<b>3011</b>	<b>28512</b>	<b>3686</b>	<b>38008</b>
<b>Жамига нисбатан, %</b>	<b>7</b>	<b>8</b>	<b>75</b>	<b>10</b>	<b>100</b>

*УрДУ ГИС лабораториясида космик суратлар таҳлиллар асосида олинган.*

Жадвалдан кўришиб турибдики, кучли ва жуда кучли деградацияга учраган экин майдонлари Қўшқўпир, Янгиарик, Хазорасп туманларида анча катта. Ушбу худудларнинг майдони ҳозирги кунда заҳира сифатида қаралаётган маргинал ерларниқидан деярли уч марта катта (2-жадвал). Олинган маълумотлар тегишли карталар билан солиштирилганда, маълум бўлди-ки, мазкур худудларнинг катта қисми ташландик, кум ва кумоқ тупроқлар тарқалган ҳамда ирригация шаҳобчалари тугайдиган худудларга тўғри келади.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, аҳоли сонининг тез суръатларда ортиб бориши озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни кундан-кунга кучайтирмоқда. У эса, ўз навбатида, ерлардан интенсиф фойдаланиш баробарида экин майдонларини кенгайтириш, мавжудларини сақлаб туриш-

ни талаб қилади. Республикада суғориб экиш учун яроқли заҳира экин майдонлари бўлса-да, сув захираларининг йилдан-йилга тақчиллашиб бориши яқин келажакда деҳқончиликни экстенсив ривожлантириш имкониятларини чеклайди. Айниқса, Орол ҳавзасида XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида сувдан фойдаланиш тартибидаги ўзгаришлар ушбу муаммони янада чигаллаштиради. Шу боис қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар экологик-мелиоратив шароитини яхшилаш, экин майдонларини қайта қишлоқ хўжалик айланмасига қўшиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мазкур муаммоларни изчил ҳал этиш нафақат ўсиб бораётган аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, балки мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, жойларда экологик шароитни яхшилаш имконини беради.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев С.А., Боиров А.Ж., Сатторов Ж.С. Хоразм вилояти тупроқлари. – Тошкент: Фан, 2002. - 186 б.
2. Стулина Г.В., Широкова Ю.И., Морозов А.Н. Современные тенденции в формировании водных ресурсов ЦАР и особенности использования вод повышенной минерализации для орошения почв в условиях Узбекистана // САНИИРИ им. В.Д.Журина // [http://water-salt.narod.ru/s\\_tend\\_isp\\_mv.htm](http://water-salt.narod.ru/s_tend_isp_mv.htm).
3. ZEF/UNESCO ўзбек-немис лойиҳаси маълумотлари.

#### Абдувалиев Ҳ.

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ЛАНДШАФТ ОМИЛЛАРИНИНГ ТАБАҚАЛАНИШИ

**Аннотация:** ушбу мақолада Фарғона вилояти қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва худудий ташкил этиш нуқтаи назаридан ландшафт омилларининг табақаланиши таҳлил қилинган. Ландшафт хусусиятлари тўртта минтақа – регионлар кесимида кўрилган.

**Калит сўзлар:** ландшафт, ландшафт табақаланиши, баландлик минтақалари, адир ландшафти.

#### Абдувалиев Ҳ.

### ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ ЛАНДШАФТНЫХ ФАКТОРОВ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА РАЗВИТИЕ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

**Аннотация:** в данной статье анализируется дифференциация ландшафтных факторов с точки зрения развития и территориальной организации сельского хозяйства Ферганской области. Ландшафтные особенности рассмотрены в разрезе четырёх поясов-регионов.

**Ключевые слова:** ландшафт, дифференциация ландшафта, высотные пояса, адырные ландшафты.

#### Abduvaliev X.

### DIFFERENTIATION OF LANDSCAPE FACTORS AND THEIR INFLUENCE ON AGRICULTURAL DEVELOPMENT FERGHANA REGION

**Abstract:** This paper analyzes the differentiation of landscape factors in terms of development and territorial organization of agriculture of Fergana region. Landscape features are discussed in the context of the four-zone regions.

**Key words:** landscape, landscape differentiation, high-altitude belt Adyrna landscapes.

**Кириш.** Мамлакатимизда суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, суғориш иншоотларидан унумли фойдаланиш, ўзлаштирилаётган ерларни ландшафт хусусиятларига эътибор бериш ҳамда

суғориладиган ерларни мавжуд мелиоратив ҳолати сақлаб қолишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада эса қишлоқ хўжалигининг жошлашуви ва унга таъсир этувчи омилларнинг ролини баҳолаш муҳим вазифадан бири ҳисобланади.

Фарғона вилояти Фарғона водий-

сининг жануби, жанубий-ғарбий қисмини ишғол қилади. Шимол ва шимолий-ғарбдан Сирдарё водийсига тутуашган Ёзёвон чўллари, жанубий-шарқда Олой тизма тоғ тармоқлари билан чегарадош. Вилоят худудиги тоғли ўлкалар тизимида ўрта ва паст баландликдаги тоғлар, тоғ олди ва тоғ ости текисликлари, водийлар ва дарёлар конус ёйилмалари, унинг чўл зонасида – нишабсимон пролювиал текисликлар, Марказий Фарғонанинг қадимги аллювиал текисликлари, Сирдарёнинг қуйи терассалари ажралиб туради. Худди шундан табиий географик жойлашувда унинг 15 та маъмурий туманлари ҳамда қишлоқ хўжалик ерлари катта майдонни эгалловчи Қувасой шаҳар худуди жойлашади.

**Асосий қисм.** Вилоят ғарбда ва жанубий-ғарбда Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти, жанубда Қирғизистон Республикасининг Боткен ва Ўш вилоятлари билан, шимолда Наманган, шарқда Андижон вилоятлари билан чегардош. Вилоят худуди географик жиҳатидан яхлит, бир бутун эмас, Фарғона туманининг бир қисми (Шоҳимирдон, Ёрдон қишлоқлари) ва Сўх тумани Қирғизистон худудининг ичида анклав ҳолатда жойлашган.

Вилоятнинг чекка шимолий нуқтаси 40°30' бўлиб, Сирдарёнинг Пунган кўприги яқинидан, жанубий чекка нуқтаси Сўх қишлоғининг жануброғида 40' шимолий кенгликдан ўтади. Чекка ғарбий нуқтаси 70°20' Андархон қишлоғининг ғарбидан, шарқий нуқтаси Кува туманидаги Саноат қишлоғи марказидан шарқроқда, 72°10' шарқий узоқликдан ўтади. Географик ўрнига кўра вилоят Кавказорти давлатлари, Италия, Испания каби мамлакатлар билан бир хил географик кенгликда ётади. Қишлоқ хўжалиги юритиш учун зарур бўлган йиллик фойдали харорат йиғиндиси ( $\sum t_{+} > 10^{\circ}C$ ) жиҳатидан субтропиклардан қолишмасида, иқлимнинг кескин ўзгариши, намликнинг етишмаслиги кузатилади.

Фарғона вилояти худудининг 79,2 % ни текислик ва паст текисликлар, 20,8% ни тоғ ёнбағирлари, тоғ этаклари ва адирлар ишғол қилади. Қумликлар текисликлардаги ер майдонининг 7 % га тенг. Вилоят худуди ер юзаси шимолдан жанубга томон

поғонасимон кўтарилиб бориб, 4 та баландлик минтақасини ҳосил қилади. Қадимда аҳоли ҳар бир минтақада ердан фойдаланишда жойнинг табиий имкониятларидан максимал фойдаланишга ҳаркат қилиш билан бирга, у ердаги табиий жараёнларга қарши борилмайдиган, кўпроқ тупроқ-экологик ҳолатининг салбий ўзгаришига йўл қўймайдиган ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимини шакллантирган. Бу тизим мустақиллик йилларида аста-секин қайта тикланмоқда. Бундай маҳаллий анъана ва малакалар билан танишиш фермер хўжаликлари ихтисослашувини ва ривожлантириш йўналишларини белгилашда аҳамиятлидир. Қуйида вилоятнинг қишлоқ хўжалик районларига мос ҳолдаги минтақаланишни кўриб чиқамиз.

IV-минтақа вилоятнинг чекка жанубий қисмидаги Олой-Туркистон тизмаси ён бағирларини ўз ичига олади. Бу ерда тик қояли рельеф шакллари чуқур водийлар билан алмашилиб келади. Минтақа Сўх ва Фарғона туманининг Шоҳимирдон, Ёрдон қишлоқлари худудини ўз ичига олади. Бу ерда вилоятнинг энг баланд нуқтаси Сўх туманидаги Сарикқамиш довони (2817 м) жойлашган. Ердан деҳқончиликда фойдаланиш шу водийларда қисман йўлга қўйилади, бошқа худудлар эса чорвачилик ва тоғ боғдорчилигига ажратилади.

III-минтақа вилоятдаги адирлар, адирорти, адирлараро ва адир ёни текисликларини эгаллайди. Минтақа баландлиги 550-600 м тўлқинсимон рельефга эга текисликлардан бошланиб, 1200 метргача бўлган адирларга туташади. Вилоят ғарбда Сўх-Исфара адирлари яхлит баландлик ҳосил қилса, Олтиариқсойдан шарқда улар иккига бўлиниб, Чимён ва Хонқиз номи билан юритилади. Фарғона шаҳрининг жанубидаги Аввал адирлари шарққа томон Қувасой ва Арсив адирларига қўшилиб кетади. Кува туманининг жануби-ғарбидан Кува-Андижон адирлари бошланади. Маъмурий жиҳатдан бу минтақага Бешариқ, Ўзбекистон, Риштон, Олтиариқ туманларининг чекка жанубий қисмлари, Фарғона ва Кува туманларининг чекка қисмлари ҳамда Қувасой шаҳар кенгашига бўйсунувчи қишлоқ худудлари қиради. Адирларда камсувталаб данакли

боғлар (бодом, тоғ писта, ёнғоқ, ўрик) бунёд этилганлиги бугунги кунда қўлланиши ҳар томонлама мумкин бўлган тажрибалардан биридир.

II-минтақа вилоятнинг ўзлаштирилган ҳудудини ўз ичига олиб, Исфара, Сўх, Шохимардонсой ва Исфайрамсойларнинг конуссимон ёйилмаларида жойлашган. Ер юзасининг баландлиги денгиз сатҳидан 400-600 м атрофидаги қия текислик рельефига эга. Маъмурий жиҳатдан бу минтақада Бешариқ, Ўзбекистон, Учқўприк, Боғдод, Бувайда, Риштон, Олтиариқ, Қўштепа, Тошлоқ ва Кува туманлари ҳудудининг асосий қисми жойлашган. Иккинчи поғонадаги текисликлар вилоят қишлоқ хўжалигининг асосини ташкил этган обикор деҳқончилик, томорқа хўжалиги, полиз экинлари ва узумчилик учун берилган.

I-минтақа вилоятнинг шимолий ва шимоли-ғарбида жойлашган. Асосан Сирдарёнинг қайир ва қайир усти террасаларини, конуссимон ёйилмасининг чекка қисми ва конус оралиғи ботиқларини эгаллайди. Бу минтақа нисбатан текис бўлиб, дарё ўзани томон нишаблик у қадар юқори эмас. Баландлиги 350-400 м бўлган ушбу минтақада ўзига хос рельеф шакллари

мавжуд. Масалан, Марказий Фарғонанинг ўзлаштирилмаган қисмида бархан-дўнг, дўнг-марза қумликлар учрайди. Мазкур минтақада Ёзёвон, Фурқат туманларининг асосий қисмлари, Олтиариқ, Бувайда туманларининг шимолий чекка ҳудудлари кирди. Поғонада заҳира ерлари бўлиши билан бирга, дарё водийларида шоликорилик, конус оралиғи ботиқларида чорвачилик учун ёзги яйлов ташкил этилган.

**Хулоса.** Вилоятнинг ҳудудида маъмурий туманлар ва уларнинг қишлоқ хўжалик минтақаларида юқоридаги фарқланишларни кўришимиз мумкин. Шундай маъмурий туманлар (ёки вилоятнинг чегараланиши номуносивлик) борки, уларнинг ҳудудий бўлинишида ерларнинг суғорилиш имконияти ва тупроқларнинг унумдорлиги ҳисобга олиниши лозим. Бу эса, ўз навбатида, фермер хўжалиқларини ривожлантиришда ландшафт омилининг ролини тақозо этади. Шунингдек, тадқиқотлар натижасида танлаб олинган ландшафт зоналарини умумлаштириш, маъмурий туманлар ёки фермер хўжалиқлари кесимида уларни табақалаш (генерализация) керак ҳамда олинган тавсиялар бошқарув идоралари бор ҳудудларга бериш керак бўлади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Абдулкасимов А.А. Проблемы изучения межгорно-котловинных ландшафтов Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1983. - 125 с.
2. Ахмадалиев Ю. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси. – Тошкент: “Фан ва технология”, 2014. - 340 бет.
3. Солиев А. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт. – Тошкент: “Камалак” нашриёти, 2013.

#### Ражабов Ф.Т.

### ФЕРМЕР ХЎЖАЛИҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Аннотация:** мақолада, мавжуд илмий тадқиқотларни ўрганиш асосида, Ғарбий Европа, АҚШ ва Япония мамлакатларида фермер хўжалиқларини ривожлантириш тажрибалари қисқача кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** фермер хўжалиқлари, ривожланган давлатлар, АҚШ, Европа иттифоқи, Япония, ер майдони, ихтисослаштириш, кооперация.

#### Ражабов Ф.Т.

### ИСПОЛЗОВАНИЕ ОПЫТА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В РАЗВИТИИ ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВ

**Аннотация:** в статье, на основе изучения имеющихся научных исследований, кратко рассматривается опыт развития фермерских хозяйств в некоторых странах Западной Европы, США и Японии.

**Ключевые слова:** фермерские хозяйства, развитые страны, США, Европейский союз, Япония, земельная площадь, специализация, кооперация.

#### Rajabov F.T.

### USING THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE DEVELOPMENT OF FARMS

**Abstract:** the article, based on a review of available research, briefly reviews the experience of farmers in some countries of Western Europe, USA and Japan.

**Key words:** farms, developed countries, the United States, European Union, Japan, the land area of specialization, cooperation.

Ўзбекистонда фермер хўжалиқларини ташкил этиш ва уни ривожлантириш

борасида ислохотлар дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 29 декабрдаги “Дехқон (фермер) хўжаликларини янада мустақкамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 30 декабрдаги 315-сонли “Республикада дехқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва мустақкамлаш чоралари ҳақида”ги қарори ишлаб чиқилишибилан бошланди. Ўтган давр мобайнида фермер хўжаликлари тўлиқ шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда бу борада муайян даражада тажриба орттирилди. Бироқ, таъкидлаш жоизки, жаҳоннинг аксарият ривожланган давлатларида фермер хўжаликлари ташкил этилганига бир асрдан ортиқ вақт бўлган ва уларда бу соҳада бой тажриба тўпланган. Мазкур давлатлар тажрибаларидан республикамиз фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришда қўллаш, уларни хўжалик юритиш фаолиятларига тадбиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жумладан, Америка Қўшма Штатларида бир фермер хўжалигининг ўртача ер майдони 191,5 гектарни ташкил этади. Мазкур мамлакатда фермер хўжалиги ривожлаганлигининг асосий хусусияти юқори даражада ихтисослашганлиги ва механизациялашганлиги ҳисобланади. Шу боис, бундай хўжаликларда, одатда, фермер ва унинг оиласи, баъзан бир-иккита қўшимча ёлланма ишчи меҳнат қилади. Табиий шароити ва аҳоли зичлигига боғлиқ

ҳолда фермер хўжаликлари сони штатлар даражасида турлича тақсимланган. Хусусан, энг кўп фермерлар Техас (186 минг та), Миссури (108 минг та), Айова (104 минг та) штатларида фаолият олиб борса, айти вақтда, шимоли-шарқда жойлашган Коннектикутда 4минг та ва Делаверда 3 мингта фермер мавжуд. Айтиб ўтиш жоизки, АҚШда жами меҳнатга яроқли аҳолининг 2,5 фоизи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд.

Европа Иттифоқи давлатларида эса, фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони 13,9 гектар бўлиб, айти вақтда, мамлакатлар бўйича букўрсаткич бири-бирдан фарқ қилади. Масалан, Буюк Британия фермер хўжалигининг ўртача ер ҳажми 80,4 гектарни, Данияда 30,7, Францияда 29,0, Ирландияда 22,7, Германияда 18,0, Голландияда 14,9, Белгияда 14,1, Италияда 10,8, Грецияда 4,3 гектарга тенг. Кейинги ўринларда Скандинавия давлатлари туради, уларнинг фермерлари нисбатан кичик-кичик ерлардан фойдаланади. Шу билан бирга, ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалигини интенсифлаштириш натижасида нисбатан кичик хўжаликлар йирик фермер хўжаликларига қўшилиб кетиши юз бермоқда. Чунончи, Германияда 1970-2000 йилларда фермерлар сони йилига ўртача 1,2 фоиздан камайган бўлса, АҚШда 2000-2010 йилларда бир хўжаликка мос келувчи ер майдони 150,0 гектардан 191,5 гектарга ортган ва бу жараён кейинги йилларда ҳам давом этмоқда.

Жадвал

### АҚШ ва Европанинг ривожланган давлатлари фермер хўжаликлари ҳақида

#### маълумот

Давлатлар	Фермер хўжаликлари сони, минг та	Бириктирилган ер майдони, млн. га	Ишчилар сони, минг киши	Бир хўжаликка ўртача:		
				ер майдон, га	ишчилар сони, киши	Йиллик маҳсулот ҳажми, минг доллар
АҚШ	2115	405,0	3172,3	191,5	1,5	85,0
Германия	640	11,5	1152,1	18,0	1,8	60,0
Буюк Британия	230	18,5	598,7	80,4	2,6	87,0
Франция	948	27,5	1516,8	29,0	1,6	60,0
Италия	1850	20,0	1665,1	10,8	0,9	19,0

Жадвал Хожимухамедова Ш.И. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари. Иқтис. фан. ном. илм. дараж. ол. учун ёз. дисс. – Т., 2005. – 134 б. маълумотлари асосида тузилди.

**Изоҳ:** жадвалда кўрсатилган давлатлар маълумотлари турли (2000-2005) йилларга тегишли.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, бир фермер хўжалигида тайёрланган йиллик ўртача маҳсулот ҳажмига Буюк Британияда 87,0, АҚШда 85,0, Германия ва Францияда 60,0, ва Италияда 19,0 минг долларни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткични бир хўжаликка бириктирилган ўртача ер майдони нисбатан ҳисоблаганда, 1 гектар ерга Германияда 3,3, Францияда 2,1, Италияда 1,8, Буюк Британияда 1,1, АҚШда 0,4 минг долларга тенг.

Бугунги кунда мамлакатимизда фермер хўжаликлари ер майдонларини белгилашда (оптималлаштиришда) қатор мунозарали ҳолатлар юзага келмоқда. Бу соҳада ҳам хорижий, шу жумладан, МДХ давлатлари тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мамлакатларда фермер хўжаликларининг ер майдонлари 1 гектардан (Арманистон) 50 гектаргача (Украина, Россия) фарқланади. Бинобарин, Беларус Республикасида 1 та фермер хўжалигига 22,8 га ер тўғри келади. Мазкур давлатда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунга мувофиқ бир хўжаликка бириктирилган энг катта ер майдон 1998 йилгача 50 гектарни ташкил этган. 1998 йилдан бошлаб Республика Президентининг фармонида мувофиқ фермер хўжалиги ер ҳажмининг энг юқори чегараси 100 га қилиб белгиланган [5].

Японияда Иккинчи жаҳон уришидан сўнг ер ислохотлари қайта кўриб чиқилди. Йирик монополь бирлашмалар тарқатилиб, уларнинг ерлари кичик мулкдорлар—фермерларга бўлиб берилди. Фермерларга бириктирилган ерлар 1946 йилда қабул қилинган “Ер ислохотлари тўғрисида” ги қонунига мувофиқ, монополь бирлашмаларнинг қайта пайдо бўлмаслиги мақсадида чекланган. Бинобарин, бугунги кунда Японияда мавжуд фермер хўжаликларининг 2/3 қисмидан ортиғи бир гектаргача бўлган ерларда фаолият олиб боради. Фақатгина 1,7 фоиз фермерлар ихтиёрида 5,0 га ва ундан ортиқ ер (аҳоли зичлиги нисбатан пастроқ Хокайдо оролида) мавжуд. Ҳозирги вақтда Японияда жами 4,3 млн.дан ортиқ фермер хўжаликларининг тахминан 15 фоизи ушбу тармоқдан оладиган даромад ҳисобига яшамоқда. Чунки, ер майдонларининг бундай кичик

эканлиги фермерларни кишлок хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан бирга бошқа соҳаларда ҳам банд бўлишига олиб келган [3].

Ривожланган давлатларда фермер хўжаликларини юксалтириш борасида амалга оширилган тажрибалар таҳлили кўрсатадики, мамлакатимизда фермер хўжаликларини иш жараёнини ихтисослаштириш, механизациялаштиришни кучайтириш, давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш, уларни республика табиий, ижтимоий-иқтисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда оптималлаштириш муаммоларини ҳал қилиш зарур.

Шу билан бирга, кўплаб ривожланган мамлакатларда фермер хўжаликларининг турли хил кооперацияларга бирлашиши бўйича ҳам бой тажриба тўпланган. Мазкур давлатлар фермер хўжаликларининг тараккий этишига кўп жиҳатдан кооперацияларнинг ташкил этилиши ва муваффақиятли фаолият юритиши ҳам сабаб бўлмоқда. Фермерлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, маҳсулотни сотиш ва бошқа шу каби йўналишларда кооперацияларга ихтиёрий бирлашади. Жумладан, бундай жараёнга Голландия, Ирландия, Япония каби давлатларда фермерлар 100 фоиз қатнашади. Европанинг қолган мамлакатлари, АҚШ, Канада ва Австралияда ўртача 80 фоиз фермерлар худди шундай бирлашмалар таркибига кирган. Бироқ, айна вақтда, Буюк Британия ва Италияда бу кўрсаткич 35-40 фоизга тенг, холос.

АҚШ фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар деярли ҳаммаси (90 фоизга яқинини дон, чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар) ушбу бирлашмалар орқали сотилади. Шунингдек, уруғ, чорва озикаси, ўғит, ёқилги-мойлаш ҳамда курилиш маҳсулотлари кооперативлар иштирокида сотиб олинади. Бу давлатда жами 6,2 мингдан ортиқ хизмат кўрсатувчи бирлашмалар мавжуд бўлиб, улар фермер хўжаликларида мелиорация, транспорт, электроэнергия, чорва молларини сунъий қочириш, тупроққа ишлов бериш, ресурс тежовчи технологияларни қўллаш, ветеринария, ҳашаротларга қарши курашиш, кадрлар тайёрлаш ва уларни

малакасини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва бошқа соҳалардаги ишларни амалга оширади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ер юзида энг машҳур ва барча тармоқлари ривожланган кооперациялар АҚШдаги “Heartland” ва Германиядаги “Nemis raffaуzen” кабилар саналади. Улар ҳаттоки фермерларнинг даласига бориб, ер ва қишлоқ хўжалик экинларига ишлов бериш хизматини ҳам амалга оширади. Бунинг учун ушбу бирлашмалар замонавий техника ва етук мутахассислар билан таъминланган [1].

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, кооперативлар фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, уни самарадорлигини ошириш, натижада, қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, мамлакатимизда ҳам бундай бирлашмаларни йўлга қўйиш, фермерларга кооперациянинг афзаллигини тушунтириш, уларни ихтиёрий бирлашишини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, фермер хўжаликларини ташкил этиш, ихтисослаштириш, ривожлантириш ва бошқариш борасида бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган давлатларда шаклланган бой тажрибаларни комплекс таҳлил қилиш, ўрганиш ва умумлаштирган ҳолда республикаимиз фермер хўжаликларини тараққий эттиши учун илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш ушбу соҳани янада самарадорлигини оширади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Маматқулов Б.Х. Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш (Сирдарё вилояти мисолида). Иқтис. фан. ном. илм. дараж. ол. учун ёз. дисс. – Самарқанд, 2006. – 129 б.
2. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги. – Тошкент: Илм зиё, 2009. – 312 б.
3. Қурбонов И.Т. Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари (Сурхондарё вилояти маълумотлари асосида). Иқтис. фан. ном. илм. дараж. ол. учун ёз. дисс. – Самарқанд, 2006. – 135 б.
4. Фармонов Х. Т.: Фермер хўжаликларини ривожлантириш истикболлари. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. - 58-132 б.
5. Хожимухамедова Ш.И. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари. Иқтис. фан. ном. илм. дараж. ол. учун ёз. дисс. – Тошкент, 2005. – 134 б.

Умаров Е.К., Жолдасов А.С.

### ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ РАЗМЕЩЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ И ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

**Аннотация:** в статье рассматриваются воспроизводство населения и трудоустроенность отраслей производства Республики Каракалпакстан, с этой точки зрения проанализирована структура и состав населения сельской местности.

**Ключевые слова:** поло-возрастной состав населения, воспроизводство населения, трудовые ресурсы, экономически активная часть населения, сельская местность, плотность населения.

Умаров Е.К., Жолдасов А.С.

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ЖОЙЛАШУВИ ВА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мақолада Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг такрор барпо бўлиш хусусиятлари, ишлаб чиқариш тармоқларининг меҳнат ресурслари билан таъминланганлик масалалари кўриб чиқилган. Шу нуқтаи назардан қишлоқ аҳолисининг таркиби таҳлил қиланган.

**Калит сўзлар:** аҳолининг ёш-жинс таркиби, аҳолининг такрор барпо этилиши, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, қишлоқ жойлар, аҳоли зичлиги.

Umarov E.K., Joldasov A.S.

### BUSINESS IMPROVEMENT OF PLACEMENT OF POPULATION AND USE OF WORKFORCE KARAKALPAKSTAN

**Abstract:** the article considers the reproduction of the population and labor security industries of the Republic and its rational use issues. On this basis, analyzed the structure and composition of the population of the rural population.

**Key words:** sex and age composition of the population, reproduction of the population, labor force, economically active population, rural population density.

Ускоренное развитие экономики Республики Каракалпакстан за последние годы сопровождалось за счет сельскохозяйственного освоения новых земель, что обеспечивало некоторый устойчивый рост населения в целом, и в частности населения сельской местности. По статистическим данным, в начале 2013 года здесь проживало 1 млн. 736,2 тыс. человек или по сравнению с 1959 г. их количество увеличилось более чем в 3,4 раза.

В связи с односторонней специализацией народнохозяйственного комплекса Республики Каракалпакстан, в регионе преобладает сельское население, которое составляет 868,9 тыс. человек. Население республики размещено крайне неравномерно и составляет 10,4 чел. на 1 км<sup>2</sup> территории. Районы северной части Каракалпакстана, в частности Приаральская зона является ещё мало обжитой, имеют почти одинаковую низкую плотность населения (0,7-2,9 чел. на 1 км<sup>2</sup>), лишь в линии ирригационных систем и в Ходжейлийском, Нукусском районе можно встретить более высокую плотность населения.

Наименьшую плотность населения имеет Кунградский, Тахтакупырский районы (1,5-1,7 чел. на 1 км<sup>2</sup>), а также Муйнакский район (0,7-0,8 чел. на 1 км<sup>2</sup>). Это можно считать проявлением отрицательной деятельности планового хозяйства и монокультурной хлопковой политики прежних лет. Тогда, в основном именно хлопку в Каракалпакстане предназначались 145 тыс. га поливных земель, которые были освоены и введены в оборот с 1960 по 1990 год. Засилье посевов хлопчатника в низовьях Амударьи и в других регионах привело к высокому удельному весу хлопчатника, и он достиг, в структуре посевной площади до 75 %. Это почти абсурд, учитывая, что в мировой практике хлопковость полей не превышает 50 %. Все это нанесло непоправимый ущерб самой пашне, привело к истощению почвы. Началось падение урожайности не только хлопчатника, но и резко изменилась природная среда и отсюда скопилась масса экологических проблем во всем Приаралье.

Ориентация на хлопок потянула за

собой строительство новых магистральных каналов и водохранилищ. Все эти водные артерии проложены в земляном, либо песчаном грунте, без гидроизоляции, в результате КПД ирригационных сетей упала на 0,52-0,60. За эти годы уровень Аральского моря упал на 20-22 метров, а там где еще недавно царствовали волны, почти на 4 – 4,5 млн. га образовалась пыльная жаркая пустыня, нареченная «Аралкумами». В остатках моря, на его высохшем дне накоплены миллиарды тонн ядовитых солей, пестицидов, гербицидов, в том числе ДДТ, попавших сюда в течение десятилетий, вместе с той водой, которая сбрасывалась в реки, с полей. Таким образом, ядовитой химией отравлена земля Приаралья, что также внесло определённый отпечаток на людность территории и хозяйственную деятельность населения.

Существенно возросло воздействие социально-экологических факторов на людность сельской местности, то есть на размещение сельского населения и трудовых ресурсов. В результате, отмечается интенсивное нарастание негативных тенденций, воздействующих на состояние здоровья населения под влиянием комплекса факторов окружающей среды. Процессы аридизации и дефицит пресной воды обусловили не только деградацию природных экосистем, но и естественный прирост населения, в результате чего он в 2012 году на тысячу жителей составляет лишь 17,5 чел., против 33,8 чел. в 1960 году.

Такой характер воздействия социально-экологических факторов порождает несоответствие между земельными ресурсами и наличными составом сельского трудоспособного населения, отрицательно сказывается на вовлечении в сельскохозяйственный оборот резервов производства. В связи с этим представляется возможным перенесение ареалов теплолюбивых с/х культур в Южные районы, где имеются более благоприятные условия для освоения земель и создания новых хлопководческих хозяйств, а также инфраструктурных объектов.

Значительный рост производительности сельскохозяйственного труда



может быть достигнут лишь на базе более рационального размещения и полного использования трудовых ресурсов. В Каракалпакстане в перспективе сельское трудоспособное население будет служить источником рабочей силы для полного и устойчивого обеспечения развития аграрного сектора и всех других отраслей хозяйства. Другое дело, что сейчас и в дальнейшем потребуется внутриреспубликанское переселение рабочей силы в староорошаемую зону, так как здесь не исчерпаны резервы пахотно-пригодных земель.

Трудоспособное население является главным фактором использования всех резервов и роста материального производства. Исключительно важное место оно занимает в сельском хозяйстве, которое по степени механизации, пока отстает от промышленности, транспорта, строительства. Быстрое развитие сельского хозяйства, в особенности в новых районах освоения, в значительной мере зависит от наличия и степени воспроизводства

трудоспособного населения. Численность населения и его половозрастная структура определяют размер и состав трудовых ресурсов, а движение населения, его воспроизводство составляют естественную основу – формирование трудовых ресурсов - этой потенциальной рабочей силы, от степени увеличения и использования которой во многом зависит уровень экономического развития регионов.

В Республике Каракалпакстан, где много неиспользованных природных, в частности земельных, минерально-сырьевых ресурсов предстоит в ближайшей перспективе развивать новые отрасли промышленности и сферу услуг, темпы воспроизводства населения и, следовательно, трудовые ресурсы играют очень большую роль. Ниже в таблице 1, приводятся численность и сравнительные темпы роста населения по природно-экономическим районам Республики Каракалпакстан и его относительная плотность на 1 км<sup>2</sup> территории.

Таблица 1

### Размещение и плотность населения Каракалпакстана по природно-экономическим районам

Наименование природно-эконом.ских районов	Площадь, тыс. км <sup>2</sup>	Население, всего тыс. человек				Плотность населения, на 1 тысяча км <sup>2</sup> территории, человек.		
		1959	2000	2010	2013	1959	2005	2013
Южный район	16,8	166,0	544,0	650,9	668,6	9,9	34,8	39,8
Центральный район	6,4	187,4	624,6	690,7	691,3	46,8	156,2	172,8
Северный район	106,2	127,5	305,7	310,4	347,6	2,8	2,7	2,9
Аральский (Приморский) район	37,2	29,2	28,7	28,9	28,7	0,8	0,75	0,78
<b>Республика Каракалпакстан, всего</b>	<b>166,6</b>	<b>510,1</b>	<b>1503,0</b>	<b>1680,9</b>	<b>1736,2</b>	<b>3,6</b>	<b>9,4</b>	<b>10,4</b>

Таблица составлена авторами по данным Управления статистики РК.

За указанный период темпы прироста населения в Республике Каракалпакстан были значительно высокими. Здесь наблюдается абсолютное увеличение численности населения, его возрастная структура открывают перед республикой широкие возможности для трудоустройства.

Возрастной состав населения дает возможность определить численность тех категорий, которые в будущем вступят трудоспособный возраст или, наоборот, выйдут из него. В Республике

Каракалпакстан сравнительно большой удельный вес занимают подростки – потенциальные кадры народного хозяйства в ближайшем будущем.

В структуре населения Республики Каракалпакстан большой удельной вес занимают возрастные группы до 15 лет. По данным на 1 января 2013 года они составили 32,0 % от всего населения. Это значит, что ежегодный приток подростков в трудоспособное население будет равняться 19-23 тыс. человек. Число же выходящих из трудоспособного возраста

составляет примерно 3,6-4,2 тыс. человек в год, и такое количество может быть сохраниться в течение ближайших 5 -7 лет. Это говорит о том, что прирост трудовых ресурсов достигает 15,5-18,8 тыс. человек в год. Все это произошло в основном за счет увеличения детской возрастной группы и уменьшения удельного веса лиц пенсионного возраста. Следовательно, неуклонное уменьшение удельного веса лиц пенсионного возраста при росте доли населения трудоспособного и детского возраста свидетельствует о наличии в Республике Каракалпакстан тенденции омоложения населения.

Изменения в возрастной структуре населения сельской местности непосредственно повлияло на уровень экономической нагрузки трудоспособного населения. В связи с увеличением доли трудоспособной части населения начиная, с 2005 года, в Республике Каракалпакстан, наблюдается стабилизация экономического роста аграрного сектора и следовательно производственной нагрузки населения. Однако, необходимо отметить, что размещение населения и вовлечение резервов труда в сельское хозяйство требует желать ещё лучшего.

Таким образом, динамика роста и размещение население по природным экономическим районам, и в целом по республике Каракалпакстан не одинаково. Огромный прирост население наблюдается в южных районах, особенно Амударьинском, Берунийском, Элликкалинском и Турткульском районах. В связи с этим трудообеспеченность и резервы труда не везде совпадают. Например, в южных районах Республики размещено более 669 тыс. человек, т.е. 63,9 % сельского населения и только 16 % пахотно-пригодных земель, а в северных и Аральских районах же размещено соответственно 376,3 тыс., т.е. 44,0 % сельского населения и 71,3 % пахотно-пригодных земель. Поэтому, для освоения колоссальных резервов земель северного и Приаральского региона Каракалпакстана возникает необходимость полного использования внутренних резервов труда и отчасти компенсировать путем перераспределения населения между природно-экономическими районами, что обеспечивает повышение производительности труда и благосостояние сельского населения.

Таблица 2

**Рост численности рабочих и служащих, работающих в отраслях производственного комплекса региона, тыс. чел.**

№	Отрасли хозяйства	Годы						2013 год, в %	
		1990	1995	2000	2005	2010	2013	1990	2010
1	Общая численность раб. и служащих:	396,5	451,6	4 89,0	522,5	561,0	610,5	2,2	108,8
2	Вт.ч. промышленность	23,7	38,3	48,0	46,2	51,0	53,3	2,2	104,5
3	Строительство	26,2	49,2	72,2	47,2	51,3	56,4	2,1	109,9
4	С/хозяйство	97,2	93,3	178,6	176,8	191,8	195,6	1,9	101,9
5	Транспорт и связь	27,5	27,1	30,4	19,6	29,6	32,5	118	109,7
6	Торговля и общ. пит.	21,4	25,3	38,0	43,6	48,3	55,2	2,6	114,2
7	Ком. хозяйство	5,8	9,0	10,0	17,2	19,1	27,2	4,7	142,4
8	Здравоохранение	17,8	29,5	31,0	40,4	43,9	45,6	2,5	103,8
9	Образование	34,4	62,5	70,0	91,8	98,5	99,2	2,9	100,7
10	Фин., кредит и страхование	1,2	1,5	3,0	2,8	2,7	4,9	2,8	181,4
11	Гос. учреждение и другие.	6,3	6,8	14,4	11,5	11,8	12,7	2,0	107,6
12	Другие отрасли	9,6	5,4	8,0	11,4	12,9	28,9	3,0	2,2 р

Таблица составлена авторами по данным Управления статистики РК.

В целом по Республике Каракалпакстан наблюдается значительный рост занятых в общественном производстве людей. Особенно быстро увеличивается число рабочих и служащих в сельском хозяйстве, строительстве, транспорте и связи (Табл. 2).

Как видно из данных таблицы, общий прирост численности рабочих и служащих по отраслям народнохозяйственного комплекса Республики Каракалпакстан составляет 2,2 раза, а по сравнению с 2010г. - 8,8%. Это объясняется, более комплексным развитием этих отраслей производства. Значительно быстро растет численность рабочих и служащих в сфере услуг – в торговле, коммунальном хозяйстве, в сфере платного обслуживания, населения, здравоохранении, образовании, что соответствует выполнению задач по дальнейшему повышению материального благосостояния населения. В связи с возрастанием численности детей увеличивается и количество работающих в дошкольных учреждениях и учительского состава. Определенная часть трудоспособных людей занята также в домашнем и личном хозяйстве. Они при первой же возможности могут быть вовлечены в фермерское, декханское и личное подсобное хозяйство сельчан.

В настоящее время в Республике Каракалпакстан насчитывается более 982,3 тыс. человек в трудоспособном возрасте. Из них 418,5 тысяч учатся в средних общеобразовательных школах, в высших и средних специальных учебных заведениях. Исключая также инвалидов, находящихся в трудоспособном возрасте, можно считать, что экономически активная часть населения составляет 641,5 тыс. человек.

Расчеты показывают, что 2/3 трудовых ресурсов, приходится на долю сельской местности. Если учесть нужды народного образования, здравоохранения, торговли, бытового обслуживания населения, строительства на селе, то для сельскохозяйственного производства остается примерно 208 тыс. человек.

Фактически же в сельскохозяйственных предприятиях работает 195,6 тыс. человек. Таким образом, нагрузка

посевной площади на одного человека составляет 2,1 -2,6 га. При комплексной механизации производственных процессов можно довести нагрузку посевной площади хлопчатника до 5-7 гектаров, зерноводство – до 7-10 гектаров, люцерны – до 35-50 гектаров, в среднюю площадь всех сельскохозяйственных культур – до 8 гектаров. Следовательно, существующее количество трудоспособных, занятых в земледелии, достаточно для дополнительного освоения еще 50-60 тыс. гектаров и доведения общей посевной площади до 450 тыс. гектаров. Поэтому утверждение, будто собственных трудовых ресурсов сельского хозяйства республики не хватает для расширения посевных площадей и для организаций дополнительных отраслей, что требуется переселение из других регионов, на наш взгляд, считаем необоснованным. Сельское трудоспособное население и в перспективе будет являться источником обеспечения других отраслей производства и инфраструктурных объектов сельской местности рабочей силой.

Другое дело, что и сейчас, и в дальнейшем потребуются внутриреспубликанское и внутрирайонное переселение. В Турткульском районе в староорошаемой зоне почти исчерпаны резервы пахотно-пригодных земель, район давно осваивает Кырккызский массив, который находится не совсем далеко от густонаселенных пунктов. В начале, этот массив осваивался всеми хозяйствами по принципу пайщиков, а в последующем там организовано новое хозяйство «Кырккыз», выделены средства на освоение земель. Для дальнейшего расширения посевных площадей начато внутрирайонное переселение людей из густонаселенной зоны Турткульского района в Кырккызский массив. Примерно такое же положение с освоением новых территории в Беговитском районе.

На границе Амударьинского и Ходжейлийского районов нет обширных свободных массивов. Но в зоне орошения имеются незанятые под посевы земли, которые при проведении необходимых мелиоративных работ могут быть использованы. В северных районах Каракалпакстана – Шуманайском, Канлы-

кульском, Кунградском, Нукусском, Кегейлийском, Чимбайском и Тахтакупырском дополнительная потребность в рабочей силе носит иной характер. На границах каждого из них имеются свободные массивы, освоение которых проводится в освоением под посевы зерноводства, технических (подсолнечник) культур, рапса и кормопроизводству.

Дополнительным источником удовлетворения потребности зерноводства в рабочей силе может служить население, проживающее как на селе, так и в районных центрах и частично люди, переселенные из Муйнакского района. В то же время северные районы испытывают значительные трудности из-за текучести кадров. В связи с этим для успешного решения проблемы использования сельских трудовых ресурсов вытекает необходимость организации инфраструктурных объектов, позволяющих привлечь трудоспособных жителей села, временно свободных от полевых работ в сферы услуг.

Важным вопросом, касающегося всех сторон экономики сельского хозяйства, является закрепление молодежи в фермерских и арендных хозяйствах. Мы выше указали наличие трудовых ресурсов в сельской местности и большой удельный вес подростков в общем количестве населения. Поэтому для закрепления их на постоянное жительство надо создать необходимые условия для удовлетворения их запросов и культурного досуга.

В настоящее время, в связи с трудовыми ресурсами в сельской местности.

#### Список литературы:

1. Салиев А., Махамдалиев Р. Иқтисодий ва сиёсий география асослари. – Тошкент: Университет, 2003.
2. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. – Ташкент, 1995, 2000-2010 гг.
3. Социально-экономические развития Республики Каракалпакстан за январь-декабрь 2013 года. Стат. сборник. – Нукус, 2014.

### Хайдарова С., Гаппаров А., Усмонова С. МИРЗАЧЎЛ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ХУДУДЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ЖОЙЛАШИШ ХУСУСИЯТЛАРИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

**Аннотация:** мақолада Сирдарё вилояти мисолида Мирзачўл иқтисодий райони аҳолисини худудий ташкил этишнинг минтақавий хусусиятлари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** миграция, аҳоли пунктлари, ўзлаштирилган худуд, демографик ривожланиш, иқтисодий район, чўл худудлари.

### Хайдарова С., Гаппаров А., Усманова С. ОСОБЕННОСТИ РАЗМЕЩЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ ОСВОЕННЫХ ТЕРРИТОРИЙ МИРЗАЧУЛЬСКОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЙОНА (НА ПРИМЕРЕ СИРДАРЬИНСКОГО ВИЛОЯТА)

**Аннотация:** в статье рассматриваются региональные особенности территориальной организации населения Мирзачульского экономического района на примере Сирдарьинского вилоята.

**Ключевые слова:** миграция, населенный пункт, освоенные территории, демографическое развитие, экономический район, пустынные территории.

**Haydarova S., Gapparov A., Usmanova S.**

**PECULIARITIES OF THE POPULATION DEVELOPMENT IN THE MASTERING TERRITORIES OF THE ECONOMICAL DISTRICT MIRZACHO'L (ON EXAMPLE OF SIRDARYA REGION)**

**Abstract:** the territorial formation of the population is analyzed in the article as a social aspect of the development of the economical district Mirzachul on example of Sirdarya region.

**Key words:** migration, settlement, territory development, demographic development, economic region, the desert areas.

**Кириш.** Мирзачўл иқтисодий райони худудида чўлни ўзлаштириш ишлари кенг кўламда амалга оширилганлиги, бу воқеанинг республика иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, шу жумладан аҳоли ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатганлиги ҳаммага маълум.

Чўл худудларини ўзлаштириш ушбу худудларда аҳоли ташкил топишининг ўзига хос даврий жараёнини ҳосил қилди. Чўл туманларидаги аҳоли асосан унинг миграция ҳаракатлари натижасида содир бўлган. Миграция ҳаракатлари, ўз навбатида, давлат режаси доирасида ва, шу билан бирга, аҳолининг ихтиёрий кўчиб келиши орқали амалга ошганлиги таъкидланади. Аҳолининг таркиб топиши умумий тарзда ягона йўналишда олиб борилган, лекин ҳар бир ўзлаштириш жараёнида аҳоли жойлашуви тизимининг шаклланишида ўзаро фарқларга эга. Бинобарин, ўзлаштирилган худудларда ташкил топган вилоятлар ва уларнинг таркибидаги туманлар аҳолисининг худудий жойлашуви ва демографик ривожланишини алоҳида таҳлил қилиш, шунгдан сўнг қиёсий тавсиф бериш мақсадга мувофиқдир.

**Асосий қисм.** Сирдарё вилояти туманлари тўлиғича ўзлаштирилган чўл худудларида шаклланган. Шунга кўра туманлар аҳолиси географиясини вилоят миқёсида таҳлил қилиш мумкин.

Сирдарё вилояти туманларида демографик ривожланиш юқори даражада бўлмасада, аҳоли зичлиги анча катта эканлиги кузатилади. 8 туманнинг 6 тасида аҳоли зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 100 кишидан ортади, Боёвут туманида 200 кишидан ҳам зиёддир. Вилоят аҳолисининг ўсиши бошқа ўзлаштирилган худудларга нисбатан биров сустроқ. У 2008-2013 йиллар мобайнида 34,4 минг кишига кўпайган, бу йилига ўртача 8,6

минг киши демакдир. Аҳоли ташкил топиши тарихида ҳам умумий тарзда паст даража қайд этилади. 1979 йилда вилоятда 447,9 минг киши, 1989 йилда 568,3 киши яшаганлигини ҳисобга олсак, ўзлаштириш авж олган йилларда ҳам вилоятда аҳоли ўсиши унчалик юқори бўлмаганлиги эътироф этилади. Шу 10 йил давомида аҳоли 120,4 минг кишига кўпайган, бу йилига 12,04 кишига тенгдир. Таққослаш учун келтириш мумкинки, Жиззах вилоятида айти шу йилларда 510,7 минг ва 736,7 минг киши бўлган; 10 йил давомида аҳолининг кўпайиши 226 минг кишини, йилига 22,6 минг кишини ташкил этган.

Хулоса қилиш мумкинки, вилоят аҳолисининг табиий ҳаракати йиллар давомида юқори даражага эга бўлмаган. Аҳолининг механик ҳаракати ҳам аҳоли таркиб топишида жуда катта ўрин тутди. Сўнгги йилларда бу жараёнларда бир қанча ўзгаришлар кузатилади.

Сирдарё вилояти аҳолиси асосан миграция таъсирида шаклланган республикадаги ягона минтақа ҳисобланади. XX асрнинг илк йилларидаёқ бу худудларга Россиядан деҳқонлар кўчириб келтирила бошлаган. XX асрнинг 60-йиллари Мирзачўлни комплекс ўзлаштириш бошланган даврида вилоятда аҳолини худудий ташкил этиш бошланган. Мирзачўлни ўзлаштириш учун асосан Фарғона вилояти аҳолиси, кейинчалик, Самарқанд ва Жиззах тоғ ва тоғ олди худудлари қишлоқларидан аҳоли кўчирилиб келтирилган. Шу билан бирга, меҳнат ресурсларини жалб қилишда аҳолининг ихтиёрий равишда кўчиб келиши ҳам рағбатлантирилган; аҳоли уй-жой ва томорқалар билан таъминланган.

Энг сўнгги йилларда ҳам вилоятда миграция жараёни фаол кечмоқда. 2008-2012 йилларда вилоятга ҳар минг кишига

нисбатан 8,0-8,5 киши кўчиб келган. Миграция қолдиғи манфий бўлиб, бу вазият мустақиллик йилларида юзага келди, аҳолининг кетиши асосан миллий таркибнинг турличалиги ва тоғли ҳудудлардан келган аҳолининг ўз жойларига қайтиши билан изоҳланади. Айниқса, Қозоғистон ҳукума-

тининг миграция сиёсати республикамизда қозоқ миллатига хос кишиларнинг кўчиб ўтишларига сабаб бўлди. Шунингдек, Россия ҳудудидан кўчириб келтирилган турли миллат вакилларининг ўз ватанларига қайтишлари ҳам миграциянинг тескари оқимини кучайтирди.

1-жадвал

**Сирдарё вилояти аҳолисининг табиий ва механик ҳаракати**  
(1000 кишига нисбатан, 2013 йил)

№	Ҳудудлар	Аҳоли табиий ҳаракати			Аҳоли миграцияси		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келганлар	кетганлар	миграция қолдиғи
<b>Вилоят бўйича</b>		<b>22,8</b>	<b>4,8</b>	<b>18,0</b>	<b>7,9</b>	<b>12,2</b>	<b>-4,3</b>
1	Гулистон ш	21,6	5,3	16,3	10,3	13,2	-2,9
2	Ширин ш	24,9	5,3	19,6	12,0	22,6	-10,6
3	Янгиер ш	23,3	6,9	16,4	19,3	18,3	1,0
<i>Туманлар</i>							
1	Боёвут	21,7	4,6	17,1	6,9	8,8	-1,9
2	Гулистон	25,5	4,6	20,9	8,0	8,7	-0,7
3	Мирзаобод	24,5	3,8	20,7	6,1	9,1	-3,0
4	Оқолтин	21,3	3,3	17,0	10,3	18,0	-7,7
5	Сардоба	19,7	3,6	16,1	7,0	15,4	-8,4
6	Сайхунобод	25,1	3,9	21,2	5,0	13,4	-8,4
7	Сирдарё.	22,6	6,5	16,1	7,0	13,0	-6,0
8	Ховос.	22,9	4,5	17,4	5,1	7,6	-2,5

*Жадвал Сирдарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.*

Вилоятда ҳозирги кунда 5 та шаҳар ва 16 та шаҳарча, 268 та қишлоқ мавжуд. бўлган қишлоқларга ҳам шаҳар мақоми Вилоят урбанизация даражасини кўтариш берилган.

2-жадвал

**Сирдарё вилоятида ташкил этилган янги шаҳарчалар**

№	Номи	Тумани	Аҳолиси, киши
1	Марказ	Боёвут	4111
2	Боёвут-разъезд	Боёвут	2430
3	Дўстлик	Боёвут	2809
4	А. Турдиев	Гулистон	4000
5	Бешбулоқ	Гулистон	2514
6	Улуғбек	Гулистон	1942
7	Наврўз	Мирзаобод	1891
8	Оқолтин	Мирзаобод	3289
9	Сардоба	Мирзаобод	14976
10	Фарғона	Оқолтин	10338
11	Гулистон	Оқолтин	8065
12	Шўрўзак	Сайхунобод	2812
13	Қуёш	Сайхунобод	3342
14	Малик	Сирдарё	3737
15	Охунбобоев	Сирдарё	2280
16	Ж. Маманов	Сирдарё	3122

*Жадвал Сирдарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.*

Кўриниб турибдики, баъзи аҳоли пунктларида аҳоли сони 2000 дан сал ошади, Гулистон туманидаги Улуғбек шаҳарчасида эса аҳоли 2000 га ҳам етмайди. Айни вақтда Сардоба ва Фарғона шаҳарчаларининг демографик салоҳияти анча катта.

Вилоятда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси тақсимоотида бир қанча тафовутлар мавжуд. Бу тафовутлар, ўз навбатида, туманларнинг аҳоли сони, аҳоли пунктларининг ривожланиши, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш каби бир қатор омилларга боғлиқ.

Вилоятдаги аҳоли ривожланиши умумий тарзда тавсифланганида бу

туманлардаги аҳоли сони, уларнинг зичлиги, турмуш тарзини ҳам ифодалаш жоиз, зеро қишлоқ туманларида шаҳар мақоми берилган аҳоли пунктларидаги оилалар ҳали қишлоқ турмуш тарзи билан яшайди. Шунга кўра, бу туманларда шаҳарга хос оилалар ҳали йўқ, деса ҳам бўлади. Хусусан, қуйидаги жадвалда кўрсатилган оилалар сони бўйича маълумотларда қишлоқ туманларидаги барча оилалар қишлоқ оилалари сифатида баҳоланади, чунки ушбу туманлардаги шаҳар мақоми берилган аҳоли пунктларида оилалар қишлоқ турмуш тарзи ва хўжалик фаолияти билан яшайди.

3-жадвал

**Сирдарё вилояти аҳолисининг аҳоли пунктлари бўйича умумий тақсимооти**  
(01.01.2010 й.)

№	Худудлар	Аҳолиси, киши	Шу жумладан		Оилалар сони	Шу жумладан	
			Шаҳар	қишлоқ		шаҳар	Қишлоқ
<b>Вилоят бўйича</b>		<b>723700</b>	<b>299100</b>	<b>424600</b>	<b>187200</b>	<b>41200</b>	<b>146000</b>
1	Гулистон ш	78100	58900	19200	22100	22100	-
2	Ширин ш	16800	16800	-	4400	4400	-
3	Янгиер ш	32900	32900	-	14700	14700	-
<i>Туманлар</i>							
1	Боёвут	109000	24100	84900	29100	-	29100
2	Гулистон	60000	21000	39600	15400	-	15400
3	Мирзаобод	60700	5400	55300	12400	-	12400
4	Оқолтин	52000	25600	26400	13300	-	13300
5	Сардоба	56000	15500	41600	12400	-	12400
6	Сайхунобод	65600	16600	49000	15600	-	15600
7	Сирдарё.	110700	54200	56500	28500	-	28500
8	Ховос.	81400	28100	53300	19300	-	19300

*Жадвал Сирдарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.*

**Хулоса.** Вилоят Мирзачўл иқтисодий районида алоҳида иқтисодий ва ижтимоий ўринга эга. Бу алоҳидалик вилоят худудининг тўлиғича чўлга хос қишлоқ хўжалиги ва аҳоли жойлашувининг хусусиятлари билан боғлиқдир. Айни вақтда республикамизда аҳоли пунктларини тизимли ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Урбанизация ва саноатлашув жараёнларининг бир бутунлиги эътироф

этилса, текислик худудларида ушбу жараёнларни жадаллаштириш учун қулай омиллар мавжуд. Иқтисодий районда йирик саноат корхоналарини барпо этиш ва шу билан бирга, урбанизацияни ривожлантириш республика аҳамиятига эга масала бўлиб, уни ҳал этишда Сирдарё вилоятининг худудий имкониятлари анча катта.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Солиев А., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари. Монография. – Тошкент: “Фан ва технология”, 2009.
2. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Монография. Ўзбекистон худудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Монография. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2010.
3. Солиев А. Ўзбекистон географияси. Дарслик. – Тошкент, 2014.
4. Сирдарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Мадаминов З.

### ИСТЕЪМОЛ ГЕОГРАФИЯСИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ФАНЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

**Аннотация:** халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Мақолада истеъмол географиясининг иқтисодий географик фанлар тизимида тутган ўрни кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий география, истеъмол, истеъмол географияси, аҳоли географияси, хизмат кўрсатиш географиси, меҳнат ресурслари.

Мадаминов З.

### ГЕОГРАФИЯ ПОТРЕБЛЕНИЯ И ЕЁ МЕСТО В СИСТЕМЕ ЭКОНОМИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИХ НАУК

**Аннотация:** производство товаров народного потребления имеет важное социально-экономическое значение. Рассмотрено место географии потребления в системе экономико-географических наук.

**Ключевые слова:** экономическая география, потребление, география потребления, география населения, география сферы обслуживания, трудовые ресурсы.

Madaminov Z.

### THE GEOGRAPHY OF THE CONSUMPTION AND HER (ITS) PLACE IN SYSTEM ECONOMY-GEOGRAPHICAL SCIENCES

**Abstract:** production of national goods is explained population size increasing consumers. This article is about consumption geography which belongs to geographic-economical subject.

**Key words:** economic geography, consumption, consumption of geography, population geography, geography of the service sector, labor resources.

**Кириш.** Миллий саноат ривожланишининг аҳамияти асосан, унинг иқтисодий ўсишига эришиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва миллий бозорни инвестицион ҳамда истеъмол маҳсулотлари билан тўлдиришдаги роли билан белгиланади. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида саноатнинг кўпроқ хом-ашё казиб олувчи, қайта ишловчи ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи соҳалари устун ривожланди. Бунинг натижасида ёқилғи мустақиллиги таъминланди, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш даражаси ортиб, ички истеъмол бозори маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари билан тўйинтирилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг муҳим бўғинига айланиб бормоқда. Бу республика қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган сиёсатнинг умумий устувор йўналишларидан биридир. Чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш республикада озиқ-овқат муаммосини тубдан ҳал қилишни талаб этади. Ҳозирги вақтда республикага ташқаридан олиб келинаётган дон, картошка, чорвачилик маҳсулоти, шунингдек, шакар ва бошқа маҳсулотлар билан ўзини ўзи таъминлаш даражасини ошириш жуда муҳим вазифадир” [1].

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ҳозирги

замонавий географик адабиётларда “истеъмол географияси” ўз қонуний ҳуқуқларига эга бўлиб бормоқда ва иқтисодий географик фанлар тизимида мустақил тармоқ сифатида белгиланмоқда. Иқтисодий географиянинг предметини тушунтиришга ҳаракат қилган Ю.Г.Саушкин “География жуда мураккаб динамик ҳудудий системани ташкил этади ва табиат- ишлаб чиқариш-аҳоли-истеъмол-аҳоли-табиат” кўринишида намоён бўлади дея таъкидлаган. Унинг фикрича, иқтисодий географияда алоҳида тармоқ сифатида юзага келган истеъмол географияси асосан аҳоли географияси қарамоғида ривожланмоқда[3].

Истеъмол географияси ва унинг иқтисодий географик фанлар тизимидаги ўрни ҳамда ўзаро алоқаларини ўрганиш тадқиқот ишининг асосий мақсади ҳисобланади

**Тадқиқот усуллари.** Аҳоли истеъмолини географик жиҳатдан ўрганишда турли тадқиқот усулларидан фойдаланилади. Улар қаторига статистик, картографик, таққослаш ва бошқа тадқиқот усуллари киритиш мумкин. Айниқса, истеъмол жараёнини статистик тадқиқот усулисиз тасаввур қилиш қийин. Статистик тадқиқот усулини картографик тадқиқот усули билан қўшган ҳолда фойдаланилса, истеъмол жараёнини ўрганишнинг моҳияти кенгайди, таҳлил даражаси ҳам ортади.



**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Истеъмол географиясини ўрганиш предмети хизмат кўрсатиш географиясини ўрганиш предметидан фарқ қилади. Истеъмол географияси ишлаб чиқариш жараёнидаги сўнгги босқични, яъни истеъмолни ўрганади ҳамда истеъмолнинг худудий фарқлари, унинг даражасини ва таркибини аниқлайди. Шунингдек, мамлакат миқёсида ва минтакалараро истеъмол даражасини таснифлайди. Хизмат кўрсатиш эса ишлаб чиқариш ва аҳоли истеъмоли ўртасида алоқадорликни таъминлайди.

Иқтисодий география фанлари тизимида истеъмол географияси оралик ўринни эгаллайди, хизмат кўрсатиш географиясининг ичига чуқур кириб борса, аҳоли географиясининг чегарасига яқинлашади. Мамлакат ёки минтақада халқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришнинг ўзига хослиги ва қонуниятлари, бу тармоқларнинг сезиларли даражада комплекс равишда ўзаро таъсир кучи, аҳолининг озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар билан таъминланишига катта таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқаришни худудий ташкил этиш аҳоли истеъмолини ўрганишда ва амалиётда қўлланилишида самара бериши мумкин. Натижада, аҳоли турмуш тарзининг меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқаришнинг жойлашувидаги тафовутлар кўриниб қолади.

Иқтисодий географиянинг аҳоли истеъмолининг ўрганишдаги вазифаси куйидагилардан иборат:

- аҳоли истеъмолининг вужудга келиши ва ишлаб чиқариш имкониятларини таъминлашда табиий –географик муҳитни ўрнини баҳолаш;

- социал-иқтисодий, табиий географик, демографик ва бошқа омилларнинг комплекс ўзаро таъсирининг истеъмол таркиби ва даражасига таъсирини ўрганиш;

- аҳоли истеъмолида озиқ-овқат, кийим-кечак, пойафзал, маиший техника маҳсулотларининг ҳажми ва таркибини худудий жиҳатдан таҳлил қилиш;

- истеъмолнинг узок ривожланиш жараёнлари ва қонуниятларини ишлаб чиқиш;

- мамлакатнинг бирор худудида аҳоли истеъмоли даражасини белгилаш, истеъмолнинг нисбий нормасини аниқлаш, бу минтақанинг мамлакатнинг бошқа минтақаси билан тўлалигича солиштириш ва тафовутларни аниқлаш;

- аҳолининг истеъмол имкониятлари яхшилаш, режалаштириш.

Аҳоли истеъмоли эҳтиёжга қараб турланади. Масалан, энг керакли маҳсулотлар, эҳтиёж нисбатан камроқ маҳсулотлар ва бошқалар. Аҳоли истеъмолини ўрганиш асосида нафақат унинг миқдорий кўрсаткичлари, балки сифат даражаси ҳам эътиборга олинади.

Бугунги кунда аҳоли шахсий истеъмолини куйидаги гуруҳларга бўлиб, таҳлил қилиш мумкин: қисқа муддатда фойдаланиладиган кунлик буюмлар (озик-овқат маҳсулотлари, баъзи кийимлар, уй-рўзгор буюмлари ва бошқ.) тез вақт давомида истеъмол қилинади ва жамғарилмайди; ўртача муддат давомида фойдаланиладиган буюмлар (кийим-кечак, пойафзал, гигиена воситалари) эса уч йилгача бўлган даврда фойдаланилади; узок муддат фойдаланиладиган буюмлар (уй-жой, мебель, электр асбоблар, енгил автомашиналар, велосипедлар, фотоаппаратлар, устки кийим, гилам, мўйнали кийимлар ва бошқ.) бир неча йил давомида фойдаланилиб, жамғарилади.

Узоқ вақт фойдаланиладиган маҳсулотлар хизмат кўрсатиш муддатига қараб бўлинади. Масалан маиший-маданий воситалар, уй жиҳозлари, телевизорлар 8-10 йил муддатга мўлжалланган бўлса, совутгичлар 15-20, кир ювиш машиналари 10-15 йил, тикув машиналари 20-30 йил муддатга бўлиниши бўлиши мумкин. Лекин аҳолининг даромадлари ортиб боргани сари айрим ижтимоий гуруҳларнинг истеъмол даражасининг ўзгариши бир хилда кечмайди. Бу кўпинча истеъмол молларининг эластиклиги билан боғлиқ бўлиб, истеъмол молларининг эластиклиги аҳоли даромади миқдорига ва бошқа омиллар таъсирига бевосита боғлиқ. Аҳолининг даромади қанча кўп бўлса, уларнинг истеъмолини турли-туманлиги ошиб боради.

Аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини

етказиб беришда фақат унинг миқдорини эмас, балки унинг сифатини ҳам ҳисобга олиш зарур. Баъзи олимларнинг таъкидлашича, инсоннинг нормал ўсиши ва қайта тикланиши учун маълум миқдорда озик- овқат маҳсулотлари таркибида оксил, ёғ, углевод ва ҳар хил витамин ҳамда минерал тузлар бўлиши керак. Академик С.В.Несмеяновнинг таъбирида, бу нарсаларнинг баъзилари “ёқилғи” сифатида сарфланган энергияни қопласа, айримлари “қурилиш материали” бўлиб, одам танасида тўқималар ҳосил қилади, қолганлари эса одам организмида модда алмашинувини таъминлайди. Инсонга зарур бўлган у ёки

бу моддаларнинг миқдори жисмоний ёки ақлий меҳнатга, ёшига, табиий шароитга ва инсон организмнинг индивидуал хусусиятига боғлиқ бўлади.

**Хулоса.** Истеъмол географиясининг иқтисодий географик фанлар тизимида эгаллаб бораётган ўрни бевосита аҳоли сони ҳамда эҳтиёжларнинг доимо ортиб бориши билан тавсифланади. Инсон эҳтиёжларининг узлуксиз равишда ўзгариб бориши истеъмол географиясининг янги йўналиш сифатида ўрганишни тақозо қилади ҳамда иқтисодий география фанлари қаторида мустақкам ўрин олишига замин яратади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотлари чуқурлаштириш йўлида. - Тошкент: Ўзбекистон, 1995. - 25 б.
2. Калмуцкая Э.И. География потребления. - Черновцы, ЧГУ, 1980.
3. Саушкин Ю.Г. Введения в экономическую географию. - М.: Издательство МГУ, 1970.

**Ходжаева Г.А., Кушаев Р.А.**

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДЕМОГРАФИК САЛОҲИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

**Аннотация:** мақолада Қорақалпоғистон Республикаси демографик салоҳиятининг шаклланиш манбалари баён этилган.

**Калит сўзлар:** аҳоли, демографик салоҳият, демографик ўтиш даври, туғилиш, табиий кўпайиш, миграция, миграция сальдоси.

**Ходжаева Г.А., Кушаев Р.А.**

### ФОРМИРОВАНИЕ ДЕМОГРАФИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

**Аннотация:** в статье рассмотрены вопросы воспроизводства населения и формирования демографического потенциала Республики Каракалпакстан.

**Ключевые слова:** население, демографические условия, демографический переходный период, рождаемость, естественный прирост, миграция, сальдо миграции.

**Xodjaeva G.A., Kushaev R.A.**

### FORMATION OF DEMOGRAPHIC POTENTIAL OF KARAKALPAKSTAN

**Abstract:** in this article considered problems about reproduction of population and foundation demographic potential of the Republic of Karakalpakstan.

**Key words:** population, demographics, demographic transition, fertility, natural growth, migration, migration balance.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жаҳон иқтисодиётида ўзининг ўрнини топиб, ривожланган мамлакатлар қаторига кириш йўлида жадал одимлаб бормоқда. Бу даврда республика иқтисодиётининг ҳар бир жабҳасида ўсиш ва ривожланишлар кузатилмоқда. Бундай ўзгаришлар аҳолининг турмуш шароитини тубдан яхшилаш, саломатлик даражасини ошириш йўлида кўплаб чора-тадбирлар олиб борилиб, у ҳозирда ўз самарасини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда аҳолининг ўсиши, фаровонлигини таъминлаш ва саломат-

лигини муҳофаза этиш йўлида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг: «Оила йили», «Аёллар йили», «Оналар ва болалар», «Мустақкам оила», «Обод турмуш йили», «Кексаларни эъзозлаш йили» деб белгиланиши, «Соғлом авлод йили» орденларининг таъсис этилиши ва бошқа тадбирлар бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом она ҳамда соғлом болани келажакка етказиб бериш

борасидаги ишлар аҳоли ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Аммо бу тадбирлар оилада 5-6 та ёки 7-8 та фарзанд туғилмасин, дегани эмас; агар она соғлом бўлса, соғлом фарзанд дунёга келтиришга қурби етса, моддий жиҳатдан таъминлашга имконияти бўлса, фарзандлар сонини чеклаш қийин. Бироқ, бугунги кунда аёлларнинг соғлиги, турмуш шароити, оиланинг моддий томонлари «**кўп болалик**»ни маъкул кўрмаслигидан далолат бермоқда. Бу эса кўп болаликдан «**ўртача ва кам болалик**»ка ўтиш даври бошланишига олиб келди ва у турли

худудий таркибларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлди [1]. Зеро, бозор муносабатлари шароитида мамлакатда демографик ўтиш даври юз берди. Ўтиш даврини бошидан ўтказётган давлатлар аҳолиси репродуктив майлидаги ўзгаришлар нафақат оилаларда фарзандлар сонининг кам туғилишига, балки унинг сифат кўрсаткичлари ортишига хизмат қилмоқда. Бу ерда аҳолининг саломатлиги, маълумотлиги, иш билан таъминланганлиги, ўртача умр кўриш даври ва бошқалар назарда тутилмоқда.

Жадвал

**Қорақалпоғистоннинг демографик кўрсаткичлари  
(минг киши ҳисобида, 2004–2013 йиллар)**

	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Доимий аҳоли сони	1560,3	1569,9	1571,9	1582,7	1595,4	1615,7	1632,0	1680,9	1692,8	1711,8
Туғилганлар	35195	32456	35203	36607	38788	40120	37942	35840	38207	39100
Ўлганлар	8216	9199	8594	8438	8610	8172	8342	8184	8208	8134
Табиий ўсиш	26979	23257	26609	28169	30178	31948	29600	27656	29999	30966
Кўчиб келганлар	14709	12783	12375	15235	13686	12723	14275	14041	12091	14238
Кўчиб кетганлар	32064	34106	28135	30722	23574	28324	26971	29848	23099	20528
Миграция сальдоси	–17355	–21323	–15760	–15487	–9888	–15601	–12696	–15807	–11008	–6290
Тузилган никоҳлар	9,1	9,7	11,3	15,7	16,3	16,5	17,8	17,9	16,7	16,5
Ажралишлар	0,7	0,5	0,7	0,7	0,5	0,7	0,9	0,7	0,8	1,0

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, Қорақалпоғистонда доимий аҳоли сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Лекин олдинги йилларга қараганда ўсиш суръати бироз пасайган. Бунга бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Мисол тариқасида аҳоли ўртасида оилани режалаштириш бўйича билимларнинг ўсиши, аҳолининг турмуш даражаси ва юз бераётган экологик вазиятни ҳам келтириб ўтиш мумкин. 1991-1993 йилларда аҳолининг ўртача табиий ўсиши 30-35 минг киши бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2001–2003 йилларда 23–24 минг киши атрофида бўлган. Бу йиллар оралиғида туғилиш бироз пасайган. 2008 йилдан бошлаб эса аҳолининг ўсиш суръати бироз тезлашганини таъкидлаш лозим. 2008 йилда табиий ўсиш 30178 кишини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда эса 27656

кишини ташкил қилган. 1991 йилда 38914 киши аҳоли сонига қўшилган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 23257 кишини ташкил қилган. 2013 йилга келиб эса табиий ўсиш 30966 кишига етган. 1991-2013 йиллар оралиғида табиий ўсиш энг паст кўрсаткичга эга бўлиб, 2005 йилда энг юқори кўрсаткич қайд этилиб, 1991 йилдаги даражага тўғри келди. 2013 йилга келиб эса табиий ўсиш яна ўсган, бу 1980-1990 йиллардаги кўп туғилиш билан боғлиқ.

Миграция сальдосига келадиган бўлсак, 2005 йилда бу кўрсаткич -21323 кишини ташкил қилган. Яъни кўчиб келганлар сонидан кўра кўчиб кетувчиларнинг сони 21323 кишига ортиқ. Бу республика учун манфий кўрсаткич. Лекин 2013 йилга келиб бу кўрсаткич деярли 4 бараварга камайган. Яъни 2013 йилда кўчиб келганлар сони 14238 кишини,

кўчиб кетувчилар сони 20528 кишини, миграция сальдоси – 6290 кишини ташкил қилган. Сўнги йилларда миграция сальдосининг камайишининг асосий сабаблари бу аҳолининг турмуш даражасининг ўсиши, янги иш ўринларининг яратилиши, урбанизация даражасининг ортиши, республика ичидаги инфратузилманинг яхшиланиши, яратилаётган янги имкониятлардир.

Бунга мисол тариқасида 2012 йилда Қорақалпоғистоннинг ялпи ички маҳсулоти миқдори 2 760,1 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2013 йилга келиб 2 993,6 млрд. сўмга етганлигини кўриш мумкин. Бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 111,5 % га ўсган.

Шу ўринда саноат маҳсулотлари миқдори 1143,0 млрд. сўмни, истеъмол товарлари 464,3 млрд., қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эса 930,0 млрд. сўмни ташкил қилган. Бу келтирилган рақамлардан шуни айтиш мумкинки ҳозирги кунда Қорақалпоғистон аҳолисининг турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий аҳолининг сўнги ўн йил ичидаги кўрсаткичларга нисбатан анча яхшиланганлигини кўришимиз мумкин. Тўғри миграция сальдоси ҳалиям манфий кўрсаткичда, лекин бу йилдан йилга камаймоқда. Бу эса республика аҳолисининг ўсишига ва меҳнат ресурсларининг ҳам ортишига сабабчи бўлади.

Аҳоли ўртасида тузилаётган никоҳлар сони ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Лекин бунга ҳам аҳолининг демографик билим даражасининг ошисхи ўз таъсирини кўрсатмоқда. 2010 йилда Қорақалпоғистонда 17800 та никоҳ рўйхатга

олинган бўлса 2011 йилда 17900 та, 2012 йилда 16700 та, 2013 йилга келиб эса 16500 та никоҳ тузилганлиги қайд этилган. 2010 йилга нисбатан тузилган никоҳлар бироз камайган. Бунга юқорида келтириб ўтилган сабаблар ўз таъсирини кўрсатган. Сўнги 5 йил ичида аҳолининг турмуш куриш ёши ҳам анча ўсди. 2009-2010 йилларда никоҳ ёши 18-20 ёш оралиғида бўлган бўлса, ҳозирги кунда бу 21-23 ёшни кўрсатмоқда.

Президентимиз томонидан 2015 йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилиниши ҳам аҳоли ўртасида кекса ёшдаги кишилар ўртача умр кўриш даврининг сезиларли даражада ўсишига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Бу бўйича 2015 йилнинг 18 феврал куни “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда “Кексаларни эъзозлаш йили”да аҳолининг катта ёшдаги қисмини ижтимоий ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш, уларнинг саломатлигини яхшилаш, пенсия таъминоти ва бошқа бир қанча қулайликлар яратиш тўғрисидаги масалалар кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Қорақалпоғистоннинг демографик салоҳияти яқин 5 йил ичида юқори кўрсаткичларга эришишини тахмин қилишимиз мумкин. Аҳоли сонининг ўсишида, миграция кўрсаткичларида барқарорлик кузатилиши кутилади. Бу эса аҳоли турмуш шароитининг тубдан яхшиланишига сабаб бўлиб хизмат қилади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши. Монография. – Тошкент, 2010.
2. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Демография. Дарслик. – Тошкент, 2014.
3. Хидиралиев К.Э. Аҳоли географияси ва демография асослари.
4. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари (www.stat.uz сайти).

#### Қодиров М., Бадалов Ў.

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ СОНИ ВА ЖОЙЛАШУВИ

**Аннотация:** мақолада Самарқанд вилояти аҳолиси ва аҳоли пунктлари, аҳоли жойлашув тизими ҳамда қишлоқ аҳолисининг табиий ва механик ҳаракати кўриб чиқилган.

**Таняч иборалар:** қишлоқ жойлари, иқтисодий-ижтимоий шароит, табиий ўсиш, механик ўсиш, туб жой аҳолиси, миграция сальдоси, тадбиркорлик ва кичик корхона.

#### Қодиров М., Бадалов Ў.

### ЧИСЛЕННОСТЬ И РАЗМЕЩЕНИЕ СЕЛЬСКОГО НАСЕЛЕНИЯ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ

**Аннотация:** в статье рассматриваются динамика численности населения и система расселения

Самаркандской области, изучается численность сельского населения, его естественное и механическое движение.

**Ключевые слова:** сельская местность, социально-экономические условия, естественный прирост, механический прирост, сальдо миграции, местное население, предпринимательство, малое предприятие.

**Kodirov M., Badalov U.**

#### THE NUMBER OF COLLIERY POPULATION AND ITS LAYOUT IN SAMARKAND REGION

**Abstract:** the dynamics number of population and the system of resettlement of population and populated locality in Samarkand region, as well as quantity of countrymen, natural and mechanic movement of population and etc are studied in this article.

**Key words:** countryside, economic and social condition, natural increase, mechanic increase, radical place population, migration balance, business and small enterprise.

Аҳолини ҳар томонлама ўрганиш ҳамма вақт долзарб вазифалардан бўлиб келган. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аҳолини, шунингдек қишлоқ аҳолисини комплекс ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Аҳолига доир масалаларни ҳал этиш бевосита унинг яшаш шароитини, миллий иқтисодиётни ва жамиятнинг ривожланишида муҳимдир. Шунинг учун, Ўзбекистон Ўрта Осиё давлатлари ичида аҳоли сони жиҳатидан биринчи ўринда туришини ҳисобга олиб, республика ва унинг вилоятлари аҳолисини мажмуали чуқур ўрганиш талаб этилади.

Ҳар бир мамлакат, республика аҳолиси сонининг ўсишида ўша давлатда ҳукмрон бўлган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, фан-техника тараққиёти, аҳоли онгининг ривожланиши аҳоли динамикасига таъсир этади. Ҳақиқатан ҳам, ижтимоий вазият ўзгариши билан аҳолининг меҳнат фаолияти ўзгариб боради. Масалан, собиқ СССР даврида Самарқанд вилояти, жумладан Самарқанд шаҳрида ҳам ишчилар салмоғи халқ хўжалиги таркибида 50 % дан юқори эди. Ҳозирги мустақиллик даврига келиб, вилоят аҳолисининг 60 % хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлиб, хусусан яқка тарбиркорликнинг салмоғи юқори ҳисобланади.

Самарқанд вилоятининг демографик вазияти ўзига хос бўлиб, у аввало аҳоли сонининг юқори даражада ўсишида намоён бўлади. Вилоят аҳоли сони жиҳатидан Фарғона вилоятидан кейин иккинчи ўринда турар эди. 1998 йилдан ҳозирга қадар биринчи ўринни эгаллайди. Вилоятда 3326,2 минг (2012 й.) аҳоли истиқомат қилади. Кейинги ўринларда Фарғона, Қашқадарё ва Андижон вилоятлари туради.

Вилоятда аҳоли сонининг тез ўсишида, хусусан қишлоқ аҳолисининг ўсишида, аввало табиий кўпайишнинг юқорилиги ва ўлим даражасининг нисбатан пастлиги таъсир этади. Ўрганиш объектимида 2012 йил маълумотида кўра 3326,2 минг киши яшаган бўлса, шундан 61 фоизини қишлоқ ва 39 фоизини шаҳар аҳолиси ташкил этган. Олдинги йилларда қишлоқ аҳолисининг салмоғи юқори эди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2008 йил 30 декабрдаги ўн еттинчи сессиясида қабул қилинган “Вилоят туманлари ҳудудидаги айрим қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳар туркумидаги посёлкалар тоифасига киритиш тўғрисидаги туман ҳокимларининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига кўра, 109 та қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳар туркумидаги посёлкалар тоифасига киритилди. Натижада қишлоқ аҳолиси салмоғи бироз пасайди.

Вилоят аҳолисининг ўсиш даражаси, жумладан шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида ҳар хил бўлган. Масалан, жами аҳоли ўсишининг энг юқори кўрсаткичлари 1979-1993 йилларда кузатилган. Ўсишнинг паст даражаси эса 1939-1959 йилларга тўғри келади.

Маълумки, аҳоли зичлиги аҳоли жойлашувининг асосий кўрсаткичларидан ҳисобланади. У бир вақтнинг ўзида ҳудуднинг хўжалик жиҳатидан ўзлаштирилганлиги ва унинг сараҳолийлик даражасини ҳам кўрсатади. Вилоятда аҳолининг умумий зичлиги 200 кишига яқиндир.

1979 йил маълумотида кўра вилоятда аҳолиси 1000 кишидан ортиқ бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари сони 286 та бўлган бўлса, 1998 йилда бу кўрсаткич 710 тани, 2012 йилда эса 1000 тадан ортиқни ташкил

этади. Йирик қишлоқлар асосан Самарқанд, Ургут ва Каттакўрғон туманларида жойлашган. Аҳолиси тез суръатлар билан ўсган қишлоқлар ичида Ургут туманида Ғўсс ва Самарқанд туманидаги Арабхона қишлоқлари киради. Бу қишлоқларда 1989-2012 йиллар мобайнида аҳоли ўртача 9-9,5 минг кишига кўпайган. Шунингдек, йирик қишлоқларга Пастдарғом туманидаги Чандир, Нуробод туманидаги Жом, Каттакўрғон туманидаги Мойбулоқ қишлоқлари ҳам мисол бўлади.

Вилоятнинг қишлоқ аҳолиси тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Жадвалдан кўриниб турибдики, 1979 йилда қишлоқ туманлари ичида аҳоли сони кўплиги жиҳатидан Ургут, Пастдарғом, Пайариқ ажралиб турибди. Аҳоли сонининг камлиги

билан эса, Булунгур ва Пахтачи туманларини кўрсатиш мумкин. 1989 йилга келиб, қишлоқ аҳолисининг ўсиш суръати яна ҳам кўпайган. Асосан аҳоли ўсишининг юқорилиги Самарқанд, Пастдарғом ва Каттакўрғон туманларида намоён бўлган. Ўсиш даражасининг пастлиги Оқдарё ва Пайариқ туманларида кузатилган. Қишлоқ аҳолисининг ўсиш даражалари 1979-1994 йилларда ҳам хос бўлиб, бу йиллар мобайнида ҳам ўсишнинг юқорилиги билан Самарқанд ва Ургут туманлари, ўсишнинг пастлиги билан эса, Пастдарғом ва Оқдарё туманлари ажралиб турган. Шу билан бирга, Қўшработ ва Пайариқ туманлари аҳолиси сони камайган, бунга улар чегарасининг ўзгариши сабаб бўлган.

1-жадвал

**Вилоят қишлоқ аҳолиси динамикаси**

Туманлар номи	Аҳоли сони (минг киши)			
	1979	1989	2007	2012
Оқдарё	61,8	62,0	93,5	78,8
Булунгур	52,6	73,0	114,9	119,9
Жомбой	59,5	75,5	113,0	108,0
Иштихон	86,6	93,1	164,4	150,4
Каттакўрғон	89,5	132,2	180,0	185,6
Қўшработ	77,9	83,0	97,5	97,0
Нарпай	60,8	81,6	121,1	125,7
Нуробод	62,4	71,9	101,4	111,1
Пайариқ	95,8	101,5	162,9	146,9
Пастдарғом	98,2	151,3	232,0	215,4
Пахтачи	54,4	72,7	106,2	100,3
Самарқанд	81,1	277,3	269,9	202,7
Тайлоқ	-	-	145,1	147,0
Ургут	132,0	186,5	306,0	237,9
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>1012,6</b>	<b>1461,6</b>	<b>2207,9</b>	<b>2026,7</b>

*Жадвал муаллифлар томонидан тузилган.*

1-жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, 2007 йилда барча қишлоқ туманларида аҳоли сони ўсган, фақат Самарқанд туманида у биров пасайган бўлиб, бунга сабаб Самарқанд туманидан Тайлоқ ажралиб алоҳида туманга айлангани таъсир кўрсатган. Бу йилда аҳолининг юқори ўсиши билан Булунгур, Ургут туманлари ажралиб турса, ўсишнинг пастлиги Қўшработ ва Нуробод туманларида кузатилади. 2012 йилга келиб, вилоят қишлоқ аҳолиси сонидан катта ўзгаришлар юз берди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 2008

йил ҳокимият қарори билан кўпгина қишлоқлар шаҳарлар тоифасига киритилди. Шунинг учун асосан Самарқанд, Ургут ва бошқа туманлар қишлоқ аҳоли сони камайган. Шу билан бирга, Булунгур, Каттакўрғон ва бошқа туманларда қишлоқ аҳолиси сони биров кўпайган, бу албатта туғилиш даражасининг юқорилиги билан боғлиқдир.

2-жадвал шундан далолат берадики, Самарқанд вилоятидан 109 та қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳар тусини олган. Уларни шаҳар типидagi посёлкаларга

айлантиришда, биринчи навбатда аҳолининг халқ хўжалиги тармоқларида бандлиги ҳисобга олинган. Шу билан бирга, уйларнинг ва умуман иморатларнинг қурилиши ва кўриниши, аҳоли сони ҳам эътиборга олинган.

Вилоят қишлоқ туманлари ичида энг кўп шаҳарчага айланган қишлоқ аҳоли пунктлари Ургутда-23 та,

Пастдарғомда 15 та ва Иштихонда 11 тани ташкил қилади. Буларнинг ҳар бирида ўртача 3000-5000 та аҳоли яшайди. Нарпай ва Нуробод туманларида битта, иккита қишлоқлар шаҳарчага айланган бўлишига қарамасдан, бу шаҳарчаларда 5000 га яқин ва ундан кўп аҳоли истиқомат қилади.

2-жадвал

**Самарқанд вилояти қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳар туркумидаги  
посёлкаларга айланганлиги**

Туман номи	Аҳоли пунктлари сони	Аҳолиси сони	Ўртача аҳоли сони
Оқдарё	8	28172	3521
Булунғур	3	7966	2655
Жомбой	5	16840	3368
Иштихон	11	34455	3132
Нарпай	2	11074	5537
Нуробод	1	4755	4755
Пайарик	9	31146	3460
Пастдарғом	15	51076	3405
Пахтачи	6	14499	2416
Самарқанд	8	14318	1790
Тайлоқ	7	20078	2868
Ургут	23	111286	4838
Каттакўрғон	6	16590	2765
Кўшработ	5	12004	2401

Шундай қилиб, вилоятнинг қишлоқ туманлари орасида 1979-2012 йиллар мобайнида аҳоли тез ўсиши билан олдинги ўринларни Булунғур, Каттакўрғон, Нарпай, Пастдарғом, Самарқанд туманлари эгаллайди. Бу туманларда ўртача ўсиш 210 % дан юқори. Бу жиҳатдан ўртача кўрсаткич билан Жомбой, Иштихон, Пахтачи туманлари ажралиб туради. Бу туманларда ўртача ўсиш 150 % дан юқоридир. Паст кўрсаткичлар Оқдарё, Кўшработ ва Пайарикда кузатилган. Бу туманларда ўртача ўсиш 127 % ни ташкил этади.

Кўриниб турибдики, қишлоқ аҳолиси ўсиш суръати жиҳатидан туманлар даражасида фарқлар катта. Бу авваломбор, аҳолининг яшаш шароити, уларнинг бандлиги, атроф-муҳитнинг таъсири, урбанизация даражаси ва бошқа омиллар билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ аҳолисининг ўсишида аҳолининг туғилиш даражаси билан бир қаторда, қишлоқ аҳоли пунктларнинг шаҳар посёлкаларига айлантирилганлиги ҳам бевосита ўз таъсирини ўтказган.

Маълумки, аҳолининг табиий

ҳаракати-туғилиш, ўлим кўрсаткичлари ва улар ўртасидаги фарқлари ҳисобланади. Аҳолининг табиий ва механик ҳаракатига кўп омиллар таъсир қилади. Айниқса ҳар бир миллатда ҳукмрон бўлган ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ўзгариб бориши мамлакатдаги демографик вазиятга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шунингдек, аҳолининг туғилиш ва табиий ўсишига, аҳолининг турмуш тарзи, эрта никоҳга кириш, аёлларнинг ижтимоий меҳнатга кам жалб этилганлиги, тиббий хизматнинг пастлиги, одамлар онгининг ривожланиш даражаси, миллий урф-одатлар, айниқса эркакларнинг спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиши, бахтсиз ҳодисалар, турли хил касалликлар ва бошқа омиллар билан ҳам боғлиқдир.

Республикамыз мустақилликга эришгандан сўнг ижтимоий-иқтисодий вазият тубдан ўзгарди. Жумладан, тадқиқ қилинаётган ҳудуд, яъни Самарқанд вилоятида ҳам баъзи ўзгаришлар кузга ташланади. Минтақа аҳоли табиий ўсиши жиҳатидан республикада етакчилардан саналади. Кузатишлар шундан далолат берадики, вилоятда 1992 йилдан бошлаб,

аҳоли сони доимий ўсиб борган, лекин бу кўрсаткич 2001 йилдан бошлаб сезиларли даражада пасая бошлаган. Бу туғилишнинг пасайиши билан изоҳланади. Шу ўринда бевосита статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 1991 йилда вилоятда 84 минг бола туғилган, 1992 йилда қарийб 85 минг, 1993-1994 йилларда 61 минг бола туғилган бўлиб, бу кўрсаткич 1991-1992 йилларга нисбатан 23 мингга камайганлигини айтишимиз мумкин. Охириги 2009-2012 йиллар маълумотига биноан туғилиш даражаси бироз кўтарилган ва ўртача 75 минг кишига тенг бўлган.

Вилоятда туғилиш кўрсаткичи республиканинг бошқа жойларида бўлганидек, қишлоқ жойлари аҳолиси шаҳар аҳоли пунктларига нисбатан сезиларли даражада юқори. Бу аҳоли пунктларининг функционал типлари, аҳолининг меҳнат таркиби ва бошқа бир қанча омиллар билан боғлиқдир. Масалан, Самарқанд шаҳрида вилоятнинг бошқа шаҳарларига нисбатан аҳолининг табиий ўсиши пастроқ бўлиб, Каттақўрғон шаҳрида ўртача, кичик шаҳарчаларда эса юқорироқдир. Аҳолининг умумий сониди хам худди шундай ҳолат кузатилади.

Самарқанд вилояти туманларида ҳам аҳолининг туғилиши ёки табиий ўсиш кўрсаткичлари бир-биридан кескин фарқ қилади. Ушбу жараёни туманлар миқёсида таҳлил қилиш асосида куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин. 1. Туғилиш коэффициенти юқори (24 промилледан ортик) бўлган туманлар: Пайарик, Нуробод, Ургут. 2. Туғилиш коэффициенти ўртача (22-24 промилле) бўлган туманлар: Булунғур, Жомбой, Иштихон, Қўшрабод, Самарқанд, Пастдарғом. 3. Туғилиш коэффициенти паст бўлган (22 промилледан паст) туманлар: Тайлоқ, Пахтачи, Оқдарё, Нарпай, Каттақўрғон.

Вилоят аҳолиси сонининг ўсишига унинг механик ҳаракати, яшаш жойини

ўзгартириш ҳам таъсир кўрсатади, лекин юқорида айтганимиздек, вилоят аҳоли сонининг тез ўсиши асосан туғилиш кўрсаткичининг юқорилиги билан белгиланади. Тадқиқотчилар шуни кўрсатадики, 1979-1993 йилларда келувчилар сонига нисбатан кетувчилар сони кўп. Вилоятда 1991-2004 йиллар мобайнида кўчиб кетганлар сони кўчиб келганларга нисбатан 90% дан юқори бўлган. 2005-2011 йилларда эса кўчиб келганлар сони пасайиб, кўчиб кетганлар сони 40 % дан ошди. Охириги 20-30 йил давомида аҳоли миграцияси вилоят аҳолисининг умумий сонига жиддий таъсир кўрсатган. Масалан, 1991 йил вилоятда 27,8 минг киши, 1992 йилда 20,6 минг киши келган бўлса, шу йилларда кетганлар сони 36,5 ва 32,7 минг кишини ташкил этган. 2010-2011 йилларда эса келганлар сони ўртача 12,6 минг кишини, кетганлар сони ўртача 16,1 минг кишига тенг бўлган. Кўриниб турибдики, 1991-1992 йилларга қараганда 2010-2011 йилларда келувчилар сони камайиб кетган.

Аҳолининг механик ҳаракатини ўрганишда миллатлар бўйича ҳам бу жараёни таҳлил қилиш муҳимдир. Ҳисоб-китобларга асосланиб, шуни айтиш мумкинки, аҳоли миграциясида асосан туб жой аҳолиси қатнашади. 1991-2015 йилга қадар вилоятимизда аҳоли миграцияси доимо манфий бўлиб келган. 2015 йилдан бошлаб, вилоят аҳолисининг механик ўсишида қатта ўзгаришлар юз бермоқда; Россия мамлакатиди меҳнат миграцияси билан борганларнинг асосий қисми вилоятимизга қайтиб келмоқда, бу эса аҳоли миграцияси мусбат кўрсаткичга эгаллигини кўрсатади. Шунинг учун, юқоридаги масалаларни ҳисобга олиб, вилоятда янги иш ўринларини яратиш, тадбиркорликни янада ривожлантириш, кичик ва ўрта корхоналарни қуриш талаб этилади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент, 2008.
2. Бўриева М.Р. Рождаемость в Узбекистане. – Ташкент, 1991.
3. Кадыров М.А. Главные черты сельского расселения Самаркандской области // Независимость и новые экономические отношения. – Ташкент, 1993. - с. 40.
4. Солиев А.С., Кадыров М.А. География населения и населенных пунктов Самаркандской области. – Самарканд, 1998.
5. Солиев А.С. Проблемы расселения и урбанизации в республиках Средней Азии. – Ташкент, Фан, 1991.
6. Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари, 2012-2013.



**Ғаппаров А., Ҳайдарова С., Қаюмова М.**  
**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ**  
**ОМИЛЛАР**

**Аннотация:** ушбу мақолада Жиззах вилоятида урбанизация жараёнлари ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларнинг аҳамияти кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** вилоят, урбанизация, аҳоли пункти, урбанизация даражаси, шаҳар посёлкалари, аҳоли сони.

**Ғаппаров А., Ҳайдарова С., Қаюмова М.**

**ФАКТОРЫ И ОСОБЕННОСТИ УРБАНИЗАЦИОННОГО ПРОЦЕССА В ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ**

**Аннотация:** в данной статье рассматривается процесс и значение факторов, влияющие на развитие урбанизации в Джизакской области.

**Ключевые слова:** область, урбанизация, населенный пункт, уровень урбанизации, городские поселки, численность населения.

**Gapparov A., Haydarova S., Kayumova M.**

**URBANIZATION PROCESSES AND INFLUENCING FACTORS OF JIZZAKH REGION**

**Abstract:** the process and importance of the influencing factors on the development of urbanization in Jizakh Region are considered and analyzed in the article.

**Key words:** region, urbanization, settlement, level of urbanization, urban settlements, population.

**Кириш.** Жиззах вилоятида шаҳарлашиш жараёни вилоят ташкил топган ва Жиззах чўлининг ўзлаштирилиши, саноат ва ишлаб чиқариш шакллани бошлаган даврдан ривожланган. Бу XX асрнинг 70-йилларига тўғри келади. Лекин вилоят ҳудудида қадим тарихий даврларда ташкил топган аҳоли пунктлари, бинобарин шаҳарлар мавжуд бўлган. Тарихий манбаларга кўра вилоятдаги энг йирик шаҳар бўлган Жиззах X асрда вужудга келган бўлса, эрамиздан олдинги давр ва илк ўрта асрларда ҳам ҳозирги Бахмал, Ғаллаорол, Зомин туманлари ҳудудларида кичик шаҳар-қалъалар ва савдо марказлари бўлганлиги ҳаммага маълум. Лекин эътироф этиш керакки, вилоят ҳудудида аҳоли жойлашув тизимларининг барқарор кўриниши, аҳоли пунктларининг тўла тизими ўтган асрнинг сўнгги йилларида шаклланди. Шунга кўра замонавий урбанистик жараёнларнинг таҳлили ҳам айнан шу даврлардан бошланиши мақсадга мувофиқ.

**Асосий қисм.** Жиззах вилоятида шаҳар ва қишлоқларнинг ҳудудий ривожланиши кўп жиҳатдан табиий географик шароит ва ўрни билан боғлиқ. Маълумки, вилоят ҳудуди тоғли ва чўл-текислик шароитига эга икки қисмга бўлинади. Аҳоли пунктларининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти ҳам айни ҳолат билан белгиланади. Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича Жиззах вилоятида аҳоли жойлашуви худди шундай икки минтақа тоғ

ва текисликка ажратиб таҳлил қилиниши лозим. Бинобарин, вилоятда шаҳарлашиш жараёнига ҳам таъсир кўрсатувчи омиллардан бири табиий географик шароитдир.

Вилоят туманларида урбанизация даражаси туманлардаги шаҳар ва шаҳарчалар сони ҳамда туман умумий аҳоли сони билан боғлиқ. Масалан, Зарбдор тумани урбанизация даражаси бўйича энг юқори кўрсаткичга эга, лекин бу туманда тўла маънода ривожланган кўп сонли аҳолига эга бўлган шаҳарлар мавжуд дегани эмас. Бу ҳолат 2009 йилда қабул қилинган қишлоқларга шаҳар мақомини бериш тўғрисидаги ҳукумат қарорининг натижаси билан тушунтирилади. Аслида вилоятда тўла маънода шаҳар номига эга бўлиш талабларига жавоб берувчи шаҳар бу вилоят маркази бўлган Жиззах шаҳридир. Республикада аҳолиси 100 мингдан ошувчи йирик шаҳарлар қаторига қирадиган ушбу шаҳар географик жиҳатдан қулай жойда жойлашган. Жиззах шаҳри аҳолиси демографик жиҳатдан интенсив ўсиб борган. Жиззах Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидан бири бўлсада, собиқ Иттифок даврида ҳам асосан енгил саноат ва транспорт тугуни сифатида фаолият кўрсатган, 1973 йилда Жиззах вилоятининг ташкил топиши билан Жиззах шаҳри вилоят маркази мақомига ўтади ва шундан сўнг шаҳар ҳар томонлама жадал ривожлана бошлади. Айниқса, миграция ва туғилиш даражасининг ўсиши аҳоли сонининг тез кўпайишига олиб келди.

Ўзлаштирилган чўл минтақасида бир қанча шаҳарлар пайдо бўлди.

1-жадвал

**Жиззах вилояти туманлари ҳақида маълумот (2014 йил)**

Худуд номи	Туман маркази	ҚФЙ сони	Шаҳарлар сони	Қишлоқлар сони	Аҳолиси 01.01.2014 ҳолатига (киши)	Шаҳар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси	Урбанизация даражаси, %
Арнасой	Ғолиблар ш.	6	2	10	41857	14707	27150	35
Бахмал	Ўсман ш.	10	7	92	136465	37146	99319	27
Дўстлик	Дўстлик ш.	7	2	8	58921	25207	33714	43
Жиззах	Учтепа ш.	12	7	38	188960	76437	112523	40
Зомин	Зомин ш.	12	5	78	158718	71695	87023	45
Зарбдор	Зарбдор ш.	5	4	14	60357	38794	21563	64
Зафаробод	Зафаробод ш.	6	4	13	45002	20775	24227	46
Мирзачўл	Гагарин ш.	6	3	7	44858	24530	20328	54
Пахтакор	Пахтакор ш.	7	2	19	66779	33175	33 604	49
Фориш	Янгиқишлоқ ш.	9	2	110	83359	15452	67907	19
Янгиобод	Янгиобод ш.	5	2	28	25478	5219	20259	20
Ғаллаорол	Ғаллаорол ш.	13	7	103	152864	55040	97824	36
Жиззах шаҳри		0	0	0	163204	163204	0	100
Вилоят бўйича	Жиззах ш.	98	47	520	<b>1226822</b>	<b>581381</b>	<b>645441</b>	<b>47</b>

Жадвал Жиззах вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Бу шаҳарлар вилоятнинг саноат ва шаҳарлар урбанистик жиҳатдан кичик транспорт тугунлари сифатида фаолият шаҳарлар ҳисобланган ва уларнинг аҳолиси кўрсатиши назарда тутилган. Вилоят вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий ташкил топганидан сўнг ташкил топган ривожланиши натижасида кўпая бошлади.

2-жадвал

**Жиззах вилояти шаҳарлари аҳолиси (минг киши)**

№	Шаҳарлар	Ташкил топган йили	1939	1959	1990	1995	1998	1999	2000	2007	2014
1	Жиззах	X аср	8,8	15,7	115,0	123,0	125,4	126,7	128,9	139,1	163,2
2	Даштобод	1974	15,8	19,0	16,0	17,8	19,4	19,7	20,2	24,5	36,9
3	Ғаллаорол	1973	-	-	16,0	20,0	21,2	21,2	21,4	23,3	24,7
4	Маржонбулоқ	1980	-	-	4,0	3,2	3,5	3,6	3,6	5,2	5,8
5	Дўстлик	1983	-	-	12,0	15,1	15,7	15,9	16,0	17,0	18,
6	Гагарин	1974	-	-	24,0	20,2	20,3	20,2	19,1	15,0	15,5
7	Пахтакор	1974	-	-	18,0	17,6	18,0	18,1	18,2	19,9	24,3

Жадвал Жиззах вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Кўриниб турибдики, Жиззах шаҳридан кўрсатади. Жиззах вилоятида шаҳарлар бошқа барча шаҳарлар аҳолиси 50 минггача саноатнинг сустр ривожланганлиги бўлган кичик шаҳарлардир. Уларнинг оқибатида вилоят ташкил топганидан бери аҳолиси жуда секинлик билан кўпайган, кўпаймади ва кенгаймади деб эътироф этиш хатто Гагарин шаҳрининг аҳолиси камайиш мумкин. Мустақиллик йилларида тенденциясига эга. Бу эса Жиззах вилоятида кишлоқларда бозор инфраструктурасининг аҳоли кўпайиши кўп жиҳатдан миграция шакллантирилиши, янги ишлаб чиқариш ҳаракатларига боғлиқ эканлигини соҳаларининг ривожланишига бўлган

эхтиёж янги шаҳар типдаги аҳоли пунктларига эҳтиёж туғдиради. Бинобарин, 2009 йилда республикада баъзи қишлоқларга шаҳарча мақомини берилиши Жиззах вилоятида ҳам урбанизация даражасининг ошишига олиб келди.

Аҳоли пунктларига шаҳарча мақомини бериш асосан келажакда ривожланиш имкониятларини ҳисобга олиш тамойилига эга. Шунинг учун ҳам аҳоли сонининг камлиги ёки саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг мавжуд ёки йўқлиги каби омиллар аста-секин бартараф этилиши назарда тутилади. Муҳими, вилоят урбанизация даражасида сезиларли ўзгариш юз берган.

Лекин шундай бўлсада, урбанизация жараёни ва шаҳарларнинг ривожланишидаги биринчи омил аҳоли сони бўлса, иккинчидан саноатнинг ривожланиши бўлиб қолаверади. Шунга кўра вилоятда шаҳарларнинг аҳоли сони бўйича таҳлил қилиш, ҳудудий-қиёсий тавсифлаш шаҳарлашиш муаммоларини аниқроқ ўрганишга ёрдам беради.

Вилоят туманлари бўйича урбанизация даражаси қиёсий ўрганиб чиқилганда маълум бўладики, текислик ҳудудидаги туманларда урбанизация даражаси бирмунча юқоридир. Ҳолбуки, шаҳарча мақоми берилган қишлоқлар сони тоғли туманларда кўпроқ.

**Хулоса.** Вилоятда шаҳарларнинг

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Солиев А., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари. Монография. – Тошкент: “Фан ва технология”, 2009.
2. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Монография. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Монография. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2010.
3. Солиев А. Ўзбекистон географияси. Дарслик. – Тошкент, 2014.
4. Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

**Нурланов А.С., Гайпова Р.Т., Абдираманов Ж.Б.**

### АМУДАРЁ ТУМАНИДА АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мақолада Амударё туманида хизматлар соҳасини ривожлантириш мақсадида аҳоли таркиби ва унинг ҳудудий хусусиятлари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** инфратузилма, ижтимоий сиёсат, демография, инвестиция, кичик бизнес, сервис.

**Нурланов А.С., Гайпова Р.Т., Абдираманов Ж.Б.**

### ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ ОБСЛУЖИВАНИЯ НАСЕЛЕНИЯ В АМУДАРЬНСКОМ РАЙОНЕ

**Аннотация:** в статье анализируются состав населения и особенности его территориального распределения с целью развития сферы услуг в Амударьинском районе.

**Ключевые слова:** инфраструктура, социальная политика, демография, инвестиция, малый бизнес, сервис.

**Nurlanov A.C., Gaipova R.T., Abdiramanov J.B**

### THIS ARTICLE DEALS WITH THE ISSUES OF SERVICES OF POPULATION IN THE AMUDARYA REGION

**Abstract:** the article examines the issues of population and especially its territorial distribution in order to further development of services rendered in the Amudarya region.

**Key words:** infrastructure, social policy, demography, investment, small business, service.

Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда уларнинг яшайдиган ҳудудий жиҳатлари ва тавофитларини ҳисобга олиб, замонавий инфратузилма тармоқларини яратиш билан аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, кучли ижтимоий сиёсатни шакллантириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Шу туфайли ҳар бир ҳудуднинг, жумладан, қишлоқ туманларининг иқтисодий-ижтимоий демографик ривожланишини ва инфратузилмаларини ўрганиш кун тартибидаги муҳим вазифалар қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, ислохотларнинг иккинчи босқичида, умуман аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва қолоқ жойларнинг иқтисодиётини ривожлантириш учун инвестицияларни жалб қилиш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилашда муҳим ўринларни эгаллаши кўрсатилган..

Бозор иқтисодётига ўтиш даврида халқ хўжалигининг муҳим тармоқларининг бири ижтимоий инфратузилмаларнинг аҳамияти катта. Ҳизмат кўрсатиш соҳалари аҳолининг турли туман моддий-маънавий кўрнишдаги эҳтиёжларини қондиришга ҳизмат қилувчи соҳалар ва уларнинг муассасаларини қамраб олади. Ҳар бир ҳизмат кўрсатиш соҳаси, ўз навбатида, кўплаб турлича хусусият ва кўринишга эга бўлган хизматлар турларидан ташкил топади.

Аҳолига ҳизмат кўрсатиш соҳаларини ўрганишда аҳолининг ҳудудий таркиби, жойлашиши, зичлиги муҳим мазмун касб этади. Амударё тумани ҳудуди 1,02 минг км<sup>2</sup> ни ташкил қилиб, табиий географик жойлашуви жиҳатидан Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий қисмида, дарё соҳили бўйлаб энг катта Қорақум ва Қизилқум чўллари чегарасида аллювиал текисликлардан тўзилган пасттекисликларда жойлашган.

Туман аҳолисининг сони 176,0 минг киши, шундан 50,2 фоизини эркалар, 49,8 фоизини аёллар ташкил этади. Аҳолининг

умумий сонидан 16 ёшгача булган кишилар сони 36,8 фоизни, 16 дан 45 ёш оралиғидаги кишилар 41,3 фоизни ташкил этади. Аҳолининг 70,4 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади ва 15 та фуқаролар йиғини, Манғит ва Жумуртов шаҳарчаларидан таркиб топган. Аҳоли жойлашув зичлиги ўртача ҳар км<sup>2</sup> ерга Дурман, Қипчоқ, Қиличбой, Куюк-кўпир, Бобур фуқаролар йиғинларида 216-245 кишини, Бўз ёп, Бердах, Амир-Темур, Оқ-Олтин, Тўлқин фуқаролар йиғинларида 124-178 кишини ташкил қилса, Манғит ва Жумуртов шаҳарчаларида эса туман аҳолисининг 23,9 фоизи жойлашган.

2014 йилда ўтказилган статистик ҳисоб-китобларга кўра, аҳолининг меҳнат қилишига яроқли қисми 102,3 минг кишини ташкил қилиб, бу кўрсаткич барча аҳоли сонининг 56,9 фоизига тўғри келади. Аҳолининг табиий кўрпайиши мутлоқ рақамларда 2487 кишини ташкил қилиб, бу эса меҳнат фаолияти ёшидаги кишиларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Туман аҳоли сони 2005-йилга нисбатан 2010-йили 113 фоизга, меҳнат ресурслари 131 фоизга кўпайишига қарамадан, саноат корхоналари ишчиларининг сони 30 фоизга, транспорт ва алоқа хизмат кўрсатиш тармоқларидаги фаолият олиб боровчилар 43,6 фоизга, молия ва суғурта муассасаларида ишлайдиган кишилар сони 85 фоизга камайган. Бу асосан туман ҳудудида мусатқилликгача фаолият кўрсатиб келган давлат секторига тегишили саноат ва транспорт корхоналарининг ёпилиши, хусусий мулкчиликнинг барпо бўлиши арафасидаги ўзгаришлар натижасидир.

Амударё тумани ҳудуди бўйича 1603 та ҳаракатдаги хўжалик юритувчи субъектлар мавжуд бўлиб, аҳолига алоқа ва транспорт хизмат кўрсатадиган 21 та, қурилиш хизматини кўрсатувчи 55 та, савдо ва умумий овхатланиш хизматини кўрсатадиган 108 та, коммунал хизматини кўрсатадиган 6 та, маиший хизмат бўйича 66 та, соғлиқни сақлаш хизматида

касалхона ва тиббий хизмат пунктлари 26 та, таълим хизматини кўрсатадиган умум таълим мактаблари, лицей ва касб-хунар коллежлари 108 та, фан ва маданият соҳасида хизмат кўрсатадиган мусикий-баъдий ва хареографик мактаблари 5 та, бошқарув хизматида 36 та корхоналар фаолият кўрсатиб, бу соҳаларга туман аҳолисининг 35,1 фоизи жалб қилинган.

Янги таркибдаги аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган 66 та хусусий корхоналар мавжуд бўлиб, улар ичимлик суви, иссиқ сув ва табиий газ таъминоти, канализация қувурлари, электр энергияси линияларини таъмирлаш, сифат кўрсаткичларини ошириш борасида мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда. Натижада, туман аҳолисининг 82,4 фоизи табиий газ, 74,2 фоизи ичимлик сув билан, шаҳар аҳолисининг эса 93,9 фоизи тўлиқ газ билан таъминланган.

Халқ таълими тизимида узлуксиз таълимнинг жорий қилиниши, умумтаълим мактабларида ўқитишнинг 9 йиллик тизими жорий этилиши натижасида мактаблар сони 96,6 фоизга, ўқувчилар сони 93,5 фоизга камайган бўлса, касб-хунар коллежлари сони 3 баробарга, ундаги талабалар сони эса 5,9 баробарга кўпайишига эришилди. Туманда жами 86 мактаб мавжуд бўлиб, шундан 22 та мактаб замонавий типда, 64 мактаб мослаштирилган биноларда фаолият кўрсатиб келмоқда. Мактабларининг ўқувчиларни қамраш қуввати 24915-уринга тўғри келиб, жами 32310 ўқувчиларнинг 28,8 фоизи иккинчи сменада ўқишга мажбур бўлмоқда. Мактаблар ичимлик суви билан 52 фоизга, газлаштириш 88 фоизга, алоқа билан таъминлаш 86 фоизга, ошхоналар 75 фоизга, тадбирлар ўтказиш зали билан таъминланиши 69 фоизга, кутубхоналар билан 88 фоизга тенг. Туман мактабларида жами 29 та компьютер синфи ташкил этилган, компьютерлар билан таъминлаш 41 фоизга, улар орасида замонавий ЭҲМ машиналари билан 34 синф ташкил-лаштирилган ва 44 фоизга таъминланган.

Туманда қишлоқ хўжаликлари мутахассисларини тайёрловчи Манғит қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежини ҳар йили 388 та, Қипчоқ қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежини 375 та, Дўрман

қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежини 298 та ва Амударё маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи 194 та мутахассисликка эга ёшлар тугатиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиб келмақда. Шунингдек, аҳолига сервис хизмат кўрсатувчи мутахассислар тайёрловчи Манғит шаҳри марказида Амударё сервис хизмати касб-хунар коллежи, Қиличбой марказида маиший хизмат касб-хунар коллежлари ҳар йили 12 хил хизмат турларига эга 324 та малакали мутахассисларни тайёрлаб бермоқда. Бироқ, аксарият битирувчларининг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашуви мураккабликларни келтириб чиқармоқда.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда касалларга ажиратилган койкалар сони ҳар бир 10 минг кишига 3,3 койка 2 шифокор ва 9,2 ўрта тиббиёт ходимларидан тўғри келиши республика кўрсаткичидан анча паст эканлигини кўрсатади. Ўтган йил давомида аҳолига ажратилган койкалар сони кўпаймаса ҳам, уларга тиббий хизмат кўрсатадиган шифокорлар сони 97,2 фоизга камайган ва ўрта тиббиёт ходимлари сони 119 фоизга кўпайишига эришилган.

Аҳолига савдо ва овқатланиш хизматини кўрсатишни ривожлантиришда қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, аҳолининг 70,2 фоизи истиқомат қилувчи қишлоқларда туман савдо ташкилотларининг 23,1 фоизи жойлашган. Қишлоқ жойларининг асосан хўжалик марказларида 1-2 та озиқ овқат маҳсулотларини сотувчи савдо дуконлари билан кифояланган, холос. Фуқаролар йиғинлари марказларида уй-жой жиҳозлари, хўжалик моллари маҳсулотларини сотувчи ўринлари ташкил қилинса, аҳолининг истеъмол молларини харид қилиш учун туман марказига келиб кетишининг олди олинар эди.

Аҳолининг зарур молларга бўлган эҳтёжлари ичида ун, гуруч, савзавот ва полиз экинлари, мева ва узум маҳсулотлари этёжлари қондирилган. Бу маҳсулотларни аҳоли жон бошига тақсимлаганда йиллик кг нормага мос ва айрим турлари ошади. Туман қишлоқ хўжалигига иқтисослашган бўлса-да, аҳоли жон бошига зарур моллардан усимлик ёғи, картофель, сарийёғ, хўжалик совуни, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут маҳсулотлари аҳоли

эктёжидан кам.

Туманда ишчи кучидан самарли фойдаланиш мақсадида аҳоли зич жойлашган қишлоқ жойларида саноат корхоналарини (енгил, озиқ овқат, маҳаллий саноат), меҳнатни кўп талаб қиладиган ишлаб чиқариш турларини, йирик саноат корхона филиалларини, ҳар ҳил “мини” цехларни, қишлоқ аёллари учун тўқиш, тикиш буйимлари билан таминланган миллий хунармандчилик соҳаларини барпо этиш муҳим вазифалар қаторига киради. Натижада, қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаб, уларнинг иқтисодий барқарорлигини оширишга имкон яратилади.

Амударё тумани хўжалигининг ҳудудий таркибида аҳолига хизмат кўрсатиш

соҳалари қишлоқ жойларда яхши йўлга қўйилмай, аҳолига хизмат кўрсатадиган корхона ташкилотларининг 69 фоизи туман қармоғидаги шаҳар ҳудудида жойлашган.

Хулоса қилиб айтганда, Амударё тумани аҳолисига хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишини таҳлил этилиши қишлоқ жойларида замонавий инфратузулмаларни шакллантиришда муаммоларнинг мавжудлиги, аҳоли асосан, ёшларни иш билан бандлигини тўлароқ таъминлаш, аҳоли зич жойлашган қишлоқларда меҳнатни кўп талаб қилувчи енгил, озиқ-овқат саноат корхоналарини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.
2. Солиев А.С. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг долзарб масалалари. – Тошкент, 1995.
3. Аллаёров Н.Қ., Жўраев Т.Т. Ижтимоий инфраструктура, унинг моҳияти, ривожланиши ва истикболлари. – Тошкент, 1992.
4. Амударё туман ҳокимияти статистика бошқармасининг статистик маълумотлари (2005-2014 йй).

### Калонов Б.Х., Мухаммедова Н.Ж., Ибрагимова З. НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА АҲОЛИНИНГ ЖОЙЛАШУВИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

**Аннотация:** мақолада Навоий вилояти аҳолиси жойлашуви ва меҳнат ресурсларининг бандлиги масалалари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** аҳоли, зичлик, демография, омиллар, туғилиш, табиий кўпайиш, туман, вилоят, табиий шароит.

#### Калонов Б.Х., Мухаммедова Н.Ж., Ибрагимова З. ФАКТОРЫ РАЗМЕЩЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

**Аннотация:** в статье рассматриваются размещение и плотность населения, вопросы занятости трудовых ресурсов Навоийской области.

**Ключевые слова:** население, плотность, демография, факторы, рождаемость, естественный прирост, сельский район, область, природные условия.

#### Kalonov B.X., Muxammedova N.J., Ibragimova Z. FACTORS POPULATION DISTRIBUTION NAVOI REGION

**Abstract:** the article considers the placement and density of population, employment of labor Navoi region.

**Key words:** population density, demographics, factors, birth rate, natural growth, rural area, the region, the natural conditions.

Аҳолининг жойлашуви маълум даврда аҳолининг макон бўйлаб тақсимланиши жараёни ҳамда аҳоли манзилгоҳларининг шаклланиши натижасидир. Аҳолининг жойлашуви мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, жамият ҳаётининг жуда кўп қирраларини акс эттиради. Айни пайтда мазкур жараён қатор омиллар таъсирида содир бўлади. Аҳоли жойлашувига таъсир этувчи омилларни 3 йирик гуруҳга ажратиш мумкин [1].

Навоий вилояти Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг марказий ва шимолий қисмида жойлашган бўлиб, Қизилқум чўлининг катта қисмини эгаллайди. У катта масофада шимол ва шимоли-шарқ томондан Қозоғистон Республикаси билан чегарадош, шунингдек, вилоят ҳудуди шарқ ва жануби-шарқда Жиззах ҳамда Самарқанд вилоятлари, жануб томонда қисқа масофада Қашқадарё вилояти билан, жануби-ғарбда Бухоро вилояти ҳамда ғарб томонда

Қорақалпоғистон Республикаси билан чегарадош. Вилоят географик картада ўзига хос ҳудудий кўринишга эга, яъни унинг асосий юки, аҳолиси, қайта ишлаш саноати – демографик ва иқтисодий салоҳияти нисбатан кичик майдонни эгаллаган чекка жанубига тўғри келса, катта майдонни эгаллаган марказий ва шимолий ҳудудлари эса экстенсив, ҳақиқий чўл ҳудудларига хос яйлов чорвачилиги ва тоғ-кон саноатига эга. Навоий вилоятида ишлаб чиқариш муносабатларининг характери, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва ўтган йиллар мобайнида уларнинг жойлашиши, шунингдек аҳолининг даромади даражасининг ҳудудий фарклари, транспорт билан таъминлаш каби иқтисодий-ижтимоий соҳалар жадаллик билан ривожланмоқда.

Қизилқум чўли ҳудудида барпо бўлган бу вилоят табиий ресурсларга бой ва аҳолининг нотекис жойлашганлиги ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёт даражасини анча камайтирмоқда. Демографик омилларга кўра, Навоий вилояти республикада 11 ўринда туради. Демографик жараёнларда вилоятда туғилиш 21,4 промилле, ўлим эса 4,7 бўлиб, табиий ўсиш эса 16,7 промилледир. Янги ерларни ўзлаштириш натижасида барпо этилган вилоятлар билан таққослаганда Сирдарё вилоятида аҳолини ўсиши 18 промилле, Жиззах вилояти эса 22,9 промиллени ташкил этади.

Ўзбекистонда аҳоли яшаб келган масканлар, ареалларнинг кўпчилиги жуда қадимдан бошлаб шаклланиб келган. Энг қадимги аҳоли масканлари инсон яшаши учун зарур биологик ресурслар мавжуд шароитларда, дарё бўйлари, лалмикор ерларда, деҳқончилик ва чорвачилик учун хос бўлган ҳудудларда жойлашган. Шунингдек, аҳолини жойлашувига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан яна бири, бу аҳолининг меҳнат ресурси эканлиги. Албатта ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни ишчи кучисиз содир бўлмайди. Аммо бу ўринда икки ҳолатни қайд этиш лозим: биринчидан, шундай корхоналар борки, уларга сон жиҳатидан кўп ишчи керак. Масалан, тикув фабрикаси, консерва заводи, пахта етиштириш, унни қайта

ишлаш корхоналарининг меҳнат сиғими катта. Айни бир пайтда бошқа корхоналарга меҳнат ресурсларининг миқдори кўп бўлиши шарт эмас, балки малакали ишчи кучи талаб қилинади. Мазкур корхоналар ва тармоқлар радио ёки приборсозлик, аниқ машинасозлик ва шунга ўхшаш, одатда, малакали ишчи кучи мавжуд бўлган шаҳарларда жойлаштирилади. Бундай илмталаб корхоналарни ташкил этишда баъзи ривожланган мамлакатларда махсус технополис ва фан шаҳарлари яратилган.

Аҳолининг ер юзи бўйлаб жойлашуви қатор омиллар билан боғлиқ. Уларга табиий шароит ва аҳоли пунктлари шаклланишининг тарихий хусусиятлари, демографик ўтишнинг ҳозирги босқичи, ривожланиш даражаси ва хўжалик таркиби каби социал-иқтисодий омилларни киритиш мумкин. Аҳолининг жойлашувида энг асосий омил бу табиий шароитдир. Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми инсон яшаши учун қулай табиий шароитга эга бўлган қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш имконияти бор ҳудудларида жойлашган. Навоий вилояти аҳолисининг асосий қисми Зарафшон дарёси ҳавзасида, шунингдек, чорвачилик ва янги ерларни ўзлаштириш натижасида табиий ресурсларга бой ҳудудларда жойлашган.

Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг табиий кўпайишини нисбатан юқорилиги ва унинг миграцион ҳаракатининг фаолсизлиги меҳнат заҳираларининг кўплаб шаклланишига олиб келади. Шу сабабли республикада меҳнатга лаёқатли аҳоли сони миқдоран жуда кўп. Уларнинг сони, айниқса, қишлоқ жойларида ва сустривожланган кичик шаҳарларда юқори. Бинобарин, бундай жойларда иш ўринларини кенгайтириш, янги саноат ва бошқа корхоналар, маданий-маиший муассасаларни қуриш, меҳнат бозорини шакллантириш зарур.

Аҳоли, албатта, фақат ишчи кучи эмас, у балки кўпроқ даражада истеъмолчи ҳамдир. Бу омилнинг роли эса ҳозирги кунда халқнинг яшаш шароити ва даражасини яхшилаш доирасида кескин ошиб бормоқда. Муваққат ижтимоий қийинчиликларни енгиллаштириш учун аҳолининг кундалик ҳаёти учун зарур

бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак ва унинг бошқа эҳтиёжларини қондирувчи маҳсулотларни етарли даражада ишлаб чиқариш талаб этилади. Шу боис, истеъмол омили озиқ-овқат корхоналарини ўзига “тортади”, яъни бундай завод ёки фабрикалар, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари қишлоқ ва шаҳарларда жойлаштирилади [2].

Аҳоли сони бўйича Навоий вилояти республикада охириги ўринлардан бирини эгаллайди. Вилоят аҳолиси 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра 888 399 кишини, республика аҳолисининг эса 3 фоизини ташкил этади. Бу кўрсаткичга кўра вилоят республикада фақат Сирдарё вилоятдан олдинда туради, холос.

Аҳоли жойлашувининг энг асосий кўрсаткичи аҳоли зичлигидир. Аҳоли зичлиги, 1 км<sup>2</sup> га тўғри келадиган доимий аҳоли сонидир. Ҳозирда Ўзбекистонда аҳоли нотекис жойлашган бўлиб, республикада аҳолиси энг зич жойлашган ҳудудлар Андижон (1 км<sup>2</sup> га 588 киши), Фарғона (455 киши), Наманган (304 киши), Хоразм (255,3 киши) билан бир қаторда аҳоли зичлиги ўта даражада сийрак бўлган ҳудудлар Қорақалпоғистон Республикаси (9,8 киши), Навоий (7,7 киши) ҳам мавжуд.

Навоий вилоятининг демографик салоҳияти унча катта эмас. Ҳудуднинг катта қисми Қизилқум чўлидан иборат эканлиги, шунингдек, сув захираларининг танқислиги туфайли аҳоли зичлигининг энг паст кўрсаткичларига эга. Бу кўрсаткич бўйича вилоят Ўзбекистонда охириги ўринда туради.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Bo`riyeva M.R., Tojiyeva Z.N., Zokirov S.S. Aholi geografiyasi va demografiya asoslari. – Т., 2011.- 139 бет.
2. Солиев А.С. ва б. Минтақавий иқтисодиёт. – Тошкент, 2003.
3. Солиев А.С., Назаров М.И., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. – Тошкент, 2010.

**Мамажонов М., Зулунова Д., Узоқова М.**

### ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА АҲОЛИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

**Аннотация:** мазкур мақолада аҳолининг химояга муҳтож қатламларини ижтимоий химоялаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати қисқача ўз аксини топган.

**Таянч тушунча ва иборалар:** ижтимоий химоялаш, ижтимоий сиёсат, социал таъминот, умумдавлат қафолатлари, ижтимоий гуруҳлар.

**Мамажонов М., Зулунова Д., Узоқова М.**

### РЕФОРМЫ В СИСТЕМЕ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ И ПОДДЕРЖКИ НАСЕЛЕНИЯ

**Аннотация:** в данной статье кратко находят своё отражение государственная политика, направленная на социальную защиту и виды помощи нуждающимся слоям населения.

**Ключевые слова:** социальная защита, социальная политика, социальное обеспечение,



общегосударственные гарантии, социальные группы.

**Mamajonov M., Zulunova D., Uzakova M.**

### REFORMS IN SOCIAL PROTECTION AND SUPPORT POPULATION

**Abstract:** this article briefly are reflected public policies aimed at social protection and types of assistance to the needy population.

**Key words:** social protection, social policy, social security, nation-wide guarantee social groups.

Ислохотлар чуқурлашуви ва бозор иқтисодиётининг ўтишга қараб аҳолини ижтимоий ҳимоялаш механизмлари, шакллари ва тенгсизлик ҳамда камбағалликнинг қисқариши, уларни бартараф қилиш чора-тадбирлари ўрганилади ва амалга оширилади. Мамлакатимизда мустақилликка эришилганининг дастлабки йилидан оқ биринчи навбатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг барча тизимлари аста-секин ўзгартирилиб, унинг тадбиқи амалга оширилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлашдаги тадбирларини амалга ошириш жараёнида кам самарали шакллари бартараф этилиб, унинг ўрнига халқчил, яшовчан ҳамда энг аввало, инсон манфаатларини тўла қамраб оладиган ижтимоий сиёсат қўлланила бошланди. Мамлакат бюджет иқтисодиётларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий ҳимоя мақсадида сарфланадиган маблағлар миқдори ўзгартирилди.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ёрдам дастури асосига камбағалликни бартараф қилувчи аниқ йўналтирилган мақсад ва вазифалар белгилаб олинди. Иқтисодий ислохотлар даврида социал таъминот тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни амалдаги механизмни шаклланишини энг оптимал вариантларини жорий этиш ва уни ишлашини босқичма-босқич амалга оширилишини назорат қилиш асосий вазифа бўлмоғи зарур.

Шуни ҳисобга олиш керакки, ўтган даврда амалга оширилган ижтимоий ҳимоя тизимидаги йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш ижтимоий ҳимоя соҳасида қонун устиворлигига амал қилиш талаб этилади. Ижтимоий ҳимоянинг янги дастурида бу соҳада йўл қўйилган камчиликлар, адолатсизликларга барҳам бериб, муҳтожларни қўллаб-қувватлаш янги механизми ёрдамнинг аниқ тури ва ҳажмини аниқлашда муҳимлиги билан намоён бўлади. Ижтимоий ҳимоя мақсадли

ва муайян таъсирга эга бўлиши керак.

Янги ижтимоий ҳимоя тизими – бу аҳолининг турли қатламларига қатъий эътибор беришни кўрсатади. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоянинг асосий мақсади мамлакат бюджетидан ажратилаётган маблағларни ёрдам ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлганларга, аниқ шахс ёки оилаларга берилади. Аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя, айниқса кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни қамраб олади ҳамда нафақа шакллари аҳолининг қатламига шахснинг жисмоний иқтисодиётларига қараб тақсимланишни тақозо этади. Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоялашнинг ҳозирги тизими давлат бюджети маблағларидан молиялаштиришдан ташқари, меҳнат жамоалари жамоат ташкилотлари ва турли хил фондларни фаолиятларини ҳамда уларнинг маблағларини ҳам қамраб олади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш дастурининг амалга оширишда ҳукумат махсус қарори билан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла фуқаролар йиғинларини ҳуқуқ ва мажбуриятларини ижроси бўйича жавобгарликларини оширди. Бугунги кунда маҳаллий ҳокимиятлар маҳалла қўмиталари худуд имқониятларини ҳисобга олган ҳолда, аҳолининг ночор қатламлари учун умумдавлат кафолатларини амалга оширишни таъминлашда қўшимча тавсиялар, тадбирлар киритиш имқониятларига эга бўлдилар.

Бугунги кунда ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган аҳоли қатлами республиканинг аниқ хусусиятларидан келиб чиқиб, давлатнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашини сезишга имқон берадиган томонларини аниқ хис қила бошлади. Ундан ташқари, бозор иқтисодиёти шароитида товарлар ва хизматлар нархларнинг ошиши, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари (ўқитувчилар, шифокорлар, маданият ва бошқа соҳа) вакилларини янада кучлироқ

химоя қилиши механизмларини такомиллаштиришни таклиф қилмоқдалар.

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий сиёсатнинг бош вазифаларини мамлакат аҳолисини ижтимоий муҳфаза қилиш борасида аҳоли қатламлари орасида табақаланиш кескин фарқ қилмасликни олдини олишга қаратилган бўлиб, ижтимоий гуруҳлар даромадларини, иш ҳақларини, пенсия ва бошқа турдаги нафақа тўловлари мунтазам равишда орттириб бораётганлигини кўрамыз.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тартиби куйидагича белгиланган;

- Умумий таъриф сеткасида фойдаланиш ва турли тоифадаги ишчи ва хизматчиларга меҳнатга тўлов ҳажминини иш ҳақининг энг паст даромади билан боғлиқ ҳолда орттирилиш.

- Ишлаб чиқариш корхоналари томонидан меҳнатга тўлов учун йўналтирилган маблағларни тартибга солиш.

- Жисмоний шахс даромадларига солинадиган солиқ миқдорини даромадларнинг ошиш даражасига қараб белгилаш.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини ривожланиши ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари шароитларида узлуксиз босқичма-босқич амалга оширилиши керак бўлган миллий моделнинг муҳим бўғини эканлиги билан ҳам характерлидир.

Мустақилликка эришилгандан сўнг, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳатларни ичида энг аҳамиятлиси ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга оширилишидир. Бу борда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ночор қатламини яқка тартибда ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги фармони мавжуд. Ушбу ҳужжатда аҳолининг ижтимоий ҳимоялашнинг асосий вазифалари белгилаб берилган бўлиб, унда, энг аввало, оила, аёл, кекса ёшдаги боқувчисини йўқотган кишилар, ногиронлар ва яна қатор ҳимояга мухтож аҳоли қатламларини қамраб олиш назарда тутилган. Бу тадбирларни амалга оширишда маҳалла, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув идоралари, доимий комиссиялар, ташкилотлар ва жамғарма фондлар ролини

ошириш белгиланган. Ушбу фармон ҳозирги даврда аҳолини ҳимоялаш миллий дастури доирасида куйидаги йўналишларни аниқлайди:

- Пенсия тизимини такомиллаштириш, жамғариш тизимини аста-секин жорий этиш;

- Кексаларга алоҳида ғамхўрлик қилиш, уларга яшаш шароитларини яхшилаш учун барча шароитларни яратиш; солиқдан коммунал хизмат соҳасидан транспорт ва тиббий хизматдан имтиёзлар бериш;

- Аёлларга нисбатан алоҳида ғамхўрлик кўрсатиши, яъни уларнинг саломатлиги моддий фаровонлиги соғлом болаларни тарбиялаш учун зарурий шароитларни яратиш каби ишларни мунтазам амалга ошириш чора-тадбирларини белгилаш ва бажаришни таъминлаш;

- Оила манфаатларини ҳимоя қилиш оилани мустаҳкамлаш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқиб уни амалга оширишни назорат қилиш, ёш оилаларга имтиёзли кредитлар бериш, замонавий уй-жой билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлаш;

- Мактаб ёшидаги болаларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, яъни бошланғич синф ўқувчиларини бепул адабиётлар, ўқув қуроллари, кийим-бош билан таъминлаш. Етим болалар ва болалар уйида тарбияланувчиларни бепул овқат, кийим-кечак ва бошқа зарурий жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда уларни умумтаълим мактабларда бепул ўқитишни доимийлигини таъминлаш соҳасига чоралар кўрилган.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатлар 1-босқичда қўлланилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг қонун асослари, шакллари ва усуллари мунтазам равишда такомиллаштиришни тақозо этади.

Бугунги кунда дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан, бизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида жуда кўп ижобий ишлар амалга оширилаётганлигини гувоҳи бўламиз. Республикаимизда бошпанасиз қаровсиз, ташландиқ ҳолда қолган ҳимоясиз ночор, умуман олганда, ҳукумат

этиборидан четда қолган аҳолини, жиҳатларидан қатъий назар, инсон индивидуал фуқароларни кўрмайсиз. ҳуқуқларини бузилишига йўл қўймаслик,

Ўзбекистон Республикаси Президенти унинг яшаши учун керак бўладиган барча олиб бораётган сиёсатнинг устуворлиги соҳаларни ривожлантириш таъминлаш энг шундаки, у, энг аввало, республикамиз муҳим масала эканлиги ўз исботини аҳолисини ёшидан, жинсидан, миллатидан, топмоқда. элатидан, динидан, касб-коридан ва бошқа

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
2. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // “Халқ сўзи” газетаси 1998 йил 22 май.
3. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. – Тошкент, 1993.
4. “Фуқароларни жамғарилиб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2014 йил, №10-11 с.

#### Комилова Н.К.

### ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ОМИЛЛАРНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ

**Аннотация:** мақола аҳоли саломатлигига таъсир этувчи географик омилларнинг таҳлиliga бағишланган. Асосий этибор табиий муҳитнинг алоҳида компонентларига қаратилган.

**Калит сўзлар:** географик омиллар, аҳоли саломатлиги, касалликлар тури, сув, ҳаво, тупроқ, табиий шароит.

#### Комилова Н.К.

### ВЛИЯНИЕ ПРИРОДНО-ГЕОГРАФИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ НА ЗДОРОВЬЕ НАСЕЛЕНИЯ

**Аннотация:** статья посвящена анализу географических факторов, влияющих на здоровье населения. Основное внимание уделено отдельным компонентам природной среды.

**Ключевые слова:** географические факторы, заболеваемость населения, виды болезней, воды, воздух, почва, природные условия.

#### Komilova N.K.

### INFLUENCE OF NATURAL AND GEOGRAPHICAL FACTORS ON HEALTH

**Abstract:** the article analyzes the geographical factors that affect the health of the population. The focus is on the individual components of the natural environment.

**Key words:** geographical factors, morbidity, types of diseases, water, air, soil, natural conditions.

Инсон саломатлиги ва уларда учрайдиган касалликлар ҳудудий тафовутларга эга. Чунки, ушбу ҳудудлар ўз иқлими, рельефи, сув ва тупроғи, иқтисодий-ижтимоий жиҳатлари билан ўзаро фарқланади. Уларнинг барчаси аҳоли саломатлигининг ҳудудий томонларини ва унинг географик хусусиятларини изоҳлаб беради. Шу ўринда сув, ҳаво ва тупроқнинг ёки, бизнинг фикримизча, нозоиклимий шароитларнинг инсон саломатлигига таъсирини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Инсон саломатлигини белгилашда, айниқса жойларнинг иқлим хусусиятлари муҳим ўрин тутаяди. Дарҳақиқат, иқлим ушбу ҳудуд табиий шароитини белгиловчи зарурий омиллардан биридир. Бундан бир неча асрлар илгари машҳур сайёх Н.Н.Миклухо-Маклай ҳам лор органлар (қулоқ, бурун, томоқ) ҳолатига иқлим омилларининг ўзаро алоқадорлигини батафсил қайд этиб ўтган (Комилова Н.,

Солиев А., 2005). Бироқ, этироф этиш зарурки, инсон жисмида касалликларнинг вужудга келишида иқлимнинг катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги ғоялар анча илгари (Демокрит, Гиппократ, Гален, Ибн Сино асарларида) ёритилган бўлсада, фақатгина XVIII асрдан буён иқлим тиббиёт соҳасининг асосий объектларидан бири сифатида ўрганила бошланди. Жумладан, машҳур қомусий олим М.В.Ломоносов инсон саломатлигида иқлим ва унинг айрим (метеорологик) омилларининг роли сезиларли эканлигини таъкидлаб ўтган эди.

Маълумки, “иқлим” тушунчаси ўз таркибига ҳаво ҳарорати, намлик, атмосфера босими, шамоллар, об-ҳавонинг доимий ҳолати кабиларни киритади. Кўпчилик олимлар тиббиёт хусусида иқлим ва об-ҳавони бир хил тушунча сифатида қарайдилар. Лекин, аслида иқлим анча кенгроқ мазмунга эга бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятларига инсон жисми вақт

ўтиши билан мослаша (адаптация) боради. Жойларнинг об-ҳавоси эса, мазкур иқлим шароитининг айна вақтдаги ҳолатидир. Қизиғи шундаки, об-ҳавонинг иқлимга нисбатан инсон жисмига таъсири сезиларли, яъни об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши билан инсон жисмида маълум маънода ўзгаришлар содир бўлиб туради, хусусан ушбу ҳолатни баъзи аъзоларимиз жуда тез сеза олади. Шунингдек, об-ҳаводаги айрим жиддий ўзгаришларни айрим касалликларга (радикулит, ревматизм, қон босими хасталиклари) чалинган кишилар анча олдинроқ пайқайдилар. Содир бўлиб турадиган магнит бўронлари таъсирида ҳам инсон ва бошқа барча тирик организмлар танасида ўзига хос ўзгаришлар кузатилади. Қон босимининг ортиши, асаб тизимидаги ўзгаришлар, моддалар алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар шулар жумласидандир (Ермакова Л.Н., Толмачева Н.И., 2006).

Мутахассислар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кишилар орасида учрайдиган баъзи хасталиклар-грипп, ревматизм, бронхиал астма, Боткин касаллиги ва гепертоник касалликлар, айниқса иқлим ва об-ҳаво шароитлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу билан бирга аппендицит, холицистит сингари хасталиклар ва айрим юқумли паразитар касалликларга ҳам иқлим ва об-ҳаво шароитлари маълум миқдорда таъсир кўрсатиши аниқланган (Шошин А.В., 1962). Айна пайтда атмосфера босими, булутлилик, ҳавонинг чанг таркиби каби омиллар саломатликка бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳар бир табиий-иқтисодий географик ўлкани тиббий географик жиҳатдан районлаштиришда иқлимнинг юқоридаги барча омилларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Жойларнинг рельефи, ер юзасининг тузилиши ҳам инсон саломатлигини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Баланд тоғ минтақаларида ўз номи билан «тоғ касаллиги» деб аталувчи касаллик кенг тарқалган бўлиб, бунда кишиларнинг юрак уришлари ўзгариб, бош айланиш, нафас сиқиши, бурунларнинг қонаши ва кулоқларнинг шанғиллаши каби ҳолатлар кузатилади. Тоғли ўлкаларда жойлашган

аҳоли орасида тоғ касаллигидан ташқари, **куёш уриши, офтальмия, эндемик буккок** каби хасталиклар кўп учрайди. Масалан, Швейцария, Карпат орти ўлкалари, Кавказ ва Ўрта Осиёнинг тоғли ҳудудларида (Фарғона водийсининг айрим тоғ олди ҳудудларида) бу ҳолатни кузатиш мумкин.

Маълумки, жаҳон бўйича узоқ умр кўрувчиларнинг асосий қисми тоғ ва тоғ олди минтақаларига тўғри келади. Ушбу ҳудудлар иқлимининг инсон саломатлигига кўрсатувчи ижобий таъсири ҳам сир эмас. Лекин, сўнгги йилларда тоғ, айниқса, тоғ водий ҳудудларида тоғ-кон саноати тармоқларининг ривожланиб бориши мазкур ҳудудларда экологик муҳитнинг ифлосланишига ва шу атрофда яшовчилар саломатлигига таъсир кўрсатмоқда.

Денгиз ва бошқа йирик сув ҳавзаларида фаолият кўрсатувчи кишилар орасида эса кўпинча «денгиз касаллиги» деб номланувчи хасталик кенг учрайди. Бу ҳам юқорида қайд этилган тоғ касаллиги каби айнан мазкур ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари билан баҳоланади. Аниқроғи, ушбу касаллик кема чайқалиши натижасида вужудга келади (самолётда, поезд ёки автобусда, шунингдек, лифтда ҳам айнан денгиз касаллигига ўхшаш белгилар рўй бериши мумкин). Одатда, кема чайқалишдан тўхтагач, барча ҳолатлар тезда йўқолиб кетади. Денгиз касаллигининг келиб чиқиши ва ривожланишида асаб тизимининг ҳолати ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Ўрмон (тайга) ҳудудларда ўз номи билан ўрмон касаллиги деб номланувчи касаллик кўп учрайди. Бундай хасталик айнан мазкур ҳудуднинг ўзига хос географик хусусиятлари билан изоҳланади. Бунда киши жисмида ҳар хил руҳий ҳолатлар, қарахтлик, уйку ва бошқа жараёнлар кузатилади. Чўл ва унга ёндош ҳудудлар ҳам ўзига хос хусусиятлари билан инсон жисмига маълум ҳолатда таъсир кўрсатади ва шу ер учун мос хасталикларни келтириб чиқаради. Мазкур ҳудудлар ҳаво ҳарорати ва буғланишнинг юқорилиги, нисбий намликнинг пастлиги билан тавсифланади. Аслида инсон жисмининг ҳаёти учун 18-21 градусли ҳаво ҳарорати ва 40-60 фоизли нисбий намлик қулай

хисобланади. Доимий юкори ҳарорат ва намликнинг маълум меъёрида бўлмаслиги киши танасига салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳол, ўз навбатида, асаб ва гормонал тизимлар билан боғлиқ хасталикларни, шунингдек, қон-томир касалликларини келтириб чиқаради. Бундай шароитда кўпинча дармонсизланиш, алаҳлаш, чидаб бўлмас ташналик белгилари билан ажралиб турувчи «чўл касаллиги» кўп учрайди. Ушбу касаллик ҳақидаги дастлабки маълумотлар сайёҳ-географлар томонидан ёзиб қолдирилган. «Чўл касаллиги»га чалиниш оқибатида руҳий хасталиклар ҳам юзага келиши мумкин. Жумладан, тропик мамлакатлар аҳолиси орасида астиния касаллиги тарқалган ва унинг вужудга келиши мазкур ҳудудлар табиий шароити билан узвий боғлиқдир.

Инсон саломатлигини белгилашда жойларнинг тупроқ хусусиятлари ҳам етакчи аҳамиятга эга. Чунки, тупроқ таркибида доимий равишда касаллик туғдирувчи бактерия ва микроорганизмлар ҳаёт кечиради. Тадқиқотларга кўра, 1 г тупроқ таркибида мингдан бир неча миллионгача микроорганизмлар ҳаёт кечириши аниқланган. Тупроқдаги бу мавжудотлар тур ва миқдори ер юзининг турли ҳудудларида турлича (Шошин А.А., 1962).

Тупроқ ҳақида сўз юритганда шуни таъкидлаш зарурки, тупроқ таркибидаги ҳар қандай элементнинг миқдори унда ўсувчи ўсимлик ва озиқа маҳсулотларига таъсир кўрсатади. А.П.Виноградов ва Б.В.Ковальскийлар тупроқ таркибида ўртача кальций - 1,37 %; стронций - 0,03; марганец - 0,085; рух - 0,005; мис - 0,002; кобальт - 0,008 ва йод - 0,0005 % бўлишини аниқлашган. Фақат баъзи геохимёвий хусусиятлари билан фарқланувчи ҳудудлардагина уларнинг айримлари кўп ёки кам миқдорда бўлиши мумкин. Мураккаб занжир орқали тупроқ ва сув ҳайвонлар организмига, кейин эса ўсимликлар орқали инсон организмига киради. Шунинг учун айтиш лозимки, тупроқ бу—бир бутун мажмуа, унинг физик, кимёвий таркиби, ундаги микроорганизмлар салмоғи, микроэлементлар миқдори ва бошқа озиқа маҳсулотлари орқали инсон организмига таъсир кўрсатади.

Буюк рус тупроқшуноси В.В.Докучаев тупроқни ўрганиш орқали тиббиёт географияси ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Олим «Тупроқ ва унинг таркиби, радиоактивлик ҳолати, унда ўсувчи ўсимликлар дунёси-мазкур ҳудудда яшовчи популяциялар саломатлик даражасига ўз таъсирини кўрсатади», деган эди (Чаклин А.В., 1977). Бинобарин, тупроқларни санитар жиҳатдан муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ифлосланган тупроқлар кўплаб касалликларнинг нозогеографик ўчоғи ҳисобланади. Бунда: ичак инфекциялари – ич терлама, вабо, ичкетар; зоонозлар-бруцеллез, куйдирги; чанг туфайли юзага келувчи инфекциялар-туберкулёз, йирингли касалликлар; тупроқда кўп учрайдиган микроблар-газли гангрена сингари касалликларни тупроқ орқали тарқалиши кўпчиликка яхши маълум. Шу сабабли тупроқ ва унинг таркиби нафақат тупроқшунослар, шунингдек, микробиолог, эпидемиолог ва тиббий географлар томонидан ўрганилиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, инсон саломатлиги учун тупроқ ва кумларнинг таъсири ҳам жуда муҳимдир. Хусусан, ёз фаслида саратон кум ва тупроғидан баҳра олиш, инсоннинг қиш фаслининг аёзли кунларида шамоллаш ва шу сингари хасталикларга бардошлигини оширади. Бироқ, тупроқнинг физик ва кимёвий хоссалари инсон саломатлигига таъсири нуқтаи назаридан кам ўрганилган. Шубҳа йўқки, бу борада ҳам олимлар тўлалигича аниқламаган сирлар мавжуд. Тупроқларнинг ифлосланиш жараёни ўз-ўзидан сувларнинг ифлосланишига ҳам олиб келади. Тупроқдаги барча микроэлементлар инсон организмига сув орқали ўтади. Шунинг учун йирик аҳоли манзилгоҳларида ичимлик суви доимо хлор эритмаси билан қайта ишланади.

Умуман олганда, тупроқнинг аҳоли саломатлиги ва унинг яшаши учун аҳамияти жуда ката, сабаби инсон саломатлигига таъсир этувчи кўпгина омиллар тупроқ орқали содир бўлади. Тупроқ, ўз навбатида, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг озукаси ва асосий таянчидир. Қолаверса, тупроқнинг бевосита инсон жисмига ҳам таъсири катта, бироқ бундай

қонуниятлар фанда ўрганилмаган. Шундай қилиб, нозоиқлимий жиҳатларни инсон саломатлигига таъсири нуқтаи назаридан «сув-ҳаво-тупроқ-ўсимлик-ҳайвонот дунёси-инсон» тизимида тасвирлаш мумкин.

Маълумки, нафақат юкумли касалликлар, шу жумладан баъзи юкумли бўлмаган касалликларнинг (қатор урологик касалликлар ҳам ичимлик суви билан узвий боғлиқ) вужудга келишида мазкур ҳудудларнинг гидрологик ҳолати, яъни сувларининг таркиби муҳим ўрин тутди. Чунончи, эндемик буқоқ касаллигининг юзага келишини айнан шунга мисол қилиш мумкин. Унинг шаклланишида инсон организмга ташқи муҳитдан қабул қилинадиган микроэлементларнинг таъсири катта.

А.П.Виноградов тадқиқотларидан шу нарса маълумки, инсон организми бир кеча кундузда 120 гамм йод қабул қилиши керак, шундагина организмнинг меъерий физиологик эҳтиёжи қондирилади. Шундан 70 гамм ўсимликлардан ва 40 гамм эса ҳайвон маҳсулотларидан олинади. Демак, инсон организми йоднинг асосий қисмини ўсимликлардан олади. Йодни эса ўсимликлар сув орқали тупроқдан олади (Виноградов А.П., 1946). Муаллиф фикрига кўра, тоғли ва кулранг тупроқли ҳудудларда йод танқислиги мавжуд бўлиб, шу туфайли бундай минтақаларда зарурий тадқиқотлар олиб бориш лозимлиги қайд этилади.

Сув билан боғлиқ касалликлардан яна бири уролитиоз бўлиб, у кўпроқ сув таркибида кремний миқдорининг мўллиги билан изоҳланади. Шунингдек, кўплаб юкумли касалликлар, уларнинг вужудга келиши ва ривожланиши сув манбалари билан узвий боғлиқ. Вабо, ичтерлама, ичкетар, безгак, сариқ касаллиги сингари қатор ичак инфекцияларининг тарқалишида сув асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Хуллас, муайян ҳудудларда касалликларнинг географик тарқалиш қонуниятларини аниқлашда уларнинг тупроқ ва гидрографик шароити муҳим омиллардан ҳисобланади. Айниқса улар

таркибидаги микроэлементлар ва уларнинг миқдори муҳим аҳамият касб этади.

Аҳоли касалланиши билан улар истеъмол қилинадиган ичимлик сув таркибига алоқадор корреляцион боғлиқликни таъсири аниқланган ва бу ҳолат айрим касалликларнинг ортишига сабаб бўлиши таҳлил қилинган. Таъкидланишича, биокимёвий вазият тупроқ ва озика маҳсулотларидан кўра сувда кўпроқ ўз аксини топади. Жумладан, ошқозон саратони келиб чиқишида кўпгина ҳолатларда асосий ўринлардан бирини сув ва унинг биокимёвий таркиби белгилаб беради. Касалликлар билан сув таркибидаги биокимёвий бирикмалар корреляцияси таҳлидан шуни гувоҳи бўлиш мумкинки, баъзи бирикмалар касаллик тур ва гуруҳларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади (Голубев И.М., 1986).

Тадқиқотларда аниқланишича, тупроқ таркибидаги микроэлементлар ҳам инсонлар саломатлигига бевосита таъсир кўрсатади. Жумладан, тупроқлар таркибида йод, йод: молибден, йод: титан, йод: марганец сингари микроэлементларнинг биргаликда мавжудлиги бундай минтақаларда хавfli ва хавфсиз ўсма хасталикларининг ортишига сабаб бўлар экан (Голубев И.М., 1986). Худди шундай баъзи бирикмалар касалликларнинг вужудга келишида тесқари алоқадорликка эга бўлади.

Ҳудудлар нафақат ўз иқлим, рельеф, тупроқ таркиби, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан ҳам фарқланади. Бу, ўз навбатида, мазкур ўлкаларда фаолият кўрсатувчи кишилар саломатлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, аҳоли саломатлигини белгилашда етакчи аҳамият касб этувчи табиий шароитлар таркибига рельеф, иқлим, тупроқ, ер ости ва ер усти сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси сингари омиллар киритилади. Уларнинг аҳоли саломатлиги нуқтаи назаридан ўрганиш эса тиббий географик тадқиқотларнинг муҳим масалаларидан биридир.

**Абдувалиева З.Л., Носирова М.**  
**КАСАЛЛИКНИНГ ТАБИЙ ҶОҚЛАРИНИ ҶРГАНИШДА ЛАНДШАФТ-  
 ГЕОГРАФИК ЖИХАТЛАР**

**Аннотация:** мазкур мақолада ландшафтли-табий Ҷоқлар мавжудлиги муносабати билан вужудга келувчи айрим камқонликлар кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** аҳоли, касаллик, ландшафт, тиббиёт географияси, вирус.

**Абдувалиева З.Л., Носирова М.**

**ЛАНДШАФТНО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИЗУЧЕНИЯ ПРИРОДНЫХ ОЧАГОВ  
 БОЛЕЗНЕЙ**

**Аннотация:** в данной статье рассматриваются возникающие некоторые болезни в связи ландшафтно-природной очаговости.

**Ключевые слова:** население, болезни, ландшафт, медицинская география, вирус.

**Abduvalieva Z.L., Nosirova M.**

**LANDSCAPE - GEOGRAPHICAL ASPECTS OF THE STUDYING NATURAL DISEASE SOURCE**

**Abstract:** this article describes some diseases arising in connection landscape and natural foci.

**Key words:** population, affection, landscape, medical geography, virus.

Яқиндагина, 2014 йил мартада, шов-шувга сабаб бўлган Эбола вируси тарқатган касаллик, тиббиёт оламида аввалроқдан Эбола геморрагик талвасаси сифатида 40 йилдан бери маълум. Фанда шундай ажойиб афоризм мавжуд: “содир бўлган тасодифлар тасодиф эмас”. Ҳақиқатдан ҳам баъзи касалликлар маълум ҳудудларга хос.

Касаллик, бетоблик, — организмга ташқи ёки ички муҳитнинг зарарли омиллари таъсир этганда рўй берадиган патологик жараён. Касаллик ҳақидаги тушунча тиббиёт тарихида ўзгариб борди. Касалликнинг пайдо бўлишида ташқи муҳит омиллари етакчи роль ўйнайди, чунки улар организмга бевосита таъсир этиш билан бирга унинг ички хусусиятларини ҳам ўзгартира олади, бу ўзгаришлар наслдан-наслга ўтиб, унда касалликни юзага келтириши мумкин. Касаллик, кўпинча, ҳаддан ташқари кучли таъсиротлар, турли микроорганизмлар, захарлар таъсирида вужудга келади. Бунда организмнинг ташқи муҳитга мослашуви сусайиб, унинг муҳит билан ўзаро мувозанати бузилади. Организмнинг ривожланиш нуқсонлари ёки ирсий камчиликлар ҳам касалликка сабаб бўлиши мумкин. Касаллик пайдо қиладиган агент организмга таъсир этиб, уни зарарлантиради, айна чоғда бу агент организмнинг ҳимоя чоралари ва мосланиш реакциялари сафарбар бўлишига олиб келади. Демак, касаллик, одатда, бир-бирига алоқадор икки жараённинг — зарарланиш ва унга қарши ҳимояланиш жараёнининг бирга келиши билан ифодаланади. Касалликнинг пайдо бўлиш сабаблари жуда хилма-хил. У

битта омилнинг таъсиридан ёки бир қанча шароитларнинг бирга қўшилишидан келиб чиқиши мумкин. Масалан, инфекция ва паразитар касалликлар организмга маълум бир турдаги микроорганизмлар ва паразитлар таъсиридан, бошқалари эса бир қанча сабабларнинг биргалашиб таъсир этишидан келиб чиқади.

Тиббиёт географияси ташқи муҳитнинг организмга таъсири ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш тадбирларини ўрганадиган тиббий-ижтимоий ва гигиеник фанлар таркибига киради. Бу фан география ва тиббиёт тармоғи бўлиб, аҳоли саломатлигига ҳудуднинг табиий ва иқтисодий-ижтимоий хусусиятларининг таъсири, ер юзасида инсоният касалликларининг келиб чиқиши ва тарқалишини ўрганади. География ва тиббиётни боғловчи хусусият — ўрганилаётган соҳа умумийлиги, географик тадқиқот усулларини бирлаштиради, тиббиёт тадқиқотнинг пировард мақсади -инсон саломатлигини асраш, касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишидан огоҳлантиради [1].

Касалликлар табиий Ҷоқларининг ландшафт-географик омиллари, география ўқитувчиларига “Инсон ва атроф-муҳит” каби долзарб муаммоларни ёритишда, дунёқарашларини кенгайтиришда фойдадан холи бўлмайди. Касалликнинг табиий Ҷоқлари — бир тур хайвондан иккинчи тур хайвонга инсон иштрокисиз тарқалиб, улардан бири касаллик кўзгатувчи Ҷоқ сифатида сақланиб қолади. Буларга аниқ мисол қилиб, кана энцефалитни келтиради, эволюцион тарзда касаллик Ҷоғи -

игна баргли ўрмонлар зонасида касалликка мойил бир тур хайвондан, иккинчи тур тирик ташувчи – каналарга ўтади. Ўтган асрнинг 30-йилларида табиий бойликларнинг ўзлаштирилиши орқали экспедициялар иштрокчиларининг оммавий касалланиш ҳолати вужудга келади. Касалликнинг аниқланиши асосида унга чалинмаслик учун ишончли ҳимоя воситаларини ҳам ишлаб чиқиш мукин бўлди.

Касаллик табиий ўчоқларининг маълум географик ландшафтлар билан боғлиқлиги мавжуд. Хусусан, ўрмон ландшафтларига кана энцефалити, тупроқ синдромли геморагик талвасалар хос. Кана энцефалити – каналар кўзгатувчи бош миянинг яллиғланиши, фалажланиш ва бошқа белгилар билан кечади. Лейшманиоз фақат Ўрта Осиё чалачўл ва чўл ландшафтларида учрайди. Лейшманиоз – лейшмания кўзгатадиган ўзига хос оғир юқумли касаллик. Касаллик воситачиси искабтопар. Ўлат касаллигининг табиий ўчоқлари дашт ландшафтлари ҳамда қисман чалачўлларда жойлашади. Ўлат – одам ва хайвонларда ўлат таёқчаси кўзгатадиган ўткир юқумли касаллик. Одамларга касал хайвонлар қонини сўрган бургалар орқали ўтади, жадал ривожланиши туфайли ўта ҳафвли (карантин белгиланадиган) ҳисобланади. Описторхознинг тарқалиш зоналари асосан ички ҳавзалардаги термик ишлов берилмаган балиқ маҳсулотлари орқали вужудга келади. Описторхоз – ясси гижжа кўзгатувчи касаллик, бунда жигар, ўт пуфаги, меъда ости бези кўпроқ зарарланади.

Шу ўринда инсон хўжалик фаолияти касаллик ўчоқларини нафақат камайтириб, балки кўпайтириб, янги кўринишдаги касалликка айлантириб юбориши ҳам кузатилади. Масалан, иқтисодий географик ландшафтлар – йирик қуш фабрикаларида орнитознинг тўсатдан бошланиши, ёввойи қушлардан ўтувчи инфекциялар (асосан кабутарлардан) товук ва ўрдакларга, сўнгра ходимларга хизмат кўрсатиш пайтида ўтиши ва ҳоказо. Ку талвасаси тарқалишида ҳам бевосита айнан инсон фаолияти сабаб бўлиши кузатилган. Чунки бу омил тўғридан-тўғри ҳамда билвосита таъсир кўрсатади: Чорва хайвонларини бошқа

жойга ҳайдаш, улар орасида яширин инфекцияси мавжуд қорамолнинг бўлиши, гигиена қоидаларига риоя қилмаган ҳолда қорамолларни ажратиш ва қўшиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (жун, пахта) ташиш, қушхона ва бошқа бирламчи хомашё билан ишланадиган жойлардаги фаолият шулар жумласидандир. Юқоридаги каби ҳолатлар бевосита инсон хўжалик фаолияти ва маълум касаллик вирусларининг мутация таъсирида вужудга келган эпидемия ва пандемияларни келтириб чиқариши мумкин.

2009 йилда H1 N1- илмий номи билан таниш чўчка гриппи пандемияси 16 давлат – Австралия, Бразилия, Канада, Хитой, Коста-Рика, Дания, Германия, Ирландия, Исроил, Мексика, Нидерландия, Янги Зеландия, Перу, Панама, Испания, Жанубий Корея кабиларни ўз ичига олган бу касаллик дунё барча мамлакатларини маълум даражада таҳликага солди. 2014 йил мартда, Африка қитъасининг нам ўрмонлар зонаси, маҳаллий Эбола дарёси қишлоқлари кузатилди. Одамларга ёввойи хайвонлар орқали юқиб, одамлар орасида бир-бирига тез тарқалди. Ҳозирги кунда Filoviridae оиласига мансуб Эбола вирусининг 3 хил тури ва 5 хил кўриниши мавжуд, эпидемияга сабаб бўлган тури – Анголада Заир талвасаси номи билан маълум. Унинг ўртача ўлим коэффиценти 50 %, аввалги юқиш кўрсаткичлари ўлим коэффиценти 25% дан 90% гачани ташкил қилган.

Биринчи касаллик тарқалиш ҳудуди Марказий Африка нам тропик ўрмонлари чекка қишлоқларда кузатилиб, охириги касаллик тарқалиши Ғарбий Африканинг йирик шаҳар ва қишлоқ районларини қамраб олди. Касалликнинг номи иккинчи юқиш жойи Эбола дарёси бўйларидаги қишлоқларда кузатилиб, ушбу номни олди. Эбола вируси асл эгаси Pteropodidae - мевахўр кўршапалаклар бўлиб, одам популяциясига шимпанзе, горилла, мевахўр кўршапалак, ўрмон антилопаларининг нам ўрмонларда касал ва ўлик хайвонларни инфекцияланган қони, суюқликлари билан юқади. Ҳозиргача бу вирус орқали 5000 атрофида киши нобуд бўлган бўлса, касаллик ўлим коэффиценти билан 2000 та



киши тирик қолган. Тирик қолган кишилар зардобни олиб иммуноглобулинни ажратиб қони таркибида эбола вируси баъзиларда олинса, бу вирусга қарши энг содда ва кўпроқ, баъзиларда камроқ миқдорда юқори сифатли дори пайдо бўлади. мавжуд бўлиб, уларнинг қон таркибидан

Жадвал

**Эбола вируси орқали келиб чиққан касалликлар хронологияси**

Йил	Давлат	Вирус тури	Касаллик ҳолати	Ўлим ҳолати	Ўлим коэффициенти
2012	Конго Демократик Республикаси	Эбола Бундибуджио	57	29	51%
2012	Уганда	Эбола Судан	7	4	57%
2012	Уганда	Эбола Судан	24	17	71%
2011	Уганда	Эбола Судан	1	1	100%
2008	Конго Демократик Республикаси	Эбола Заир	32	14	44%
2007	Уганда	Эбола Бундибуджио	149	37	25%
2007	Конго Демократик Республикаси	Эбола Заир	264	187	71%
2005	Конго	Эбола Заир	12	10	83%
2004	Судан	Эбола Судан	17	7	41%
...					
1976	Судан	Эбола Судан	284	151	53%
1976	Конго Демократик Республикаси	Эбола Заир	318	280	88%

Вирус, албатта, бутун ер юзаси аҳолисига таҳдид ва шу билан бирга дунё аҳолиси бирлашишига имконият ҳамдир. Вируслар – хужайра тузилишига эга бўлмаган нуклеин кислоталар (ДНК ёки РНК) ва оқсил парда (капсид)дан ташкил топган майда микроорганизмлардир. Улар 1982 йилда Д.И.Ивановский томонидан аниқланган. Ҳозир ўзининг биологик, физик-кимёвий, морфологик хусусиятлари билан фарқ қиладиган 70 дан ортиқ вирус турлари мавжуд. Улар табиатда кенг тарқалган бўлиб, одам, ҳайвон, ўсимлик ва хашоротларда учрайди. Фақат тирик организмларда ўзига хос шароитда яшашга мослашган вируслар кўпгина юқумли касалликларни кўзғатади. Шу пайтгача,

чечакдан – 300 млн, вабодан – 75 млн, ОИТС дан – 25 млн, қизамиқдан – 20 млн. дан ортиқ аҳоли кўз юмган.

Вирусга қарши одатда эмлаш ишлари амалга оширилади. Шу ўринда вирусолог олимлар фаолиятини айтиб ўтиш жоиз. Эмлаш – йўлга қўйилиши учун, одатда, биринчи синов ҳайвонларда, сўнг ўрта ёшли инсонлар ва кейингина болаларда синалиши мумкин. Полеомелит, энцефолит, микробиологияда вабо, ўлат касалликларига эмлашни олимлар ўз таналари ва оила аъзоларида синаганлиги бу соҳа вакиллариининг нуфузини оширмай иложи йўқ. Зеро олийжаноблик ва фидоийлик инсониятни асосий безагидир.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Заболотный Д.К. География медицинская // Большая Медицинская Энциклопедия. т. 6. – М., 1929.
2. Солиев А., Комилова Н. Тиббиёт географияси. – Тошкент, 2005.
3. Тўрақулов Ё. Тиббиёт комусий луғати. – Тошкент, 1996.

**Турдымамбетов И.Р.**  
**О ВЛИЯНИИ ПОСЛЕДСТВИЙ АРАЛЬСКОЙ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КАТАСТРОФЫ**  
**НА ДЕМОГРАФИЮ И ЗДОРОВЬЕ НАСЕЛЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ**  
**КАРАКАЛПАКСТАН**

**Аннотация:** в статье анализируются влияние последствий Аральской экологической катастрофы на здоровье населения Республики Каракалпакстан, изучена динамика уровня первичной заболеваемости по отдельным классам заболеваний в разрезе выделенных зон.

**Ключевые слова:** население, заболеваемость, зоны, экологическая ситуация, демографическая ситуация.

**Турдымамбетов И.Р.**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТИ ВА АҲОЛИСИНИНГ**  
**САЛОМАТЛИГИГА ОРОЛ ЭКОЛОГИК ФАЛОКАТИНИНГ ТАЪСИРИ ҲАҚИДА**

**Аннотация:** мақолада Орол ва Оролбўйи минтақаси, юзага келган экологик инқирознинг аҳоли саломатлиги ва демографик вазиятга таъсири, айрим касалликларнинг динамикаси таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** аҳоли, касалланиш, зоналар, экологик вазият, демографик вазият.

**Turdimambetov I.R.**

**ABOUT THE IMPACT OF THE ARAL ECOLOGICAL CATASTROPHE ON DEMOGRAPHY AND**  
**HEALTH OF THE POPULATION OF KARAKALPAKSTAN**

**Abstract:** this article analyzes the impact of the consequences of the Aral Sea ecological disaster on the health of the population of the Republic of Karakalpakstan, studied changes in the level of primary morbidity for individual classes of diseases in the context of the selected zones.

**Keywords:** population, morbidity, zone, the ecological situation, the demographic situation.

Жизнедеятельность человека неразрывно связана с геофизическими и биогеохимическими факторами среды обитания. Воздействие на человека неблагоприятных социальных, экономических и экологических факторов – одна из причин ухудшения здоровья населения.

Изучение медико-географических особенностей распространения болезней в зонах экологического напряжения является одной из важнейших задач науки современности. Современная экологическая ситуация Республики Каракалпакстан отличается высокой антропогенной и природной нагрузкой на объекты среды обитания. В последние годы в районах отмечается интенсивное нарастание негативных тенденций в показателях здоровья населения под влиянием комплекса факторов окружающей среды.

Материалы ученых, исследовавших природную среду Южного Приаралья (Абдиров и др., 1991; Агаджанян и др., 1994; Ещанов, 1996; Эльпинер, 1999; Атаниязова и др., 2001; Курбанов и др., 2000; Константинова и др., 2004; Жиенбаев Б.Ж и др., 2004; Салиев, 2009; Турдымамбетов, 2014) указывают на то, что наиболее значительными параметрами окружающей среды Южного Приаралья по воздействию на состояние здоровья являются ухудшение качества питьевой

воды, ее загрязнение, загрязнение почв и продуктов питания, нарушение биогеохимической ситуации, запыленность воздуха за счет эолового переноса солей, формирование дискомфортного климата, формирование новых очагов инфекционных болезней за счет нарушения ландшафтообразования.

В связи с этим, проблема воздействия различных отрицательных факторов географической среды на состояние здоровья населения всегда стояла остро. Особое внимание ей стало уделяться в связи с ухудшающимися экологическими условиями.

В этой связи изучение природных комплексов и их отдельных компонентов – климатических, почвенных, гидрологических и других – является очень актуальным с точки зрения влияния каждого из них на состояние здоровья населения, на возникновение и географию болезней в условиях измененной экологической среды. На основе изучения и медико-географического анализа природной среды, характеризующего конкретную территорию Республики Каракалпакстан, очень важным может быть проведение медико-географического районирования.

Таким образом на севере Узбекистана, в Республике Каракалпакстан, как и во всем Южном Приаралье, помимо таких

природных проблем, как глобальное потепление, магнитные бури, природные катаклизмы (землетрясения, паводки), возникла Аральская экологическая катастрофа, вредные факторы которой, в совокупности с другими факторами, оказывают отрицательное влияние на здоровье населения, повышают уровни заболеваемости и смертности. В результате антропогенных преобразований в бассейне Аральского моря сложилась экстремальная социально-экономическая и санитарно-эпидемиологическая ситуация, представляющая определенную угрозу для здоровья человека.

Загрязнения окружающей среды, оказывающие воздействие на состояние здоровья населения в Республики Каракалпакстан (РК), выражаются в ухудшении качества питьевой воды, ее загрязнении, загрязнении почв и продуктов питания, нарушении биогеохимической ситуации, запыленности воздуха за счет эолового переноса солей и пр.

РК занимает около 37 % территории Узбекистана, и ее территория нами условно разделена на 3 зоны (Северная, Центральная и Южная). При анализе социально-экономических, природно-гигиенических и медицинских показателей учитывались расположения городов и районов РК в зависимости от удаленности от старого берега Аральского моря, что позволяет более наглядно продемонстрировать

тяжелые последствия Аральской экологической катастрофы. Среди комплекса антропогенных факторов, воздействующих на здоровье населения, «водный фактор» является доминирующим. Примерно одна треть населения региона пользуется водой колодцев и открытых водоемов.

При этом в районах Северной зоны отмечаются повышенные показатели химического загрязнения водопроводной воды, в Южной зоне – бактериальные загрязнения. В этой связи необходимо отметить, что в годы маловодья качество питьевой воды, откуда бы она ни забиралась, резко ухудшается, что необходимо учитывать при организации обеспечения населения питьевой водой в маловодные годы.

Демографическая ситуация в городах и районах РК имела своеобразный характер. Отмечается тенденция снижения рождаемости в Канлыккульском, Шуманайском и Амударьинском районах. В этих же районах невысокий, по сравнению с другими районами, естественный прирост населения. Северная группа районов (особенно Муйнакский, Тахтакупырский, Караузьякский, Чимбайский, Кегейлийский, Канлыккульский), наиболее пострадавшая от экологического бедствия, а также Ходжейлийский и Нукусский районы, имеют более высокие показатели смертности, чем по РК и в целом по РУз.

Таблица

**Показатели общей заболеваемости, болезненности и смертности населения Республики Каракалпакстан**

Годы	Первичная заболеваемость (Инцидентность)	Болезненность (Превалентность)	Общая смертность	Младенческая смертность	Материнская смертность
1991	506,4	1083,0	6,8	51,3	108,7
1995	468,7	924,5	6,5	31,5	50,5
2000	474,9	1228,2	5,6	20,5	38,8
2005	412,8	1053,2	5,8	17,4	15,3
2010	410,8	948,9	5,1	11,9	26,3
2013	422,0	935,1	4,7	11,3	23,0

Таблица составлена авторами по данным Института здоровья МЗ РК.

За годы независимости Узбекистана в РК существенно уменьшились показатели заболеваемости и в 5 раз снизились показатели младенческой и материнской смертности (табл. 1). Относительно высокие

показатели первичной заболеваемости (инцидентности) и болезненности (превалентности) в 2000 году объясняется наступлением периода маловодия в 1999-2001 гг. в низовьях Амударьи. Нами изучена

динамика уровня первичной заболеваемости по отдельным классам заболеваний за 2001, 2005, 2010 и 2013 гг. Однако за 2001-2010 годы уровень общей заболеваемости остается довольно высоким и в структуре болезней сохраняется ранговое распределение.

Проведенное исследование показывает, что нозогеографическая ситуация в РК имеет свои специфические особенности, обусловленные главным образом региональной экологической обстановкой.

Таким образом, полученные результаты позволяют сделать следующие

**Выводы:**

**В Северной зоне** РК младенческая смертность была сильно связана с химическим загрязнением открытых водоемов, средние прямые связи имелись с качеством водопроводной и колодезной воды. Болезни органов дыхания зависели от запыленности атмосферного воздуха. Уровень злокачественных новообразований и камни почек зависели от качества водопроводной воды, болезни крови были сильно связаны с качеством колодезной воды, Желчнокаменные болезни вызваны загрязненностью воды открытых водоемов и водопроводной воды, уровень диарейных заболеваний был связан с бактериальным загрязнением воды открытых водоемов.

**В Центральной зоне** РК уровень младенческой смертности и болезни крови были обусловлены с химической загрязненностью воды открытых водоемов, колодезной и водопроводной воды. Желчнокаменные болезни зависели от качества воды открытых водоемов и более сильно – водопроводной воды. Камни почек были связаны с химической загрязненностью водопроводной воды.

**В Южной зоне** РК болезни органов дыхания были зависимы от запыленности атмосферного воздуха, Уровни

младенческой смертности, болезней крови и камней почек были вызваны химической загрязненностью воды открытых водоемов, а желчнокаменная болезнь зависела от качества воды открытых водоемов и колодецев. В целом по РК уровни заболеваемости всего населения и уровень младенческой смертности в значительной степени определяется химической загрязненностью открытых водоемов. Уровень младенческой смертности зависел также от качества колодезной воды.

В ходе исследования определены основные экологические факторы, преимущества отдельных вредных факторов в зависимости от территориальной и временной дифференциации, оказывающих отрицательное воздействие на показатели здоровья населения. Установлены заболевания, уровень которых существенно, иногда значительно превышают показателей Узбекистана, обусловленные влиянием вредных экологических факторов, доказаны коррелятивные связи между этими явлениями. В этом контексте разработаны методы исследований нозогеографии в условиях экологической катастрофы, предложены комплекс нозогеографических карт Республики Каракалпакстан, позволяющих расширить видение экологической ситуации в регионе, вносить соответствующие изменения в долгосрочные и среднесрочные планы мероприятий по смягчению последствий экологической катастрофы, усилить позиции по устойчивому развитию республики.

Полученные результаты могут быть использованы при разработке проекта концепции охраны здоровья населения, которые будут востребованными в целевых региональных программах социально-экономического развития.

**Список литературы:**

1. Атанязова О.А., Константинова Л.Г., Курбанов А.Б. Аральский кризис и медико-социальные проблемы Каракалпакстана (Взгляд с места происшествия). – Нукус: Билим, 2002. - 116 с.
2. Данные Института здоровья МЗ РК за 1991-2013 гг.
3. Жиенбаев Б.Ж., Сейткамалов Х., Жуманазарова А. Факторы внешней среды и заболеваемость населения Республики Каракалпакстан // Мат.-лы межд. науч.-практ. конф. «Экологическое образование и устойчивое развитие». – Нукус, 2004. – С.114.
4. Мадраимов А., Турдымамбетов И.Р. Территориальная дифференциация природных условий и нозогеографическая ситуация в Республике Каракалпакстан // Вестник Географического общества

Ўзбекистана. Том 41. – Ташкент, 2013.

5. Умирзаков Б.К., Ли Т.Б. Информационное письмо о результатах мониторинга загрязнения атмосферы, поверхностных вод и почвы в 2010г. – Ташкент, 2011.

6. Салиев А.С., Турдымамбетов И.Р. Актуальные проблемы медицинской географии (нозогеографии) в Каракалпакстане // Вестник Каракалпакского государственного университета. Том I. – Нукус, 2009.

7. Турдымамбетов И.Р. Нозогеографическая и нозоэкологическая ситуация в Республике Каракалпакстан // Мат.-лы межд. науч.-практ. конф. «Теоретические и прикладные проблемы географии». – Астана, 2014.

**Равшанов А.Х.**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЙ ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

**Аннотация:** мақолада, чоп этилган материаллар асосида Ўзбекистонда тиббиёт географиясининг шаклланиши ва ривожланиши таҳлил қилинган. Асосий эътибор аҳоли касалланишининг омиллари ва ландшафт хусусиятларига қаратилган.

**Калит сўзлар:** тиббий география, касалликлар, тиббий географик тадқиқотлар, тиббий ландшафтшунослик, касаллик омиллари, нозогеография.

**Равшанов А.Х.**

## РАЗВИТИЕ МЕДИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Аннотация:** в данной статье, на основе опубликованных материалов, анализируются формирование и развитие медицинской географии в Узбекистане. Особое внимание уделяется на факторы и ландшафтные особенности заболеваемости населения.

**Ключевые слова:** медицинская география, болезни, медико-географические исследования, медицинское ландшафтоведение, факторы заболеваемости, нозогеография.

**Ravshanov A.X.**

## DEVELOPMENT OF NATURAL GEOGRAPHICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN

**Abstract:** on the following article is investigated problems of formation and development the subjects on Medical geography, results of scientific – research work on medical landscape study and socio – economic geography.

**Key words:** medical geography, disease, medical and geographical research, medical landscape studies, the incidence of factors, nozo-geography.

Ўзбекистон Республикасида ҳам бугунги кунда тиббий география ва тиббий ландшафтшунослик йўналишларида комплекс тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Амударё дельтасининг тиббий-географик таҳлили И.Р.Турдимамбетов (2003-2005) ишларида, жанубий минтақалар ва Самарқанд вилоятининг нозогеографик вазиятлари Н.К.Комилова (2006, 2007), О.Муҳаммедов (2006) мақолаларида, тиббий ландшафтшуносликка ва тиббий ландшафт карталаштиришга оид илмий тадқиқот натижалари А.Абдулқосимов ва А.Равшанов (2006) ларнинг ишларида кенг ёритилган. Социал экологиянинг регионал муаммолари ва унинг салбий оқибатлари ҳам ўрганилиб келинмоқда. Буларнинг барчаси республикамизда тиббий география, тиббий ландшафтшунослик, тиббий ландшафт карталаштириш ва тиббий геоэкологиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Маълумки, тиббий география инсон касалликларининг географик тарқалиш қонуниятларини ва касалликларнинг келиб

чиқишига шарт-шароит яратувчи табиий ва антропоген омилларни тадқиқ этувчи фандир. Тиббий география мазмунан табиий ва ижтимоий география сингари кўп тармоқли фан бўлиб, унинг таркибий қисмлари нозогеография, тиббий ландшафтшунослик, тиббий антропоген ландшафтшунослик, тиббий геоэкология, тиббий географик ва тиббий ландшафт карталаштириш сингари йўналишлардан иборат. Уларнинг барчасини асосида табиий муҳит – жамият ва инсон саломатлигининг ўзаро таъсир этиш ва алоқадорлик тизими билан узвий боғлиқ бўлган тиббий географик муаммолар ётади.

Эътироф этиш жоизки, юқорида номлари зикр этилган тиббий географик тармоқларнинг ҳар бири ўзининг муайян тадқиқот объектига, предметиға, мақсад ва вазифаларига ҳамда илмий ёндашиш концепцияларига эга. Масалан, нозогеография айрим касаллик турларининг географик тарқалишини глобал, зонал ва регионал масштабларда ўрганади. Тиббий ландшафтшунослик эса, ундан фарқли

равишда, ландшафт комплексларининг инсон саломатлигига кўрсатаётган ижобий ва салбий таъсирларини тадқиқ қилади, аҳоли саломатлигига таъсир кўрсатувчи геоэкологик вазиятларни ва географик муҳитни оптималлаштириш муаммоларига оид илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

Тиббий антропоген ландшафт-шуносликнинг асосий мақсади инсон хўжалик фаолияти туфайли барпо этилган маданий ва маданий бўлмаган антропоген ландшафтлар доирасида, хусусан шаҳар ва қишлоқ селитеб ландшафтларида, агроландшафтларда, тоғ-кон саноати ривожланган жойлардаги техноген ландшафтларда вужудга келган геоэкологик вазиятларнинг, теварак-атроф табиат муҳитига ва инсон саломатлигига кўрсатаётган салбий таъсирини морфологик бирликлар ёрдамида ўрганишдан иборат. Бундай вазифаларни тиббий геоэкологик ёндашиш ва тиббий ландшафт карталаштириш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасидаги нозо-географик (касалликлар географияси) тадқиқотлар Н.Қ.Комилова (1998, 2005, 2006, 2007), А.Солиев, Н.Комилова (1997, 2000, 2005), О.Мухаммедов (2006), И.Турдимамбетов (2003, 2004, 2005), Н.Комилова, И.Хуррамов (2008) ва бошқалар томонидан олиб борилган. Жумладан, Н.Қ.Комилова (2005, 2006) жанубий минтақаларнинг нозогеографик вазиятларини тиббий географик жиҳатдан баҳолаш экан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудида мавжуд бўлган нозогеографик вазиятларнинг ўзига хос томонлари билан республикамизнинг бошқа вилоятларидан ажралиб туришини таърифлаб берган. Муаллифнинг берган маълумотларида Қашқадарё вилояти аҳолиси сил касаллиги билан касалланиши ҳар 10000 кишига 92,7 нафарга тўғри келиши, Сурхондарё витлоятида эса, Тожикистон алюминий заводидан чиқаётган захарли чикиндилар таъсирида, географик муҳит ва экологик шароит кескин ўзгариб бораётганлиги, бунинг оқибатида аҳоли ўртасида касалланиш ҳолатларини бирмунча ортиб бориши кўрсатилган.

Н.Қ.Комилова ва А.Солиевларнинг 2005

йилда чоп этилган «Тиббиёт географияси» монографиясида Бухоро вилояти ҳудудини аҳоли саломатлиги бўйича тиббий географик районлаштириш ишлари бажарилган ва тўртта нозогеографик район ажратилган. Булар юкори, ўрта ёки марказий, куйи ва ғарбий тиббий географик районлардир. Муаллифлар бу жараёни амалга оширишда куйидаги тамойилларни бош мезон қилиб олишган: 1) ҳудудлар географик ўрнининг умумийлиги; 2) касалликлар гуруҳларининг тарқалиш даражаси ва ихтисослашуви; 3) умумий ва гўдаклар ўлими кўрсаткичлари; 4) табиий ҳамда экологик шароитнинг ўхшашлиги; 5) айрим касалликлар нозогеографик ареалларининг мавжудлиги; 6) ҳудуднинг хўжалиги, унинг тармоқлар таркиби; 7) маъмурий-худудий бирликларнинг яхлитлиги ва ҳ.к. Ажратилган тиббий географик районларга тавсиф беришда уларнинг майдони, аҳолисининг сони ва ўртача зичлиги, районлар учун характерли бўлган асосий касалликлар гуруҳи ва бошқа геоинформатик кўрсаткичлардан кенг фойдаланган.

Амударё дельтасининг тиббий географик таҳлили ва унинг санитария-гигиеник вазияти И.Р.Турдимамбетовнинг (2003, 2004, 2005) илмий ишларида яхши ёритилган. Унинг мақолаларида асосий эътибор Амударё дельтасида инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгартирилган табиий муҳитни тиббий географик баҳолаш; тиббий биологик ва санитария-гигиеник вазиятларнинг шаклланиши ва ривожланиши, вужудга келган экологик тангликни яхшилашнинг географик асослари, Жанубий Оролбўйи регионини аҳолининг касалланишига кўра районлаштириш, тиббий географик тадқиқотларни олиб боришда ландшафт принциpidан фойдаланиш каби муаммоларга қаратилган.

Бундан ташқари, И.Р.Турдимамбетов (2004) Қорақалпоғистон Республикасида касалликларнинг айрим нозогеографик шакллари, таркибини ва динамикасини таҳлил қилиб, аксарият касаллик турларини йилдан-йилга кўпайиб боришини фактик маълумотлар асосида аниқлаб берди. Масалан, 2002 йилда туғма нуқсонлар билан туғилганлар сони 6,8 марта, юрак

хасталиги билан касалланганлар сони 8,7 марта, гипертоник касалликлар 8 марта, бронхит касаллиги 20, ўт халтада тош йиғилиш касаллиги 17, асаб касалликлари 12, нефрит касаллиги 18 марта ва ошқозон яра касаллиги 2,2 марта кўпайгани қайд қилинган.

Маълумки, аҳоли ўртасидаги касалликларнинг вужудга келиши ва ҳудудий тарқалиши бевосита табиий ва иқтисодий-ижтимоий шароитга, айниқса атроф-муҳитнинг экологик вазиятига боғлиқ. Бундай нозогеографик вазиятнинг вужудга келиши айрим минтақаларда кўплаб касалликларнинг келиб чиқишига ва географик тарқалишига сабаб бўлмоқда. О.Муҳаммедов (2006) аҳоли ўртасидаги ўлимга сабаб бўлаётган касалликларнинг асосий турларидан қон айланиш системаси, овқат ҳазм қилиш аъзолари, ўсмалар, нафас олиш аъзолари, юқумли ва паразитар касалликларнинг ҳудудий тарқалишини ўрганиб, Самарқанд вилоятининг нозогеографик вазиятини таҳлил қилган. Унинг таъкидлашича, вилоятда қон айланиш тизими касаллиги бошқа турдаги касалликларга нисбатан кўпроқ тарқалган бўлиб, у барча турдаги касалликларнинг 56,7% ини ташкил қилади. Бу касаллик кўпроқ аҳолиси зич, ишлаб чиқариш корхоналари ривожланган шаҳар ва туманларда юқори бўлиши аниқланган. Жумладан, бу турдаги касаллик 2000-2004 йилларда Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида, мос равишда, 63,8% ни ва 63,7% ни, Самарқанд туманида эса 62,4% ни ташкил этган. Мазкур жараён вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан анча юқори эканлиги эътироф этилган.

А.Сатторов, М.Умарова ва З.Холматловлар (2006) Сурхондарё вилоятидаги айрим касаллик турлари географиясини статистик маълумотлар асосида ўрганиб, сўнгги йилларда вирусли гепатит, нафас олиш аъзолари сили, безгак, эхинококкоз каби касалликларнинг географияси кенгайиб бораётганини аниқлашган. Чунончи, вилоят ҳудудида нафас олиш аъзолари сили билан хасталанган беморлар сони 2003 йилда 977 нафарни ташкил этган бўлса, 2005 йилда 1129 кишига етган. Статистик

маълумотларга қараганда, бу турдаги касаллик Термиз шаҳрида, Денов ва Шўрчи туманларида юқори кўрсаткичга эга. Шунингдек, вирусли гепатит билан хасталанган беморлар сони ҳам анча юқори бўлиб, 2005 йилда ҳар 1000 киши ҳисобида Термиз шаҳрида 423 нафарни, Деновда 312, Сариосиёда 187, Шўрчида 139, Қумқўрғонда 135 нафарга тенг бўлган. Муаллифлар бундай касалликларнинг келиб чиқиши ва кенг тарқалиш сабабларини табиий ва иқтисодий географик омиллар ҳамда атроф-муҳитнинг экологик вазияти билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлайдилар.

Тиббиёт географияси доирасида бажарилган илмий тадқиқотлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият муаллифлар тиббиёт географиясига ва унинг тадқиқот объектига ижтимоий-иқтисодий географиянинг бир тармоғи сифатида ёндашишган. Шунинг учун ҳам тиббий географик ва нозогеографик тадқиқот ишлари, касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг географик тарқалиши, улар билан боғлиқ бўлган масалаларнинг илмий асарларда ёритилиши ижтимоий-иқтисодий омилларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилган. Бироқ, касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг географик тарқалиши, ареалларининг маконда қонуний жойлашиши табиий географик шароитларнинг ва ландшафт комплексларининг хилма-хиллиги ҳамда касалликларнинг табиий ўчоқлари билан бевосита боғлиқ эканлиги каби етакчи омилларга кам эътибор берилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, тиббиёт географияси табиий география, ижтимоий-иқтисодий география ва тиббиёт фанлари қиррасида вужудга келган ва шаклланган фан ҳисобланади. Н.Комилова ва А.Солиев (2005) фикрича, тиббиёт географияси чиндан ҳам фанлар қиррасида юзага келган чегаравий йўналиш бўлса-да, биз уни география фанлари тизимидаги мавқеини ижтимоий география доирасида кўриш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайдилар. Табиатда турли хил касалликларни келтириб чиқарувчи табиий ўчоқлар мавжуд экан, уларни аниқлаш, тавсифлаш,

карталаштириш каби тадқиқот ишларини регионнинг ёки муайян жойнинг маҳаллий табиий географик шароитини, рельеф тузилишини, микроиқлимни, ер усти ва ер ости сувларининг ҳамда тупроқ қопламнинг гидрокимёвий ва геокимёвий хусусиятларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, ландшафт комплексларини таксономик бирликлар системаси асосида таҳлил қилиш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Бунинг учун тиббий географик тадқиқот ишларини тиббий ландшафтшунослик ва тиббий геоэкологик йўналишлар билан чамбарчас боғлаб олиб борилса, тиббиёт географиясига оид бўлган муаммоларнинг ечимини топишни ва амалий таклифларни ишлаб чиқишни ҳамда инсон касалликларига қарши курашиш чора-тадбирларини бирмунча осонлаштиради. Мазкур тадқиқотга тиббий ландшафтшунослик ва тиббий геоэкологик нуқтаи назардан ёндашсак, бу биринчидан, касалликларнинг табиий ва антропоген ўчоқларини ҳозирги ландшафт комплекслари доирасида ўрганиш ва тадқиқ қилиш яхши натижалар бериши муқаррар бўлса, иккинчидан, олинган натижаларнинг ва қилинган хулосаларнинг илмий ва амалий аҳамиятининг юқори даражада бўлиши ҳам шубҳасиздир.

Олиб борилган кузатишлар ва тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, турли хил касалликларнинг табиий ва антропоген ўчоқлари бирор ландшафт типининг барча худуди бўйлаб бир текис тарқалмаган. Улар ҳар қайси ландшафтнинг бирор участкасида ёки, бошқача қилиб айтганда, унинг таркибий қисми бўлган бирорта урочишада ёки фацияда мавжуд бўлиши мумкин. Бунга сил касаллиги, безгак касаллиги ва бошқа маҳаллий стенохор касалликлар мисол бўла олади. Айрим касаллик турлари, аксинча, бутун табиий географик районлар, провинция, зоналар ва ўлкалар бўйлаб кенг тарқалган бўлиши мумкин. Бунга тоғ касаллиги, эндемик бўқоқ, қуёш уруши ва бошқа эврихор касалликлар мисол бўла олади. Шу боисдан биз тиббий географик тадқиқотлар олиб боришда тиббий ландшафтшунослик ва тиббий геоэкологик нуқтаи назардан ёндашишни мақсадга мувофиқ, деб

ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, тиббий ландшафтшунослик йўналиши ландшафтшунослик фанидаги антропоген ландшафтшунослик, мелиоратив ландшафтшунослик, ландшафт-экологик (геоэкологик), ландшафт кадастри ва ландшафт архитектураси йўналишлари каби янги илмий йўналишдир.

Маълумки, аксарият касалликларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва географик тарқалиши бевосита маҳаллий ландшафтларнинг геокимёвий хусусиятлари, ичимлик сувларининг ифлосланиши, вужудга келган кескин геоэкологик вазиятлар, суғориладиган тупроқлар таркибида пестицид ва гербицид каби заҳарли кимёвий бирикмалар миқдорининг ортиб бориши билан ёки ҳар қайси ландшафт худудида турли хил касалликларни кўзғатувчи ва тарқатувчи манбаларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир.

Тиббиётда қайд қилинган касалликлар ичида зоналик мазмунга эга бўлган касалликлар ҳам, интразонал характерга эга бўлган касалликлар ҳам учрайди. Жумладан, кана энцефалити ўрмонлар зонасининг жанубий қисми учун, қайталанадиган кана тифи чўл зонаси учун, тоун (ўлат) эпидемияси чўл ва дашт зоналари учун характерли бўлса, туляремия инфекция касаллигининг географик тарқалиши интразонал характерга эга. Тиббий ландшафтшунослик тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқланганки, географик зоналарнинг ва жой типларининг барча худудлари эпидемиологик жиҳатдан хавfli эмас, балки уларнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи муайян бир типдаги урочишалари ва ҳатто бир типдаги фациялари хавfliдир.

Бинобарин, табиий ландшафт комплексларининг аҳоли саломатлиги ҳолатига салбий таъсирини тадқиқ этиш ҳозирги даврда тиббий географиянинг, хусусан тиббий ландшафтшуносликнинг энг муҳим илмий йўналишларидан ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу борада юқорида зикр этилганларнинг барчаси шундан далолат берадики, табиий ва антропоген геосистемаларнинг тиббий географик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш тиббий ландшафтшунослик фанининг



келажакда янада ривож топишига ҳар томонлама асосланган илмий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Табиатда зоналикка ва интра-зоналикка оид бўлган касалликлардан ташқари регионал характерга эга бўлган, айниқса географик тарқалиши тоғли ва тоғолди районлари билан узвий боғлиқ бўлган касалликлар ҳам мавжуд. Бунга эндемик бўқоқ касаллиги мисол бўла олади. Эндемик бўқоқ касаллиги Евросиё материгининг Альп, Карпат, Кавказ, Урал, Тяньшан, Помир, Олой, Шарқий Сибирь, Ҳимолай тоғлари ва тоғолди районларида, Шимолий Американинг Кордильера ва Қояли тоғларида, Африканинг Эфиопия тоғлигида яшовчи халқлар ўртасида кенг тарқалган. Яқин йилларга қадар эндемик бўқоқ касаллиги Ўзбекистоннинг бир қатор тоғли ва тоғолди ҳудудларида, тоғоралиғи ботиқларида, жумладан Фарғона ботиғида, айниқса унинг Сўх конуссимон ёйилмаси ландшафтлари ҳудудида яшайдиган аҳоли ўртасида кўп учраган. Бу касалликнинг келиб чиқиши ландшафтларнинг геокимёвий таркибида, яъни мазкур жойнинг сувида, тупроғи, ҳавоси ва ҳатто овқатида йод моддасининг етишмаслиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Эндемик бўқоқ касаллигини олдини олиш ва унга қарши курашиш учун соғлом инсон организми ҳар куни камида бир граммнинг миллиондан 100-200 қисмигача йод қабул қилиши керак. Агар ҳар бир инсон организми кечаю-кундуз давомида йодни шу миқдордан кам истеъмол қилар экан, қалқонсимон без йодли гормон – тироксинни кам ишлаб чиқаради, унинг функцияси сусаяди. Натижада, қалқонсимон

без катталашиб, бўйин нервларини ва томирларини қисиб қўяди. Шунинг учун эндемик бўқоқ касаллиги тарқалган жойларда ҳар бир киши ҳафтада бир марта 1 мг йод тузини қабул қилиши ёки овқат тайёрлашда йодланган ош тузидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Бундай чора-тадбирлар эндемик бўқоқни олдини олишга ёрдам беради. Ўзбекистонда эндемик бўқоқ касаллигига қарши курашишда ва уни олдини олишда Ё.Х.Тўрақулов, С.А.Масумов, П.И.Фёдоровларнинг хизмати катта бўлган (Саломатлик энциклопедияси, 1985).

**Хулоса.** Тиббиёт географияси доирасида бажарилган илмий тадқиқотларнинг натижаларини таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият муаллифлар тиббиёт географиясига ва унинг тадқиқот объектига ижтимоий-иқтисодий географиянинг бир тармоғи сифатида ёндашишган. Шунинг учун ҳам тиббий географик ва нозогеографик тадқиқот ишлари, касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг географик тарқалиши, улар билан боғлиқ бўлган масалаларнинг илмий асарларда ёритилиши ижтимоий-иқтисодий омилларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилган. Бироқ, касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг географик тарқалиши, ареалларининг маконда қонуний жойлашиши табиий географик шароитларнинг ва ландшафт комплексларининг хилма-хиллиги ҳамда касалликларнинг табиий ўчоқлари билан бевосита боғлиқ эканлиги каби етакчи омилларга кам эътибор берилган.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Абдулқосимов А.А., Равшанов А.Х. Тиббий география тўғрисидаги таълимотнинг шаклланиши ва ривожланиши // География фанининг долзарб назарий ва амалий масалалари. – Тошкент, 2008. – Б. 21-24.
2. Воронов А.Г. Медицинская география. Антропонозы. – М., 1986.
3. Комилова Н.Қ., Солиев А.С. Тиббиёт географияси. – Тошкент: Истиклол, 2005. – 160 б.
4. Малхазова С.М. Тенденции развития медицинской географии // Вестник МГУ. Серия 5. География, №2. – М., 2005. – С. 28-35.
5. Малхазова С.М., Тикунов В.С. Медико-географический подход к оценке кризисных экологических ситуаций // География. т. 1. – М., 1993. – С. 171-181.
6. Равшанов А.Х. Ўрта Зарафшоннинг геоэкологик ҳолатини тиббий-ландшафт карталаштириш // Фан-техника тараққиёти ва география. – Самарқанд, 2007. – Б.68-69.
7. Павловский Е.Н. Методы и задачи медицинской географии // Вопросы географии. – М. – Л., 1956.

**Намозбоев С.М., Сиддиқов С.Ш.**

**АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЭКОЛОГО-ГИГИЕНИК КЎРСАТКИЧЛАРИ (НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**Аннотация:** мақолада Наманган вилояти аҳолиси саломатлигининг экологик-гигиеник кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Асосий эътибор аҳоли саломатлигига қаратилган.

**Калит сўзлар:** аҳоли саломатлиги, экологик индикаторлар, барқарор ривожланиш, биохилма-хиллик, Географик ахборот тизими (ГАТ), солиштирма микдор кўрсаткичи.

**Намозбоев С.М., Сиддиқов С.Ш.**

**ЭКОЛОГО-ГИГИЕНИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ОЦЕНКИ ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ (НА ПРИМЕРЕ НАМАНГАНСКОГО ВИЛОЯТА)**

**Аннотация:** в статье анализированы эколого-гигиенические показатели состояния здоровья населения Наманганской области. Обращается внимание на оценки здоровья населения.

**Ключевые слова:** здоровье населения, экологические индикаторы, устойчивое развитие, биоразнообразие, ГИС, сравнительные количественные показатели.

**Namozboyev S.M., Siddikov S.Sh.**

**ECOLOGICAL AND HYGIENIC INDICATORS FOR ASSESSING POPULATION HEALTH (FOR EXAMPLE NAMANGAN REGION)**

**Abstract:** this paper analyzes the ecological and hygienic health indicators Namangan region. Attention is drawn to assess the health of the population.

**Key words:** health, environmental indicators, sustainable development, biodiversity, GIS, comparative quantitative indicators.

Инсон саломатлиги жамият таракқиётининг ҳар бир даври учун кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири ҳисобланади. Қолаверса, асрлар давомида кишилиқ жамиятининг тараққий этиб бориши аҳоли саломатлигини чекловчи ва унга хавф туғдирувчи янгидан-янги муаммоларни вужудга келтирмоқда. Чунончи, 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси БМТ Тарраққиёт дастури билан ҳамкорликда табиий муҳит ҳолатини назорат қиладиган асосий вазирликларни жалб этган ҳолда, “Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолати мониторинги учун экологик кўрсаткичлар маълумотлари базасини такомиллаштириш ва ривожлантириш” лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мазкур лойиҳани янада ривожлантириш доирасида Географик ахборот тизимини (ГАТ) маълумотлар базаси билан улайдиган интерфейс дастури ташкил этилган. Лойиҳа доирасида сўралган материаллар бевосита ГАТ-лойиҳага (ArcGIS) киритилади ва кейинчалик ГАТ-дастур комплекси ёрдамида таҳлил қилинади. Ушбу дастур маълумотларни географик изоҳлаш, таҳлил қилиш имкониятларини анча кенгайтган.

Маълумотлар базаси очиқ тизим сифатида ишлаб чиқилган бўлиб, унга янги меъзонлар ва маълумотларни киритиш мумкин. Лойиҳа доирасида ишлаш жарайонида тизимни ривожлантиришнинг

истикболли мақсадлари шунингдек, базага ўрта муддатли ва узоқ муддатли истикболда киритиладиган мезонлар аниқланган. Ташкил этилган маълумотлар базасидан янада кенг фойдаланиш мақсадида кундалиқ табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида Интернет тармоғи орқали фойдаланиш кўзда тутилган.

Таъкидлаш керакки, экологик индикаторлар ўзининг тавсифи, ахборот хажми, ҳудудий қамровига кўра ҳар хил бўлиб, турли босқичли (глобал, минтақавий миллий ва маҳаллий) даражаларда ишлатилади. Глобал, миллий даражада ишлатиладиган экологик индикаторлар одатда умумий характерга эга бўлиб, катта ҳудудлардаги (мамлакатлар, минтақалар ва ҳ.к.) атроф-муҳитнинг алоҳида элементлари ҳолати тўғрисида тасаввур беради.

Маҳаллий даражадаги экологик индикаторлар алоҳида маъмурий туманларни, шаҳарларни, қишлоқ фуқаролар йиғинларини экологик жиҳатдан яширин хавфли йирик объектларни экологик вазиятини тавсифлаш имкониятини беради. Экологик индикаторлардан маҳаллий даражада фойдаланиб, нафақат мамлакат ҳудудини экологик районлаштиришни ўтказиш мумкин, балки мунтазам мониторинг тизимини олиб бориб, экологик вазиятни кузатиб бориш, районлардаги барқарорликни муайян чораларини белгилаш, батафсил тадқиқотлар (қўшимча

индикаторлардан фойдаланиб) ўтказиш мумкин.

Танлаб олинган экологик индикаторлар куйидагиларни тавсифлаши лозим:

- атроф-муҳитга таъсирни тавсифловчи;
- атроф-муҳит ҳолатини тавсифловчи;
- атроф-муҳитга таъсир оқибатларини тавсифловчи;
- қабул қилинадиган чора-тадбирларни таърифловчи.

“Ўзбекистондаги атроф-муҳит ҳолатини мониторинги учун экологик индикаторлар” лойиҳасининг халқаро маслаҳатчиси. А.А. Шеховцовнинг фикрича, индикаторларни танлашда куйидаги баҳолаш меъзонларидан фойданиш мақсадга мувофиқ [2]. **Миллий экологик устеворликлар билан алоқа:** индикаторлар атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш миллий стратегик ҳужжатларнинг мақсад ва вазифалари билан қай даражада боғлиқлигига қараб (атроф-муҳит муҳофазаси, барқарор ривожланиш, биохилма-хиллик бўйича миллий стратегиялар; Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатларнинг миллий режаси, бошқа дастурий ҳужжатлар.

**Халқаро экологик сиёсат билан алоқа:** индикаторлар халқаро келишувлар ва мажбуриятларнинг бажарилиши, шунингдек маълумотларни халқаро даражада қиёсланувчанлигини таъминлаш билан қай даражада боғлиқлигига қараб баҳоланади. **Муҳимлилик — алоқа воситаси сифатида, айнан атроф-муҳит ҳолати тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш воситаси:** индикаторлар

кенг жамоатчиликка қай даражада тушунарли ва уни атроф-муҳит ҳолати учун эътиборли бўлишга чақира олишга қодирлигига қараб баҳоланади.

**Ўлчанувчанлик:** индикаторлар оммабоп ва уларни шакллантириш йўллари мавжудлиги нуктаи назаридан баҳоланади (ўлчовлар ҳисобида).

**Маълумотларнинг (мунтазам оқими) вақт қаторлари мавжудлиги:** индикаторлар кўрсаткичларни ва уларни ўзгариш трендларини миқдорий аниқлаш учун зарур бўлган, узоқ давр мобайнидаги дастлабки нуктаи назаридан баҳоланади.

**Башоратлаш:** индикаторлар экологик сиёсат қўллайдиган чора-тадбирларнинг натижаси ва самараси қай даражада башорат қила олишлари мумкинлигига қараб баҳоланади.

**Устуворлик:** экологик муаммолар ёки экологик сиёсатнинг алоҳида масаласи доирасида индикаторлар бошқа индикаторларга нисбатан ўзининг муҳимлигига кўра баҳоланади. Бундан мақсад, бир хил муаммо ёки масалани тавсифлайдиган кўрсаткичлар сонини чегаралаш ва умумий кўрсаткичлар сонини қисқатириши лозим. Наманган вилоятида аҳоли касалланишининг ҳудудий таркибини тадқиқ этишда, ҳудудни эколого-гигиеник жиҳатдан баҳолаш ва баҳолаш натижаларига асосан тавсия этилган атроф муҳитни ифлосланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлил этилади (жадвал). (МДХ мамлакатларини атроф муҳит ва аҳоли саломатлиги гигиеник классификацияси, стандартлар ва меъёрларига асосланган) [3].

Жадвал

**Тавсия этилаётган атроф муҳитни ифлосланиш даражаси минтақалари**

Кўрсаткичлар	Минтақалар				
	1	2	3	4	5
Ифлосланиш даражаси	рухсат этилиши мумкин	ўртача	кучли	ўта кучли	фавкулотда кучли
Саломатлик учун хавф даражаси	рухсат этилиши мумкин	хавфсирашга ундовчи	хавфли	жуда хавфли	фавкулотда хавфли
Экологик ҳолати	рухсат этилиши мумкин	экологик ҳолат таранглашган	критик ҳолат олди	критик ҳолатда	экологик офат ҳолатида

Юқорида кўрсатилган жадвал асосида вилоят ичимлик суви таъминотининг ҳолати эколого-гигиеник жиҳатдан баҳоланди.

**Токсикологик кўрсаткичларга** кўра, Мингбулоқ туманидан ташқари барча ҳудудлар (5-баллдан) 1-минтақага киради.

Ифлосланиш даражаси, аҳоли саломатлиги учун хавф даражаси, экологик ҳолат — меъёрий даражада.

Мингбулоқ тумани 2-минтақага киради. Ифлосланиш даражаси — ўртача, аҳоли саломатлиги учун хавф даражаси — хавф туғдирувчи, экологик ҳолат — кескин. Сувнинг умумий қаттиқлигига кўра, Наманган, Чуст, Тўрақўрғон туманларидан ташқари барча тоғли туманлар (5-баллдан) 1-минтақага тўғри келади. Юқоридаги учта туманларда умумий қаттиқлик кўрсаткичи (10-балл) ни ташкил қилади ва 2-минтақага киради.

Чуст тумани ичимлик суви минерализация кўрсаткичи бўйича 4-минтақага киради (16-балл). Мингбулоқ, Тўрақўрғон, Наманган туманлари (8-баллдан) 2-минтақага киради. Ифлосланиш даражаси, аҳоли саломатлиги учун хавф даражаси, экологик ҳолат — кескин, қолган ҳудудлар минерализация кўрсаткичи бўйича 1-минтақага тўғри келади.

Мингбулоқ туманини токсикологик кўрсаткичига кўра 2-минтақага киришига асосий сабаб, ҳудуднинг рельеф, гидрогеологик хусусияти ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдаги айрим техник камчиликларни мавжудлиги билан тавсифланади.

**Солиштирма миқдор кўрсаткичи**— Текширилган сув наъмуналарининг солиштирма миқдор кўрсаткичи бўйича (**коли индекс-1** литр сувдаги ичак таёқчаларининг сони. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, агар сув зарарсизлан-тирилгандан кейин коли-индекс учгача камайган (бунда коли-титр 300 мл дан юқори Коли-титр — бу энг кам миқдор — сувда битта ичак таёқчасининг бўлиши. Коли-титр қанча паст бўлса, сув одам ахлатидаги ичак таёқчаси билан шунча кўп ифлосланган бўлади) бўлса, унда тиф, паратифлар группасига кирадиган патоген микроблар, лептоспироз ва туляремия касалликларининг кўзгатувчилари бутунлай нобуд бўлади) [1]. талабга жавоб бермайдиган Наманган шаҳри (15-балл) 5-минтақага киради. Ифлосланиш даражаси — ўта кучли, аҳоли саломатлиги учун хавф даражаси — ўта хавфли, экологик ҳолат — танг ҳолат.

Наманган шаҳри аҳоли сони 475,7 минг кишини ташкил этиб, аҳоли сонига кўра республика шаҳарлари орасида 3-ўринни эгаллайди. Бу ҳолат аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларини мураккаблашуви ва санитар меъёрларнинг бузилишига сабаб бўлади. Жумладан, ичимлик суви билан таъминлаш, тиббий ва санитар хизмат, шаҳардан оқиб ўтувчи очик сув ҳавзаларининг аҳоли яшаш жойларидан ўтиши ва санитар муҳофаза зоналарининг ҳолати кескин ўзгариши шулар жумласидандир.

Тўрақўрғон, Косонсой, Чуст туманлари (12-балл) 4-минтақага киради. Ифлосланиш даражаси — жуда кучли, аҳоли саломатлиги учун хавф даражаси — жуда хавфли, экологик ҳолат — кескин.

Норин, Чортоқ туманлари (9-баллдан) 3-минтақага киритилган. Ифлосланиш даражаси — кучли, аҳоли саломатлиги учун хавф даражаси — хавфли, экологик ҳолат — хавфли.

Мингбулоқ, Поп, Норин, Уйчи, Учқўрғон, Янгикўрғон туманлари (6-баллдан) 2- минтақага киритилган. Ифлосланиш даражаси — ўртача, аҳоли саломатлиги учун хавф даражаси — хавф туғдирувчи, экологик ҳолат — таранг. Наманган тумани (3-балл) 1-минтақага киради.

**1 мл текширилаётган ичимлик сувида умумий микроб сони кўрсаткичи** туманларда ўзининг ҳудудий фарқларига эга жумладан, Косонсой, Норин, Тўрақўрғон, Уйчи туманлари ва Наманган шаҳри (4-баллдан) 2-минтақага киради. Учқўрғон, Наманган, Поп, Чортоқ, Чуст туманлари (2-баллдан) 1-минтақага тўғри келади.

**Аҳолини ичимлик суви билан таъминланиши кўрсаткичи** Поп, Косонсой, Тўрақўрғон, Чуст туманлари (2-баллдан) 2-минтақага; қолган барча тоғли ҳудудлар (1-баллдан) 1-минтақага киради.

Ичимлик суви ифлосланиш даражасининг барча кўрсаткичларини эко-гигиеник баҳолашнинг йиғиндиси натижаларига кўра, Чуст, Тўрақўрғон туманлари (47,44-балл) 3-минтақага, тоғли туманлар (23-34-балл) 2-минтақага киритилди. Бунда ифлосланиш даражаси —

ўрта, аҳоли саломатлиги учун хавф даражаси — хавф туғдирувчи, экологик ҳолат — кескин.

**Экзоген кимёвий моддалар билан зарарланишнинг меъёрий транслокацион кўрсаткичи.** Барча тоғли ҳудудлар (5-баллдан) 1-минтақага, ифлосланиш, аҳоли саломатлиги учун хавф даражаси, экологик ҳолат — қониқарли даражада. Экзоген кимёвий моддалар билан зарарланишнинг бошқа кўрсаткичлари бўйича барча тоғли ҳудудлар (4-баллдан) 1-минтақага киради.

**1 г тупроқдаги ичак таёқчалари сони кўрсаткичи.** (Янгиқўрғон, Косонсой туманлари ўрганилмаган) Учқўрғон, Чортоқ туманлари ва Наманган шаҳри (9-баллдан) 3-минтақага, Тўрақўрғон тумани (6-балл) 2-минтақага, Мингбулоқ, Наманган, Уйчи, Норин, Чуст туманлари (3-баллдан) 1-минтақага киритилган.

**Аҳолини санитар-тозалов қамрови кўрсаткичи.** Учқўрғон ва Поп туманлари (5-баллдан) 5-минтақага киритилган. Ифлосланиш даражаси — ўта кучли, аҳоли саломатлиги учун хавф даражаси — ўта хавфли, экологик ҳолат — танг ҳолатда баҳоланган. Мингбулоқ тумани (3-балл) 3-минтақага, Наманган, Косонсой, Норин, Уйчи, Чортоқ, Чуст, Янгиқўрғон туманлари (2-баллдан) 2-минтақага киритилган.

**Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиш кўрсаткичи.** Поп, Учқўрғон туманлари (5-баллдан) 5-минтақага, Наманган, Уйчи, Норин, Чуст, Янгиқўрғон туманлари (3-баллдан) 3-минтақага,

Косонсой, Чортоқ туманлари (2-баллдан) 2-минтақага, Тўрақўрғон тумани (1-балл) 1-минтақага киритилган.

**Тупроқнинг ифлосланиш даражасини баҳолашнинг барча кўрсаткичлар йиғиндиси** натижаларига кўра, тоғли ҳудудлар (18-30-баллдан) 2-минтақага (Уйчи туманидан ташқари). Бунда ифлосланиш даражаси — ўртача, аҳоли саломатлиги учун хавф даражаси — хавф туғдирувчи, экологик ҳолат — кескин деб баҳоланган. Уйчи тумани (11 балл) 1-минтақага киритилган. Бунда ифлосланиш даражаси, аҳоли саломатлиги учун хавф даражаси, экологик ҳолат — белгиланган меъёр талабларига жавоб беради [3].

Ўзбекистон Давлат Табиатни муҳофаза қилиш қомитаси таҳлилий назорат Давлат инспекцияси республика бўйича ҳаво муҳитини, тупроқ ва очиқ сув ҳавзалари мониторинги ягона схемасини яратиш бўйича иш олиб боради. У икки йўналишда ташкил этилади:

1. Табиий атроф - муҳитнинг сифат ҳолатини кузатиш, унинг сифатига бўлган таъсирлар натижасидаги ўзгаришларни истиқболли комплекс баҳолаш;

2. Табиат муҳитлари бўйича ифлослантириш манбаларни ҳисобга олиш;

Бу ҳаракатлар ортида инсон саломатлиги, фаровон ҳаёт кечириш ва келажак авлод учун қолдирилажак муҳитнинг истиқболи асосий ўринни эгаллайди.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Азизов М.А., Солхожаев С.С., Қамбарова Ш.Қ. Гигиена. – Тошкент, 2003. – 79 б.
2. Нажмиддинов А. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги фан ва янги технологиялар бош бошқармаси. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини аҳоли саломатлигига хавфлилик даражаси бўйича эколого-гигиеник районлаштириш юзасидан» Услубий қўлланма. – Тошкент, 1995.
3. Наманган вилояти ДСЭНМ "Экология ва аҳоли саломатлиги ахборот тизими" бўлими маълумотлари.
4. Экологические индикаторы для мониторинга состояния окружающей среды в Узбекистане // Под редакцией Б.Б. Алиханова. Сборник статей «Экологические индикаторы для Узбекистана». – Ташкент: Патент Пресс, 2006. – С. 13-16 б.

**Эрдонов Л.Н., Қурбонов П.Р., Хўжаёров Ў.**

### ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация:** мақолада Қашқадарё вилоятида туризмни ривожлантиришнинг имкониятлари бўйича маълумотлар келтирилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Давлат дастури ва унинг Қашқадарё вилоятида 2014-2015 йилларда бажарилиши баён этилган.

**Калит сўзлар:** туризм, дастур, вилоят, инфратузилма, туристик объектлар.

**Эрдонов Л.Н., Қурбонов П.Р., Хўжаёров У.**

### РЕГИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В КАШКАДАРЬСКОЙ ОБЛАСТИ

**Аннотация:** в данной статье даётся информация о возможностях развития туризма и её ресурсах в Кашкадарьинской области. Излагается содержание Государственной программы развития туризма в области, принятой Кабинетом Министров Республики Узбекистан и её исполнение в Кашкадарьинской области в 2014-2015 годах.

**Ключевые слова:** туризм, программа, область, инфраструктура, туристические объекты.

**Erdonov L.N., Kourbonov P.R., Xoujayorov U.**

#### REGIONAL ASPECTS OF TOURISM DEVELOPMENT IN KASHKADARYA REGION

**Abstract:** this article gives you information about development possibilities and resources of tourism in Kashkadarya region and a state programmer approved by the Ministry of Uzbekistan on developing tourism in the region in 2013-2015 and its fulfillment.

**Key words:** tourism, a program area, infrastructure, tourist facilities.

Дунёда ҳар йили миллионлаб инсонлар ўзга мамлакатларга сайёҳатга борадилар, чунки қадимдан инсонларни ўзга мамлакатларга нисбатан қизиқишни уйғотиб келган, аммо дунё бўйлаб бир жойдан иккинчи жойга бориш билан боғлиқ муаммолар ва тўсиқларга дуч келишган. Ҳозирги кунда эса фан-техника ривожини туфайли дунёнинг исталган нуқтасига қисқа вақт ичида сайёҳат қилиш имкониятлари яратилган бўлиб, туристлар турли давлатларда яшаётган халқларнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти ва маърифати, тарихий обидалари, табиат мажмуаларидан воқиф бўлади.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг қайд этишича, 2013 йилда Франция (туристлар сони 84,7 млн), АҚШ (69,8 млн), Хитой (55,7 млн), Испания (60,7 млн), Италия (47,7 млн), Германия (31,5 млн), Буюк Британия (31,2 млн), Туркия (31 млн), Россия (28,4 млн) мамлакатлари сайёҳатчилар ташрифи бўйича энг юқори ўринларни эгаллайди.<sup>1</sup>

Юқори даражада сайёҳларни ташриф буюриши миллий иқтисодиёт учун катта даромад манбаи ҳисобланиб, республикада ҳам бу соҳада кенг қўлланма ислохотларни амалга оширилиши, махсус дастурлар ишлаб чиқилиши натижасида диёримизга 2013 йилда 600 мингдан зиёд хорижлик туристлар ташриф буюрган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини амалга ошириш натижасида туризм соҳаси мамлакатини

мизнинг турли минтақаларида тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 900 дан зиёд сайёҳлик ташкилотлари, жумладан 430 та меҳмонхона, 530 дан ортиқ туристик компаниялар фаолият кўрсатмоқда.

Туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадида 2013 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан мамлакатимизнинг Хоразм, Тошкент, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида туризм соҳасини ривожлантиришнинг давлат дастурлари қабул қилинди. Мазкур дастурлар ўзига хос рекреация ва архитектура ёдгорликларига эга Қашқадарё вилоятида ҳам туризм салоҳиятини янада ошириш, минтақанинг ноёб тарихий-маданий меросидан самарали фойдаланиш, сайёҳлар учун меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш объектларини куриш, замонавий сайёҳлик маршрутларини шакллантириш, вилоятнинг табиий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туристларга хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш, истироҳат боғлари, боулинг-клублар ва кўнгилочар объектлар куриш каби масалаларни қамраб олган.

Вилоятнинг туристик салоҳиятини ривожлантириш ишларини амалга ошириш борасида “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг Қашқадарё вилояти бўйича ваколатли бўлими алоҳида ўринга эга. Вилоятда 894 та маданий мерос объектлари, шундан 820 та ёдгорлик ва 37 та меъморий ансамбл рўйхатга олинган бўлиб, 216 таси республика ва 678 таси маҳаллий аҳамиятга молик объектлар ҳисобланади. Юқоридаги тарихий обидалардан ташқари Қашқадарё заминидан Ер юзасининг бирор жойида учрамайдиган бир вақтни ўзида тўрт фаслни кўриш, 200-250 км лик масофада сахро,


<sup>1</sup> Бутун Жаҳон Туризм ташкилоти маълумотлари

қир-адир, ўрмон, тоғ-яйлов ва абадий музликларни гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, Оқсув дарёсининг 45 км масофага чўзилган қисми ўта ноёб бўлиб, ЮНЕСКОнинг “Жаҳон табиий ва маданий мероси дурдоналари” рўйхатига киритилган. Қашқадарёда Оқсув дарёсига ўхшаш ўнлаб бошқа табиат мўъжизалари, Амир Темури давридан қолган қоровул минора, тоғда ҳосил бўлган Минчуқур кўли, Сийпантош қояларидаги суратлар, Оқсув дарасидаги динозавр излари, тебранувчи тошлар ва бошқалар албатта туристлар эътиборини тортади. Шунингдек, энг узун Амир Темури ғори, Сувтушар шаршараси (80 м), динозавр сўқмоқлари, Северцов (1,6 км) ва Ботирбой (1,4 км) сингари йирик музликлар, табиат яратган турли тош ёдгорликлари ва бошқалар учрайди. Туристларнинг диққатини тортадиган вилоятда учта кўл: Сечанкўл (7,37 кв.м.), Аланкўл, Ачинкўллар бор, Сечанкўлда туристлар дам оладиган, қум пляжи, кўлда сузиш ва дам олиш жойлари барпо этилмоқда.

Ана шундай тарихий ва табиий ёдгорликлар тўғрисида Республика Президенти Қашқадарёга қуйидагича таъриф берган: “Қашқадарёнинг саховатли заминидagi Китоб тоғлари ва Яккабоғнинг

сўлим боғларини, Дехқонобод яйловлари, Косон ва Нишоннинг дала-даштларини, Муборакнинг текисликларини кезган, Шахрисабз обидаларини томоша қилган одам бу ўлкага беихтиёр бир умр мафтун бўлиб қолади”.

Мустақиллик йилларида вилоятга ташриф буюраётган туристларни муносиб кутиб олиш, уларни кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари, халқимизнинг шонли ўтмиши ва бугунги тараққиёти билан танишлари учун туризм соҳасини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширилиши, туристик ва меҳмонхона хизматларининг турлари кўпайиб уларни сифати кўрсаткичлари ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. 1-расмда келтирилган маълумотлар бўйича вилоятга келаётган меҳмонлар ва туристларга кўрсатиладиган туристик хизматлар миқдори кўпайиб, 2013 йилда 3645 млн сўмни ташкил этди. Сўнгги йилларда вилоятга турист сифатида ташриф буюрувчи хорижлик ва маҳаллий фуқаролар сонини сезиларли даражада ошиб бориши билан бу соҳада қатор ислохотлар, муайян сайёҳ-ҳаракатлар амалга оширилиб, махсус дастурлар ишлаб чиқилиган ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда.




1-расм. Қашқадарё вилоятида кўрсатилган туристик ва меҳмонхона хизматлари (млн. сўм ҳисобида)

Манба: “Ўзбектуризм” МК Қашқадарё вилояти ваколатли бўлими маълумотлари

Қашқадарё вилоятига ташриф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар буюраётган туристлар миқдори ҳам ошиб Маҳкамаси томонидан 2013 йил 1 бормоқда, буни 2-расмда ҳам кўришимиз ноябрдаги “2013-2015 йилларда Қашқадарё вилоятининг туризм соҳасини

ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 294-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан 2013-2015 йилларда Қашқадарёда туризм соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари, вилоятнинг туризм соҳасини ривожлантириш дастури, тарихий-маданий

обидаларни қайта тиклаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, янги меҳмонхона, ресторан ва бошқа туризм инфратузилмасини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ҳамда дастурга киритилган барча тадбирлар ва лойиҳаларни молиялаштириш тасдиқланган.



2-расм. Қашқадарё вилоятига келган туристлар таркиби (2013 йил, фоизда)

Манба: “Ўзбектуризм” МК Қашқадарё вилояти ваколатли бўлими маълумотлари

Мазкур қарор доирасида тарихий обидаларни ҳолатини яхшилашга режалаштирилган 167 та тадбирлар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун 108,9 млн АҚШ доллари миқдорида инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилган бўлиб, 48,7 млн доллар-корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, 6,0 млн доллар-хорижий инвестициялар, 2 млн доллар-грант маблағлари ва 15,0 млн доллар-бюджет маблағлари (давлат бюджетидан-14,2 млн доллар ва маҳаллий бюджетдан-859 минг доллар) ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 20 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган дастурга биноан вилоятнинг иккинчи йирик демографик салоҳиятга эга қадимий Шаҳрисабз шаҳрида меъморий обидаларни таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган. Дастурга асосан шаҳарнинг тарихий қисмини сақлаган ҳолда замонавий қурилиш ишларини олиб бориш, йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилашга 2014-2015 йилларда 560,3 млрд сўм маблағ ажратиш, йўл ва автобус бекатлари қурилиши учун 10,5 млрд сўм, муҳандислик-коммуникация ишларига 117,5 млрд сўм, шаҳарнинг меъморий режа асосида кўриниши учун 97,5 млрд сўм,

14,3 млрд сўм ажратиш белгиланган. Улар: Оксарой (XIV аср), Дорул-Саодат (XV-XIX асрлар), Чубин (XIX аср), Чорсу (XIV аср) ёдгорликлари ва бошқалар. Шунингдек, шаҳарда (уч ва тўрт юлдузли) 40 ўринга мўлжалланган иккита меҳмонхона қуриш (2,6 млрд сўм), шу билан бирга, кўп қаватли ва шахсий уйлар қуриш кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга ошириш кўзга тутилган.

2013-2015 йилларда Қашқадарё вилоятининг туризм соҳасини ривожлантириш дастурига киритилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида қуйидагиларга эришилади:

- Қашқадарё вилоятининг 43 та тарихий-маданий объектлари қайта тикланади ва ҳолати яхшиланади;
- 24 та янги меҳмонхона қуриш ва 5 та мавжудларини қайта таъмирлаш орқали меҳмонхона хўжалиги 1,5 баробарга ортади ва бир кунда 1500 кишига меҳмонхона хизматлари кўрсатилади;
- Туристик хизматлар 1,5 баробарга ошади ва унинг ҳажми 2015 йилга бориб 4,5 млрд сўмни ташкил этади;
- Вилоятнинг экспорт салоҳияти ошади, экспорт ҳажми 2012 йилнинг кўрсаткичига нисбатан 1,4 мартага ортади.



Қашқадарё вилояти мамлакатимиз жанубида қулай иқтисодий географик ўринга эга бўлиб, бу ҳудуд орқали Самарқанд, Бухоро ва Хоразмга, шимолий-шарққа томон Тошкент ва Фарғона водийсига, Афғонистон шимолидаги қадимий Хуросон, Қобул ва Ҳиндистонга борадиган автомобил йўллари кесишган чорраҳада жойлашганлиги сабабли Қашқадарёнинг туристик салоҳияти ниҳоятда юқори. Шу боисдан бу заминда туризмни янада ривожлантириш, унинг инфратузилмасини такомиллаштириш учун барча имкониятлар етарли эканлигини ҳисобга олиб, келажакда вилоятда туризмни ривожлантириш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

- Жаҳон андозалари асосида миллийликни сақлаган ҳолда туризм индустрияси ва бозорини шакллантириш;

- Вилоятнинг туристик салоҳиятини оммалаштириш ишларини амалга оширишда “Ўзбектуризм” Миллий компанияси Қашқадарё вилояти бўйича ваколатли бўлими нафақат вилоятга

қўшимча туристик оқимларни жалб қилиш, балки соҳада хусусий секторларни ривожлантиришга кўмаклашиши ишларини олиб бориш;

- Вилоятнинг диққатга сазовор машҳур жойларини электрон карталарда жойлаштириш;

- Вилоятда туризм соҳаси учун олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларда мутахассислар тайёрлашга эътибор бериш;

- Ноёб табиати, инъом этган ёдгорликлари мавжудлигини ҳисобга олиб вилоятда экотуризм соҳасини ривожлантириш;

- Экскурсия (сайёҳлик) маршрутлари туширилган карталарни тайёрлаш;

- Сайёҳларни замонавий транспорт воситалари билан таъминлаш;

- ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган Шаҳрисабз шаҳридаги ноёб тарихий обидаларни таъмирлаш ва реконструкция ишларини амалга ошириш;

- Туризм соҳасини ривожланиши муносабати билан қўшимча иш ўринларини яратиш.

**Гопиров М.О.**

### НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ АВТОМОБИЛИЗАЦИИ ГОРОДОВ И ПРОБЛЕМЫ ИХ ЛОКАЛИЗАЦИИ

**Аннотация:** в статье ведётся речь о проблемах перегрузки автотранспортных средств (“пробок”) на дорогах, нехватки автостоянок в городах, что, в свою очередь влияет на развитие градостроительства и дорожной инфраструктуры.

**Ключевые слова:** автомобилизация, дорожная инфраструктура, подземные паркинги, стоянки, улица, город, новые жилые комплексы.

**Гопиров М.О.**

### ШАҲАРЛАРНИНГ АВТОМОБИЛЛАШУВИ ВА УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мақолада автомобиллар сонини кўпайиши, келажакда шаҳарларда транспорт тикилинчлари, автомобиль майдончалари танқислига сабаб бўлиши бу, ўз навбатида, шаҳарсозлик ва йўл инфратузилмасига таъсир қилиши масалалари ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** автомобиллашиш, йўл инфратузилмаси, ер ости паркинги, стоянкалар, кўча, шаҳар, янги уй мажмуалари.

**Gopirov M.O.**

### SOME ISSUES AND PROBLEMS OF CITIES MOTORIZATION THEIR LOCALIZATION

**Abstract:** article conducted speech problems overload vehicles ("traffic jams") on the roads, lack of parking spaces in urban areas, which in turn affects the development of urban development and road infrastructure.

**Key words:** motorization, road infrastructure, underground parking, parking, street, city, new residential complexes.

Процесс интенсивной автомобилизации — неизбежность нынешнего витка истории и стал одним фактором, оказавшим мощнейшее влияние на конфигурацию

городов и их удобства для жизни. И наша страна с этой точки зрения — не исключение. Согласно оценкам специалистов, к 2025 году обеспеченность

населения легковыми автомобилями должна составить 132 автомобиля на 1000 жителей. Однако, у автомобилизации, как у любой “медали”, есть две стороны. На первых этапах она дает людям одни плюсы: экономит время, предоставляет свободу выбора маршрутов передвижения, повышает скорость и точность доставки грузов, пассажиров, повышает комфортность поездок. Вместе с тем, довольно скоро, проявляются ее системные отрицательные последствия — гибель и ранения людей в ДТП, перегрузка дорожной сети, очень большие затраты на содержание и развитие объектов транспортной инфраструктуры и т. д. Если раньше от нее страдали, города, мегаполисы мира, то в настоящее время — и города с гораздо меньшей численностью населения.

Автомобильный транспорт стал занимать ведущее место и в осуществлении пассажирских и грузовых перевозок. Если оценивать ситуацию в целом, то основная проблема использования автомобиля в городе заключается в том, что рост автомобилизации требует резкого увеличения территорий, отводимых под хранение и движение автомобилей. Более того, для того, чтобы припарковать автомобиль в пункте назначения, как правило, требуется больше площади, чем для рабочего места его владельца, например, при работе в офисе.

Массовая автомобилизация неизбежно стимулирует развитие дорожного и городского строительства. По степени обеспеченности территории государства дорогами, по их качеству, можно судить об экономическом, социальном и культурном развитии, расцвете конкретного региона. Уровень автомобилизации отражает уровень жизни населения. Чем выше доходы людей, тем больше вероятность покупки легкого автомобиля. С другой стороны, рост уровня автомобилизации может привести к негативным последствиям, если параллельно с ним не развивается дорожная инфраструктура — не строятся подземные паркинги и стоянки, не расширяется сеть дорог и не увеличивается их пропускная способность. Известно, что строительство дорог не сулит быстрого

оборота капитала и солидных дивидендов. Однако обеспечивает несравненно большее развитие общества в целом. Поэтому в современных условиях экономический прогресс невозможен без хорошо развитой сети автомобильных дорог, стоянок и парковок.

Ожидается, в скором будущем скорость движения на некоторых улицах городов будет снижаться вследствие заторов в часы пик, делая малоэффективным использование автомобилей в качестве средства передвижения. Современные научные исследования и практический опыт позволяют объяснить причины указанных негативных явлений и дать рекомендации по сокращению и ликвидации нежелательных последствий автомобилизации. Автомобиль обладает преимуществами перед другими видами транспортных средств: высокой мобильностью, способностью доставлять пассажиров и грузы “от двери до двери”, относительной простотой управления. Именно с этими преимуществами автомобиля связаны названные отрицательные явления, сопровождающие автомобилизацию, и в первую очередь, недостаточный уровень безопасности движения.

В старых городах, к числу которых по характеру своей планировки относятся многие крупные города Узбекистана, улицы не рассчитаны на крупные транспортные потоки, так же они не рассчитаны и на парковку. Редко в городе можно увидеть специальные парковочные места, люди вынуждены оставлять свои автомобили непосредственно на проезжей части и без того узких улиц, занимая при этом городское пространство. Кроме того высокий прирост населения способствует высокому спросу на жильё по этой причине надо строить новые жилые комплексы, но не за счет новых земельных ресурсов, а на месте одноэтажных домов придется строить многоэтажные дома. В последние годы в городах Узбекистана сносятся одноэтажные дома, и на их место строятся многоэтажные, это тоже одна причина увеличения спроса на парковку автомобилей вокруг домов.

В оживленных и переполненных районах города и, особенно, в центре, где

сосредоточен бизнес-контингент, наиболее существенными центрами тяготения населения в нынешних условиях развития городов есть рынки, а узкие улицы вынуждают водителей ставить машины в два ряда, блокируя выезд. В Узбекистане назревает проблема парковок, так как застройка советских городов производилась, не учитывая сегодняшний уровень автомобилизации. Пока в Узбекистане автомобилизация не превышает 100 автомобилей на 1000 человек. Если своевременно не будет разрабатываться соответствующая программа, то скоро возникает сложная обстановка.

Из-за необходимости в передвижении часть территории города отдается под автомобильные дороги и движение транспорта – но и данная территория используется более эффективно, нежели автостоянки, так как в день тысячи автомобилей проезжают по каждому метру дороги. Использование городского пространства в качестве автомобильной стоянки не является эффективным. Самый рациональный способ – возведение многоуровневых наземных и подземных парковок, стоянок и гаражей в центральных районах городов, а так же в наиболее густонаселенных спальных районах. Подземные автостоянки и гаражи – тоже объективное решение проблемы, но данная проблема оправдана только для владельцев жилых помещений в новых спроектированных домах с подобными удобствами. Владельцы подобной квартиры в такой новостройке обеспечивают себе место в просторном, отапливаемом парковочном боксе, принадлежащем им на всю жизнь, или возьмут в аренду на долгий

период.

Назревает необходимость в разработке общегосударственной инструкции о порядке и объеме решения вопросов городского транспорта и движения в городах. Правительство должно разрабатывать программу и объявить тендер по аренде земли в районах города под возведение многоуровневых паркингов, новые жилые дома с использованием подвальных или цокольных этажей в качестве гаражей-стоянок; целесообразно строительство подземных парковок в жилых комплексах, в оживленных транспортных узлах, строительство транспортных развязок, мостов и эстакад.

Подводя итоги отметим, что рост уровня автомобилизации необратимый процесс, который имеет как достоинства, так и недостатки. Перегрузка дорожной сети и нехватка стоянок для парковки автотранспортных средств, всё это может привести к снижению темпов производства автомобилестроения, так как в скором будущем «роскошью» будет уже не автомобиль, а гараж для него. Необходимость создавать паркинги – это побочное (негативное) действие автомобилизации и важный элемент инфраструктуры любого объекта: торговых центров, жилых домов или офисных зданий. Учитывая, что паркинг является неэффективным способом землепользования и в условиях дороговизны городской земли, многоуровневые надземные и подземные парковки являются наиболее перспективными. Отсюда вытекает важность проектного решения вопросов транспортных систем городов.

#### Список литературы:

1. Вучик В.Р. Транспорт в городах, удобных для жизни. – М.: Территория будущего, 2011. – 413 с.
2. Социально-экономические проблемы развития транспортных систем городов и зон их влияния // Материалы VII международной (десятой екатеринбургской) научно-практической конференции 15-16 июня 2001 года. – Екатеринбург, 2001.
3. Аналитическое агентство «Автостат» <http://www.autostat.ru/>
4. <http://www.waksman.ru>

**Жумаханов Ш.З., Мирзаахмедов Х.С., Қудратова У.М.**

### ЎЗБЕКИСТОН-ҚОЗОҒИСТОН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатлари таҳлил қилинган. Асосий этибор мамлакатларининг транспорт-коммуникация

алоқаларига қаратилган.

**Калит сўзлар:** сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқалар, чегараларини делимитация ва демаркация қилиш, транспорт қаридорлари, иқтисодий ҳамкорлик, ягона иқтисодий макон.

**Жумаханов Ш.З., Мирзаахмедов Х.С., Кудратова У.М.**

### ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ УЗБЕКСКО-КАЗАХСКИХ ОТНОШЕНИЙ

**Аннотация:** в статье дается анализ политических, социально-экономических и культурных аспектов Узбекско-казахских отношений. Особое внимание уделяется развитию транспортно-коммуникационных связей стран.

**Ключевые слова:** политические, социально-экономические и культурные связи, делимитация и демаркация границ, транспортные коридоры, экономическое сотрудничество, единое экономическое пространство.

**Jumaxonov Sh.Z., Mirzaaxmedov X.S., Kudratova U.M.**

### GEOGRAPHICAL ASPECT OF UZBEK-KAZAKH RELATIONS

**Abstract:** this paper analyzes the political, socio-economic and cultural aspects of the Uzbek-Kazakh relations. Particular attention is paid to the development of transport and communication links countries.

**Key words:** political, socio-economic and cultural ties, the delimitation and demarcation of borders, transport corridors, economic cooperation, a single economic space.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқалар мустақиллик йиллари аввалбошиданок йўлга қўйилган бўлиб, бу муносабатлар мазмуни ва масштабига кўра 2 йўналишдаги характерга эга. Чунончи, давлатлараро муносабатларнинг *биринчи* йўналиши – Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамкорлик ва ядровий, экологик хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни, *иккинчи* йўналиш – 1992 йилнинг 23 ноябрида ўрнатилган дипломатик алоқалар замирида мамлакатлар ўртасидаги бевосита иккиёқлама муносабатларни қамраб олади.

Минтақавий кўламдаги муносабатлар Марказий Осиёда ягона иқтисодий маконни шакллантириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, уюшган жиноятчилик, наркотраффик ва халқаро терроризмга қарши кураш, трансчегаравий дарёлар ва сув ҳавзаларидан биргаликда фойдаланиш, трансконтинентал транспорт йўлақларини ташкил этиш, Марказий Осиёни ядровий қуролдан холи зонга айлантириш, минтақа ички муаммоларини биргаликда ҳал этиш каби масалаларга қаратилган бўлса, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги бевосита иккиёқлама муносабатлар қуйидаги йўналишларни кўзда тутлади:

**1. Ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик ва ягона иқтисодий маконни шакллантириш.** Илк бор 1993 йилнинг 28 июлида Алмати шаҳрида Қозғистон ва Ўзбекистон ўртасида 1994-2000 йилларда иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида битим имзоланган. Шунингдек, 2006 йилда давлатлар ўртасида 2007-2016 йилларда стратегик иқтисодий ҳамкорлик Дастури ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон савдо-иқтисодий алоқалар ҳажми бўйича МДХ тузилмасида Россиядан кейинги 2-ўринни, Марказий Осиё минтақасида 1-ўринни эгаллайди. Қозоғистоннинг улуши Ўзбекистон экспорти ҳажмида 7 фоизни, импортдаги улуши 10,9 фоизни ташкил этади. Мамлакатларнинг товар айланмаси 2013 йил ҳолатига кўра, 2,5 млрд. АҚШ долларига тенг ва у 2012 йилга нисбатан 28 фоизга ошди. 2012 йилнинг 21-22 декабрь кунлари Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида мамлакатлар ўртасида ташқи савдо айланмасининг 2015 йилгача бўлган истикболи 5,0 млрд. АҚШ долларига етказилиши таъкидланиб ўтилган [4].

Савдо-иқтисодий алоқаларнинг асосий йўналишлари – углеводород ресурслари (Қозоғистон табиий газ импортининг 56,2 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади), рангли металлургия (Қозоғистон алюминий экспортининг 8 фоизи Ўзбекистонга йўналтирилган), кимё ва қурилиш материаллари (Қозоғистон гипс импортининг 27,2 фоизи, гипс маҳсулотларининг 29,9 фоизи, цементнинг 24 фоизи, кальций оксидининг 78,8 фоизи, минерал ўғитларнинг 52,5 фоизи, ноорганик кимё маҳсулотларининг қарийб 6,0 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади). Озиқ-

овқат (Ўзбекистон улуши Қозоғистон ун экспортида 49 фоизни, тамаки маҳсулотлари экспортида 12 фоизни ташкил этади), енгил саноат маҳсулотлари (Қозоғистон текстиль маҳсулотларининг 9,1 фоизини Ўзбекистон улушидир), транспорт, банк хизматлари ва бошқаларни ташкил қилади [1].

**2. Ҳар томонлама ҳамкорлик ва абадий дўстликни мустаҳкамлаб бориш.** Бу борада, 1992 йилнинг 24 июнида “Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида”ги Шартнома, 1998 йилнинг 31 октябрида “Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисида”ги Шартномаларни келтириб ўтиш мумкин. 2013 йилнинг 13-14 июнь кунлари Қозоғистон Республикаси Президенти Н.Назарбоевнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Шартномага кўра, стратегик ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникацион, сув-энергетика, экологик, ижтимоий-маданий, ҳарбий-техник йўналишларни қамраб олади.

**3. Икки давлат ўртасида давлат чегараларини делимитация ва демаркациялаш.** Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат чегараларининг умумий узунлиги 2203 км.ни ташкил этиб, бу жами Қозоғистон давлат чегаралари узунлигининг 15,7 фоизига, Ўзбекистон жами давлат чегараларининг 35,4 фоизига тенгдир. “Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида Қозоғистон-Ўзбекистон давлат чегараси тўғрисида”ги Шартнома 2001 йил 16 ноябрда имзоланган. Ҳозирги пайтда давлатлар ўртасидаги чегарани демаркациялаш билан боғлиқ музокаралар фаол олиб борилмоқда. Биргина 2014 йилнинг ўзида ҳукуматлараро ишчи гуруҳлар даражасидаги учрашувлар 27-31 январь кунлари Алматида, 31 март-4 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган.

**4. Ташқи меҳнат ресурслари оқимини мамлакатлараро масштабда ташкил этиш.** 2012 йилнинг 23 августида Тошкент шаҳрида “Ўзбекистон ва Қозоғистон ўзаро манфаатли ҳамкорлигига

20 йил: ўтмиш, бугун ва истиқбол” халқаро илмий-амалий анжумани доирасида Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Борибай Жексембин айтиши масала бўйича ҳукуматлараро келишув юзасидан музокаралар олиб борилаётганлиги таъкидлаган [2]. Айтиши чоғида, Қозоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг миграция масалалари бўйича кўмитаси маълумотларига кўра, 1999-2006 йилларда Қозоғистонга жалб этилган ташқи мигрантларнинг 57,6 фоизи Ўзбекистон фуқаролари ҳисобланишган [3].

**5. Этник бирликлар манфаатларини ҳимоялаш.** Мавжуд маълумотларга қараганда, бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида 1,5 млн.га яқин қозоқ миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Қозоғистон Республикасининг хорижда истиқомат қилувчи қозоқларни Қозоғистонга жалб этишга қаратилган миллий сиёсати фаол характерга эга бўлиб, 2005 йилга қадар 750 мингдан ортиқ қозоқлар доимий яшаш учун қайтиб келганлар. Шундан 285409 нафари муқаддам Ўзбекистонда истиқомат қилганлардир. Бу жами қайтиб келганларнинг 38,1 фоизини ташкил этади [5].

Ҳозирги вақтда Қозоғистон аҳолининг қарийб 3 фоизини ўзбеклар ташкил этиб, уларнинг умумий сони 511 минг нафарга тенг (2013 й.). Мамлакатда 78 та мактабда ўқув машғулоти ўзбек тилида олиб борилиб, уларда 74 мингдан ортиқ ўқувчилар таҳсил оладилар. Давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган ўзбек тилидаги 1 тадан театр, теле- ва радиоканал ҳамда газета фаолият кўрсатади.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда яшовчи қозоқ миллатига мансуб аҳоли сони 1 млн.дан ортиқни ташкил этиб, бу жами аҳолининг 4,1 фоизига тенг. Республикада 522 та ўрта умумтаълим мактабларида қозоқ тили ўқитилади. Шундан 234 тасида фақат қозоқ ва ўзбек тилларида, қолган 288 тасида ўзбек, қозоқ, рус тиллари аралаш тарзда ўқитилади.

“Нурлы жол” давлат газетаси, давлат телерадиокомпанияси “Замандас”, “Дидар”, “Достык” кўрсатувлари трансляция қилинади. Тошкент шаҳри ва вилояти,

Сирдарё ва Жиззах вилоятларида Қозоғистон телерадиокомпаниялари кўрсатувлари намойиши йўлга қўйилган.

**6. Транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш ва трансконтинентал транспорт йўлакларидан ҳамкорликда фойдаланиш.** Маълумки, ҳар иккала мамлакат ҳам очик денгизга бевосита чиқа олмайди. Бу борада, айниқса Ўзбекистон дунёда очик денгизга учинчи давлат орқали чиқиш имкониятига эга 2 та давлат бирдир (Европа қитъасида жойлашган Лихтенштейн ҳам шундай мавқеда).

Трансконтинентал транспорт йўлакларидан биргаликда фойдаланишда асосий истикболли йўналишлар қуйидагилар:

- Қозоғистон орқали Россия ва Хитой Халқ Республикасига чикувчи темир йўл ва автомагистраллардан фойдаланиш;

- Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон орқали Форс кўрфази ва Европа Иттифоқига чикувчи Тажан-Серахс-Машҳад темир йўли салоҳиятидан фойдаланиш;

- Ўзбекистон-Туркменистон орқали Каспий денгизидан ўтувчи паром транспортдан фойдаланиб, Кавказ минтақасига чиқиш, истикболда Каспий денгизи тубидан газ қувурларини ўтказиш;

- Туркменистон - Ўзбекистон - Қозоғистон - Хитой газ қувур магистралли имкониятларини кенгайтириш орқали биргаликда фойдаланиш;

- Ўзбекистон-Қозоғистон-Қирғизистон (шимолий районлари) йўналишидаги электр энергияси ва табиий газ тармоқлари салоҳиятидан биргаликда фойдаланиш;

- Ҳайратон - Мозори Шариф йўналишидаги темир йўл каридорини ривожлантириш ҳисобига Ўзбекистон-Афғонистон-Покистон йўналишидаги темир йўл тармоғидан биргаликда фойдаланиш ва Ҳинд океани ҳавзасига чиқиш (бу йўналиш 2000 йилнинг 12 сентябрида Санкт-Петербург шаҳрида Россия, Эрон ва Ҳиндистон мамлакатлари ҳукуматлараро комиссияси йиғилишида келишилган “Шимол-Жануб” стратегик транспорт каридорида ўзига хос роль ўйнайди);

- 2008 йилда ташкил этилган “Навоий” эркин иқтисодий зонаси таркибидаги Навоий шаҳри аэропортидаги халқаро

логистик марказ салоҳиятидан фойдаланиш; - Тошкент - Ўш - Эркаштом - Қошғар континентал халқаро автомагистралли ва унга параллел равишда бунёд этилиши режалаштирилиб келинаётган темир йўл магистралли орқали Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг Шарқий Хитой бозорига кириб бориши ва бошқ.

**7. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг табиий ресурслар, айниқса, ёқилғи энергетик ресурслар ўта бой захирасига эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда, ер ости фойдали қазилмаларини биргаликда ўзлаштириш.**

Манбаларга кўра, Қозоғистонда 1225 турдаги минерал хом ашёларга эга 493 та кон мавжуд. Ўзбекистон эса 1800 та истикболли конга эга. Фойдали қазилмалар захираларининг умумий қиймати 3,5 трлн. долларни ташкил этади. Айни пайтда Қозоғистон транспорт каридоридан фойдаланиб, Европа ва Хитой бозорига, Ўзбекистон транспорт коридори орқали Форс кўрфази, Ҳинд океани ҳавзасига чиқиш, табиий ресурслар халқаро транзитини биргаликда ташкил этиш истикболга эга ҳисобланади.

**8. Ҳарбий-техник ва минтақавий хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик.** Қозоғистон ва Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида мудофаа салоҳияти юқори ҳисобланган давлатлардир. Мамлакатларнинг бугунги кундаги мазкур йўналиш бўйича ҳамкорлиги Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида ташкил этилган. Шунингдек, улар қатор ҳукуматлараро келишувларга эга.

Юқоридагилар келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги мамлакатлараро муносабатлар 2012 йил кузида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси”даги асосий тамойиллардан бири – “Ўзбекистон ўзининг яқин қўшнилари билан муносабатларда доимо очик, дўстона прагматик сиёсат юритиш тарафдори бўлиб қолади, минтақадаги барча долзарб, сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммолар ўзаро манфаатларни ҳисобга олган тарзда, амалий мулоқат ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал этилишини ёқлайди. Марказий

Осиёнинг муаммолари ташқи кучларнинг ўзлари томонидан ечилмоғи зарур"[6] аралашувисиз минтақадаги давлатларнинг лигига асосланган.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Внешняя торговля Республики Казахстан за 2007-2011 гг. Статистический сборник. – Астана, 2012 г. Стр-106-165.
2. Казахстан и Узбекистан готовы решить правовые вопросы трудовых мигрантов. <http://inform.kz/rus/article/2488871>
3. Трудовая миграция в Республики Узбекистана: социальные, правовые и гендерные аспекты. Аналитический сборник. – Т., 2008 г. Стр-17.
4. Узбекистан и Казахстан до 2015 года планируют довести торговый оборот до \$5 млрд. Манба: <http://www.12uz.com/news/show/economy/12528/>
5. <http://ru.wikipedia.org>
6. <http://www.mcftr.uz/uz/online/news/469/>

Ангуриян А.С.

### СТРУКТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ РЕСПУБЛИКИ АРМЕНИЯ

**Аннотация:** данная статья посвящается внешнеэкономической деятельности Республики Армения. В статье исследуются структурные особенности внешнеэкономических связей Республики Армении, делается попытка определить возможные направления их развития.

**Ключевые слова:** импортозамещение, геоэкономика, глобализация, внешняя торговля, отечественное производство, конкурентоспособность.

Ангуриян А.С.

### АРМАНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** мақола Арманистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари, унинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш имкониятлари, географияси ва таркибий тузилишига бағишланган.

**Калит сўзлар:** импортни қоплаш, геоиқтисодиёт, глобаллашув, ташқи савдо, миллий ишлаб чиқариш, рақобатбардош маҳсулотлар.

Anguryan A.S.

### STRUCTURAL FEATURES OF FOREIGN ECONOMIC RELATIONS OF THE REPUBLIC OF ARMENIA

**Abstract:** this article is dedicated to the foreign economic activity of Republic of Armenia. The article examines the structural features of foreign economic relations of the Republic of Armenia.

**Key words:** import substitution, geo-economics, globalization, foreign trade, domestic production, competitiveness.

Республика Армения расположена на севере географического региона Передняя Азия и северо-востоке Армянского нагорья. Граничит с Азербайджаном и непризнанной Нагорно-Карабахской республикой (НКР) на востоке, на юго-западе с Нахичеванской АР, входящей в состав Азербайджана, с Ираном на юге, с Турцией на западе и Грузией на севере. Выхода к морю не имеет. Поэтому для осуществления экспортно-импортных поставок приходится использовать транспортные коммуникации соседних стран. После распада СССР были прерваны экономические связи из-за блокады транспортного сообщения с остальными республиками бывшего Советского Союза, и геоэкономическое положение Армении резко ухудшилось.

Вместе с тем республика обладает значительным природно-ресурсным и

экономическим потенциалом для активизации торговых связей с другими странами. Начиная с 1974 г. Армения была экспортирующей страной: национальный продукт полностью удовлетворял нужды республики и разница счетов (торговый баланс) с другими республиками была положительной. Ведущими отраслями промышленности, и экспортными составляющими являлись: машино-строительная и металлообрабатывающая; химическая и нефтехимическая; легкая; пищевкусовая; цветная металлургия; производство стройматериалов.

Вследствие разрушительного землетрясения 1988 года республика лишилась национального продукта более чем на 1,5 млрд. рублей, что привело к превышению потребления запасов по отношению к выпущенному национальному

продукту более чем на 14 % [1].

В результате действия политико-экономических причин и транспортной блокады, в 1992 г. объемы производства сократились по сравнению с предыдущим годом в 2 раза, что было обусловлено:

- разрывом экономических связей между предприятиями вследствие распада СССР;

- глубоким энергетическим кризисом;

- блокадой железных дорог.

Так, если в 1991 г. объем грузоперевозок железнодорожным транспортом составлял 29,1 трлн. Т., то в 1992 – 7,5 млн. т. начиная с 1993 г. наблюдается увеличение объемов грузоперевозок воздушным транспортом, обусловленное увеличением объемов импортируемых грузов со стороны иностранных спонсоров. В 1993 г. воздушным транспортом отправлено в 2,8 раза больше грузов, чем в 1992 г. За тот же период времени объем импортированных в республику воздушным транспортом грузов возрос в 2,2 раза [2].

Важно также отметить что после распада СССР, в силу сложившихся обстоятельств внешнеэкономическая деятельность Армении (наземные грузоперевозки), осуществляются по двум направлениям, на севере, через территорию Грузии, и на юге через Иран. У Республики Армения с Грузией и Ираном, существует добрососедские отношения, и это является хорошей основой для экономической деятельности на взаимовыгодных условиях. Армения совершает грузоперевозки с Европейским союзом и Россией, через территорию Грузии, а Грузия в свою очередь осуществляет грузоперевозки с Ираном, через территорию Армении. Также осуществляется экономическое сотрудничество с Ираном, что дает выход к Персидскому заливу, а Иран в свою очередь имеет торговое сообщение с Россией, через Армению. С Азербайджаном у Армении, нет ни каких торговых отношений, в связи со сложившейся обстановкой, из-за Нагорного Карабаха. С Турцией торговое сообщение осуществляется, через третьи страны, в частности через Грузию. А сама граница с Турцией закрыта, по инициативе

Турции, из-за Нагорного Карабаха.

Главной характеристикой внешнеэкономической деятельности Армении является наличие стабильно возрастающего отрицательного сальдо торгового баланса – объемы импорта с каждым годом намного выше объемов экспорта. И эта тенденция имеет место быть с первых лет независимого становления и развития экономики Республики Армения. Причем, с 2003 года наблюдается резкое возрастание темпов роста импорта, что может быть объяснено вступлением Армении в ВТО и, следовательно, открытием границ для иностранных товаров и услуг. Если до вступления в ВТО в среднем рост составлял порядка 10 % в год, то с 2003 года импорт возрос на 28 %, а в 2007 году – на 49 %. Экспорт в 2003 году также возрос на 33 %, но в дальнейшем рост не был столь значительным. Отрицательное сальдо торгового баланса за 2003-2008 годы увеличилось на 570 %, и в 2008 году объемы импорта в 4 раза превышали объемы экспорта (табл.).

С проявлением мирового кризиса произошли изменения и в объемах внешней торговли Армении. Показатель годового роста темпа импорта в 2007 году составлял 49 %, а в 2008 сократился до 35 %. А в экспорте было отмечено не только снижение темпов роста, но и вообще абсолютное уменьшение объемов экспорта по сравнению с предыдущим периодом – в 2007 году темп роста составлял 117 %, а в 2008 году сократился до 91,7 %. И эта тенденция усилилась в 2009 году, а падение объемов экспорта – 42 %. В 2010 году импорт увеличился на 20 %, а экспорт на 33 %.

В большинстве случаев отрицательное сальдо торгового баланса считается показателем слабости внешнеэкономической позиции страны. Однако, есть случаи, когда дефицит торгового баланса вызван активным импортом оборудования в силу благоприятного инвестиционного климата в данной стране и хороших экономических перспектив [3].

Экономика Армении в условиях глобализации, очень чувствительна к изменениям, происходящим, в мировой экономике. Имея огромную зависимость от внешних рынков сбыта продукции и от



иностранных инвестициях в разные отрасли экономики страны. Армения становится активным участником в мировом хозяйстве. Поэтому в нынешних условиях развития экономик, Армении следует расширить внешнеэкономическую деятельность, за счет правильной проводимой геоэкономической политикой, используя все возможные рычаги [4].

Таблица

**Внешнеторговый оборот Республики Армения (млн. долл.), 2000-2013 гг.**

Год	Внешнеторговый оборот	Экспорт	Импорт
2000	1185,2	300,5	884,7
2001	1219,2	341,8	877,4
2002	1492,4	505,2	987,2
2003	1965,1	685,6	1279,5
2004	2073,6	722,9	1350,7
2005	2775,6	973,9	1801,7
2006	3176,7	985,1	2191,6
2007	4420,1	1152,3	3267,8
2008	5483,3	1057,2	4426,1
2009	4031,3	710,2	3321,1
2010	4790,0	1041,1	3748,9
2011	5479,6	1334,3	4145,3
2012	5641,4	1380,2	4261,2
2013	5862,8	1333,2	4533,6

Анализ географической структуры торговых партнеров Республики Армении: это страны СНГ и страны ЕС. А именно, ведущими направлениями армянского экспорта являются: Россия, Германия, Нидерланды, Бельгия, Грузия, Болгария, США, Иран, Великобритания, Швейцария, Италия и Украина. На эти страны приходилось в 2013 году более 85 % экспорта РА. крупнейшими импортерами в Армению являются: Россия, Китай, Украина, Германия, Иран, Италия, Франция, Болгария, Румыния, Грузия и Бельгия.

С 1996 года Евросоюз приступил к реализации программы продовольственного обеспечения Армении, в рамках которой в страну поставляют продукты питания, проводятся маркетинговые исследования рынков продовольствия и оказывается помощь малообеспеченным слоям населения в его приобретении. Ежегодно Армения по этой программе получает 10-11 млн. евро.

А если говорить об импорте, то доля импорта в Армению из стран ЕС в период с 2005-го по 2010 год оставался примерно на одном и том же уровне (34-35 %), если не

считать падение до 27 % в 2009 году. В 2013 г. удельный вес внешнеторгового оборота со странами ЕС составил 28 %. В целом наблюдается сокращения внешнеторгового оборота со странами ЕС. Сокращение внешней торговли особенно ощущается на тех группах товаров, которые имеют большой удельный вес в армянском экспорте. Это: недрагоценные металлы, рудно-сырьевая продукция, драгоценные, полудрагоценные камни, металлы и продукция перерабатывающей пищевой промышленности. Объем экспорта указанных товаров заметно сократились – от 40 до 50 %, что было обусловлено кризисом на мировых рынках данных продуктов. Важно отметить, что внешнеторговое сальдо со странами ЕС для Армении всегда оставалось отрицательным [2].

По товарным разделам на первом месте по объему экспорта идут минеральные продукты, на втором недрагоценные металлы и изделия из них, на третьем готовые продукты питания, на четвертом драгоценные и полудрагоценные камни, драгоценные металлы, изделия из них. А по импорту на первом месте идут, минеральные продукты, на втором готовые

продукты питания, на третьем драгоценные и полудрагоценные камни, на четвертом недрагоценные металлы и изделия из них.

В 2013 году основу взаимопоставок между Россией и Арменией составляли следующие товарные группы: из России в Армению поставлялись минеральные продукты (доля – 42 %, рост на 19,1 %), продовольственные товары и сельхозсырье (22,5 %, рост на 19,1 %), машины, оборудование и транспортные средства (13,7 %, сокращение на 31,2 %), металлы и изделия из них (7,9 %), драгоценные камни, драгоценные металлы и изделия из них (5,6 %), продукции химической промышленности, каучук (4,8 %). Из Армении в Россию – продовольственные товары, сельхозсырье (доля – 74,1 %, рост на 33,2 %), драгоценные камни, драгоценные металлы и изделия из них (12,2 %), машины, оборудование и транспортные средства (5,5 %).

Анализ товарной структуры армянского экспорта 2013 года свидетельствует о том, что экспорт в страны ЕС недиверсифицирован по видам товаров, так как включает в себе только сырьевые материалы и товары, прошедшие минимальную обработку. Экспорт в Бельгию на 93,3 % состоит из драгоценных металлов, а в Нидерланды на 96,7 % - из черных металлов. Экспорт в страны СНГ являются более диверсифицированным и включает в себя товары, которые были полностью произведены в Армении.

В итоге получается что товарная и географическая структура внешней торговли РА высоко сконцентрированы. И именно это стало одной из основных причин резкого на 42 % спада объемов армянского экспорта за 2009 год. И такое падение объемов экспорта особенно критично для развивающихся экономик, которые еще не имеют определенного запаса финансовой и экономической устойчивости.

Таким образом, с целью недопущения усложнения уже существующих проблем во внешнеэкономической деятельности РА наиболее целесообразным является реализация политики импортозамещения, направленной на развитие отечественного

производства и постепенное замещения некоторых импортируемых товаров на свои национальные. А для этого необходимо точно определить те товарные группы, которые могут быть эффективно произведены армянскими предприятиями с минимальным вмешательством государства.

На современном этапе глобализации, развитие экономик разных государств, тесно связаны с расширением внешнеэкономических связей друг с другом. Улучшение геоэкономического положения Республики Армении, может происходить за счет расширения ее внешнеэкономической деятельности. В частности Республике Армении, с ее имеющимися возможностями (выходы в третьи страны через Иран и Грузию), следует разрабатывать проекты для наращивания транзитных перевозок.

У правительства Республики Армения имеются следующие ключевые транспортные проекты:

- строительство железнодорожной ветки Иран-Армения, стоимость которого оценивается приблизительно в 1,5-2 млрд. долл., срок строительства 5-6 лет. При реализации данного проекта можно будет создать новые транспортные коридоры по направлению Персидского залива и Юго-Восточной Азии;

- строительство шоссе Ереван – Гюмри – Ахалцихе – Шуахеви – Батуми. Это проект дорожного строительства не только регионального значения, но и международного транспортного коридора Север-Юг. Данный проект позволит сократить дорогу по выходу в Черное море на 30 %, а также создаст альтернативный коридор [6,8].

Известно, что РА недавно вошла в Таможенный союз. Членство в Таможенном союзе, это возможность реализации политики импортозамещения, направленной на развитие отечественного производства и постепенное замещение некоторых импортируемых товаров на свои национальные. Также появляется возможность увеличить объемы экспорта, за счет развития производительных сил страны. Особенно это касается расширения сельско-хозяйственной товарной номенклатуры, что может, обеспечить

конкурентоспособность за счет качественной продукции.

#### Список литературы:

1. <http://www.mineconomy.am> - Министерство экономики Республики Армения.
2. <http://www.armstat.am/ru> - Национальная статистическая служба РА.
3. <http://www.regnum.ru> - Информационное агентство.
4. Даргачев В. Геоэкономика. Учебник для вузов. – Киев, ВИРА-Р. – 512 с.
5. Статистический ежегодник Армении – 2013 г.
6. <http://noev-kovcheg.lgb.ru> - Газета «Ноев Ковчег» Геополитика Армении.
7. <http://www.mfa.am/ru> - Министерство иностранных дел Республики Армения.
8. The Causasian tiger: sustaining economic growth in Armenian / Saumya Mitra. 2007. p. 610.

### Жумаханов Ш.З., Маъкулов Ж.Т., Жўрахўжаев Т. Х. ЭРОН–ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ГЕОСИЁСИЙ ВА ГЕОИҚТИСОДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** мақолада Эрон-Ўзбекистон муносабатларининг географик, геосиёсий ва геоиқтисодий хусусиятлари баён этилган. Мамлакатлар геосиёсий вазияти хусусиятлари алоҳида кўрилган.

**Калит сўзлар:** географик ва геосиёсий ўрин, геоиқтисодий вазият, ўзаро манфаатлар, транспорт коридорлари, қўшни давлатлар, Марказий Осиё.

### Жумаханов Ш.З., Маъкулов Ж.Т., Жураходжаев Т. Х. ГЕОПОЛИТИЧЕСКИЕ И ГЕОЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИРАНО-УЗБЕКСКИХ ОТНОШЕНИЙ

**Аннотация:** в статье анализируются географические, геополитические и геоэкономические особенности Ирано-узбекских отношений. Отдельно рассматриваются особенности геополитической ситуации стран.

**Ключевые слова:** географическое положение и геополитика, геоэкономическая ситуация, транспортные коридоры, взаимные интересы, соседние государство, Центральная Азия.

### Jumaxonov Sh.Z., Makulov J.T., Juraxujayev T.X. GEOPOLITICAL AND ECONOMIC FEATURES IRANIAN-UZBEK RELATIONS

**Abstract:** the article analyzes the geographical, geopolitical and geo-economic features of the Iran-Uzbek relations. Separately, the features of the geopolitical situation of countries.

**Key words:** geography and geopolitics, geo-economic situation, transport corridors, mutual interests of neighboring states, Central Asia.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 1997 йилдаёқ, ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли китобида республикамиз олдида янги асрда шаклланадиган хавфсизликка таҳдид солувчи омилларни кўрсатиб ўтар экан, Ўзбекистон, шу жумладан, Марказий Осиё минтақаси геосиёсий вазиятини рўй-рост кўрсатиб берган эди: “... биз Россия, Хитой ва Ҳиндистоннинг, Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари юзага чиқадиган минтақанинг бир қисмимиз. Аслида шаклланиб келаётган, лекин жуда кучкудратли, XXI асрнинг қиёфасини шубҳасиз белгилаб берадиган бу куч марказлари ана шу минтақада ўз манфаатларини излайди. Евроосиё марказлари туташган ерда жойлашган бизнинг худудимиздан, бутун минтақа худудидан ислом дунёсининг Туркия, Покистон, Эрон ва Саудия Арабистони каби кудратли мамлакатлари

хам, юқоридаги кучлар каби, ўз манфаатларини излайди”<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президентининг ушбу китоби чоп этилган 1997 йилдан кейинги ўтган 18 йиллик тарихий ҳақиқат шуни кўрсатмоқдаки, дунёнинг бир қатор йирик мамлакатлари, кучлари тинимсиз равишда ўзининг геосиёсий мавқеи, улкан табиий ва ижтимоий-иқтисодий ресурс салоҳияти нуқтаи назаридан бетакрор ҳисобланган Марказий Осиё минтақасида, айниқса Ўзбекистонда ўз манфаатларини намоён қилишга зўр бериб келмоқдалар.

Ана шундай, Ўзбекистонда ўз манфаатлари, таъсир кучини кенгайтиришга ҳаракат қилиб келаётган мамлакатлардан бири – Эрон Ислом Республикасидир. 5

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Хавфсизлик ва барқарорлик йўлида. 6-китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 34-бет.

минг йиллик давлатчилик тарихига эга Эроннинг Ўзбекистондаги манфаатлари бир вақтнинг турлича йўналишларда намоён бўлиб, булар иқтисодий, геосиёсий, миллий, диний, ижтимоий-маданий мақсадлар орқали кўзга ташланади.

Эроннинг Ўзбекистондаги манфаатлари ғоят мураккаб ва, айни пайтда, бирмунча қалтис тавсифга эга. Бу Эроннинг нафақат Жануби-Ғарбий макроминтақа, балки бутун дунё глобал хавфсизлигига таҳдиди билан бир қаторда, соғлом таснифдаги ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликка асосланишидир. Шу билан бирга, кўп асрлик, тарихан шаклланиб келган ҳамкорлик муносабатларидан Эрон ҳам, Ўзбекистон ҳам тенг манфаатга эга ҳам.

Эрон мамлакати жойлашувининг геосиёсий аҳамияти (кучли ва заиф томонлари нуқтаи назаридан) қуйидагиларда кузатилади:

1. Жануби-Ғарбий Осиё минтақасида мураккаб чегара муносабатларига эга давлатлардан бири бўлиб, ўзига қўшни мамлакатлардан фарқли ўлароқ энг кўп, 7 та мамлакат билан чегарадош. Чунончи,

- Шимолда Озарбайжон Республикаси билан (611 км узунликда);

- Шимоли-Ғарбда Арманистон Республикаси билан (36 км узунликда);

- Шимоли-Шарқда Туркменистон Республикаси билан (992 км узунликда);

- Шарқда Афғонистон Ислом Республикаси билан (936 км узунликда);

- Шарқда Покистон Ислом Республикаси билан (909 км узунликда);

- Жануби-Ғарбда Ироқ Республикаси билан (1458 км узунликда);

- Ғарбда Туркия Республикаси билан (499 км узунликда).

Шунингдек, мамлакатнинг жанубий қирғоқларини Араб денгизининг Форс ва Уммон кўрфазлари, шимолий чегара марказий қисмини Каспий денгизи ўраб туради.

2. Эрон билан чегарадош давлатларнинг 2 тасида – Афғонистон ва Покистонда давлат тузилиши Ислом республикаси ҳисобланиб, шариат тартиб-қоидалари устунлиги сақланиб қолинаётганлиги, фақат Арманистондан ташқари қолган 4 та мамлакатда ҳам ислом дини

устунлиги маълум даражада Эроннинг ўз қўшни мамлакатлари билан ижтимоий-сиёсий муносабатларида ижобий таъсир кучига эга.

3. Эрон аҳолисининг миллий таркиби бўйича полиэтник давлат ҳисобланиб, унинг 61 фоизини форслар, 16 фоизини озарбайжонлар, 10 фоизини курдлар, 6 фоизини лурлар, 2 фоизини араблар, 2 фоизини белужлар, 2 фоизини турклар ва туркманлар ташкил этади; этник бирликлар тегишли давлатлар билан чегарадош ҳудудий тузилмаларда жойлашган. Бу ҳолат, Эрон учун миллий этник диаспоралар ёрдамида қўшни мамлакатлар билан ижтимоий-сиёсий муносабатларни манфаатли тарзда ташкил этиш ёхуд қўшни мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга ўз таъсирини ўтказиш имкониятини яратади. Биргина Эрон ҳудудида яшовчи озарбайжон миллатига мансуб аҳоли умумий сони 12-16 млн. кишига баҳоланади. Бу дунёдаги жами озарбайжон миллатига мансуб аҳолининг қарийб 47-48 фоизини ташкил этади.

4. Эроннинг жойлашувидаги геосиёсий жихатдан заиф томонларидан бири сифатида, атрофидаги қўшни мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий инқирозли вазиятнинг фаоллигидир. Чунончи, 1979 йилдан буён Афғонистонда давом этиб келаётган ташқи интервенция ва фуқаролик уруши, кейинги 10 йилликда диний радикал оқим – Толибонлик ҳаракати ва халқаро террористик ташкилот – Ал-Қоиданинг Покистондаги фаол ҳаракати, Озарбайжон ва Арманистон ўртасида Тоғли Қорабоғ ҳудудий мажораси, Туркияда бир неча ўн йиллардан буён давом этиб келаётган Курд ишчи партиясининг сепаратистик ҳаракати, Ироқда диний маҳзаблар – суннийлар ва шиалар ўртасидаги мажоралар Эроннинг ҳам ташқи, ҳам ички ижтимоий-сиёсий барқарорлигига ўзига хос салбий таъсир кучига эга.

5. 2001 йилдан буён Афғонистонда НАТО бошчилигидаги АЙСЕФ, 2003 йилдан бери Ироқда АҚШ ва унинг иттифоқчилари чекланган кучларининг (ҳозирда АҚШ ҳарбий контингенти Ироқдан чиқарилган бўлсада, АҚШнинг ушбу мамлакатга таъсир кучи мутлоқ

юқори) мавжудлиги, шунингдек, Туркиянинг НАТОга аъзолиги, кейинги йилларда Озарбайжон Республикасининг АҚШ ва бошқа Ғарб мамлакатлари билан ҳамкорлигининг фаоллашиб бораётганлиги Эрон ва АҚШ ҳамда Ғарбий Европа ўртасидаги зиддиятли вазиятда Эроннинг геосиёсий хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

### **Эрон Ислом Республикасининг геоиқтисодий вазияти қуйидаги жиҳатлар билан тавсифланади:**

**1.** Эрон дунё энергетика ресурсларига ўта бой ҳисобланган 2 та йирик минтақага дахлдор мамлакатдир. Дунёда бундай мақомга эга мамлакатлар жуда кам учрайди. Чунончи, Эрон бир томондан дунё нефть захирасининг 66 фоизи, табиий газ захирасининг 26 фоизини ўзида мужассам этган Жануби-Ғарбий Осиё макроминтақаси таркибидаги давлатдир. Иккинчидан, Эрон истиқболи ғоят катта баҳоланаётган Каспий минтақаси мамлакатлари таркибига кириб, ушбу минтақанинг аниқланган нефть захираси 153,8 млрд., эҳтимолий нефть захираси 233 млрд. баррелни, аниқланган табиий газ захираси 2688,3 трлн. куб фунтни ташкил этади. Каспий минтақаси бўйича Эроннинг улуши нефть захираси бўйича 58,3 фоизни, табиий газ захираси 30,2 фоизни ташкил этади. Умуман олганда, Эрон нефть захираси бўйича дунё рейтингда Саудия Арабистонидан, табиий газ захираси бўйича Россиядан кейинги 2-ўринни эгаллайди.

**2.** Эрон Евроосиё материгининг муҳим транспорт каридорида жойлашган давлатдир. Ҳозирги кунда материкнинг шарқ ва ғарбини туташтирувчи куруклик орқали 3 та транспорт каридорлари мавжуд.

Курукликдан ўтувчи транспорт каридорларига қуйидагилар кириди:

- **Шимолий** – Хитой-Россия, Хитой-Қозоғистон-Россия йўналишлари;

- **Марказий Осиё-Транскавказ** – Хитой - Қозоғистон - Ўзбекистон - Туркменистон - Озарбайжон - Арманистон - Грузия йўналиши;

- **Жанубий** – Хитой - Қозоғистон - Ўзбекистон - Туркменистон - Эрон - Туркия, Ҳиндистон - Покистон - Афғонистон - Эрон - Туркия йўналишлари.

Кўриниб турибдики, ушбу транспорт каридорларидан бевосита 2 таси Эроннинг стратегик манфаатлар зонасидан ўтади. Бундан ташқари, Ғарбий Европа ва Шимолий Америка нефть бозорининг асосий таъминот маркази Жануби-Ғарбий Осиё (Форс кўрфази) мамлакатлари эканлигини назарда тутадиган бўлсак, халқаро нефть бўйича денгиз транспорти каридорида ҳам Эрон ўзига хос ўрин эгаллайди.

Айни пайтда, макроминтақадаги ижтимоий-сиёсий инқирозли вазиятнинг фаоллашуви Эроннинг халқаро транспорт йўлагидаги мавқеига сезиларли даражада путур етказмоқда. Шунга қарамасдан кейинги вақтларда Эрон Марказий Осиё мамлакатлари, Россия ва Афғонистон билан транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича самарали музокаралар олиб бормоқда.

**3.** Эрон нафақат Жануби-Ғарбий Осиёдаги, балки бутун Осиё қитъасидаги йирик хўжалик тузилмасига эга мамлакатдир. Халқаро валюта жамғармаси таснифида Эрон ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича макроминтақада Туркиядан кейинги 2-ўринни, Осиё қитъасида Хитой, Япония, Ҳиндистон, Туркия, Индонезия ва Жанубий Кореядан кейинги 7-ўринни, дунё бўйича эса 17-ўринни эгаллайди. Мамлакат ЯИМнинг мутлоқ ҳажми 2012 йилда қарийб 998 млрд. АҚШ долларини ташкил этган.

Айни пайтда Эронда 2005 йилда АҚШ ва 2012 йилда Европа Иттифоқи томонидан қўлланилган иқтисодий санкция туфайли ишсизлик даражаси 2013 йилда 16 фоизга, инфляция суръати 42,3 фоизга, давлат ташқи қарзи ЯИМга нисбатан 18,7 фоизга етди. ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 1,5 фоизга камайган.

**Қўлланилаётган иқтисодий санкциялар шароитида Эроннинг ташқи муносабатлардаги мавқеи.** Эрон Жануби-Ғарбий Осиё макроминтақасида қўлланилган иқтисодий санкциялар бўйича ҳам етакчи мамлакат ҳисобланади. 1979 йилдаги ислом инқилобидан кейинги даврда Ғарб давлатларининг Эронга нисбатан 4 марта иқтисодий санкциялар қўлланилган:

1. 1979 йилдаги санкция шоҳ ҳокимиятининг ағдарилиши ва ислом

республикасининг ташкил топтирилиши, Эрондаги 52 нафар АҚШ дипломатларининг гаровга олиниши муносабати билан эълон қилинган. Санкция шартлари – АҚШ фуқаролари ва компанияларининг Эронга киришига ҳамда нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликка таъқиқ.

2. 1984 йилда Ироқ-Эрон уруши муносабати билан эълон қилинган. Санкция шартлари – халқаро молия институтлари томонидан кредит ажратишни тақиқлаш. 1987 йилда АҚШ ва Эрон ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар тўлиқ тўхталди.

3. 1996 йилда АҚШ Конгреси томонидан қабул қилинган Қонунга кўра, Эронга 20 млн. АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритган ҳар қандай мамлакатга нисбатан санкциялар қўллаш кўзда тутилди.

4. 2005 йилда Эроннинг ядро дастурини қайта йўлга қўйиши муносабати билан АҚШ томонидан санкция эълон қилинди. 2012 йилда мазкур санкцияга Европа Иттифоқи ҳам қўшилди. Санкцияга жавобан Эрон 2012 йилда АҚШга, 2013 йилдан Европа Иттифоқига нефть ва газ экспорт қилишни тўхтатди.

АҚШ ва Европа Иттифоқи томонидан Эронга нисбатан қўлланилаётган санкциялар нафақат мамлакат иқтисодиётига, балки унинг ташқи муносабатларига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Эрон иқтисодиётида кейинги 3 йил ичида ишсизлик даражаси ва инфляция суръати кескин ошди. ЯИМ ва саноат ишлаб чиқариш ўсиши манфий диапазонга тушиб кетди. Мамлакатнинг экспорт ҳажми 2010-2013 йилларда 107,5 млрд. АҚШ долларидан 61,2 млрд. долларга тушди ёки қарийб 1,8 мартага камайди. Шунингдек, импорт ушбу йилларда 8,7 фоизга ёхуд 70,0 млрд. АҚШ долларидан 64,4 млрд. долларга камайган.

АҚШ ва Европа Иттифоқининг санкцияларидан ташқари Эроннинг халқаро муносабатларига макроминтақадаги айрим давлатлар сиёсати ҳам жиддий таъсир даражасига эга. Хусусан, кейинги йилларда асосан суннийлик маҳзаби устунликка эга бир қатор араб мамлакатлари билан муносабатлари кескин совуқлашди. Бу айниқса, 2010 йил охирида бошланиб, Тунис, Миср, Яман, Сурия каби

мамлакатларни қамраб олган “араб баҳори” сиёсий кризиси даврида янада кескинлашди. Аҳолисининг мутлоқ катта қисми шиалик маҳзабига мансуб Эрон макроминтақадаги шиаликка эътиқод қилувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши биринчи навбатда Саудия Арабистони томонидан қаршиликка учради. Ҳатто, 2013 йил охирида Женевада Эрон ядро дастури бўйича бўлиб ўтган конференция натижалари, шунингдек Эрон томонидан фаол қўллаб-қувватланиб келинаётган Сурия мажорасида Фарбнинг ён беришини Саудия Арабистони томонидан кескин танқид остига олинди.

Шундай юзага келган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тўсиқларнинг тобора мураккаблашуви шароитида Эрон халқаро муносабатларида “шарқий йўналиш” истиқболли ҳисобланиб, бу, биринчидан, Эроннинг иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда Хитой ва Ҳиндистон нефть ва газ истеъмол бозорига кириб боришини тезлаштириб, мавқеини мустаҳкамлайди, иккинчидан, жаҳон сиёсий ҳаётида ҳукм сураётган ноаниқлик муҳитида ҳар томонлама ишончли, барқарор шерик, ҳамкорга эга бўлиш ва улар сафини кенгайтириб бориш Эроннинг геосиёсий мавқеини оширишни кафолатлайди.

Айниқса, 2013-2014 йилларда Эроннинг Марказий Осиё мамлакатлари, шунингдек, Россия, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан ҳамкорлиги сезиларли даражада фаоллашди. Жумладан, 2014 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон мамлакатлари тармоқ вазирликлари даражасида туркум учрашувлар бўлиб ўтди. Мазкур учрашувларда Эроннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан икки ёқлама манфаатли алоқаларини мустаҳкамлашдан ташқари, темир йўл транспорти каридорининг транзит даражасини ошириш, Эроннинг Туркменистон - Ўзбекистон - Қозоғистон - Хитой газ қувурига уланиши имкониятлари кўриб чиқилди.

Эҳтимолга кўра, мазкур мамлакатларда темир йўлда юк ташиш билан боғлиқ тариф харажатлари кейинги йилларда 60 фоизга арзонлашганлиги

пировардида Эрон - Туркменистон - Ўзбекистон темир йўл каридорининг транзит ҳажми 2013 йилдаги 1,6 млн. тоннадан 2014 йилда 3 млн. тоннага етказилиши кутилмоқда<sup>1</sup>. Шунингдек, 2014 йилнинг 25 февралда Эрон ташқи ишлар вазири ва ШХТ бош котиби ўртасида, 17-18 февраль кунлари Эрон ва Тожикистон парламенти раислари ўртасида ҳамкорликка доир музокаралар ўтказилган.

Эроннинг Хитой Халқ Республикаси билан ташқи савдо айланмаси 2011 йилда 45 млрд. АҚШ долларини, Ҳиндистон билан 13,7 млрд. долларни ташкил этган<sup>2</sup>. Эроннинг “шарқий йўналиш”даги муҳим ҳамкорларидан бири Афғонистондир. Афғонистон билан Эрон ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги йўналиши Россия, Марказий Осиё мамлакатлари, Ҳиндистон билан биргаликда барпо этилаётган “Шимол-Жануб” темир йўл каридорини қисқа муддатларда шакллантириш, форсий тилларда сўзлашувчи халқлар ўртасида маданий алоқаларни кучайтириш ва, айти пайтда, бундай этник бирликлар ўртасида Эрон таъсирини ошириб бориш, Саудия Арабистони ва Покистон томонидан қўллаб-қувватланиб келинаётган суннийлик маҳзабидаги радикал оқим – Ваҳҳобийликнинг Афғонистондаги мавқеини пасайтириш ва бошқаларни қамраб олади. Афғонистонда сиёсий барқарорлик Эрон учун Афғонистон ҳудудидаги, унга чегарадош бўлган ўз ҳудудидаги минерал ресурсларни ўзлаштириш, Тожикистон жанубидаги уран конларидан фойдаланиш имкониятини беради<sup>3</sup>.

**Эроннинг Ўзбекистондаги манфаатлари тавсифи.** Эроннинг Ўзбекистондаги манфаатлари чекланган ва билвосита характерда бўлсада, ушбу мамлакатнинг Осиё ва мусулмон дунёсидаги геосиёсий ва геоиқтисодий салоҳияти нуқтаи назаридан стратегик аҳамиятга эгадир.

Эроннинг Ўзбекистондаги манфаатларини қуйидаги йўналишларда тавсифлаш мумкин:

**Биринчидан,** Ўзбекистон Марказий Осиё минтақаси марказий қисмида жойлашган бўлиб, трансконтинентал транспорт каридорида жойлашганлиги, минтақадаги барча давлатлар билан бевосита чегарадошлиги, минтақа аҳолисининг 45,5 фоизини ўзида мужассам этишлиги, минтақа ЯИМнинг 26,3 фоизини етказиб бериши, хўжаликнинг чуқур диверсификацияланганлиги бўйича юқори салоҳиятга эга мамлакат сифатида Эроннинг иқтисодий манфаатларига мос келади.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон ресурс салоҳияти бўйича минтақада етакчи мавқега эга. Чунончи,

- 2700 та истикболли фойдали қазилма конларига эга бўлиб, 100 дан ортиқ минерал хом ашёга асосланади;

- олтин захираси бўйича дунёда 4-ўринда, олтин қазиб олиш бўйича 7-ўринни эгаллайди;

- уран захираси бўйича 7-ўринда, қазиб олиш бўйича 6-ўринда туради;

- молибден захираси бўйича 8-ўринда туради, қазиб олиш бўйича етакчи 15 таликка киради;

- мис захираси бўйича 10-ўринни эгаллайди (ҳозирги пайтда Ўзбекистонда қазиб олинаётган миснинг 17 фоизи қайта ишланади, холос);

- табиий газ захираси бўйича 14-ўринда, қазиб олиш бўйича 11-ўринда туради. Газнинг геологик захираси 5 трлн. куб. м.ни, аниқлангани 3,4 трлн. куб. м.ни, нефтнинг геологик захираси 5 млрд. тоннани, аниқлангани 530 млн. тоннани ташкил этади;

- сунний суғориладиган ер майдони бўйича 11-ўринда, қоракўл териси бўйича – 2-ўринда, пахта етиштиришда 5-ўринда, ипак хом ашёси ишлаб чиқаришда 6-ўринда, пахта экспорти бўйича 2-ўринда, уран экспорти бўйича 3-ўринда туради;

- Марказий Осиё газ конденсатининг 70 фоизи, нефтнинг 30 фоизи, табиий газнинг 40, кўмирнинг 55, гидроэнергетика ресурсларининг 14 фоизи Ўзбекистон хиссасига тўғри келади.

Ўзбекистоннинг бундай ресурс салоҳияти бир томондан Эроннинг қўллаб-қувватлаб табиий ресурсларга (биринчи навбатда,

<sup>1</sup> Манба: <http://uzbek.trib.ir>

<sup>2</sup> Манба: <http://www.iran.ru>

<sup>3</sup> Манба: [http://windowrussia.ru/2013\\_10\\_04/Afganistan-klubok-geopoliticheskikh-interesov-4795/](http://windowrussia.ru/2013_10_04/Afganistan-klubok-geopoliticheskikh-interesov-4795/)

уран хом ашёси, рангли металллар) эҳтиёжи, иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг Хитой, Россия, Ҳиндистон, Фарбий Европа каби Ўзбекистон ресурслари импортёри ҳисобланган йирик мамлакатлар билан ўзаро рақобатлашув “платформа”си мақоми нуқтаи назаридан Эрон ўз манфаатларини кўзда тутди.

**Учинчидан**, Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатларига нафақат хўжалик тизими орқали, балки ушбу мамлакатлар аҳолиси этник таркибида ўзбеклар улшининг салмоқли ҳиссага эгаллиги билан ҳам таъсир кучига эга. Чунончи, Тожикистонда аҳолининг 17 фоизи, Қирғизистонда 14,4 фоиз, Туркменистонда 9 фоиз, Қозоғистонда 3-4 фоиз, Афғонистонда 9,2 фоизи ўзбеклардир. Айни пайтда, Ўзбекистонда аҳолининг 81 фоизини ўзбеклар ташкил этгани ҳолда, тожиклар 5 фоизни, қозоқлар 4 фоизни, қирғизлар 1,2 фоизни, туркманлар 0,8 фоизни ташкил этади.

Марказий Осиёдаги аҳоли этник таркибидаги бу нисбатлар Эрон учун минтақанинг бошқа мамлакатларига айнан Ўзбекистон орқали таъсир кўрсатиш имконини бериши мумкин.

**Тўртинчидан**, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ривожланиш тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, минтақада истеъмол бозори тўйиниш даражаси нисбатан паст. Минтақада қарийб 67 млн. киши истиқомат қилади, шунинг 45,5 фоизи Ўзбекистонда. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон яқин истиқболда Хитой, Россия, Ҳиндистон, Туркия каби нисбатан юқори салоҳиятли мамлакатлар қатори Эрон учун қулай истеъмол бозоридир.

**Бешинчидан**, Ўзбекистон Афғонистон муаммосини ҳал этишда энг фаол иштирок этаётган мамлакат ҳисобланади. Ўзбекистон томонидан 2008 йилда Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида афғон муаммосини ҳал этиш мақсадида “6+2” мулоқот гуруҳини “6+3” гуруҳига айлан-тириш таклифининг илгари сурилиши, ушбу гуруҳга Афғонистонга қўшни олти мамлакат – Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, шунингдек, Россия, АҚШ ва НАТО ташкилотининг кириши назарда тутилганлиги

Эрон учун халқаро сиёсий майдонда ўз геосиёсий мавқеини тиклашда жуда қўл келади. Қолаверса, Афғонистонда сиёсий барқарорликнинг ўрнатилиши Эрон учун ҳам иқтисодий, ҳам диний, ҳам этник нуқтаи назардан жуда муҳимдир.

2014 йил охиригача Афғонистондан АЙСЕФ кучларининг олиб чиқиб кетилиши кутилаётган шароитда ва бу борада Ўзбекистондан транзит мақомида фойдаланилиши кутилаётган вазиятда Эрон –Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг илиқлиги Эрон учун сиёсий манфаатни кўзда тутди.

**Олтинчидан**, Ўзбекистон кўплаб халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан узвий ҳамкорлик муносабатларига эга. Бугунги кунда, айниқса Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби ижтимоий-сиёсий, Осиё тараққиёт банки, Европа тараққиёт банки сингари йирик халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлиги юқори даражада ташкил этилган. Шунингдек, АҚШ, Хитой, Россия, Европа Иттифоқи, Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони каби йирик ҳамда халқаро ва минтақавий кўламда катта таъсир кучига эга мамлакатларнинг ҳам Ўзбекистонга қизиқиши каттадир. Бугунги халқаро санкциялар гирдобидида қолган Эрон учун Ўзбекистоннинг бундай халқаро сиёсий майдондаги фаоллиги катта аҳамият касб этади.

Эрон Ислом Республикасининг геосиёсий ва геоиқтисодий ҳолати ҳамда Эроннинг Ўзбекистондаги манфаатлари таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаги асосий хулосаларни билдириш мумкин:

1. Эрон Жануби-Фарбий Осиёда жойлашган йирик, ҳам иқтисодий, ҳам табиий-ресурс, ҳам ижтимоий-сиёсий салоҳиятга эга, жаҳон углеводород ресурслари бозоридаги мавқеи, ислом дини, хусусан, шиа маҳзаби тарғиботи ҳамда диннинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини юқори даражада уйғунлаштирган теократик давлат сифатида, бир томондан, мусулмон дунёсида, Жануби-Фарбий Осиё



макроминтақасида ижтимоий-сиёсий барқарорликни кафолатлаш қудратига эга бўлса, иккинчи томондан, айти шу барқарорликка, минтақавий хавфсизликка маълум даражада таҳдид солиб келаётганлиги билан ажралиб туради.

2. Эрон ўзига қўшни бўлган ва минтақадаги бошқа мамлакатлар ижтимоий ҳаётига катта таъсир ўтказиб келувчи мамлакатдир. Хусусан, Туркия ва Ироқда курдлар масаласида ўзига хос сепаратистик ҳаракатлари, Озарбайжон-Арманистон муносабатларида Озарбайжонни ҳарбий-техник қўллаб-қувватлаши, Афғонистонда бир томондан Толибон ҳаракатини қўллаб-қувватласа, иккинчидан, Покистон ва Саудия Арабистони томонидан қўллаб-қувватланиб келинаётган ваҳҳобийликка қарши курашни рағбатлантириб келаётганлиги, Ироқ ва Сурияда шиа-сунний маҳзаблари ўртасидаги мажораларни молиялаштириш, ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганлиги кузатилади.

3. Эрон 1979 йилдан буён АҚШ ва унинг иттифоқчилари томонидан жорий этилган санкциялар қуршовидаги мамлакат сифатида, ўз салоҳиятини тўла-тўқис акс эттира олмайди. Айтилса, 2005 йилдан ядро энергияси дастурини қайта жонлантириши, урanni бойитиш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракати ядро қуролига интилиш эҳтимолини янада оширди. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги манфаатларига зиддир.

4. Эроннинг Ўзбекистондаги манфаатлари чекланган ва билвосита характерга эгаллиги шуни англатадики, Эрон ўзининг бугунги ва яқин истиқболдаги халқаро майдондаги ижтимоий-сиёсий вазияти шароитида, шунингдек, Ўзбекистонда миллий хавфсизлик таъминланишининг бугунги даражасида ўз манфаатларини тўлиқ намоён қила олмайди.

Эроннинг Ўзбекистондаги манфаатлари асосан, *биринчидан*, иқтисодий мақсадларга, *иккинчидан*, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари, жумладан, Эроннинг миллий манфаатлари

мутлоқ юқори бўлган Тожикистон ва Афғонистонга таъсир кўрсатиш салоҳиятига, учинчидан, Ўзбекистон географик жойлашувининг Эроннинг стратегик ҳамкорлар – Россия, Хитой каби мамлакатларга транзитлик хусусиятига боғлиқдир ва шу жиҳатдан билвосита характерга эга.

Айти пайтда Эроннинг Ўзбекистондаги манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Эрон-Ўзбекистон муносабатлари Ўзбекистон учун ўзига хос таҳдид эҳтимолига эга. Чунинчи,

- Эрон ижтимоий ҳаётида радикал руҳдаги диний муҳитнинг кенг ривож топганлиги;

- Эроннинг ўз сиёсий рақибларига нисбатан агрессив муносабатда эканлиги (бу айтилса, Исроил, Саудия Арабистони, АҚШ каби мамлакатларга нисбатан яққол кузатилади);

- Эроннинг қўшни мамлакатлар ва макроминтақадаги бошқа давлатлар ички ишига фаол аралашуви (Ироқда, Сурияда шиа маҳзабидаги аҳоли қатламларини, Туркиядаги курдларни очикдан-очик қўллаб-қувватлаши, Тоғли Қорабоғ масаласида Арманистон-Озарбайжон муносабатларига бир томонла ёндашуви ва бошқ.);

- гарчи Афғонистонда сиёсий барқарорлик тарафдори бўлсада, радикал руҳдаги толибон ҳаракати билан фаол ҳамкорликни давом эттириб келаётганлиги;

- ўзбек тилида эшиттиришлар олиб боровчи “Iran-Uzbek Radio” [*манба: <http://uzbek.irib.ir/>*] ва бошқа шу каби оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистон ахборот хавфсизлиги маконига кириб боришга уринаётганлиги ҳамда бу каби ҳатти-ҳаракатни минтақадаги бошқа мамлакатлар бўйича ҳам ташкил этганлиги;

- дунё кенг жамоатчилигининг очикдан-очик норозилигига сабаб бўлувчи гендер тенгсизлиги, инсон ҳуқуқларининг поймол қилиниши ва бошқа ҳолатларнинг кўп кузатилиши ва х.к.

**Таштаева С.К.**

### **ГЕОГРАФИЯ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР (ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДАН)**

**Аннотация:** мақолада, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, география фани ва таълимнинг муаммо истиқболлари кўриб чиқилган. Ҳозирги глобаллашув шароитида муаллифнинг география фани тўғрисидаги қарашлари баён этилган.

**Калит сўзлар:** география таълими, дарслик, Давлат таълим стандарти, жаҳон тажрибалари, географик маданият, компетенция.

**Таштаева С.К.**

### **ГЕОГРАФИЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ (ИЗ ОПЫТА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН)**

**Аннотация:** в статье, исходя из опыта зарубежных стран, рассматриваются проблемы и перспективы развития географической науки и образования. Освещаются взгляды на современную географию во время глобализации и в условиях изменяющейся картины мира.

**Ключевые слова:** географическое образование, учебник, Государственный стандарт образования, географическая культура, компетенция.

**Tashtaeva S.K.**

### **GEOGRAPHY: PROBLEMS AND PROSPECTS (EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES)**

**Abstract:** in this article the problems and prospects the development of geography has been went through as a subject and as an educational discipline. Development tendency of modern geography and its view point which based on the experiences of foreign countries have been described in the condition of globalization and adapting world scene.

**Key words:** education of geography, textbook, educational standards of government, geographical culture, competency.

Ўтиш даврида рўй бераётган ўзгаришлар фанларнинг ривожланиши, таркиби, мазмуни ва таълимига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. 1990-йилларда глобал ва минтақавий тус олган иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар вақт ва маконда шундай тезлик билан бормоқдаки, баъзан фан уларга етиб ололмай қолмоқда. Бу айниқса, атроф-оламни, унинг худудларидаги барча компонентларни ўзаро боғлиқ ва бир тизим сифатида ўрганувчи ягона универсал ҳисобланган география фанига сезиларли даражада таъсир этмоқда. Дунё манзарасининг тез ўзгариши, фан ва техниканинг жадал ривожланиши, жаҳоннинг барча минтақа ва мамлакатларидаги турли-туман ва кенг кўламли ахборотлар оқимини бемалол олиш имконининг яратилиши, ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал салоҳиятининг ортиб бориши, қолаверса, фаннинг ички ривожланиши ушбу фан таълими соҳасида айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда.

1990-йиллардан кейинги даврда аксарият мамлакатларда география фанининг нуфузи туша бошлади. Дунё бўйича география Европада энг яхши ўқитилади. Шунга қарамай, **Буюк Британияда** 2000-йиллардан кейин географияга мактабларда бўлган қизиқиш сўна бошлади. 2007 йилда ўрта

мактабларнинг 97 тасида география ўқитилмади (у ерда танлама фан сифатида ўқитилади), 2010 йилда улар 3000 дан ортди, кўпчилик ўқувчилар картани, ҳатто ўзлари яшайдиган Ватанини Ер шарининг қаерида жойлашганини ҳам билмаган. География ассоциацияси бу муаммога жиддий ёндошиб, дарсликлар қайта кўриб чиқилди, расмлар, амалий топшириқлар билан бойитилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, умумтаълим мактабларида математика ва инглиз тилидан дарслар соати ниҳоятда кўп, тест саволлари мураккаб ва бу фанларга талаб жуда юқори бўлиши география, тарих фанларини сиқиб чиқарган. Ҳукумат буни эътиборсиз қолдирмади, фаннинг ўқитилиши муҳимлигини ҳисобга олиб, “А” сертификат (11-йиллик аттестат) олиш учун география фанидан имтиҳон қўйилган, қатор университетларнинг бакалавр йўналишларига ўқув фани сифатида режага қўйилган. Натижада, охириги беш йил ичида “GCSE” сертификат (9 йиллик аттестат) учун география фанини танлаганлар 33 фоизга ортган, “А” учун -76 фоизни ташкил этиб, инглиз тили ҳамда тарихдан сўнг 2-ўринни эгаллаган. Ҳозирги кунда дунёдаги йирик географик департаментларнинг 50 тасидан 19 таси ушбу давлатда жойлашган, географиянинг ўқитилиши бўйича берилган

рейтинг балига кўра Буюк Британия университетлари энг етакчи:

- |                                 |   |
|---------------------------------|---|
| 1. Оксфорд ун.-96,9             | 6. UCLA (АҚШ)-91,6                      |
| 2. Лондон иқт-ижт.фан.ун. -95,9 | 7. Лондон ун.-коллежи-91,4              |
| 3. Кембридж ун.-93,9            | 8. Манчестер ун.-88,6                   |
| 4. Дурхам ун.-93,3              | 9. Сингапур Миллий ун.-87,2             |
| 5. Калифорния Берkeley ун.-92,8 | 10. Британия Колумбияси ун. (Кан.)-87,0 |

Мамлакатда география базасида атроф-муҳит жараёнлари, географик-сиёсий иқтисодиёт, атроф-муҳит ва георхеология, шаҳарлар ўзгариши, иқтисодий география, урбанология, сиёсий география, юқори гидрология, ГАТ, сув менежменти бакалавр йўналишлари ва мутахассисликлар бор. Географияга оид “Антипод”, “Худуд”, “Европа урбанизацияси ва минтақаларни ўрганиш”, “Геофорум”, “Урбанистик ва минтақавий тадқиқотлар” халқаро журнали, “Янги сиёсий-иқтисодий дастурлаш”, “Инсон тараққиёти географияси” журналлари чоп этиб борилади. Олиб борилаётган географик тадқиқотлар сезиларли мавқега эга, у иқтисодий даромад келтирувчи соҳа ҳисобланади. Бирлашган Қиролликда География фани ижтимоийлашиб, ўрганиш объекти ўзгариб бормоқда: инсон географияси, турли минтақа ва мамлакатлардаги аҳолининг турмуш тарзи, ҳаёт шароити, миграцияси, маданияти географиясини, атроф-муҳит ва унинг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш масалалари билан шуғулланмоқда.

**Германияда** география ўқувчиларни мантикий фикрлашга ўргатиши, мураккаб ва қизиқарли фан эканлиги, кучли ўқитилиши билан ажралиб туради. Худуддан унумли фойдаланиш йўллари ўрганиш фаннинг асосий мазмунини ташкил этади. Ўқувчиларга кўплаб ўйлантирадиган, муаммоли топшириқ ва масалалар берилади. 2000-йилдан сўнг фаннинг сиёсий аҳамиятини ошириш мақсадида ДТСларга ўзгартиришлар киритилди.

**Канадада** география юқори мактабларда нисбатан яхши ўқитилади. Олий таълимда география базасида халқаро тараққиёт, глобализация, география, географик ахборотлар тизими, Канадашунослик, Шимол ва кутбни ўрганиш, Квебекшунослик, туризм, аҳолишунослик йўналишлари фаолият кўрсатади. Давлат география консуллиги

ўқитувчилар учун ресурслар етказиб беради, амалиётни таъминлайди, рағбатлантиради, чунки, амалиёт уларда жуда муҳим ҳисобланади.

**Японияда** география яқин йилларга қадар саёз ўқитилган. У ижтимоий фанлар таркибида бўлиб талабга кўра, район йўналишида чуқурлашиб, минтақани, кичик худудларни ўрганишга қаратилганки, биз уни минтақавий география ёки минтақашунослик деб атаймиз. 1990-йилларга қадар японлар ўз мамлакатини ва унинг районларини амалиёт билан боғлаб атрофлича ўрганишган, кўшни минтақалар билан таққослашган. У даврда Америка, Европа давлатлари Япония ташқи сиёсатига унча тўғри келмагани сабабли, улар ўрганилмаган. Ҳозирги кунда японлар географияни янада кенгроқ ўрганиш орқали мамлакатнинг ўқиш ва туризм учун очиклигини тарғиб қилиб, оммалаштиришда фойдаланишмоқда.

Мамлакатда юзага келган ўзгаришлар: аҳолининг ижтимоий ва ёш таркибидаги ўзгаришлар, миграция жараёнларининг кучайиши, байналминаллашувнинг ортиши, бошқа давлатлар билан муносабатларининг чуқурлашуви (Японияда 90-йилларгача мамлакат ёпиқ бўлган), Таълим вазирлиги томонидан ижтимоий фанларни қисқартириш ва фундаментал фанларга қайтиш таълим стандартларини ўзгартириш учун асос бўлмоқда, Таълим вазирлиги, талабалар учун географиянинг қайси йўналишларини очиш бўйича талабни ўрганмоқда.

Япония география таълими кўпроқ “Инсон географияси”га қаратилган: ишлаб чиқариш фаолиятининг миллий ҳаёт билан боғлиқлиги, худудни географик муҳит сифатида тушуниш, атроф-олам, ресурслардан самарали фойдаланиш, ерга ишлов беришнинг оқибатлари, миллатимиз халқи ва бошқа минтақадаги аҳолининг турмуш тарзи, социал феноменлар, табиий

ва иқтисодий-ижтимоий муҳит алоқасини ўрганиш, XXI аср-глобаллашув даврида халқларни, уларнинг маданияти ва бу борадаги тажрибаларини ўрганиш фаннинг асосий мазмунини ташкил этади.

**АҚШда** география фани Пенсильванияда яхши ўқитилади, у ерда 5 та даража бўлиб, АҚШ ва жаҳон географияси ўрганилади. Қолган штатларда мактабларда тарих ва география сусти ўқитилади, штатларнинг деярли ярмида у ўқитилмайди, сабаби ўқувчилар туб жой аҳолиси, америкаликларнинг тарихи ҳақидаги маълумотларни сир тутишади. Ўқувчиларнинг аксарияти картани билмайди, Ироқ билан урушгунга қадар 85 фоиз аҳолиси Ер юзида шундай давлат бор эканини билишмаган. 49 фоиз ўқувчилари Нью-Йоркни картадан кўрсата олмаган, 89 фоиз америкалик ўз юртини картада жойлашган ўрнини аниқлай олмайди, аммо 95 фоиз француз буни билади. АҚШдаги бундай ҳолат дунё халқлари томонидан қораланмоқда. “Америка — 2000: таълим стратегияси” шиори остида география фанини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Россияда** ўтиш даврида мактабларда география инқироз даражасига етди, ҳатто ота-оналар, айрим раҳбарлар 6-11 синфларда ундан воз кечишни таклиф этишган. Шундан сўнг География жамияти, мамлакатнинг мақсад-манфаатларидан келиб чиқиб, фан бўйича янги концепция ишлаб чиқди. Энди у географияга ўзгача ёндашмоқда: назарий билимларни ўрганишдан амалий билимларни эгаллашга, тавсифий географиядан таҳлилий географияга ўтиш, географик маданиятни шакллантиришга устувор аҳамият берилмоқда. Россияда география фанининг асосий вазифаси-табиий ва иқтисодий-ижтимоий географияни сақлаган ҳолда, Ерни бир бутун тизим сифатида қараш, табиий муҳитни асраш, кам ўрганилган ҳудудларига экспедициялар уюштириш, диққатга сазовор табиий ва инсон томонидан яратилган мажмуаларни туристик жиҳатдан ўрганиш ва тарғиб қилиш, турли-туман миллатларини бирлаштиришда этномаданий хусусиятларни ўрганишдан иборат бўлмоқда. Янги

концепцияга асосан 2015 йилдан мактабда география қуйидаги тартибда қўйилди: 5-синф-География.- Ер-сайёра. (“Земля-планета”)-ернинг кашф этилиши, ўрганилиши тарихи, карталарнинг яратилиши ҳақида; 6-синф-География. Ер-сайёра (“Земля-планета”)-Ер дунёси-географик қобиклар; 7-синф-География. Ер ва одамлар (“Земля и люди”)-мамлакатшунослик, қитъалар, минтақа ва мамлакатлар одамлари уларнинг ҳаёти, турмуш ва урф-одатлари; 8-синф-География. Россия географияси-табиати, аҳолиси ўрганилади, 9-синф-География. Россия географияси (хўжалиги), 10-11 синф –География. Жаҳон географияси (иқтисодий ва ижтимоий географияси) чуқурлаштирилган тарзда ўқитилади. Унга асосан 2014- 2015 ўқув йили учун қатор дарсликлар яратилди. Россия Федерацияси президенти В.В.Путин томонидан “Географик диктант” жорий этилди, 9-синф учун асосий фанлар қаторида имтиҳон белгиланди, кўплаб олий таълим йўналишларига кириш имтиҳонига қўйилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дунё ва мамлакатлардаги замонавий умумжаҳон ва миллий хусусиятлар асосида география фанига бўлган ёндашувлар ҳам ўзгариб бормоқда. Ушбу масалалар 2000-йилда Сеул шаҳрида ўтказилган Халқаро География Иттифоқининг “Ҳаёт хилма-хилликда” номли 29-съездида ҳам илгари сурилди, замон география фани олдида унга ўзгача қарашларни талаб этаётгани, инсон географияси-ижтимоий географияга бўлган эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Олимлар аксарият мамлакатларда узоқ танаффусдан сўнг “географик ренессанс” бошланаётганини таъкидлашмоқда. Бугунги кунда Ер шарида глобал муаммолар авж олганда, сайёрамизни ўзимиз ва келажак авлод учун сақлашда, Ер юзининг хилма-хиллиги ва, ўз навбатида бир бутунлигини, ундаги табиат, инсон ҳаёти, фаолияти ҳамда унинг оқибатларини боғлиқ равишда ўрганувчи ягона фан эканлиги боис, унинг зарур ва муҳимлигини тан олишмоқда. Бундай масалалар мамлакатларда география фанини замон талабига мос ҳолда мазмунан, шаклан ва таркибий жиҳатдан тўғри ташкил этилишини талаб этмоқда.

Республикамизда ҳам ҳозирги кунда география фани концепциясини такомиллаштириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Бунда география таълимида куйидан юқоригача таълим узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш, умумий, ўрта ва олий таълим стандартларини бир-бирига ва жаҳон стандартларига мослаштириш, миллий кадриятларимиз ва хусусиятларимизни, давлатимиз ва жамоатчиликнинг мақсад-манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тўғри ташкил этиш асосий вазифамиз ҳисобланади. Таниқли географ Р.Жонстоннинг: “Фан ва олимлар ўз фанларининг муҳим эканлигини кўрсата олишлари керак”

деган фикрига асосланиб, бугунги кунда географлар талаб ва таклифни ўрганиш, халқимизга зарур бўлган соҳа ва йўналишларни оммалаштириш ва тарғиб қила олиши лозим. Хусусан, бугунги кунда унинг ҳудудийлик тамойилига кўпроқ урғу бериш, ўлкашунослик, мамлакатшунослик, рекреация географияси, туризм, геоэкология, геодемография, минтақашунослик, глобал география, топонимика, географик ахборотлар тизими, аҳоли манзилгоҳлари географияси каби тармоқларини ривожлантиришга давр, жамоатчилик ва давлат талаби ҳам мавжуд, географларда эса имкониятлар ҳам етарли.

**Усманов М.Р., Қурбанов К., Олимова О.**

### **ҲОЗИРГИ ЗАМОН ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация:** мақолада глобал муаммолар географик жиҳатдан таҳлил қилинган. Энергетика, экология ва ижтимоий муаммолар кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** глобал муаммо, тинчлик ва қуролсизланиш, экология, демография, озиқ-овқат, энергетика, хом-ашё, Орол муаммоси.

**Усманов М.Р., Курбанов К., Олимова О.**

### **ГЕОГРАФИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ ГЛОБАЛЬНЫХ ПРОБЛЕМ**

**Аннотация:** в данной статье рассмотрены глобальные проблемы и их географический анализ. Рассматриваются энергетические, экологические и социальные проблемы.

**Ключевые слова:** глобальная проблема, мир и разрушение, экология, демография, продовольствие, энергетика, сырье, проблема Арала.

**Usmanov M.R., Kurbanov K., Olimova O.**

### **GEOGRAPHICAL ANALYSIS OF CONTEMPORARY WORLD PROBLEMS**

**Abstract:** this article examines the global challenges and their geographical analysis. We consider the energy, environmental and social problems.

**Key words:** global problem, and the destruction of the world, ecology, demography, food, energy, raw materials, the problem of the Aral Sea.

**Кириш.** XXI-аср инсониятнинг ривожланиш тарихида туб бурилиш асри бўлиши шубҳасиз. Шу сабабдан, инсониятнинг яшаш муҳити бўлган биосферадаги ҳаёт шароитларини келажак авлодларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда сақлаб қолиш зарур. Атроф муҳитни ифлосланишдан сақлаш, аҳолини ичимлик суви, экологик тоза озиқ маҳсулотлари билан таъминлаш, биологик хилма-хилликни асраш, иқлим ўзгаришларини олдини олиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш долзарб муаммолар ҳисобланади ва уларни ижобий ҳал қилиш инсониятнинг келгуси тараққиётини белгилайди. Бу ҳақда республика Президенти И.А.Каримов шундай ёзади: “Афсуски, охириги юз йилликда айнан минтақанинг экологик тизимида жуда катта

зарар етказилди. Аждодларимизнинг табиатдан фойдаланишдаги анъанавий одоб-ахлоқ қоидалари унутиб юборилди. Бу қоидаларга кўра сув ва ерни ўйламай-нетмай булғаш, исроф қилиш гуноҳи азим ҳисобланар эди” [1,145]. Кишилиқ жамияти ривожининг ҳозирги босқичида ижтимоий-экологик муаммоларнинг кескинлашуви кузатилмоқда. Фан ва техниканинг кучига ортиқча ишониш, уни барча муаммоларни ҳал қилишга қодир деб ўйлаш хато эканлигини кўплаб олимлар томонидан эътироф этилмоқда [3,5,10].

**Асосий қисм.** Ҳозирги глобал экологик муаммоларни ўрганиш, уларни тушуниб етиш ва зарур тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш учун ҳар бир инсон коинот, қуёш, ер, нотирик ва тирик табиатнинг барча компонентларини

уйғунлиги тўғрисидаги билимларга эга бўлиш лозимдир.

Глобал муаммолар деб шундай муаммоларга айтиладики, улар кўлами жиҳатидан бутун дунё, бутун инсониятни қамраб олиб, унинг ҳозирги ва келажаги учун хавф туғдиради ҳамда ўзларининг ечими учун барча давлат ва халқлар кучларининг бирлашуви, биргаликда жипслашиб ҳаракат қилишини талаб этади.

Кишилиқ жамиятининг тараққиёти ҳеч қаерда ва ҳеч қачон силлиқ, осон, тўсқинликларсиз содир бўлмаган. Ҳамма ерда ва ҳамиша бу жамият олдида муайян даражадаги муаммолар пайдо бўлиб, гоҳ

кескинлашиб, гоҳ ечими топилиб келмоқда. Булар бир жиҳатдан салбий табиий ҳодисаларнинг оқибати ўлароқ юз берадиган зилзила, тошқин, қурғоқчилик, вулконларнинг отилиб чиқиши, куёш радиациясининг ўзгариши, турли социал касалликлар, чигиртка ёпирилиши ва х.к. лардан иборатдир. Булар иккинчи жиҳатдан инсон ҳаёт-фаолияти туфайли содир бўладиган ижтимоий - иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётга доир бўлган, илмий, фалсафий тилда умумлаштирилиб антропоген офатлар деб юритиладиган муаммолардир.

1-схема

<b>Инсониятнинг глобал муаммолари</b>			
Тинчлик ва қуролсизланиш	Демографик	Озиқ-овқат	Ривожланаётган мамлакат-ларнинг қолоқлигига барҳам бериш
Экологик	Энергетика ва хом ашё	Дунё океанидан фойдаланиш	Космик фазони тинч мақсадда ўзлаштириш

Бутун дунё миқёсида ҳозирги вақтда ўткир, долзарб ҳисобланган умумбашарий (глобал) муаммолар қуйидагилардан иборат:

1. Уруш ва тинчлик муаммоси – ялпи қирғин урушларни олдини олиш ва тинчликни сақлаш;

2. Экология муаммолари – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

3. Демографик муаммолар - ер юзи аҳолисининг тез суръатлар билан ўсиб борётганлиги – “Аср муоммо”ларидан бири. Бу муаммонинг ўзаро зиддиятли икки жиҳати бор. Биринчисидан, мавжуд демографик инқироз ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Чунки у ҳозирнинг ўзида бир қатор мамлакатларда аҳоли кўпайиши мувозанатининг бузилишига, унинг тез қариб қолиши ва сонининг камайиб кетишига олиб келди. Демографлар бу жараённи “депопуляция” деб атайдилар. Иккинчидан, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўпчилик мамлакатларида аҳолининг тез ўсиши ташвиш туғдирмоқда.

4. Озиқ-овқат муаммоси – ер юзи аҳолисини моддий неъматлар билан оптимал даражада таъминлаш имкониятларининг кескин қисқариб бораётганлиги. Бу муоммони ечиш учун инсоният зираатчилик, чорвачилик ва балиқчилик ресурсларидан тўлароқ

фойдаланиши керак, мазкур муаммонинг ечими икки хил бўлиши мумкин. Биринчиси – экстенсив йўл, яъни ҳайдаладиган ва яйлов ерлар ҳамда балиқ овлашда фойдаланадиган ерларни келгусида кенгайтира боришдан иборат. Иккинчиси – интенсив йўл – аввало мавжуд ерларнинг биологик маҳсулдорлигини оширишдан иборат. Бу йўлни амалга оширишда биотехнология, ўсимликларнинг янги, юқори ҳосилдор навларидан ва тупроққа ишлов беришнинг янги усулларидан фойдаланиш, механизация, кимёлаштириш, шунингдек мелиорацияни янада ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

5. Энергетика ва хом ашё муаммолари. Ушбу муаммолар аввало инсониятни ёқилғи ва хом ашё билан мустаҳкам таъминлашни назарда тутди. Инсониятни ресурслар билан таъминлаш илгари ҳам бўлган. Бироқ бу муаммо, одатда, табиий ресурслар етишмайдиган айрим район ва мамлакатларга тегишли бўларди. У дунё миқёсида афтидан 70 – йилларда биринчи марта намоён бўлди ва унинг бир қанча сабаблари бўлган. Улар нефть, табиий газ ва бошқа хил ёқилғи ҳамда хом ашё турлари аниқланган захираларининг камлиги, тоғ-кон ишлари шароитининг ёмонлашуви,

казиб олиш районлари билан истеъмол районлари ўртасидаги худудий узилишнинг ортиши, қон қазиб ишларининг табиий шароити ниҳоятда оғир бўлган янги районларга силжиши ва шу қабилардир.

6. Социал касалликлар олдини олиш муаммоси. Жаҳон аҳолиси орасида кенг тарқалаётган спид, сил, юрак – қон томир, камқонлик, гепатит, рақ сингари хавфли касалликларнинг тарқалиб бораётганлиги бугунги кунда жамоатчиликни ташвишга солмоқда.

7. Этикалогия муаммолари – инсон ва инсониятнинг маънавий-ахлоқий қиёфасида таназзул юз бераётганлиги: ахлоқсизлик, жиноятчилик, коррупция, терроризм, рэкетчилик, бузуқлик, сиёсий ва диний экстремизмнинг бутун дунёда хуруж қилаётганлиги ва бошқалар.

8. Дунё океанидан фойдаланиш муоммоси – Ер юзасининг 71 % ини эгалловчи Дунё океани мамлакатлар ва халқларнинг алоқасида ҳар доим муҳим роль ўйнаб келган. Дунё океанидан фойдаланиш муоммосини ечишнинг асосий йўли – океан табиати ва табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, унинг бойликларига нисбатан тўғри, мажмуали ёндашувни танлашдан иборат бўлиб, бу ёндашув бутун жаҳон ҳамжамияти куч ва ҳаракатларини бирлаштиришдан иборатдир.

Бу муаммолар орасида Орол муаммоси энг катта, жуда ҳам хавфлидир. Оролнинг қуриб бораётганлиги кучайиб, миллий қулфатга айланмоқда. Орол ва Оролбўйидаги экологик аҳволнинг

кескинлашуви жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Орол танглиги энг йирик регионал экологик ҳалокатлардан бири бўлиб, денгиз ҳавзасида яшайдиган 35 млн.дан ортиқ киши, шу жумладан Ўзбекистон аҳолисининг катта қисми ҳам унинг таъсири остида яшамоқда. Яқин ўтмишда дунёдаги энг йирик кўллардан ҳисобланадиган Орол денгизи тезлик билан қуриб бормоқда. Орол денгизининг қуришига асосий сабаб Амударё ва Сирдарё сувларининг суғоришга ишлатилиши натижасида оқимининг кескин камайиб кетишидир.

Орол денгизини асл ҳолига қайтариш имкониятлари қолмади. Мавжуд шароитларда Орол денгизининг сатҳини сақлаб қолишнинг ҳам иложи йўқ. Оролнинг қуриган ўрнида қум ва тузларнинг шамол билан учирилишига қарши чора кўриш учун сунъий ўрмонлар бунёд қилиш катта аҳамиятга эга. 1981 йилдан бошлаб денгизнинг қуриган қисмида дарахт ва буталар оқ ва қора саксаул, кандим, черкез ва бошқа ўсимликлар ўстирилиши бошланди, яхши натижалар берди ва ҳозирда ҳар йили 25 минг гектар ўрмонлар ташкил қилинмоқда. Орол ва Оролбўйи муоммоларини ҳал қилишда Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. АҚШ, Япония, Германия, Франция ва бошқа ривожланган давлатлар, БМТ, Жаҳон Банки ва турли давлат ҳамда нодавлат халқаро ташкилотлари бу аср муаммосини ижобий ҳал қилишга ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
2. Турсунов Х., Раҳимова Т.У. Экология. – Тошкент, 2006.
3. Аҳмедова М. Фалсафа. – Тошкент, 2006.
4. Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент, 2004.
5. Интернет маълумотлари.

## КАРТОГРАФИЯ ВА ГЕОДЕЗИЯ

Эгамбердиев А., Авезов С.

### СУЩНОСТЬ, МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ, ПУТИ И ПРОБЛЕМЫ КОМПЛЕКСНОГО ОТРАСЛЕВОГО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО КАРТОГРАФИРОВАНИЯ

**Аннотация:** в статье излагается ряд теоретических вопросы комплексного отраслевого сельскохозяйственного картографирования, основные пути его осуществления, современные и перспективные проблемы.

**Ключевые слова:** комплексное отраслевое сельскохозяйственное картографирование, сельскохозяйственный атлас, серия сельскохозяйственных карт, сельскохозяйственная карта.

**Эгамбердиев А., Аvezов С.**

### **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КОМПЛЕКС СОҲАВИЙ ХАРИТАГА ОЛИШНИНГ МОҲИЯТИ, НАЗАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ, ЙЎЛЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ**

**Аннотация:** мақолада қишлоқ хўжалигини комплекс соҳавий харитага олишнинг қатор назарий масалалари, уни амалга оширишни асосий йўллари, ҳозирги пайтдаги ва истикболдаги муаммолари баён этилади.

**Калит сўзлар ва иборалар:** қишлоқ хўжалигини комплекс соҳавий харитага олиш, қишлоқ хўжалиги атласи, қишлоқ хўжалиги хариталари тизими, умумқишлоқ хўжалик харитаси.

**Egamberdiyev A., Avezov S.**

### **ESSENCE, METHODOLOGICAL PRINCIPLES, WAYS AND PROBLEMS OF COMPLEX AGRICULTURAL INDUSTRY MAPPING**

**Abstract:** in this article outlined a number of theoretical issues of complex agricultural industrial mapping, the main way of its implementation, current and future problems.

**Key words:** integrated agricultural industry mapping, agricultural atlas, series of agricultural maps, Common agricultural map, Map layout, Atlas, Legend, analytical maps, synthetic map, thematic maps.

Исследования по теме «Научные основы и программа комплексного отраслевого сельскохозяйственного картографирования Республики Узбекистан» потребовали определения и уточнения ряда теоретических положений и прежде всего раскрытия сущности самого понятия комплексное отраслевое сельскохозяйственное картографирование, уточнения путей его осуществления и целевого назначения каждого из них, а также установления его основных проблем.

В настоящей статье предпринята попытка осветить указанные вопросы, исходя из собственных многолетних исследований, анализа посвященных этой проблеме работ И.Ю.Левицкого [3], А.П.Золовского [1], Т.И. Козаченко [2] и др., а также определений комплексного географического картографирования данных К.А.Салищевым [4].

Следует подчеркнуть, что отраслевое сельскохозяйственное картографирование мы рассматриваем как неотъемлемую составную часть комплексного географического картографирования – метода многостороннего целостного отображения действительности картографическими средствами [1].

Комплексность отраслевого сельскохозяйственного картографирования определяется полными и всесторонним отображением отдельные отраслей сельскохозяйственного производства и условий его ведения и развития. Это требование вызывает необходимость: а) картографировать территории всех

хозяйственно-административных единиц и б) создать единую систему типовых сельскохозяйственных карт и атласов.

Исходя из этого, комплексное отраслевое сельскохозяйственное картографирование рассматривается как метод, позволяющей отобразить отдельные отрасли сельскохозяйственного производства, природные условия и ресурсы, экономические и социальные факторы его разрешения и развития в разрезе производственно-территориальных комплексов различного уровня, осуществляемое путем создания системы типовых картографических произведений – комплексной стенной или настольной сельскохозяйственной карты, охватывающей все аспекты отрасли серии стенных или настольных взаимоувязанных отраслевых сельскохозяйственных карт, отраслевого сельскохозяйственного атласа, включения тематического подраздела отраслевых сельскохозяйственных карт в комплексные географические и тематические атласы, включения системы отраслевых карт сельского хозяйства в комплексные и тематические энциклопедии.

Методологические основы комплексной и тематической картографии модифицированные применительно к сельскохозяйственной картографии и в частности, к комплексному отраслевому сельскохозяйственному картографированию выражаются в целом и отдельных его отраслей, взаимополноты и согласованности



содержания карт, отображение связей и зависимостей между сельскохозяйственным производством и природной радой, с седной стороны, общественным производством и главной производительной силой – населением, занятым в сфере материального производства – с другой стороны, в их развитии, отображение основных закономерностей, территориальной организации сельскохозяйственного производства и то. Эти методологические принципы допускают использование для разработки и составления карт и атласов наиболее достоверной и устойчивой информации, выбор способов отображения, обеспечивающие наглядность и читаемость картографических произведений.

#### **Пути комплексного отраслевого сельскохозяйственного картографирования**

Из изложенного выше видно, что комплексного отраслевого сельскохозяйственного картографирования может осуществляться следующими путями:

- 1) созданием комплексной стенной или настольной сельскохозяйственной карты, охватывающей все аспекты отрасли
- 2) изготовлением серии ценных или настольных взаимосвязанных отраслевых сельскохозяйственных карт
- 3) созданием отраслевого сельскохозяйственного атласа
- 4) включением тематического подраздела отраслевых сельскохозяйственных карт в комплексные географические и тематические атласы
- 5) включением системы отраслевых карт сельского хозяйства в комплексные и тематические энциклопедии.

Единая система комплексного отраслевого сельскохозяйственного картографирования должна охватить все сельскохозяйственные предприятия и административные единицы и осуществляться соответственно уровням управления и планирования сельского хозяйства. Задача каждого из них дать всестороннюю характеристику этой отрасли сельского хозяйства.

Потенциально возможный объем содержания и степень его детализации в

названных картографических произведениях того или иного типа предопределяет их назначения для использования в различных целях. Так, отраслевые сельскохозяйственные атласы, серии отраслевых сельскохозяйственных карт и научно-справочные комплексные географические атласы предназначаются для использования лицами, которые непосредственно причастны к исследованию, прогнозированию, управлению и планированию сельскохозяйственного производства.

Для исследований и планирования наиболее целесообразно использовать отраслевой сельскохозяйственный атлас, так как он содержит исчерпывающую справочную информацию, открывает возможность обобщающего обзора и пр.

Серию карт удобнее и предпочтительнее применять для оперативных целей, так как она может быть быстрее разработана и издана, ее сравнительно просто обновить.

Комплексная отраслевая сельскохозяйственных карты и отраслевые сельскохозяйственные карты, включаемые в комплексные географические и тематические атласы, а также комплексные и тематические энциклопедии, предназначены для широкого круга читателей, в большинстве своем не имеющих прямого отношения к планированию и руководству сельским хозяйством.

Такое определение назначения каждого из путей комплексного отраслевого картографирования сельского хозяйства дает возможность четко обосновать содержание и методику создания каждого из названных картографических произведений.

Выбор пути комплексного отраслевого картографирования какой-либо хозяйственно-административной единицы обуславливается рядом факторов и прежде всего рангом управления и планирования, размерами картографируемой территории и т.д.

Для хозяйств (фермерских, дехканских, сельскохозяйственных предприятий) рекомендуется составлять сельскохозяйственный атлас серию

комплексных отраслевых сельскохозяйственных карт.

При комплексном отраслевом сельскохозяйственном картографировании административного района приемлемы такие пути:

1) составление отраслевого сельскохозяйственного атласа

2) изготовление серии отраслевых комплексных сельскохозяйственных карт

3) создание комплексной отраслевой сельскохозяйственной карты.

Для административных областей и республики в целом должны быть использованы все пути комплексного отраслевого сельскохозяйственного картографирования.

### **Проблемы комплексного отраслевого сельскохозяйственного картографирования**

Успешное выполнение задач, стоящих перед комплексным отраслевым сельскохозяйственным картографированием зависит, во многом, от решения ряда проблем, касающихся содержания и технологии составления отраслевых сельскохозяйственных карт и атласов, так и улучшения их использования прежде всего работниками плановых и сельскохозяйственных органов.

Проблемы комплексного отраслевого сельскохозяйственного картографирования, являющиеся во многом общими для всякого тематического картографирования и картографии в целом, нам представляется возможным сформулировать следующим образом:

1) развитие теории комплексного тематического картографирования на базе разработки принципов системного отраслевого сельскохозяйственного картографирования

2) углубление содержания и расширения тематики карт сельскохозяйственного раздела в комплексных и тематических атласах путем включения специального подраздела отраслевых карт.

В первую очередь должны отображаться специфические особенности развития ведущих отраслей регионального сельскохозяйственного производства, а также взаимосвязи со всеми другими

отраслями народного хозяйства, позволяющие в конечном итоге выявить роль и место отдельных ведущих отраслей сельского хозяйства в формировании территориальных аграрно-промышленных комплексов.

3) повышение целевой ориентации в содержании и назначении создаваемых картографических произведений и согласование картографических произведений различного содержания и назначения. Здесь имеется в виду согласованность и взаимодополняемость отраслевых карт в республиканских атласах и атласах отдельных областей, атласах тематическая и отраслевых, атласах административных районов и т.д. В этом случае устраняется дублирование отдельных карт и тем самым повышается эффективность использования атласов.

4. Разработка единой методики системного отраслевого картографирования сельского хозяйства с учетом запольных особенностей регионов страны и создание на этой основе системы проблемно-региональных карт и атласов для разных уровней управления и планирования народным хозяйством.

5. Определение перечня необходимых показателей картографирования для каждого вида создаваемых картографических произведений, унификация и стандартизация способов их картографического изображения а также средств оформления карт и атласов.

6. Широкое внедрение в картографическое производство автоматизации основных процессов составления, издания и обновления отраслевых сельскохозяйственных карт и атласов, освоение методов малотиражной многокрасочной печати полностью переход на работу с современными техниками технологиями создания карт и атласов с целью сокращения сроков составления, издания, а также обновления содержания после выхода их в свет.

7. Разработка методов составления и обновления содержания отраслевых сельскохозяйственных карт и атласов с использованием материалов химических снимков.

Разработка эффективных методов внедрение в практику управления и использования отраслевых сельско- планирования сельскохозяйственного хозяйственных карт и атласов и их широкое производства.

#### Список литературы:

1. Золовский А.П., Козаченко Т.И. Картографирование продовольственных комплексов. – Киев: Наук. Думка, 1987. -132 с.
2. Козаченко Т.И. Картографическое обеспечение исследования агропромышленных комплексов. – Киев: Наук. Думка, 1984. -172 с.
3. Левицкий И.Ю. Научные основы комплексного сельскохозяйственного картографирования. - М.: Недра, 1975. - 204 с.
4. Салищев К.А. Картоведение: Учебник. – 3-е изд. – М.: МГУ, 1980. – 400 с.
5. Эгамбердиев А. Атласное картографирование хлопководства (на примере Республики Узбекистан). Автореф. дис. канд. геогр. наук. – Киев, 1983. - 20 с.

### Хожиматов А.Н., Алимкулов Н.Р., Холмуродов Ш.А. ЭКОЛОГИК ХАРИТАЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация:** мақолада экологик хариталарнинг мазмуни бўйича уларнинг турлари, экологик хариталар тузишнинг методологик асослари ёритилган.

**Калит сўзлар:** экология, экологик харита, табиатдан фойдаланиш, геоэкологик харита, рекультивация, сурилма, эрозия, дефляция.

### Хожиматов А.Н., Алимкулов Н.Р., Холмуродов Ш.А. ЗНАЧЕНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО КАРТОГРАФИРОВАНИЯ

**Аннотация:** в статье освещены виды экологических карт по содержанию и методологическое основы составления экологических карт.

**Ключевые слова:** экология, экологическая карта, природопользование, геоэкологическая карта, рекультивация, оползень, эрозия, дефляция.

### Hojimatov A.N., Alimkulov N.R., Holmurodov Sh.A. SIGNIFICANCE OF ECOLOGICAL MAPPING

**Abstract:** the article highlights the kinds of environmental maps on the content and methodological framework for the compilation of environmental maps.

**Keywords:** ecology, environmental map, nature, geo-ecological maps, restoration, landslide, erosion, deflation.

**Кириш.** Атроф мухит ҳолатини умумэкологик, аниқ мақсадга йўнал харитада тасвирлаш илмий ва амалий тирилган ва амалий хариталарга жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик ажратилади.

Экологик хариталаштириш деганда фақат биргина «Экологик харита»ни тузишни кенг қамровли, у кўпгина экологик назарда тутмаслик керак. «Экология» ҳодисалар ва жараёнларни мажмуали тушунчасига кўра тирик организмларнинг умумлашган тарзда тасвирлайди. Бу бир-бирлари ва атроф мухит билан бўлган гуруҳдаги хариталар синтезлашган тоифага ўзаро муносабатларини ўрганиш деб мансублиги туфайли картографик мазмуни қаралса, у ҳолда бу йўналишда бир неча анча мураккаб тузилмага ва бой бир-бирлари билан боғлиқ бўлган мавзули маълумотларга эгаллиги билан ажралиб хариталар яратиш мумкинлиги равшан туради. «Табиатдан фойдаланиш», бўлади. Табиат муҳофазаси, табиатдан «Экологик харита», «Геоэкологик харита» фойдаланиш, экологик вазиятлар, инсон ва бошқа шу тоифадаги хариталарни билан табиат ўртасидаги муносабатларнинг умумэкологик хариталар деб аташ мумкин. географик ва экологик жиҳатлари қамраб *Аниқ мақсадга йўналтирилган* олганлиги туфайли бу борада кўплаб турли *экологик хариталар* махсус картографик мавзули аналитик ва синтетик хариталар мазмунга эга бўлиб, бирор экологик ёки тузиш тақозо этилади. табиат муҳофазасига оид ҳодисаларни тасвирлашга қаратилган бўлади. Бу

**Асосий қисм.** Экологик хариталарнинг мазмуни, вазифаси (бирор жиҳатдан қараганда ушбу тоифадаги мақсадга йўналтирилганлиги), ундан хариталар мазмуни маълум мақсадга фойдаланиш турига кўра уч турга: йўналтирилганлиги туфайли табиат

компонентлари ёки ресурсларидан фойдаланиш жараёнида вужудга келган экологик вазиятни тавсифлайди. Бу борада, масалан, сув ресурсларидан фойдаланиш борасида ҳудудда таркиб топган экологик аҳвол ва у билан боғлиқ бошқа жараён ва ҳодисалар умумлашган ҳолда харитада акс эттирилади. Албатта, асосий харитада сув ресурсларидан фойдаланиш ва унинг экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, айрим харита-кесмаларда асосий хаританинг мазмунини тўлдириш мақсадида баъзи ҳодисалар тасвирланади. Бу гуруҳдаги экологик хариталар маълум табиат ресурсларидан фойдаланиш натижасида таркиб топган аҳвол (вазият)ни тасвирлашга қаратилганлиги туфайли мутахассислар учун у интеграл баҳолашга хизмат қилади.

*Амалий экологик хариталар* мазмунан тегишли экологик вазиятларни яхшилашга хизмат қилади. Картографик жиҳатдан ва ўз олдига қўйган аниқ мақсадига кўра бу тоифадаги хариталар синтетик ва аналитик гуруҳларга бўлинади. Синтетик экологик хариталар мазмунан анча бой, уларда ҳисоб-китоб натижалари, олинган кўрсаткичлар, мезонлар, меъёрий маълумотлар, кузатиш асосида эришилган жамлама маълумотлар, тажрибавий ва дала ахборотлари махсус картографик шартли белгилар асосида тасвирланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу гуруҳдаги хариталар кўпроқ қайта ишланган, яъни таҳлил қилинган микдорий ва сифат кўрсаткичларни тасвирлайди, бу жиҳатдан улар аналитик хариталардан кескин фарқ қилади.

**Экологик хариталарни тузишнинг методологик асослари.** Табиат мураккаб геотизимлардан иборат, бинобарин, уларни ўрганишнинг тизимли ёндашув асосида амалга ошириш самарали эканлиги фанда асосланган. Ҳозирда тизимли ёндашув умумилмий тамойилга айланди. Тизимли ёндашув ўрганилаётган ҳудудни тизим сифатида қарайди, уни ўрганиш эса услубиёт асосида амалга оширилади. А.Г.Исаченко (1991) нинг таъкидлашича, тизимли тамойилни картографияда қўлланилишининг энг қулай йўли тузиладиган бир туркум мавзули хариталар асосида геотизимларнинг ифодаланиши энг

қулай ва самарали усул бўлиб хизмат қилади. Асосий тадқиқот усуллари сифатида ландшафт, аэрокосмик, ландшафт индикацияси, картографик, микдорий, солиштириш ва бошқалар қўлланилади. Экологик хариталар асосини ландшафтлар ташкил қилади.

Амалий экологик хариталаштириш ҳудудларда табиат муҳофазаси, вужудга келган қалтис вазиятларни юмшатиш, аҳоли учун қулай ва жуда қулай табиий муҳит яратиш, фалокат келтирувчи табиат ҳодисаларининг олдини олиш, табиий муҳитни оптималлаштириш ва лойиҳа ишларини амалга оширишда негиз вазифасини ўтайди. Амалий хариталар гуруҳида баҳолаш, прогноз, чора-тадбирлар мажмуаси, инвентарлаш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича районлаштириш, экологик районлаштириш ва бошқа турдаги мавзули хариталар тузилади. Хариталар амалий турдаги устуворликка эга бўлганликлари учун уларни тайёрлашда меъёрий таҳлил натижасида аниқланган кўрсаткичлар, кузатиш, дала тажрибавий ишлар(эксперимент) натижаларидан кенг фойдаланилади.

Ўзбекистонда биринчилардан ландшафт-экологик хариталарини яратишда география фанлари доктори, профессор А.А.Рафиқовнинг хизматлари каттадир. Кейинги пайтларда республикамизнинг кўплаб олимлари томонидан ҳам мамлакатимиз турли минтақаларининг ландшафт-экологик хариталарини яратиш бўйича самарали тадқиқотлар амалга оширилганлигини қайд этиш лозим (А.Абдулқосимов ва бошқалар (2004), С.Б.Аббосов (2007), Н.Р.Алимқулов (2008) ва бошқалар). Ушбу хариталардаги бўш жойлардан тўғри фойдаланиш, яъни бу жойларда кесма-хариталар, жадвал, чизма, матнлар берилиши мақсадга мувофиқ. Улар асосий харита мазмунини, яъни атмосфера ҳавоси, сув ва тупроқларнинг ифлосланиши, тупроқда қолдиқ пестицидларнинг микдорига оид маълумотлар билан бойитади. Саноат шаҳарларида чанг ва газларнинг махсус мосламалар билан ушланиб қолаётган қисмлари, ҳавога чиқарилаётган қисми турли шартли белгилар билан ифодаланиши

яхши самара беради. Қўриқхоналар, миллий боғлар, буюртмалар алоҳида харита-кесмада берилиши, янгидан вужудга келтирилиши лозим бўлган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ареаллар билан берилиши мутахассислар учун яқиндан ёрдам беради.

Ландшафт кесмаларида, шунингдек номлари «Қизил китоб»га киритилган ўсимлик ва ҳайвонларни махсус белги билан кўрсатиш жоиз, бунда айлана ёки кўп қиррали катак орасига рақам ёки ҳайвоннинг расмини кўрсатиш йўли билан ифодаланиши мумкин. Бу борада «Ўзбекистон Республикасининг экологик харитаси» (1991) да берилган шартли белгилар анча ҳаққоний чиққан. Шартли белгиларни жойлаштиришда албатта, тасвирланаётган ўсимлик ёки ҳайвонларнинг айна шу кесимда ҳозирда тарқалганлигини ҳисобга олиш зарур. Тоғли ва тоғ олди текисликларида ушбу шартли белгиларни жойлаштиришда сийрақликка амал қилиш зарур бўлади, республикада тоғ ландшафт кесимлари кичикроқ бўлганлиги учун бошқа белгилар билан мураккаблашиб кетади, натижада харитани ўқиш оғирлашади.

Саноат шаҳарларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирадиган тоифалари ҳавони ифлосланиш даражаси бўйича берилиши ва шаҳар белгисини ушбу даражага мўлжаллаб (қизил рангда) кўрсатиш маъқул. Дарё, кўл, сув омбори, канал, коллекторларнинг минераллашув даражаси маълум нуқта (створ)да картограмма усули билан бир неча йиллар учун берилади. Шунингдек, уларнинг четлари ҳошия (ранг) усули билан маълум нуқталар оралиғида кўрсатилади. Бу билан дарёларда манбадан мансабга томон минераллашув даражасининг ортиб бориши яхши ифодаланади. Масалан, Амударёда

Термиз–Туркманобод-Туямўйин-Нукус-Қизилжар-Орол денгизи бўйича берилади.

Орол денгизининг ҳозирги ҳолати, қуриш жараёнлари, сув ва туз мувозанати, табиий жараёнлар, денгизнинг 1961 йилдан бошлаб ўзгариш динамикаси, истиқболда кутилаётган ўзгаршларни хариталар асосида кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга.

**Хулоса** ўрнида геоэкологик тадқиқотлар натижаларини харита асосида кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Геоэкологик харита ёрдамида ландшафт тўри берилади, чунки у ҳар бир ҳудуд бўйича маълум ахборотни беради, шунингдек ландшафт чегаралари асосий табиий чегаралар ҳисобланади, улар орқали бошқа кўрсаткичларнинг ҳам бир-бирларидан фарқи аниқланади. Ранглар жилоси экологик вазиятлар даражаларини билдиради, шунинг учун ҳам рангларни танлашда вазият даражасига аҳамият бериш лозим (масалан, қулай вазият ҳаво ранг, фалокатли вазият қизил ранг бўлиши мумкин). Ранглар чегаралари ландшафт чегаралари бўйича ўтказилади.

Ҳар бир вазият даражаси ландшафтларнинг инсон хўжалик фаолияти натижасида ўзгарганлик синфини акс эттиради, бунинг учун рим рақами билан ўзгарганлик даражаси кўрсатилади, масалан 15-В, бунда араб рақами ландшафтнинг тартиб, рим рақами эса ўзгарувчанлик даражаасини ифодалайди (В-қайта ўзгартирилган даража). Шунингдек, ҳар бир кесимда ривожланаётган табиий ва антропоген жараёнлар намуналар асосида берилиши маъқул: сел, қор кўчкиси, сурилмалар ҳудудий характерга эга бўлганликларини эътиборга олиб махсус чизиклар, ареаллар, нуқталар билан кўрсатилиши мумкин.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Аббосов С.Б. Қизилкум ландшафтлари ва уларнинг геоэкологик жиҳатлари. Г.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2007.
2. . Алимқулов Н.Р. Жиззах вилоятининг ландшафт–экологик шароитини баҳолаш. Г.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2008.
3. Дўсанова Ш., Юсупов У. Қуйи Амударё ҳудудида табиий ландшафтларни экологик хариталаштириш муаммолари // Табиий ва иқтисодий раёнлаштиришнинг долзарб муаммолари. – Тошкент: Университет, 2004. – 273-274 б.
4. Исаченко А.Г. Ландшафтоведение и физико-географическое районирование. - М.: Высшая школа, 1991.
5. Рафиқов А.А. Геоэкология асослари (маърузалар матни). – Тошкент: Университет, 2000.

**Ярашев Қ.С., Мелиев Б.А.**  
**MAPINFO ДАСТУРИ ЁРДАМИДА ШЕРОБОД ЁЙИЛМАСИ ПАРАГЕНЕТИК**  
**ГЕОКОМПЛЕКСЛАРИНИ КАРТАГА ОЛИШ**

**Аннотация:** табиий географик тадқиқотларнинг якуни карталаштириш билан тугалланади. Шунинг учун карталаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Мақолада MapInfo дастури ёрдамида Шеробод тоғ-водий ёйилма парагенетик ландшафт комплексини замонавий технологиялар ёрдамида, жумладан MapInfo дастури ёрдамида картасини тузиш масаласи ёритилган.

**Калит сўзлар:** геокомплекс, MapInfo, таксономик бирлик, парагенетик ландшафт комплекси, тоғоралиғи ботиғи, карта.

**Ярашев Қ.С., Мелиев Б.А.**  
**КАРТОГРАФИРОВАНИЕ ПАРАГЕНЕТИЧЕСКИХ ГЕОКОМПЛЕКСОВ**  
**ШЕРАБАДСКОГО ВЫНОСА С ПОМОЩЬЮ ПРОГРАММЫ MAPINFO**

**Аннотация:** исследования по физической географии завершаются картографированием. Поэтому необходимо уделять особое внимание картографированию. В статье освещаются вопросы составления карты парагенетического ландшафтного комплекса Шерабадского горно-долинного выноса с помощью современных технологий, в частности, программы MapInfo.

**Ключевые слова:** геокомплекс, MapInfo, таксономическая единица, парагенетический ландшафтный комплекс, межгорная котловина, карта.

**Yarashev K.S., Meliyev B.A.**  
**MAPPING PARAGENETIC GEOKOMPLEKES OF SHERABAD CARRYING OUT WITH THE HELP**  
**OF MAPINFO PROGRAMME**

**Abstract:** research on physical geography is completed by mapping. That is why it is necessary to pay a special attention to mapping. The questions of drawing up the maps of paragenetic landscape complex of Sherabad mountainous valley carrying out with the help of modern technologies, in particular, MapInfo programmes.

**Key words:** geokomplex, MapInfo, taxonomic unit, paragenetic landscape complex, mountainous gully.

**Кириш.** Табиий географик тадқиқотларнинг якуни карталаштириш билан тугалланади. Шунинг учун ҳам ландшафтшуносликда карталаштириш долзарб аҳамиятга эга. Шу билан бир қаторда карталаштиришда фан ва техниканинг илғор ютуқлари ва замонавий технологияларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Ландшафт комплексларини карталаштириш тарихи ландшафт тўғрисидаги таълимотнинг вужудга келиши ва илмий ландшафтшуносликнинг ривожланиш тарихи билан узвий боғлиқ.

**Асосий қисм.** Ландшафтларни карталаштириш масалалари билан дастлаб Л.С.Берг, кейинчалик Б.Б.Полинов, И.М.Крашенинников, О.Н.Казакова, А.Г.Исаченко, К.И.Геренчук, К.Г.Раман, Ф.Н.Мильков, Г.П.Миллер, М.А.Мусеилов, Н.Л.Беручашвили, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон худудларини ландшафт карталаштириш масаласи билан А.Д.Гожев, С.Б.Байгуттиев, Н.А.Гвоздецкий, И.П.Чалая, В.М.Чупахин, В.М.Четиркин, Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, Н.А.Гвоздецкий, Т.В.Звонкова, А.А.Абдулқосимов, М.Қўзибоев, А.Саидов, М.У.Умаров, Ю.Султонов, Ш.Э.Эргашов, А.К.Ўразбоев ва бошқалар шуғулланган. Юқоридаги муаллифларнинг ландшафт карталаштириш тажрибаларидан фойда-

ланиб, Шеробод конус ёйилмасининг турли таксономик бирликдаги парагенетик комплексларни ажратилди ва уларнинг картасини тузилди.

Картани тузишда ва геокомплексларни тасвирлашда турли хил картографик методлардан, жумладан, парагенетик комплексларнинг рангли фон билан ва штрихлар ёрдамида тасвирлаш методларидан ҳам фойдаланилди. Парагенетик комплексларни ажратишда ва карталаштиришда А.А.Абдулқосимов (1993, 2004) томонидан ишлаб чиқилган таксономик бирликлар системасига асосланиб, Сурхондарё ботиғини куйидаги микропарагенетик комплексларга ажратилади: Қоратоғ водий-ёйилма, Тўпаланг водий-ёйилма, Сангардак водий-ёйилма, Хўжаипок водий-ёйилма, Шеробод водий-ёйилма, Аму-Сурхондарё водий, Каттақум-Улоқкирилди кум массивлари, Шеробод-Сарикқамиш ва Келиф-Шеробод адир ҳамда адиролди пролювиал текислик чўл, Жанубий Сурхон, Учқизил, Дегрез сув омборлари ва бошқа микропарагенетик ландшафт комплекслардир.

Шерободдарё тоғ-водий-ёйилма микропарагенетик ландшафт комплексининг куйи конуссимон ёйилма қисми Сурхондарё ботиғининг жануби-ғарбий

қисмини эгаллаб олган ва тўртламчи даврнинг аллювиал-пролювиал ётқизикларидан таркиб топган. Конуссимон ёйилманинг юқори қисми денгиз сатҳидан 430-460 м баландликда жойлашган бўлиб, рельефи қия текисликлардан иборат. Унинг литоген асосини қалинлиги 300 м гача етадиган ҳарсанг тош ва шағал ётқизиклар ташкил этади. Ётқизиклар юзаси 3 м қалинликдаги лёссимон жинслар ва созтупроқлар билан қопланган. Ёйилманинг ўрта қисмини дарё тармоқлари ва жарликлар билан кесилган тўлқинсимон қия текислик рельеф шакли эгаллаб олган. Унинг юза қатлами 25-30 м қалинликдаги созтупроқ ва гилли қумоқ жинслардан таркиб топган.

Шеробод конуссимон ёйилмасининг марказий қисмида Қулмайғир пастқамлиги жойлашган. Унинг пастроқ ўрталик қисмида шўрхок ландшафт комплекслари, теварак-атрофида эса ўтлоқ-тақир тупроқли ландшафт комплекслари шаклланган. Уларнинг майдони 47 минг гектарни ташкил этади. Шундан 17 минг гектари ўтлоқ-тақир парагенетик комплексига, 30 минг гектари эса шўрхок ландшафтлар парагенетик комплексига тўғри келади. Қулмайғир субтропик чўл массивида кучли минераллашган грунт сувлари ер юзасига жуда яқин жойлашган бўлиб, уларнинг чуқурлиги 0,5-1 м дан 2-3 м гача ўзгариб боради. Шу сабабдан бу ерда шўрхокларнинг бир неча турлари, яъни ботқоқ, ўтлоқ, қатқалоқ, пўрсилдоқ, қатқалоқли-пўрсилдоқ шўрхоклар, тақирсимон шўрхоклар яхши ривожланган. Бу Шеробод даштидаги ўзлаштириш қийин бўлган парагенетик ландшафт комплексларидир. Ёйилманинг қуйи чекка қисмлари қумли, қумоқ, созтупроқли ва гилли қатламлардан таркиб топган, баландлиги 320-350 м атрофида бўлган ясси қия текисликдан иборат.

Шеробод конуссимон ёйилма элементар парагенетик комплекси табиий динамик шўрланиш хусусиятига эга. Бунга сабаб Шерободдарё сувининг минераллашиш даражасини (2,6 г/л) анча юқори бўлишидир. Шу боисдан ёйилманинг асосини ташкил этувчи ётқизиклар таркибида тузлар кўп, грунт сувларининг


минераллашиш даражаси юқори, тупроқ қоплами кучли шўрланган, ҳатто шўрхоклар ҳам кенг тарқалган. Бу ҳудудда хлорид-сульфат-кальций-натрий таркибли сувлар кўпчиликни ташкил этади. Айниқса, зовур сувларининг минераллашиш даражаси ниҳоятда юқори. Э.И.Чемборисов ва Б.А.Бахритдиновларнинг (1983) берган маълумоти бўйича, бу кўрсаткич агроландшафтлар ҳудуди доирасида 6,2 г/л дан 42,9 г/л гача ўзгариб боради.

Ҳозирги кунда мазкур элементар парагенетик ландшафт комплексларининг тарихий шаклланган геохимёвий шароити туфайли унинг 31,5% тупроғи кучли шўрланган ва шўрхоклардан, 61,4% и кам ва ўртача шўрланган, 7,1% и шўрланган тупроқлардан иборат. Бу ёйилмадаги аксарият географик компонентларнинг табиий равишда динамик шўрланиб боришининг оқибатидир.


Шеробод конуссимон ёйилма элементар парагенетик комплексининг структуравий тузилишида катта майдонларни эгаллаб ётган ва ихота дарахтзорлари билан ўралган агроландшафтлар, шаҳар ва қишлоқ селитеб ландшафтлари, техноген ирригацион иншоотлар, чуқурлиги 5-10 м гача ва узунлиги 4-6 км гача бўлган жарликлар системаси, тошлоқ ўзан ва аллювиал қайир ландшафтлар, ботиксимон пастқамликлардаги шўрхок-ўтлоқ-тақир ва бошқа геокомплекслардан иборат парагенетик урочишалар етакчи рол ўйнайди.

Конуссимон ёйилма элементар парагенетик комплексининг картасини тузишда MapInfo дастуридан фойдаландик. MapInfo дастури ёрдамида яратилган карталарда сифатли фон усулидан фойдаланган (ранг ва штрихлардан) ҳолда парагенетик ландшафт комплексларини ифодаладик.


Mapinfo дастури ёрдамида карта яратиш учун дастлаб растрли тасвирни векторли ҳолатга ўтказамиз. Бунинг учун дастлаб, агар карта қоғозда бўлса, сканерланиб MapInfo дастури ўқий оладиган форматда сақланади ва дастур ишга туширилганда қуйидаги тасвир танланади. Юқоридаги амаллар тўғри бажарилгандан кейин мониторда қуйидаги тасвирлар пайдо бўлади (1-3 расм).



1-расм. Тасвирлар а) растрли, б) векторли тасвир қатлами



2-расм. Қатламлар яратишдан намуна



3-расм. MapInfo дастурида нашрга тайёрланган карта намунаси

**Хулоса:** Бугунги кунда карталарни яратишнинг “қоғозли” технологияси ўрнига компьютерли технологияси жадал суръатларда ривожланмоқда. Компьютер ёрдамида карталар тузишнинг афзалликлари, биринчидан, карталарни яратишнинг тезкорлиги, иккинчидан, уларни қайта ишлашнинг қулайлиги, учинчидан, тез янгилаш имкониятининг кенглиги ва арзонга тушиши кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ландшафт карталарини яратишда, юқорида айтиб ўтилган қулайликлардан ташқари, уларнинг чегараларини аниқ кўриниши, ранг ва махсус белгилардан фойдаланиш имкониятининг кенглигини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу мақолада, мисол тариқисида, Шеробод ёйилмаси ва унга туташ ҳудудларнинг парагенетик ландшафт комплекслари картаси келтирилди. Карта намунавий характерда берилганлиги сабабли унинг



легендасини мазкур мақолада беришни лозим топмадик.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Абдулқосимов А.А., Ярашев Қ.С. Парагенетик ландшафт комплекслар ва таксономик бирликлар системаси // Фан-техника тараққиёти ва география. – Самарқанд, 2007. - Б. 39-41.
2. Мильков Ф.Н. Ландшафтная география и вопросы практики. – М.: Мысль, 1966. - 266 с.
3. Уразбоев А.К. Значение карты пластики рельефа в системно-пространственном отображении и анализе структур ландшафтов Сурхандарьинского бассейна // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 28-жилд. – Тошкент, 2007. - Б. 32-37.
4. Эргашов Ш.Э., Умаров С.У. О крупномасштабном ландшафтном картографировании (на примере Сурхандарьинской области) // Природные ресурсы Узбекистана и их картографирование. – Ташкент, 1976.

## ГИДРОЛОГИЯ

**Хикматов Ф.Х., Эрлапасов Н.Б., Шодиев А.М.**

### ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ОҚИМИНИНГ ЙИЛ ДАВОМИДА ТАҚСИМЛАНИШИ

**Аннотация:** мақолада Зарафшон дарёси оқимининг йил давомида ойлар ва фасллар бўйича тақсимланиши масалалари кўриб чиқилган. Ҳисоблашларда ўрганилаётган дарёда экстремал сувли йилларда қайд этилган сув сарфларидан фойдаланилган.

**Калит сўзлар:** дарё, трансчегаравий дарё, дарё оқими, сув сарфи, оқим ҳажми, оқимнинг йил давомида тақсимланиши, фасллар бўйича тақсимланиши.

**Хикматов Ф.Х., Эрлапасов Н.Б., Шодиев А.М.**

### ВНУТРИГОДОВОЕ РАСПРЕДЕЛЕНИЕ СТОКА РЕКИ ЗАРАФШАН

**Аннотация:** в работе рассмотрены вопросы внутригодового распределения стока реки Зарафшан в месячном и сезонном разрезах. В расчетах использованы расходы воды изучаемой реки за экстремальные по водности годы.

**Ключевые слова:** река, трансграничная река, речной сток, расход воды, объем стока, внутригодовое распределение стока, сезонное распределение.

**Xikmatov F.X., Erlapasov N.B., shodiev A.M.**

### SEASONAL DISTRIBUTION OF FLOW OF ZARAFSHAN RIVER

**Abstract:** the paper deals with the intra-flow distribution in the Zarafshan River monthly and seasonal sections. The calculations used in the study of the river water flow for extreme water content years.

**Keywords:** river, transboundary river, river flow, water flow, volume flow, intra-annual flow distribution, seasonal distribution.

**Кириш.** Мамлакатимиздаги мавжуд экин майдонларини суғоришда ишлатиладиган сувнинг асосий қисми кўшни давлатлар – Қирғизистон ва Тожикистон республикалари ҳудудидан бошланувчи трансчегаравий дарёлар ҳисобига тўғри келади [3]. Бу ҳолат нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки региондаги бошқа барча кўшни давлатларда, яъни асосий сув истеъмолчиларидан бўлган Туркменистон ва Қозоғистонда ҳам сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг мавжуд тизимини, ҳозирги кун талабларига мос равишда, қайта ташкил этишни тақозо этади.

Трансчегаравий дарёлар каторидаги Зарафшон дарёси оқимидан Тожикистон Республикасида ва Ўзбекистоннинг Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қашқадарё ҳамда Жиззах вилоятларида асосан ерларни суғоришда ва қисман бошқа мақсадларда

фойдаланилади [5]. Шу ҳолатни ҳисобга оладиган бўлсак, Зарафшон дарёси оқимининг йил давомида тақсимланиши масалаларини унинг сувидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ўрганиш ўта долзарбдир.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Маълумки, дарёлар оқимининг йил давомида тақсимланишини ўн кунлик (декада), ойлик, фаслий ва мавсумий вақт ораликлари бўйича ўрганиш мумкин. Мазкур муддатлар бўйича оқимнинг миқдорий тақсимланиши дарёнинг тўйиниш манбаларига боғлиқ бўлиб, шу дарё сув режимининг хусусиятларини ўзида акс эттиради. Тегишли муддатлар (декада, ой, фасл) бўйича оқимнинг йил ичида тақсимланишини йиллик оқимнинг умумий миқдорига нисбатан ҳиссаларда ёки фоизларда ифодалаш мумкин.

Қуйида оқимнинг йил давомида ойлар

бўйича тақсимланишини Зарафшон дарёсида кузатилган экстремал, яъни кўп сувли, ўртача сувли ва кам сувли йиллар мисолида кўриб чиқамиз. Мақсадни амалга ошириш учун ҳисоблашларни, дастлаб, кўп сувли ҳисобланган 1973 йил учун бажардик. Шу мақсадда мазкур йилда Зарафшон дарёсида кузатилган ўртача ойлик сув сарфлари маълумотларидан фойдаландик. Ҳар бир ойдаги оқим ҳажми қуйидаги ифода билан ҳисобланди:

$$W_i = Q_i \cdot T_i,$$

бу ерда:  $W_i$  – ойлик оқим ҳажми,  $10^6 \text{ м}^3$ ;  $Q_i$  – ойлик ўртача сув сарфлари,  $\text{м}^3/\text{с}$ ;  $T_i$  – ойдаги секундлар сони;  $i$  – ойлар, яъни

1ч12 қийматларни қабул қилади.

Шундан сўнг ҳар бир ойдаги оқим ҳажмининг йиллик оқим ҳажмига нисбатан фоизларда ифодаланган қийматлари қуйидаги тенглик асосида аниқланди:

$$W_{i,\%} = \frac{W_i}{W_{\text{й}}} \cdot 100\%,$$

бу ерда:  $W_{i,\%}$  – ойлик оқим ҳажми, фоизда;  $W_{\text{й}}$  – йиллик оқим ҳажми,  $10^6 \text{ м}^3$ .

Юқоридаги ифодалар ёрдамида ҳисоблашлар ўртача сувли 1981 йил ҳамда кам сувли 1982 йиллар учун ҳам бажарилди (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

### Зарафшон дарёси оқимининг экстремал сувли йиллар давомида ойлар бўйича тақсимланиши

Йил	Катталиклар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
1973 й.	$Q, \text{м}^3/\text{сек}$	33,6	32,8	34,8	65,9	207	544	621	447	248	88,4	55,5	39,5	201
	$T, 10^6 \text{сек}$	2,68	2,42	2,68	2,59	2,68	2,59	2,68	2,68	2,59	2,68	2,59	2,68	31,54
	$W, 10^6 \text{м}^3$	90	79,4	93,3	170,7	554,8	1409	1664,3	1197,9	642,3	236,9	143,7	105,9	6388,2
	$W, \%$	1,4	1,2	1,5	2,7	8,7	22,1	26,1	18,7	10,1	3,7	2,2	1,6	100
1981 й.	$Q, \text{м}^3/\text{сек}$	36	32,6	34,5	56	218	278	524	295	162	81,5	61,2	48,3	152
	$W, 10^6 \text{м}^3$	96,5	78,9	92,5	145	584,2	720	1404,3	790,6	419,6	218,4	158,5	129,4	4837,9
	$W, \%$	1,2	1,6	1,9	3	12,1	14,9	29	16,3	8,7	4,5	3,3	2,7	100
1982 й.	$Q, \text{м}^3/\text{сек}$	43,6	38	34	51,7	148	223	256	294	125	71,4	58,5	49,7	116
	$W, 10^6 \text{м}^3$	116,8	92	91,1	133,9	396,6	577,6	686,1	787,9	323,7	191,4	151,5	133,2	3681,8
	$W, \%$	3,2	2,5	2,5	3,6	10,8	15,7	18,6	21,4	8,8	5,2	4,1	3,6	100

Изоҳ:  $Q$  – сув сарфи,  $T$  – вақт,  $W$  – оқим ҳажми

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари асосида Зарафшон дарёси оқимининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиш графиги чизилди (1.1-расм). Ушбу графикни таҳлил қилишни кўп сувли 1973 йилдан бошлаймиз. Графикда кўрсатилганидек, кўп сувли 1973 йилда ойлик оқим ҳажмининг энг катта қиймати (26,1%) июль ойига тўғри келди. Ойлик оқим ҳажмининг энг кичик қиймати эса 1,2 % га тенг бўлиб, февраль ойида қайд этилди. Умуман олганда, кўп сувли 1973 йилда июнь-август ойлари оқим ҳажмининг катталиги билан ажралиб туради. Ушбу ойларда Зарафшон дарёсида йиллик оқим ҳажмининг 66,9 фоизи оқиб ўтган. Шунингдек, 1973 йилда май ва сентябрь ойларида ҳам ойлик оқим ҳажми


нисбатан катта бўлиб, мос равишда, 8,7 % ва 10,1 % ни ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, мазкур кўп сувли йилда ойлик оқим миқдорларининг қийматлари июль ойигача бир маромда ортиб борган бўлса, ундан кейинги ойларда худди шу тарзда камайиб борган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 1 ноябрдаги “2013-2015 йилларда Қашқадарё вилоятининг туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 294-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан 2013-2015 йилларда Қашқадарёда туризм соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари, вилоятнинг туризм соҳасини ривожлантириш дастури, тарихий-маданий


обидаларни қайта тиклаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, янги меҳмонхона, ресторан ва бошқа туризм инфратузилмасини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ҳамда

дастурга киритилган барча тадбирлар ва лойиҳаларни молиялаштириш тасдиқланган.


Кўп сувли 1973 йил



Ўртача сувли 1981 йил



Кам сувли 1982 йил



**1.1-расм. Зарафшон дарёси оқимининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиши**

Юқоридагига ўхшаш натижалар, яъни Зарафшон дарёси оқимининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланишининг миқдорий кўрсаткичлари ўртача сувли 1981 йил учун ҳам олинди. Ушбу йилда ҳам Зарафшон дарёси оқимининг энг катта миқдори (29 %) июль ойида қайд этилди. Ойлик оқим ҳажмларининг йиллик оқим миқдорига нисбатан фоизларда аниқланган энг кичик қийматлари қиш ва эрта баҳорга тўғри келди.

Зарафшон дарёси оқимининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиши кам сувли 1982 йил учун ҳам таҳлил қилинди. Ушбу йилнинг олдинги кўп сувли 1973 йил ҳамда ўртача сувли 1981 йиллардан фарқи қуйидаги ҳолатларда акс этади: 1) кам сувли 1982 йилда ойлик оқим ҳажмининг энг катта қиймати (21,4 %) август ойида кузатилган; 2) шунингдек, ушбу йилда қиш

ва эрта баҳордаги оқим ҳажмлари бир-бирларига яқин бўлиб, 2,5-3,6 фоиз атрофида ўзгарган; 3) сентябрь ойидаги оқим миқдори шу йилда бошқа йиллардагига нисбатан кескин камайган (1.1-расм). Демак, Зарафшон дарёсида кам сувли йилда ойлик оқим миқдорларининг энг катта қиймати август ойига тўғри келди. Иккинчи тамондан, сентябрь ойида оқим миқдорининг кескин камайиши сув таъминотида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Ушбу ҳолатнинг сабабини дарё ҳавзасидаги доимий қорликлар ва музликларнинг август ойида жадал суръатларда эриши, қор захираларининг камайиши билан бир вақтда, сентябрь ойига келиб, ҳаво ҳароратининг бир мунча пасайиши билан изоҳлаш мумкин.

2.2-жадвал

**Зарафшон дарёси оқимининг йил фасллари бўйича тақсимланиши**

Йил	W	Йил фасллари				Йиллик
		Баҳор (III-V)	Ёз (VI-VIII)	Куз (IV-XI)	Қиш (XII-II)	
Кўп сувли 1973 йил	$10^6 \text{ м}^3$	818,8	4271,2	1022,9	275,3	6388,2
	%	12,8	66,9	16	4,3	100
Ўртача сувли 1981 йил	$10^6 \text{ м}^3$	821,7	2914,9	796,5	304,8	4837,9
	%	17,0	60,2	16,5	6,3	100
Кам сувли 1982 йил	$10^6 \text{ м}^3$	621,6	2051,6	666,6	342	3681,8
	%	16,9	55,7	18,1	9,3	100

Бундан ташқари дарёлар оқимининг аҳамиятга эга. Шу мақсадда Зарафшон йил давомида тақсимланишини йил фасллари дарёсида кузатилган экстремал сувли бўйича ўрганиш ҳам муҳим илмий ва амалий йиллардаги оқим миқдорларининг фасллар

бўйича тақсимланишини таҳлил қилдик (2.2-жадвал).

Дарё оқимининг йил фасллари бўйича тақсимланишини ҳисоблаш натижалари таҳлилига кўра, экстремал сувли йилларнинг барчасида Зарафшон дарёси оқимнинг асосий қисми ёз фаслларига тўғри келади. Кўп сувли 1973 йилда ёзги оқим ҳажми 66,9 % га тенг бўлган бўлса, ўртача сувли 1981 йилда эса унинг қиймати 60,2 % ни ташкил этган. Кам сувли 1982 йилда ёз фаслидаги оқим ҳажми бошқа йилларга нисбатан анча камайган ва 55,7 % га тенг бўлган. Бунинг сабабини шу йилда Зарафшон дарёсининг сув тўплаш майдонига ёққан атмосфера ёгинлари миқдорининг бошқа йилларга нисбатан камлиги билан изохлаш мумкин.

Бажарилган тадқиқотга **хулоса** сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Мақолада Зарафшон дарёси

оқимининг йил давомида ойлар ва йил фасллари бўйича тақсимланиши экстремал сувли йиллар учун баҳоланди;

2. Кўп сувли 1973 йил ҳамда ўртача сувли 1981 йилда дарё оқими ҳажмининг энг катта миқдори июль ойига тўғри келди. Мазкур ойдаги оқим миқдори, мос равишда, кўп сувли 1973 йилда йиллик оқим миқдорига нисбатан 26,1 фоизни, ўртача сувли 1981 йилда эса 29 фоизни ташкил этди;

3. Кам сувли 1982 йилда ойлик оқим ҳажмининг энг катта қиймати (21,4 %) август ойида кузатилган. Унинг сабабини, юқорида таъкидлаганимиздек, дарё хавзасидаги доимий қорликлар ва музликларнинг эриш жадаллиги билан, бир сўз билан айтганда, шу йилдаги гидрометеорологик шароитнинг ўзига хослиги билан изохлаш мумкин. Келгуси тадқиқотларда асосий эътибор айнан шу масалага қаратилиши лозим бўлади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Андреев В.Г. Внутригодовое распределение речного стока. - Л.: Гидрометеоздат, 1960. - 327 с.
2. Виноградов Ю.Б. Виноградова Т.А. Прикладная гидрология. - СПб.: СПбГЛТУ, 2014. - 196 с.
3. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. - Ташкент: Voris-nashriyot, 2007. - 132 с.
4. Шульц В.Л. Реки Средней Азии. - Л.: Гидрометеоздат, 1965. - 695 с.
5. Ҳикматов Ф.Х., Ҳайдаров С.А. Зарафшон дарёси оқимининг шаклланишига ҳаво ҳароратининг таъсири // ЎЗМУ хабарлари, №3. - Тошкент, 2012. - Б. 75-82.

### Ахмадалиев Ю.И.

#### СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШНИНГ ЭТНОЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ

**Аннотация:** мақолада сувдан оқилон фойдаланишнинг этноэкологик жиҳатлари ёритилган. Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё мисолида халқларнинг этноэкологик маданиятини эътиборга олмаслик оқибатида худудлар экологик ҳолатининг салбийлашуви кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** этноэкология, этноэкологик маданият, сув ресурслари, сувдан фойдаланиш, маданий ландшафт.

#### Ахмадалиев Ю.И.

#### ЭТНОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЦИОНАЛЬНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ

**Аннотация:** в статье освещены этноэкологические аспекты рационального водопользования. На примере исторического опыта водопользования Ближнего Востока и Средней Азии показано ухудшение экологического состояния территории в результате непризнания этноэкологической культуры народов.

**Ключевые слова:** этноэкология, этноэкологическая культура, водные ресурсы, водопользование, культурный ландшафт.

#### Ahmadaliyev Yu.I.

#### ETHNOECOLOGIC BASIS OF RATIONAL USING OF WATER RESOURCES

**Abstract:** in this article rationally using ethnoecologic aspects of water is described. Ethnologic culture of the area as a result of the deterioration of the ecological status is shown with historical facts.

**Key words:** ethno-ecology, ethno-ecological culture, water resources, water use, cultural landscape.

**Кириш.** Географияда инсон антропогеографик изланишларнинг асосини маданиятини, айниқса, унинг табиат билан ташкил этган. Л.С.Берг 1915 йилдаёқ уйғунликдаги маданиятини ўрганиш “Географиянинг тадқиқот доирасига ернинг

табiiй жараёнлар билан бирга, унда яшовчи организмларни (инсонни) моддий ва маънавий фаолияти кўринишлари ҳам киради, фақатгина бу ҳодисалар тарқалиш нуктаи назаридан қаралса бас” [1,10 б.] деб ёзган эди. Тарихан шаклланган табиатдан фойдаланиш маданиятини (кенг маънода) баҳолашда этнология, ижтимоий-экология ва география оралиғида шаклланган *этноэкология* йўналишидаги назарий ёндашувлар қўл келади. Фанга биринчи бўлиб этноэкология терминини америкалик этнолог Г.Конклин [2] киритган, Джулиана Стюард (маданий экология) ривожлантирган [3]. Бу олимларнинг тушунтиришича, этноэкологиянинг асосий вазифаси табиат ҳақидаги халқ билимларини умумлаштириш ва уларни атроф-муҳит билан бўладиган алоқада қўллашдан иборатдир. Этноэкологиянинг анъанавий табиатдан фойдаланиш ибораси билан бир хил маънода қўллаш мумкинлигини Л.Н.Гумилев [4], И.Жабборов [5] ҳам таъкидлаб ўтганлар. В.И.Козлов шўро идеологияси таъсирида рус этноэкологияси ғарб этноэкологиясидан бошқа тамойилларга асосланади деб ёзган бўлсада, уларнинг фарқларини кўрсатмайди, аксинча, фаннинг вазифаси “этносларнинг табиий муҳитдан фойдаланишларини ва уларни бу муҳитга таъсирини, табиатдан оқилона фойдаланиш анъаналарини, этноэкологизимларнинг шаклланиши ва фаолиятини ўрганиш” [6, 8 б.] деб кўрсатади.

Кўп асрлик вақт синовиға бардош берган, такрорлашлар ва янглишишлар натижасида такомиллашиб борган табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тўпланган кўникма ва малакалар йиғиндиси яъни *этноэкология маданияти* авлоддан авлодга бериб келинади. Халқларнинг миллий кадриятлари даражасига айланиб улгурган бундай маданиятнинг унитилиши ёки уни назарга илмаслик оқибатида дунёда кўплаб минтақавий экологик муаммолар келиб чиққан. Мақолада аҳолининг сув ресурсларидан фойдаланиш маданиятини менсимаслик оқибатида келиб чиққан минтақавий муаммоларнинг географик негизлари ҳақида маълумот берилади.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Инсоният тарихида сув ресурсларидан фойдаланиш қадимги дунёдан бошланади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам кишилик жамияти кутганидек, иқтисодий ривожланишга асосланган фаровон ҳаётга олиб келмаган. Табиат қонунларини менсимаслик, уларга зид ҳаракат қилиш орқали қурилган гидротехник иншоотлар натижасида юз берган дастлабки экологик фалокат, фожеа қадимги Бобил (Вавилон)да юз берди [4]. Инсоният тарихида етти мўъжизанинг бири бўлган “Осма боғлар” яратилган, ҳуқуқ олами ҳозиргача ўрганадиган “Ҳамураппи қонунлари” ёзилган, фотиҳлар Александр Македонский, форслар шоҳи Кир босқинига бардош берган дунёдаги биринчи миллионер шаҳар пухта ўйланмаган гидротехник иншоот сабабли бир неча ўн йилликларда ер юзидан йўқ бўлиб кетган.

Эрамиздан аввалги XIX асрда Шарқий Арабистондаги Аморелар томонидан қурилган “Боб-эл” Аллоҳнинг дарвозаси деб эъзозланган шаҳарни эрамиздан аввалги 612 йилда Халделар қабиласи эгаллайди. Эрамиздан аввалги 582 йилда Бобил шоҳи Навуходоносор Миср маликаси Нитокрисга уйланади. Малика Нил дарёсига қурилган ирригация иншоотларини бу ерда ҳам қуриш орқали суғориладиган ерлардан кўпроқ фойда олишни таклиф қилади. Натижада Фурот дарёсидан сув олувчи Паллукат канали қурилди. Оқибатда Фурот дарёси секин оқа бошлаб, ётқизиқлар суғориш каналлари ва суғориладиган ерларни тўлдирди, канал оқиб ўтган худудларда тупроқнинг шўрлашиши юз берди, деҳқончилик ва боғдорчилик фойда бермай қўйди, суғориш иншоотларини тутиб туришга йилдан-йилга кўпроқ маблағ сарфланадиган бўлди. Оқибатда йирик шаҳар ҳам, ривожланаётган мамлакат ҳам инқирозга юз тутди.

Маликанинг хатоси шаҳарни барбод қилди деб ўйлаш нотўғри. Асосий сабаб шохнинг келгинди бўлгани, бу ерни босиб олганида. Агар шох маҳаллий аҳолидан бўлганида, ота-боболари қўллаб келган мелиорация усулини, этноэкологик маданиятнинг афзалликларини биларди ёки ҳамюртлари билан маслаҳатлашарди.

Афсуски, шох Холде, аскарлари – араблар, маслаҳатчилари мисрлик яҳудийлар эди. Уларни босиб олган мамлакатлар географияси устида бош қотиришга вақтлари йўқ эди, тезроқ ва кўпроқ фойда олиш бош мақсад қилиб олинган эди.

Мисрлик ирригаторлар ўз мелиорация усулларини Нилдан Фурот дарёсига механик усулда кўчириб келганлар. Нил тўлин сув даврида унумдор ил (лойқа) олиб келади, Ливия чўлида тупроқнинг шўрланиш хавфи кам, чунки худуднинг дренаж ҳолати яхши. Нилдан фарқ қилиб, Фурот дарёси Арманистон тоғлигидан бошланади, тўлинсув даврида дарё майда шағал ва қум зарраларини олиб келади. Шунинг учун ҳам Бобилликлар дарёга тўғон қурмасдан, кичик ариқ ва чархпалакларда унинг юза қисмидаги сувдан фойдаланганлар. Ортиқча сувни Дажла дарёси орқали денгизга ташлаб юборганлар. Бу эса мазкур худудда узок вақт деҳқончиликнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган ўзига хос “маданий ландшафт” шаклланишига олиб келган.

Афсуски, шундай ҳолат XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Орол денгизи ҳавзасида ҳам такрорланди. Собиқ Иттифок ҳукуматининг қарори билан, 1955 йилдан бошлаб, пахта экиш Россия, Украина, Молдова, Грузия, Арманистон республикаларида бутунлай тугатилиб, асосий ҳосилни Орол ҳавзасидан олиш учун янги ерларни ўзлаштириш бошланди. 1965 йилга келиб, бу ҳавзада суғориладиган майдонлар 2,8 млн. гектарга кўпайди. Қурилган каналлар ва сув омборлари дарёлар режимига салбий таъсир кўрсатди. Адабиётларда қайд этилишича, 1961 йилдан Орол денгизининг сатҳи пасая бошлади. Маҳаллий олимлар ва кенг жамоатчиликнинг “Оролни ҳам Каспий ва Байкал кўллари каби қутқариш керак!”, деган фикрларига Ўрта Осиё “билимдони” ҳисобланган олим С.Ю.Геллер шундай жавоб ёзди: “Орол муаммосини муҳокама қилишда, уни Каспийга қиёслаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки сувдан фойдаланишдан келадиган иқтисодий самара турлича, қолаверса, дарё суви бутунлай суғоришга ишлатилса, Оролдаги балиқчиликдан 100 марта кўп фойда олиш

мумкин” [7, 7 б.] Бундан ташқари бу “олим” Орол тубидан шамол учирадиган тузлар ҳам Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг суғориладиган районлари учун хавф туғдирмаслигини “башорат” қилган эди.

Оролни қутқариш имкониятининг бутунлай кўлдан берилишига Марказда инженер И.А.Герарди томонидан ишлаб чиқилган гидротехник иншоот лойиҳаси сабаб бўлди. Унга кўра 1976-1980 йилларда “Шимол ва Сибирь дарёлари сувини Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Волга ҳавзаси дарёларига буриш” ҳақидаги ғоя илгари сурилди [8]. Бу ҳаёлий иншоотни куриш эмас, балки лойиҳани борлигини ўзи Орол фожеасини яқинлаштирди, чунки ким Орол тақдири ҳақида гапирса, унинг сўзи Сибирдан келадиган ҳаёлий дарёлар суви билан беркитилди.

Юқоридаги мисоллардан, ҳар қандай гидротехник иншоотлар ҳам фожеали оқибатларга олиб келар экан, деб хулоса чиқариш нотўғри. Тарихнинг гувоҳлик беришича, гидротехник иншоотлар қуйидаги ҳолатларда аянчли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин:

Биринчидан, иншоот қурилиши оқибатлари пухта ўйланмаганда, жойнинг табиий географик хусусиятлари ҳар томонлама кенг ўрганилмаганда ёки бугунги тушунчалар билан айтганда, экологик экспертиза ўтказилмаганда;

Иккинчидан, бошқа жойдан келганлар (тарихда босқинчилар) иншоотлар қурилишига раҳбарлик ва ҳомийлик қилганда, бирданига кўп ва хўп фойда кўриш мақсад қилиб қўйилганда. Бугунги тушунчалар бўйича, инвесторларнинг жой табиатини ўрганишга вақти ва маблағ сарфлашга тоқатлари бўлмаганда;

Учинчидан, гидротехник иншоот қурилишида гигантоманияга берилиб, жой табиатига сингиб кетмайдиган, ниҳоятда катта иншоотлар қурилганда, натижада бу иншоотга экологиядаги “эски автомобил” қонуни таъсир қилади, яъни вақт ўтган сари иншоотни ишлатишга сарфланадиган маблағлар ортиб, ундан олинадиган иқтисодий самара камайиб бораверади. Бундай иншоотларнинг худудда бўлиши нафақат самарасиз, балки хатарли ҳамдир. Бу ҳолатни Сяно-Шушенск ГЭСи да бўлган

аварияда кузатиш мумкин.

**Хулоса** қилиб айтганда, маҳаллий аҳолининг асрлар давомида шаклланган, табиат билан уйғунликда яратилган, унинг қонунларига мослашувга асосланган, миллий қадриятлар даражасига кўтарилган, географик асосга эга бўлган этноэкологик маданиятини менсимаслик, уни бутунлай инкор этиш, юқоридаги каби, аянчли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишда йирик магистрал каналлар,

сув омборлари куриш билан олиб бориладиган технократик йўлдан ташқари, қатра сувни тежашга, оқар сувлар йўналиши ва режимини ўзгартирмасликка, сувдан навбатма-навбат фойдаланишга, кўшни халқларни сувга бўлган эҳтиёжига хурмат билан қарашга асосланган, минг йиллар давомида синовдан ўтган этноэкологик йўналиш ҳам борлигини тадқиқотлар кўрсатмоқда. Бу ҳақида навбатдаги тадқиқотларда тўхталамиз.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Берг Л.С. Предмет и задачи географии // Известия РГО. - СПб, 1915. Вып. 9. - С 6-15.
2. Conklin H.C. An ethoecological approach to shifting agriculture // Transactions of the New York Academy of Sciences 1954. Vol 17 №3
3. Ямсков А.Н. История становления и развития отечественной этноэкологии // Этнографическое обозрение, 2013, № 4. - с. 49-64.
4. Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. - Л.: Гидрометиздат, 1990. - 528 с.
5. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - 320 б.
6. Козлов В.И. Основные проблемы этнической экологии // Этнографическое обозрение, 1983, N 1. - С. 3-16.
7. Проблема Аральского моря. - М.: Наука, 1969. - 174 с.
8. Природа срединного региона СССР (в связи с проблемой переброски речного стока) // И. А. Герарди и др. – М.: Издательство МГУ, 1980. - 278 с.

### **Уразбаев А.К., Тасболат Б.**

#### **ФУНКЦИОНАЛЬНАЯ ЦЕЛОСТНОСТЬ БАСЕЙНА КОЛЛЕКТОРА И ЕЕ РОЛЬ В ОЦЕНКЕ ПРИРОДНО-МЕЛИОРАТИВНЫХ УСЛОВИЙ ЗЕМЕЛЬ**

**Аннотация:** в данной статье освещаются функциональная целостность бассейна коллектора и ее значение в оценке природно-мелиоративных условий земель. Рекомендуется использовать метода пластики рельефа в отрожении функциональной целостности бассейна коллектора на тематических карт.

**Ключевые слова:** геосистема, структура, функциональная целостность бассейна коллектора, системная организация природно-мелиоративных условий, сток, метод пластики рельефа, системообразующий поток.

### **Уразбаев А.К., Тасболат Б.**

#### **КОЛЛЕКТОР ҲАВЗАЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ БУТУНЛИГИ ВА УНИНГ ЕРЛАРНИНГ ТАБИЙ-МЕЛИОРАТИВ ШАРОИТИНИ БАҲОЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ**

**Аннотация:** мақолада коллектор ҳавзаларининг функционал бутунлиги ва унинг ерларнинг табиий-мелиоратив шароитини баҳолашдаги аҳамияти ёритилган. Мавзули карталарда коллектор ҳавзаларининг функционал бутунлигини кўрсатишда рельеф пластикаси усулидан фойдаланиш тавсия этилган.

**Калит сўзлар:** геотизим, тузилма, коллектор ҳавзасининг функционал бутунлиги, табиий-мелиоратив шароитни тизимли ташкил этиш, оқим, рельеф пластикаси усули, тизим шакллантирувчи оқим.

### **Urazbaev A.K., Tasbolat B.**

#### **FUNCTIONAL INTEGRITY RESERVOIR BASIN AND ITS ROLE IN THE ASSESSMENT OF NATURAL RECLAMATION CONDITIONS LANDS**

**Abstract:** in the article highlighted the collector and functional integrity of the body importance of its assessment of land reclamation of natural conditions. Maps collector basins on the functional integrity of the provision of relief recommended using plastic.

**Key words:** geosystem, structure, functional integrity of the basin reservoir system organization of natural reclamation conditions, runoff, plastic relief method, system flow.

**Введение:** При оценке системной целостной единицей может быть, по организации природно-мелиоративных условий современной дельты Амударьи требуется выявление по топокартам, с использованием космоснимков, того единого целого, которое объединяет почвенно-геологические тела. Такой территориальной целостной единицей может быть, по нашему мнению, бассейн односторонних системообразующих потоков любого порядка (последний зависит от масштаба исследования). Бассейны системообразующих потоков разного возраста в пределах орошаемых территорий образуют

функциональную целостность.


При оценке земель для целей орошения используется ландшафтно-индикационный метод, который основан на корреляционных связях между компонентами ландшафта. Однако, по мнению А.М.Шульгина (1980), «ландшафтно-индикационные методы, базирующиеся в основном на варианты интерпретации ландшафтной карты, недостаточны. Системно-структурный подход позволяет с помощью математических методов проводить количественную оценку территории для целей мелиорации».

Наряду с этим, для изучения и оценки природно-мелиоративных условий современной дельты Амударьи нами использован бассейновый метод пластики рельефа, как элемент применения функционально-целостного подхода в физической географии (рис. 1). Этот системный метод основывается на выявлении функциональной целостности объекта, то есть пространственной упорядоченности структуры рельефа, характера пространственных изменений вещественного состава мелиоративной толщи в пределах бассейна коллектора и пространственной взаимосвязи между структурами и процессами.

А.Ю.Ретеюм (1975) отмечал о существовании трех подходов в физической географии: генетического, типологического

и функционального. «В выделении целостных геосистем и ландшафтных типологических и генетических группировок, - пишет этот автор, - заключено решение давней проблемы объективности физико-географических единиц». По его мнению, функциональный подход ставит своей задачей системное членение пространства поверхностного слоя Земли.

**Основные теоретические предпосылки и их обсуждения.** Изучив принципы функционально-целостного подхода, мы пришли к выводу о дифференциации земной поверхности современной дельты Амударьи по бассейнам коллекторов. Расчленение территории по функционально-целостному принципу позволяет изучить эти бассейны ландшафтно-газогеохимическим методом, который предусматривает анализ и оценку природно-мелиоративного состояния бассейнов коллекторов по изменению минерализации и качественного состава поверхностных вод на замыкающем гидропосте коллектора. Результаты такого изучения выявляют главные факторы в изменении мелиоративного состояния орошаемых земель, то есть дают возможность определить взаимосвязь компонентов ландшафта в пределах конкретного бассейна коллектора.



**Рис. 1. Основные положения применения функционально-целостного подхода с помощью метода пластики рельефа при изучении и оценке системной организации природно-мелиоративных условий современной дельты Амударьи**

Изучение и оценка системной организации природно-мелиоративных условий

в пределах коллектора представляет собой особый интерес. Бассейн коллектора – один



из самых распространенных видов функционально-целостных геосистем в пределах орошаемых территорий. Такой мощный интегрирующий фактор, как постоянный (во всяком случае долговременный), направленный по положительному рельефу поверхностный и подземный водный поток, является одним из самых универсальных строителей дельтовых геосистем географической оболочки. Своеобразие внутреннего строения бассейна коллектора и формирование морфологических структур ландшафтов связаны с процессами водных потоков, поэтому морфологическая структура элементарных ландшафтов и внутреннее строение бассейна коллектора четко отображают направление системообразующих потоков. Н.Н.Степанов (1986) отмечал важность изучения взаимосвязи форм почв дельтовых территорий с деятельностью поверхностных потоков. Как видим, в последние годы снова возрос интерес к процессам стока, роль которых в формировании дельтовых почв незаменима. Отрыв же почв от среды приводит к созданию схоластических схем.

С.Д.Муравейский (1948) обратил внимание на значимость анализа процессов стока как географического фактора. Он указывал, что «без транспорта, без перемещения не может быть движения, не может быть взаимных связей, взаимодействий. И эта важнейшая роль транспорта, перемещения вещества по земной поверхности ложится в первую очередь и главным образом на процесс стока». Наиболее отчетливо роль стока, как географического фактора в дельтовых условиях, проявляется в формировании разновозрастных мелких дельт (процессы рельефо - и почвообразования). Он же влияет на водно-слоевой режим и литолого-механический состав почв, химизм поверхностных, подземных вод и др.

Следует отметить, что сток имеет большое значение в установлении границ географических комплексов, в данном случае в определении границ бассейна коллектора. Установление границ природных объектов определяется, главным образом, резкими изменениями путей

миграции солей (химических элементов), их качественного состава, нарушениями в круговороте веществ, а в этих изменениях и нарушениях сток играет далеко не последнюю роль. Важно также знать значение потока с позиций функционально-целостного подхода. А.Ю.Ретеюм (1971) отмечает, что основным методическим средством при членении земной поверхности рассматриваемого функционально-целостного подхода служит анализ потоков, что объясняется их ролью в геосистемах. Однако, это не означает абсолютизации их значения: поток не только не состоит над системой, но он сам является его продуктом, ее порождением.

Функционально-целостный подход завоевал уже немало сторонников в географических направлениях науки. Изучение бассейна коллектора как функциональной целостности дает возможность ориентироваться на анализ и оценку системной организации природно-мелиоративных условий орошаемых территорий. Положительная сторона функционально-целостного подхода обусловлена тем, что бассейн коллектора имеет четко выраженную границу; рассматриваемый нами как геосистема, он открывает возможности изучения следующих систем: гидрологических (ирригационно-мелиоративные сети и их порядки, взаимосвязь поверхностных и подземных вод и др.), геоморфологических (динамическое сочетание положительных и отрицательных форм рельефа, упорядоченность рисунков земной поверхности и др.), почвенных (сочетание почв по элементам рельефа, его роль в формировании и развитии почв в целом и т.д.) и др. Вместе с тем, результаты этого подхода с помощью метода пластики рельефа могут активно внедряться в системное и тематическое картографирование в науках о земле.

В.И.Вернадский (1975) одним из первых указал влияние почвенного покрова бассейнов на химический состав вод дренирующих их рек (служащих базисом эрозии). Он писал, что почва захватывает круговоротом воды, обтекается, выщелачивается ею; вода непрерывно растворяет и

уносит в бассейн реки составные элементы почв: «... почва резко определяет таким образом в самой основной его части состав речной воды, куда в конце концов собираются все поверхностные воды. Реки несут свои воды в море, и состав морской воды, его солевой части, в конце концов, и главным образом обусловлен ими, то есть обусловлен химической работой почвы...».

Объективность расчленения земной поверхности современной дельты Амударьи на бассейны коллекторов по принципу функциональной целостности обеспечивает применимость функционального подхода к решению различных задач как научных, так и практических. Он дает естественную основу для разработки проектов оптимизации природопользования, решает задачи природно-мелиоративного районирования орошаемых земель благодаря

целостности геосистем (бассейны коллекторов) и способности их выступать в качестве основы для строительства и реконструкции ирригационно-мелиоративных систем.

Таким образом, при оценке земель надо принимать во внимание функциональную целостность бассейна коллектора, потому что природно-мелиоративные свойства ландшафтов меняются от верхней части бассейна к нижней, а также от прируслового вала к пониженным территориям. Иначе говоря, функциональная целостность бассейна позволяет учитывать изменение природно-мелиоративных условий земель в пространстве, а также во времени, если предварительно дана возрастная (в почвенном или геологическом отношении) интерпретация системы, подсистемы и ее элементов.

#### Список литературы:

1. Вернадский В.И. Размышления натуралиста. – М.: Наука, 1975. Кн. I. – 176 с.
2. Гвоздецкий Н.А. Функционально-целостные системы и динамика ландшафтов // VII совещ. по вопросам ландшафтоведения. – Пермь: РТП ГО СССР, 1974. – С. 12-14.
3. Дьяконов К.Н. Методологические проблемы изучения физико-географической дифференциации // Вопр. геогр. – М.: Мысль, 1975. – Сб. 98. – С. 28-51.
4. Звонкова Т.В. и др. Теоретические основы и методы оценочного картографирования природных условий и ресурсов // Оценочные карты природы, населения и хозяйства. – М.: Изд-во МГУ, 1973. – С. 5-10.
5. Муравейский С.Д. Роль географических факторов в формировании географических комплексов // Вопр. геогр. – М.: Мысль, 1948. – Сб. 9. – С. 95-110.
6. Ретеюм А.Ю. О геокомплексах с односторонним системообразующим потоком вещества и энергии // Изв. АН СССР. – Сер. геогр. – 1971. - № 5. – С. 122-128.
7. Ретеюм А.Ю. Физико-географическое районирование и выделение геосистем // Вопр. геогр. – М.: Мысль, 1975. – Сб. 98. – С. 5-27.
8. Степанов И.Н. Формы в мире почв. – М.: Наука, 1986. – 192 с.
9. Уразбаев. А.К. Картографирование структуры бассейнов коллекторов и его значение при оценке природно-мелиоративных условий орошаемых территорий Узбекистана // Материалы IV съезда Географического общества РУз. – Ташкент: 1995. – С. 272-273.
10. Шулгин А.М. Мелиоративная география. – М.: Высш. школа, 1980. – 288 с.

**Зияев Р.Р., Хикматов Ф.Х., Хайдаров С.А.**

### ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ТЎЛИНСУВ ДАВРИ ОҚИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИНГ СИЛЖИШЛАРИ ҲАҚИДА

**Аннотация:** ишда Зарафшон дарёсида тўлинсув даврининг ҳосил бўлиши масалалари, хусусан, унинг бошланиш, тугаш ва умумий давом этиш муддатлари таҳлил қилинган. Тўлинсув даври умумий давом этиш муддатининг узайганлиги аниқланди ва унинг иқлим ўзгариши жараёни билан боғлиқлиги кўрсатиб берилди.

**Калит сўзлар:** сув ресурслари, дарё, дарё оқими, сув режими фазалари, тўлинсув даври, иқлим ўзгариши, тўлинсув даврининг силжиши, силжишни прогнозлаш.

**Зияев Р.Р., Хикматов Ф.Х., Хайдаров С.А.**

### ФОРМИРОВАНИЕ СТОКА ПОЛОВОДЬЯ РЕКИ ЗАРАФШАН И О ЕЁ ВРЕМЕННЫХ СДВИГАХ

**Аннотация:** в работе рассмотрены вопросы формирования стока половодья реки Зарафшан, в частности, проанализированы даты её начала, конца и общей продолжительности. Выявлено увеличение общей продолжительности половодья, что объясняется процессами изменения климата.

**Ключевые слова:** водные ресурсы, река, речной сток, фазы водного режима, период половодья, изменение климата, сдвиг периода половодья, прогноз сдвига.

Ziyaev R.R., Xikmatov F.X., Xaydarov S.A.

**FLOOD RUNOFF FORMATION OF ZARAFSHAN RIVER AND ABOUT ITS TIMESLIP**

**Abstract:** the paper deals with the formation of runoff flood Zarafshan River, in particular, analyzed the date of its beginning, the end and the total duration. Revealed an increase in the total duration of the flood, due to climate change.

**Key words:** water, river, river flow, water regime phases, during the flood period, climate change, the shift of the flooding period, the forecast shift.

**Кириш.** Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни миқдорий баҳолаш ҳамда муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш ҳозирги куннинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Айниқса, бундай муаммоларни Зарафшон воҳаси каби сув ресурслари чекланган регионлар учун ўрганиш ўта долзарбдир. Чунки, бундай худудларда суғорма деҳқончилик ва саноат корхоналарининг ривожланиши ҳамда аҳоли сонининг жадал суратларда кўпайиб бориши сув ресурсларига бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб боришига олиб келади. Зарафшон дарёси мамлакатимизнинг Зарафшон воҳаси ва унга чегарадош вилоятлар иқтисодиёти турли тармоқларини сув билан таъминлайдиган асосий манбалардан бири ҳисобланади. Дарё сувидан ҳавзада истикомат қилаётган 10 миллионга яқин аҳоли ўз манфаатлари йўлида фойдаланадилар. Бу ҳолатни ҳисобга олиб, Зарафшон дарёси сув ресурсларини баҳолаш, айниқса, дарёда тўлинсув даври оқимининг шаклланиши ва унинг силжишларини глобал иқлим ўзгаришларига боғлиқ ҳолда ўрганиш, шунингдек, дарё оқимининг келажакда мумкин бўлган ўзгаришларини прогнозлаш масалалари долзарб аҳамиятга эгадир.

Ушбу йўналишда дарёлар сув режими фазаларини, яъни уларда кузатиладиган тўлинсув, кам сувли ва тошқин даврларини таҳлил қилиш, шунингдек, тўлинсув даври оқимининг шаклланиш хусусиятларини ўрганиш масалалари кўплаб тадқиқотчиларни қизиқтирган. Масалан, дарёлар тўлинсув даври оқимининг ҳосил бўлиш хусусиятларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар дастлаб Б.Д.Зайков, М.И.Львович, Л.К.Давидов каби олимлар томонидан амалга оширилган. Ўрта Осиё тоғ дарёлари мисолида мазкур масалани В.Л.Шульц, О.П.Шеглова, Ю.Д.Денисов ва бошқалар ўрганганлар [2, 6]. Лекин, қайд этиш лозимки, мазкур тадқиқотларда

Зарафшон дарёси, ундаги тўлинсув даври алоҳида кўриб чиқилмаган.

Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, мазкур ишнинг асосий мақсади Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқимининг шаклланиши ҳамда унинг бошланиш ва тугаш муддатларининг йиллар давомида силжишларини ўрганишга қаратилди. Ишда, кўзланган мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди ва ўз ечимини топди: Зарафшон дарёсининг Дупули гидрологик постида ўлчанган сув сарфлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш; тўпланган гидрологик маълумотлар асосида Зарафшон дарёсида тўлинсув даврининг бошланиши ва тугаш муддатларини ҳамда улардаги силжишларни аниқлаш; Зарафшон дарёсида тўлинсув даврининг умумий давом этиш муддатларини турли ҳисоб даврлари учун қиёсий солиштириш ва бошқалар.

**Асосий натижалар ва уларнинг таҳлили.** Маълумки, Ўрта Осиёнинг нисбатан йирик дарёларида, шу жумладан, Зарафшон дарёсида ҳам асосан иккита давр, баҳорги-ёзги тўлинсув ва кузги-қишки кам сувли даврлар кузатилади. Зарафшон дарёсида тўлинсув даврининг бошланиш вақти, аксарият ҳолларда, вегетация даврининг бошланишига деярли мос келади.


Юқорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Зарафшон дарёсида 1936-1978 йиллар давомида тўлинсув даврининг бошланиш муддатларининг ўзгаришларини таҳлил қилдик (1-расм).

Дарёда 1936 йилда тўлинсув даврининг бошланиш вақти 14 апрелда кузатилган. 1937 йилда тўлинсув даврининг бошланиши 1936 йилга нисбатан эртароқ, аниқроғи 8 апрелда қайд этилган бўлса, 1938 йилга келиб эса янада эртароқ - 30 мартда кузатилган. Дарёда 1939 йилда тўлинсув даврининг бошланиши бироз кейинги муддатларга силжиб, 1 майга тўғри келган.

Умуман олганда, Зарафшон дарёсида 1936-1978 йиллар давомида тўлинсув

даврининг энг эрта бошланиши 1942 кеч бошланиши эса 1957 йилда 17 майга йилнинг 14 мартада кузатилган бўлса, энг тўғри келган.

### Ойлар




**1-расм. Зарафшон дарёсида тўлинсув даври бошланиш муддатларининг йилларо ўзгариши**

Демак, ўрганилган давр давомида тўлинсув даврининг энг эрта ва энг кеч бошланиш муддатлари орасидаги фарқ 62 кунни ташкил этади. Алоҳида қайд этиш лозимки, дарёда тўлинсув даври муддатларидаги силжишни ифодалайдиган тренд коэффициентининг қиймати, яъни  $R^2 = 0$  га тенг бўл-

ди. Бу натижа биз кўраётган ҳисоб даврида тўлинсув даврининг бошланиш муддатларида умуман силжиш йўқлигидан дарак беради. Ишнинг кейинги босқичида асосий эътибор Зарафшон дарёсида тўлинсув даври тугаш муддатларининг йилларо ўзгаришларини ўрганишга қаратилди (2-расм).

### Ойлар



**2-расм. Зарафшон дарёсида тўлинсув даври тугаш муддатларининг йилларо ўзгариши**


Графикда кўриниб турганидек, Зарафшон дарёсида тўлинсув даврининг тугаш муддати 1936 йилда 6 октябрда кузатилган бўлса, 1937 йилда бироз силжиб, дарёда тўлинсув даври 14 октябргача давом этган. Зарафшон дарёсида 1936-1978 йиллар давомида тўлинсув даврининг энг кеч тугаш вақти 1954 йилнинг 29 ноябрда бўлган. Дарёда тўлинсув даврининг энг эрта тугаш муддати 27 сентябрда қайд этилган ва у 1975 йилда кузатилган. Дарёда 1936-1978

йиллар давомида тўлинсув даврининг тугаш муддатлари орасидаги фарқ ҳам, юқоридаги каби, 62 кунга тенг. Мазкур ҳолатда тебраниш тренди мусбат кўрсаткичга эга бўлди, яъни  $R^2 = 0,013$  га тенг бўлиб, тўлинсув даврининг тугаш муддати ортиб бормокда.

Дарёда тўлинсув даврининг умумий давом этиш муддатларини ўрганиш ҳам ўзига хос илмий ва амалий аҳамиятга эга (3-расм).

Графикда акс этиб турганидек,

тўлинсув даврининг умумий давом этиш юқоридагиларни такрорлайди. муддатининг йиллараро тебраниши



**3-расм. Зарафшон дарёсида тўлинсув даврининг умумий давом этиш муддатларининг йиллараро ўзгариши**

Масалан, 1936 йилда тўлинсув даври ортиб бораётганлигидан дарак беради. 178 кун давом этган бўлса, 1937 йилда эса **Хулоса** қилиб айтганда, Зарафшон дарёсида 1936-1978 йиллар давомида 190 кунга етган. Бу йилларга қараганда, дарёсида 1936-1978 йиллар давомида 1938 йилда, тўлинсув даври узокроқ, яъни тўлинсув даврининг бошланиш муддати 195 кун давом этган. Ундан кейинги 1939 ва деярли ўзгармаган, лекин тугаш муддати 1940 йилларда тўлинсув даврининг давом узайиш томон бир оз силжиган, яъни этиш муддати камаган. Зарафшон дарёсида тўлинсув даври узокроқ давом этадиган энг узок давом этган тўлинсув даври бўлган. Зарафшон дарёсида тўлинсув даври 1954 йилда кузатилган ва 239 кунни ташкил даврининг умумий давом этиш муддатлари этади. Дарёда, бошқа йилларга нисбатан, ҳам ортиб бормоқда. Келажакда ушбу йўналишдаги тадқиқотларни, глобал микёсда кечаётган иқлим ўзгаришини хисобга олган ҳолда, Зарафшон дарёсида даври 1957 йилга тўғри келиб, 160 кунни охирги чорак асрда кузатилган янги ташкил этади. Ушбу ҳолатда ҳам тренд маълумотлар асосида, давом этириш мусбат бўлиб ( $R^2 = 0,012$ ), бу натижа мақсадга мувофиқдир. тўлинсув даври давом этиш муддатларининг

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Давыдов Л.К. Колебания водоносности рек Средней Азии // Тр. Средазмета. Т. 1. -Ташкент, 1927. - Вып. 2 - С. 5-48.
2. Закономерности гидрологических процессов. Под редакцией Н.И. Алексеевского. -М.: ГЕОС, 2012. -736 с.
3. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. – Ташкент: VORIS - NASHRIYOT, 2007. - 132 с.
4. Шульц В.Л. Реки Средней Азии. - Л.: Гидрометеоздат, 1965.- 692 с.
5. Щеглова О.П. Питание рек Средней Азии. – Ташкент: Издво САГУ, 1960. - 243 с.
6. Ҳикматов Ф.Ҳ., Ҳайдаров С.А. Зарафшон дарёси оқимининг шаклланишига ҳаво ҳароратининг таъсири. - Тошкент, 2012 // ЎЗМУ хабарлари. - №3. –Б. 75-82.

**Джаксымуратов К.М., Нурланов А.С., Есенбаев Г.Р.**

### ОСОБЕННОСТИ РЕЖИМА И РЕСУРСОВ ПРЕСНЫХ ПОДЗЕМНЫХ ВОД КАРАКАЛПАКСТАНА, ПРОБЛЕМЫ ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ

**Аннотация:** в статье изучены вопросы режима и ресурсов пресных подземных вод территории Каракалпакстана, где наблюдается кризисная экологическая ситуация, освещены также научные основы их рационального использования.

**Ключевые слова:** подземные пресные воды, запасы подземных вод, водоносные горизонты, линзы пресных вод, метод искусственного восполнения, русловые отложения, аллювиальные пески, гидрогеологические условия.

**Джаксымуратов К.М., Нурланов А.С., Есенбаев Г.Р.**

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ЕР ОСТИ ЧУЧУК СУВЛАРИНИНГ РЕЖИМИ ВА РЕСУРСЛАРИ, УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ МУАММОЛАРИ

**Аннотация:** мақолада Қорақалпоғистон худудида, экологик мураккаб шароитларда, ер ости чучук

сувларининг режими, ресурслари ўрганилган, уларни оклона фойдаланиш масалаларининг илмий услубий асослари ёритилган.

**Калит сўзлар:** ер ости чучук сувлари, ер ости сувлари захираси, сувли қатламлар, чучук сув линзалари, сунъий тўлдириш усули, ўзан ётқизиклари, аллювиал қумлар, гидрогеологик шароит.

**Djaksəmuratov K.M., Nurlanov A.S, Esenbaev G.R.**

#### FEATURES OF THE REGIME, THE SUPPLY AND USE OF GROUNDWATER IN KARAKALPAKSTAN

**Abstract:** the article highlights the foundations of the regime, the supply and use of groundwater in terms of the ecological crisis in Karakalpakstan.

**Key words:** underground fresh water reserves of groundwater aquifers of fresh water lens, the method of artificial fill, channel deposits, alluvial sands, hydro-geological conditions.

**Введение:** Формирование запасов подземных вод Каракалпакии, развитых в осадочной толще мезо-кайнозойских отложений, сложный процесс. Вода, будучи самым распространенным, подвижным и активным компонентом природной среды участвует во всех геологических процессах и зависит от геохимической и гидродинамической обстановки. Геологическая история развития земной коры предопределяет гидрогеологические условия региона, тем самым режим и ресурсы подземных вод.

В Каракалпакии где наблюдается острая нехватка качественной питьевой воды запасы пресных подземных вод ограничены. Единственным источником водоснабжения региона служат приканальные линзы грунтовых вод, приуроченные к песчаным отложениям вдоль р.Амударья и оросительных каналов (Дустлик, Кегейли, Куванышджарма и др.). В настоящее время возникла необходимость защиты эксплуатируемых горизонтов от истощения и загрязнения путем искусственного вмешательства, применив метод магазинирования и опреснения линз грунтовых вод [5].

**Основные результаты и их обобщения.** Метод искусственного восполнения запасов подземных вод (ИВЗПВ) применяется на действующих водозаборах в случаях, когда пресные емкостные запасы водоносного горизонта в процессе эксплуатации истощены и не удовлетворяют заявленной потребности. В аридных условиях - это единственный метод сохранения пресных водоносных горизонтов (линз), увеличения их емкостных запасов с расширением полезной площади, при естественном самоочищении воды от загрязнителей, и, тем самым, позволит обеспечить потребности населения круглогодично в питьевой воде [3]. На основных действующих водозаборах,

приуроченных к русловым и аллювиальным пескам, развитых вдоль р.Амударья, каналов Акмангит, Кегейли и Куванышджарма, применен метод искусственного восполнения и опреснения грунтовых вод и подсчитаны их запасы (табл.).

Вдоль магистральных каналов и древних русел протоков (Шортанбай, Саманбай) р.Амударья, пески содержат пресные и слабосоленоватые воды (с расходом потока 216 л/с), которые могут быть использованы на орошение, для технических целей и, частично, для водоснабжения населенных пунктов. По данным Каракалпакской режимной станции, 20-30% оросительных вод идет на пополнение первого от поверхности водоносного горизонта (грунтовые воды), и обуславливает низкую минерализацию. Ежегодные фильтрационные потери с орошаемых площадей в среднем составляют 10 м<sup>3</sup> воды с 1 км<sup>2</sup>, а на остальные статьи баланса: инфильтрация атмосферных осадков в объеме 3-7 % от их годовой суммы (при среднемноголетней величине атмосферных осадков равной 100 мм), приток относительно регионального потока, около 1% из приходной статьи баланса.

В связи с загрязнением вод поверхностных водотоков в Приаралье, одним из перспективных источников питьевого водоснабжения, как сказано выше, могут служить только линзы пресных грунтовых вод. Они приурочены к серым мелкозернистым пескам Амударьинского и Сарыкамышского циклов и расположены вдоль крупных каналов: Дустлик, Куванышджарма, Кегейли, Казакьяб и др., и лишь Нукуская линза пресных вод приурочена к пескам современного, пескам и песчаникам туронского возрастов. Исследование показали, что формирование линз происходит за

счет фильтрационных потерь каналов и поверхностные водотоки вскрывают р.Амударья, а на участках, где русловые пески четвертичных отложений.

Таблица

**Запасы пресных подземных вод**

Категория запасов	Количество, м <sup>3</sup> /сут			Разведанность запасов	Метод расчета граничных условий
	Паводок	Межень	Среднег одовой		
<b>Водозабор Акмангит</b>					
А	3974,4	2073,6	2707,2	Запасы установлены опытным путем	Совместное применение гидравлического и гидродинамических методов
В	3456	2073,6	2534,4	Запасы установлены расчетным путем	
С <sub>1</sub>	3110,4	2073,6	1036,8		
А+В+С <sub>1</sub>	10540,8	4145,2	6278,4		
<b>Водозабор Кегейли</b>					
А	5184	855,4	-	Запасы установлены опытным путем	Совместное применение гидравлического и гидродинамических методов
В	2592	1710,7	-	Запасы установлены расчетным путем	
С <sub>1</sub>	10368	1710,8	-		
А+В+С <sub>1</sub>	18144	4276,8	-		
<b>Водозабор Куанышджарма</b>					
А+В+С <sub>1</sub>	4838,4	2074	2074	Запасы установлены расчетным путем	Совместное применение гидравлического и гидродинамических методов

Фильтрационные потери поверхностных водотоков составляют 46-47 л/с на 1 м<sup>2</sup> его длины. Средняя мощность пресных приканальных линз 25-30 м, ширина от 1000 до 3000 м. В последние годы минерализация воды р.Амударья, а, соответственно, и в каналах, на протяжении паводкового периода превышает 1,0 г/л [4]. Вследствие этого меняется гидрохимическая обстановка в зоне влияния этих водотоков. В настоящее время, на основе гидрогеологических исследований, выяснены влияния этих процессов на гидрогеологические условия территорий, прилегающей к р.Амударье и оросительным каналам, выявлены перспективные приканальные линзы (Чимбайский) пресных вод для применения метода магазинирования и опреснения подземных вод по централизованному водоснабжению населенных пунктов. Суммарная длина всех выявленных и детально разведанных участков линз пресных грунтовых вод, пригодных для питьевого водоснабжения по республике Каракалпакстан, составляет около 30 км [1]. С каждого километра

длины линзы по аналогии разведанных запасов категории А+В+С<sub>1</sub>, можно получить около 12 л/с пресной воды. Напорные, самоизливающиеся воды турон-нижне-сенонского водоносного комплекса используются для водопоя скота. Но вследствие того, что многие скважины не оборудованы крановыми устройствами, часть этих вод теряется бесполезно, вызывая при этом заболачивание прилегающих понижений рельефа местности.

В целом, учитывая постоянный рост минерализации и степень загрязнения поверхностных водотоков, наиболее перспективным источником водоснабжения следует считать искусственное магазинирование поверхностного стока в те периоды, когда поверхностные воды соответствуют требованиям ГОСТа, предъявленным к питьевой воде. В периоды, когда вода в поверхностных водотоках имеет минерализацию более 1,0 г/л, искусственно сформированные линзы должны ограждаться от возможности подпитывания последней.

**Список литературы:**

1. Волков В.П., Умаров Ш.Ф. Стратегия гидрогеологических исследований в Узбекистане для

водоснабжения народного хозяйства на период до 2020 г. – Ташкент, 2011. – стр. 274-276.

2. Джаксымуратов К.М. Формирование пресной линзы за счет искусственного восполнения запасов подземных вод водозабора Акмангит в Приаралье. – Алма-Ата, 1992.

3. Жапарханов С.Ж., Джаксымуратов К.М. Искусственное опреснение линз солоноватых подземных вод в Приаралье. – Алма-Ата, 1992.

4. Хасанов А.С. Гидрохимия мезозойских отложений Амударьинского артезианского бассейна. – Ташкент: Фан, 1976. - 245 с.

5. Шапиро А.М. Перспективы управления ресурсами пресных подземных вод в низовьях р.Амударьи. – Ташкент, 1985. - С.16-20.

**Рахмонов К.Р., Бегматова С.П., Мирзаев Ў.А.**

### **ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ДАРЁЛАРИ ОЙЛИК МУАЛЛАҚ ОҚИЗИҚЛАРИ БИЛАН СУВ САРФЛАРИ ОРАСИДАГИ БОҒЛАНИШЛАРНИ ЎРГАНИШ**

**Аннотация:** мақола Ўзбекистондаги тоғ дарёлари сув сарфлари билан муаллақ оқизиклари орасидаги боғланишларни ўрганишга бағишланган. Ҳисоблашларда кўп йиллик стандарт гидрометеорологик маълумотлардан фойдаланилган.

**Калит сўзлар:** дарё хавзаси, дарё, сув сарфи, муаллақ оқизиклар, сув омборлари, боғланиш графиги, корреляция коэффициенти, регрессия тенгламалари, уларнинг аниқлиги.

**Рахмонов К.Р., Бегматова С.П., Мирзаев У.А.**

### **ИЗУЧЕНИЕ СВЯЗИ МЕЖДУ МЕСЯЧНЫМИ РАСХОДАМИ ВЗВЕШЕННЫХ НАНОСОВ И ВОДЫ ГОРНЫХ РЕК УЗБЕКИСТАНА**

**Аннотация:** статья посвящена к изучению связи между расходами воды и стоками взвешенных наносов горных рек Узбекистана на основе многолетних стандартных гидрометеорологических наблюдений.

**Ключевые слова:** бассейн реки, расход воды, взвешенные наносы, водохранилище, график связи, коэффициент корреляции, уравнения регрессии, их точность.

**Raxmonov K.R., Begmatova S.P., Mirzaev U.A.**

### **THE ASSOCIATION BETWEEN MONTHLY EXPENDITURE SUSPENDED SEDIMENT AND WATER DISCHARGE IN MOUNTAIN RIVERS OF UZBEKISTAN**

**Abstract:** the article is devoted to the study of the relationship between water flow and suspended sediment runoff of mountain rivers of Uzbekistan on the basis of long-term standard meteorological observations.

**Key words:** river basin, water flow, suspended sediment, reservoir, graphic communications, correlation coefficient, regression equations, their accuracy.

**Кириш.** Ўзбекистон тоғ дарёлари ойлик муаллақ оқизиклари билан сув сарфлари орасидаги боғланишларни ўрганиш гидрологик ҳисоблашларда, сув ҳўжалиги тизимини самарали ташкил этишда, сув омборларини лойиҳалаш ва қуришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга мазкур масала сув омборлари ва каналларнинг лойқа оқизиклар билан тўлишини баҳолашда муҳим ҳисобланади. Ушбу турдаги боғланишларни ўрганиш натижасида олинган регрессия тенгламалари муаллақ оқизиклар сарфлари қаторидаги узилишларни тиклаш имконини беради.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Мазкур тадқиқот ишининг асосий мақсади дарёлар ойлик муаллақ оқизиклари билан сув сарфлари орасидаги боғланишларни Ўзбекистон тоғ дарёлари, яъни Чирчиқ-Оҳангарон, Сангзор, Зоминсув, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё хавзалари мисолида ўрганишдан иборат. Мақсадни амалга ошириш учун ишда қуйидаги вазифалар белгиланди ва ўз ечимини топди:

1) Ўзбекистон тоғ дарёлари муаллақ оқизиклари билан сув сарфлари орасидаги боғланишларни ўрганишга имкон берадиган гидрологик постларни танлаш, уларда қайд этилган маълумотларни тўплаш, бирламчи қайта ишлаш;

2) танланган гидрологик постларда қайд этилган гидрологик маълумотлар асосида боғланиш графикларини тузиш;

3) дарёлар муаллақ оқизиклари билан сув сарфларининг ўзаро боғлиқлигини



ифодаловчи регрессия тенгламаларини тадқиқот предмети ҳисобланади. тузиш ва уларнинг аниқлигини баҳолаш.

Ишда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда тадқиқот объекти сифатида, юқорида қайд этилганидек, Чирчиқ-Оҳангарон, Сангзор, Зоминсув, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё хавзалари дарёлари ва уларнинг ўртача ойлик муаллақ оқизиклари ҳамда сув сарфлари танланди. Мазкур гидрологик постларда кузатилган ойлик муаллақ оқизиклар ва сув сарфларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш ва уни статистик баҳолаш ҳамда улардан амалий мақсадларда фойдаланиш масалалари эса ишнинг

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Тўпланган маълумотлар асосида Ўзбекистон тоғ дарёлари муаллақ оқизиклари билан сув сарфларининг ўртача ойлик қийматлари орасидаги боғланиш графиклари компьютерда, махсус дастурлар асосида қурилди. Ушбу турдаги боғланиш графиклари Ўзбекистон тоғ дарёлари, яъни Чирчиқ-Оҳангарон, Сангзор, Зоминсув, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё хавзаларида фаолият кўрсатаётган айрим гидрологик постлар маълумотлари асосида тузилди ва таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

### Ўрганилган дарёлар ҳақида айрим маълумотлар

т/р	Дарё - кузатиш жойи	F, км <sup>2</sup>	H, м	Кузатиш йиллари			
				Q, м <sup>3</sup> /сек	R, кг/сек	сони	
						Q	R
1	Писком - Муллала қ.	2540	2740	1965-2010	1965-2010	46	46
2	Оҳангарон - Ертош д. қ.	1110	2500	1971-2010	1971-2010	40	40
3	Зоминсув - Дуаба қ.	546	2247	1947-2010	1966-2010	64	44
4	Оқдарё - Оғалиқ қ.	70,9	-	1985-2010	1985-2010	26	26
5	Қашқадарё - Варганза қ.	511	1800	1927-2010	1939-2010	84	72
6	Сурхондарё - Шўрчи қ.	8700	1650	1970-2010	1970-2010	41	41

Изоҳ: F - сув тўплаш майдони, H - ўртача баландлиги, Q - сув сарфи, R - муаллақ оқизиклар сарфи.

Юқоридаги жадвалдан кўришиб фарқ қилади (F=8700 км<sup>2</sup>).

турибдики, танланган дарёлар ичида энг кўп кузатиш ишлари олиб борилган дарё Қашқадарё (Варганза қ.) бўлиб, унда сув сарфларини кузатиш давомийлиги 84 йилга тенг бўлса, муаллақ оқизиклар сарфлариники эса 72 йилни ташкил этади. Бошқа дарёлардан фарқли равишда, Оқдарё (Оғалиқ қ.) кузатишлар сонининг қисқалиги билан ажралиб туради (26 йил). Дарёлар ичида Сурхондарё (Шўрчи қ.) ўзининг сув тўплаш майдонининг катталиги билан бошқалардан

Ишда кўйилган мақсадга эришиш учун сув ва муаллақ оқизиклар сарфларининг кузатилган кўп йиллик ўртача ойлик қийматлари орасидаги боғланиш графиклари ўрганилди. Ушбу боғланишларни ифода қиладиган 1,2,3,4,5,6-расмлардан кўришиб турибдики, Писком дарёсининг ўртача ойлик сув ва муаллақ оқизиклари сарфлари орасидаги боғланиш зичлиги, яъни корреляция коэффиценти 0,881 ни, унинг хатолиги эса ± 0,023 ни ташкил этди.

2-жадвал

### Ўзбекистон тоғ дарёлари ўртача ойлик муаллақ оқизиклари билан сув сарфларининг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи регрессия тенгламалари ва уларнинг аниқлиги


Дарё - кузатиш жойи	Регрессия тенгламаси	$r_0 \pm \sigma_{r_0}$
Писком - Муллала қ.	$R = 0,0038 Q^2 - 0,5738 Q + 21,203$	$0,881 \pm 0,023$
Оҳангарон - Ертош д. қ.	$R = 0,0052 Q^2 - 0,0999 Q + 0,9826$	$0,585 \pm 0,070$
Зоминсув - Дуаба қ.	$R = 0,0496 Q^2 + 0,0164 Q - 0,0368$	$0,633 \pm 0,061$
Оқдарё - Оғалиқ қ.	$R = 0,0021 Q^2 + 0,1498 Q - 0,0358$	$0,550 \pm 0,092$
Қашқадарё - Варганза қ.	$R = 0,1179 Q^2 - 1,5867 Q + 4,4706$	$0,872 \pm 0,019$
Сурхондарё - Шўрчи қ.	$R = 0,0129 Q^2 + 0,4778 Q - 9,7689$	$0,797 \pm 0,038$

Изоҳ:  $r_0 \pm \sigma_{r_0}$  - корреляция коэффиценти ва унинг хатолиги


Оҳангарон (Ертош д. қ.) дарёсида корреляция коэффиценти 0,585 ни ташкил

қилган бўлса, корреляция коэффициентининг хатолиги, Писком дарёсидан фарқли равишда,  $\pm 0,070$  га тенг бўлди. Ҳисоблашлар натижалари шуни кўрсатадики,


Зоминсув (Дуаба қ.) дарёси учун олинган корреляция коэффициентининг қиймати  $0,633$  га, хатолиги эса  $\pm 0,061$  га тенг (2-жадвал).




1-расм.  $R_{ой} = f(Q_{ой})$  боғланиш графиги (Писком - Муллала қ.)




2-расм.  $R_{ой} = f(Q_{ой})$  боғланиш графиги (Оҳангарон - Ертош д. қ.)




3-расм.  $R_{ой} = f(Q_{ой})$  боғланиш графиги (Зоминсув - Дуаба қ.)



4-расм.  $R_{ой} = f(Q_{ой})$  боғланиш графиги (Оқдарё - Оғалиқ қ.)



5-расм.  $R_{ой} = f(Q_{ой})$  боғланиш графиги (Қашқадарё - Варганза қ.)



6-расм.  $R_{ой} = f(Q_{ой})$  боғланиш графиги (Сурхондарё - Шўрчи қ.)

Ушбу жадвал маълумотларига Писком (Муллала қ.)да ( $r = 0,881$ ), Қашқадарё (Варганза қ.)да ( $r = 0,872$ ), ва

Сурхондарё (Шўрчи қ.)да ( $r = 0,797$ ) қайд этилди. Аксинча, ўрганилган дарёлар ичида боғланиш зичлиги Оқдарё (Оғалиқ қ.) дарёсида нисбатан кичиклиги билан ажралиб туради ( $r = 0,550$ ).

Ушбу турдаги боғланиш графикларини ўрганиш натижасида олинган таҳлиллар улардан гидрологик ҳисоблашлар амалиётида бевосида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди. Масалан, айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра, баъзи йилларда ёки ойлarda муаллақ оқизиклар сарфларининг кузатилмай қолган айрим қийматларини юқоридаги графиклар ёки регрессия тенгламалари ёрдамида тиклаш мумкин. Келажакда, сув ва муаллақ оқизиклар сарфлари орасидаги боғланишларни, гидрологик ўзгарувчиларнинг экстремал қийматларини бир вақтда ҳисобга олган ҳолда ўрганиш янада ижобий натижалар бериши мумкин.

Тадқиқот ишлари жараёнида, танланган дарёларда кўп йиллар давомида кузатилган сув ва муаллақ оқизиклар сарфларининг йил давомида тақсимланиши таҳлил қилинди. Ҳисоблаш ишлари натижасида, танланган дарёларда сув ва муаллақ оқизиклар сарфларининг асосий қисми ёзги 5 ойлик (апрель-август) даврга тўғри келиши аниқланди. Ушбу ойлarda Писком (Муллала қ.) дарёсида сув

миқдорининг 74 % ва муаллақ оқизикларнинг 95 % оқиб ўтади. Оҳангарон (Ертош қ.) дарёсида эса сув оқимининг 82 % ва муаллақ оқизикларнинг 92 % апрель-август ойларида тўғри келади. Ушбу қийматларга ўхшаш натижалар бошқа дарёлар учун ҳам олинди.

#### Хулоса

1. Ўзбекистон тоғ дарёлари муаллақ оқизиклари сарфларининг миқдорлари дарёлардаги сув сарфлари қийматлари, ҳавзанинг рельефи, нишаблиги, ундаги тупроқ-грунтларнинг сув шимиш хусусиятлари каби омиллар билан боғлиқдир;

2. Ўрганилаётган дарёларда кузатилган ўртача ойлик сув ва муаллақ оқизиклар сарфларининг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи регрессия тенгламалари ва уларнинг аниқлиги баҳоланди. Энг зич ва шу туфайли аниқ боғланишлар Писком (0,881), Қашқадарё (0,872), Сурхондарё (0,797) учун олинди;

3. Танланган дарёларда кўп йиллар давомида кузатилган сув ва муаллақ оқизиклар оқими йил давомида тақсимланиши таҳлил қилинди. Ўрганилган барча дарёларда сув ва муаллақ оқизиклар оқимининг асосий қисми ёзда, яъни апрель-август ойларида оқиб ўтиши аниқланди.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Алексеев Г.А. Объективные методы выравнивания и нормализации корреляционных связей. - Л.: Гидрометеиздат, 1971. - 363 с.
2. Иванов Ю.Н. Сток взвешенных наносов рек бассейна Сырдарьи // Тр. САНИГМИ. - 1967. - Вып. 36(51). - 309 с.
3. Хикматов Ф.Х. Анализ стока взвешенных наносов рек Центральной Азии // Проблемы освоения пустынь. - Ашхабад, 2001. - № 1. - С. 39-46.
4. Хикматов Ф.Х. Водная эрозия и сток взвешенных наносов горных рек Средней Азии. - Ташкент: «Fan va texnologiya», 2011. - 248 с.
5. Шульц В.Л. Интенсивность смыва с поверхности горной области Средней Азии. - Метеорология и гидрология, 1947. - № 1. - С. 37-41.
6. Щеглова О.П. Формирование стока взвешенных наносов и смыв с горной части Средней Азии // Тр. САНИГМИ. - 1972. - Вып. 60 (75). - 228 с.

**Ўринов Б.С., Қодирова М.М.**

### **ЧЕКЛАНГАН СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ОМИЛЛАРИ**

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон кишлок хўжалиги тармоқларида фойдаланилаётган сув ресурслари, улардан самарали фойдаланишни таъминлаш ва сув ресурслари салоҳиятини ишга солишнинг йўллари тўғрисида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** чекланган сув ресурслари, суғориладиган ерлар, вегетация даври, кишлок хўжалиги, экин турлари, ердан фойдаланиш.

**Уринов Б.С., Қодирова М.М.**

## ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ОГРАНИЧЕННЫХ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ

**Аннотация:** в статье рассматриваются вопросы ввода в действие потенциала существующих ограниченных водных ресурсов с целью обеспечения устойчивого развития различных отраслей сельского хозяйства Узбекистана.

**Ключевые слова:** ограниченные водные ресурсы, орошаемые земли, вегетационный период, сельское хозяйство, вид посева, землепользование.

Urinov B.S., Kodirova M.M.

## ORGANIZATIONAL FACTORS IMPROVE THE UTILIZATION SCARCE WATER RESOURCES

**Abstract:** it was given the information about ways of using water resource, providing with it, supplying for powerful of water resource in agriculture divisions of Uzbekistan in the article.

**Key words:** limited water resources, arable land, growing season, agriculture, type of crop and land use.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси-нинг аграр соҳаси ишлаб чиқариши асосан суғориладиган ерларда олиб борилади. Мамлакат кишлок хўжалиги ялпи маҳсулотининг 98 фоизи суғориладиган ерлардан олинмоқда. Бир йилда жами ишлатилаётган сув ресурсларининг 90 фоизи кишлок хўжалигида, қолган қисми эса аҳоли истеъмоли, саноат, қурилиш ва халқ хўжалигининг барча тармоқлари эҳтиёжлари учун фойдаланилмоқда. Сувга бўлган талабнинг ўсиб бораётганлиги, аксинча сув ресурслари ҳажмининг нисбатан камаяётганлиги шароитида унга нисбатан пайдо бўлаётган қўшимча талаблар асосан кишлок хўжалигига берилаётган сув ҳисобидан кондирилмоқда.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Ўзбекистон халқ хўжалиги тармоқларида фойдаланилаётган сув ресурсларининг 10-12 фоизигина мамлакат худудида шаклланиб, қолган 88-90 фоизи қўшни давлатлардан оқиб келади. Ушбу ҳолат мамлакатда сув ресурсларидан фойдаланишда ўта оқилона ва тежамли сиёсат юритиш заруриятини белгилаб беради.

Бозор муносабатлари, минтақада сув ресурсларининг чекланганлиги, истеъмоличиларнинг сувга бўлган талабининг

мунтазам ошиб бораётганлиги, бундан кейин сарфланадиган сув бирлиги ҳисобига олинаётган маҳсулот миқдори кўрсаткичини асосий мезон сифатида қабул қилиш заруриятини белгилаб беради.

Сувдан фойдаланишда муҳим масалалардан бири бу, экин турларини жойлаштиришда уларнинг сувга бўлган талаби муддатларини ҳисобга олишдир. Жумладан, эрта баҳорда экилиб, март, апрель ва май, июнь ойларида йиғиб олинадиган экинлар ёки кеч баҳорда экилиб, ҳосили кузда йиғиб олинадиган экинлар ва ҳоказо.

Экинларни экиш муддатларига қараб, тўрт гуруҳга бўлиш мумкин. Ҳар бир экин турини жойлаштиришда бош мезон, биринчидан, сув бирлигига олинган соф даромад, иккинчидан, уларнинг сувга бўлган талаб муддатлари бўлиши керак. Бу, биринчи навбатда, мамлакат худудига кириб, самарасиз ҳолатда чиқиб кетадиган катта-кичик сув манбаларидан фойдаланиш имконини беради.

Экинларнинг йил давомида сувга бўлган талабини эътиборда тутиш, канал ва ариқлардан йил бўйи самарали фойдаланилган ҳолда, вегетация даврида каналлардан ортиқча сув ҳайдаш, канал ва ариқларнинг тез ишдан чиқишига олиб келади.

### Кишлоқ хўжалиги экинларининг экиш ва ривожланиш даври бўйича гуруҳланиши

Экиш муддатлари	Экин турлари
I. Кузда экилиб, кишки вегетация билан ривожланадиган экинлар	Кузги буғдой, кузги пиёз, кузги беда, саримсоқ, рапс
II. Эрта баҳорда экиладиган экинлар	Беда, арпа, баҳорги буғдой, лавлаги, пиёз, помидор, картошка, бодринг, карам, эртаги резавор экинлар.
III. Баҳорда ўрта ва кеч экиладиган экинлар	Пахта, маккажўхори, шоли, полиз экинлари
IV. Ёзда такрорий экин сифатида экиладиган экинлар	Мош, маккажўхори, тарик, кузги сабзавот.

Чекланган сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг йўлларида бири ерларни 3-4 йилда капитал текислаб

туришдир. Ерларни капитал текислаш орқали қуйидагиларга эришиш мумкин:

-сув сарфи 2,0-2,5 маротаба қисқаради;

-ердан фойдаланиш самарадорлиги ошади, гектар тўлиқ бўлишига, вақтинча очиладиган ўқариқлар қисқариши ҳисобига эришилади;

-шўр ерларда шўр ювиш сифати ошади, шўр ювиш учун сарфланадиган сувнинг ҳажми камаяди;

-ўсимликларнинг бир текис униб чиқиши таъминланади, бунинг ҳисобига ҳосил бир текис етилади;

-текислик ҳисобида пайкалда қўллаган ва чала суғорилган ерлар бўлмайди;

-суғоришдан сўнг ерларнинг бир текис етилиши ҳисобига культивация сифати ошади.

-тупроқ намлигини бир текис ушлаб туриш ва тупроқнинг юмшоқлик сифатининг ошиши ҳисобига ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши 8-10 кунга тезлашади.

Таҳлилларга қараганда, юқорида санаб ўтилган омиллар сув сарфини 30-35 фоизга камайтириш, ўсимликнинг бир текис ўсиши ва ривожланиши эса ҳосил сифатини яхшилаш ва уни сотиш баҳосининг юқори бўлишига имкон беради.

Сув ресурсларидан юқори самара билан фойдаланиш имкониятини яратувчи омиллар сифатида яна қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

-плёнка остида экин етиштириш технологиясини қўллаш;

-пахта-беда-ғалла алмашлаб экиш схемасини қўллаш;

-пушта олиб чигит экиш;

-хайдов чуқурлигига эътибор бериш;

-қатор оралатиб суғориш усулини қўллаш;

-томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш усуллари қўллаш.

Плёнка остида маҳсулот етиштиришни жорий қилиш, биринчидан, сув сарфини камайтириш, иккинчидан, ҳосилни эртароқ йиғштириб олиш, учинчидан, маҳсулот сифатини яхшилаш, тўртинчидан, ерни вақтлороқ экинлардан бўшатиш ва, бешинчидан, сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишни таъминлайди. Энг ривожланган қишлоқ хўжалиги технологиясига эга бўлган Хитойда ушбу технология 1,3 млн гектарда қўлланилиб, сувдан фойдаланиш коэффициентини 90 % гача кўтаришга эришилган.

Пушта олиш ва ерларни чуқур юмшатгичлар ёрдамида юмшатиш, агротехнологик тадбирларни қўллаш натижасида баҳорда ерларни экишга тайёрлашга зарурат қолмайди, тупроқнинг ўз нами билан чигитни ундириб олиш, экишни бошқа майдонларга нисбатан 8-10 кун олдин ўтка-зиш ва сувни тежаш имкониятини яратиб, эртаги ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайди. Таҳлилларга қараганда, бундай майдонларда вегетация суви бир марта кам берилади ва ҳар бир гектар майдон ҳисобида 1,2-1,14 минг м<sup>3</sup> сув тежаб қолинади.

Ривожланган давлатларда сув сарфини камайтириш учун томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш усуллари кенг фойдаланилмоқда. Бу усулларда сувни белгиланган меъёрий миқдорда ва ўсимликнинг ҳолатига қараб бериш мумкин. Бу усулларда бир суғоришда берилаётган сув ҳажмини камайтиришга эришилади, пайкалнинг маълум қисмига кўшимча сув бериш керак бўлса, уни алоҳида суғориш имконияти яратилади.

Томчилатиб ва ёмғирлатиб суғорилган майдонларда сув ерга ортиқча сингиб кетмайди, чунки тупроқнинг намланиш қатлами 40 сантиметрдан ошмайди, ўсимликлар илдизининг асосий қисми асосан шу қатламда жойлашади. Натижада сувни ер остига сингиб кетишининг камайиши ҳамда катта майдонларга сувни коллекторлар ва дренажларга чиқиб кетишининг олди олиниши туфайли, коллектор-дренажлар эксплуатациясига сарфланадиган маблағни тежаш имконини беради.

**Хулоса.** Сувни тежаб тергаб фойдаланишни ташкил қилишда сувга баҳо белгилаш ва уни амалиётда қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда сувга нисбатан товар сифатида қаралиши оқибатида, ундан оқилона фойдаланиш истеъмолчилар нуктаи-назаридан биринчи масалага айланади.

Экинларни суғоришда ташлама, зовур ва ер ости сувларидан суғоришда фойдаланиш сув ресурслари салоҳиятини ишга солишнинг муҳим захирасидир. Маълумотларга кўра, дарё суви билан суғорилган ерларнинг ҳар гектаридан 35,4

центнер, аралаштирилган сув билан омилларидан аксарияти кўшимча капитал суғорилганда 30 центнер пахта ҳосили олиш маблағлар сарфини талаб қилса, айримлари мумкин. Юқорида санаб ўтилган, чекланган аграр тармоқда маълум даражада таркибий сув ресурсларидан фойдаланиш ўзгаришлар қилиш заруриятини келтириб самарадорлигини оширишнинг ташкилий чиқаради.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўлиқ ҳаёт манбаи. – Тошкент, 1998.
2. Абдуллахонов Р.А. Ўзбекистонда сув хўжалиги комплекси ва унинг муаммолари. – Тошкент, 2002.
3. Абдулхамидов А. Орошения в предгорьях Узбекистана. – Тошкент: Фан, 1990.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни – Тошкент, 1993.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сувдан чекланган микдорда фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида”ги 385-сонли Қарори. – Тошкент, 1993.

### Холикулов Ш.Т., Разикова З.Э.

#### ТУПРОҚ ИҚЛИМИНИ ЎРГАНИШ: ЎТМИШИ ВА КЕЛАЖАГИ<sup>1</sup>

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон худудидаги тупроқларнинг илмий ўрганилганлик даражаси ёритилган. Бу борада амалга оширилган тадқиқотлар таҳлил қилинган, келажакда амалга ошириладиган тадқиқотлар вазибалари белгиланган.

**Калит сўзлар:** тупроқ ҳарорати, суғориладиган бўз тупроқлар, тупроқнинг иссиқлик ва намлик режими, тоғ жигаранг тупроқлар, бўз тупроқлар, пушта, ҳарорат амплитудаси, самарали ҳарорат, фаол ҳароратлар йиғиндиси.

### Холикулов Ш.Т., Разикова З.Э.

#### ИССЛЕДОВАНИЕ КЛИМАТА ПОЧВИ: ПРОШЛОЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ

**Аннотация:** в статье приведена степень изученности тепловых свойств почв на территории Узбекистана. Полученные результаты показывают, что климат почв Узбекистана изучен с точки зрения агрометеорологии, т.е. температура почв рассматривается как основной фактор, влияющий на развитие сельскохозяйственных культур.

**Ключевые слова:** температура почвы, орошаемые сероземы, тепловой режим почвы, амплитуда температуры, эффективная температура, сумма активных температур.

### Xolikulov Sh.T., Razikova Z.E.

#### STUDYING THE PAST AND FUTURE CLIMATE OF SOIL

**Abstract:** the article describes the degree of scrutiny of the thermal properties of the soil on the territory of Uzbekistan. The obtained results show that climate soils Uzbekistan studied in terms of meteorology, soil temperature as the main factor influencing the development of agricultural crops. By type end genetic horizons of the soil has not been studied.

**Key words:** soil temperature, soil, thermal regime of the soil temperature, amplitude, the effective temperature, the amount of active temperature.

Тупроқ иқлимидини ўрганиш тарихи деҳқончилик тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, улардан олин-диган ялпи ҳосил микдорини кўпайтириш, деҳқончилик экин майдонлари география-сини аниқлаш, экиш ва йиғиб олиш муддатларини белгилаш каби масалалар деҳқонларни тупроқ иқлими шароитларини ўрганишга мажбур қилган. Натижада, деҳқончилик билан шуғулланадиган аҳоли иқлим ва об-ҳаво билан бир қаторда, асосан, тупроқ ҳарорати ва унинг намлиги билан қизиқишга ва бу тўғрида керакли маълумотга эга бўлишга ҳаракат қилган.

Тупроқ иқлими тўхтовсиз ҳаракатда

бўлиб турган физик жараёнларнинг ҳаво-тупроқ-ўсимлик тизимидаги ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Тупроқ иқлимидини ташкил этувчи компонентлар тупроқ ҳарорати, тупроқ намлиги ва тупроқ ҳавосидан иборатдир.

Тупроқ ҳарорати тупроқ иқлимидининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Ҳарорат тупроқда ўсадиган ўсимлик ва унда яшайдиган микроорганизмлар учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга. Барча ўсимликларнинг уруғи униб чиқиши учун маълум даражадаги биологик минимум ҳарорат талаб қилинади. Ер шарида табиат зоналарининг шаклланиши, флора ва фауна-нинг тақсимланиши, қишлоқ хўжалиги

<sup>1</sup>Мақоланинг номланиши география фани нуқтаи назаридан анча гализ, хусусан “тупроқ иқлими” тушунчаси шубҳали – Таҳририят.

экинлари географияси кўп жихатдан тупроқ ҳароратининг тақсимланишига боғлиқ. Тупроқнинг ҳарорат ўтказувчанлиги, иссиқлик ўтказувчанлиги ва иссиқлик сиғими ҳароратнинг замон ва макон бўйлаб тарқалиш қонуниятларини аниқлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Тупроқ иқлими ҳақида тушунча фанга рус олимлари томонидан киритилган. Атмосфера иқлими билан тупроқ иқлими боғлиқ бўлиши ва, шу билан бирга, улар ўртасида катта фарқ борлигини XIX-XX асрларда яшаб ижод этган рус тупроқшунос олимлари кўрсатиб ўтган. Тупроқнинг физик хоссалари ва режимлари нафақат атмосфера иқлимига, балки тупроқ таркибига, рельефга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳамда инсон хўжалик фаолияти натижасида кўрсатиладиган таъсирга ҳам боғлиқдир [3,4].

Дастлаб тупроқ иқлимини ўрганиш зарурлиги ҳақидаги фикр А.И.Воейков томонидан XIX аср охирида ва XX аср бошларида билдирилган. П.И.Колосков (1946) биринчи бўлиб тупроқ иқлимшунослиги фанини алоҳида фан сифатида ажралиб чиқиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр билдирган ва тупроқ иқлими фани ҳақида қуйидагича фикр билдирган: “тупроқ иқлими – тупроқнинг ички қисмида суткалик ва йиллик цикл давомида содир бўладиган физик ҳодисалар йиғиндисининг тупроқ ҳатиёга, унинг унумдорлигига ҳамда ташқи иқлимга, тупроқ супстратига ҳамда инсониятнинг тупроқ ва унинг қатламларига таъсирини ўрганади.”

Тупроқ иқлимини илмий жихатдан тадқиқ қилиш, айниқса, унинг ҳарорати ва намлигини ўрганиш, муҳим иқлим ресурси сифатида ундан фойдаланиш, зарурий мақсадлар учун бошқариш масалалари бўйича асосий илмий тадқиқотлар XX асрнинг иккинчи ярмида А.М.Шульгин (1972), Роде (1965, 1969), Вериге, Разумова (1963), Димо (1972), А.П.Следяднев (1978) ва бошқалар томонидан амалга оширилди.

Ўзбекистон тупроқларининг ҳарорати ва иссиқлик хоссаларини ўрганиш XX асрнинг 60-70 йилларидан бошланган. Гидрометеорологик станциялар тизимида тупроқ ҳароратини ўрганиш ягона дастур асосида олиб борилган. Тупроқ ҳароратини

ўрганишдан асосий мақсад маданий экинларни экиш муддатларини ва уларни етиштириш мумкин бўлган географик чегараларни аниқлашдан иборат бўлган. Дастлабки тупроқ иқлимини ўрганишга доир илмий изланишлар асосан суғориладиган тупроқлар шароитида муҳим техник экин – ғўза экилган майдонларда Л.Н.Бабушкин, М.А.Блюм (1953) ва А.А.Скворцовлар (1964) томонидан амалга оширилган. Бу изланишлар асосан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш муддатларини белгилаш, вегетация даврининг давомийлигини аниқлаш нуқтаи назаридан ўрганилган. Кейинчалик, бу олинган маълумотлар тупроқларнинг микроиқлими, иссиқлик баланси, ҳарорат режимларини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилган.

Ф.А.Мўминовнинг (1970) илмий изланишларида маккажўхори, картошка, беда экилган майдонларнинг микроиқлими, иссиқлик баланси, тупроқ ҳарорат режими ўрганилган ва унинг қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига таъсири кўрсатиб берилган.

Тошкент воҳасининг қадимдан суғориладиган бўз тупроқлари шароитида ғўза экилган далалар тупроқларининг иссиқлик хоссалари, ҳарорат режими, намлиги ва ғўза майдонларининг иссиқлик баланси И.Турапов (1976, 1981, 1994) томонидан ўрганилган бўлиб, тадқиқотчи ўз илмий изланишлари натижасида ғўзанинг сув, иссиқлик баланси, буғланиш миқдори ва транспирациянинг унинг ўсиши ва ҳосилдорлигини оширишдаги амалий аҳамияти кўрсатиб берилган.

Қарши чўлининг ўзлаштирилиши муносабати билан оч тусли бўз тупроқларнинг ҳарорат режимига ғўзани суғоришнинг таъсири 1965 йилда ўрганилган. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида аниқланишича, суғори 50 см чуқурликкача бўлган тупроқ ҳароратини кескин пасайтириб юборган ва 100 см чуқурликда тупроқ ҳарорати деярли ўзгармаган, 150, 200 ва 300 см чуқурликда, аксинча, ҳарорат кўтарилганлиги аниқланган. Бундан ташқари, суғориш натижасида тупроқ юзасида июль ойида назорат вариантыга нисбатан 23<sup>0</sup>С гача тупроқ ҳарорати пасайганлиги, 5, 15, 30 см чуқурликларда эса 3-4<sup>0</sup>С га

пасайганлиги қайд қилинган [12].

1966-1972 йилларда Ўзбекистон ФАнинг Тупроқшунослик ва агрохимё илмий тадқиқот институти илмий ходимлари Тошкент воҳасининг Чирчиқ-Ангрен ҳавзаси тоғ ва тоғ олди ҳудуди турли ёнбағирларидаги тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз тупроқларнинг иссиқлик ва намлик режимини ўрганган. Тупроқнинг йиллик ҳарорати режимини ўрганиш натижасида (1969-1972), тўқ тусли бўз тупроқларнинг йил давомида деярли музламаслиги аниқланган. Максимал ҳарорат 0,2 м да июль ойида  $+10^{\circ}\text{C}$ , апрель-ноябрь ойларида бу ҳароратнинг 210 см чуқурликкача етиб бориши аниқланган [9, 12].

Тошкент воҳасининг суғориладиган бўз ва ўтлоқ тупроқлар шароитида 1973-1977 йилларда полиэтилен плёнка билан мулчланишнинг ғўза вегетация даври давомида тупроқнинг намлик ҳамда ҳарорат режимларига таъсири ўрганилган. Мулчланган ғўза қаторларида тупроқ ҳарорати 2,5 см чуқурликда, назорат вариантыга нисбатан, апрель ойида  $12-15^{\circ}\text{C}$  гача, ўртача суткалик ҳарорат эса  $5,8^{\circ}\text{C}$  юқори бўлиши ва вегетация даврининг 20-25 кунга тезлашиши аниқланган [13, 15].

Мазиров М.А. (1988) томонидан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани ҳудудидаги Тянь-Шань тоғ тизмасининг жанубий ёнбағирларидаги тоғ жигарранг тупроқларининг иссиқлик хоссалари ва намлик режими ўрганилган. Бунда тоғ жигарранг тупроқлари шароитида ўстирилган мевали боғларнинг тупроқнинг намлик ва иссиқлик режими шаклланиш қонуниятларига таъсири аниқланган. Тоғ жигарранг тупроқлари иссиқлик сифмининг уларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги, ҳарорат ўтказувчанлиги, нам сифми ва намлик миқдори билан боғлиқлик муносабатлари ўрганилган.

Ўзбекистон ҳудудидаги асосий вертикал зоналик бўйича тарқалган тупроқларнинг иссиқлик режими ва уни бошқариш бўйича илмий изланишлар И.Турапов (1994) томонидан 1970-1990 йиллар давомида амалга оширилди. Натижада Ғарбий Тянь-Шань тоғ вертикал зоналиги бўйича жойлашган тупроқларнинг ҳарорат режими, иссиқлик баланси,

тупроқ-атмосфера тизимида иссиқлик алмашилиши ва тупроқнинг исиш кўрсаткичлари аниқланди.

Зарафшон воҳасининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида шаффоф полиэтилен плёнка билан мулчланган тупроқ намлиги ва ҳароратнинг тупроқ хоссалари ва ғўза ҳосилдорлигига ижобий таъсири масалалари аниқланган. Апрель, май ойларида полиэтилен плёнка билан мулчланган тупроқнинг эффе́ктив ҳарорати йиғиндиси назорат вариантыга нисбатан  $1100^{\circ}\text{C}$  га ортиқча бўлган. тупроқни исиш кўрсаткичи плёнка тагидаги 1,08 дан 1,24 га ошган [16].

Қадимдан суғориладиган ўтлоқ ва янгидан суғориладиган бўз-ўтлоқ тупроқлар шароитида 5-10 см чуқурликда, ариқ ва жўякларда, текис ерга нисбатан тупроқ ҳарорати  $3-4^{\circ}\text{C}$  га юқори эканлиги ва тонг пайтида бу ҳароратлар ўртасидаги фарқ камайиб,  $0,9-1,0^{\circ}\text{C}$  га тенг эканлиги аниқланган. 10 см чуқурликдаги ҳарорат фарқи соат  $18^{\circ}$  да  $3-1^{\circ}\text{C}$  га тенг бўлган. Тупроқ ҳароратининг жўяк ва пуштада текис ерга нисбатан юқори эканлиги, ғўза вегетацияси даври давомида чуқурлик ошган сайин тупроқ ҳароратидаги фарқ камайиб бориши аниқланган.

Мирзачўл воҳасидаги янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида ғўза экилган майдонлар ялтироқ полиэтилен плёнкаси билан мулчланганда, тупроқ ҳарорати 5 см чуқурликда назорат вариантыга нисбатан минимал фарқ ( $1,5^{\circ}\text{C}$ ) бўлган бўлса, 50 см чуқурликда бу кўрсаткич  $0,3^{\circ}\text{C}$  га тенг бўлган. Максимал фарқ эса  $4,8-2,9^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этган.

Зарафшон воҳасидаги ўтлоқ тупроқ шароитида ўтказилган тажрибаларда шаффоф полиэтилен плёнка билан мулчланган ғўза майдонларида эрта баҳорда 10 см чуқурликда тупроқ ҳарорати назорат вариантыга нисбатан  $6^{\circ}\text{C}$  юқори бўлган (Остонов, 2000).

Зарафшон воҳаси тоғ олди минтақасидаги суғориладиган типик бўз тупроқларини шаффоф полиэтилен плёнка билан (тамаки экилган майдонларни) мулчлаш 10 см чуқурликда тупроқнинг ҳарорати сутка давомида  $2,0-5,5^{\circ}\text{C}$  гача, 50 см чуқурликда эса  $0,8-1,6^{\circ}\text{C}$  гача ошириши аниқланган



[17].

Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати маркази станциялари маълумотларига асосан Ўзбекистон тупроқларининг иссиқлик режими О.Султашева томонидан ўрганилган ва ҳаво ҳарорати билан тупроқ ҳарорати ўртасидаги боғлиқлик аниқланиб, 5, 10, 15, 20 °С ли ҳароратларнинг йилнинг қайси муддатларига тўғри келиши, тупроқ ва ҳаво ҳароратининг боғлиқлиги, 0,2 м даги тупроқ ҳароратининг амплитудаси аниқланган. Ўзбекистон тупроқ иқлими округлари харитаси тузилган [1].

Ўзбекистоннинг тупроқ ҳароратини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон тупроқларининг иссиқлик режими тупроқ типлари ва уларнинг генетик горизонтлари бўйича тизимли ўрганилмаган. Олинган натижалар асосан агрометеорологик нуқтаи назардан, тупроқ ҳароратини қишлоқ хўжалиги экинларига таъсири ва уни бошқариш нуқтаи назаридан ўрганилган. Келтирилган маълумотларнинг барчаси ҳам ягона услуб ва талаблар асосида бажарилмаган. Айрим тадқиқотчилар томонидан аниқланган маълумотларга асосланиб, тупроқ ҳарорати ёки иссиқлик режимининг қонуниятлари ҳақида ҳулоса қилиш қийин. Фикримизча, Ўзбекистон ҳудудидаги тупроқларнинг иссиқлик хоссалари ва режимини тизимли равишда ўрганиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

- суғориладиган ва лалмикор шароитдаги тупроқларнинг зонал ва провинциал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, иссиқлик хусусиятларини қишлоқ хўжалиги ҳамда иқтисодиёт нуқтаи назардан ўрганиш;

- арид иқлим шароитида ҳар бир алоҳида олинган ҳудуддаги тупроқларнинг

иссиқлик ва намлик режимларининг динамик хусусиятларини ҳамда улар ўртасидаги умумий боғлиқлик қонуниятларини аниқлаш;

- суғориладиган ва лалмикор деҳқончилик шароитида (тоғли ҳудудлар деҳқончилигини ҳам ҳисобга олган ҳолда) тупроқларнинг иссиқлик ва сув балансини суткалик, ойлик, йиллик ҳамда кўп йиллик цикли ўзгаришларини ўрганиш;

- тупроқ иқлимнинг асосий компонентлари бўлган ҳарорат, намлик ва ҳаво хусусиятларини, қиш ва ёз даврлари учун ўсимликлар ҳаёти нуқтаи назардан баҳолаш ҳамда тупроқ-ўсимлик-атмосфера тизимидаги боғлиқларнинг хусусиятларини аниқлаш;

- тупроқ иқлими билан боғлиқ бўлган барча алоқадор фанлар йўналишларидаги маълумотларни ягона услубий системада юзажарилишини таъминлаш ва тупроқ иқлимига доир маълумотларни тупроқ бонитет балларини белгилашда ҳисобга олиш;

- тупроқ иқлимига доир маълумотлар асосида моделлар яратиш ва маълумотларни олишда, ҳозирги замон талаблари даражасида ўлчаш асбобларига таяниш ва аэрокосмик усуллар орқали олинган маълумотлардан фойдаланиш;

- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш учун тупроқ иқлимини бошқаришнинг самарали усулларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- макон ва замонда тупроқнинг ички қатламларидаги иссиқлик ресурслари миқдорларини аниқлаш ва улардан инсон фаолияти учун зарур бўлган мақсадларда фойдаланиш технологияларини яратиш.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев А.К., Султашова О.Г. Тепловой режим и многолетние значения температуры почвы на различных глубинах по территории Узбекистана. – Ташкент, 2008. – 165 с.
2. Бабушкин Л.Н., Блюм М.Б. Влияние погоды на развитие хлопчатника в Узбекистане. – Ташкент, 1953. – С. 6-10.
3. Димо В.Н. Тепловой режим почв СССР. – М.: Колос, 1972. – 359 с.
4. Димо В.Н., Шульгин А.М. История развития, современное состояние и задачи исследований климата почв. – Л.: Гидрометеоздат, 1985. – С. 3-7.
5. Курвантаев Р. Оптимизация и регулирование агрофизического состояния орошаемых почв пустынной зоны Узбекистана: Автореф. док. дис. с.-х. наук. – Ташкент, 2000. – С. 24-32.
6. Мазиров М.А. Теплофизические свойства и водный режим горных коричневых почв под плодовыми насаждениями: Автореф. дис. на соискание уч. ст. канд. с.-х. наук. – Ташкент, 1988. – С. 7-18.
7. Мазиров М.А. Теплофизическая характеристика почв Западного Тянь-Шаня // Сб. тезисов

- Международного 2 съезда почвоведов (27-30 июня, 1996. Кн. 1). – С.-Петербург, 1996. – С. 90-91.
8. Муминов Ф.А. Тепловой баланс и формирование урожая хлопчатника. – Л.: Гидрометеиздат, 1970. – 247 с.
  9. Султанов А. Особенности гидротермического режима богарных темных серозёмов на склоне южной экспозиции // Научные проблемы почвоведения и агрохимии. Вып. 13. – Ташкент, 1977. – С. 32-38.
  10. Скворцов А.А. Орошение сельскохозяйственных полей и микроклимат. – Л.: Гидрометеиздат, 1964. – 45 с.
  11. Турапов И. Тепловой режим тёмных серозёмов Ангрэнского бассейна // Тр. НИИПА МСХ Уз. – 1976. Вып. 12.
  12. Турапов И., Султанов А. Пути повышения плодородия орошаемых почв Узбекистана. – Ташкент, 1981.
  13. Турапов И. Тепловой режим почв вертикальной зональности Западного Тянь-Шаня и пути его регулирования: Автореф. док. дис. с.-х. наук. – Ташкент, 1994. – 47 с.
  14. Холикулов Ш.Т., Турапов И., Очилов К.М. Особенности температурного режима почв при мульчировании полиэтиленовой пленкой и навозом // Сб. тезисов 1 съезда Почвоведов Узбекистана. – Ташкент, 1990. – С. 70-71.
  15. Холикулов Ш.Т. Оптимизация свойств и режимов орошаемых почв серозёмного пояса путём мульчирования и внесения компостов при возделывании хлопчатника: Докт. дисс. – Ташкент, 1996. – 616 с.
  16. Шульгин А.М. Климат почв и его регулирование. – Л.: Гидрометеиздат, 1-72. – 262 с.
  17. Ғозиев Т.Ч. Зарафшон воҳаси суғориладиган типик бўз тупроқлари хоссалари ва тамаки ҳосилдорлигига полиэтилен плёнка билан мулчалашнинг таъсири: Автореф. к-х. фанлар номзод. – Тошкент, 2006. – б. 9-10.

## **ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ**

**Сафарова Н.И., Қаландарова М.К., Тўйчиева Г.Ш.**

### **ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Аннотация:** мақолада ўқитиш жараёнида индивидуал ёндашув ёрдамида таълим жараёнида оптималлаштириш имкониятлари таҳлил қилинган. Географияда дидактик ўйинлар орқали дарсни ташкиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** географик ўйинлар, интеллектуал ривожлантириш, ақлий операциялар, дидактик ўйин, индивидуал ёндашув, замонавий педагогик технологиялар.

**Сафарова Н.И., Қаландарова М.К., Тўйчиева Г.Ш.**

### **РАЗВИТИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧЕНИКОВ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ГЕОГРАФИИ**

**Аннотация:** в статье анализируются возможности оптимизации образовательного процесса с помощью использования индивидуального подхода в обучении. Рассмотрена организация урока с помощью дидактической игры по географии.

**Ключевые слова:** географические игры, интеллектуальное развитие, умственные операции, дидактические игры, индивидуальный подход, современные педтехнологии.

**Safarova N.I., Kalandarova M.K., Tuychieva G.Sh.**

### **DEVELOPMENT OF INTELLECTUAL ACTIVITY OF STUDENTS IN THE LEARNING PROCESS OF GEOGRAPHY**

**Abstract:** the possibilities to optimization of the educational process of the use the individual approach in education are considered in the article. About organizations of the lesson the didactic plays on geography were told in it.

**Key words:** geographical games, intellectual development, mental operations, didactic game technology, individual approach, modern teaching technologies.

**Кириш.** “Хар қандай инсоннинг энг муस्ताқил муносабатга кириша оладиган ҳам мўътабар орзуси, астойдил интиланган интеллектуал, ҳам маънавий–ахлоқий, ҳам мақсади – соғлом, баркамол авлодни жисмоний ривожланишга эриша олган тарбиялаш, хар томонлама етук инсонни шахсина ижтимоий мавқега эришади, вояга етказиш бўлиб келган ва бўлиб баркамол шахс сифатида тан олинади. келмоқда“. Ҳозирги замон ёшларнинг Назарий манбаларнинг таҳлили шуни

вазифаси ижтимоий вазифаларни бажариш кўрсатадики, география таълими жараёнида лаёқатига эга бўлган, ўзининг қизиқиши, ўқувчиларни интеллектуал жиҳатдан қобилиятини ижодий намоён эта оладиган, ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга жамиятнинг бошқа аъзолари билан бўлиб, у таълим олувчиларни рухий, ақлий

жиҳатдан ривожлантириш имкониятига эга. Бундай жараёнда ўқувчиларнинг интеллектуал фаолиятни ўзлаштиришлари ва уни кундалик ўқув ҳамда меҳнат ҳаракатлари давомида унга амал қилишлари таъминланади. Ўқувчиларнинг интеллектуал фаолиятлари таркибига кирувчи муҳим лаёқатлардан бири, турли мураккаб, иерархик структураларни лойиҳалаштириш лаёқатидир. Бу ўринда ўқувчиларнинг ўзлаштирган географик билимлари, мустақил фикрлаши ва ижодкорлик кўникмалари муҳим аҳамиятга эга. Дарсларда ўқувчиларнинг интеллектуал фаолиятларини мураккаблаштириш орқали, уларни ақлий операцияларни бажаришга ундаш мумкин.

#### **Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаси.**

География таълими жараёнининг яхлитлиги ғоясига таянган ҳолда, ўқувчиларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантирувчи дидактик воситаларни фаоллаштириш талаб этилади. Бунда ўқувчиларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантирувчи дидактик жараёнларга нисбатан вазифавий ёндашув муҳим ўрин эгаллайди. О.Е.Малская, А.В.Замков, В.А.Ляудис, И.И.Илясов, Р.Сафарова, Б.Адилов, Ш.Абдуллаева, У.Мусаевларнинг фикрларича, ўқувчилар ўқув жараёни ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлган ҳолда ахборот олишнинг турли усул ва воситаларини ўзлаштирадilar. Жумладан, компьютер дастурлари билан ишлаш, ёдда сақлаш, ўзлаштириш, маърузаларни тинглаш ва конспектлаштириш кабилар шулар сирасига киради. Бундан ташқари, ўз яшаш жойи географиясини ўрганиш география ўқитишда назарияни амалиёт билан боғлаш, реал муаммоли таълимни ташкил қилишга, ўқувчиларда эгалланган билим, кўникма, малакаларни янада такомиллаштиришга имкон яратади. Бу жараёнда ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш натижасида уларда энг зарур кўникмалар шаклланади. Бунинг учун ўқувчиларга имкон қадар кўпроқ, кенгайтирилган ўқув материалларини тақдим этиш лозим. Шу билан бир қаторда, ўқувчиларга ўқув материаллари билан ишлаш, машқлар бажариш мақсадида дидактик жиҳатдан қулай шароитларни яратиш учун, уларнинг назарий билимларни мустақил эгаллаш имкониятларини кенгай-

тириш талаб этилади. Бундай ёндашувни география таълимида дарс жараёнига кенг татбиқ этиш лозим. Бунинг натижасида ўқувчиларнинг интеллектуал тараққиётлари таъминланади ҳамда мустақил фикрлаш ва ижодкорлик фаолиятлари кенгайди. Бу улардаги географик билимларга нисбатан кизиқишлар доирасининг кенгайишида намоён бўлади, натижада ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган географик билимлар, уларнинг моддий оламни англашларига кўмаклашади.

#### **Тадқиқот объекти ва вазифаси.**

Ўқувчилар учун кенг ижод майдонини педагогик ўйин технологияларидан фойдаланиш асосида ҳосил қилиш мумкин, улар турли педагогик ўйинлар шаклидаги ўқув жараёнини ташкил қилишнинг метод ва усулларини ўз ичига олади. Педагогик ўйин жиддий белгиларига: аниқ қўйилган таълим мақсадига ва унга мос педагогик натижага эга бўлиб, уларни яққол кўринишда асослаш, ажратиш мумкинлиги ва ўқувбилишнинг йўналганлиги билан характерланади. Машғулотларнинг ўйин шакли география дарсларида ўқувчиларни ўқув-ижодий фаолиятга ундаш, рағбатлаш воситаси бўлган ўйин усуллари ва вазиятлар ёрдамида яратилади. География ўқитиш методикасида ўйин технологияларидан фойдаланиш бўйича каттагина тажриба тўпланган, кўплаб мақолалар эълон қилинган ва китоблар чоп этилган. Бироқ педагогик технология сифатида дидактик ўйинли дарсларни саводли тайёрланса ва ўтказилсагина ижобий натижа беради, афсуски бу дидактик талаб ҳамма вақт ҳам ҳисобга олинмайди. Амалиётда ўйин технологиясини қўллаш эпизодик характерда бўлиб, билиш фаолиятини ташкил этишнинг аниқ тизимига бирлашмаган.

**Бирламчи маълумотлар ва унинг тавсифи.** Педагогларнинг асослашларича, инновацион характердаги ўқув материаллари ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятлари яхлит ривожланишини таъминлайди. Ўқув-билув жараёнида ўқувчиларнинг ақлий ривожланишини таъминлашнинг дидактик асосларини яратиш учун дастлаб “интеллект” тушунчасининг мазмун-моҳиятини англаш ниҳоятда зарурдир.

Педагогик атамалар луғатида интеллект тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: а) инсоннинг ақлий қобилияти, ҳаётни, атроф-муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилияти; б) турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати; в) шахснинг ақл-идроки, заковати, ташқи дунёни идрок этиш ва ижтимоий тажрибани ўзлаштириш даражаси.

Ҳар бир ақл-идрок эгаси интеллект нима эканлигини яхши билади. Интеллект шундай неъматки, у баъзи ҳолларда айрим одамларда учрамаслиги ҳам мумкин. Шундай аён бўладики, шахс интеллектининг аниқланиши уни ривожлантириш имконини беради.

Шахснинг интеллектуал ривожланиш даражасини тавсифлашда у бажарадиган вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиш даражаларини тўла тавсифлай олгандагина, уни ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари ва воситаларини аниқ белгилай оладилар. Ўқувчиларни интеллектуал жиҳатдан самарали ривожлантириш учун, уларни барча ҳаётий вазиятларда муваффақиятли ҳаракат қилишга ўргатиш лозим.

Ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш географик ўйинлар технологияси, муаммоли ўқитиш технологияси ўқув материалларини чизмалар, белгилар ва картографик моделлардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Географик ўйинлар технологияси география таълимида жуда кенг қўлланилади ва ўзининг қизиқарлилиги, билимларни ўқувчилар томонидан осон ўзлаштирилиши билан ажралиб туради. Географик ўйинлар технологияси барча география предметларини ўрганишда қўлланиши мумкин. Муаммоли ўқитиш технологияси география таълимида янгилик эмас, у илгаридан қўлланилиб келинади. Бунда асосий вазифа бўлиб маълум бир мавзу бўйича муаммоли саволлар ёки топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни ўқувчиларга тушинтиришдир. Масалан, рельефни шаклланиши ва

ривожланиши; атмосфера ёғинларини ҳосил бўлиши; қишлоқ хўжалигини табиат зоналари бўйича ихтисослашуви, саноат тармоқларининг жойлашуви ва ҳоказолар.

О.С. Гребенюкнинг таъбирича, инсоннинг ақл-заковати тафаккур тарзи, фикрлаш усули, ақлнинг сифати, билиш жараёнлари, фикрий операциялар, билиш, ўқиш кўникмалари, дарс жараёнида ҳамда дарс, синфдан ташқарида ҳосил бўлган географик билимлар ва кўникмалар, умумтаълим доирасидаги тизимли билимлар билан тавсифланади. Ўқувчининг фикрлаш усули қуйидагиларни ўз ичига олади: ақлни бир нуктага жамлаш, бунга табиий география дарсларида бирор муаммони шакллантириш ва уни ечимда, образли: дидактик таълим технологиясининг ролли, ишчан, ишбилармонлар ўйинлари бирор мавзу юзасидан кичик гуруҳлар шакллантирилиб индивидуал ёндашган ҳолда образлар орқали мавжуд муаммоларни ечимини ҳал этишда, кўргазмалар фикрлаш, бунда эса картографик технологиялардан фойдаланиш кабилардир. Ақлнинг сифати ўқувчиларнинг фаҳмлаш лаёқатига эгаллиги, идроки, мослашувчанлиги, мустақиллиги, танқидий фикрлаши, изчил фаолият кўрсата олишида намоён бўлади. Фикрлаш операциялари давомида у ёки бу нарсаларни қисмларга ажратиш, таққослаш, қиёслаш, таҳлил этиш, умумлаштириш, тизимлаштириш, расмийлаштириш, ойдинлаштириш, шарҳлаш, тушунтириш кабилар қиради. Билиш кўникмалари эса, саволлар қўя олиш, муаммоларни қисмларга ажратиш ва яхлитлаштириш, фарзларни илгари суриш ва уларни асослай олиш, хулосалар чиқариш ҳамда эгалланган билимларни қўллаш олиш кўникмасидан иборат.

**Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Ўқувчиларнинг географик тушунчаларга асосланган назарий фикрлаш тарзи, ҳаётий ҳамда ўқув вазифаларини ечиш жараёнида турли хил географик тушунчаларга мурожаат қилган ҳолда фикрлашини ифодалайди. Бу жараёнда ўқувчилар турли тушунчаларга мурожаат қилган ҳолда ўз ҳаракатларини бевосита ақл ёрдамида бажарадилар. Образли фикрлаш жараёнида эса, муайян материаллардан у ёки бу вазифаларни бажариш мақсадида

фойдаланилади. Бу ўринда образлар муҳим аҳамият касб этади. Улар ўқувчининг хотираси ёки ижодий фаолият натижасида туғилади. Улар ўқув вазифаларни ечиш жараёнида ўзаро алоқадор образлар сифатида намоён бўлади. Бунинг натижасида эса, ўқувчилар муайян ўқув-билув ҳаракатларини бажарадилар ва ўзларини қизиқтирадиган масалаларнинг ечимини излайдилар.

Дарс жараёнида ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятига асосланган ахборотларга таяниш ва мазкур ахборотларнинг мазмунини қайта ишлашга ҳаракат қиладилар. Ўқувчиларнинг бундай тафаккур тарзи уларнинг идроклари, тасаввурлари ва дунёқарашларида акс этади. Ўқувчиларнинг билишга асосланган тафаккур тарзи учун асосан мустақил бўлмаган репродуктив ҳамда ўзаро ўхшаш, яъни конвергент фикрлаш тарзи хосдир. Ўқувчиларнинг репродуктив тафаккур тарзлари тайёр билимларни ўзлаштиришга асослангандир. Бу уларга географик маълумотларини ўзлаштириши, эса сақлаб қолиш имконини беради. Бу асосан диққат ва хотиранинг имкониятларига таянилган ҳолда амалга оширилади. Ўқувчиларнинг бундай тафаккур тарзи муайян педагогик қимматга эга. Уларнинг ривожланиши эса, ўқув жараёнининг муайян босқичларида амалга оширилади. Ўқувчиларнинг конвергент, яъни ўзаро ўхшаш тафаккур тарзининг ривожланиши уларга муаммонинг ягона, энг қулай йўлини топиш имконини беради. Бу эса, ўқувчилар олдида қўйилган саволларга уларнинг тўғри жавобни излашлари ва топишларида намоён бўлади.

Ўқувчиларнинг билишга асосланган тафаккур тарзларини ривожлантириш, уларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Бугунги кунда интеллектуал жиҳатдан тараққий этган шахсни шакллантириш учун, ўқувчиларнинг билишга асосланган тафаккур тарзларинигина ривожлантириш етарли эмас. Ўқувчилар табиат ва кишилик

жамияти қонуниятларини тушунишлари учун, уларни ижодий ўзлаштиришлари ва табиат ҳамда жамият оламига олиб киришлари лозим. Бунинг учун, ўқувчиларнинг кўпдан-кўп масалаларда ўз шахсий нуқтаи назарларига эга бўлишлари талаб этилади. Шу мақсадда уларни маънавий, интеллектуал жиҳатдан такомиллаштириш керак. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда ижодий тафаккурни шакллантириш ниҳоятда зарурдир. Ўқувчиларнинг ижодий тафаккурлари табиийлиги, бетакрорлиги, ҳозиржавоблиги билан ажралиб туради. Тафаккурнинг бундай тарзи учун дивергент, яъни тафовутли ҳамда продуктив, яъни маҳсулдор фикрлаш тарзи хосдир. Маҳсулдор фикрлаш тарзига эга бўлган ўқувчилар ахборотларни танлаш, тўплаш ва муаммоларни ечишда ўзларининг мустақилликлари билан ажралиб турадилар. Дивергент, яъни тафовутли фикрлаш тарзига эга бўлган ўқувчилар эса, муаммоларнинг ечимига турли томондан ёндаша олишлари билан алоҳида намоён бўладилар. Шунинг учун ҳам географияни ўқитиш жараёнида ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш мақсадини қўйганда уларга индивидуал ёндашган ҳолда, фикрлаш тарзининг турли кўринишларини эгаллашларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ҳар бир ўқувчининг фикрлаш тарзи ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Ўқитувчи улардаги ўзига хосликлар, ютуқлар, камчиликларни ўз вақтида пайқай олиши лозим, акс ҳолда ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришда самарадорликка эриша олмайди.

**Хулоса.** Юқоридагиларни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш жараёнида уларнинг рухий, жисмоний ҳамда маънавий ҳолатларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мазкур жараёнда ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш билан бир қаторда, уларда ўзлари ва ўз фаолиятларига нисбатан шахсий муносабатлари ҳам таркиб топади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Karimov I.A Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent: Ma'naviyat, 2008.
2. Qurboniyozov R. Geografiya o'qitish metodikasi. – Urganch, 2001.
3. Mo'minov O. Geografiya ta'limi metodikasi. – Toshkent: "O'qituvchi", 1986.
4. Гребенюк О.С. Педагогика индивидуальности: Курс лекций. – Калининград, 1995.
5. Унт И. Индивидуализация и дифференциация обучения. - М.: Педагогика, 1990.

Абдалова З.Т.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ И ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ В ПРЕПОДАВАНИИ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН

**Аннотация:** в статье речь идет о практическом значении применения современных интерактивных и инновационных методов в преподавании экономических дисциплин. Освещаются цель и значение интерактивного метода обучения, вопросы использования иллюстрационных материалов.

**Ключевые слова:** интерактивный и инновационный метод обучения, интенсификация процесса обучения, интеграция знания, мозговая атака, дискуссия.

Абдалова З.Т.

## ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ ВА ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

**Аннотация:** мақолада иқтисодиёт фанларини ўқитишда амалий билимларни бойитадиган замонавий интерфаол ва инновацион усулларни қўллашнинг амалий аҳамияти ёритилган. Интерфаол таълимнинг мақсади, турлари, кўргазмалари воситаларни қўллаш масалалари тўғрисида фикр ва мулоҳазалар берилган.

**Калит сўзлар:** ўқитишнинг интерфаол ва инновацион методлари, ўқув жараёнини интенсификациялаш, инфратузилма, билимнинг интеграциялашуви, ақлий ҳужум, мунозара.

Abdalova Z.T.

## THE USE OF INTERACTIVE AND INNOVATIVE METHODS IN TEACHING ECONOMIC DISCIPLINES

**Abstract:** the article deals with the practical importance of modern interactive and innovative methods in teaching economic disciplines. Highlights the purpose and meaning of interactive teaching methods, the use of illustrative materials.

**Key words:** interactive and innovative teaching methods, intensifikatsiya learning process, the integration of knowledge, brainstorming, discussion.

В преподавании экономических дисциплин на сегодняшний день приоритет отдается теоретическим знаниям. Это объясняется недостаточной технической оснащенностью образовательных учреждений, т.к. для проведения практических занятий с использованием новых технологий необходимо соответствующее обеспечение оборудованием и программными продуктами, а также малой заинтересованностью преподавателей в применении инновационных и интерактивных методов требует в 3-4 раза больше времени на подготовку к занятиям и больше затрат энергии при их проведении. Сегодня стоит остро вопрос о необходимости изменения ситуации в ВУЗах, ставится акцент на формирование практических навыков. Проблема заключается в том, что необходимо определить, каким навыкам должны быть обучены студенты.

В экономических, как и во многих других науках, знание теории и практические навыки тесно переплетены. Если у студента не сформировано умение применить теорию на практике, тогда первая остается невостребованной. Соединение теоретического курса с практической деятельностью позволяет дополнить традиционное обучение и уже на

студенческой скамье дать студентам возможность ознакомиться с наиболее важными профессиональными навыками и обучиться им.

Таким образом, представляется необходимым, сформировать у студентов навыки будущей профессиональной деятельности, поиска информации и умения работать со справочно-поисковыми системами, а также умения составлять различные виды договоров. Процесс формирования навыков является сложной системой последовательных и взаимосвязанных действий. С целью формирования навыков и умений, мы предлагаем использовать интерактивные и инновационные методы преподавания: демонстрацию отдельных действий и приемов, мозговой штурм, занятия в малых группах, организацию деловой игры с использованием учебного материала, и последующим разбором удач и ошибок.

В процессе обучения необходимо выделить следующие цели:

- *интенсификация* процесса обучения, в том числе посредством интерактивности и использования инновационных методов обучения;

- *индивидуализация* процесса обучения;

- *интеграция* знания;  
 - *инфраструктура* образовательного процесса: техническое обеспечение, кадры, мотивация кадров (материальная заинтересованность, карьерный рост).

Рассматриваемые методы являются универсальными, и они вполне применимы для преподавания экономических дисциплин. Намы выделен следующий блок методов преподавания, который мы условно назвали «Все новое – давно забытое старое». В него включены следующие методы: мозговая атака, направляемая дискуссия, использование лекционных плакатов, схем и других наглядных пособий (диапроекторов, распечаток, доски), коротких демонстраций, ролевых игр, работа в малых группах и тренировочные упражнения. Приведем примеры.

*Направляемая дискуссия:* Ключом к обсуждению является умение задавать дискуссионные вопросы. Задача преподавателя помочь группе выделить определенную проблему и направить ход обсуждения в сторону прояснения и

разрешения этой проблемы. Используя ответы и соображения, высказанные студентами, с тем чтобы сделать акцент на правильном положении, преподаватель привлекает студентов к работе над материалом и повышает их заинтересованность в обсуждаемом вопросе. «Направляемая дискуссия» требует со стороны преподавателя умения четко задавать направленность обсуждения, плавно менять ход дискуссии, а также перефразировать ответ, придав ему нужную окраску путем расстановки акцентов. Направляемой дискуссии может быть посвящено занятие целиком, а можно встроить и небольшую серию вопросов-ответов в выступление преподавателя.

Эффективным способом привлечь внимание студентов к важной информации является постановка вопросов в начале лекции. Необходимо показать, что преподаватель оценил усилия, проявленные студентом. Задача: активизация мышления студентов и вовлечение их в процесс обучения.

<i>Указания для руководства обсуждением:</i>	<i>Указания к составлению вопросов:</i>
Задавайте вопросы, перефразируйте вопрос, не высказывайте свое мнение, суммируйте высказанное	Ясно и четко не больше одной проблемы в одном вопросе, вопросы должны быть связаны с опытом студента, задавайте сложные вопросы, стимулирующие мыслительную активность

*Мозговой штурм* представляет собой эффективный метод вовлечения всех студентов в группу в анализ поставленной задачи. Преподаватель задает вопрос всей группе и просит студентов предлагать различные варианты. Каждая идея должна записываться концентрированно, при необходимости в видоизмененной форме. Все идеи должны приветствоваться, никакую идею нельзя критиковать или отвергать. Занятия должны быть ограничены по времени 10-15 минутами. Результатом мозговой атаки становится список творческих решений или вариантов решения проблемы, созданный благодаря участию студентов. Так как студентов просят активно участвовать в процессе критического мышления, они могут лучше понять и запомнить обсуждающуюся информацию.

*Лекционные плакаты:* Если времени для того, чтобы выслушать ответы студентов путем направляемой дискуссии или мозговой атаки недостаточно, преподаватель может разнообразить свое занятие, используя плакаты для записи тех важных положений, на которые он хочет обратить внимание в ходе своей лекции. Это активизирует внимание студентов и вносит некоторое разнообразие в традиционную «лекцию». На плакате должны быть отражены важные положения, на которых заостряет внимание преподаватель.

*Демонстрация* – эффективный интерактивный прием, очень важен при работе по формированию навыков. Особенность этого приема заключается в возможности иллюстрации обсуждаемой темы, посредством чего она лучше усваивается.

*Ролевые игры* – это эффективный

метод обучения студентов практическим навикам работы, так как они основаны на принципе обучения в процессе игры: студентам предоставляется возможность применить теорию – то, что они изучали на занятиях и по учебникам – на практике.

Используя интерактивные методы, мы ставим перед собой задачу не только дать студентам общие знания, но и сформировать определенный уровень умений и навыков с тем, чтобы при работе они могли чувствовать уверенность в себе и демонстрировать зрелость и здравый смысл. Однако для того, чтобы эти методы были

эффективными, необходимо использовать их выборочно. Злоупотребление такой методикой снижает ее эффективность.

В заключении хотелось бы сказать следующее: чтобы быть успешными и не растерять студентов в конкурентной борьбе, ВУЗы должны давать не только знания, но и формировать навыки, умения использования этих знаний, применение теории на практике. Использование интерактивных и инновационных методов в обучении позволит оптимизировать образовательный процесс, поможет сделать его более интересным и насыщенным.

#### Список литературы:

1. Гутников А.Б. Обучение профессиональным навыкам (интерактивные методики) // Профессиональные навыки: опыт практического обучения. – М., 2001.
2. Кипнис Н. Использование интерактивных методик в преподавании. – М., 2001.
3. Михайлова Л. Деловая игра // Туманова Л., Харитюшкин В., Михайлова Л. Методические рекомендации по организации проблемного обучения. – Тверь, 2005.

**Ибраимова А.А., Ибрагимова Р.А.**

### “ГИДРОСФЕРА” МАВЗУСИ БИЛАН БОҒЛИҚ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИНГ ЎРНИ

**Аннотация:** мақолада “Гидросфера” мавзуси билан боғлиқ дарслар амалий машғулотларини ташкил этишда интерфаол усулларнинг аҳамиятига бағишланган. Асосий эътибор график органаёзерларга қаратилган.

**Таянч сўзлар:** гидросфера, таълим, тарбия, интерфаол метод, амалий машғулот, педагогик технология, кластер.

**Ибраимова А.А., Ибрагимова Р.А.**

### МЕСТО ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОРГАНИЗАЦИИ ПРАКТИЧЕСКИХ ЗАНЯТИЙ, СВЯЗАННЫХ С ТЕМОЙ «ГИДРОСФЕРА»

**Аннотация:** данная статья посвящена роли интерактивных методов в организации практических занятий, связанных с темой «Гидросфера». Основное внимание в ней уделяется на графические органайзеры, т.е. способам наглядного предоставления процессов мышления.

**Ключевые слова:** гидросфера, образование, воспитание, интерактивный метод, практические занятия, педагогическая технология, кластер.

**Ibraimova A.A., Ibragimova R.A.**

### THE IMPORTANCE OF INTERACTIVE METHODS WHICH IS CONNECTED TO ORGANIZE PRACTICAL STUDIES IN THE TOPIC OF “HYDROSPHERE”

**Abstract:** this article is devoted to describe the importance of interactive methods which is connected to organize practical studies in the topic of “Hydrosphere”. By means of graphic organizers which helps to present the intellectual processes in a visual way are emphasized specially in this article.

**Key words:** hydrosphere, education, interactive method, workshops, educational technology, cluster.

**Кириш.** Ҳозирги кунда таълим самарадорлигини оширишда бу жараёни ташкил этишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан ҳамда интерфаол методлардан кенг фойдаланилмоқда.

Фан-техника кун сайин ривожланиб бораётган айни даврда интерфаол таълим атамаси таълим жараёнида кенг қўлланилаётганлигини учратиш мумкин. Интерфаол таълим асосини интерфаол методлар ташкил этиши, уларнинг турлари,


қўлланилиш методикаси тадқиқотчилар томонидан турли даражада ўрганилган. Лекин география таълими жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш ҳозирги пайтда етарлича тадқиқ этилмаган.

**Асосий қисм.** География дарсларида мавзунинг мақсад ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда амалий машғулотлар турлари танланади. Жумладан “Гидросфера” мавзуси билан боғлиқ амалий машғулотларни ташкил этиш харита, тест ва ижодий



топшириқлар билан дарс давомида ёки дала амалиёт вақтида амалга оширилиши мумкин. Бунда ўқитувчи амалий машғулотларни ташкил этишда дидактик вазифасига, таълим олувчининг имкониятлари ва сонига, моддий-техник шарт-шароитга кўра интерфаол методларни тўғри танлаши муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, таълим сифати самарадорлигини оширади. Ушбу жараёнда эса кўп жиҳатдан ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тажрибаси асосий роль ўйнайди.

Ҳозирги кунда ўқувчиларни ўқув ва ижодий фаоллаштирувчи, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширувчи педагогик технологиялар, интерфаол методлар кенг қўлланилмоқда. Жумладан, “Ақлий хужум”, “Кластер” (Боғлам. Тармоқлар), “Бумеранг”, “Чархпалак”, “Резюме” “Ассесмент”, “Кейс-стади”, “Муаммоли таълим”, “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим”, “Тоифалаш жадвали”, “Инсерт”, “Балиқ скелети”, “Пирамида” ва бошқа технологиялар.



1-чизма. Гидросферанинг таркибий қисмлари

Таълим жараёнида ушбу педагогик технологияларнинг мақсадли, ўринли, самарали қўлланилиши талабаларни фикрлашга, изланишга нутқининг ривожланишига, ўтилган мавзуларни эшашга, муштақил равишда тўғри жавоб беришга, таҳлил қилишга, харитадан тез топишга ва тезкорликка ундайди ҳамда педагог ва унинг фанига бўлган ҳурмати янада кучайтиради.

*График организерлар* – фикрий жараёнларни кўргазмалар тақдим этиш усул ва воситаси ҳисобланади. Улар фикрий жараёнларни визуаллаштириш ва олинган ахборотни график ифодалаш воситаси каби хусусиятларга эга.

Тадқиқотчилар (Голиш Л.В., Хошимова Д.П.) график ташкил этувчиларни уч гуруҳга ажратишган:

1. Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (воқеа ва ҳодисалар, мавзулар) ўртасидаги алоқа ва ўзаро боғлиқликни ўрнатиш усул ва воситалари (Кластер, Тоифалаш жадвали, Инсерт, БББ жадвали);

2. Маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослаш усул ва воситалари (Т-жадвали, Венн диаграммаси);

3. Муаммони аниқлаш, уни ҳал этиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш усуллари ва воситалари (Нима учун?, Балиқ склети, Пирамида, Нилуфар гули схемалари, Қандай? Иерархик диаграммаси, Каскад таркибий-мантиқий схемаси).

Қуйида гидросфера мавзуси билан боғлиқ амалий машғулотларни ташкил этишда қўлланиладиган айрим график организерлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

**“Кластер” график организери** қўлланилганда талабалар яқка ва гуруҳларда ишлашлари мумкин. Ўтилган мавзу юзасидан илгари сурилган ғоялар умумлаштирилади, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятлари яратилади. Қуйида мавзу бўйича “Кластер” график организерига мисол келтирилган бўлиб, унда талабалар гидросфера, унинг таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро боғланишларини таҳлил қилишлари мумкин (1-чизма).

Гидросфера мавзуси ўрганилганда у билан боғлиқ йирик географик объектлар, уларнинг номлари, турлари, жойланиши ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хусусан, бунда қуйидаги каби жадвал график организерлардан фойдаланиш мумкин.

*Жадвал*

**“Дунё океанининг таркибий қисмлари” жадвал график организери**

Океанлар	Адан, Азов, Аляска, Андаман, Арабистон, Арафур, Бали, Басс, Бенгал, Беринг, Бискай, Болтик, Босфор, Викториа, Гвинея, Гибралтар, Гренландия, Гудзон, Дания, Дарданелл, Дрейк, Калифорния, Карпентария, Катта Австралия, Корейс, Космонавтлар, Кук, Лазеров, Ла-Манш, Лаперуз, Малакка, Магеллан, Маржон, Мармар, Мексика, Мозамбик, Мэн, Охота, Оқ, Рига, Росс, Сарик, Сиам, Сингапур, Сулавеси, Сулу, Тайвань, Тасман, Татар, Тимор, Тиррен, Фижи, Фин, Фокс, Форс, Шимолий, Эгей, Ява, Япон, Ўрта, Қора, Қизил		
	Денгизлар	Кўрфазлар ва қўлтиқлар	Бўғизлар
Тинч			
Атлантика			
Ҳинд			
Шимолий Муз			


*Изоҳ: битта географик объект номи бир неча устунларга ёзилиши мумкин. Чунки, Ер шарида бир хил номдаги турли объектлар учрайди.*

Мазкур топширикни бажариш ёшларда хариталар билан ишлаш жараёнида талабалар гуруҳларга кўникмаларини янада ривожлантириш ажратилади, уларга биттадан устунни имконини беради.

тўлдириш ҳамда иш натижасини ўзаро алмашиш ва текшириш таклиф этилади.

Ушбу жадвални тўлдиришда географик харита ва атласлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бу эса талаба-

Дунё океанининг ифлосланиш муаммосини “Балиқ склети” график организеридан фойдаланган ҳолда ёритиш мумкин (2-чизма).



2-чизма. Дунё океанининг ифлосланиши

**“Балиқ склети” методи** талабаларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда талабаларда мантикий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Умуман, “балиқ склети” муаммонинг бутун доирасини ифода этиш, сабаб ва оқибат боғланишларини ҳамда муаммонинг ечимини топишга имкон беради.

**Хулоса.** Умуман олганда, “Гидросфера” мавзуси билан боғлиқ амалий машғулотларни ташкил этишда интерфаол методлардан фойдаланиш имкониятлари жуда кенг. Уларни танлаш ва ўтказиш шакли педагог томонидан қўйилган мақсадга эришишнинг энг оқилона йўли сифатида баҳоланиши лозим. Чунки, бу таълим жараёни самарадорлигини оширувчи энг муҳим омил ҳисобланади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Avliyaqulov N.X., Musayeva N.N. Pedagogik texnologiya. Darslik. – Toshkent, 2012. – 208 b.
2. Голиш Л.В., Хошимова Д.П. Таълим жараёнида интерфаол таълим услублари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш // тренингнинг ўқув-методик материаллари. – Тошкент, 2014. – 80 б.
3. Ишмухамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. – Т., 2013. – 278 б.
4. Никадамбаева Ҳ.Б. “Ўзбекистон табиий географияси” фанини ўқитиш жараёнига компьютер ва педагогик технологияларни татбиқ этиш бўйича услубий қўлланма. – Тошкент, 2011. – 114 б.
5. Рўзиева Д., Усбонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. Методик қўлланма. – Тошкент, 2013. – 116 б.
6. Курбонниёзов Р. География ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Урганч, 2001. – 200 б.

Мосин В.П.

## ОСНОВНЫЕ ТИПЫ УРОКОВ ГЕОГРАФИИ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СРЕДНЕЙ ШКОЛЕ И ОСОБЕННОСТИ ИХ СТРУКТУРЫ

**Аннотация:** в данной статье рассматриваются виды и особенности уроков географии в общеобразовательных школах.

**Ключевые слова:** урок изучения нового материала, вводный урок, урок формирования умений, урок проверки и учёта знаний, урок повторения, урок обобщения знаний.

Мосин В.П.

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИ ДАРСЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ТАРКИБИ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақолада умумтаълим мактабдаги география фани дарсларининг турлари ва таркиби хусусиятлари тўғрисида масалалар кўрилган.

**Калит сўзлар:** янги материалларни ўрганиш дарси, кириш дарси, қобилиятни шакллантириш дарси, билимларни текшириш ва баҳолаш дарси, такрорлаш дарси, билимларни умумлаштириш дарси.

Mosin V.P.

## THE MAIN TYPES OF GEOGRAPHY LESSONS IN SECONDARY SCHOOL AND THE PECULIARITIES OF THEIR STRUCTURE

**Abstract:** this article discusses the main types of geography lessons in secondary school and the peculiarities of their structure.

**Key words:** lesson of learning new material, introductory lesson, the lesson of formation of skills, lesson checking and accounting knowledge, lesson repetition lesson generalization of knowledge.

**Введение.** Типы уроков разнообразны. В дидактике их классифицируют по разным признакам: исходя из дидактических задач, методов обучения, способов организации учебной деятельности и т. д. Наиболее распространённой в дидактике и принятой в методике обучения географии является классификация уроков по основным дидактическим целям. Использование разных типов уроков и их сочетаний позволяет рациональнее организовать процесс обучения, полнее использовать в учебной и обучающей деятельности усилия и время учителя и учащихся.

**Изученность темы.** Разработкой классификации и внедрением в образовательный процесс основных типов уроков географии в общеобразовательной средней школе занимались такие методисты - географы как А.В. Даринский, И.С. Матрусов, Л.М. Панчешникова. Среди географов Узбекистана вопросами внедрения основных типов уроков географии в образовательный процесс в общеобразовательной школе, занимались Р. Курбанниязов, А.А. Муминов.

**Цель и задачи работы.** Цель данной работы - рассмотреть основные типы уроков географии в общеобразовательной средней школе и особенности их структуры. В соответствии с поставленной целью в работе рассмотрены и решены следующие основные задачи: 1) теоретически

обосновать основные типы уроков географии в общеобразовательной школе; 2) рассмотреть способы применения в образовательном процессе основных типов уроков географии в общеобразовательной школе.

**Основная часть.** Исходя из целей и организации познавательной деятельности учащихся, в процессе обучения географии наиболее распространены уроки: комбинированный, изучения нового материала, уроки закрепления знаний и формирования умений, уроки обобщения знаний и умений, уроки проверки и учёта знаний [1].

**Комбинированный урок** получил наибольшее распространение в практике работы общеобразовательной школы. Он имеет несколько дидактических целей и включает все звенья учебного процесса: восприятие нового материала, его анализ и осмысление, закрепление, запоминание и применение. Как правило, на таком уроке реализуются цели: изучение нового материала, формирование географических умений, проверка знаний и т. д.

Комбинированный урок состоит из таких структурных частей: вводная, включающая разъяснение задач урока, проверку готовности школьников к работе; установление связи между предшествующими темами и новым материалом; проверка выполнения домашнего задания; изучение нового материала и его

обобщение; закрепление и проверка результатов работы на уроке; задание для домашней работы и инструктаж по его выполнению.

**Уроки изучения нового материала.** В них, как правило, отсутствует такая структурная единица, как проверка знаний, и урок целиком посвящается изучению нового учебного материала, достаточно большого по объёму и сложного, требующего глубокого раскрытия со стороны учителя. Урок такого типа избирается учителем, если материал требует применения различных источников знаний и их сочетаний. Основным методом на уроке изучения нового материала является объяснение учителя, с применением средств обучения. С целью закрепления учебного материала школьникам предлагается выполнить ряд упражнений на применение знаний, решить несколько познавательных задач, что способствует активной деятельности учащихся при овладении новым содержанием. Уроки этого типа имеют такую структуру: постановка задач урока; организация познавательной деятельности учащихся по ходу объяснения нового учебного материала; обобщение и закрепление его по частям - логическим разделам; постановка заданий на применение изученного материала; задание на дом. Уроки изучения нового материала используются при рассмотрении важного географического материала. Примерами тем, которые целесообразно изучать на основе такого типа уроков, могут служить «Литосфера» (5 класс), «Строение атмосферы» (5 класс), «Геологическое строение, рельеф и полезные ископаемые Африки» (6 класс), «Географическое положение и история исследования Евразии» (6 класс).

**Вводные уроки** проводятся в начале учебного года, когда приступают к изучению того или иного курса географии. Этот тип урока также подходит для начала изучения большого раздела программы. Например, в 8 классе раздел «Экономико-географические районы и области Узбекистана» целесообразно открыть таким уроком «Территориальная организация экономики Узбекистана» и рассмотреть на нём предпосылки экономического райони-

рования страны. Вводные уроки ставят также своей целью создание у школьников соответствующей установки на предстоящую учебную работу, пробуждение интереса к географическим знаниям, раскрытие роли и жизненной ценности изучаемого курса или учебного раздела.

**Уроки формирования (или совершенствования) умений.** Основная цель этих уроков - формирование специфических для географии умений и навыков, тесно связанных с усвоением теоретических знаний, их закреплением и применением. Поэтому уроки этого типа называют также уроками закрепления знаний и формирования умений. Формой учебной деятельности школьников на этих уроках является выполнение практических работ. Их выполнение учащимися обеспечивает формирование у них умений и навыков.

В процессе обучения теоретическая и практическая деятельность школьников тесно взаимосвязана и большинство умений формируется одновременно с приобретением знаний по ходу изучения нового материала на комбинированном уроке или на уроке изучения нового. Поэтому часть практических работ выполняется на уроках этих типов, например решение задач на определение местного и поясного времени, анализ физико-географического профиля Чирчик-Ахангаранского физико-географического района (7 класс). Часть практических работ целесообразно выполнять после изучения нового материала с целью закрепления знаний и формирования умений. Например, первое знакомство школьников с приёмами чтения климатических диаграмм можно проводить на этапе закрепления знаний об особенностях климата Африки (6 класс).

Практические работы проводятся и в ходе проверки материала, изученного на предыдущем уроке. В этом случае учащиеся действуют по образцу, выполняя работы по описанию равнин, сравнительной характеристике рек, определению географических координат и др.

Практические работы делятся на обучающие (тренировочные) и итоговые. Первые проводятся с целью обучения какому-либо приёму учебной работы

(например, определению географического положения объекта, падению рек, построению профиля по карте и т.д.), закреплению знаний, формирования и отработки различных умений. Итоговые работы проводятся, как правило, после серии тренировочных с целью проверки сформированных умений и навыков и дальнейшего их развития.

Итоговые работы по содержанию чаще всего посвящены составлению описаний или характеристик географических объектов, компонентов природы, природных комплексов, отраслей народного хозяйства, составлению схемы энергопроизводственных циклов, характеристик экономических районов и т.п.

Уроки формирования умений и навыков состоят из таких структурных элементов: постановки образовательно-воспитательных задач; ознакомления школьников с учебными средствами, необходимыми для выполнения практических заданий; инструкций по овладению приёмами учебной работы и оформлению результатов выполнения учащимися заданий практической работы, которая занимает основную часть урока; подведения итогов работы и задания на дом. Успех в деятельности учащихся по выполнению практических работ зависит от чёткой организации этой деятельности учителем и степени овладения школьниками приёмами учебной работы: сравнивать, сопоставлять, делать простые расчёты, составлять описания и характеристики по плану, устанавливать зависимость, определять специализацию хозяйства той или иной территории, работать с картой и т.д.

**Уроки проверки и учёта знаний учащихся** проводятся в заключение серии уроков по изучению нового материала по многочасовым темам. Их структура примерно такая: постановка задач урока; разъяснение форм и методов проведения проверки и учёта знаний, требований к ответам, норм оценок, правил работы с источниками знаний, которыми разрешается пользоваться, готовя ответ; постановка и выполнение заданий; подведение итогов с целью характеристики полноты и логичности ответов учащихся.

**Урок повторения.** Специально в процессе обучения географии уроки с такой дидактической целью проводятся редко; систематическое текущее повторение материала имеет место почти на каждом уроке и в течение всего учебного года. Но чтобы закрепить знания после изучения больших разделов и тем, установить логическую связь между разделами, при которой новое будет лучше восприниматься и углубляться на базе ранее пройденного, следует проводить уроки повторения.

**Уроки обобщения знаний** начали приобретать всё большее значение в процессе обучения географии. Обобщение знаний важно для осознания учащимися ведущих мировоззренческих идей, систематизации знаний по предмету. Систематизация знаний состоит в распределении объектов и явлений по группам и подгруппам в зависимости от их сходства и различия, в установлении связей и соподчинённости между понятиями, выявлении принципов и закономерностей и т.д. Поэтому очевидно, что уроки обобщающего повторения уместно проводить после изучения крупных разделов и тем, которые важны для мировоззрения учащихся и их нравственного воспитания.

Существенная черта уроков обобщения - приобретение обучающимися новых знаний на базе систематизации и обобщения, переосмысления имеющихся знаний. Поэтому задача уроков этого типа сводится к тому, чтобы учащиеся, опираясь на имеющиеся у них знания о фактах, связях, могли овладеть умением выявлять общие признаки, принципы, закономерности, подходить к осознанию мировоззренческих идей. Обобщение и систематизация знаний способствует не только лучшему запоминанию и применению знаний, но и поднимают их на новый уровень, помогают осознанию фундаментальных знаний. Обобщаются на этих уроках и приёмы учебной работы, лежащие в основе умений и навыков; выявляются пути использования полученных знаний и умений в жизни, глубже осознаётся практическая значимость географических знаний. Одновременно в процессе проведения этого типа уроков происходит

проверка качества усвоения изученных ранее знаний. На уроках обобщающего повторения используется большое количество средств обучения: карты, схемы, таблицы, хрестоматийные материалы.

**Выводы.** Из изложенного следует, что урок географии любого типа должен иметь свою чёткую структуру. В обобщённом виде каждый урок имеет три части: начало урока

- ознакомление учащихся с целевой установкой, с задачами, стоящими перед уроком; основная часть - решение учебно-воспитательных задач в соответствии с планом урока и заключительная часть урока, на которой подводятся итоги, организуется выполнение домашнего задания.

#### Список литературы:

1. Методика обучения географии в средней школе: Пособие для учителя // Под ред. И.С. Матрусова. – М.: Просвещение, 1985. – С. 196-201.

**Каримов И.Э., Усмонова С.А., Бурхонов Э.К.**

### ЎҚУВ РЕЛЬЕФЛИ МАКЕТ ЯСАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УНИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақолада Жиззах вилояти ер усти тузилиши тавсифланган ҳамда ўқув рельефли макет тузиш технологияси, унинг таълим тизимига тадбиқ этилиш асаласи кўрилган.

**Калит сўзлар:** географик объектлар, гидрографик объектлар, рельеф, горизонталлар, антропоген ландшафтлар, муток баландлик, масштаб.

**Каримов И.Э., Усмонова С.А., Бурхонов Э.К.**

### ТЕХНОЛОГИЯ ИЗГОТОВЛЕНИЯ УЧЕБНО-РЕЛЬЕФНОГО МАКЕТА И ПРОБЛЕМЫ ЕГО ВНЕДРЕНИЯ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЙ ПРОЦЕСС

**Аннотация:** в данной статье дана характеристика общего рельефа Джизакской области, а также технология создания макета учебного рельефа и его внедрение в систему образования.

**Ключевые слова:** географические объекты, гидрографические объекты, рельеф, горизонталы, антропогенные ландшафты, абсолютная высота, масштаб.

**Karimov I.E., Usmonova S.A., Burxonov E.K.**

### MANUFACTURING TECHNOLOGY TRAINING THE RELIEF LAYOUT AND ISSUES OF ITS IMPLEMENTATION IN THE EDUCATIONAL PROCESS

**Abstract:** this article deals with the general characteristics of the relief of Jizzakh region and the technology of creating educational layout of the relief and applying it in educational system.

**Key words:** geographical objects, hydrographic objects, relief, horizontal lines, man-made landscapes, the absolute height, scale.

**Кириш.** Ҳар қандай давлатнинг келажакдаги тараққиёти юксак илмий салоҳиятга эга ёшларга боғлиқ. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси жамиятимиз тараққиёти, юрт фаровонлиги ва ёш авлод тарбиясига қаратилгандир. Ёш авлод тарбиясида, авваломбор, таълим соҳаси муҳим ҳисобланади. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати, бир қанча қонун ва қонун ости ҳужжатлар ва олиб борилаётган амалий ишларнинг барчаси келажакда ёшларнинг ўз ўринларини топишига, ватанимиз келажакнинг буюк бўлишига хизмат қилади. Барча соҳалар қаторида таълим тизимида ҳам ўзгаришлар, янгиликлар кенг қўламда олиб борилмоқда. Хусусан, маълум фан соҳасида кўз ўнгимизда содир бўлаётган кашфиётлар, янгиликлар таҳсинга сазовордир.

Умумий табиий фанлар қаторида география фани соҳасида ҳам янгилик ва ўзгаришлар содир бўлмоқда. Чунончи, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида географик объектларнинг ҳар томонлама чуқур илмий татқиқотлар асосида ўрганилаётганлиги, хусусан, вилоятимиз ҳудудида Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ўрганилиши, чўл ва тоғ ландшафтларини ўргани соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлардир. Шу тадқиқотлар қаторида, ўқув рельефли макет яшаш жараёни ҳам муҳим аҳамият касб этиб, макетдан илмий, ўқув тадқиқотларда ва дарс жараёнида кенг микёсда фойдаланиш имконияти мавжуддир.

**Асосий қисм.** Бу илмий мақолада Жиззах вилоятининг умумий рельефи таърифи, ўқув рельефли макет яшаш жараёни ва технологияси, уни таълим

тизимига кенг жорий қилиш заруриятига тўхталдик.

Жиззах вилоятининг ўқув рельефли макетини яшаш учун 1:500 000 (1см.да 5 км) масштаби Жиззах ва Сирдарё вилоятлари табиий харитаси асос қилиб олинди. Вилоят худудидаги тоғлар ва текисликлар назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганилди. Энг аввало, керакли жиҳозлар тайёрлаб олинди, хусусан, керакли масштабдаги макет пойдевори бўлган тахта ўрнатилди. Макет учун маълумотлар базаси ва устоз, профессор-ўқитувчилар кўрсатмалари йиғилди.

Ўқув рельефли макет масштаби горизонтал 1 см да 1250 метр (1:125000), вертикал 1см да 200 метр (1:20000) қилиб белгилаб олинди. Бу эса 1:500 000 ли Жиззах вилояти табиий харитасининг тўрт марта катталаштирилганлигидан гувоҳлик беради. Жараённинг бошланиши 1 см.ли қалинликка эга пенопласт деб аталувчи материални тахтага ўрнатишдан бошланди. Бу ҳолат денгиз сатҳидан 200 метрли баланд худудларни ифодалайди.

Навбатдаги жараён, денгиз сатҳидан 200, 400, 600, 800 м ва ундан баланд худудларни тасвирлаш ҳисобланади. Жиззах вилояти текислик қисмининг океан сатҳидан ўртача баландлиги 250-300 метр, текисликнинг шимолий чеккаси океан сатҳидан 230 м баланд бўлса, марказий қисмининг баландлиги 400-450 м атрофида. Айдар-Арнасой кўллари тизими соҳилларининг океан сатҳидан баландлиги эса 240-250 метрли ташкил қилади.

Жиззах вилояти текислик қисми лёссимон кумоқ ва кумли жинслар билан қопланган. Айрим жойларда шўр гилли ётқизиклар учрайди. Текисликнинг шимолий-ғарбий қисмида шўрхоқлар кўп. Жиззах вилояти шимолий-ғарбий қисми, яъни Қизилкум чўлига туташган жойлари кумлар билан қопланган. Бу жойларда кум тепалари, шўр босган ботиклар учрайди.

Ҳар 1 см ли пенопласт оралиқлари махсус пва елим ёрдамида ёпиштириб чиқилди. Горизонтал ва вертикал масштаблар аниқ ҳисоб китоблар ёрдамида ўлчаб чиқилди. Чунончи, Жиззах шаҳри ва Фориш тумани маркази Янгиқишлоқ шаҳарчаси орасидаги ҳақиқий масофа 70 км ни ташкил қилса, ўқув рельефли макетда

ҳам худди шу масофани ташкил қилади. Ўқув рельефли макет яшаш жараёнида қирлар ва тоғларни тасвирлаш учун вилоят худудидаги баланд қирлар ва тоғлар ҳақида маълумотлар тўпланди. Худуддаги тоғлар герцин бурмаланиш босқичида бурмаланган, алп бурмаланиш босқичида қайта кўтарилган. Бир қанча вақт палеогенда денгиз остида бўлган.

Туркистон тоғ тизмаси тармоқлари бўлган Моргузар, Чумқортоғ тоғлари палеозой ётқизикларидан таркиб топган. Сангзор дарёси бошланғич қисмида Туркистон тизмаси 2 га (жанубда Чумқортоғ, шимолда Моргузар тоғи) бўлинади. Моргузар (энг баланд нуқтаси 2622 м) шимоли ғарбга 75 км га чўзилган. Туркистон тизмасининг Шаҳристон довонидан (3380 м) Гуралаш довонигача (2710 м) бўлган қисмида шимолга қараб қатор тизмалар ажралиб чиққан, улардан энг муҳимлари Ўратепа ва Зоминтоғдир. Зомин тоғининг узунлиги 30 км, кенглиги ғарбда 25 км дан шарқда 40 кмгача, жанубий ёнбағирлари тик, қояли ва даралар кўп, шимолий ёнбағирлари унчалик тик эмас. Ўқув рельефли макетда бу кўриниш инобатга олинди. Моргузарнинг шимолий-ғарбий давоми Нурота тоғини Сангзор дарёси кесиб ўтиб, "Илонўтди дараси" (кенглиги 120 - 130 м) вужудга келган.

Нурота тоғ тизмаси Жиззах шаҳридан вилоятнинг энг ғарбий чеккасига қадар 264 км масофага чўзилган. Нурота тоғларининг шимолий ёнбағри тоғ олди текисликларидан кескин кўтарилган бўлиб, энг баланд нуқтаси Ҳаётбоши чўққиси (2169 м) ҳисобланади. Шимолий Нуротанинг ғарбий қисми Кўйтош тоғи (1905 м) дейилади.

Нурота тоғларининг шимолий қисмида параллел ҳолда шимолий ғарбга йўналган қолдиқ тоғлар (Писталитоғ, Балиқлитоғ, Эгарбеллитоғ ва Хонбандитоғ) палеозой эрасининг жинсларидан тузилган бўлиб, паст тоғлар гуруҳига киради. Уларнинг энг баланди Писталитоғ бўлиб, унинг узунлиги 33 км, кенглиги 3-5 км, мутлоқ баландлиги 542 м.

Чумқортоғнинг сувайрғич қисми шарқда Гуралаш давонидан бошланиб, (Бозорхоним чўққиси, 3405 м – Жиззах вилоятининг энг баланд нуқтаси) шимолий-



ғарбга чўзилган. Қўштепа давонидан кейин икки қисмга (Қизилқанор, Латтабанд тоғларига) ажралади. Латтабанд тоғидан Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари чегараси ўтади. Бу тоғлар Зарафшон ва Сангзор водийларига туташиб, тик қоялар хосил қилиб тугайди. Ундан ғарбда лёссли текислик жойлашган бўлиб (Туятортар канали шу худуддан ўтган), текислик Ғўбдунтоғга туташиб кетади. Бу тоғнинг ўртача баландлиги 800-900 м, энг баланд ери 1666 метрга етади. Ғобдунтоғ шимоли-ғарбга аста-секин пасайиб, Маржонбулоқ баланлигига айланади, энг баланд ери 948 метрга етади. Маржонбулоқ баландлиги ғарбда Оқтепа дарёси водийси орқали Қароқчитоғдан ажралиб туради. Бу маълумотлар асосида ўқув рельефли макет яшаш жараёни давом этди.

Ўқув рельефли макетда баландлик шкаллари тасвирлангандан кейин, махсус кавшарлагич (паяльник) асбоби ёрдамида рельеф шакллари ишлаб чиқилад бошланди. Авваламбор, вилоятнинг текислик қисми: Айдар-Арнасой ботиғи, Мирзачўл, Жанубий Қизилкум худудлари, сўнгра тоғ оралик ботиклари (Қўйтош-Нурота, Ғаллаорол, Сангзор), сойликлар (Аччисой, Пишағорсой, Равотсой, Сайхонсой, Илончисой, Қулбасой, Учмасой, Осмонсой, Ухумсой, Мажрумсой, Синтобсой), тоғ тизмалари (Туркистон, Чумқортоғ, Молгузар, Қўйтош, Нурота) ва паст тоғлар (Ғўбдунтоғ, Қароқчитоғ, Писталитоғ, Балиқлитоғ, Эгарбеллитоғ, Хонбандитоғ) рельефи шакллари тасвирланди.

Ўқув рельефли макетнинг умумий рельеф кўриниши тайёр бўлди. Шундан кейин, пенопластнинг усти ғадир-будир бўлганлиги сабабли, ранг беришни осонлаштириш учун махсус майин қоғоз махсус суюқлик билан ёпиштириб чиқилди. Сўнгра 2-3 кун давомида тинч мўътадил ҳароратда ёпиштирилган қоғоз қуритилди. Ўқув рельефли макетнинг бўяш жараёнида турли рангли бўёқлардан фойдаланилди. Авваламбор, текисликлар сариқ, қирлар тўқ сариқ, паст тоғлар оч жигарранг, тоғлар тўқ жигарранг, сой водийлари тўқ яшил рангга бўялди.

Умумий бўёқ берилгач, бир ҳафта ўтгандан кейин гидрологик ва антропоген объектлар туширилди. Гидрологик

объектлар: кўллар (Айдар, Арнасой, Тузкон), сув омборлар (Жиззах, Зомин, Қоравултерпа, Хўжамушкент, Чордара), дарёлар (Сангзор, Зоминсув), каналлар, сойлар кўк рангга тасвирланди. Антропоген ландшафтлар: аҳоли пунктлари қизил кубикчаларда, автомобиль йўллари (халқаро аҳамиятга эга йўллар қизил, давлат аҳамиятига эга йўллар сариқ рангга), темирйўллар оқ-қора рангга тасвирланди. Бундан ташқари, вилоят худудидаги кўриқхона ва миллий боғлар чегаралари яшил рангга тасвирланди. Жиззах вилояти чегаралари қизил-қора рангга бўялди.

Шундай қилиб, 32 кун давом этган Жиззах вилояти ўқув рельефли макети яшаш жараёни якунланди. Ушбу макетни таълим тизимига, хусусан бевосита ўқув жараёнига тадбиқ қилиш долзарб масала ҳисобланади. Бунинг учун ўқув рельефли макет яшаш технологиясини кенг ёйиш мақсадга мувофиқ. Мамлакатимиздаги ҳар бир мактаб, коллеж ва академик лицейларда ўқув рельефли макетлар бўлиши зарур.

**Хулоса.** Ўқув рельефли макетдан мактабда география дарсларида фойдаланиш таълимнинг ўқув-илмий салоҳиятини оширади.

- Ўз жойининг рельефли макети йирик масштабда географик харита ёки топографик харита билан биргаликда ўз вилояти ва ўлкасини ўрганиш ишларини олиб боришда ажойиб ўқув қуроли бўлиб хизмат қила олади.

- Бундай макетлардан мактаб табиий география, иқтисодий география ва бошланғич табиий география курсида фойдаланиш мумкин. Масалан, 7-синфда Мирзачўл табиий географик райони, 8-синфда Жиззах вилояти мавзуларини ўқишда кўргазмалар дарс соатларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

- Коллеж ва академик лицейларнинг амалий география курсида худуд, рельеф, жой ва тектоник ҳаракатларни қиёсий баҳолашда бундай макетлар амалий ёрдам беради.

- Ўқув рельефли макет кенг қўламли бўлиб, географиядан ташқари бошқа фан соҳаларида ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд. Бу каби ўқув рельефли макетларни таълим тизимига жорий қилиб, ўқувчилар

фан соҳаларини ўзлаштиришни анча осонлаштириш мумкин.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: "Ўзбекистон", 1997.
2. Асомов М., Мирзалиев Т. Топография асослари ва картографиядан лаборатория машғулоти. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
3. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1996.
4. Жиззах ва Сирдарё табиий картаси. 2000 й. Салишев К.А. Картоведение. – М., 1990.
5. Ҳакимов Қ.М., Ғўдалов М.Р. Жиззах вилояти географияси. – Жиззах: Сангзор, 2004.

**Гайпова Р.Т., Утепова Г.Б., Бекешова С.Ш.**

### «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАБИЙ ШАРОИТИ ВА ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРИ» МАВЗУСИНИ ЎРГАНИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Аннотация:** ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактабларида география фанида «Табиий бойликлар» мавзусини ўқитишда самарали интерфаол усуллардан фойдаланиш ҳақида фикр-мулоҳазалар берилган.

**Калит сўзлар:** табиий шароит, табиий ресурс, интерфаол усул, таълим, ўқитувчи, мавзу.

**Гайпова Р.Т., Утепова Г.Б., Бекешова С.Ш.**

### ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ИЗУЧЕНИИ ТЕМЫ «ПРИРОДНЫЕ УСЛОВИЯ И ПРИРОДНЫЕ РЕСУРСЫ УЗБЕКИСТАНА»

**Аннотация:** в данной статье рассматривается использование интерактивных методов в общеобразовательных школах по предмету «География» на тему «Природные ресурсы»

**Ключевые слова:** природные условия, природные ресурсы, интерактивный метод, образование, преподаватель, тема.

**Gaypova R.T., Utepova G.B., Bekeshova S.Sh.**

### USING THE INTERACTIVE METHOD IN STUDYING THE TOPIC

**Abstract:** this article deals with the problems of using interactive methods at schools in the subject «Geography» on the topic «Natural resources».

**Key words:** natural conditions, natural resources, interactive method, education, teacher, theme.

Маълумки, жамият тараққиёти, тайёрлашда умумий ўрта таълим Ўзбекистон Республикасининг ривожланган мактабларининг фаолияти ва ушбу ўқув мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин муассасаларида ўқувчиларга берилаётган олиши бевосита халқ хўжалигининг турли таълим мазмуни ўзига хос ўрин тутди.

соҳаларида фаолият юритаётган мутахассисларнинг билим даражаси ва маҳоратига боғлиқ. Малакали мутахассисларни тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж моҳиятини ёритар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни қайд этиб ўтади: «...бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий кадриятларини, миллий ўзлигини англаши эркин ва озод жамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин.»<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларидаги ривожини бевосита малакали кадрларнинг саъи-ҳаракатлари, интеллектуал салоҳияти ҳамда маънавий қиёфаси белгилаб беради. Баркамол шахс ва малакали мутахассисни

Таълим соҳасида миллий тарбиянинг ўз олдига қўйган бош мақсадларидан бири – бу ҳар томонлама билимли, руҳан бой, юқори миллий онгга эга, ўз ўлкасини, ўзи яшаб турган ватанини, табиатини муқаддас биладиган, ҳар томонлама етук ва комил инсонларни тарбиялашдан иборат. Бу ўз навбатида «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг бир бутун узвий тизим эканлиги билан чамбарчас боғлиқ (1). Ушбу Қонун ҳар бир педагогдан, шу жумладан география фани ўқитувчиларидан ўз ишига фидойилик билан ёндашишни, масъулиятни талаб этади.

География дарсида ҳар бир мавзунининг ўргатишда, юқори малакага эришишда интерфаол усулларнинг алоҳида ўрни бор. Масалан, «Табиий бойликлар» мавзуси 1-2 синфларда «Атрофимиздаги олам», 3-4 синфларда «Табиатшунослик» ва юқори

<sup>1</sup>Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008. – 16 бет.

синфларда «География» фанида ўрганилади.

8-синф «Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси» фанидан ўтиладиган «Ўзбекистоннинг табиий шароити ва табиий бойликлари» мавзусига 1 соат ажратилган.

Ушбу мавзунини ёритишда ўқитиш воситаларининг ўрни катта. Бу ҳақида илмий адабиётларда «Умумий ўрта таълим мактабларида ўқув жараёни бўйича мураккаб вазифаларни ечиш мақсадида ўқув жараёни таркибига киритилган таълим манбалари ўқитиш воситасига айтилади. Ўқитиш воситаларининг асосий вазифаси таълим олиш жараёнида кўргазмалиликни таъминлашдан иборат» эканлиги таъкидланади (3).

Ҳақиқатан, агар дарсда мавзу қуруқ гап билан тушунтирилса, ўқувчи хотирасида яхши сақланиб қолмайди.

Ўқитиш воситаларидан деворий расмлар, диафильмлар, дарсликлар, маълумотномалар, диаграммалар, жадваллар ва ҳоказоларни фойдаланишда фан ўқитувчиси маҳорат билан маълум изчилликда режалаштириши зарур.

Айтиб ўтиш жоизки, 8-синф учун мўлжалланган география дарслигида Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, уларнинг турлари жадвал орқали кўрсатилган (3). Бунда фан ўқитувчиси фақат ўша маълумотлар билан чекланиб қолмаслиги керак. Шунингдек, маълумотлар ўқувчиларнинг қизиқувчанлигини орттириш учун, самарали билимга эга бўлиши учун, янги мавзу тушунтирилгандан сўнг, ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлаш учун «Электронлар» деб номланувчи ўйин усулидан фойдаланилади. Бунда ўқувчиларни икки гуруҳга ажратиб, ўқитувчи ўзи бошқаради. Ўқитувчи томонидан «Электронлар» деб буйруқ берилганда, ўқувчилар тебранишиб, ҳаракатда бўлишади, яъни, улар у томондан бу томонга юришади. Ўқитувчи «иккига ажралинг» деганда ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади.

1-гуруҳга – «тугайдиган табиий бойликлар»

2-гуруҳга «тугамайдиган табиий бойликлар» деган топшириқлар берилиб,

улар синф деворининг икки тарафига осилган плакатга берилган топшириқларни кетма-кет ёзади ва шунингдек, уларни изоҳлаш вазифаси ҳам топширилади.

1-гуруҳдагилар, тугайдиган табиий бойликларга: кўмир, табиий газ, нефть, торф, ёнувчи сланец, тузлар, гугурт, фосфорит, ер ости минерал бойликлари ва ҳоказоларни ёзиб борса, иккинчи гуруҳ тугамайдиган табиий бойликларнинг номларини иқлим бойликлари, ядро энергияси, шамол энергияси, денгиз сувининг чайқалиш энергияси, оқимлар энергияси ва ҳоказоларни ёзади.

Сўнгра икки гуруҳ уларни изоҳлайди ва таҳлил қилади: бир-бирларидан фарқли томонларини, ушбу бойликлардан қандай фойдаланиш зарурлигини, табиатга «эътиборсиз, ҳурматсизлик» муносабатида бўлишнинг зарарли оқибатларини тушунтириб бериши зарур.

Агар берилган топшириқни иккинчи гуруҳ каноатланарли даражада тушунтирмаса, гуруҳларга плакатларни алмаштириб бериш ва ҳали очилмаган қирраларин тўлдириш топширилади.

Бу «Галерея» усулидан сўнг куйидагича дидактик топшириқлар бажариш орқали ўқувчиларнинг хотирасида табиий бойликлар ҳақида тушунчалар пайдо бўлишга имкониятлар яратилади.

Ўқитувчи ҳар бир ўқувчи иккитадан таркибида табиий бойлик номлари бор нақл-мақолларни дафтарларига ёзишни топширади ва унинг мазмунини мавзуда тушунтирилган назарий билимларига асосланиб изоҳлашини таъкидлайди. Масалан:

1. Сувнинг ҳам уволи бор.
2. Олдиндан оққан сувнинг қадрини ўқ.
3. Олтин кумуш тош экан,  
Арпа буғдой ош экан.
4. Тоғни, тошни эл бузар,  
Одамзотни сўз бузар.
5. Кўлнинг номини балиқ чиқаради,  
Балиқнинг номини халқ чиқаради.
6. Балиқчи денгизда юриб,  
Кунининг ўтганини билмас.
7. Чўл ёқалаб қайтма,  
Кўл ёқалаб қайт.
8. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи  
қимирламас.

Ўқувчи нақл-мақол таркибидаги табиий бойликларни ажрата олиши мумкин, лекин уларнинг қайси ўринларда қўлланишига алоҳида эътибор бермайди. Шунинг учун бу топшириқларга аниқлик киритиш мақсадида ўқитувчи энг дастлабки мақол таркибидаги сув – табиий бойлигининг қандай бойлик гуруҳига кириши ва ундан турмушнинг қайси соҳасида фойдаланилиши, ичимлик сувидан самарали, мақсадли фойдаланишнинг афзалликлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришига йўл-йўриқлар кўрсатиши, ўқувчиларнинг тўғри, хатосиз жавоб беришини назорат қилиши керак. Шундай қилиб, ҳар бир ўқувчининг табиий бойликлар ҳақидаги фикрини тинглаб, тегишли жойларида тўлдириб бориш зарур.

Шунингдек, география фани ўқитувчиси тугамайдиган табиий ресурслар, қайта тикланмайдиган табиий ресурслар ва улардан қандай йўл билан оқилона фойдаланиш мумкин деган саволни доскага ёзиб, унга қисқа, мазмунли жавоб бериш кераклигини ўқувчиларга топширади. Ўқувчилар доскадаги плакатга ўз мустақил фикрларини қисқача маркер ёрдамида ёзиши ва тушунтириб бериши керак. Ўқитувчи кўпроқ тўғри ва мазмунли жавоб беришига қараб баҳолаши керак. Ўқувчилар бу топшириқни қуйидагича тартибда бажариши мумкин.

1. Табиатнинг ифлосланишига йўл қўймаслик.

2. Ҳар хил шанбалик ва ободонлаштириш ишларида чиқиндиларни, хазонларни ёқмаслик, уни тупроққа қўмиб ташлаш кераклиги, сабаби у ҳавони ифлослаши.

3. Ичимлик сувини ифлосламаслик.

4. Ичимлик сувининг исрофгарчилигига йўл қўймаслик, ундан оқилона фойдаланишни билиши.

5. Кислород манбаи бўлган тўқайларни кенгайтириш, ҳар йили баҳорда янгидан кўчат ўтказиш лозимлиги.

6. Ёқилғи ресурсларини тежайдиган техникалардан фойдаланиш зарур ва ҳ.к.

Шу сингари маълумотларга ўз фикрларини ёзиб, уни ўқитувчи ёрдамида изоҳлаш катта аҳамиятга эга.

Дарс сўнгида ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрланган табиий ресурсларнинг ҳаддан ташқари «эътиборсизлик» билан фойдаланиш оқибатида бутун ер юзида рўй бераётган экологик муаммоларга (Орол денгизи муаммоси, тўқайлардаги ёнгин, тоза ичимлик суви муаммоси, озон қатламида юз бераётган жараёнлар, қазилма бойлик конларидан тўғри фойдаланиш ва ҳ.к.) бағишланган қисқа метражли хужжатли фильмни ўқувчилар назарига ҳавола қилиши керак. Шунингдек, дарсда фақат ҳудудий маълумотлар билан таништириб қўймасдан, уларга исрофгарчиликка йўл қўймай тўғри, ўринли фойдаланиш масалаларини ҳам тушунтириб ўтиш жоиз. Бунинг натижасида ўқувчилар фақат ушбу географик билимларни эгаллаб қолмасдан, уларда ўз ўлкасига бўлган меҳр-муҳаббат, Ватанни севиш, инсонийлик фазилатлари шаклланиб боради, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, мавзунини ўрганишда «Зиг-заг», «Ақлий ҳужум», «Синквэйн», «Кластер» ва бошқа ўйин усуллари билан фойдаланиш, уларни тўғри танлай олиш география фани ўқитувчисидан катта талабчанлик, дарснинг мазмунли ўтиши учун сезгирликни, ўз фанига, касбига бўлган масъулиятни талаб этади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. – Тошкент, 1997.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008.
3. Ваҳобов Х., Гайпова Р., Турсьнов М. Географияни оқытыў методикасы. - Нукус: Билим, 2010. - 121 б.
4. Мусаев П., Мусаев Ж. География (8-синф учун дарслик). – Тошкент: «Шарк», 2014. - 8-9 бетлар.

**ХОТИРА****АСАМУТДИН ЗАЙНУТДИНОВ**

География фанлари номзоди, доцент Асамутдин Зайнутдинов 2015 йил 21 январда бевакт вафот этди. У 1940 йил 24 июлда Тошкент шахрида таваллуд топган. 1958 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Ўзбекистон Миллий университети (собиқ ТошДУ) География факультетига ўқишга киради. 1963 йилда табиий географ, ўрта мактаб география ўқитувчиси мутахассислиги дипломини олгач, меҳнат фаолиятини дастлаб 1963 йилда Сариосиё туманидаги 4-мактабда география фанидан дарс беришдан бошлади. 1964-1965-йилларда ушбу туман халқ таълими бўлимида инспектор вазифасида ишлади. Ўзининг соҳаси ва фанига бўлган қизиқиш Асамутдин Зайнутдиновни 1966 йили “Комплекс геология-қидирув экспедиция” сига етаклаб келди. У бу ерда техник геолог, геолог, катта геоморфолог лавозимларида 1972 йилгача ишлади. Асамутдин Зайнутдинов шу даврдан бошлаб, геология ва география соҳалари бўйича илмий-амалий тадқиқот ишларида фаол иштирок эта бошлайди. 1966-1967-йилларда Ўзбекистоннинг геоморфологик, 1968-1970-йилларда Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари учун 1:500 000 масштабда неотектоник хариталарни тузишда бевосита қатнашди. У 1971-1979-йилларда Марказий Қизилқумда олиб борилган геоморфологик текширишлар асосида тузилган 1:200 000 масштабда неотектоник хариталар ҳаммуаллифи ҳисобланади.



Устоз Ўрта Осиё ва Ўзбекистон миқёсида олиб борилган қатор йирик геологик тадқиқотларда, жумладан, 1973-1975-йилларда Ўрта Осиёнинг ландшафт харитасини тузишда, 1975-1978-йилларда Қорақум сув омбори ўрнининг геологик-геоморфологик текшириш асосида текислик структураларнинг фаоллиги, ҳозирги ва неотектоник ҳаракатларнинг хусусиятини ўрганиб, тўғон қуриладиган жойнинг геологик-геоморфологик жиҳатдан ўрганишда, 1978-1979-йилларда Жиззах миллий боғи ландшафтларини тадқиқ этиш ва ландшафт харитасини тузишда иштирок этди.

1979-1980-йилларда Паркент туманидаги “Куёш” объекти ўрнини геологик-геоморфологик тадқиқ этиш асосида қурилиш жойини танлашга ўз хиссасини қўшди. Худди шундай ишлар, 1981-1983-йилларда Қумушқон, Обираҳмат, Қорабулоқ ва Хумсон атрофидаги қурилиш ишларини амалга ошириш учун ҳам амалга оширилди.

1980-1991 йиллар давомида устоз Чорбоғ сув омбори жанубидаги бир неча дам олиш манзилгоҳлари, Ҳожимушкент сув омбори тўғон атрофи, Белдорсойдаги дам олиш, чанғи учуш, пансионатлар ўрни, Қашқадарёдаги Таллимаржон ИЭС ўрнини геологик-геоморфологик жиҳатдан ўрганиб, асослаб беришда фаол қатнашган.

Асамутдин Зайнутдинов ўзининг амалий-назарий ишини педагогик фаолият билан ҳамроҳанг тарзда олиб борган ва 1990 йили “Роль новейших тектонических движений в формировании природных условий Приташкентского района” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 1990-1992-йилларда География ўқитиш методикаси кафедрасининг катта ўқитувчиси, 1992-1994-йилларда ушбу кафедра доценти вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаб келган. Домла амалиётчи олим, чўл, тоғ ландшафтларини бевосита ўрганган ва уларни ўргатишга тинимсиз интилган.

А.Зайнутдинов факультет ва университет жамоат ишларида ҳам фаолият олиб борган, жумладан, 1990-1996 йилларда маънавий-маърифий ишлар бўйича декан муовини, 1996 йилдан география факультети касаба уюшмасининг раиси, 2000 йилларда эса ЎЗМУ касаба уюшмасида ташкилий қўмита раиси лавозимларида қизғин фаолият олиб борган.

Олим ва устоз сифатида А.Зайнутдинов талабаларга нисбатан талабчан, айна пайтда саҳий ва меҳрибон мураббий эди. Географлар жамоаси орасида эса поклиги, ташкилотчилиги, ҳожатбарорлиги, бағри кенлиги, чин кўнгиллиги ва бошқа қатор ибратли хусусиятлари билан кўпчиликнинг ҳурмат ва эътиборини қозонган ҳақиқий Инсон эдилар.

Устознинг Охирати обод бўлсин!

*Ўзбекистон География жамияти раёсати*



## МУНДАРИЖА:

<b>Солиев А.С.</b> <i>Иқтисодий географик тадқиқотларда табиий географик омилар ёхуд географик синтез ҳақида</i> .....	3
<b>Дружинин А.Г.</b> <i>Общественная география в современной России: тренды, проблемы, приоритеты</i> .....	7
<b>Рахматуллаев А., Адилова О.</b> <i>Табиий географик илмий тадқиқотларни жадаллаштиришида дала -тажриба участкаларнинг роли</i> .....	13
<b>Абдулқосимов А.А., Давронов К.Қ.</b> <i>Ландшафт комплекслар асимметрияси ва уларнинг шаклланиши</i> .....	17
<b>Ибрагимова Р.А.</b> <i>Жанубий Амударё дельтаёни табиий географик районининг ландшафт структураси</i> .....	20
<b>Тошбоев З. М.</b> <i>Мирзачўлда таркиб топган антропоген ландшафтлар</i> .....	23
<b>Назаров Х.Т., Хурсанов Д.Б., Облокулов А.</b> <i>Чўл ланшафтларида сунъий агрофитоценозлар яратишининг илмий-амалий аҳамияти</i> .....	25
<b>Холдорова Г., Қаюмова М., Анорбоев С.</b> <i>Мирзачўл ҳудуди тупроқлари мониторинг тизимини яратиши ҳақида мулоҳазалар</i> .....	28
<b>Крахмаль К.А., Абдуназаров У.К.</b> <i>К истокам систематизации научных направлений в географических исследованиях</i> .....	31
<b>Назаров И.Қ. Ҳалимова Г.С.</b> <i>Табиий ҳудудий хилма-хиллик – биологик ва ижтимоий-маданий хилма-хилликнинг асосидир</i> .....	34
<b>Абдуллаев С.И., Жанкабилов И.Х., Мукумова Ҳ.И.</b> <i>Геоэкологиянинг айрим методологик масалалари</i> .....	37
<b>Абдуганиев О.И., Махкамов Э.Г., Махсудова Р.С.</b> <i>Геоэкологические аспекты классификации охраняемых природных территорий</i> .....	41
<b>Боймирзаев К.М., Умаралиева Б.Р.</b> <i>Қўқон воҳаси экологик шароитига шомол эрозиясининг таъсири</i> .....	44
<b>Аҳмадалиев Ю.И., Комилова Н.Ў., Отакулов П.С.</b> <i>Этноэкологик маданият ҳақида</i> .....	47
<b>Холбеков А.М.</b> <i>Некоторые аспекты экологической ситуации на современном этапе</i> .....	50
<b>Мирзамахмудов О.Т., Акбаров Ф.И., Камолов Б.Ҳ.</b> <i>Фарғона водийсида ер ости сувлари сатҳи ва минераллашуви билан боғлиқ геоэкологик муаммолар</i> ....	53
<b>Солиев И.Р.</b> <i>Наманган вилояти ер ости сув захираларидан фойдаланиши ва муҳофаза қилиши масалалари</i> .....	56
<b>Крахмаль К.А.</b> <i>К изучению палегеографических особенностей развития природы и общества в периоды раннего голоцена на территории Узбекистана</i> .....	59
<b>Абдуназаров Ў.Қ., Миракмалов М.Т., Шарипов Ш.М.</b> <i>Амалиётчи олим</i> .....	62
<b>Федорко В.Н.</b> <i>Природно-хозяйственные округа Узбекистана</i> .....	64
<b>Ҳакимов Қ.М., Шоғдорев Т.А., Зайнутдинова Д.Қ.</b> <i>“Жиззах” махсус индустриал зонасини ташкил этишининг зарурияти ва географик асослари</i> .....	69
<b>Умарова А.</b> <i>К вопросу оптимизации структуры агропромышленного комплекса Северо-Западного Узбекистана</i> .....	73
<b>Файзуллаев М.А.</b> <i>Жанубий Ўзбекистон сув ресурсларининг шаклланиши манбалари ва уларнинг сугорма деҳқончиликда аҳамияти</i> .....	77
<b>Баратов А.С., Ахроров Э.Т.</b> <i>Трансчегаравий дарё сув ресурсларини бошқариши ва улардан ҳамкорликда фойдаланиши масалалари</i> .....	81
<b>Ҳалимова Г.С.</b> <i>Қулжуктов тизмаси (Қизилқум) ландшафтларининг маҳаллий сув имкониятларидан чорвачиликда ва рекреацияда фойдаланиши</i> .....	84
<b>Қаландаров У., Рўзметов Д., Эркинов Қ.</b> <i>Хоразм вилояти экин майдонлари мелиоратив ҳолатининг баъзи бир кўрсаткичлари</i> .....	87

<b>Абдувалиев Х.</b> Фаргона вилоятида қишлоқ хўжалигининг ривожланишига таъсир этувчи ландшафт омилларининг табақаланиши .....	90
<b>Ражабов Ф.Т.</b> Фермер хўжалиklarини ривожлантиришида хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши .....	92
<b>Умаров Е.К., Жолдасов А.С.</b> Вопросы совершенствования размещения населения и использования трудовых ресурсов Республики Каракалпакстан ....	95
<b>Ҳайдарова С., Гаппаров А., Усмонова С.</b> Мирзачўл иқтисодий райони ўзлаштирилган ҳудудларида аҳолининг жойлашиши хусусиятлари (Сирдарё вилояти мисолида).....	100
<b>Мадаминов З.</b> Истеъмол географияси ва унинг иқтисодий географик фанлар тизимида тутган ўрни .....	104
<b>Ходжаева Г.А., Кушаев Р.А.</b> Қорақалпоғистон Республикаси демографик салоҳиятининг шаклланиши .....	106
<b>Қодиров М., Бадалов Ў.</b> Самарқанд вилояти қишлоқ аҳолиси сони ва жойлашуви .....	108
<b>Гаппаров А., Ҳайдарова С., Қаюмова М.</b> Жиззах вилоятида урбанизация жараёни ва унга таъсир этувчи омиллар .....	113
<b>Нурланов А.С., Гайпова Р.Т., Абдираманов Ж.Б.</b> Амударё туманида аҳолига хизмат кўрсатиши соҳаларини ривожлантириши масалалари .....	115
<b>Калонов Б.Х., Мухаммедова Н.Ж., Ибрагимова З.</b> Навоий вилоятида аҳолининг жойлашувига таъсир этувчи омиллар .....	118
<b>Мамажонов М., Зулунова Д., Узоқова М.</b> Ижтимоий ҳимоя ва аҳолини қўллаб-қувватлаш тизимидаги ислоҳотлар .....	120
<b>Комилова Н.К.</b> Табиий географик омилларнинг инсон саломатлигига таъсири. Абдувалиева З.Л., Носирова М. Касалликнинг табиий ўчоқларини ўрганишида ландшафт-географик жиҳатлар.....	123
<b>Турдымамбетов И.Р.</b> О влиянии последствий Аральской экологической катастрофы на демографию и здоровье населения Республики Каракалпакстан .....	127
<b>Равшанов А.Х.</b> Ўзбекистонда тиббий географик тадқиқотларнинг ривожланиши .....	130
<b>Намозбоев С.М., Сиддиқов С.Ш.</b> Аҳоли саломатлигини баҳолашнинг экологигиеник кўрсаткичлари (Наманган вилояти мисолида).....	133
<b>Эрдонов Л.Н., Қурбонов П.Р., Хўжаёров Ў.</b> Қашқадарё вилоятида туризмни ривожлантиришининг ҳудудий жиҳатлари .....	138
<b>Гопиров М.О.</b> Некоторые вопросы автомобилизации городов и проблемы их локализации .....	141
<b>Жумаханов Ш.З., Мирзааҳмедов Ҳ.С., Қудратова У.М.</b> Ўзбекистон-Қозғистон муносабатларининг географик жиҳатлари .....	145
<b>Ангуриян А.С.</b> Структурные особенности внешнеэкономических связей Республики Армения .....	147
<b>Жумаханов Ш.З., Маъқулов Ж.Т., Жўрахўжаев Т. Х.</b> Эрон–Ўзбекистон муносабатларининг геосиёсий ва геоиқтисодий хусусиятлари .....	151
<b>Таштаева С.К.</b> География: муаммолар ва истиқболлар (хорижий мамлакатлар тажрибасидан).....	155
<b>Усманов М.Р., Қурбонов К., Олимова О.</b> Ҳозирги замон глобал муаммоларининг географик таҳлили .....	162
<b>Эгамбердиев А., Авезов С.</b> Сущность, методологические принципы, пути и проблемы комплексного отраслевого сельскохозяйственного картографирования .....	165
<b>Хожиматов А.Н., Алимқулов Н.Р., Холмуродов Ш.А.</b> Экологик хариталаштиришининг аҳамияти .....	167
	171



<b>Ярашев Қ.С., Мелиев Б.А.</b> <i>Marinfo</i> дастури ёрдамида Шеробод ёйилмаси парagenетик геокомплексларини картага олиши .....	174
<b>Ҳикматов Ф.Ҳ., Эрлапасов Н.Б., Шодиев А.М.</b> Зарафшон дарёси оқимининг йил давомида тақсимланиши.....	177
<b>Аҳмадалиев Ю.И.</b> <i>Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг этноэкологик асослари</i> .....	180
<b>Уразбаев А.К., Тасболат Б.</b> <i>Функциональная целостность бассейна коллектора и ее роль в оценке природно-мелиоративных условий земель</i> .....	183
<b>Зияев Р.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ., Ҳайдаров С.А.</b> Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқимининг шаклланиши ва унинг силжиишлари ҳақида.....	186
<b>Джаксымуратов К.М., Нурланов А.С., Есенбаев Г.Р.</b> <i>Особенности режима и ресурсов пресных подземных вод Каракалпакстана, проблемы их использования</i> .....	189
<b>Рахмонов К.Р., Бегматова С.П., Мирзаев Ў.А.</b> <i>Ўзбекистон тоғ дарёлари ойлик муаллақ оқизиқлари билан сув сарфлари орасидаги боғланишларни ўрганиши</i> .....	192
<b>Ўринов Б.С., Қодирова М.М.</b> <i>Чекланган сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ташиқилий омиллари</i> .....	195
<b>Холиқулов Ш.Т., Разикова З.Э.</b> <i>Тупроқ иқлимни ўрганиши: ўтмиши ва келажаги</i> .....	198
<b>Сафарова Н.И., Қаландарова М.К., Тўйчиева Г.Ш.</b> <i>География таълим жараёнида ўқувчилар интеллектуал фаолиятини ривожлантириши</i> .....	202
<b>Абдалова З.Т.</b> <i>Использование интерактивных и инновационных методов в преподавании экономических дисциплин</i> .....	206
<b>Ибраимова А.А., Ибрагимова Р.А.</b> <i>“Гидросфера” мавзуси билан боғлиқ амалий машғулотларни ташиқил этишида интерфаол методларнинг ўрни</i> .....	208
<b>Мосин В.П.</b> <i>Основные типы уроков географии в общеобразовательной средней школе и особенности их структуры</i> .....	212
<b>Каримов И.Э., Усмонова С.А., Бурхонов Э.К.</b> <i>Ўқув рельефли макет ясаи технологияси ва уни таълим тизимида жорий қилиш муаммолари</i> .....	215
<b>Гайпова Р.Т., Утепова Г.Б., Бекешова С.Ш.</b> <i>«Ўзбекистоннинг табиий шароити ва табиий бойликлари» мавзусини ўрганишида интерфаол усуллардан фойдаланиши</i> .....	218
<b>Асамутдин Зайнутдиновни хотирлаб</b> .....	221
<b>“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” журналига мақолалар тақдим этиш қондалари</b> .....	222

**ЎЗБЕКИСТОН**  
**ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ**  
**А Х Б О Р О Т И**  
**\* \* \***  
**И З В Е С Т И Я**  
**ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА**

---

**45 - жилд**

---

Босишга рухсат этилди: 08.04.2015 Қўғоз бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>  
Гарнитура «TimesUz». 14,5.шартли босма табоғи,14.нашриёт-босма  
табоғи.Адади 100 нусха.

М.В.Ломоносов номидаги МДУнинг Тошкент шаҳридаги Филиали  
Матбаа марказида чоп этилди.  
100060,Тошкент шаҳри,Амир-Тимур шоҳ кўчаси,22.